

А. Нурмонов, С. Холтўраев,  
М. Мирзохидова, Д. Абдуллаева

# ЎЗБЕК ТИЛИ

11



КЫРГЫЗ РЕСПУБЛИКАСЫНЫН  
МАМЛЕКЕТТИК ГЕРБИ



КЫРГЫЗ РЕСПУБЛИКАСЫНЫН  
МАМЛЕКЕТТИК ЖЕЛЕГИ



## КЫРГЫЗ РЕСПУБЛИКАСЫНЫН МАМЛЕКЕТТИК ГИМНИ

Сөзү: *Ж. Садыков, Ш. Кулуевдики*  
Муз.: *Н. Давлесов, К. Молдобасановдуку*

Ак мөңгүлүү аска-зоолор, талаалар,  
Элибиздин жаны менен барабар.  
Сансыз кылым Ала-Тоосун мекендеп,  
Сактап келди биздин ата-бабалар.

**Кайырма:** Алгалай бер, кыргыз эл,  
Азаттыктын жолунда.  
Өркүндөй бер, өсө бер,  
Өз тагдырың колунда.

Байыртадан бүткөн мүнөз элиме,  
Досторуна даяр дилин берүүгө,  
Бул ынтымак эл бирдигин ширетип,  
Бейкуттукту берет кыргыз жерине.

**Кайырма:**

Аткарылып элдин үмүт тилеги,  
Желбиреди эркиндиктин желеги.  
Бизге жеткен ата салтын, мурасын,  
Бйык сактап, урпактарга берели.

**Кайырма:**





А. Нурмонов, С. Холтўраев, М. Мирзохидова,  
Д. Абдуллаева

# Ўзбек тили

Умумтаълим мактабларининг  
11- синфи учун дарслик

*Қирғизистон Республикаси*  
*Таълим ва фан вазирлиги тасдиқлаган*

Кыргыз Республикасы  
Ички, келишим жана маданият  
министрлиги  
№ 9 А. БУДАКИ  
протокол  
Министрлик томонидан,  
наука ва таълим туган  
Кыргыз Республикаси  
Президентининг № 9  
А. БУДАКИ

Бишкек – 2014 йил

2014 й.д.  
№ 150/14  
Б.Ош

УДК 373.167.1  
ББК 81.2 Уз я721  
У 34

*Тақризчи: ф.ф.н., доц. С.Мирзақулов*

**У 34**      **Ўзбек тили:** Умумтаълим мактабларининг 11-синфи учун дарслик /А.Нурмонов, **С. Холтўраев,** М.Мирзоҳидова, Д. Абдуллаева, – Б.: 2014.– 172 б.

ISBN 978–9967–31–213–5

Қўлингиздаги ушбу дарслик Қирғизистондаги ўзбек мактаблари учун «Дарсликлар яратиш маркази» томонидан тайёрланди. Дарслик ҳақидаги фикр-мулоҳазаларингизни «Марказ» маъмуриятига ёзма равишда билдиришингизни илтимос қиламиз.

*Бизнинг манзил: Ўш шаҳри,  
Г. Айтиев кўчаси, 25-уй*

У 4306020300-14

УДК 373.167.1  
ББК 81.2 Уз я 721

ISBN 978–9967–31–213–5

© А. Нурмонов, **С. Холтўраев,**  
М.Мирзоҳидова, Д. Абдуллаева, 2014.  
© ҚР Таълим ва фан вазирлиги, 2014.

# ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН!

## 1-§. Ўқув йили бошида такрорлаш

**1-машқ.** Шеърни ифодали ўқинг. Ундаги сўзларни отлар, сифатлар... тарзида сўз туркумларига ажратиб ёзинг.

### Биринчи кўнғирок

Пинҳон орзуларим чорлаб мактабга,  
Олис истиқболдан этиб илк огоҳ,  
Тенгдошларим бўй ўлчаб тизилдик сафга,  
Кўнғирок ёқимли янгради ногоҳ.

Гўё шу илк овоз орзу-тилакка,  
Эришмоқ йўлида чақириқ бўлди.  
Гўё шу кўнғирок гул келажакка  
Чорловчи умид ва хайкириқ бўлди.

Ҳаёт чорловига пешвозман – пешвоз.  
Ҳар куни минг турли товушлар янграр.  
Аммо қулоғимда ўша илк овоз  
Келажакка чорлаб, ҳамон жаранглар.

(Ж.Қурашев)

**2-машқ.** Ўқинг. Матн таркибидаги сўзларни сўз туркумлари бўйича таҳлил қилинг. Уларнинг гапдаги вазифаларини айтинг.

### Улуғ адиб

Абдулла Қодирий (Жулқунбой) – ўзбек романчилигини бошлаб берган ёзувчи.

Қодирий Тошкентда боғбон оиласида туғилди. Эски мактабларда, сўнг (1908-1912) «Рус-тузем мактаби» да ўқийди. 1912-15 йилларда бир бой дўконида приказчилик (буйруқларни бажарувчи) қилади. Шу даврдан ижодий фаолияти бошланади. Кўп хусусий мутолаа қилади, мадрасада ўқийди, рус, араб, форс, турк тилларини ўрганади. 1924–25 йилларда Москвадаги Валерий Брюсов номли Давлат журналистлар институтида таҳсил кўради...

1923 йил «Муштум» журналинини ташкил қилишда қатнашади ва журналнинг 1-сонига бош мақола ёзади.



Ёзувчи «Калвак маҳзумнинг хотира дафтаридан», «Тош-пўлат тажанг нима дейди?» (1923-26), «Ўтган кунлар» (1925-26), «Меҳробдан чаён» (1929), «Обид кетмон» (1935) каби йирик сатирик асарлар, тарихий роман ва қиссалар ёзади. Рус ва ғарб классикларидан таржималар қилади.

(*Х.Қодирӣ*)

**3-машқ.** Қуйидаги гаплардан гап бўлақларини ажратинг ва таҳлил қилинг. Кириш сўзлар қандай маъноларни англатаётганини изоҳланг ва тиниш белгиларини қўйиб кўчиринг.

1. Дарҳақиқат ҳаётнинг шундай қонунлари таомиллари борки улар ҳолат шароит вазият танламайди (*Х. Қуронбоев*)

2. Хуллас катта ариқ бўйи табиатан жуда гўзал, салқин, ёзнинг иссиқ кунлари киши хузур қилиб дам оладиган жой эди. (*А. Акрамхўжаев*)

3. Чамаси шундан икки кун ўтгач эрталаб овулда итлар ҳуриб, одам овозлари эшитилиб қолди. (*Ч.А.*)

4. Ёқимли хидлар киши аклини, хотирасини ва умуман аъзойи баданини тиниқлаштиради. (*Х. Зиёев*)

5. Айниқса Саид Ҳалил Ҳумоюндан зиндон қасдини олиш учун ҳеч нарсадан қайтмаслиги аниқ. (*П.Қ.*)

6. Сабр-тоқат қилингиз албатта Тангри сабр қилувчилар билан биргадир. (*Ҳадис*)

7. У бировга тақлид қилишни хушламас эди қолаверса гавдасига кучига ишонар эди. (*Т.М.*)

**4-машқ.** «Қирғизистон мустақиллиги байрами» мавзусида иншо ёзиш учун режа тузинг ва иншонинг мазмунига мос эпиграф танланг.

**5-машқ.** Саволларга оғзаки жавоб беринг.

1. Грамматика неча қисмдан иборат? Унда тилшуносликнинг қандай соҳалари ўрганилади?

2. Мустақил сўз туркумлари қайсилар?

3. Мустақил сўзлар билан ёрдамчи сўзларнинг фарқи нимада?

4. Нима сабабдан кўмакчи, боғловчи ва юкламалар ёрдамчи сўзлар деб юритилади?

5. Ундов, тақлид ва модал сўзларнинг ўзига хос хусусиятлари нимада кўринади?



### Топшириклар:

1. «Синтаксис» ва «пунктуация» атамаларини изоҳланг.
2. Синтаксис бўлимида ўрганилувчи бирликларга тўхталинг.
3. Ўзбек тилидаги тиниш белгиларини санаб беринг.
4. Нуқта, вергул ва тиренинг қўйилиш сабабини тушунтиринг.
5. Икки нуқта ва кўп нуқтанинг ишлатилишига доир мисоллар келтиринг.
6. Қўштирноқ ва қавснинг қўлланиш ўринларини изоҳланг.

Грамматика – тилшунослик фанининг асосини ташкил этиб, икки қисмдан: морфология ва синтаксисдан иборат.

Морфология сўз туркумлари ва уларнинг шаклларини ўрганади.

Синтаксис юнонча сўз бўлиб, «тузиш» деган маънони англатади. Синтаксис бобида сўз бирикмалари, гап, гап бўлаклари, гапларнинг мақсадга кўра турлари, тузилишига кўра, оҳанг ва мазмунига кўра турлари, кўчирма ва ўзлаштирма гаплар ўрганилади.

Пунктуация бўлимида тиниш белгилари ва уларнинг ишлатилиши ўрганилади.

Ўзбек тилида тиниш белгилари ўнта бўлиб, уларнинг ишлатилиши, асосан, синтаксис билан боғлиқдир.

**6-машқ.** Гапларни ўқинг. Тиниш белгиларининг қўйилиш сабабини тушунтиринг. 1, 3, 5, 6 ва 7 гапларга муносабат билдириг. Ибраторумз фикрлардан хулоса чиқариб, синфда муҳокама қилинг.

1. Истеъдод – шон шарафга етакловчи куч, ирода – истиқбол йўли, ақл – йўлни ёритувчи машъал. (*Ё.Шукуров*)
2. Махтумқули – туркман шеърятининг сардори. У XVIII асрда (туғилган йили ва вафот этган санаси маълум эмас) яшаб ижод этган.
3. Насиҳат ҳам бамисоли дори: меъёрида бўлса тузатади, ошиб кетса захарлайди. (*И.Вальде*)
4. Муҳаббат шундай мўътабар, муқаддас нарсаки, уни қанча эъзозласанг, дилинг шунча равшан бўлади. (*Ё.Шукуров*)
5. «Тил халқнинг ўтган, яшаётган ва келажак авлодларини бирлаштирувчи энг унумли, энг мустаҳкам боғичдир», – деган эди машҳур педагог

К. Ушинский. 6. Араб донишмандларидан бири айтади: «Икки душман бутун ер юзига сигмайди, ammo икки дўст бир қарич ерга ҳам сиға олади». (Х.) 7. Ҳақиқат борми?! Ҳа, ҳақиқат бор! У фақат кўрқоқ, заиф одамлар учун йўқдек туюлади; жасур, кучли, исёнкор одамлар учун ҳамиша мавжуд. ҳаёт, турмуш курашсиз бўлмайди, зиддиятларсиз эса тараққиёт. (Журн.)

7-машк. Шеърларни ўқинг. Тиниш белгиларининг қўйилиш сабабини тушунтириб беринг.

1. Кел, кўнглим, мен сенга насиҳат қилай,  
Ватанни тарк этиб кетгувчи бўлма. (Маҳтумқули)

2. На жаннат бу, на дўзах бу,  
Аросатдур, аросатдур.  
Ҳаводек бизга даркор не?  
Фаросатдур, фаросатдур.

Сўрайман ғамзада элнинг  
Юрак дардига не чора?  
Келур ғойибдан садо: ёлғиз  
Адолатдур, адолатдур. (Э.В.)

3. Тилагим шу: нурга тўлсин толе – қуёшинг,  
Уч ёш нима, асрларни қаритсин ёшинг.  
Ойгул сенинг мадҳинг билан дилни шод этар,  
Она юртим, тўй-базмдан чиқмасин бошинг.  
(О.Абулфайзиева)

4. Хайр, Баҳор! Алвидо, Баҳор!  
Раҳмат, оппоқ гулларинг учун,  
Шохларимга зумрад ғўралар  
Қадаб қўйган қўлларинг учун. (Ш.Р.)

5. Зор йиғлатдинг бунча ҳам, ҳайҳот,  
Менда ҳам бор сендаги сайёд...  
Эй беозор, эй мўмин жонзот  
Жайрон, нега кўзинг тўла ёш? (М.Ю.)

6. Сенга бармоғимни текизмайман, Ой,  
Сенга нафасимни етказмайман, Гул.  
Лекин осмонимдан кеткизмайман, Ой,  
Исмингни бировга айткизмайман, Гул. (И.Мирзо)



#### Топшириқлар:

Қуйида берилган гапдаги сўзларни аввал морфологик таҳлил қилинг, сўнг гапни синтактик таҳлил қилиб, сўз бирикмаларини топинг: *Серчанг, сершовқин кўчаларда одамлар дарёдай оқиб борарди.*

(П.Қ.)

Гапни ташкил этган барча сўзлар бир-бирлари билан мазмун ва грамматик қонун-қоидалар асосида боғланади.

Гапнинг асосини эга билан кесим ташкил этади. Қолган сўзлар ё эгага, ёки кесимга боғланади.

Сўз бирикмалари икки ва ундан ортиқ мустақил сўзларнинг ўзаро тобе муносабатидан ташкил топади. Масалан: *Биз уларга юртимизнинг жамолини кўрсатдик.* (Э.Охунова)

Бу гапнинг асоси, яъни эга ва кесими – *Биз кўрсатдик.*

Сўз бирикмалари: 1) *уларга кўрсатмоқ;*

2) *жамолини кўрсатмоқ;*

3) *юртимизнинг жамоли.*

**Эслатма:** Гапни феълли сўз бирикмаларига ажратишда ҳамиша феълнинг ноаниқ шакли қўлланилади.

Гапдаги сўзлар ўзаро икки хил боғланади:

1. Тенг боғланиш.

2. Тобе (эргаш) боғланиш.

*Қадим замонларда ота-боболаримиз қуёшга, сувга, ўтга, тоғларга сизинганлар.* (Журн.)

Бу гапнинг эга ва кесими – *Ота-боболаримиз сизинганлар.*

*Қуёшга, сувга, ўтга, тоғларга* сўзлари ўзаро тенг боғланган (уларни уюшиқ бўлақлар деймиз). Уюшиқ бўлақларнинг ҳар бири кесимга тобе боғланган.

Шундай қилиб, бу гапда қуйидаги тобе боғланишлар, яъни сўз бирикмалари бор:

1) *қадим замонлар;*

2) *қадим замонларда сизинмоқ;*

3) *қуёшга сизинмоқ;*

4) *сувга сизинмоқ;*

5) *ўтга сизинмоқ*;

6) *тоғларга сизинмоқ*.

Сўз бирикмаларини гаплардан фарқлаш керак.

*Ҳаво мусаффо* – йиғиқ содда гап.

*Мусаффо ҳаво* – сўз бирикмаси.

Гап мустақил фикрни билдириб, тугалланган оҳанг билан айтилади. Сўз бирикмаси эса гапни кенгайтириш учун хизмат қилади.

Тобе боғланиш уч хил бўлади: мослашув, бошқарув, битишув.

**Мослашув.** Қаратқич келишиги кўшимчасини олган сўз билан қаралмиш ўртасидаги боғланиш мослашув бўлади: *қуёшнинг нури, онанинг фарзанди, оиланинг эркаси*. Эгалик кўшимчасини олган сўз – қаралмиш ҳоким сўз бўлади. Қаратқич келишигидаги сўз тобе бўлади. Баъзан қаратқич келишигининг кўшимчаси тушиб қолиши мумкин: *мактаб ўқувчиси, юрт бошлиғи, ишлаб чиқариш илгорлари*. Ҳоким сўздаги эгалик кўшимчаси ёрдамида қаратқич келишигидаги сўз топиб олинади.

Қаратқич ва қаралмишлар доимо ёнма-ён келавермайди. Баъзан улар орасида бошқа сўзлар ҳам қўлланилиши мумкин: *Эркин Воҳидов арузнинг табаррук остонасида побон янглиг пайдо бўлди*. (А.О.)

**8-машқ.** Ўқинг. Берилган гаплардаги мослашув йўли билан алоқага кирган сўз бирикмаларини топиб ёзинг.

1. Сахийнинг эҳсонига бахилнинг боши оғрир. (М.) 2. Чолнинг баъзи сўзлари мени ўйга солди. (Р.Н.Гун.) 3. Мен одам бошлаб келганим йўқ, ҳамманинг ўз қулоғи бор. (А.Қ.) 4. Кучли одамнинг ғазабидан кўрқма, ожизникидан кўрқ. (Ў.Х.) 5. Дўстларнинг ҳасади душманнинг хусуматидан ёмонроқдир. (Х.) 6. Ёғочнинг бўшини қурт ейди доим. (М.) 7. Ҳақиқат захри ёлғоннинг асалидан яхши. (М.) 8. Табиат бойликларини асрангиз! 9. Инсоннинг сидқидилдан эл учун қилган меҳнатлари беиз қолмайди. (Ў.Х.) 10. Мен... Оллоҳнинг қулиман. Исми Абдурахмон. (Т.М.) 11. Яхшиси қаҳрамонларнинг ўзлари ҳикоя қилиб бера қолишсин. (Ч.А.) 12. Дили тўғрининг тили



тўғри. (М.) 13. Инсондаги энг яхши хулқ-атвор одамларнинг қайғу-ҳасратларига шерик бўлишдир. 14. Ҳар ишнинг ўзига лойиқ кишиси, ҳар мажлиснинг ўзига муносиб сўзи бор. (Ҳ.)

**Бошқарув.** Ҳоким сўзнинг талабига кўра тобе сўзнинг келишиқ кўшимчалари билан ўзгариши ёки кўмакчилар билан келиши бошқарув дейилади. Бошқарувда ҳоким сўз асосан феъл бўлади. Масалан: *ёшларни етакламоқ, минбарга чиқмоқ, йиғилишида сўзламоқ, қурултойдан қайтмоқ, одоб билан гапирмоқ, укаси учун олмоқ, дўсти ҳақида ўйламоқ.*

Баъзан от (кенг маънода) ҳам ҳоким сўз ўрнида қўлланилиши мумкин. Масалан: *отдан баланд, қиличдан ўтқир.*

**Битишув.** Ҳоким сўз билан тобе сўзларнинг ҳеч қандай воситасиз ўзаро боғланиши битишув дейилади. Масалан: *тез сўзламоқ, ёруғ хона, ҳаворанг кўйлак, биринчи синф, тадбиркор раҳбар, рост гапирмоқ, ўйлаб иш қилмоқ.*

Сўз бирикмаларининг одатдаги тартибига кўра ҳоким сўз кейин, тобе сўз олдин келади.

**Эслатма:** Ҳоким сўзнинг қайси сўз туркуми билан ифодаланишига кўра сўз бирикмалари уч хил бўлади: отли бирикмалар (*ўрик гули, бизнинг ҳовли, пок қалб, қадимий шаҳар*); феълли бирикмалар (*китобни ўқимоқ, ўзлигини йўқотмоқ, боғда ишламоқ*); равишли бирикмалар (*ҳаммага бирдай, овоздан тез, менда кўп*).

**9-машқ.** Матнни ўқинг. Аввал гапларнинг эга ва кесимини (бош бўлақларини) ёзинг. Сўнг сўз бирикмаларини: мослашув, бошқарув, битишув тартибига кўчиринг. Бир бош бўлакли гапларни оғзаки изоҳланг.

Ёзнинг иссиқ кунлари. Жазирама иссиққа чидаб бўлмайти. Сиёвуш 3-курсни тамомлаб, Бишкекка практикага келган эди. Амалиёт муддати тугагач эса, дам олгани уйига келган эди. Уни аэропортда оппоқ дадаси, отаси, онаси ва синглиси Гуландом кутиб олишти. У охири марта Ўшга бувиси вафот этгандан сўнг келиб кетган эди. Сиёвуш отасига ўхшаган басавлат, бўйбаста келишган йигит. Эғнида чиройли қора костюм. Қўлида дипломат. Соқол ҳам кўйиб олган. Кўзида қора кўзойнак.

(Р.Карим)

**10-машк.** Қуйидаги сўз бирикмаларини (улар таркибидаги сўзларни бошқа сўзлар билан алмаштирмаган ҳолда) гапга айлантириб кўчириг.

Қушларнинг сайраши, оққан дарё, ўрикнинг гуллаши, Ўш кўчалари, баҳорнинг келиши, сочнинг оқариши, ўкиган киз, тиник осмон, ёшларнинг бурчи, кўп гапириш, Ватан тупроғи.

**11-машк.** Ўқинг. Матндаги асосий фикрни аниқлаб, сарлавҳа топинг. Гапларни сўз бирикмаларига ажратиб, аввал отли бирикмаларни, сўнгра феълли бирикмаларни кўчириб ёзинг.

Муҳаммад ибн Аҳмад Бағдодийнинг бир мушуги бор эди. Ҳар куни унга бир парчадан гўшт бериб турарди. Бир куни мушукни кабутархонада тутиб олдилар, сўйиб терисини шилдилар ва чўпга илиб кабутархона эшигига осиб қўйдилар. Шу пайт фавқулодда Муҳаммад ибн Аҳмад Бағдодий кабутархона олдидан ўтиб қолди ва мушугини шу алфозда кўриб деди:

– Биз бериб турган бир парча гўштга қаноат қилганингда, бу аҳволга тушмаган бўлардинг. (*«Аждодлар ўғити» дан*)

**12-машк.** Матни ўқинг. Ҳар бир тиниш белгисининг қўйилиш сабабини айтиб беринг.

### **Ғани Абдурахмонов**

Филология фанлари доктори Ғани Абдурахмонов 1925 йилда Фарғона шаҳрида хизматчи оиласида туғилди. У шаҳардаги 1 - ўрта мактабни тугатгач, 1942 йилда Улуғбек номидаги Фарғона Давлат педагогика институтининг Тил ва адабиёт факультетига ўқишга киради. 1946 йилда олийгоҳни имтиёзли диплом билан тугатади ва институтда ўқитувчи қилиб қолдирилади. Сўнгра у Самарқанд Давлат университетидан номзодлик минимумлари топшириб, 1950 йилда профессор Улуғ Турсун раҳбарлигида «Ҳозирги замон ўзбек тилида субстантивация» деган мавзуда номзодлик диссертациясини ёқлайди. Ғ. Абдурахмонов бир неча йил Фарғона педагогика институтидан ўзбек тили кафедрасининг мудири, илмий ва ўқув ишлар бўйича ректор ўринбосари ва кейинчалик ректор лавозимида ишлайди.

Ғ. Абдурахмонов А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти ўзбек тили тарихи секторининг мудири вазифасида



фаолиятини давом эттиради. 1960 йили республикада иккинчи бўлиб, 35 ёшида «Ўзбек адабий тилининг кўшма гап синтаксиси» мавзусида докторлик диссертациясини ёқлайди.

Олим ўзининг илмий-педагогик фаолияти давомида ўзбек тилшунослигининг муҳим томонларига бағишлаб қатор асарлар нашр эттирди: «Ажратилган иккинчи даражали бўлақлар» (1955), «Ўзбек тили дарслиги» (доцент А. Маъруфов билан ҳамкорликда, 1956), «Кўшма гап синтаксиси асослари» (1958), «Основы синтаксиса современного узбекского языка» (1960), «Ўзбек тили тарихий грамматикаси» (1962), «Миллий тилларнинг тараққиёти масаласи» (1962) кабилар.

Истеъдодли олим ўз фаолияти давомида ўндан ортиқ докторлик ва номзодлик диссертацияларига расмий тақризчи бўлди ва ўнга яқин ёш мутахассисларга илмий раҳбарлик қилди.

13-машқ. Куйидаги тест саволларининг тўғри жавобини белгиланг.

**1. Қандай боғловчи воситалар тенг боғланишни ҳосил қилади?**

- А. Юкламалар ва кўмакчилар.
- Б. Эргаштирувчи боғловчилар.
- В. Тенг боғловчилар ва санаш оҳанги.
- Г. Ундов, тақлид ва модал сўзлар.

**2. Тобе боғланишни юзага келтирувчи боғловчи воситалар қайси қаторда жойлашган?**

- А. Келишиқ кўшимчалари ва кўмакчилар.
- Б. Эгалиқ ва шахс-сон кўшимчалари.
- В. Сўз тартиби ва оҳанг.
- Г. А, Б, В жавоблар тўғри.

**3. Мослашув алоқалари берилган қаторни белгиланг.**

- А. Телефон орқали гаплашди, юзини ювди.
- Б. Аста сўзлади, юртини севади.
- В. Қалб кўри, бирликнинг кудрати.
- Г. Гуллар очилди, қуёшга боқди.

**4. Бошқарув алоқалари берилган қаторни белгиланг.**

- А. Сув париси, ҳаётий сабоқ.
- Б. Ҳаворанг кўйлақ, она ардоғи.
- В. Орқасига қайтди, ов милтиғи.
- Г. Хорижга жўнади, укаси билан сўзлашди.

5. Битишув алоқалари берилган қаторни белгиланг.

- А. Ориятли бола, чакқон қиз.
- Б. Баланд иморат, ер сатҳи.
- В. Дўстингга ишон, оловли йўллар.
- Г. Умид юлдузлари, серташвиш йиллар.

6. Қайси қаторда тенг боғланишли бирикма берилган?

- А. Лоланинг китоби.
- В. Кўм-кўк водийлар.
- Б. Меҳмонлару мезбонлар.
- Г. Ҳашарга қатнашдик.

7. Тобе боғланишли бирикма қайси қаторда жойлашган?

- А. Мажлис бошланди.
- В. Бепоён далалар.
- Б. Ота ва бола.
- Г. Ҳашарчилар келишди.

8. Келтирилган мисолларнинг қайси қаторида бошқарув алоқаси берилган?

- А. Тез гапирмоқ.
- В. Каримдан сўрамоқ.
- Б. Мактаб ҳовлиси.
- Г. Менинг китобим.

9. Қайси қаторда тобе сўз ҳоким сўз билан тушум келишиги кўшимчаси воситасида боғланган?

- А. Интизомли йигит қизлар.
- В. Қадимий ёдгорликлар.
- Б. Инсоний фазилатлар.
- Г. Муножотни тинглаб.

10. Қайси мисолда тобе сўз ҳоким сўз билан кўмакчилар ёрдамида боғланган?

- А. Кўз илғамас бепоён далалардан кўзиларнинг маъраши эшитиларди.
- Б. Аълочи ўқувчилар фахрий ёрлик ва пул мукофотлари билан тақдирландилар.
- В. Олтин ўтда билинади, одам меҳнатда.
- Г. У вақтлар барча юмушлар қўлда бажариларди.

11. Грамматик воситасиз бириккан бошқарувли бирикма қайси қаторда берилган?

- А. Одамгарчилик ҳақидаги мисоллардан ўқидик.
- Б. Ёзнинг жазирама иссиғи кир-адирларни қовжиратган эди.
- В. Донолар насихатига қулоқ солиш зарур.
- Г. Ўқитувчи китоб ўқишнинг фойдаси ҳақида суҳбат ўтказди.

12. Ҳоким ва тобе сўз тартиби ўзгарган бошқарувли бирикма қайси мисолда берилган?

- А. Мақсадга эришиш йўлидаги машаққатлардан чекинмаслик керак.



Б. Хар бир инсон ўз орзусини амалга ошириш йўлида тинмай меҳнат қилади.

В. Тонгда эсаётган майин шабада дилларга ором беради.

Г. Тинглаб қалб сўзларини, белбоғини боғлаб белига.

### 13. Қайси мисолда мослашув алоқаси мавжуд?

А. Талабалар журналнинг янги сонини ўқиб чиқишди.

Б. Билимни мустаҳкамлаш керак.

В. Тўғрилиқ ва ростгўйликка одатланинг.

Г. Катта танаффусда биз суҳбатлашиб ўтирдик.

## 4-§. Гап

### Топшириқлар:

**I.** Қуйи синфлардаги она тили дарсликларидан гапга берилган таърифларни кўчиринг ва шу таърифлар ёрдамида гапнинг асосий белгиларини аниқланг.

**II.** Матнни ўқинг. Гапларни ифода максадига кўра гуруҳлаб, дафтарингизга кўчиринг.

**III.** Матндаги *махтал бўлмоқ, хиргоҳ керагаси, соҳиб тажриба бек, тулки тумоқ, дўнг қаншар, тезфаҳм киши, сиёсат дагдагаси* каби сўз бирикмаларининг маъносини изоҳланг.

– Чопар махтал бўлиб қолди, амирзодам!

Бобур Мирзо Қосимбекнинг ўктам овозидаги сезилар-сезилмас тоқатсизлик оҳангини пайқаб, хиргоҳ керагасидан кўзини олди. Падари бузургворининг хизматида ҳам кўп садокатлар кўрсатган бу қари, соҳибтажриба бекнинг тулки тумоқ остидаги дўнг қаншари асабий тиришиб турарди.

– Чопар махтал бўлса... изожат беринг-да кўйинг! – деди Бобур тўсатдан кескин товуш билан. – Арслоннинг мўйлабиға қўл чўзмоқдан не мурад ахир?!

Қосимбекнинг сийрак, сарғиш киприклари пирпиради:

– Англамадим, амирзодам?

– Нечун англамайсиз? Ер остинда илон қимирласа биладиган сиздек зукко, тезфаҳм кишининг англамаслиги... тааж-жуб!

– Амирзодам авф этсинлар, бироқ кулингиз ҳеч вақт тезфаҳмлиқ даъвосини қилган эмас! – деди Қосимбек юпқа лаблари гезариб.

– Чакки қилурсиз! Аркони давлатга, сиёсат дағдағасига мансуб кимса тезфаҳм бўлмоғи вожиб, – деди Бобур Мирзо хиёл юмшаб. – Зеро, ҳар ишнинг заминида юз минг мулоҳаза лозим. Бир бемулоҳаза ҳукм туфайли не балоларга гирифтор бўлдик, энди кўзни очмоқ даркор. (Ҳ. Султон)

Гап маълум фикрни ифодалайди. Гапда фикр нисбий тугалланган бўлади. Гап грамматик жиҳатдан маълум қонун-қоидалар асосида шаклланиб, ўзига хос оҳангга эга бўлади.

Гаплар тузилишига кўра иккига бўлинади: содда гап ва қўшма гап. Қўшма гаплар ўз навбатида яна бир неча турларга бўлинади.

Гапнинг асосий белгилари:

1. Муомаланинг энг кичик бирлиги.
2. Нисбий тугалланган фикрни ифодалайди.
3. Грамматик шаклланган бўлади.
4. Тугалланган оҳанг билан айтилади.

**14-машқ.** Гапларни тузилишига кўра таҳлил қилинг. Аввал содда гапларни, кейин қўшма гапларни кўчириб ёзинг.

1. Отамдан қаттиқ ҳайқар эдик. У бирор марта ҳам биронтамизни бир тарсаки урган эмас. Отани қаттиқ иззат қилишни онам ўргатган. (Ў. Ҳ.) 2. Инсон овқатсиз беш ҳафта, сувсиз беш кун яшаши мумкин, аммо ҳавосиз беш дақиқа ҳам яшаб бўлмайди. 3. Инсон ҳаёти шахмат тахтасидаги пиёдаларнинг юришига ўхшайди: гоҳ оқ хонадан ўтасан, гоҳ қора хонадан. (Ў. Ҳ.) 4. Оқил киши сўзига бино қўяр, нодон киши ўзига бино қўяр. (М.) 5. Агар сиригни сакласанг, у сенинг асиригдир; агар сириг ошқора бўлса, сен унинг асири бўлиб қоласан. 6. Одобсизлик жўшқин бир сел оқимидирки, улуғворлик, вазминлик саройини хароб этади. (Ҳ.) 7. Ўш бозорида қовунларнинг ҳар хил навлари: оқ новвот, кўкча, адрас қовун, оқ қовун сотилади. 8. Йиғи-сиғи, кулги – ҳаммаси аралашиб кетди. (Ў. Ҳ.)

**15-машқ.** «Турон заминидан етишиб чикқан буюк алломалар» мавзусида қисқа ҳажмли эссе ёзинг. Матндаги гапларни синтактик таҳлил қилинг.



**I.** Гаплар бош бўлақларнинг миқдорига кўра содда ва қўшма гапларга бўлинади. Таркибида битта бош бўлақ қатнашган гаплар содда гаплар саналади. Масалан: *Мен келдим.*

**II.** Гаплар сўзловчининг ифода мақсадига кўра уч турга бўлинади: 1. Дарак гап. 2. Сўроқ гап. 3. Буйруқ гап.

**III.** Ҳис-ҳаяжоннинг иштирокига кўра эса ҳис-ҳаяжонсиз гаплар ва ҳис-ҳаяжонли гапларга бўлинади. Юқоридаги дарак, сўроқ, буйруқ гаплар дарак, буйруқ, сўроқ оҳанги билан талаффуз этилиб, ҳис-ҳаяжонсиз гаплар саналади. Бу гаплар ҳис-ҳаяжон билан талаффуз қилинса, ҳис-ҳаяжон гаплар деб юритилади.

**IV.** Содда гаплар эга ва кесимининг мавжудлигига кўра 2 хил бўлади.

Икки бош бўлақли гаплар. Буларда эга ҳам, кесим ҳам мавжуд бўлади.

Бир бош бўлақли гаплар. Буларда эга бўлмайди.

**V.** Содда гаплар тузилишига кўра йиғиқ гап ва ёйиқ гапларга бўлинади.

Йиғиқ содда гаплар фақат бош бўлақлардан, яъни эга ва кесимдан ташкил топади. Масалан: *Қуёш чиқди. Дўстлик узилмасин. Китоб – офтоб.*

Ёйиқ содда гаплар таркибида иккинчи даражали бўлақлар ҳам иштирок этади. *Ётоғига йўл олган қуёш тоғлар ортига аста-секин ботиб бормоқда. (Ч.А.)*

Бу гапнинг бош бўлақлари: *Қуёш ботиб бормоқда.*

*Ётоғига йўл олган* сўзлари эгага боғланиб, эга гуруҳини ташкил қилади. Эга гуруҳида иккита сўз бирикмаси бор: *ётоғига йўл олган, йўл олган қуёш. Тоғлар ортига, аста-секин* сўзлари кесим гуруҳига киради.

Бунда ҳам иккита сўз бирикмаси бор: *тоғлар ортига ботиб бормоқда, аста-секин ботиб бормоқда.*

**16-машқ.** Бадий асарлардан ёки адабиёт дарслигингиздан 4 та йиғиқ содда гапларга, 4 та ёйиқ содда гапларга мисол топиб ёзинг.

17-машк. Аввал йиғиқ содда гапларни, кейин ёйиқ содда гапларни кўчириб ёзинг.

Ота энди бардош бера олмади. Кўксидаги лиммо-лим коса қаттиқ чайқалиб, таранг тортилиб турган асаб торлари чирт-чирт узилиб кетди. Кўзи тинди... Қулоғи шанғиллади... Вужуди музлади... Қора куюн уни чирпирак қилиб осмонга кўтарди. Ер, куёш, осмон айланди. Қушлар, куртаклар, анҳор – борлиқ аралаш-қуралаш бўлиб кетди. (М.М.)

## 6-§. Тўлиқ ва тўлиқсиз гаплар.

### Топширик:

Куйидаги тўлиқсиз гапларни тўлиқ гапларга айлантинг. Бу ўринда сиз нималардан фойдаландингиз? Фикрингизни изоҳлаб беринг.

– Менинг кимлигимни биласанми? – деб сўради Чувринди, унга бир караб олиб.

– Элчин акам айтдилар.

– Унда қаяққа бораётганимизни, кимлигимизни ҳам биларсан?

– Ҳа.

– Агар одам ўлдиришни топширсак-чи, бажарасанми?

– Йўқ.

– Жавоб беришга шошилма. Аввал ўйлаб кўр.

– Ўйласам-ўйламасам жавобим битта. (Т.М.)

Фикр ифодалаш учун зарур бўлган гап бўлақларининг қай даражада иштирок этишига кўра гаплар тўлиқ ва тўлиқсиз гапларга бўлинади.

Барча зарурий бўлақлар гапда мавжуд бўлса, тўлиқ гап дейилади. Масалан: *Бир туп мевали дарахт эккан киши минг йил гавҳар теради.* (М.)

Тўлиқсиз гапларда эса фикр ифодалаш учун зарур бўлақларнинг бир қисми қатнаша олмайди. Лекин бу бўлақ олдинги гапдан ёки нутқ мазмунидан билиниб туради.

Тўлиқсиз гап, асосан, диалогларда учрайди. Масалан:

– *Телефон қилган киши ким экан?*

– *Дадам.* (эга)



- Қаердан телефон қилди?
- Шаҳардан. (ўрин ҳоли)
- Шаҳарга қачон кетган эди?
- Яқшанба куни. (пайт ҳоли)
- Эртага бўладиган мажлисга даданг кела оладими?
- Кела олмайди. (кесим)

**18-машқ.** Кўчиринг. Тўликсиз гапларнинг тагига чизиб, қайси бўлақлар ифодаланмаганлигини изоҳланг.

- Бу ерда чўмилса бўладими?
- Совуқ-ку ҳозир!
- Совуқмас пайтда-чи?
- Бўлади.
- Катта анҳор экан...
- Қонқус...
- Қонқус?!
- Эски ном-да... (Ў.Ҳ.)

Қирғиз Республикасы  
Билим, Ғафур Ғалиев атаманинг  
Министрлиги  
Жуу-Юу-Уу-Уу-Уу  
Сўз-Сўз-Сўз-Сўз-Сўз  
Министрлиги  
Илтимос-Илтимос-Илтимос-Илтимос-Илтимос  
Қирғиз Республикасы  
Средняя школа № 9  
А. ҒАЛИЕВ  
← 2014-ж. 150/14

**19-машқ.** «Келажакда ким бўлмоқчисиз» мавзусида диалог тузинг. Тўликсиз гапларни топиб, қайси бўлақлари туширилганлигини айтиб беринг.

**20-машқ.** Ўқинг. Гапларнинг бош бўлақларини топинг. 1-, 10-, 15- гапларни кўчириб, эга ва кесим гуруҳини аниқланг.

1. Атрофдагиларни камситган одам ҳеч қачон буюк бўла олмайди. (*Зеймс*) 2. Манас алданиб қолганини сезиб турсада, сир бой бермади. («*М.*») 3. Одамлар китоб ўқишдан тўхтасалар, фикрлашдан ҳам тўхтайдилар. (*Д. Дидро*) 4. Ақлли одам ҳамма нарсасидан жудо бўлса ҳам, дўстидан воз кечмайди. (*Ҳ.*) 5. Сўз шамол, ҳақоратли сўз эса елвизак каби зарарлидир. (*Шекспир*) 6. У ёмғирда қолмаслик учун қадамини тезлатди. 7. Азоб чекишни истамасанг, хасадгўй бўлма. («*Қ.*») 8. Оз еган кўп яшайди. (*М.*) 9. Ўзбошимчаликни ёнғиндан ҳам тезроқ ўчирмоқ керак. (*Геранлид*) 10. Ўйга чўмиб ўтирган Саида ҳозир ҳамма нарсани унутган эди. (*Ч.А.*) 11. Мўйсафид кўп юриб, холдан тойганидан сув бўйига аста ўтирди. 12. Чўлпоной бир оз енгил тортиш мақсадида ичкарига кириб, юз-кўлини муздек сувда ювиб чиқди. (*Т.М.*) 13. Қуёш кўм-кўк адир орқасига ёнбошлади. (*Ч.А.*) 14. Кўшилмасанг, эътироз билдир,

эътироз билдирсанг, таклиф қил, таклиф қилсанг, ўзинг бажар. Билмасанг ўрган, билсанг ўргат. (Ҳ.) 15. Лахтак булутларнинг китмирлиги туфайли яйраб нур тарата олмаётган куёш шом киришини кутмаёқ бота қолгандай бўлди. (Т.М.)

**21-машқ.** Ўқинг. Икки бош бўлакли гапларни синтактик таҳлил қилинг. Тиниш белгиларининг қўйилиш сабабларини тушунтиринг.

1. Инсон – олам безаги. 2. Яхши дўст – туганмас хазина (Ҳ.) 3. Уч карра уч – тўққиз. 4. Бешнинг квадрати – йигирма беш. 5. Шошқалоқлик – хатонинг онаси, ғазаб – нодонликнинг отаси. (Ҳ.) 6. Муаллимин унутган эл – келажагин қуритган эл. (М.) 7. Кузатган бўлсангиз, тонг отиш олдида бир муддат еру кўкни тим қоронғилик босади. Бу – тун билан тонгнинг тўқнашуви. Туннинг кетгиси йўқ. Чекингиси йўқ. Тонгнинг эса отгиси бор – зулмат ўрнини қоплагиси бор, қоплайди ҳам. Бу – тонгталаш фасли. (Т.Сулаймон) 8. Исмим – шеър. Миллатим – эзгулик. Ватаним – юрак. Касбим – севиш, азобланиш. Маслагим – тобланиш. Орзуим – оламини оқ кўйлақда кўриш. (А.Худойберди) 9. «Одамларнинг кўзини ёғ босипти-ку», – деб Мавлонбеков кулди-да, кўкрак чўнтагидан бир қоғоз олиб унга берди.

**22-машқ.** Асардан берилган парчани ўқинг. Гапларни ифода мақсадига кўра гуруҳлаб, аввал дарак гапларни, кейин сўроқ гапларни, охирида буйруқ гапларни кўчириб ёзинг.

Аллақандай кенг дала эмиш... Ўтлоқми-ей, буғдойзорми-ей... Музаффар кип-яланғоч бўлиб, дала ўртасида чопиб кетаётганмиш. Ўғлим бир нимадан кўркиб, қочиб кетаётганини билармишману олдига боришга уялармишман. Кейин аллақаердан от пайдо бўпти. Гижинглаб келиб Музаффарни тишлабди. Музаффар чақалоққа айланиб қолибди. Ўзи чақалоқмишу, гапирармиш. «Отни ҳайданг, ўлдириб кўяди, кутурган от», дермиш...

Қизик, нимага бунақа туш кўрдим? Музаффар нимага яланғоч юрибди? Тушга яланғоч кирса ёмон: фалокат бўлади. Шошма... Анави от Умар аканинг жийронику! Музаффарга бир гап бўлдими? Бугун нечанчи ўзи? Йигирма тўртинчи апрелми? Икки ҳафтадан кейин Музаффарнинг туғилган куни. Йигирмага тўлади. Аввалги телеграммаларимни олганмикин?







- Б. Дарё сувини баҳор тоширар, одам кадринаи меҳнат оширар.  
В. Бирликда баракат, айриликда ҳалокат.  
Г. Сукут – саломатликни, яхшилик – иззат ва обрўни,  
сахийлик – улуғликни келтиради.

**7. Сифатловчи-аниқловчига бериладиган саволлар қайси қаторда тўғри кўрсатилган?**

- А. Қаерга? Қаерда? Қаердан? Қаергача?  
Б. Қачон? Қачонгача? Қачондан буён?  
В. Қандай? Қанақа? Нечанчи? Қайси?  
Г. Кимга? Нимага? Кимда? Нимада?

**8. Берилган мисолларнинг қайси бирида сифатловчи-аниқловчи от билан ифодаланган?**

- А. Келган меҳмонлар бетон уйларга жойлашдилар.  
Б. Зарифа олтин соатини кўз-кўз қила бошлади.  
В. Дўстликни кадрлай билмаслик – жоҳиллик.  
Г. Чиройли гулларнинг муаттар хидлари димокни қитиқлайди.

**9. Қайси қаторда эгаси туширилган тўлиқсиз гап берилган?**

- А. – Тушмайсан, чарчаб қопсан, укам. Кўриб турибман.  
Б. Соатига яна бир марта қарагач, ўрнидан турди.  
В. – Раҳмат. Барака топсин!  
Г. – Йўқ! Йўқ! Асло мумкин эмас.

**10. Ўрин ҳолининг саволлари қайси қаторда тўғри кўрсатилган?**

- А. Кимга? Нимага? Кимда? Нимада?  
Б. Қачон? Қачонгача? Қачондан буён?  
В. Қандай? Қанақа? Нечанчи? Қайси?  
Г. Қаерга? Қаерда? Қаердан? Қаергача?

**11. Қайси қаторда пайт ҳолига мисол берилган?**

- А. Кеча гупиллаб қор ёққан, бугун унинг қора совуғи ҳамма ёқни қамраб олган.  
Б. Ўйнаб гапирсанг ҳам ўйлаб гапир.  
В. Тил – сўз санъатининггина эмас, ҳамма санъатларнинг асоси.  
Г. Дала бағрини қоплаб олган бу ўтлар кундан-кун бўй чўзади, гуллайди.

**12. Қайси қаторда кесими туширилган тўлиқсиз гап жойлашган?**

- А. Ойим бурилиб қаради:  
– Ким билан тушасан?  
– Собир билан.

Б. Ойим дод солиб милтикка ёпишди.

– Қамаб кўяди! – деди чиркиллаб.

В. – Ҳа. Дуруст.

Г. Қиз онасининг кучоғига отилди: Ойижон!

### **13. Мисолларнинг қайси бирини сўроқ гап деб биласиз?**

А. Терган пахтанг тоғ бўлсин?

Б. «Буюк ипак йўли» музейида бўлганмисиз?

В. Тез ва сифатли терайлик?

Г. Ўзбек халқи азалдан ўз миллий анъана ва маросимларига эга бўлган?

### **14. Қайси қаторда гап бўлақларининг одатдаги тартиби ўзгарган?**

А. Бу ерларнинг шабадаси кеча-кундуз тиним билмасди.

Б. Она ўргатган тил ҳам ҳамиша биз учун она каби кадрли, иссиқ ва ардоқлидир.

В. Дарахт япроғи билан кўркам, одам меҳнати билан.

Г. Бу ердан ўтибди ернинг белбоғи,  
Бекасам тўн демак бу рангин диёр.

### **15. Эгаси отлашган сўз билан ифодаланган гап қайси қаторда берилган?**

А. Ўтирганлар раисни кутишар эдилар.

Б. Эрталабдан бери булбулларнинг сайраши тингани йўқ.

В. Йигитлар Шералини бирин-кетин кучоқлаб кутлашди.

Г. Чингизхоннинг элчилари ўлдирилгандан кейин ҳар икки томон урушга ҳозирлана бошлади.

### **16. Қайси мисолда мураккаб феъл-кесим берилган?**

А. Муҳитни ўраган калин зулматни кураш машъали ёндиради.

Б. У чодир ёнида қўлларини қовуштириб хаёлга чўмиб турарди.

В. Аллақандай булбул тўлиб-тошиб кўйлайди.

Г. Тоғ орқасидан аста шамол кўтарилди.

### **17. Қайси мисолда кесим ибора билан ифодаланган?**

А. Хожи ака зипиллаб кириб, уйдан аркон олиб чиқди.

Б. Овқат сузилиб, хонтахта атрофига ўтирганимизда, бир-биримиз билан кўз уриштирдик.

В. Ким ўтмишга тўппончадан ўк узса, келажаги уни замбаракдан ўкка тутади.

Г. Изғирин шамолда шип-шийдам дарахтлар юлқиниб - чайқалиб ётибди.

**18. Қайси мисолда от-кесим берилган?**

- А. Хонтахта қўйиб, дастурхон безади.
- Б. Анзират хола анчадан кейин жавоб берди.
- В. Комил бош ирғади.
- Г. Фарзанд гулдир, она – бир бўстон,  
Шунинг учун жаҳон гулистон.

**19. Тўлдирувчининг таърифи қайси қаторда ўз ифодасини топган?**

- А. Гапнинг ким ёки нима ҳақида эканлигини билдиради.
- Б. Эга ҳақидаги хабарни билдириб, унга грамматик тобе бўлади.
- В. Гапдаги бирор бўлакни тўлдириб, унга бошқарув йўли билан бирикади.
- Г. Гапдаги бирор бўлакнинг белгисини ёки нарсанинг бошқасига қарашлилигини билдиради.

**20. Берилган мисоллардан воситали тўлдирувчини аниқланг.**

- А. Бўлинганни бўри ер.
- Б. Қиш фаслини кутади кенг далалар, майдонлар.
- В. Байрам шарофати билан чойхона, айниқса, гавжум бўлиб кетган.
- Г. Терилган пахталар табелчига топширилди.

**21. Қайси қаторда миқдор ҳолига мисол берилган?**

- А. Субҳидам... Кўкда сўнгги юлдузлар милтиллаб сузади.
- Б. Рост, ҳозирча болалар бардам.
- В. Сиҳат тиласанг, кўп ема; иззат тиласанг кўп дема.
- Г. Мукаддас ҳикояни ўқиб чиқди.

**22. Ҳолнинг таърифи қайси қаторда тўғри берилган?**

- А. Гапдаги бирор бўлакнинг белгисини ёки қарашлилигини билдиради.
- Б. Кесимга боғланиб, унинг белгисини билдиради.
- В. Гапдаги бирор бўлакни тўлдириб келади.
- Г. Эга ҳақидаги хабарни билдиради.

**23. Ҳолнинг турлари кўрсатилган қаторни аниқланг.**

- А. Вазият, пайт, миқдор.
- Б. Шарт, тўсиксизлик.
- В. Сабаб, ўрин, мақсад.
- Г. А, Б, В жавоблар тўғри.



## 7-§. Бир бош бўлакли гаплар

### Топшириқлар:

Матни дикқат билан ўқинг. Содда гапларнинг бош бўлаклари аниқланг. Бир бош бўлакли гапларни дафтарингизга кўчириб ёзинг.

Кўча. Кўрғон... Кўрғоннинг илма-тешик бўлган девори бағридан енгил буғ кўтарилади. Чумчуқлар ўша ковакларга кириб чиқмоқда. Деворнинг таги чириб тўкилган – камар... Четдаги юксак минор тепасидаги айвончада ҳўл бўлган қизил байроқ осилиб турибди. Елкасига милтиқ осган соқчи кўринади.

Улкан дарвоза. Икки ёнида биттадан замбарак. Соқчилар. Кенг сахна. Қурбонбекнинг собиқ саломхонасига йўналди. Эшикни дадил очди.

Ҳа, у бу хонага бемалол кираверади. Олимжон Арслонов билан эса эркин гаплашади. Ўзиям жуда яхши кўради-да у одамни! Ҳолбуки, у киши Қурбонга на қариндош, на тенгдош.  
(Ш.Х.)

Гапнинг бош бўлаклари – эга ва кесим. Гапда бош бўлақлардан бири ифодаланмаса, у бир бош бўлакли гап деб юритилади. Бир бош бўлакли гаплар қуйидаги турларга бўлинади: 1. Шахси маълум гап.

2. Шахси номаълум гап.
3. Шахси умумлашган гап.
4. Шахссиз гап.
5. Атов гап.

**Эслатма:** Бир бош бўлакли гапларнинг инфинитив ва вокатив каби турлари олийгоҳларда ўрганилади.

**24-машқ.** Ўқинг. Гапларнинг кесимини топинг. Бу гапларнинг кесимига қараб эгасини аниқланг.

1. Эртага кечқурун меҳмонлар билан бирга хизматингизда бўламиз. (А.Қ.) 2. Эрталаб нонушта устида илиқ, жонли қизиқ суҳбатга берилдилар. (О.) 3. Гапни кам сўзла, ишни кўп кўзла. (М.) 4. Радио орқали ўқиб эшиттирилди. 5. Илмни меҳнатсиз эгаллаб бўлмайди. (Ҳ.) 6. Тоза супурги билан бошдан-оёқ супурди. Қўллари билан сийпади. Бармоқлари билан ёлларини

таради. (О.) 7. Янги ўзгаришлар тўғрисида ташқарида эмас, балки ичкари ҳовлида ҳам гаплаша бошладилар. 8. Ҳайрон бўлиб Адхамга қарадим-у, даҳшатдан котиб қолдим. (Ў.Ҳ.)

### Шахси маълум гап.

Бу турдаги гапларнинг шахси, яъни эгаси маълум. Фақат у гап таркибида кўринмайди. Уни кесим орқали осонгина топиб олса бўлади.

Одатда шахси маълум гапларнинг кесимлари I ва II шахсдаги феъллар билан ифодаланади. Мисолларга диққат қилинг.

1. *II-«А» синфида ўқийман. Спортга қизиқаман. Ўқишда ҳам бошқалардан орқада қолмайман.*

2. *Менинг инсонлик ҳуқуқимни поймол қилмоқчимисиз? Билиб қўйинг! Ниятларингизга ета олмайсиз!*

3. *Митинг бўлаётган жойга бордик. Баҳсларда, фаол қатнашдик.*

4. *Ота-онангни ўзингдан рози қил.*

**25-машқ.** Ўқинг. Шахси маълум гапларни топиб кўчиринг. Кесимининг тагига чизиб, қандай ифодаланганини изоҳланг.

1. Тунда дув этган ёмғир майсаларни ҳам, дарахтларни ҳам ювиб кетган (С. Назар.) 2. Биринчи кундан бошлаб катта - кичик унга самимий ҳурмат билан қарай бошлади. (Ас.М) 3. Кечадан бошлаб машинани ҳайдаяпман. Кечадан буён уйга бораман - у, таажуб қиламан. (О.) 4. Она саҳар пайтигача мижжа қоқмасдан ўтириб чиқди, лекин толиқмади. (М. Горький) 5. Тантанали йиғилиш бошланганга қадар аския, ўйин, кулги давом этди. (О.) 6. У пешона тери тўкилган бу экинзорга тикилганда, ҳамиша жим қоларди, дили ифтихор билан тўларди. 7. Ботирали шунда ҳам Миркомилни қўлдан чиқармади, уни ерга босиб, миясига наган билан солди. (Ҳ. F.) 8. Домла ичкари кириши биланоқ халфанинг қўлидан таёқни тортиб олди – да бир неча бор урди. (С. Айний) 9. Умримда уч марта шу ишга қўл урдим: биринчи шеърни ўн беш - ўн олти ёшда ёзган эдим, лекин нима тўғрисида ёзганим эсимда йўқ. (А. Қ.) 10. Ашула эшитилаётган жойдан аста босиб ўтиб, идорага яқинлашдик. 11. Кеча қаергадир бораман деган эди, яна билмадим.



**26-машк.** Шахси маълум гапларни кўчириб ёзинг. 9- ва 10- гапларни синтактик таҳлил қилинг.

1. Дўст ғам ва кулфат вақтида маълум бўлади. (Ҳ.) 2. Ўзини билимдон дейдиган нодондон қоч. (Ҳ.) 3. Яхшига яхши бўл, ёмонга – ёмон, Гулга гул бўлгину, тиконга-тикон. (С.) 4. Ўзига ишонган одамнинг қўлидан кўп нарса келади. (*Гумбольдт*) 5. Доно билан сўзлашганда камгап бўл. 6. Гоҳ-гоҳи ҳолимни назора қил. (*Амирий*) 7. Энг зарур билимни қунт билан ўрган, зарур бўлмаганини ахтариб юрма. 8. Зарурини ҳосил қилгандан кейин, унга амал қилмай умр ўткарма. (*А.Ж.*) 9. Эрталаб бадантарбия қилишни эсингдан чиқарма. 10. Қалбингни роҳатда бўлишини истасанг, пок ва холис ниятли бўл. (Ҳ.)

### **Шахси номаълум гап.**

Нутқимизда *Умрни оқар сувга ўхшатишади; Маргилонда кичикларни ҳам сизлашади* каби шахси номаълум гаплар ҳам қўлланилади. Шахси номаълум гапларда иш-ҳаракат бажарувчиси умумлашган маънода бўлади ва грамматик жихатдан ифодаланмайди. Бу турдаги гапларнинг кесими III шахсда аниқ ёки биргалик нисбатдаги феъллар билан ифодаланади: *Яхшини мақтайдилар, ёмонни уялтирадилар.*

**27-машк.** Ўқинг. Шахси номаълум гапларни топиб, кесими қандай ифодаланганини изоҳланг.

1. Баланд ва ёруғ хоналарни бежирим жиҳозлар билан безатишди. 2. Ёлғизлик Аллоҳга хос. Инсонлар жуфт бўлиб яшаганлари маъқул. Ёлғиз инсонни сув бўйида қуриётган ёлғиз мажнунтолга қиёс этадилар. 3. Бизга тоғли ҳудудларни қор босганлиги ҳақида хабар беришди. 4. Кутубхонада шовкин солишни таъқиқлаб қўйишган. 5. Ҳа, дўйўст, барака топ! Ойдек юзингдан аканг ўргилсин! (Ў.Ҳ.) 6. Бадфеълликдан асраган ақлни ақл дейдилар. 7. Биргалашиб сой бўйига етиб келишди. (О.)

### **Шахссиз гаплар.**

Шахссиз гапларда эга умуман бўлмайди, демак, уни кесим орқали топиш мумкин эмас.

Мисолларни диққат билан ўқинг, кесимлари қандай ифодаланганига эътибор беринг.



1. Ойни этак билан ётиб бўлмайди. (М) 2. Бахтни совга қилиб бўлмайди. (Ҳ.) 3. Халқ иродасига қарши юриш тўғри келмайди. 4. Чириган нарсага қўл теккизиб бўлмайди. (Шекспир) 5. Бир қўл билан қарсак чалиш мумкин эмас. (Ҳ.)

**28-машқ.** Шахсиз гапларни кўчириб ёзинг, синтактик таҳлил қилинг.

1. Ношукур бандани рози қилиб бўлмайди. 2. Ҳасад яхшиликка олиб келмайди. 3. Сийнага санчилган найзани чиқариб олса бўлади, аммо дилга қадалган сўз захрини чиқариб бўлмайди. (Ҳ.) 4. Ном чиқариш учун машаққат чекиб узоқ йўл юриш керак, иснодга қолиш учун эса бир қадам кўйишигина кифоя. (И.Вильде) 5. Кўнгил ва дилни тўғри тутсанг, эй доно, сенинг ризкинг ҳеч қачон озаймайди. («Қ.Б.») 6. Ёмон ишлардан ўзини эҳтиёт қилиб юрганларнигина билимдон дейиш мумкин. (Форобий) 7. Меҳнат билан ҳамма нарсага эришса бўлади. (Ж.Бруно) 8. Уруш ботирни синайди, жаҳл донони синайди, йўқчилик дўстни синайди. (Ҳ.) 9. Дўстнинг айбини ўзига айтиш керак. (Б.Кербобоев) 10. Гўзаллик, қувват ва саодатнинг манбаи соддаликдир. (Ҳ.) 11. Одам мевага, ота-она дарахтга ўхшайди. Дарахтни яхши парвариш қилсанг, меваси яхши ва ширин бўлади. («Қ.») 12. Тиришдим: тоғдан ошдим, ёруғлик сари йўл очдим. (М.) 13. Нимқоронғи шифтга тикилиб ётганча хаёл сураман: гоҳ катта шаҳарларга бориб қоламан, гоҳ дарёларда сузаман. (Ў.Ҳ.)

### **Шахси умумлашган гап.**

Кесими феъл кесим бўлиб, иккинчи шахсни билдирса ҳам, мазмунан ҳар учала шахсга тааллуқли бўлган гаплар шахси умумлашган гап дейилади.

Асосан, мақоллар, ҳикматли гаплар ҳар учала шахсга қаратилади:

*Отанг борида эл тани,*

*Отинг борида ер тани. (М.)*

*Ўзингга раво кўрмаганини*

*Ўзгага ҳам раво кўрма. (М.)*

*Қошиқ билан ош бериб,*

*Сопи билан кўз чиқарма. (М.)*

*Ярашган ишни қилгил, қўлдан келгани эмас. (С.)*

**29-машк.** Ўқинг. Матн мазмунини ўз сўзларингиз билан изохлаб беринг. 1-гапни кўчириб синтактик таҳлил қилинг.

Эй фарзанд, ёшлигингда отанг илм олмоқ учун яратган шароитдан кўз юмма! Илм бир чироқдурким, сени роҳат ва фароғат салтанатига ҳеч бир заҳматсиз етказди.

Илм олмоқнинг фазилатлари кўпдурким, ҳаётинг фароғатда, юриш-туришинг ҳурмат ва иззатда бўлур.

Аллоҳнинг раҳматига сазовор фиких илмининг устози ўргатмишларким, илмнинг чеки бўлмагани каби, илм олмоқнинг ҳам поёни йўқдур.

Илму фикихни Расулulloҳ мухтасар айтганлар, жаҳоний илмлар эса инсонлар тажрибаси, ўқуви асосида асрлар давомида қарор топган.

Аллоҳ ҳар бир қалбга илм гавҳарини солганким, бандасининг кунт-матонати, меҳнати давомида доим сайқал топура. (Ҳ.)

**30-машк.** «Ўзбек халқ мақоллари» китобидан 8 та мақол танланг. Ҳар бир мақолнинг бош бўлақларини аниқлаб, мазмунан ҳар учала шахсга қаратилган мақолларни кўчириб ёзинг.

## 8-§. Атов гаплар

### Топшириқлар:

Қуйидаги гапларни ўқинг, ҳар бир гапни чегараланг, тиниш белгиларини қўйинг.

1. Қиш изғирин шамол кўз очишнинг имкони йўқ кимдир бошини алланима билан ўраб олиб ҳорғин қадам ташлаб борарди.

2. Туман қуюқ қора туман икки қадам нарини илғаб бўлмайти. (М.М.)

3. Хўжанд қўрғони шаҳар дарвозаларидан бирининг ички томондан кўриниши тонг палласи дарвозабон ва соқчилар фимирлашиб қолишган шаҳар жонланиб келмоқда. (Қ.М.)

4. Кеч водийга қоронғилик чўккан. (О.Ё.)

Юқорида асардан келтирилган парчалардаги *Қиш. Изғирин шамол. Туман. Қуюқ қора туман. Хўжанд қўрғони. Шаҳар дарвозаларидан бирининг ички томондан кўриниши.*



*Тонг палласи. Кеч каби сўз ва сўз бирикмалари мустақил гап бўлиб ҳисобланади. Бундай гаплар атов гаплар саналади. Атов гапларда фикрнинг тугаллиги оҳанг орқали ифодланади. Бу турдаги гапларда оҳанг биринчи даражали ахамиятга эга. Оддий сўз ёки сўз бирикмаси оҳанг туфайли гапга айланади. Масалан:*

*Қиш чилласи. Қор. Қор...*

*Биллур шаҳардай*

*Оппоқ сукунатда жаранлар қишлоқ.*

*(О. Ҳожиева)*

Атов гаплар бир сўздан ва бир неча сўз бирикмаларидан тузилади. Атов гаплар ёлғиз келмайди. Улардан кейин келган тўлиқ гаплар мазмунни давом эттиради.

Тинч оҳанг билан айтилган атов гаплардан сўнг нуқта (.) қўйилади: *Тун. Сокин тун. Қалбларни эзувчи жимлик...*

Ҳис-ҳаяжон билан айтилган атов гаплардан кейин ундов белгиси (!) қўйилади: *Қўзғолон! Озодлик учун кураш!*

**31-машқ.** Қуйида берилган гапларни оғзаки таҳлил қилинг. Бир бош бўлакли гапларнинг турини айтинг.

1. Аввал мияни тўлдириш керак, қоринни миянинг ўзи тўлдириб олади. *(Япон мақоли)* 2. Ё илмли бўл, ёки илмга таяниб иш тутадиган бўл. *(Ҳ.)* 3. Совиб қолган дўстликни иситиб бўлмайди. *(Леғове)* 4. Онасин қўнига бош қўйиб аста, мириқиб, беозор ухлайди қизим. *(Б.Б.)* 5. Бевафолик қилса дўстинг мабодо, давосин топмайсан икки дунёда. *(Б.Б.)* 6. Душманингдан кўркма, душманга айланган дўстингдан кўрк. *(Ў.Ҳ.)* 7. Ҳақиқатни майиб қилиш мумкин, аммо ўлдириб бўлмайди. *(Ў.Ҳ.)* 8. Яхшилар кетидан агар чопарсан, истагинг, бахтингни шунда топарсан. *(С.)* 9. Ойдин. Тиниқ кўм-кўк зумрад кеча. *(А.К.)* 10. Ярим тун. Овулдан йўлчи ўтмоқда, Тулпор туёғидан чакнайди тошлар. *(А.О.)*

**32-машқ.** Ўқинг. Бир бош бўлакли гапларни икки бош бўлакли гапларга айлантириб кўчиринг ва синтактик таҳлил қилинг.

1. Тўрт ёш бўлсам керак, мени қишлоқ мачитидаги мактабга элтиб қўйди. *(С.А.)* 2. Отишма бўлаётган томонга қараб ўқ уза бошладилар. 3. Аёлни камситган кимсани одам ҳисобламанг.



4. Менга сой бўйидан ер бермоқчи эди. 5. Бемаҳалда нима қилиб юрибсиз, қизим? 6. Қишлоқда энди бошимни қандай кўтариб юраман? 7. Мактубингизни олдим. Ташаккур! 8. Ҳақиқий дўст-га содиқ бўл, хиёнат қилма. 9. Кўклам... Қишлоқ аҳли далага чиқиб кетган.

**33-машқ.** Бадий ва публицистик асарлардан, мақоллардан бир бош бўлакли гапларнинг ҳар бир турига 2 тадан мисол топиб ёзинг.

**34-машқ.** Қуйидаги тест саволларининг тўғри жавобини белгиланг.

**1. Қайси қаторда шахси маълум гапнинг қоидаси тўғри берилган?**

- А. Мазмунан ҳар учала шахсга тааллуқли гап шахси маълум гап дейилади.
- Б. Гапнинг кесимига бош келишик сўроқларини бериб, эгасини аниқлаш мумкин бўлган гап шахси маълум гап дейилади.
- В. Эгасини топиб бўлмайдиган гап шахси маълум гап дейилади.
- Г. Грамматик асос орқали ифодаланган нарсанинг борлигини, мавжудлигини аниқладиган гап шахси маълум гап дейилади.

**2. Қайси қаторда шахси умумлашган гапнинг қоидаси тўғри берилган?**

- А. Гапнинг кесимига бош келишик сўроқларини бериб, эгасини аниқлаш мумкин бўлган гап шахси умумлашган гап дейилади.
- Б. Мазмунан ҳар учала шахсга тааллуқли гап шахси умумлашган гап дейилади.
- В. Эгасини топиб бўлмайдиган гап шахси умумлашган гап дейилади.
- Г. Грамматик асос орқали ифодаланган нарсанинг борлигини, мавжудлигини аниқладиган гап шахси умумлашган гап дейилади.

**3. Қайси қаторда шахсиз гап берилган?**

- А. Дам олиш куни экскурсияга бордик.
- Б. Ҳурмат қилсанг, ҳурмат топасан.
- В. Илмни меҳнатсиз эгаллаб бўлмайди.
- Г. Ҳожи буви Ача хола айтгандек ўғлини кутди.

#### 4. Атов гап қайси қаторда жойлашган?

А. Қиш бошланди.

Б. Атроф оппоқ қор билан қопланган.

В. Оппоқ қор. Изғирин.

Г. Аввал ўйла, кейин сўйла.

### 9-§. Уюшиқ бўлакли гаплар

#### Топшириқлар:

Қуйида берилган ёйиқ содда гапдаги ўзаро тенг боғланган бўлақларни аниқланг. Қандай бўлақлар уюшганини, уюшиқ бўлақлар ўзаро қандай боғланганини изоҳланг. Гапда ишлатилган тиниш белгиларининг қўйилиш сабабларини тушунтиринг.

*Халқимиз кейинги даврлар мобайнида босиб ўтган ва ўтаётган гоҳ машаққатли, гоҳ армонли, гоҳ тугёнли, гоҳ ифтихорли йўлларнинг манзара ва оҳанглари, садолари Эркин Воҳидов шеъриятида тўла мужассамдир. (А.О.)*

Уюшиқ бўлакли гаплар мураккаб содда гап ҳисобланади. Унинг гап бўлақлари икки ёки ундан ортиқ кенг, ёйиқ тизимли бўлади. Юқоридаги мураккаб содда гапда эгалар (*манзара ва оҳанглари, садолари*) уюшиб келмоқда. Гапнинг кесими – *мужассамдир. (Нималар мужассамдир? Манзаралари, оҳанглари, садолари мужассамдир.)*

Биринчи ва иккинчи сўзлар *ва* бириктирувчи боғловчи ёрдамида боғланиб, биринчи сўздаги *-лари* қўшимчаси тушиб қолган. Иккинчи ва учинчи сўзлар эса оҳанг ёрдамида боғланган.

Бундан ташқари, икки гуруҳ аниқловчилар уюшиб келмоқда: *босиб ўтган ва ўтаётган*. Булар сифатдошдан ифодаланган аниқловчилар бўлиб, йўллар сўзининг ҳаракат томонидан белгисини билдириб, ўзаро *ва* боғловчиси ёрдамида боғланмоқда.

Иккинчи гуруҳ аниқловчилар: *машаққатли, армонли, тугёнли, ифтихорли* сўзлари ясама сифатдан ифодаланган бўлиб, *йўллар* сўзини хил-хусусият томондан аниқлаб келмоқда. Улар такрорланиб келадиган *гоҳ* айирув боғловчилари ёрдамида боғланиб келмоқда.



Биринчи ва иккинчи гуруҳдаги аниқловчилар ўзаро уюшмаган аниқловчилардир. Уларнинг ўртасига вергул қўйилмайди, чунки улар уюшмаган аниқловчилардир.

**35-машк.** Берилган гаплардаги ажратиб кўрсатилган сўзларни уюшган аниқловчилар билан кенгайтиринг.

**Намуна:** *Талабаларнинг қувноқ чеҳраси байрам бошланганидан дарак берарди. // Талабаларнинг шодон, қувноқ, ҳаяжонли чеҳраси байрам бошланганидан дарак берарди.*

1. Спорт майдончаси **футбол** ишқибозлари билан билан тўла эди. 2. Алишер Навоий – **буюк** мутафаккир. 3. Шоҳида – гуруҳдаги **аълочи** талабалардан бири. 4. Ташқаридан **қора қош** Назокат шошиб кириб келди. 5. Оқил киши **ростгўй** одамларга дўст бўлади. 6. Мўмиё **шифобахш** модда сифатида шарқ тиббиётида бундан уч минг йил аввал маълум бўлган. 7. Машина **текис** йўлга чиқиб олди.

**36-машк.** Берилган гаплардаги ажратиб кўрсатилган сўзларни уюшмаган аниқловчилар билан кенгайтиринг.

**Намуна:** *Боланинг кўзларида ҳаяжон ифодаси бор эди. // Боланинг катта қора кўзларида ҳаяжон ифодаси бор эди.*

1. З.М.Бобур номидаги академик театр **талаба** ва **ўқувчилар** билан гавжум. 2. Кечаси ёға бошлаган **қор** эрталабгача тинмади. 3. Чевар қизлар **кўйлакларни** дид билан бичиб-тикишди. 4. Ҳовлимизда **тут** бор эди. 5. Муаллимимиз столида **журнал** турарди. 6. Дугонамнинг ойсиси **майин товушли** аёл эди. 7. Ўш ва Жалолобод шаҳарларида кўп қаватли **иморатлар** қурилмоқда.

**37-машк.** Шеърни ўқинг. Уюшиқ бўлақларни аниқланг. Гапнинг қайси бўлақлари уюшганини изоҳланг.

Инсон жисмин бериб менга бул сифат,  
Кенг оламини қилдинг кўкрагимга жо.  
Дилимга ҳис бердинг, бошимга фикрат,  
Қулоғимга оҳанг, кўзимга зиё.  
Солдинг қалбга жону жонга муҳаббат,  
Кўлимга соз тутдинг, тилимга наво. (Э.В.)



Гапда эгалар, кесимлар ва барча иккинчи даражали бўлақлар уюшиб келишлари мумкин.

1. Уюшиқ бўлақлар ўзаро санаш оҳанги ёрдамида боғланади: *Масаланинг жиддийлиги, мураккаблиги, гоят хавфлилиги раиснинг бошини шишириб юборди. (Б. Кербобоев)*

2. Бириктирув боғловчиси *ва; -у (-ю), - да* юкламалари ёрдамида:

а) *Дипломсиз ва муҳрсиз, кабинетсиз ва бепул даволайдиган шифокор қуёшдир. (Водвойский)*

б) *Бир товуққа, албатта, ҳам дону ҳам сув керак.*

в) *Отам тонг саҳарда намозини ўқирди-да, устахонага жўнардди. (Ч.А.)*

3. Зидлов боғловчилари *аммо, лекин, бироқ ва -у, (-ю)* юкламалари ёрдамида:

а) *Бошингни кўтар, лекин бурнингни кўтарма. (Ҳ.)*

б) *Дўстларингга доимо ҳамдарад бўл-у, сирларингни ошкор қилаверма. (Ҳ.)*

4. Айирув боғловчилари ёрдамида:

*Янги бошлиқнинг қандай инсонлигини билиш қийин: гоҳ табассум билан кутиб олади, гоҳ қовогидан қор ёғади.*

5. *на инкор* юкламаси ёрдамида: *У на қўлларини ювди, на паришон юзига сув урди. (Т.М.)*

**38-машқ.** Ўқинг. Уюшиқ бўлақларнинг ўзаро қандай боғланганлигини изоҳланг.

1. *Гоҳо ҳоким, гоҳида кул у, гоҳо ҳазон, гоҳида гул у. (Ш.)*

2. *Илм-саҳрода дўст, ҳаёт йўлларида таянч, ёлғиз дамларда йўлдош, бахтиёр дақиқаларда раҳбар, қайғули онларда мадакдор. (Ҳ.)* 3. *У на шоир эди, на машҳур зот, лекин дунё билан бир эди дарди. (А.О.)*

4. *Тушларимга кирасан, бобо, гоҳи отлик, гоҳи пиёда .... (Қ.М.)* 5. *Инсон доно, одми, одил, жасур ва саховатли бўлиши керак. (Паустовский)*

6. *Мехнат – очликнинг давоси, ошқозоннинг малҳами, саломатликнинг гарови. (М.Сафур)* 7. *Уйқусизлик бош мияни чарчатади, асабни бузади, кишини тез қаритади.* 8. *Инсон табиат билан иноқ, уйғун яшаши, унга қўполлик қилмаслиги керак. (Журн.)*

**39-машқ.** Қуйидаги гаплардаги ажратиб кўрсатилган сўзларни боғловчиларсиз санаш оҳанги билан уюшган бўлақлар билан кенгайтиринг.

**Намуна:** *Ишни уддалашга тажриба керак. // Ишни уддалашга тажриба, кўникма, малака керак.*

1. Алишер Навоий бадий адабиётдан ташқари **фалсафани** ҳам ўрганган. 2. Мусобақада **Сардор** ғолиб чикди. 3. Бу ота-хон бўш вақтида улфатлар билан **сухбат қуради**. 4. Кўпгина ижодкорлар **қадимий** Ўш ҳақида кўшиқ яратишни орзу қилдилар. 5. **Ватанга** бўлган **муҳаббат** хисси ҳар бир инсоннинг қалбида яшайди.

## 11-§. Уюшиқ бўлақларда тиниш белгиларининг ишлатилиши

Уюшиқ бўлақлар орасига қуйидаги ҳолатларда вергул қўйилади:

1. Уюшиқ бўлақлар ўзаро санаш оҳанги ёрдамида боғланса: *Зумрад чиройли, одобли, мулойим қиз. (Эртак)*

2. Зидловчи боғловчилар (*аммо, лекин, бироқ*) ва айирув юкламалари (-у, -ю) ёрдамида боғланса: *Ой ёритади, лекин иситмайди. Шукурбек дарвозани очди-ю, ичкарига кирмади. (Қ.М.)*

3. Такрорий келадиган айирувчи боғловчилар ёрдамида боғланса: *Ё белни боғлаб астойдил ишла, ё жуфтакни ростла. Лоқайд одамларда қизиқиш ҳам, эҳтирос ҳам, эътибор ҳам, эзгулик ҳам бўлмайди. (Ш. Орифий)*

Уюшиқ бўлақлар орасига қуйидаги ҳолатларда вергул қўйилмайди:

1. Бириктирувчи боғловчилар (*ва, ҳам, ҳамда*) ёрдамида боғланса: *Дашт ҳам чавандознинг ашуласини тинглайди ва у билан бирга куйлайди. (Ч.А.)*

2. Боғловчи вазифасидаги айирув юкламалари (-у, -ю) ёрдамида боғланса: *Анжуманга олимлару фозиллар тўпландилар. Таклифни ўқитувчию талаба бирдек қўллашди.*

3. Такрорланмай келган айирув боғловчиси ёрдамида боғланса: *Зулфия онасини кўргани ҳар ойда келар ёки мактуб юборар эди.*



**40-машқ.** Ўқинг. Уюшиқ бўлақларни топиб, қандай бўлақ уюшганини ва улар қандай ифодаланганлигини айтинг.

1. Дераза орқасидан боғ-роғлар, токзорлар, кулф уриб ётган кўм-кўк маккажўхори далалари ўтиб борарди. (Ч.А.) 2. Оқил ва донолар билан суҳбатдош бўлинг, илмингиз ҳар қанча кўп бўлса ҳам, илм ўрганишни тарк қилманг. 3. Молу давлатингиз билан эмас, илм, ҳунарингиз, гўзал ҳулқ-атворингиз билан фахрланинг. (Ҳ.) 4. Бир синфда ўқийдиган, бир партада ўтирадиган ўртоғим бор эди. (Ў.Ҳ.)

5. Ёвузлик жой олса қалблардан агар,  
Ундайин кимсанинг номи адодир.  
Молу мулк, дунёси бисёрдир магар,  
Лекин руҳи унинг мажруҳ, гадодир.

## 12-§. Уюшиқ бўлақларда умумлаштирувчи сўз ва тиниш белгиларининг ишлатилиши

### Топшириқлар:

Қуйида берилган гапларни кўчиринг. Уюшиқ бўлақларнинг остига бир чизик, умумлаштирувчи сўзлар остига икки чизик чизинг. Тиниш белгиларига эътибор беринг.

Сайраётган қушлар, ўтлаб юрган қўзилар, кишнаётган тойчоқлар – ҳаммаси тўхтаб, жим кулоқ солаётганга ўхшайди. (А. Сидиқов).

Баҳор. Бобомнинг боғидаги барча мевалар: олма, ўрик, шафтоли қийғос гуллаган пайт. (М.М.)

Уюшиқ бўлақли гапларда баъзан умумлаштирувчи сўз ҳам ишлатилади. Умумлаштирувчи сўз уюшиқ бўлақларни мазмунан умумлаштиради. Уюшиқ бўлақлар қандай саволга жавоб бўлса, умумлаштирувчи сўз ҳам шундай саволга жавоб бўлади. Умумлаштирувчи сўз уюшиқ бўлақлардан кейин ва олдин келиши мумкин.

Уюшиқ бўлақлардан кейин келса, умумлаштирувчи сўздан аввал тире (–) қўйилади. Умумлаштирувчи сўз уюшиқ бўлақлардан аввал келса, ундан кейин икки нукта (: ) қўйилади.



**41-машқ.** Ўқинг. Умумлаштирувчи сўз иштирок этган гапларни кўчиринг ва синтактик таҳлил қилинг.

Қирғизистон – бизнинг Ватанимиз. Олтин қуёш, мусаффо мовий осмон, баланд тоғлар, ям-яшил воҳалар, гулларга бурканган боғлар – буларнинг ҳаммаси, бизнинг севимли Ватанимиз.

Республикамиз географик жиҳатдан қулай муҳитга эга. Унинг атрофини осмонўпар қорли тоғлар, кенг яйловлар ўраб туради. У ердан кўм-кўк қўл кўриниб туради. Бу – Иссиқкўл.

Тоғлардан шаркираган тезоқар дарёлар оқиб тушади. Уларнинг сувлари муздек, тиник, ширин. Тоғ ёнбағирларида чиройли дарахтлар, майса-ўтлар ўсади. Бу ерлардаги чодирларда чўпонлар яшайдилар. Уларнинг атрофлари яшил ўтлоқлар бўлиб, у ерларда турли ҳайвонлар: қўй, эчки, от ва туялар боқилади. Қирғизистон ҳудуди орқали Буюк Ипак йўли ўтган. (*Газ.*)

**42-машқ.** Тиниш белгиларини қўйиб кўчиринг. Уюшиқ бўлақлар остига бир чизик, умумлаштирувчи сўз остига икки чизик чизинг ва тиниш белгиларининг қўйилиш сабабларини тушунтиринг.

1. Табиатнинг турфа манзаралари хусусан дарёлар тоғлар оқ чўққилар бепоён водийлардаги ранго-ранг гуллар буларнинг ҳаммаси кўзни озиклантиради ва қувонтиради. (*Х. Зиёев*)  
2. Қалдирғоч файзсиз ноаҳил хонадонга ҳеч қачон ин қурмайди. (*Ў.Х.*)  
3. Яхши одамлар кўнгилпарвар муносабатлар табиат инъомлари бари осмоний неъматлардир. (*Т. Содиқова*)  
4. Характерда юриш-туришда услубда жами нарсаларда гўзаллик оддийликдир. (*Лонгфелло*)  
5. Миллатнинг даҳоси ақли ва руҳияти мақолларидан билинади. (*Ф. Бекон*)  
6. Хожасининг тикилиб қолиши қошларининг билинар-билинемас чимирилиши юзини тескари буриб олиши буларнинг ҳаммаси унинг хотирасига муҳрланган эди. (*Т.М.*)  
7. Ўша ўқинчли армон ушалмаган орзу тарқалмаган хумор ҳаммаси унинг қалбини тирнаб изтироб соларди. (*Ч.А.*)  
8. Энди бўлса бу ердаги ҳамма нарса ялтироқ линолиум пол ҳам мажбурий тартиб-қоидалар ҳам профессор билан доктор опа ҳам Шоира билан ошпаз Маша хола ҳам шунчалик юрагига яқин туюлиб кетди... (*Ў.Х.*)

**43-машк.** Матни ўқинг. Уюшиқ бўлакли гапларни аниқлаб, қандай бўлак уюшганини белгиланг ва синтактик таҳлил қилинг.

## ЗИРА

Зира денгиз сатҳидан 800-1800 метр баланд ерларда – адир ва тоғ ёнбағирларида ўсади. Зира Туркистон ҳамда Ҳисор тоғларининг ғарбий қисмларида кенг тарқалган. Шунингдек, Бойсун, Нурота, Олой тоғларининг ҳам катта-катта майдонларини эгаллайди.

Зира ўсимлиги тарқалган Шаҳрисабз, Яккабоғ, Ғаллаорол, Қизилқум ҳудудларида қиш фаслида қуруқ совуқ бўлади, ёғингарчиликнинг энг кўп қисми апрель ойига, энг кам қисми июль-сентябрь ойларига тўғри келади.

Зира ўсадиган майдонларнинг тупроғи бўз тупроқ бўлиб, унумли тупроқлар қаторига киради. Бу ерларда зира анча баланд, сершоҳ бўлиб, тарвақайлаб ўсади. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, зира кам тарқалган майдонларда 4-6 тадан соябонсимон тўпгул ҳосил қилса, энг кўп тарқалган ерларда 5-8 тагача тўпгул ҳосил қилади. Бундай зоналарда зиранинг бўйи баланд ўсади, ҳосилдорлиги ҳам кўп бўлади.

Зира кўп йиллик ўсимлик бўлиб, табиатда фақат уруғи ёрдамида кўпаяди. У биринчи йилда уруғпалла барглар ҳосил қилади, холос. Зира ҳаётининг иккинчи йилида битта чинбарг, учинчи йилида эса иккита чинбарг чиқаради. Бу барглар патсимон шаклда кўринади. Тўртинчи йилда гуллаш ҳамда мева ҳосил қилиш жараёнлари бошланади. Зира уруғида эфир мойининг миқдори унинг тўлиқ пишган даврида бўлиши ва у саратонда пишиб етилиши аниқланган. Шунинг учун зира ҳосилини йиғиб-териб олиш июль ойида амалга оширилади.

Шарқ халқлари азалдан зирани сутли овқатлардан ташқари барча таомларга солиб ишлатиб келишади. Ҳозирги кунда зира нафақат Осиёда, балки Европа, Америка, Австралияда севиб истеъмол қилинадиган зираворлардан бири бўлиб қолди.

*(А.Акромов)*

**44-машк.** Адабиёт дарслигингиздан уюшиқ бўлак ва умумлаштирувчи сўз иштирок этган 4 та гап топиб ёзинг. Умумлаштирувчи сўз қайси бўлак вазифасида келганини изоҳланг.



**45-машқ.** Уюшиқ бўлакли гапларни ажратиб, жадвалга қуйидагича ёзинг.

Боғловчиларсиз, санаш оҳанги ёрдамида боғланган уюшиқ бўлакли гаплар	Тенг боғловчилар билан боғланган уюшиқ бўлакли гаплар
1.	1.
2.	2.
3.	3.
4.	4.

1. 1. Ёмғир томчилари барглари, гулларни, майсаларни чиннидай ювади, табиатни губорлардан тозалайди. (*Х.Ғ.*)  
2. Дорнинг ўртасига келиб олиб, дам олдинга, дам орқага қарайди. (*Т.М.*)  
3. Олижаноб ҳис тарбия этиладиган, камол топтириладиган бирдан-бир макон – оила бағри, ота-она даргоҳидир. (*М.И.*)  
4. Бу жонивор худди бўрининг ўзи: на хуради, на одамини кўрқитади. (*Ш.Х.*)  
5. Исҳоқнинг ранги гоҳ оқарарди, гоҳ қизарарди.  
6. Аслида у кўринишдан кекса, фаромушхотир, тажанг, хастагина киши эди.  
7. Қоп-қоронғи тун шу қадар тинч, сокин эди. (*Т.Қ.*)  
8. Шундан сўнг қози ё хун тўлаш, ё қасос олиш ҳақида ҳукм чиқарди. (*Эртак*)

**46-машқ.** Қуйидаги тест саволларининг тўғри жавобини белгиланг.

**1. Мисолларнинг қайси бирида уюшиқ бўлакли гап берилган?**

- А. Мен дарсдан кейин ота-оналар кенгашининг йиғилишида бўлдим.
- Б. Эшиқдан ўрта ёшли, тўладан келган, буғдой ранг аёл кириб келди.
- В. Қаландаров Саиданинг ўз ҳолига ташлаб қўйди.
- Г. Муяссар юраги гурс-гурс уриб, беихтиёр қадамини секинлатди.

**2. Мисолларнинг қайси бирида эгалар уюшиб келган?**

- А. Йўлда баъзан оқ, пушти, сариқ ва қизил гуллар учрайди.
- Б. Улар сой бўйидаги тошлардан, ҳар хил гиёҳлардан намуналар олишди.
- В. Тепадан унга таниш кўчалар, уйлар, далалар бир-бир кўришиб ўтарди.
- Г. Дарахт япроқлари ой билан саломлашгандек майин шитирлайди.



**3. Бириктирув боғловчилари билан боғланган уюшиқ бўлақларни аниқланг?**

- А. Атиргул ва оловгул кузнинг илк изғиринларини писанд қилмайди.
- Б. Саёҳатга ёки экскурсияга чиқишнинг гашти бор.
- В. Тепаликлар бўйлаб дам баландга чиқамиз, дам пастга тушамиз.
- Г. Баъзан ойим, баъзан бувим билан аравага тушиб борардик.

**4. Қайси қаторда уюшиқ бўлақлар умумлаштирувчи сўз билан қўлланган?**

- А. Анъанага кўра меҳмонлар мактаб боғига мевали дарахт ўтқазिशарди.
- Б. Атрофни қуршаган тоғлар, қирлар, дарахтлар, толлар – ҳамма нарса баҳор ҳавосига чўмилгандек тиник, ям-яшил кўринарди.
- В. Кунлардан бирида она-бола яна ўша кишлоққа бориб қолдилар.
- Г. Аммо шоирнинг хаёли ҳамон паришон, кўнгли алағда эди.

**5. Қайси қаторда тўлдирувчилар уюшиб келган?**

- А. Асrorкул самоварни жуда баҳаво жойга қилган эди.
- Б. Ўқувчи-ю талаба – бари байрам кайфиятида эди.
- В. Фуломжон икки ойдан бери мактабдорлик қилади.
- Г. Қандай одам билан ёнма-ён юрганини, қандай одам билан турганини кейин билиб қолар экан киши.

**6. Қайси қаторда аниқловчилар уюшиб келган?**

- А. Мен кунларнинг, соатларнинг, йилларнинг мазмуни шеърга кўчишини истайман.
- Б. Сардор бир даста оппоқ атиргул келтирди.
- В. Фуломжон икки ойдан бери мактабдорлик қилади.
- Г. Отам бозордан катта қора кўчқорни етаклаб келди.

**7. Уюшиқ бўлақлар ва умумлаштирувчи сўзлар орасида қандай тиниш белгилари қўлланилади?**

- А. Ундов ва сўроқ белгиси.
- Б. Қўштирноқ ва қавс.
- В. Кўп нукта ва чизиқча.
- Г. Вергул, икки нукта, тире.

#### Топшириқлар:

Қуйидаги гапларни қиёсланг. Улар ўзаро нимаси билан фарқланишини айтинг.

*Шоир ва драматург Уйғун 1905 йилда Марки шахрида тугилган.*

*Уйғун, шоир ва драматург, 1905 йилда Марки шахрида тугилган.*

Юқорида берилган иккала гапда ҳам *Уйғун* – эга, *шоир* ва *драматург* – *Уйғун* нинг изоҳловчиси; *Марки шахрида* – ўрин ҳоли.

Иккинчи гапда *шоир* ва *драматург* сўзлари *Уйғун* сўзидан кейин келиб, ажратилган бўлак вазифасида қўлланыпти.

Ажратилган бўлак ўзидан олдин келган бўлакни изоҳлаб, таъкидлаб, бўрттириб ифодалайди ва ҳар икки томонидан вергул ёки тире билан ажратилади. Мисолларга диққат қилинг:

*Мен, Соҳиба Умарова, 11-синфда ўқийман.*

*Эсенхоннинг суянган тоғи–туғишганлари бор эди. («М.»)*

Бу гапларда эгалар ажратилган.

Ёки: *Янги котиба дарров ишни бошлаб юборди – ҳужжатларни тартибга солди.* Бу гапда кесим ажратилган.

**Эслатма:** Ажратилган кесимни уюшиқ кесимлардан фарқлаш керак.

Барча гап бўлаклари ажратилади.

1. *Доктор беморнинг, Наргизанинг, ҳароратини ўлчаб, бошини чайқади.* /Қаратқич-аниқловчи ажратилган/

2. *Дунёда юртлар кўп – сўлим, улугвор.* /Сифатловчи - аниқловчи ажратилган/

3. *Рустам акаси билан, моҳир қурувчи Довуд билан, фахрланарди.* /Тўлдирувчи ажратилган/

4. *Қуёш шарқдан, кўкимтир тоғлар орасидан, мўралаши билан қишлоқ яна ҳам яшнаб кетарди.* (О.Акрамхўжаев) /Ўрин ҳоли ажратилган/

**Эслатма:** Ҳолнинг ҳамма турлари ҳам ажратилиб келиши мумкин.



**47-машк.** Ўқинг. Берилган гаплардаги ажратилган бўлақларни аниқланг. Қандай бўлақлар ажратилганини изоҳланг. Ажратилган бўлақлардаги оҳанг ва тартибга диққат қилинг.

1. Болалик орзулари ўттиз кунлик ой нури каби унга хиёнат қилди – зулмат қаърига сингиб кетди. (Т.М.) 2. Инсон қиладиган ишларнинг энг ёмони – риёкорлик, яъни иккиюзламачилиқдир. (М.) 3. Булутлар билан олишиб чарчаган куёш уфққа умидсиз бош қўйди – кўздан ғойиб бўлди. 4. Ўша отга мана бу боланинг, Худойбердининг, ишқи тушиб қолган экан. (М. И.) 5. Ўрта бўй, опшокқина, қирқ ёшлардаги дўмбоқ аёл – Ёркинойнинг онаси Гулжон опа – Анварни илиқ кутиб олди. (О.Ё.) 6. Сидикжон Ўрмонжонни товушидан – сўзларидан таниди. (А.Қ.) 7. Чорраҳанинг – катта майдоннинг атрофида сон-саноксиз одамлар қўп. (А.Қ.) 8. Домланинг, Обид Юнусовичнинг, яхши насиҳатларини эшитиб ўтириб, бир воқеа эсимга тушиб кетди. (О.Ё.) 9. Ҳар қайсимиз ўз ўйимиз билан банд эдик, аммо ҳаммамиз бир одамни – онамни ўйлардик. (Ў.Ҳ.)

10. Ўн саккиз ёшимда, қутлуғ кунимда,

Онам ҳадя этди қилич ва қалам. (Б. Б.)

11. Ғала-ғовур шаҳарда

Уларга ором қайда.

Улар мазза қилмоқда

Ўрмонда – тип-тинч жойда. (Ҳ.Раҳмат)

**48-машк.** Остига чизилган сўзлардан кейин ажратилган бўлақлар кўшиб ёзинг. Қандай бўлақ ажратилганини изоҳлаб беринг.

1. Акам ... Ўш давлат университетида ўқийди. 2. Узоқда ... кизил сур булутлар йиғила бошлади. (Ч.А.) 3. Сотиболди кўшнисини... чақирди (А.Қ.) 4. Шуҳрат Толиб аканинг... гапларидан уялиб кетди. Узоқдан ... карнай-сурнай овозлари эшитиларди. 5. Бола авария бўлган жойга яқинлашмади..... 6. Қишда... кашта, дўппи тикишда онасига ёрдамлашарди.

**49-машк.** Ўқинг. Ажратилган ҳолларни топиб, ҳолнинг қайси тури ажратилганини изоҳлаб беринг.

1. Супадан жуда нарида, марвартак тутлар салқинида, оломон хўмрайиб караб турар эди. (М.И.) 2. Аллақаяқдан, узоқдан, онанинг мулойим овози келди. 3. Дельфин ҳар куни



ёки кунора бир вақтда – чошгоҳда келадиган бўлди. (*Қ.М.*) 4. Қурбон ота супага, сада остига, жой қилди. (*А.Қ.*) 5. Бошқа бир жойда – ҳовлининг ичида аллакимнинг тажангланиб қийқиргани эшитилар эди. (*М.И.*) 6. Қишлоқдан бир қир нарида – беҳисоб қизғалдоқлар далани қизартириб, хиёл чайқалиб турган жойда – Ҳулқар ўт ўрарди. (*П.Қ.*) 7. Дадам шу атрофдан – қишлоқнинг чиқаверишидан дўкон қидирди. (*А.Қ.*)

**50-машқ.** Кўчиринг. Ажратилган бўлакли гапларда тиниш белгиларининг қўлланилишига диққат қилинг.

1. Наврўз байрами йилнинг энг гўзал фаслида – табиат киш кийимини ечиб, олам гулга бурканган, қир-адирлар, боғ-бўстонлар кўм-кўк баҳор либосини кийган пайтда келади. 2. Бобур ўзининг оромгоҳи қилиб қўл остидаги бепоён юртлардан энг хушхаво, табиати гўзал жойни – Қобулни танлагани бежиз эмас. 3. Ҳумоюн ўн беш ёшга кирганда унинг китоб жавонида отасининг яна бир асари – аруз илмига бағишланган «Мухтасар» пайдо бўлди. (*П.Қ.*) 4. Ўша биз суянган тоғимиз, ишонган боғимиз – ўрда хавф-хатар остида қолди. (*Т.Қ.*) 5. «Ўтган кунлар» асари икки ёшнинг пок севгиси – ҳижрону азоблари, қувончу шодликлари асосига қурилгани учун ҳам ҳар бир қалбга сирдош бўлгудек қадрга эга. (*Журн.*) 6. Бундан тўққиз йил муқаддам уни мамлакатнинг улкан шаҳарларидан бири – Ўтрорга ҳоким этган эдилар. (*Мирм.*)

**51-машқ.** Ўқинг. Гуруҳларга бўлиниб, 1-гуруҳ эга ажратилган, 2-гуруҳ тўлдирувчи ажратилган, 3-гуруҳ ҳол ажратилган гапларни кўчиринг ва синтактик таҳлил қилинг.

1. Бола ўзининг бояги сўзини – отасининг ижодидан ибрат олишга ҳаваси зўрлигини ҳозир чиндан исбот қилмоқда эди. (*П.Қ.*) 2. Эртаси кечкурун, соат еттиларда, ота-бола етаклашиб кириб келишди. 3. Ўша куни мен ўз бахтимни – сизни учратдим. 4. Бир куни уйига маҳалланинг обрўли одами – кимсан домком меҳмон бўлиб борганида хасис унинг олдига ликопчада тут майиз қўйибди. 5. Биз, опа-сингил, ҳар куни мактабдан чиқиб, бувимнинг ҳовлисига борардик. 6. Аллақандай куч мени ичкарига – сиз кириб кетган эшикка чорларди. (*Ў.Ҳ.*) 7. Мен, Ширин Азизова, Ўзган шаҳрида туғилганман.

8. Амирлар ва беклар ҳукмдорнинг оёқ томонидан – пойгоҳдан жой олиб, вужудлари кулокка айланган ҳолда ерга қараб ўтирардилар. (*Журн.*) 9. Бандага хос бўлмаган кибр ўзининг энг зўр вазифасини – одамни одамга ёмон кўрсатиш, бир кимсани иккинчисидан нари итариш ишини амалга оширишга киришган эди. (*Т.М.*) 10. Тоҳир қоронғи осмоннинг узоқ бир четига – Сирдарёдан нарида жойлашган Аҳси томонга интизор кўзлар билан тикилди. 11. Бобур ўша йили ёзиб тугаллаган шеърий китоб – «Мубаййин» Ҳумоюннинг номига чиндан ҳам қофиядош эди. (*П.Қ.*)

**52-машқ.** Ўзингиз ёқтирган адиб асаридан ажратилган бўлакли гапларга олтига мисол топиб ёзинг. Қандай бўлак ажратилганини изоҳлаб беринг.

**53-машқ.** Қуйидаги тест саволларининг тўғри жавобини белгиланг.

### **1. Қайси қаторда аниқловчи ажратилган?**

- А. Дониёр ўрнига ўтириб, чала ишларини ниҳоясига етказмоқчи бўлди.
- Б. Қўчқоров – дўнг пешана, қирра бурун, кўкрақдор, полвон тахлит йигитча – кичкина район газетасига кўз тикиб ўтирар эди.
- В. Ҳикоянавис бизни ҳар сафар соддадил одамлар, оддийгина воқеалар ичига бошлайди.
- Г. Самандаров ер остида Сафаровга қаради.

### **2. Қайси қаторда ўрин холи ажратилган?**

- А. Пастда, пахтазор этагида, муздай булоғи билан ёз кезлари киши жонига оро кирадиган теракзорлари бор эди.
- Б. Ботиралининг аскарликка кетганига уч йилдан ошди.
- В. Маҳаллада одамнинг ёлғизлиги билинмайди.
- Г. Савдогарлар, элчилар ва уларнинг хизматкорлари ҳам ичларидан қилич тақиб олган эдилар.

### **3. Қайси қаторда тўлдирувчи ажратилган?**

- А. Олимларнинг хизмати мангу қолади.
- Б. Ёмонга бош бўлгунча, яхшига йўлдош бўл.
- В. Қоронғилик ... куюқлашиб борарди.
- Г. Халқ мулкининг катта парчасини, юз гектар олтин тупрокни неча йиллардан бери қамиш, шўр босиб ётибди.



### I. Саволларга жавоб беринг:

1. Грамматиканинг синтаксис бўлимида нималар ўрганилади?
2. Пунктуация деганда нимани тушунаси?
3. Сўз бирикмасининг турларини айтинг. Қандай сўз бирикмаларида сўзларни боғловчи қўшимчалар тушиб қолиши мумкин?
4. Гап деганда нимани тушунаси? Гапнинг асосий белгилари қайсилар?
5. Бир бош бўлакли гапларнинг қандай турларини билиб олдингиз? Ҳар бирига мисоллар келтиринг.
6. «Гапнинг ажратилган бўлаклари» атамасини изоҳлаб беринг.
7. Гапнинг уюшиқ бўлаклари ва умумлаштирувчи сўз ҳақида қандай тушунчаларга эгасиз?
8. Уюшиқ бўлакли гапларда умумлаштирувчи сўз уюшиқ бўлақлардан аввал ёки кейин келадиган ҳолатларга иккитадан мисол келтиринг. Тиниш белгиларининг ишлатилишини изоҳлаб беринг.

II. Уюшиқ бўлақлар қатнашган гапларни ёзинг, уюшиқ бўлақларнинг гапдаги вазифасини аниқланг ва тагига чизинг.

1. Шунақа ўғлим, бошга тушса, кўз кўради. Яхшиликни ҳам, ёмонликни ҳам билиб, иш юрит. Тўсатдан келган омадга унча қувонма. Ногаҳон ёмонликка дуч келсанг, эсанкирама. Бу дунё шундай: гоҳ туя миансан, гоҳ яёв юрасан. (Т.Қ.)

2. Зарифа опа бир кам қирқ йил давомида улуғ ёзувчининг рафиқаси сифатида унинг хонадонидида севги ва бахт чироғини ёқиб келди, не-не асарларнинг ёзилишига илҳом берди. Ойбек душманлар хуружи туфайли тилдан маҳрум бўлиб, қўли ёзолмай қолганида, унинг бийрон тили ва чаққон қўли бўлди. Вафотидан кейин эса адибнинг адабий меросини тўплаб, тўла нашр этиш ва Ойбек уй-музейини барпо қилишга раҳбарлик қилди. (З.Саидносирова)

III. Матнни ўқинг ва сарлавҳа танланг.

Ўзбек халқи жуда қадим-қадим замонлардан бери сонсаноксиз урф-одат, расм-русум, удум, анъана ва тўй-томоша ҳамда кўнгиш очар маросимлари билан машҳур бўлган. Булар орасида эса ўзбекона тўй-тантаналар алоҳида ўрин эгаллаган бўлиб, улар ўзларининг хилма-хиллиги, қувноқлиги, урф-одат,

расм-русумларга бойлиги, барчанинг тенг қатнашиши, ижрочи ва томошабиннинг бўлмаслиги, барчанинг фаол иштироки билан ҳам жозибадор бўлган. Шунингдек, ўзбек тўйлари, у нимага, кимга аталган бўлишидан қатъи назар, ўйин-кулгига бойлиги, халқ маънавий маданиятининг барча тармоқлари ўз ифодасини топганлиги билан ажралиб туради.

«Тўй» атамаси билан халқнинг кўнглини очувчи, унга хузур бахш этувчи, қувончига, тантанасига сабабчи бўлган ҳар бир маросим ва таомиллар ўтказиб келинган. Бу эса халқ оммаси орасида қувноқликка, шодон турмушга, эзгуликка интилишнинг нақадар кучли бўлганлигидан далолат беради.

*(Ҳ.Исмоилов)*

**IV.** Матндаги содда ёйиқ гапларни сўз бирикмаларига ажратинг.

**V.** Уюшиқ бўлақлар билан жуфт сўзлар орасидаги тафовутлар хусусида фикр юритинг. Уюшиқ бўлақли гапларни тўлиқ синтактик таҳлил қилинг.

### **Гап бўлақлари билан грамматик алоқага кирмаган сўзлар**

Нутқимизда гап бўлақлари билан грамматик жиҳатдан боғланмайдиган сўзлар қатнашган гаплар ҳам кўлланилади. Бундай сўзлар мазмун томонидан бутун гапга ёки унинг бирор бўлагига алоқадор бўлади. Булар ундалма, кириш ва киритмалардир.

### **14-§. Ундалма**

#### **Топшириқлар:**

**I.** Гапларни ўқинг. Ундалмаларни топинг. Тиниш белгиларининг ишлатилишига эътибор беринг.

1. Фарида, биламан, азизим, сенинг бу кўзларинг шунчалар жафо, шунчалар саргардонликларни кўрди.

2. О-ой, почтачи амаки, бизга хат борми?! (Ч.А.)

3. Қуёш, нуринг сочавер мўл-мўл,

Чаман, кетма бизнинг боғлардан. (О.)

**II.** Ундалмаларнинг ифодаланишига диққат қилинг. Бу гапларда эга кўлланганми? Фикрингизни дадилланг.



Сўзловчининг нутқи қаратилган шахс ёки предметни билдириб, гапнинг бошқа бўлаклари билан грамматик алоқага киришмаган сўзлар ёки сўзлар бирикмаси ундалма ҳисобланади.

Ундалма нутқ жараёнида тингловчининг диққатини тортиш учун қўлланилиб, одатда, иккинчи шахсга қаратилган бўлади.

Шахс отлари, қариндошлик, ҳунар, касбни англатувчи сўзлар ундалма бўлиб келади. Масалан: *Хола, бугун бизникида қоласизми? Иним, отангизнинг биродарлари, қўни-қўшни, қариндош-уругингиз бордир, а? (Т.М.) Мен ўйлаб кўраман, акахон. Эй, уста Фарфи, келинг, келинг, бормисиз? (А.Қод.)*

Айрим ҳолларда, айниқса, шеърӣ асарларда ҳайвонлар, кушлар, жонсиз нарсаларнинг номини билдирган сўзлар ҳам ундалма вазифасида қўлланилади. Масалан: *Айт, эй ҳаста булбулим, Ўшга қачон етамиз?! (Ш.Р.)*

*Эй шамол, жим тур, само, жим, мавжудот, бир лаҳза жим, Тингла, олам, тингла, одам, сен агар бўлсанг-да ким. (Э.В.)*

Ундаш маъносини кучайтириш учун баъзан ундалма такрорланиб қўлланади. Масалан:

*Чумоли, меҳнаткаш чумоли,*

*Куйинма, атрофга бир қара... (Ш.Р.)*

**Эслатма:** Ундалмали гапларда, одатда, эга туширилади: *Бек ака, соғ-саломат бориб келдингизми сафарларга? (Т.М.)*

**54-машқ.** Шеърни ифодали ўқинг. Ундалмаларни аниқлаб, қандай ифодаланганлигини тушунтириб беринг.

### Ёш шоирга

Тилай ғайрат сенга, ёш шоир укам,  
Фазлу ҳикмат сенга, ёш шоир укам,  
Биз ҳам куйлаб ўтдик имконлар қадар,  
Энди навбат сенга, ёш шоир укам.  
Мустақил хур маъво сенингдир, сенинг,  
Озод, эминг садо сенингдир, сенинг,  
Биз шивирлаб айтган туйғуни энди

Куйлаш ошкоро сенингдир, сенинг.  
Нафосат юртига посбон бўл, ўғлон,  
Тили шамшир, кўкси қалқон бўл, ўғлон.  
Аввало шоир бўл, ундан ҳам аввал  
Шу юртга ўғлон бўл, ўғлон бўл, ўғлон. (Э.В.)

**55-машк.** Кўчиринг. Гапларни синтактик таҳлил қилинг. Ундалмаларнинг эгадан фаркли жиҳатларига тўхталинг.

1. Устоз, созга олай боқий ҳаётни,  
Боқий шеър қошида бош эгай бир он,  
Шодлик ва бахтни куйлаган зотни  
Шодлик билан эслар одатда замон. (А.О.)
2. Кел, эй Бобур, ватанга,  
Элда ёдинг, кадру шонинг бор.  
Табаррук бул заминингда  
Ҳаёти жовидонинг бор...  
Кел, эй Бобур, ғазал ёз,  
От миниб кез шоҳ Бобурдек,  
Неча Бобур каби наслинг  
Баҳодир, паҳлавонинг бор. (Э.В.)
3. Дуога кўл очдим, эркам, бахтли бўл,  
Янги хонадонинг муборак бўлсин. (Э.В.)
4. Бу ён Америка, бу ён Чинмочин,  
Ўзбек олам узра ёзди қулочин.  
Қулоч ёзган элнинг садоси бўлиб  
Юксал, темир қанот, эй мурғак лочин! (Э.В.)

**56-машк.** Ўқинг. Ҳар бир гапнинг эгасини ундалмага айлантириб, гапларни қайта тузиб кўчиринг, зарур тиниш белгиларини қўйинг.

1. Шаҳноза ... йиғма каравотда ўтирар, нукул бир гапни такрорлар эди. (Ў.Ҳ.) 2. Али қушчи эртасига чошгоҳ пайтида қайтди. (О.Ё.) 3. Ҳасан илгариги йилларда бошқа деҳқон, боғдорлардан аввалроқ йиғим-теримга чиқиб, боғ ҳосилини ўз вақтида йиғиб оларди. (С.Айн.) 4. Ўғлим кейин воқеани батафсил тушунтирди. 5. Асадбек иссиқ танчага ўтириб роҳатланди. 6. Биламан, жон болам, биламан, тақдир эканда. (Т.М.)



## 15-§. Ундалмали гапларда тиниш белгиларининг ишлатилиши

Ундалма гапнинг бошида, ўртасида, охирида келиши мумкин.

1. Ундалма гапнинг бошида келса, ундалмадан сўнг вергул қўйилади:

*Қизим, бахтли кунда дунёга келиб,*

*Умрим осмонини безаган моҳим.*

*Қувончим, эрта-кеч ниятлар қилиб,*

*Дедим, тўйларингни кўрай илоҳим. (Э.В.)*

2. Ундалма гап ичида келса, унинг ҳар икки томонидан вергул қўйилади: *Куюнманг, Полвон тога, мен бир суриштириб кўраман. (Т.М.)*

3. Ундалма гапнинг охирида келса, ундан олдин вергул қўйилади: *Ўзингиз бардаммисиз, хола? (Ў.Ҳ.) Мухтасар сўз шул, беклар. (Х.Султон)*

**Эслатма:** Гап бошида келган ундалма ҳаяжон билан айтилса, ундан сўнг ундов белгиси қўйилиб, гапнинг давоми бош ҳарф билан бошланади: *Эй, Маҳмуд! Бунга тушунтириб қўй! (Т.М.)*

**57-машқ.** Ундалмаларни гап ичида, гап охирида келтириб, гапларни кўчиринг, зарур ўринларга тиниш белгиларини қўйинг. Ундалмалар ўрнининг ўзгариши гапнинг мазмунига таъсир этдими? Фикрингизни асослаб беринг.

1. Эй фарзанд, ёдингда тут, мана шу ўн гўзал хислат – ҳаё, мурувват, садоқат, тавозеъ, меҳнат, саҳийлик, шижоат, омонатга вафо, адолат ва маърифат одамга бахт-саодат келтиради. (Ҳ.)

2. Амирзодам, маъзур тутинг, бироқ қулингиздан бу аччиқ кинояларга лойиқ не гуноҳ ўтди – билмасман. (Ҳ.Султон) 3. Эй фарзанд, билгилки, то киши тирикдур, дўстсиз бўлмағусидур. («Қ.»)

4. Эй биродар, агар бахт-саодат истасанг, ғурур, ман-манликдан йироқ бўл, ҳикматли сўзларни сокинлик билан тингла, такаббурлик, жоҳиллик, гиначиликдан ҳазар қил. (Ҳ.)

5. Маҳмуд, мен душманларимдан ўч олмай туриб кета олмайман. 6. Ўғлим, шуни унутмагинки, ҳасад-юракнинг занглаши, қайсарлик-мағлубият сабабчисидир. (Ҳ.)

**58-машқ.** Кўчиринг. Ундалмаларни нима билан ифодаланганини изоҳланг.

1. Балли, ўғлон! Дилдаги оҳанг нафас ила найга ўтур. (О.)  
2. Нимага турибсан, шалпанг қулоқ, бирон нарса оласанми? (Ч.А.) 3. Ўғлим, адолатли бўл, шу ишинг билан азиз ва муҳтарам бўласан. (Х) 4. Ишни вақтлироқ тугатинг, шоир, бокка кетамиз. (С.А.) 5. Сўрангиз, хожи, хон бермаганда ҳам олиб беришга мен кафил! (А.Қод.) 6. Сиз нима дейсиз, зоти муҳтарам? (Ч.) 5. Эй мутриб, дардли бир қўшиқ айт. (А.Н.)

**59-машқ.** Матнни ифодали ўқинг. Ундалмали гапларни аниқлаб, уларнинг ўкилиш оҳанги, ифодаланиши ва тиниш белгиларига диққат қилинг.

Аммам бизникига серқатнов бўлиб қолди. Бир кун тугун кўтариб келади, бир кун сават... Ҳатто бир марта икки букилиб, ўзидан катта қопни орқалаб келиб қолди.

– Шунча жойдан кўтариб келдингизми, опа, нима зарил! – деди дадам ачиниб.

Аммам янаям қорайиб, тердан ялтираб кетган пешонасини рўмолининг учига артиб тушунтирди.

Эртасидан офтобрўя айвонга ўтириб олиб, кўрпа қавишга тушди. Мен бўлсам ҳали битмаган кўрпа устида думалаб ўйнадим. Маза! Аммам уришмади-ю, сал дашном берди.

– Тур, барака топкур, пахтаси йиғилиб қолади...

Бир ойча туриб, Роби опамга ўрганиб қолган эканман.

– Амма, Роби опам қачон келадила?

– Келади, гиргиттон, келади, - деди аммам елкамга қоқиб. – Яқинда бутунлай келади... Яхши кўрасанми опангни?

– Жудаям! (Ў.Ҳ.)

**60-машқ.** Шеърни ифодали ўқинг. Тиниш белгиларининг қўйилиш сабабларини тушунтиринг.

### Бобур сўзи

Ё, фалак! Фаройиб бир иш қилмишсан,  
Бошимга мангулик ташвиш қилмишсан:  
Оҳ, менинг ўзимни шоҳ этиб нечун,  
Нечун юрагимни дарвиш қилмишсан?!

(М.Кенжабек)



**61-машк.** Ўқинг. Аввал йиғик ундалмали гапларни, сўнгра ёйиқ ундалмали гапларни кўчиринг. Тиниш белгиларининг қўлланишига диққат қилинг.

1. Хой, онадек вазмин, онадек мушфиқ, Ер! Бунча рангни, бунча гўзалликни қаёқдан олгансан?! (*Ч.А.*) 2. Низомжон, менга кара, укажон, жигар жигарга ёмонлик раво кўрмайди-а? (*С.А.*) 3. Қани, халоскорим мавлоно Хусайн, соғайган беморига не хизмат раво кўрадилар, не юмуш буюрадурлар, бош устига! 4. Ўртоқ Муродов, одам деган дўстларини унутмаслиги керак. (*Ш.Х.*) 5. Қардошим, сен хафа бўлма, ўша куни мен камчиликларингни айтдим. (*Т.М.*) 6. Эй кабутар, дўстларимни соғиниб қолдим бу кун. (*Э.В.*) 7. Пирим, мени кимларга ташлаб кетдингиз? (*П.Қ.*) 8. Болам, жон болам, ўзингни эҳтиёт қил... Хўпми, жон болам. Тушундинг-а! Оллоҳга топширдим. Иссиқроқ кийиниб юр, болам. Хавотир олманг, ойи! (*Ў.Х.*) 9. Хўб ажаб иш қилибсиз, иним! Хонадонимга ризқ берувчи Тангрим меҳмон юборган экан, ўзига шукр қиламан. Қани марҳамат қилсинлар. (*Т.М.*) 10. Тангри таъолога таваккул қилурмиз, биродар, бизга ё ул тараф, ё бул тараф. (*Қ.М.*)

**62-машк.** Ўқинг. Ундалмаларни нима билан ифодаланганини изоҳланг.

1. Гўзал хаёл, кеч, бошингда гул ўйнат,  
Менинг истак - тилагимни эркалат! (*Чўлпон*)
2. Кузги еллар, хазонрез еллар,  
Боғлардан боғларга кўчасиз.  
Гуллар хушбўйини, олтин баргларини  
Қаёқларга олиб учасиз? (*Ас.М.*)
3. Она тилим, сен руҳимнинг қаноти,  
Абут-турк нафаси, Олтой чечаги.  
Хун давридан омон келди Фиротинг,  
Қутлуғ Энасойнинг эзгу эртаги (*Р.Парфи*)

**63-машк.** Қуйидаги тест саволларининг тўғри жавобини белгиланг.

**1. Қаторларнинг қайси бирида ундалмага тўғри таъриф берилган?**

А. Сўзловчининг ўзи баён қилган фикрга муносабатини билдирган сўз ундалма дейилади.

Б. Сўзловчининг ўзи баён қилган фикрига қўшимча мулоҳазасини билдирган гап ундалма дейилади.

В. Сўзловчи нутқи қаратилган шахсни билдирган сўз ундалма дейилади.

Г. Мазмунан ҳар учала шахсга тааллуқли гап ундалма дейилади.

## **2. Қайси қаторда ундалма ўз аксини топган?**

А. Нима қиламиз, ўғлим! Бу шармандаликка қандок чидайман,

ўғилжоним!

Б. Оппоқ момиқ қор болажонларга бир олам қувонч бахш этади.

В. Мен шабада тегсин деб, четлари кўтарилиб қўйилган чодирга кирдим.

Г. Дастлабки икки йилда у қарзларидан узил-кесил қутулди.

## **3. Ундалманинг гапдаги ўрни кўрсатилган қаторни белгиланг.**

А. Фақат гапнинг бошида.

Б. Фақат гапнинг охирида.

В. Фақат гапнинг ўртасида.

Г. Гапнинг бошида, ўртасида, охирида.

## **4. Тиниш белгилари тўғри қўлланган ундалмали гапни аниқланг.**

А. – Раҳмат, ўғлим! – Домла шошилмасдан ювинди.

Б. – Раҳмат Домла... – Сирожиддин чайналиб қолди.

В. – Қўйинг, овора бўлманг! – деди Домла.

Г. – Овораси борми Домла! – деди Сирожиддин.

## **5. Мисолларнинг қайси бирида ундалма сўз бирикмаси билан ифодаланган?**

А. Табиатни асранг, одамлар!

Б. Табиат, сен ўзинг чевар онасан,  
Фарзандларинг ишқида мудом ёнасан.

В. Мехрингни соч менга, она табиат!

Г. Тинчликни сақланг, дўстлар!



### Топшириқлар:

#### I. Гапларни ўқинг.

1. Дарҳақиқат, миллатларнинг ўзини таниши, ўзлигини англаши, ўз ақлича, ўз эркича, ўз фикрича, ўз урфича яшашга уриниши миллатчилик эмас, бу табиий ҳолдир. (*Журн.*)

2. Отабек ота-она орзусига, ўз таъбирича, жонсиз хайкал бўлиб розилик берди. (*А.Қод.*)

3. Шундай қилиб, Асал ва Самад (ўғлининг исми шундай экан) бизнинг участкамизда қолишди. (*Ч.А.*)

4. Қандайдир аёллар (Искандар қарамади) унга йўл бўшатишди. (*Ў.Ҳ.*)

II. 1 ва 2- гапдан баён қилинган фикрга муносабат билдираётган, гап бўлаклари билан синтактик жиҳатдан боғланмаган сўз ёки сўз бирикмаларини топинг.

III. 3 ва 4- гаптаги қавс ичида берилган жумла нима мақсадда келтирилганлигини тушунтириб беринг.

Кириш ва киритмалар сўзловчининг ўзи баён қилган фикрга муносабатини билдириб, гап бўлаклари билан синтактик жиҳатдан алоқага киришмайди. Шунинг учун улар гап бўлаклари ҳисобланмайди ва гап бўлақларидан пауза билан ажралиб туради.

Киришлар асосан уч шаклда қўлланади: сўз шаклида, бирикма шаклида ва гап шаклида: *Демак, у Бобурнинг нажот келтиришига ишонган!* (*П.Қ.*) *Манбаларда ёзилишича, улуғ бобокалонимиз Абу Наср Форобий ўз она тили – туркий тилдан ташқари етмишдан ортиқ тилни билган. Бу бола, мен сизга айтсам, ҳечам ёлгон гапирмайди.*

Киришлар гаптаги фикр билан боғлиқ бўлган турли маъноларни – ишонч ва тасдиқни (*албатта, сўзсиз, шубҳасиз, дарҳақиқат*); тахмин ёки гумонни (*эҳтимол, балки, чамаси, шекилли*); шодлик ва ачинишни (*бахтимга, бахтга қариши, аттанг, афсуски, эссиз*); баён қилинган фикрнинг кимга қарашли эканини (*менимча, унинг айтишича, ривоят қилишларича*); баён қилинган фикрнинг олдинги фикр билан боғлиқлигини (*демак, умуман, аксинча, хуллас,*

айниқса, бинобарин, хусусан), фикр тартибини (*биринчидан, иккинчидан, аввал, охири, ниҳоят*); тасдиқ ёки инкорни (*ҳа, йўқ, майли, тўғри*) билдиради.

Киришлар гапнинг бошида келса, ундан кейин, гапнинг ўртасида келса, ҳар икки томондан, охирида келса, ундан олдин вергул қўйилади.

Киритмалар асосий гапдаги фикр билан боғланиб, нутқ жараёнида туғилган эҳтиёжга кўра худди кутилмагандек, бирдан киритилиб, унга кўшимча сифатида янги фикр баён қилади: *Тақсир, шоҳимиз шу отни ва ўз нўстинларини (қуён терисидан тикилган нўстин эгарда ўроглиқ эди) сизга инъом қилдилар. Укам (Равшанбек) қовжираб қолган ўтларга ёнбошлаб, осмонни тўлдирган гуж-гуж юлдузларга тикилганча ўй сурарди.*

Киритмалар фақат гап орасида келиб, асосий гапдан қавс орқали ажратилади.

Киритмалар ҳам киришлар каби сўз шаклида, бирикма шаклида ва гап шаклида қўлланилиши мумкин. Масалан:

*Бир савдогарнинг қимматбаҳо тошлари (жавоҳирлари) кўп экан. Унинг хотини (Маҳсумнинг онаси) сал илгарироқ қазо қилган эди. (Ф.Фуллом) Тошкент тинчлангандан кейин (агар саломат бўлсам) ўзим хабар бераман. (А.Қод.)*

**64-машқ.** Гапларнинг уларнинг мазмунига мос киришлар билан кенгайтириг.

1. Яхши инсон кўркем фазилатлар чашмасидир. 2. Чин севгининг энг ишончли гувоҳи виждондир. 3. Тез сўнадиган муҳаббатнинг туғилмагани яхши. 3. Ҳар нарсадан нолишлик, ношукур, беқаноатларнинг ишидир.

**65-машқ.** Ўқинг. Кириш ва киритмаларни топинг ва маъносини изоҳланг.

1. Айниқса, рамазон ҳайити кунларида бегимнинг қабрини зиёрат қилувчилар кўп бўлади. (*П.Қ.*) 2. Менимча, бекорчилик танҳоликдан ҳам кўра оғирроқ иллатдир. (*Ж.Ж.Руссо*) 3. Тавба, наҳотки, Максуджон Комиланинг отаси бўлиб чиқса?! Йўқ, бўлиши мумкин эмас! (*Р.Карим*) 4. Дониёр ҳадеганда гапира қолмади, чамамда, менинг бу гапим унга ёқмади, шекилли.



(*Ч.А.*) 5. Музаффарнинг ойиси (худди шунақа эканига шубҳа қилмасдим) қандайдир паришон тарзда ердан кўз узмай тез-тез юриб келарди. (*Ў.Х.*) 6. Бирор нарса тўғрисида «Фақат шуни севаман», деб ҳам айта олмайман (айтсам ёлғон бўлади) 7. Рост, бизнинг ҳеч биримиз дунёнинг аччиқ-чучугини сизчалик кўп татиб кўрган эмасмиз. (*П.Қ.*) 8. Ҳозирга қадар етиб келган қадимий ёзма манбаларнинг шоҳидлик беришича, Эрон, Туркистон, Афғонистонда Наврўз байрамини ўтказиш Аҳмонийлар даврида (милоддан аввалги VI асрларда) кенг тарқалган. (*Журн.*)

**66-машқ.** Тушириб қолдирилган тиниш белгиларини қўйиб, гапларни кўчиринг. Кириш ва киритмаларни топиб, маъносини айтиб беринг. 3,7,9-гапларни синтактик таҳлил қилинг.

1. Таассуфки икки кундан буён наққошларнинг иши тўхтаб қолди. (*Қ.М.*) 2. Дарҳақиқат инсоннинг қадр-қиммати ҳам кўпинча шундай айрилиқ кунларида билинмайдими? 3. Шофёр олдида ўшаларнинг хўжайини бўлса керак битта семиз киши ўтирибди. (*Ў.Х.*) 4. Дарвоқе ёдимдан кўтарилибди. 5. Майли тушган жойида тинчигани яхши. (*Қ.М.*) 6. Мабодо Кимсан акам йўқ бўлганида ҳам ўлган дейишга тилим бормайди мен борман-ку. (*Ў.Х.*) 7. Амир Темурнинг Туркияга юриши Осиё тарихида умуман инсоният тарихида катта из қолдирди. (*Журн.*) 8. Маълумки тасаввуф илми қалб илмидир қалбингни пок қил! (*Х.*) 9. Хонтахтага куроқ дастурхон ёзилган ўртада писта бодом қанд-курс тўла патнис турарди оқсоқолникида патнис ҳамиша тайёр. (*Ў.Х.*) 10. Бежиз эмаски халқимиз тилга хусусан ўзининг она тилига мунтазам муҳаббат билан қараган уни эъзозлаб ардоқлаган ўзбек тилининг мукамаллиги ва бетакрор оҳангларида фахру ифтихор қилган. (*Н.Маҳмудов*)

**67-машқ.** Берилган мисолларни ўқинг. Гап бўлаклари билан грамматик жиҳатдан алоқага кирмаган сўзларни топинг. Тиниш белгиларининг қўлланилиш сабабини айтинг.

1. Билим, маърифат, албатта, яхши ахлоқ билан безатилмоғи лозим. (*Х.*) 2. Шундай қилиб, биз ҳар куни станцияга ғалла ташиб юрдик. (*Ч.А.*) 3. Баҳодир ака ҳаммадан олдин ётди-ю уйкуга кетди (Виждони соф одамлар хотиржам ухлайдилар).

(Ў.Ҳ.) 4. Хусусан, сиз учун кулгининг хосияти кўп. Кулгидан, чиндан ҳам, миянгиз тиниклашади ва ҳатто бутун вужудингиз баҳра олади. Албатта, бировнинг устидан кулиш – бошқа нарса, бундай кулги, шубҳасиз, кишини тез қаритади. (Э.Генри) 5. Исмоил Ҳикматнинг ёзишича, исломдан илгари ҳам Ҳиндистон, Миср, Эрон ва Юнонистонда тасаввуф бор экан. (Журн.) 6. Шаркнинг машҳур табиби Ар-Розий (унинг тўлиқ номи Абу Бакр Муҳаммад ибн Закариё ар-Розий 865-925 йиллар) медицина, кимё, мантиқ ва фалсафа каби соҳаларда муҳим тадқиқотлар олиб борган. (Газ.) 7. Дўст кулфатда синалади, дейдилар, менимча, улар бахтли дамларда ҳам синалади. (Ч.А.) 8. Айтишларича, уруш пайтида бир бева хотин беш-олти ёшлардаги боласи билан шу ерга келиб қолган. (Ў.Ҳ.) 9. Бойлигини топишибди-ю, ақл-идроқини йўқотишибди, ажабо, топган нарсалари билан йўқотган нарсаларининг баҳоси бир хилмиди?! (Ч.А.)

**68-машқ.** Берилган гапларни ачиниш ёки шодликни билдирувчи киришлар билан кенгайтириб кўчиринг.

1. Бугун Нигорани учрата олмадим. 2. Кутубхона ўз ишини бошлади. 3. У арзимас ишларга ҳам жанжал кўтарадиган одат чиқарди.

**69-машқ.** Берилган гапларни ишонч ёки тасдиқни билдирувчи киришлар билан кенгайтиринг.

1. Ҳар куни эрталаб бадантарбия қиламан. 2. Достон иқтисодчи бўлади. 3. Йўл жуда олис, хатарли эди.

**70-машқ.** Берилган гапларни гумон ёки таажжубни билдирувчи киришлар билан кенгайтириб кўчиринг.

1. Инсоннинг инсонга оқибати шу бўлса-я? 2. Кечаги машғулотда Нафиса кўринмади. 5. Мени кўриб, дарахт панасига ўтганга ўхшайди.

**71-машқ.** Берилган гапларни баён этилган фикрнинг кимга қарашли эканлигини билдирувчи киришлар билан кенгайтиринг.

1. Эртага ҳаво яхши бўлади. 2. Қилган ишидан ўзи пушаймон бўлди. 3. Ичкарида кимдир бор.



**72-машк.** Қуйидаги киришлар иштирокида гаплар тузинг. Киришлар гапнинг бошида, ўртасида ва охирида келсин.

Шубҳасиз, рост, тўғри, тўғриси, сўзсиз, албатта;  
Чамамда, афтидан, эҳтимол, шекилли, башарти;  
Яхшиямки, ишқилиб, кошкийди, қани энди;  
Қизик, ажаб, ажабо, тавба, наҳот, наҳотки;  
Менимча, назаримда, айтишларича, билишимча, айтмоқчи;  
Хулласи калом, шундай килиб, қўйингки, умуман.

**73-машк.** Кўчириг. Киришларнинг тагига чизиб, қандай маъно англатганини изоҳланг.

## I

1. Афсуски, узоқ йиллар ахтариб, излаб, топдим деганимда, сени яна йўқотиб қўйдим. 2. Айтгандай, сиз уни ҳали танимайсиз. (Ў.Ҳ.) 3. Аслида бунда чўғ эмас, тўғрироғи, олов мавжуд эди. (Т.М.) 4. Ниҳоят, оқсоқол бир сўз демай ичкарига кириб кетди. (С.А.) 5. Нутқ, нуқтадонлик, чуқур мантиқ ва мазмундорлик ҳар ким учун керак, айниқса, ўқитувчи учун зарурдир. (Р.У.) 6. Эҳтимол, устознинг ишлари қўпдур. (О.) 7. Тарбия билимгоҳи ёки олийгоҳига таҳсил олиш учун қадам қўйган ҳар бир талаба, аввало, болани севиши зарур. (Р.У.) 8. Тўғри, синглим, жуда тўғри айтдингиз! – деди шоир. (А.Қ.)

## II

1. Менимча, намгарчиликда каклик сайрамаса керак. (Ш.Х.) 2. Ҳолбуки, биз яқиндагина эшон тўполони бўлиб ўтган жойдан унча олисда эмасмиз. (Ч.) 3. Қизик, ошхона ҳам, унинг ёнбошига деворга тираб тикланган тандир ҳам ўша-ўша ўзгармаган. (Ў.Ҳ.) 4. Очиғини айтсам, нимага қамалганимни ўзим ҳам ҳалигача билмайман. (С.А.) 5. Ўразқул уларни дарҳол ўрмонга бошлар, ов уюштирар, хуллас, ҳамма нарсага мутасаддилик қиларди. (Ч.А.) 6. Айниқса, Аширалининг гаплари Ферузанинг дилидаги чигалларни ечиб юборди. 7. Дарҳақиқат, осмоннинг бир бўлагини қора булут туркумлари ўрар, ҳаво ҳам анча совуб, танни жунжита бошлаган эди. (Ҳ.Ғ.) 8. Қизнинг гапига қараганда, бу ерларнинг иқлими худди водийнинг иқлими сингари мўътадил экан.

**74-машқ.** Ўқинг. Биринчи ва охири жумлаларга мос киритмалар қўйиб матнни кўчиринг.

### **Фитрат – ўзбек тили грамматикасининг асосчиларидан бири**

Абдурауф Фитрат биринчилардан бўлиб ўзбек тили грамматикасини яратишга киришди. 1925 йилда унинг «Ўзбек тили қоидалари тўғрисида бир тажриба: Сарв (1-китоб), Нахв (2-китоб)» асари босмадан чиқди. Бу асар ўзбек тили грамматикасининг барча масалаларини ўз ичига қамраб олади. Фитратнинг ушбу асари 1925-1930 йиллар оралиғида бир неча марта нашр қилинди.

«Нахв» асарининг сўз бошисида олим қуйидагиларни ёзди: «Биз тил қоидалари ҳам унинг атамалари (истилоҳлар) тўғрисида ишлашнинг ҳали биринчи пайтида яшаймиз. Шунинг учун тилимизнинг қоидаларини бутунлай майдонга қўйиб атамаларини собит бир ҳолга келтира олғонимиз йўқ. Бу тўғрида тил муаллимларимизаро бирлашган йўл ҳануз йўқдир... тилимизнинг бутун қоидаларини аниқлаб, атамаларини майдонга қўймоқ учун яна бироз тиришмагимиз, бир-биримизга кўмак қилишимиз лозим». Кўринадики, Фитратнинг мақсади тилимизда амал қиладиган қонуниятларни атрофлича ўрганиш, тил ҳодисаларини аниқлаб улар моҳиятига мос келадиган илмий атамаларни тўғри белгилаш эди. (*Қурбонова М.*)

**75-машқ.** Қуйидаги тест саволларининг тўғри жавобини белгиланг.

#### **1. Қайси каторда кириш сўз берилган?**

- А. Ўрмонжоннинг юраги шув этиб, дами ичига тушиб кетди.
- Б. Сахифаларнинг баъзилари қалам, баъзилари сиёҳ билан ёзилган.
- В. Ишимизнинг мураккаб томонлари, муаммолари ҳам бор.
- Г. Айрим ёшлар вақтни беҳуда ўтказишади, эсиз.

#### **2. Қайси мисолда кириш бирикма ўз ифодасини топган?**

- А. Ровийлар айтишларича, подшоҳ бир қизни, отаси ҳамда икки акасини ўлимга ҳукм этибди.
- Б. – Ухладилар шекилли, бир оз дам олсинлар, - деди.
- В. Ўзбеклар болажон халқ, бу сир эмас, албатта.
- Г. Бахтимизга, бугун ҳамма келган эди.



### **3. Шубха, гумонни билдирувчи кириш сўзни белгиланг.**

- А. Бахтга қарши, Саида унинг хошишини пайқамади.
- Б. Рассом ўзи келар, балки, эртага бирортасини юборар.
- В. Опам барча воқеаларни, хусусан, кечаги ҳодисани батафсил гапирди.
- Г. Мирзаев, шубҳасиз, жуда тажрибали шифокор.

### **4. Қайси мисолда киритма ўз ифодасини топган?**

- А. Тўхтаҳон узоқдан икки кишининг қорасини кўрди.
- Б. Энг аввало иссиқ салом – ширин сўз.
- В. Тилга ихтиёрсиз – элга эҳтиборсиз.
- Г. Ибн Сино тиббиёт (медицина), риёзиёт (математика), фикик-шунослик (теология), фалсафа (философия) каби фанларни пухта билган.

### **5. Асосий гаптаги фикрга тавсиф бериш мақсадида қўлланган киритмани белгиланг.**

- А. Биз (бу сафар Саида ҳам ҳамроҳ бўлди) Ўзганга эрталаб жўнадик.
- Б. Талабалар келишим ҳақи (контрак)ни тўлаш учун кетдилар.
- В. Бу ўқувчи (ўтган йилги мусобақада биринчи ўринни олган) шахматга жуда берилган.
- Г. Ялпиз (чўл ялпизи эмас) ошга солинади, яхши ҳид беради.

### **6. Киришлар асосан қандай шаклда қўлланилади?**

- А. Уч шаклда;
- Б. Беш шаклда;
- В. Тўрт шаклда;
- Г. Жавоблар нотўғри.

### **7. Киритмалар гап орасида келса, қандай тиниш белгиси ишлатилади?**

- А. Вергул;
- Б. Тире;
- В. Қавс;
- Г. Қўштирноқ.

### Топшириқлар:

I. Қуйидаги чап ва ўнг томонлардаги гапларни солиштиринг. Мазмуни ва грамматик қурилишидаги фарқларни тушунтиринг.

II. Кўчирма гап қондасини эсланг. Кўчирма гап ўзлаштирма гапга айлантирилганда қандай ўзига хосликлар бўлишига диққат қилинг.

- |  |  |
|--|--|
| 1. «Зийрак қиз ота-онага раҳмат ёғдиради»,– дейди донолар.                 | Донолар зийрак қизнинг ота - онасига раҳмат ёғдиришини эслатганлар.          |
| 2. Ҳазрати Лукмон: «Иффат номуснинг энг маҳкам суянчиғидир», – деган экан. | Ҳазрати Лукмон иффат номуснинг энг маҳкам суянчиғи эканлигини айтган.        |
| 3. «Ғийбатчи кишиларга яқин юрма»,– деган эди Юсуф Хос Ҳожиб.              | Юсуф Хос Ҳожиб ғийбатчи кишиларга яқин юрмаслик кераклигини баён қилган эди. |
| 4. «Йиғилиш бошландими?» – деб сўради навбатчи.                            | Навбатчи йиғилиш бошланган-бошланмаганини сўради.                            |

**76-машқ.** Ўқинг. Ўзлаштирма гапларни кўчирма гапларга айлантириб, кўчиринг. Зарур тиниш белгиларини қўйинг.

1. Донишмандлар одобнинг юкори босқичи гўзал ҳулқ эканлигини таъкидлаганлар. 2. А.Навоий чин сўз мўътабар, яхши сўз мухтасар эканлигини баён қилган эди. 3. Кайковус етти бошли аждардан эмас, тилёғлама одамдан кўрқкиш кераклигини уқтирган. 4. Пифагор обрўдан жудо бўлмаслик учун сирни бировга айтмасликни эслатган деган экан.

✓ **77-машқ.** Кўчирма гап ва муаллиф гапларини ажратиб, тиниш белгиларини қўйиб кўчиринг.

1. Улуғ рус ёзувчиси А.П. Чехов инсонда ҳамма нарса гўзал бўлиши керак: юзи ҳам, кийими ҳам, қалби ҳам, фикри ҳам деган эди. 2. Мақолангизни ўқидим дедим таклиф қилмаса ҳам



ўтириб рост гапларни ёзибсиз! (Ў.Ҳ.) 3. Финляндия президенти У. Кекконен Москвага келганда, ундан нимани хоҳлайсиз деб сўрашганда, у Чингиз Айтматовнинг туғилиб ўсган овулини бир кўриш орзусидаман деб жавоб берган экан. (Ў.Ҳ.) 4. Бўшашма, кичкина бола, оз қолди деб кўярди янгам Жамила. (Ч.А.) 5. Отамдан қаттиқ хайиқар эдик деб ёзади адиб. Отам бирон марта ҳам бир тарсаки урган эмас. Отани қаттиқ иззат қилишни онам ўргатган. 6. Қани, меҳмонлар, ҳандалакдан ўз қўлларинг билан узиб олинглар. Гашти бошқача бўлади деб таклиф қилди Алижон ака (Ў.Ҳ.)

**78-машқ.** Мустақил равишда дарак, сўроқ ва буйруқ гапли кўчирма гаплардан 2 тадан топинг ва уларни ўзлаштирма гапларга айлантириб, дафтарингизга ёзинг.

### 18-§. Кўчирма гапларнинг ўрни ва уларда тиниш белгиларининг ишлатилиши

#### Топшириқлар:

Қуйидаги жадвалда берилган шартли белгиларга диққат билан қаранг. Кўчирма ва муаллиф гапининг ўрнини ва тиниш белгиларининг қўйилишини тушуниб олган ҳолда, ҳар бирига алоҳида мисоллар келтиринг.

«К (к)» – кўчирма гап		
М (м) – муаллиф гапи		
1	а) «К», – м. б) «К?» – м. в) «К!» – м.	Шартли белгилардан кўриниб турибдики, кўчирма гап 4 хил ўринда келади:  муаллиф гапидан аввал;  муаллиф гапидан кейин; муаллиф гапи ўртасида; муаллиф гапининг ҳар икки томонида.  Кўчирма гапнинг мақсадга кўра турларига қараб, тиниш белгиларида ўзгаришлар бўлади.
2	а) М: «К». б) М: «К?» в) М: «К!»	
3	а) М: «К», – м. б) М: «К?» – м. в) М: «К!» – м.	
4	а) «К, – м, – к». б) «К, – м. – К». в) «К? – м. – К?». г) «К! – м. – К!».	

**79-машк.** Зарур ўринларга тиниш белгиларини қўйиб гапларни кўчиринг ва ҳар бир гапдан кейин шартли белгиларни қўйинг.

1. Пифагор шундай деган эди Фақат пасткаш одамларгина олдинда мақтаб орқангдан ғийбат қилади. 2. Бир донишманддан мурувват нима? деб сўрадилар. У қариндош-уруғ, дўсту ёрлардан етган жафоларни кечиришдир деб жавоб берди. 3. Яхши фазилатли бўлиб кўринишдан маъно йўқ дейди донишманд Асл маъно чинакам фазилатли бўлишдадир. 4. Инсонларда умид бўлмаса эди дейди донишманд ҳаёт лаззати йўқоларди. 5. Йигит йигитдан нимаси билан ортиқ сўради ўғил отасидан. («М.») 6. Мардлик қандай қўлга киритилади деб сўрадилар шогирдлар донишманддан ҳар бир ишнинг муваффақияти нимада. (Ҳ.) 7. Хон Манасга Аллоҳ мададкор бўлсин деб хитоб қилди Жақип. 8. Бақай Манасга деди Манас! Сенинг тўққиз отанг хон бўлган. Хонликнинг тўрт йўриғига амал қил! 9. Одамлар! Инсонпарвар бўлинг! деган эди Жан Жак Руссо Бу сизнинг биринчи бурчингиз! 10. Хотамтойдан сўрашибди Сахийлик қалбингдан жой олгандан буён ўзингга ўхшаган кишини учратдингми.

Кўчирма гаплар ёзувда ҳар доим, муаллиф гапининг қай томонида келишидан қатъи назар, қўштирноққа олинади ва бош ҳарф билан бошланади: *Донолар: «Одоб ва фазилатнинг боиси тилни тийиб туришидир», – дейдилар.*

Китобларда, газета ва журналларда кўчирма гап доим сатр бошидан бошланади ва олдидан тире (чизик) қўйилади. Масалан:

– *Хўш, ким бўлмоқчисан ўзи?*

– *Полвон бўламан, – деди Манас қўрқмай.*

– *Полвон бўлсанг нима бўпти?*

– *Душманларнинг додини бераман.*

– *Хўш! Нима учун душманнинг додини берасан?*

– *Манас бу саволга жавоб топа олмади.*

– *Қандай қилиб полвон баҳодир бўласан?*

– *Билмасам.*

– *Бугундан иборат айтганимни қилсанг, паҳлавон, ботир йигит бўласан, – деди Ўшпир.*

– *Манас «бўпти» дегандай бошини ирғаб қўйди. («М.»)*



**80-машқ.** Гурухларга бўлиниб, латифаларни ўқинг. Латифалар сизда қандай фикр уйғотди? Хулосаларингиз асосида гурухлараро мунозара уюштиринг. Кўчирма гапларни ёзувдаги қоидага биноан тиниш белгиларини қўйиб кўчиринг.

## I.

Мадрасада истиқомат қиладиган бир мулла ўз хужрасининг эшигига: «Жоҳил, аҳмоқ одамларнинг хужрамга киришлари мумкин эмас» деб, ёзиб қўйган эди.

Ҳазилкаш одамлардан бири шерикларига:

– Ажабо, мулланинг ўзи қаердан кирар экан? – деди. (Х.)

## II.

Афандининг хотини ўлгудай қайсар экан. Афанди бир таноб ерига буғдой экибди. Эл қатори унинг буғдойи ҳам бошоқ тортибди, пишибди. Афанди буғдойини ўриб оладиган бўлибди.

– Хотин, – дебди Афанди, – ўрокни олиб чиқ, буғдойни ўрайлик.

– Буғдой ўрилмайди, – дебди қайсар хотин. – Қайчи билан қийилади. Шундай деб, икки бармоғини қайчи қилиб кўрсатибди.

– Эсинг жойидами, хотин? – дебди Афанди. – Дехқон зоти борки, буғдойни ўроқ билан ўради!

– Дехқон билан нима ишим бор? – дея қайсар хотин икки бармоғини яна қайчи қилиб кўрсатибди. – Буғдой ўрилмайди, қийилади!

Афанди хотинини судраб, далага олиб чиқибди.

– Кўрдингми? – дебди. – Ҳамма буғдойни ўряпти.

– Йўқ! – дебди қайсар хотин. – Буғдой ўрилмайди, қайчи билан қийилади!

Афанди жаҳл устида хотинини дарёга улоқтириб юборибди. Хотин шўрлик сузишни билмас экан. Чўкиб кетаётганмиш-у, шундаям икки бармоғини сувдан чиқариб, қайчи қилиб кўрсатармиш. (Ў.Х.)

**81-машқ.** Ўзингиз ёқтирган бадий асардан кўчирма гаплар катнашган парча кўчириб ёзинг. Тиниш белгиларининг қўлланилишини изоҳланг.

**82-машк.** Ўқинг. Кўчирма гапли курилмаларда муаллиф гапидаги эга билан кесимнинг тартибини аниқланг, тартибнинг услубий аҳамиятини тушунтиринг.

Бир донишманддан:

– Дунёда инсон учун энг яхши нарса нима-ю, энг ёмон нарса нима? – деб сўрадилар.

Донишманд айтди:

– Дунёда инсон учун энг яхши нарса гўзал ахлоқ, тарбия, саъй-ҳаракат, ғайрат бўлиб, шу гўзал хислатлар билан ном чиқаришдир. Ўлимдан ҳам баттар ёмон нарса эса тарбиясизлик ва ялқовлик билан «шуҳрат қозонишдир».

Яна сўрадилар:

– Энг ақлли одам ким?

Донишманд:

– Кўп нарсани билиб, кам сўзлаган, ўз билимига мағрур бўлиб, билимдонлик қилмаган одам энг ақлли ҳисобланади, – деб жавоб берди. («Аждодлар ўғити»)

**83-машк.** Абдулла Қодирийнинг «Меҳробдан чаён» романидан келтирилган парчани ўқинг. Аввал “К, – м, – к. ” шартли белгисига, кейин “К! – м, – к! ” шартли белгисига мос келган кўчирма гапларни ёзинг.

– Пушти панохо, – деди Ҳудайчи, – хиёнаткор ўз ихтиёри билан келиб, доми адолатингизга таслим бўлмоқчи.

– Хиёнаткоринг ким?

– Мирзо Анвар!

Хон сесканиб кетди, ҳамнишинлар ҳам аланг-жалаңг бўлдилар.

– Келтир!

Худайчи қуллуқ қилиб, орқасига қайтди. Даҳлиздаги Анвар биринчи хонадаги аёни ҳайратга солиб, иккинчи танобийнинг бўсағасида, жаллодлар ўртасида тўхтади ва хонга таъзим адо қилди.

Рақибни бу қадар жасоратда кўрган Худоёрнинг киприк остлари учиб, соқол туклари силкинди ва бир оз сўз тополмагандек тамшаниб турди.

– Сен бизга хиёнат қилдинг, ит увли!

Анвар бош ирғатди.

– Иқрорман.



– Тузимни унутдинг!  
– Тонмайман!  
– Икрорсан, тонмайсан, ўбдан иш! – деди захарханда килиб хон, – ўлудан ҳам қайтмайсан!

– Мен сиздан марҳамат сўраб келган эмасман! – деди жилмайиб Анвар, – ўзимни ўлимга бериб, бир гуноҳсизни қутқариш учун келганман!

Ҳамнишинлар лабларини тишладилар. Худоёр истеззоли кулди.

– Пусулмончилик қилгансан-да ?!

– Албатта! – деди Анвар, – бошқалар киши гуноҳи учун гуноҳсизни тутиб пусулмониликдан чикқач, мен пусулмонлик билан ўлишни ўбдан билдим!

Бу жавоб Худоёрни қип-кизил тусга қўйиб, манглайида терлар кўринди, ғазаб ўти аланга олди.

– Сенинг қиғон ишинг пусулмонликда борми, ит увли?!

**84-машқ.** Қуйидаги тест саволларининг тўғри жавобини белгиланг.

**1. Кўчирма гапларнинг қайси бирида тиниш белгилари тўғри ишлатилган?**

- А. Майли, улар билан ўзимиз гаплашиб оламиз деди, - кулиб.
- Б. Ҳадеб жанжал қилаверасанми, деди ойим мурасага чиқарган оҳангда.
- В. «Танишиб қўяйлик, ўртоқ кичик лейтенант» - деди у йигитга.
- Г. Сержантнинг рухсат беришга ҳаққи йўқ деди капитан, тағин беписандлик билан томоқ қириб.

**2. Ўзлаштира гап қайси мисолда тўғри берилган?**

- А. Профессор эртага мажлис бўлишини таъкидлади.
- Б. Кўчага чикдию, курук қор бўрони юзига урилиб, нафаси қайтди.
- В. Жамшиднинг қўлини силтаб ташлади.
- Г. Башорат опа рост айтган экан.

**3. Ўзлаштира гап қатнашган қаторни аниқланг.**

- А. Замира синфдошлари ҳақида тўлиб-тошиб гапирди.
- Б. Ўқувчилар маҳаллий газета ва журналларга обуна бўлишди.
- В. Болалар, йўл қодаларига тўла риоя қилинг.
- Г. Насиба совуқдан оёқлари зиркираб оғриётганини айтди.

#### 4. Қуйидаги кўчирма гап қайси схемага мувофиқ келади?

Афлотун ҳаким айтади: «Баданнинг қуввати овқат, ақлнинг қуввати эса ҳикматли сўзлар, донолик ва донишмандликдир».

А. «К», – м.

Б. М: «К».

В. М: «К», – м.

Г. «К, – м. – К».

#### 5. Қайси қатордаги кўчирма гап ушбу [«К! – м. – К»] схемага мувофиқ?

А. – Ҳайронман... – Бобом хўрсинди.

Б. – Баракалла, азаматлар! – деди хушчақчақ овозда.  
– Яшанглар!

В. – Халойиқ! – деди овози титраб.

Г. – Тўй деган болаларники бўлади. Ўйнайвер, болам.

#### 6. Қуйидаги кўчирма гап қайси схемага мувофиқ келади?

Абу Али ибн Сино айтади: «ҳаё – инсоннинг абадий гўзаллиги ва латофатидир. ҳаёсиз юз жонсиз жасадга ўхшайди!»

А. «К!», – м.

Б. М: «К!»

В. М: «К?»

Г. «К, – м. – К!».

### 19-§. Кўчирма ва уларда тиниш белгиларининг қўлланилиши

#### Топшириқлар:

I. Қуйидаги кўчирмаларга муаллиф гапи қўшиб, кўчирма гапларни ҳосил қилинг.

1. «Аниқ-равшанлик – тилнинг бош фазилатидир». (Арасту)

2. «Айтур сўзни айт, айтмас сўздан қайт». (А.Н.)

3. «Тилингни авайла – омондур бошинг, сўзингни авайла узаяр ёшинг». (Юсуф Хос Ҳожиб)

4. «Гўзал гўзалдур сўлган чоғда ҳам...» (Чўлпон)

II. Кўчирма гап муаллиф гапидан олдин, кейин, унинг ўртасида ва икки томонида келсин. Зарур тиниш белгиларини қўйиб, кўчиринг.



Сўзловчи ёки ёзувчи ўз фикрини исботлаш ва далиллаш мақсадида бошқа бир кишининг сўзларидан, мақоллардан, ҳикматлардан фойдаланиши мумкин.

Кўчирма (цитата) лардан фойдаланиш икки хил бўлади:

1. Эпиграф сифатида фойдаланиш. Айрим ёзувчилар ўз асарларининг бошланишида ўзига маъқул бўлган адибларнинг асаридан парча келтиради. Масалан, А. Қахҳор «Бемор» ҳикоясига «*Осмон йироқ, ер қаттиқ*» мақолини, «*Ўтмишдан эртақлар*» қиссасига А. Ориповнинг «*Муножот*» шеърдан бир бандни эпиграф қилиб олган:

*Эшилиб, тўлганиб ингранади куй,  
Асрлар қайғусин сўйлар муножот.  
Куйи шунча бўлса, гамнинг ўзига  
Қандай чидай олган экан одамзот.*

Ўқувчилар ҳам иншо ёзишда эпиграфдан фойдаланади. Эпиграф қўштирноққа олинмайди. Остига муаллифнинг исми ёки халқ мақоли деб ёзиб қўйилади. Ёзув қавс ичига олинмайди.

2. Кўчирмадан фойдаланишнинг иккинчи турида муаллиф бошқа бир кишининг сўзини ўз гапи орасига киритиб кетади.

Мақсуд Шайхзода Алишер Навоийни биринчи марта «*Ҳазал мулкининг султони*» деб атаган. Бошқалар ҳам бу иборани айнан қўллайдилар. Ибора Шайхзоданинг сўзи бўлгани учун уни қўштирноқ ичига оладилар.

Баъзан сўзловчи халқ ибораларини, мақол ва маталларни ёки машҳур кишиларнинг ҳаммага таниш бўлган ибораларини ўз гапига «едириб» юборади. Масалан: *Бундан чиқди «ҳолвани ҳақим еб, калтакни етим ер» эканда. Бу «водийларни яёв кезган» ман, ука.* Бундай ҳолатларда кўчирмалар қўштирноққа олинади, аммо гап орасида келганда бош ҳарф билан ёзилмайди.

**85-машқ.** Ўзингиз ўқиган бадиий асар ёки газета, журнал мақолаларида учраган кўчирмаларни эсланг. Улар нима мақсадда қўлланганини тушунтиринг.

**86-машқ.** Қуйидаги парчалардан кўчирма сифатида фойдаланиб, гаплар ёки кичик матнлар тузинг. Парчанинг кимга тааллуқли эканини айтинг.

1. Хунарни асрабон неткумдир охир.
2. Яхши киши кўрмагай ёмонлик ҳаргиз.
3. Ош есалар, ўртада сарсон илик.
4. Дўст билан обод уйинг.
5. Бели оғримаганнинг нон ейишига боқ.
6. Ки сен ҳам ҳур туғулғонсен.
7. Тил воситаи, робитаи, оламиёндин.
8. Мен тоза бўлсам, сен тоза бўлсанг, жамият тоза бўлади.

**87-машқ.** Берилган матндаги кўчирмалар ва кўчирма гапларни аниқланг. Кўчирма гапларни дафтарингизга ёзиб, тиниш белгиларининг қўйилишини тушунтиринг.

### Ноннинг қадри

Ноннинг шарҳи пинҳон қоладиган нарсасиз. У ҳар бир бозорда айтиладиган дostonдир. Ноннинг шуҳрати ва бозори ўлмайди.

*Абу Исҳоқ Ҳаллож*

Қадимги Миср донишмандларидан бири: «Сиз дунёдаги барча неъматлар ичида нимани юқори баҳолайсиз?» – деган саволга: «Мен нонни юқори баҳолайман. Нон – барча неъматларнинг султони», – деб жавоб берган экан.

Улуғбек Самарқанд атрофида юрганда йўл ёқасида ерда ётган нон бурдасини кўриб қолади-да, дарров отдан тушади. Нонни олиб, кўйнига солади. Унинг ёнидагилардан бири: «Султоним, нега бизга буюрмай, ўзингиз отдан тушдингиз?» – деб сўраганда, Улуғбек: «Нонни дастлаб мен кўрдим, уни ердан олишни бировга буюриш нонга нисбатан менинг ҳурматсизлигим бўлади. Нон олдида менинг подшоҳлигим, мартабам ҳечдир!» – деб жавоб берган. (*Шарҳ ҳикмати*)

**88-машқ.** А.Қаҳҳорнинг кўчирма (эпиграф) билан бошланадиган ҳикоялардан бирини танлаб ўқинг. Эпиграф билан ҳикоя мазмунидаги уйғунликни аниқланг. Фикрларингизни эссе тарзида ёзма баён этинг.



Икки кишининг ўзаро суҳбати диалог дейилади.

Диалогда баъзан муаллиф сўзи бўлмаслиги мумкин. Ундай ҳолатда ҳар бир сўзловчининг гапи китоб ва газета-журналларда сатр бошидан тире (чизик) билан бошланади ва бош ҳарф билан ёзилади.

Ёзувда қуйидагича тиниш белгилари қўйилади:

«К?» – «К». – «К?» – «К».

«Қаердан келдинг?» – «Қишлоқдан». – «Нима қилмоқчисан?» – «Ўқимоқчиман».

**89-машқ.** Ўқинг. Қуйидаги гапларнинг тиниш белгиларини қоидага мувофиқ тарзда қўйиб кўчиринг.

Ота-бола овулга яқинлашиб қолганда, Манас ўйланиб қолди ва қиблагоҳига яқинроқ келиб, деди Ота сиз менинг улғайиб қолганимга ишонасизми.

Бўлмасам-чи, эсли-хушли йигитча бўлиб қолдинг. Яна каттароқ бўлмоқчимисан бўй-бастинг теракдай.

Менга ростдан ишонасизми.

Албатта.

Мен сиздан бир нарсани сўрамоқчиман, яширмай, тўғриси айтасизми.

Хўш нимаёкан бўталоғим.

Боласи отасидан сўраши лозим бўлган савол. Донишманд ота вояга етган ўғлига дангал айтадиган жавоб.

Унда айтавер болам. Энди сендан ҳеч нарсани яширмайман.

Отажон насл-насабини билмаган киши одам бўлмайди. Менинг етти бобом тўғрисида гапириб беринг. ... («М.»)

**90-машқ.** Ҳ. Олимжоннинг «Зайнаб ва Омон» достонидан олинган парчани ўқинг. Зарурий тиниш белгиларини қўйиб кўчиринг.

Анор ҳамон оташда эди

Бўлмайдими Собир, тез гапир!

Опа, бўлмас, жоним, гапим бир!

Ё мени де, ёки Омонни!

Нетай, тикдим йўлида жонни!

У пасткашнинг зоти ким экан!?

Опа, урма қалбимга тикан.  
Уни мен ҳам билолганим йўқ.  
Бу юмушни қилолганим йўқ.  
Лекин ишонч билан тўликман,  
Шу ишончим билан улуғман.

**91-машқ.** Тоҳир Маликнинг «Шайтанат» асаридан олинган диалогни ўқинг. Ҳар бир гапнинг мазмунига мос равишда муаллиф гапи қўйиб кўчиринг.

– Ҳайдар, сен отларнинг фарқига борасанми?

– Қанақа отлар?

– Ҳа, энди отлар ҳар хил бўлади: аравага қўшадигани, улоқчиси.

– Мен отларнинг фарқига бормайман. Нега сўраяпсан?

– Зўр улоқчи отлардан иккитасини топиш керак. Нархи осмон баравар бўлса ҳам сотиб оламиз.

– Нима бало, улоқ чопмоқчимисан?

– Мени даволаган табиб улоққа ишқибоз экан. Шунга совға қиламиз.

– Яхши ўйлабсан. Гап йўқ, топамиз. (Т.М.)

**92-машқ.** Асардан келтирилган парчани ўқинг. Зарурий тиниш белгиларини қўйиб кўчиринг.

Низомиддин китоб ўқиб ўтирган одамга яқинлашди

Биродар сиз шу мадрасада истиқомат қиласизми

Ҳалиги киши бошини китобдан кўтариб деди

Ҳа шу мадрасада

Мутавалли қаердайкин

Билмадим уйида бўлса керак

Уйи қаерда

Мадраса орқасида ху анави кўчага бориб сўрасангиз айтишади

Мадрасада одам кўпми

Йўқ, биз бешта кўлоблик муллавачча қолганмиз холос  
Ҳаво сал исиса, биз ҳам кетамиз

Қаерга кетасиз

Юртимизга (Мирм.)



**Топшириқлар:**

Содда ва қўшма гапларнинг ҳар бирига тўрттадан мисол келтиринг. Шу мисоллар асосида содда ҳамда қўшма гапларнинг ўхшаш ва фаркли томонларини тушунтиринг.

Содда ва қўшма гапларни фаркларда уларнинг бош бўлақларига эътибор бериш керак. Мисолларга диққат қилинг: 1. *Ота-она – хазина, ака-ука – таянч, дўст эса ҳар иккови.* (Ҳ.) 2. *Ўтар инсон яхши-ёмони,*

*Меҳр қолур, муҳаббат қолур.* (М.Ю.)

Бу гаплар учтадан содда гапдан ташкил топган қўшма гаплар. Чунки учтадан эга ва учтадан кесим бор.

*Мусибат юки, қарама-қарши ўйлар жанги, оч-наҳорлик унинг тинка-мадорини қурутди, ҳолсизлантирди.* (Қ. М.)

Бу гап ёйиқ содда гап. Бу гапда учта эга ва иккита кесим уюшиб келмоқда. Бир фикрни ифодалаяпти.

Қўшма гаплар таркибидаги содда гаплар икки бош бўлақли ва бир бош бўлақли бўлишлари мумкин:

*Ўлкам ҳусни – гул, дарахт,*

*Кўчат экиб боғ ярат.* (Ҳ.)

Қўшма гаплар икки ва ундан ортиқ содда гапларнинг мазмун ва грамматик жиҳатдан бирикувидан ҳосил бўлади. Қўшма гаплар таркибидаги содда гапларнинг бирикувида интонация алоҳида ўрин тутади: *Риёзиёт гоят юксак фан, унда бир олам мўъжиза ётади.* (Улугбек) Қўшма гап таркибидаги содда гаплар орасида бир оз тўхталиш бўлса ҳам, оҳанг яқунланмайди.

**93-машқ.** Берилган қўшма гапларни содда гапларга ажратинг, бош бўлақларни топиб изоҳланг.

1. Офтоб ҳар куни кулимсираб уйғонади-ю, одамларга нур улашади. (Ў.Ҳ.) 2. Ташқарига чиксак, ёмғир шивалаётган экан. (Ў.Ҳ.) 3. Кўчат эккан киши дарахтни синдирмайди, гул эккан киши гулзорни пайҳон қилмайди. 4. Тун аллақачон ярим кечадан оғиб кетган, бироқ кўзга ҳеч уйқу келмайди. (Ҷ.А.) 5. Уларнинг бири кўркам, кўкиш кўзли йигит эди. 6. Унинг

офтобда қорайган ва шамолда дағаллашган ғамгин чехраси ташвиш, азоб-уқубат чекканидан далолат берарди. 7. Инсонга ҳаёт деб аталмиш гўзаллик бахш этилган, уни қадрлаш керак. (Ў.Ҳ.) 8. Нодир яна кулди, Нилуфарнинг ҳам юзларида табасум жилваланди. (У.Ҳамдам)

**94-машқ.** Матнни ўқинг. Гапларнинг тузилишига кўра турини аниқлаб, аввал содда гапларни, кейин қўшма гапларни ажратиб кўчиринг. Уларнинг нима учун содда гап ва нима учун қўшма гап эканлигини тушунтиринг.

Ҳақиқий дўст топсанг, унга содиқ бўл, хиёнат қилма. Дўстинг муҳтожликда қолса, дарҳол унга ёрдам бер. Агар дўстинг сенинг айбингни айтиб, насиҳат қилса, сен ундан миннатдор бўл. Дўстингга ёлғон сўзлама. Унинг душмани билан дўстлашма. Дўстингнинг бошига бирор мушкул иш тушса, қайғули ҳодиса юз берса, уни шу мусибатдан қутқозишга жону дилинг билан кириш. Дўстингнинг ота-она ва оила аъзоларига меҳрибон ва шафқатли бўл. («Оз-оз ўрганиб, доно бўлур»)

**95-машқ.** Қуйида жуфтлаб берилган содда гаплардан зарур боғловчи воситаларни қўйиб қўшма гаплар ҳосил қилинг. Қайси жуфтликдаги содда гаплардан қўшма гап тузиб бўлмайди? Фикрингизни асослаб беринг.

1. Дарвозани узоқ қокдилар. Одамнинг қиёфаси, гавдаси, ҳатто гапириш оҳанги ҳам ўзгариб кетиши мумкин. 2. Насиба девордаги соатга қаради. Келин тушган уйнинг файзи бошқача бўлади. (Ў.Ҳ.) 3. Гулларнинг очилишида ўзига хос тилсим мужассам. Ҳаёт янгиланади, яшаради. Табиат бойликлари кўпаяди. 4. Тоғ этакларига қоронғилик чўкмоқда. Осмоннинг у ер - бу ерида юлдузлар милтиллаб кўринмоқда. 5. Илгари ҳам овулда бундай воқеалар бўлиб турарди. Бунчалик одам йиғилмасди. 6. Биз то овулга еткунча оғиз очмадик. Баъзан киши ўз дардини сўз билан ифодалашга ожиз бўлади. 7. Энди унинг чехраси очилди. Кўнгли анча кўтарилган эди. 8. Жим турган вагонлар гуё бир-бирларини уйғотгандек тебранишди. Поезд ўрнидан кўзгалди. 9. Ниманидир орзиқиб кутардим. Нималигини ўзим ҳам билмасдим. 10. Аста-секин тонг отди. Уй ичи ёриша бошлади. (Ч.А.) 11. Физика дарсида тажриба ўтказишарди. Ўқитувчи қийин масалаларни ечиш йўлларини ўргатарди.



**96-машк.** Ўқинг. Қўшма гапларни аниқлаб кўчириг. Қўшма гап таркибидаги бош бўлақлар тагига чизинг.

## I

1. Гул тўғрисида ёзганини кўрганим йўқ, лекин пахта тўғрисида кўп ёзади. (А.Қ.) 2. Болаларнинг ҳар биттаси ўн мартадан «дадам қайда?» деб сўраса, ҳар куни йигирма марта шу саволни эшитишади... (С.З.) 3. Отишма яна бир соатча давом этди, отлиқларнинг ўзлари тобора сийраклашиб, ниҳоят, бутунлай тамом бўлди. (Ҳ.Ғ.) 4. Зайниддин ва Султонмурод сукут этиб, бир-бирларига узоқ тикилишди. (О.) 5. Қиз йиғлабди: «Бўлмаса уч кунга жавоб беринг, қизлар билан боғда сайр этиб ўйнаб олай, кейин сизнинг айтганингиз бўлсин», – дебди. (Эртак) 6. Эргаш ҳарфни такрор-такрор ёзган сари ўз ишидан қувонар, илҳомланарди. (П.Турсун). 7. Қанча югурсам – елсам ҳам тезликда бирон ҳужра қўлга кирмади. (С.А.) 8. Салтанатни яна ваҳима босди; Азизнинг гапига кириб, зиёфатга боргани учун ўзини койиди. (Ў.Усмонов)

## II

1. Узр айтмоқчи бўлиб оғиз жуфтлаган эди, кўзи жиққа ёшга тўлди-ю, узр бир ёқда қолиб, ҳасратга ўтди. (А.Қ.) 2. У бир кунда жуда ҳорди, озгина тин олгали, бироз эркин қолгали дарё лабига борди. (Ҳ.О.) 3. Ўтган ёз боғдаги узумзорга ўғри тушди, сизга олиб қўйилган узумлардан ўғирлаб кетаверди. 4. Абдужаббор ота дарахт шохига илиб қўйилган чопонини кийишга кетди, кампир хаёлга чўмиб ўтираверди. 5. У отасининг ўчини олиш учунгина эмас, балки халқни озод қилиш, уларни бахтли ҳаётга эриштириш, Жамбил мамлакатида адолат ўрнатиш мақсадида хон устига юриш қилади ва уни тор-мор келтиради. (Ҳ.О.) 6. Иккинчи куни яна мен Қори ишқамбани дуч келтириб, тўғри келса, у билан танишиш ниятида кўчага чиқдим. (С.Айн.)

7. Бизлар – бир ўтқинчи, жаҳон – барқарор,

Одамдан фақат сўз қоладир ёдгор. (Фирдавсий)

8. Оғизга келганни демак – нодоннинг иши,

Олдига келганни емак – ҳайвоннинг иши. (А.Н.)

9. Камтар бўл, барчани этгин баҳраманд

Сенинг ҳам мартабанг бўлғуси баланд. (А.Ж.)

Қўшма гап таркибидаги содда гапларнинг тузилиши, мазмуни ва уларни боғловчи воситаларига кўра уч турга бўлинади:

1. Боғланган қўшма гап.
2. Эргашган қўшма гап.
3. Боғловчисиз қўшма гап

**Эслатма:** Қўшма гапларнинг бундай бўлими икки қисмли қўшма гапларига хос. Кўп қисмли қўшма гаплар қўшма гапнинг мураккаб турини ҳосил қилади.

## 22-§. Боғланган қўшма гаплар

Боғланган қўшма гап таркибидаги содда гаплар бири-бири билан тенг муносабатда бўлиб, тенг боғловчилар ёки оҳанг ёрдамида боғланадилар.

Боғланган қўшма гап таркибидаги содда гаплар ўзаро тўрт хил воситалар ёрдамида боғланадилар:

1. Бириктирувчи боғловчилар ва, ҳам, ҳамда, шунингдек, бириктирув боғловчи вазифасидаги -у (-ю), -да юкламалари воситасида: *Ҳеч ким мен билан гаплашмас ва ҳеч ким кечаги ҳодисани эслатмас эди. (Ч.А). Дадам мени чамадон устига ўтқизди-да, ўзи гиштин зиналардан кўтарилиб, ойнабанд эшик ичига кириб кетди. (Ў.Ҳ.) Баҳор келади-ю, энг гўзал фасл бошланади.*

2. Зидлов боғловчилар аммо, лекин, бироқ ва зидлов боғловчилар вазифасидаги -у (-ю) юкламалари воситасида: *Айрим кишилар маънавий жиҳатдан айниб қолишлари мумкин, аммо халқ ҳеч қачон айнимайди. (Ю. Фучик) Ҳамма чиқиб кетди-ю, шайх Нуриддин билан Шоҳмалик эшикка чиқишмади. (Б.Аҳмедов)*

3. Айирув боғловчилари ё, ёки, гоҳ, ҳоҳ, баъзан, дам-дам воситасида: *Гоҳ юракни титратувчи мунгли қўшиқ эшитилади, гоҳ найнинг ҳазин товуши дилларни эзади.*

4. Инкор боғловчиси на ёрдамида: *Унинг нидосига на «лаббай» деб биров жавоб қилди, на ўксик кўнглига тасалли берадиган бирор киши топилди. (Қ. М.)*



**97-машқ.** Ўқинг. Содда гапларни бириктирувчи воситаларни аниқлаб, турини айтинг. Улар қандай синтактик ва услубий вазифа бажараётганини изоҳланг.

1. Куёш сўнмайди ва ер қаримайди. (М.) 2. Яхшидир аччиқ ҳақиқат, лек ширин ёлғон ёмон. (Э.В.) 3. Сен кулдингу бирдан ёришди дунё. (Б.Б.) 4. Мингта дўст – кам, битта душман – кўп. (М.) 5. Дўстсиз яшаш мумкин эмас, аммо ҳамма ҳам дўст бўлавермайди. (Х.) 6. Унинг томоғини йиғи бўғиб келди-ю, йиғлашга кучи етмади. (А. Қод.) 7. Шуни билингки, яхшилик ёмонлик устидан ғалаба қилади. 8. Оқил, доно одамларнинг сўзлари нодон, жоҳилларга таъсир этмаса, таажжубланманг, чунки карнай овози танбур овозини эшитмайди. (Х.) 10. Асалнинг кўнглида нималар кечаётганини билмасдим, аммо унинг кўзлари табассум билан порларди. (Ч.А.)

**98-машқ.** Боғланган кўшма гап таркибидаги содда гапларнинг қандай воситалар ёрдамида боғланганлигини тушунтиринг. Ҳар бир содда гапнинг бош бўлақлари остига чизинг.

1. Шаббода бир маромда эсиб туради ва гиёҳлар ўзича тебранади. (Э.Охунова) 2. Эшик очилар очилмас ичкарига қор аралаш шамол ёпирилиб кирди-ю, кампир кўлидаги шам бирдан ўчди. (Р.Н.Гун.) 3. Севинч эсдан чиқади-ю, лекин кайғу ҳеч вақт унутилмайди. (Х.) 4. Ёмғир тинди, офтоб чиқди, бироқ кизи келмади. (М.М.) 5. Бир вақтлар майда савдо билан машхур бўлган бўлса-да, кўпдан буён бирор иш олиб борганини ҳеч ким билмайди. (О.)

6. Бу дунёнинг қувончи кам,

Дарду ғами зиёда.

Аммо ғамдан қочмоқнинг ҳам

Тадбири кўп дунёда. (Э.В.)

7. Давлат билан шоду-шодмон бўлғайсен,

Шавкат билан машхури жаҳон бўлғайсен!

Кўнглингдагидек даҳр аро ком суриб

Бу даҳр борингча Комрон бўлғайсен! (З.М.Бобур)

**99-машқ.** Бадиий асарлардан боғланган кўшма гапларга олтита мисол топиб, дафтарингизга ёзинг ва тўлиқ синтактик таҳлил қилинг.

**100-машқ.** Кўчиринг. Боғланган кўшма гап таркибидаги содда гаплар қандай боғловчилар ёрдамида бирикканини изоҳланг.

1. Зайнаб кейинги гапларни бақириб айтмоқчи эди, бироқ лаблари сал кимирлади-ю, овози чикмади. (*Т.М.*) 2. Тун ярмидан ошяпти-ю, лекин кўзларимга уйку келмаяпти. 3. Қуёш чикиб турса-да, бироқ ҳавонинг ҳарорати паст эди. 4. Салтанатнинг дуч келган нарсадан қийиқ ахтариши Азизнинг жаҳлини чиқарса-да, аммо ўшанда у индамади. 5. Холида оғзидан гапи тушиб кетаётгандай таассурот қолдирса-да, лекин аслида билимдон, чаққон қиз эди. 6. У бундай оғриққа парво қилмади, лекин дард унга елимдай ёпишиб олди. (*Журн*)

**101-машқ.** Кўчиринг. Боғланган кўшма гапларни синтактик таҳлил қилинг.

## I

1. Улар «умр» деб аталмиш йўлда бир аравада бораётган бўлишса-да, уларнинг юракларидаги дард бошқа-бошқа эди. (*Т.М.*) 2. Тутиб олсак, яхши эди-ю, аммо бу режа анча қалтис, амирзодам. (*П.Қ.*) 3. Ҳаммамиз саломатмиз, аммо бугун сизнинг олдингизга бир қоп ташвиш билан келдим. 4. Чўлдаги иши унга оғир туюлмади, лекин бу иш аввалги ишлардан ҳар жиҳатдан мушкулроқ эди. (*Ҳ.Ғ.*) 5. Навоий уларнинг қаторига ўтирди-да, жонли суҳбат бошланиб кетди. (*О.*) 6. Юсуф укам, бошлаган ишинг анча мушкул, аммо омад сен томонда, бунинг уддасидан чиқасан. (*Т.Қ.*)

## II

1. Сиздек олий зотга «муносиб почча бўлурмен», деб ҳеч ким журъат қилиб айтолмас, аммо уламолар орасида аслзода беклар бор. (*П.Қ.*) 2. Бу овозни ўзи ҳеч қачон эшитмаган, аммо ўзига шу қадар қадрдон бўлган янгроқ овоз унинг кулоқларига ўқдай кирди. (*Ў.Ҳ.*) 3. Қишлоқ хўроzlари қичқирганда Илҳом уйига келишга келди-ю, лекин кўнгли тинчимади. 4. Булбул навоси аниқ эшитилар, лекин унинг қайси дарахт гулларига яширинганини аниқ билиб бўлмасди. (*Ҳ.Ғ.*) 5. Чумчуқча чириллаб қочмоқни, учмоқни ихтиёр этарди, аммо қора булут каби бостириб келаётган мушукнинг муддаога етмоғи аёнроқ эди. (*Т.М.*)



**1. Қайси қаторда қўшма гапга мисол берилган?**

- А. Табиат – сирли илм, уни фақат билимли кишиларгина ўқий олади.
- Б. Навоий табассумли кўзлари билан атрофга боқиб, бир кўлини кўксига қўйган ҳолда бошини камтар, енгил кимирлатиш билан халқнинг табригига самимий жавоб бериб борди.
- В. Очил бува сафар олдидан ҳар гал шундай қилади, тирик одам билан хайрлашгандай узоқ тикилиб, пичирлашиб хайрлашади.
- Г. Ота-онага муҳаббат – барча яхши фазилатларнинг асоси.

**2. Мисолларнинг қайси бири бириктирувчи боғловчили қўшма гапга мисол бўла олади?**

- А. Тут ҳали пишмаган, аммо анча оқариб қолган, шохига белинчак илиб қўйилибди.
- Б. Ниҳоят, дарвозахонада от кишнади ва йўлақдан чилп-чилп этиб қадам товушлари эшитила бошлади.
- В. Муяссар юраги бир орзиқиб, оғиз жуфтлаган эдики, Лариса хаёлини бўлди.
- Г. Дастурхонга фотиҳа ўқилгач, Хожа кетишга рухсат сўради.

**3. Қайси қаторда тенг боғловчили қўшма гапнинг тиниш белгилари тўғри ишлатилган?**

- А. Офатдан қутулдик деб ўйлагандик аммо дарё ҳали бизни ўз ҳибсидан бўшатмаган экан.
- Б. Ҳар ҳолда сўзингни ерда қолдирмас лекин ундай ножўя сўздан қайт.
- В. У кеча-кундуз тинмай меҳнат қилади аммо ишидан, ўзи коникмас эди.
- Г. Иқбол кўп ўқийди, кўп ёзади, сатрлар устида кўп ишлайди, бетиним изланади, аммо ёзганларини чиқаришга шошилмайди.

**4. Тиниш белгилари тўғри ишлатилган айирув боғловчили қўшма гап қайси қаторда жойлашган?**

- А. Гоҳ осмонни тутиб ашула янграйди, гоҳ аллакаердан мусиқа овози эшитилиб қоларди.
- Б. Гоҳ, ошиқ қалбининг озоридир ишк, гоҳ, ғам-қайғунинг бозоридир ишк.

- В. Гоҳ, боладай завкланиб, кулар, гоҳ, лол этар, сирли садоси.  
Г. Ботир гоҳ йўлга, гоҳ чиройли, яшил деразага қаради.

**5. Ва, ҳам, ҳамда боғловчилари қайси қўшма гаплар таркибида учрайди?**

- А. Бириктирув боғловчили қўшма гаплар таркибида.  
Б. Айирув боғловчили қўшма гаплар таркибида.  
В. Зидлов боғловчили қўшма гаплар таркибида.  
Г. А Б, В жавоблар тўғри.

**6. Боғланган қўшма гаплар таркибидаги содда гапларни бириктирувчи воситалар қайси қаторда берилган?**

- А. Ва, ҳам, ҳамда, -да, -у (-ю).  
Б. Аммо, лекин, бироқ.  
В. Гоҳ, дам, баъзан, ё, ёхуд, ёки.  
Г. Жавоблар тўғри.

**7. Қуйидаги гап қўшма гапнинг қайси турига мисол бўла олади?**

«Жон синглим, идорага бориб, шу хатни Жўрабой акага бергин-да, ўзинг фириллаб орқага қайт».

- А. Инкор боғловчили боғланган қўшма гап.  
Б. Бириктирув боғловчили боғланган қўшма гап.  
В. Зидлов боғловчили боғланган қўшма гап.  
Г. Айирув боғловчили боғланган қўшма гап.

**8. Қайси қаторда боғланган қўшма гапнинг таърифи тўғри берилган?**

- А. Икки ёки ундан ортик содда гапнинг мазмун оҳанггига кўра бирикувидан тузилади.  
Б. Содда гапларнинг ўзаро тенг боғловчилар ёрдами билан боғланишидан тузилади.  
В. Содда гапларнинг мазмун жиҳатидан бирининг бошқасига эргашишидан тузилади.  
Г. Бош гапга эргашиб, уни изоҳлаб келади.

**9. Айирув боғловчили қўшма гап қайси қаторда жойлашган?**

- А. Бу ҳикоялар болада чуқур таассурот қолдирар ва у дадасининг жанговар ёшлиги билан ҳамиша фахрланиб юрарди.  
Б. Сув шунча ёқимли эдики, гўё қандайдир кўзга кўринмайдиган ўтлар сув остидан унинг оёқларини эркалаб сийпалаётгандай туюларди.  
В. Тўлин ой сутдек ёғдусини мактаб саҳни ва том тунукаларига аёвсиз тўқар, булбул эса ҳамон тинмай сайрар эди.



Г. Баъзан акам хужраларнинг тозалигидан хабар олар эди, баъзан мен бориб, унинг тозалигини текшириб келар эдим.

### **10. Мисолларнинг қайси бирини зидлов боғловчили боғланган кўшма гап деб ҳисоблайсиз?**

А. Эшикдан шамол урар ва ботаётган қуёшнинг сўнгги ёруғи тушиб турар эди.

Б. Дехконлар дил кўрини, билак кучини бахш этди-ю, Мирзачўл гуллаётган водийга айланди.

В. Дадам индамадилар, лекин бир қоши баланд, бир қоши паст бўлди.

Г. Тушунмаган жойинг бўлса, савол бериб тушуниб оларсан.

### **Такрорлаш учун топшириқлар**

I. 1. Гап бўлаклари билан грамматик алоқага кирмайдиган сўзларга нималар киради? Уларнинг ҳар бирига мисоллар келтиринг.

2. Ундалма ва киришлар хусусида сўзланг. Фикрингизни мисоллар асосида далилланг.

3. Бадиий асарлардан келтирилган мисоллар асосида киритмаларнинг киришлардан фарқли жиҳатларига тўхталинг.

4. Кўчирма ва ўзлаштирма гаплар ҳақида маълумот беринг. Ўзингиз ёқтирган адиб асаридан учта кўчирма гапга мисол ёзинг ва уларни ўзлаштирма гапларга айлантинг.

5. Кўчирма гапларда тиниш белгиларининг қўлланилиши тўғрисида баҳс юритинг.

6. «Ўш садоси» газетасидан кўчирма гап ва муаллиф гапларининг турли ўринларда келишига доир олтига гап топиб, тиниш белгиларининг қўйилиш сабабларини изоҳланг.

7. Диалог нима? Унда қандай тиниш белгилари ишлатилади?

8. Кўчирма (цитата) лардан қай вақтларда фойдаланилади? Мисоллар келтиринг.

9. Кўшма гапларнинг қандай турларини билиб олдингиз?

10. Боғланган кўшма гапга таъриф беринг. Боғланган кўшма гап таркибидаги содда гапларни боғловчи воситаларни мисоллар орқали изоҳланг.

II. Диалогни ўқинг. Тиниш белгиларининг нима мақсадда қўлланиганини айтинг.

– Хуш келибсиз, мавлоно! Хўжандга хуш келибсиз.

– Хушвақт бўлинг! Хушвақт бўлинг, сарқарда.

– Бизнинг заминда юз кўришганимиздан бағоят хурсандмен.

– Шукр, ўзига шукр! Мен ҳам сиз ҳазратни кўрганимдан бағоят хурсандмен.

– Кўрғонда жой тайёрланган. Аробалар тайёр... Сиз мавлонони олиб кетгани келдим. (*Мирм.*)

**III.** Содда ва қўшма гапларни ажратиб ёзинг, сўнгра синтактик таҳлил қилинг.

1. Эсингдами, ўша тун осуда, ойдин эди, иккимиз танҳо қолдик, кўчаларни кездик. 2. Асарда Ҳиндистон табиати манзараларини тасвирлар экан, унинг улкан мамлакат эканлиги, халқи жуда кўплиги, мевалари хилма-хиллиги, унинг уч томони океан билан туташганлигини баён қилади. (*Журн.*) 3. Кесакполвон бу янгиликни эшитгач, йигитга кўзларини лўк қилганича топишмоққа жавоб излади. (*Т.М.*) 4. Ким сенинг айбингни аямай айтса, у сенга ҳақиқий дўст бўлади. 5. Шамол бўлмаса, дарахтнинг барги кимирламайди. (*М.*) 6. Бу ерларнинг офтоби жуда саҳийки, осмони ҳафталар, ойлар давомида булут кўрмайди. (*П.Қ.*) 7. Ўз тарихимни ғурурланиб, фахрланиб ўқиб-ўрганишни бошладим. 8. Мастура хола уларни кўча эшиккача кузатиб чиқиб, орқасига қайтди. (*Ў.Ҳ.*) 9. Бухорои шарифнинг шавкатли амири Саид Насруллоҳондан гуллаб-яшнаётган Фарғона диёрининг сиздай эгасига – Темур Кўрагонийнинг сиздай уруғига ойдаи нурли, куёшдай иссиқ табарруқ дуои салом олиб келдим. (*Т.Қ.*)

**IV.** Содда ва қўшма гапларни ажратиб, аввал содда гапларни, кейин қўшма гапларни ёзинг. Тиниш белгиларининг қўйилиш сабабини изоҳланг.

1. Бетизгин, бежавоб саволлар карвони аста-секин йўқолиб, вужудига беихтиёр янги шеър оқиб кела бошлади. (*Журн*) 2. Ўзи ёлғиз қолган Пошшахон бемалол Зебининг уйига кирди. (*Ч.*) 3. Эртага ҳайит деган куни Зайнабнинг хурпайиши йиғи билан алмашар ва йиғи аралаш мақсад очилса ҳам, кўпинча натижасиз қолар эди. (*А.Қод.*) 4. Анвар айвоннинг йўғон устунига тикилиб турар, чамаси, муҳим бир нарсани айтгиси келар, аммо керакли сўзларни топиб ололмасди. (*Ў.Ҳ.*) 5. Фалаба завқидан кўзига ёш келганини у энди пайқади-ю, кулимси-



раб, кафти билан кўз ёшини секин артиб қўйди. (П.Қ.) 6.  
Зайнаб бу гапларни эшитиб, хайратланди. (Т.М.)

V. Матни ўқинг ва қўшма гапларни аниқлаб, синтактик таҳлил қилинг.

Искандар Румий бир кун устози Арастудан:

– Эй устод, мен буюк ишларга қадам қўйдим. Бу ишларим натижасида дўстларни ҳам, душманларни ҳам топаман. Улар билан қандай муомала қилишим керак? – деб сўради.

Арасту ҳаким шундай деб жавоб берди:

– Илож борича ўзингга душман орттирма, бирор киши сенга душманлик кўрсата бошласа, сен унга марҳамат назари билан қара, дилнавоз бўл, шу билан у киши дўстларинг қаторидан жой олади. Дўстларингни шафқат ва марҳаматинг билан сарафроз қил, улар сендан ажралмай, самимий дўстларинг бўлиб қоладилар.

Ёлғончи кишидан вафо кутма. Одам яхшилик қилганга яхшилик қилади, бир яхшиликка ўн ҳисса яхшилик қайтаради. Кимнинг асли пок ва соф бўлса, у одам элга манфаат етказади.

Эй, мард одам! Одамийлик қил, олий ҳимматли, тавозели, очиқ юзли, ширин сўз бўл. («Дурдоналар хазинаси»)

### 23-§. Эргаш гапли қўшма гаплар

#### Топшириқлар:

Қуйидаги гапларни ўқинг. Бош ва эргаш гапларни аниқланг. Ажратиб кўрсатилган гаплар мустақил тарзда қўллана оладими? Фикрингизни дадилланг.

1. Бошинг осмонга етса ҳам, ерга қараб юр. (М.)
2. Кимки жоҳил билан улфат бўлса, у юз минг офатга дучор бўлади. (Ҳ.)
3. Кузатишлар шуни кўрсатадики, халқимизнинг барча урф-одатлари ва маросимлари муайян тарихий даврнинг маҳсулидир. (Журн.)
4. Биров юзига муздек сув сепгандай, Манас хушёр тортди. («М.»)

Эргашган кўшма гаплар икки хил гаплардан ташкил топади: бош гап ва эргаш гап.

Бош гап ўзича мустақил бўлиб, бошқа гапларни ўзига эргаштириб келади.

Эргаш гап бош гапга тобе бўлиб, бош гапни бутунича ёки унинг бирор бўлагини изоҳлаб, тўлдириб келади: *Ким сенга бир марта яхшилик қилса, сен уни умрбод ёдингда тут.* (Н.Хисрав) Бу кўшма гапдаги бош гап – *сен уни умрбод ёдингда тут.* Гапдаги уни олмошидан ифодаланган тўлдирувчи изоҳ талаб қилаяпти. Изоҳни биринчи гап, яъни эргаш гап бераяпти – *сенга бир марта яхшилик қилган одамни.*

*Жаҳонгашта одам зийрак ва доно бўлади, чунки у бошидан кўп иссиқ-совуқни ўтказади.* Бу гапда биринчи гап - бош гап. Нима учун *жаҳонгашта одам доно* бўлишини, яъни сабабини иккинчи гап изоҳлаяпти.

Кўшма гапларни таҳлил қилиш осонроқ бўлсин учун, қуйидаги шартли белгилардан фойдаланамиз.



– бош гап



– эргаш гап

Бош ва эргаш гаплардан ташкил топган кўшма гапларни эргаш гапли кўшма гап деймиз.

**103-машқ.** Ўқинг. Гапларни кўчириб, бош ва эргаш гапларни аниқланг. 7-гапни синтактик таҳлил қилинг.

1. Кимки бировга ёмонлик тиласа, ўзи ҳеч қачон омонлик топмас. (*Фирдавсий*) 2. Ҳақиқий олим ўзининг илми билан мактанмайди, чунки у ўзидан ҳам зўр олиму фозиллар борлигини билади. (*Ҳ.*) 3. Кечқурун Саида талқон туйиб ўтирар экан, уйга ўт олгани Ҳасантой кириб келди. (*Ч.А.*) 4. Худоёрнинг икки қоши бир-бирига яқинлашиб, қалин қабоқлари яна ҳам қабарди. (*Қ.М.*) 5. Шундай беморлар ҳам бўладики, улар фақат сўз билан дардига даво топадилар. 6. Ҳайринсонинг кўзлари шундай самимийки, ичида ғубор йўқлиги шундоқ кўриниб турарди. (*Ў.Ҳ.*) 7. Мирмуҳсиннинг бахти, омади шундаки, унинг ижодий бисотида санъатнинг мангу мезонлари – ҳаққонийлик, инсонпарварлик, юксак бадиийлик талабларига дош бера оладиган жихатлар бор. (*У.Норматов*)



## 24-§. Эргаш гапнинг ўрни ва унда тиниш белгиларининг ишлатилиши

### Топшириқлар:

I. Эргаш гапли қўшма гапларни ва уларнинг схемасини диққат билан ўрганиб чиқинг.

II. Бош ва эргаш гапларни топинг, ўрнини ва тиниш белгиларининг ишлатилишини тушунтиринг.


1.  $\square, \leftarrow \bigcirc$  Ором билмас шоир қалби,  
Чунки ором завк эмас. (Э.В.)
2.  $\bigcirc, \rightarrow \square$  Кимки ҳақиқатни инкор этса, у ўз умрини қисқартиради. (Х.)
3.  $\square, \rightarrow \bigcirc, \leftarrow \square$  Мунофиқ дўст, гарчи сен унга жонингни фидо қилсанг ҳам, сенга вафо қилмайди. (Х.)

Биринчи мисолдаги бош гап – *Ором билмас шоир қалби*.

Иккинчи гап биринчи гапга эргаштирувчи боғловчи *чунки* ёрдамида боғланиб, бош гапдан чиққан *нима учун?* саволига жавоб бўлмоқда. Бунда бош гап аввал, эргаш гап кейин келаяпти. Чунки эргаштирувчи боғловчи олдидан вергул қўйилади.  $\square, \text{ чунки } \bigcirc$


Иккинчи мисолдаги *У ўз умрини қисқартиради* – гапи бош гап. *Нима бўлса?* деган саволга жавоб бераётганга ўхшайди, аммо аслида бош гапнинг эгаси у изоҳ талаб қилаяпти. Бош гапнинг эгаси (*у*) ни *Кимки ҳақиқатни инкор этса* деган эргаш гап изоҳлаяпти.

Эргаш гап билан бош гап ўртасига вергул қўйилади.



Учинчи эргаш гапли қўшма гапдаги бош гап – *Мунофиқ дўст сенга вафо қилмайди*. Бош гапдан чиққан савол - *нима бўлса ҳам?* Бу саволга *Гарчи сен унга жонингни фидо қилсанг ҳам* эргаш гапи жавоб бўлаяпти.

Эргаш гап бош гапнинг ўртасида келиб, бош гап бўлиниб қолди. Бош гапнинг ўртасида келган эргаш гап ҳар икки томонидан вергул билан ажратилади.



**104-машк.** Кўчиринг. Бош ва эргаш гапларнинг ўрнини белгиланг ва тиниш белгиларининг қўйилиш сабабини изоҳланг.

1. Тўғриликка интилсанг, обрўйинг мартабанг ошади. (Х.)
2. Шуни яхши биламизки, дўстлик – тинчлик таянчи.
3. Менинг соф ниятим шулки, юртга осойишталик ва фароғат бахш этгай. (О.)
4. Кимки рост сўзласа, у, албатта, суюклидир. (Х.)
5. Ҳаво анча юмшаган бўлса ҳам, тоғда ҳали қор қалин эди. (П.Қ.)
6. Инсон нимагаки эриша олмаса, ўша нарса унга азиз туюлади.
7. Шуни унутмангки, ҳеч ким бировга ўйлаш излаш, орзу қилишни ман эта олмайди. (Ч.А.)
8. Сизлардан илтимос шуки, бу ишга ўзинглар бош бўлинглар!
9. Қизиғи шундаки, бунга дадам сабаб бўлган эди. (О.Ё.)

**105-машк.** Кўчиринг. Бош ва эргаш гапларни аниқлаб, ҳар бир гапдан кейин унинг шартли чизмасини чизинг.

**Намуна:** *Кимнинг тили узун бўлса, унинг ҳалокати яқин бўлади.* (Х.) ○, ← □

1. Ёзувчининг ўқувчига айтадиган дарди қанча кучли, қанча салмоқли бўлса, асар тили шунча бийрон бўлади. (Ў.Х.)
2. Бошда ақл бўлмаса, азобни оёқ тортади. (М.)
3. Битта ёки йигирмата дарахт, ҳатто улар бўй етмас чинор бўлган тақдирда ҳам, барибир ўрмон бўлолмайди. (Ў.Х.)
4. Ҳасадгўй одамлар билан ҳеч қачон дўстлашма, чунки ҳасадгўйлардан дўст чиқмайди. (Х.)
5. Ёшлиқ шу нарса билан бахтиёрки, унинг келажаги бор. (Гоголь)
6. Зехн тили, агар у юракдан чиқса, ўз нишонига тегади. (Ж.Ж. Руссо)
7. Ҳақиқат аччиқ бўлса ҳам, унга қулоқ сол. («Қ.»)
8. Сув қалқиса, лойқаси юқорига чиққандай, замон қалқигандан буён ёмон кўпайди. (Ў.Х.)
9. Зехн кўйсанг билимга, зиё тўлар дилиннга. (М.)
10. Яхшибоев қовоғини уйди, бошини эгди, гўё чексиз ғамга гирифтор бўлгандай. (М.М.Дўст)
11. Хуфтон ўкилиб бўлгач, шўрва тортилди. (Х.Ғ.)
12. Машриқдан чиққан куёш чарақлаб турса-да, ҳали мағриб томондаги ой ботиб улгурмаган эди.
13. Кўшимча куч етиб келгач, уч кунлик хордиқ тугади. (Х.Д.)
14. Талаба қиз шундай нутқ сўзладики, залдагилар ҳайратда қолишди.
15. Кимнинг қалбида кибр бўлса, у инсон мўминликда йирокда. (Ҳадис).



**Топшириклар:**

Эргаш гапни бош гапга боғловчи воситаларни эсланг ва мустақил равишда кундалик ҳаётдан эргаш гапли қўшма гапларга мисоллар келтиринг.

Эргаш гаплар бош гапга куйидаги воситалар ёрдамида боғланади:

**I.** *Шунинг учун, чунки* эргаштирувчи боғловчилар ёрдамида:

*Ҳовлидаги қўшимча қурилган уй жуда совуқ эди, шунинг учун Асални ўғли билан менинг хонамда яшашига кўндирдим. (Ч.А.)*

, шунинг учун

*Жаҳондаги ҳар бир нарса инсон учун яратилади, чунки табиатнинг энг олий маҳсули инсондир. (Ў.Ҳ.)*

, чунки

**II.** *-ки* юкламаси ёрдамида: *Шаҳноза яна шуни сездими, Рустам акаси рақс тушаётгани йўқ, нола чекаяпти. (Ў.Ҳ.)*

- ки,

*-ки* юкламаси доимо бош гапнинг кесимига қўшилиб келади. Бош гап эса эргаш гапдан аввал келади.

**III.** Ёрдамчи вазифасидаги *деб, гўё, худди, учун* сўзлари ёрдамида:

*Сен кулдингу бирдан ёришиди дунё,  
Дунёга кулгини сен бердинг гўё. (Б.Б.)*

*Энди улар деярли гаплашмайдилар, худди икки ўртада айтадиган гап қолмагандай. (Қ.М.)*

, худди

**3.** *Дониёр, яраси яхши битиб кетмаганлиги учун, оёгини буколкас эди. (Ч.А.)*

учун,

**IV.** Феъл негизига равишдош, сифатдош ва феълнинг шарт майлини ясовчи қўшимчалар ёрдамида: *-б, (-иб);*

-гач (-кач, -қач); -гунча (-кунча, -қунча); -ганда (-канда, -қанда); -са, -са ҳам кабилар.

1. Навбатдаги қўшиқ тугаб, бир лаҳза тинчлик чўкди. (Ў.Х.) ○ -б, □

2. Шаҳнозани «Нива» га ўтқизишаётганда, тонг ёришиб қолган эди. (Ў.Х.) ○ -ганда, □

3. Бахилнинг ўзи тупроққа киргач, унинг бойлиги тупроқдан чиқар. (С.) ○ -гач, □

4. Уста Карим уйқудан тургунча, ўгли унинг ёнига етиб келди. (Қ. М.) ○ -гунча, □

5. Жаҳл келса, ақл қочади. (М.) ○ -са, □

### Изоҳ:

Баъзан шарт майлидаги феълдан кейин эди тўлиқсиз феъли қўшилиши мумкин: Ака-укалар иноқ бўлсалар эди, бундай бахтсизлик содир бўлмасди. ○ -са эди, □

Эшик очиқ бўлса ҳам, сўраб кир. ○ -са ҳам, □

Айрим эргаш гапли қўшма гап таркибидаги содда гаплар ичида баъзан ҳавола бўлақлар ҳам иштирок этади.

Мисоллар: 1. Қаерда табиатнинг асл ҳолати сақланган бўлса, ўша ерда кишиларнинг руҳий ҳолати тетик бўлади.

Бу ўринда эргаш гап таркибида **қаерда** сўзи, бош гап таркибида **ўша ерда** сўзи ҳавола бўлақ ҳисобланади.

2. Кимки **қанчалик** кам фикр юргизса, у **шунчалик** кўп гапирадиган бўлади.

Бу қўшма гапнинг бош гапида ҳам, эргаш гапда ҳам ҳавола бўлақ бор.

3. Ойбек газета ўқишига **шунчалик** берилиб кетган эдики, тунука бозорининг шовқини ҳам қулогига кирмасди. (С.А.)

Учинчи қўшма гапнинг биринчи гапи, яъни бош гапидагина ҳавола бўлақ иштирок этмоқда.

**106-машқ.** Тиниш белгиларини қўйиб гапларни кўчиринг. Бош ва эргаш гапларни аниқлаб, боғланиш йўлини чизма оркали кўрсатинг.

1. Мақсад шуки халқимизнинг миллий удумларини ҳақорат қилманг. (Ў.Х.) 2. Кимки аро кирмас жонингга шерик бўлмасин



у ширин нонингга. (М.) 3. Оёқ-қўлимдан мадор кетиб Ҳайридиннинг ёнига чўккаладим. (Ў.Ҳ.) 4. Уста Карим ўрнидан тургунча ўғли унинг олдига етиб келди ва елкаларидан кучоқлади. (Қ.М.) 5. Энди кўзим илинган экан хирмон томондан арава товуши эшитилди. (Ч.А.) 6. У то хожаси кўздан йўқолгунча узок қараб қолди. (Қ.М.) 7. Қаерда бўлса яшил бойлик ўша ерда тани соғлик. (М.) 8. Унинг қарашлари жиддий бўлса ҳам умуман унинг киёфасидан меҳрибонлик самимийлик сезилиб турарди. (Ч.А.) 9. Токи шам нур сочиб тураркан унинг атрофидан парвона кетолмайди. (Х. Д.) 10. Асал лаззатини ҳайвон билмаганидай сўз лаззатини нодон киши билмайди. (Ҳ.) 11. Бирдан зулмат қочиб ҳаммаёқ ёришиб кетди. (Х.Д.) 12. Сукут чўзилиб кетгач саройбон Ҳусайин Баҳодирни секин туртди. (О.Ё.) 13. Водийнинг табиий шароити хилма-хил бўлгани учун ундаги ўсимлар ҳам турли-тумандир. (П.Қ.)

**107-машқ.** Матнни ўқинг. Эргаш гапли қўшма гапларни топиб кўчиринг. Эргаш гапларнинг бош гапга нисбатан ўрнини ва боғловчи воситаларини аниқланг.

... Бу ерда яшайдиганларнинг ҳаммаси профессор-у олим бўлмаса ҳам, участкалари бир-бириникидан қолишмас экан, деярли ҳар бир уйнинг ёнбошида дарвозахонаси баланд, кунгурадор шийпонлари бор эди. Сирожиддин машинасини тор кўчанинг энг ичкарасида, қадди баланд иморат олдида тўхтатди. Уйнинг баланд-баланд деразаларига гулчин темир панжаралар тутилган, уй рўпарасидаги икки қатор олмалар аллақачон япроқ чиқарган, аммо ҳали гулламаган эди. Сирожиддин икки чети пишиқ ғиштдан ишланган нақшинкор дарвоза бурчагидаги кўнғироқ тугмасини босди.

Жиринглаган овоз бу ердан эшитилмаса ҳам, Сирожиддин ойнаванд айвон устидаги кўнғироқ бўғиқ товуш чиқарганини, буни эшитган келиноғи инқиллиб ўрнидан турганини-ю, шишиб кетган оёқларини вазмин босиб, айвон зинасидан тушганини аниқ тасаввур қилди.

Эшик ҳадеганда очилавермагинидан кейин, Сирожиддин яқин келиб, тагин тугмачани босди. Аммо энди кутиб ўтирмай, дарвоза ёнбошига ўрнатилган эшикни думалоқ шиша туткичидан итарди. (Ў.Ҳ.)

## 26-§. Эргаш гапнинг турлари

№	Эргаш гап турлари	Боғловчи восита	Мисолар
1	Эга эргаш гап <input type="radio"/>	-са  -ки	Кимки доимо ҳаракатда бўлса, у ҳеч қачон хасталик кўрмайди. (Х.) <input type="radio"/> -са, <input type="checkbox"/> Шаҳзодаларнинг ҳаракатларидан шу нарса маълум бўлдики, уларнинг асл нияти тахт эгаллаш экан. (М.Осим) <input type="checkbox"/> -ки, <input type="radio"/>
2	Кесим эргаш гап <input type="radio"/>	-ки	«Бобурнома» асарининг муҳим ва ноёблиги шундаки, унда Марказий Осиё, Афғонистон, Покистон, Ҳиндистон ва Эрон халқларининг тарихи, географияси, табиати, этнографиясига оид нодир маълумотлар берилган. (Журн) <input type="checkbox"/> -ки, <input type="radio"/>
3	Тўлдирувчи эргаш гап <input type="radio"/>	-ки  -са	Шуни унутмаслик керакки, ҳалоллик ва поклик инсонни тўғри йўлга етаклайди (Х.) <input type="checkbox"/> -ки, <input type="radio"/> Кимки бўлса дилозор, ундан элу юрт безор. (М.) <input type="radio"/> -са, <input type="checkbox"/>
4	Аниқловчи эргаш гап <input type="radio"/>	-ки  -са	Ишонч шундай ҳислатки, у кишини бир умр тубанликдан узоқлаштиради. (Х.) <input type="checkbox"/> -ки, <input type="radio"/> -ки Кимки илмга ташна бўлса, унинг қалбида яхшилик гули бор. (Х.) <input type="radio"/> -са, <input type="checkbox"/>
5	Равиш эргаш гап <input type="radio"/>	-б (-иб)	Инсон ўз атрофидаги муҳитни гўзаллаштириб, ўзи ҳам гўзалликка, маънавий камолотга эришади. (Р.У.) <input type="radio"/> -иб, <input type="checkbox"/>
6	Пайт эргаш гап <input type="radio"/>	-гач,  -гунча  -ганда,  -(и)б	Сайл тугагач, шаҳзодалар ўз вилоятларига қайтиш тараддудини кўра бошладилар. (П.Қ.) <input type="radio"/> - гач, <input type="checkbox"/> Кўёш ботгунча, богда ишлади. <input type="radio"/> -гунча <input type="checkbox"/> Меҳмонлар келганда, у ичкари хонада эди. <input type="radio"/> - ганда <input type="checkbox"/> Хона ўртасига етганида эшик очилиб, қизғин сочли сепкилдор қиз бош суқди. (Ў.Х.) <input type="radio"/> - иб <input type="checkbox"/>
7	Ўрин эргаш гап <input type="radio"/>	қаерда, шу ерда -са	Қаерда тинчлик ҳукм сурса, у ерда алдамчи эҳтирослар, гам-гусса бўлмайди. (Беруний) <input type="radio"/> -са, <input type="checkbox"/>
8	Ўхшатиш - чоғиштириш эргаш гап <input type="radio"/>	Гўё, -дек	Қийишқ ортилган юк манзилга етиб боролмаганидек, сохта шуҳрат ҳам узоққа бормайди. (Р.У.) <input type="radio"/> -дек, <input type="checkbox"/>



9	Микдор даража эргаш гап ○	-са, қанча- шунча	Истѣдодли одамнинг обрўйи қанча ортиб борса, ҳасадгўйдаги адоват ўти шунча алангалайди. ○ -са, □
10	Шарт эргаш гап ○	-са,  -ганда эди  -(а)р экан	Ота гайратли бўлса, бола ибратли бўлар. (М.) ○ -са, □ Агар йигитда бирор сир бўлмаганда эди, уйидагилар талвасага тушишмасди. ○ -ганда эди □ Инсон доим ҳалол ва пок яшар экан, тур- муши яхшироқ, осонроқ бўлаверади. (Газ.) ○ -ар экан, □
11	Сабаб эргаш гап ○	Шунинг учун,  чунки,  учун,  шекилли	Акаси Россияга келгуси ҳафтада жўнай- диган бўлди, шунинг учун зиёфат яқши- бага белгиланди. ○ шунинг учун □ Лола онасига ўзи ҳақида гапирмади, чунки онасининг аҳволи яхшимасди. □ чунки, ○ Йигит бошига катта оқ қалпоқ кийиб ол- гани учун, юзи кичкина ва қоп-қора кўринарди. ○ -гани учун □ Бу йил қиш қаттиқ келади шекилли, да- рахт барглари бирдан тўкилиб кетди. ○ шекилли, □
12	Мақсад эргаш гап ○	-ар деб,  -син учун	Овудан қариндошларим келишганда кўриб қолишмасин деб, мен суратни яшириб қўяр эдим. (Ч.А.) ○ -син деб, □ Инсон яшамоқдан толмасин учун, Кўнглига бир дунё тилак берилган. (Э.В.) ○ -син учун, □
13	Натижа эргаш гап ○	-ки	У шундай эҳтиёткорлик билан эмаклади- ки, ҳатто қамишлар ҳам шитирламади. (С.А.) □ -ки, ○
	Тўсиксиз эргаш гап ○	-са ҳам  -са -да	Дарахт япроқлари қалин бўлса ҳам, ёмғир томчилари улар орасидан йўл топди. (Журн.) ○ -са ҳам, □ Юз деворини тешиб ўтса-да сичқон, Мардлар қаторига кирмас ҳеч қачон. (Ҳ.Дехлавий) ○ -са, -да, □

**108-машк.** Ўқинг. Аввал боғланган қўшма гапларни, сўнг эргашган қўшма гапларни кўчиринг.

1. Қор элаб ёғар, йўллар босилиб борар эди. (*Р.Н.Гун.*)
2. Навбатдаги қўшиқ тугаб, бир лаҳза жимлик чўкди. (*Ў.Х.*)
3. Юрак ақлга ақл қўшиши мумкин, лекин ақл юракка юрак қўша олмайди. (*А. Франс*)
4. Одамлар олдида уялишинг – яхши фазилат, аммо бундан ҳам афзали ўзингдан ўзинг уялишингдир. (*Л.Т.*)
5. Анвар хушини йиғиб олгунча, Муқаддам шиддат билан етиб келди. (*Ў.Х.*)
6. Кулиб боқса кишига толе,  
Камаяди душманлари ҳам.  
Бевафолик қилса толеи,  
Душманларга тўлар ҳар қадам  
(*М.Жувайний*)

**109-машк.** Ўқинг. Эргашган қўшма гапларни кўчириб ёзинг. Ҳар бир гапнинг чизмасини чизинг. Доира ичига эргаш гапнинг турини белгиланг.

1. Одам қанчалик маърифатли бўлса, эл-юртга шунчалик фойдаси тегади. (*Грибоедов*)
2. Яхши китобни ўқиш билан одам ўзини янада кучли, билимли ва номусли сезади. (*Судрабнали*)
3. Ўта гўзаллик, энг дилбар ташқи қиёфа ҳам, агар унга ҳеч ким шайдо бўлмаса, уч пул. (*Бальзак*)
4. Дунёда ҳалол одамдан ҳам буюкроқ зот йўқ. (*Р. Роллан*)
5. Юрак тор бўлса, дунёнинг кенглиги асқотмайди. (*М.*)
6. Гапнинг қисқаси шуки, Холмамат ака, сиз қора йўрғани миниб, шу топдаёқ яйловга жўнанг. (*Х.Ф.*)

**110-машк.** Шеърни ўқинг. Қўшма гапларни топиб, турини белгиланг, Эргаш гапли қўшма гапларни кўчириб ёзинг.

### Бобурнинг сўзи

Ватанни ҳар недан афзал кўрардим,  
Жаҳонга бермасдим Андижонимни.  
Шайбоний қўлида ўлсам ўлардим,  
Агар у олганда ёлғиз жонимни.  
Ортимда авлодлар турарди бўйлаб,  
Ортимда оналар чекарди фифон.  
Хатолиғ бўлса-да, уларни ўйлаб,  
Ўзга юрт – ҳиндуни айладим макон.  
Афв этинг, авлодим, бут бўлсин иймон.



Яна бир ўтинчим: Бобурни ёдланг.  
Аллоҳ шоир қилиб яратган инсон  
Шоҳ бўлмасин деб ёлворинг, додланг.  
Одамнинг кўп қизиқ ишлари:  
На ўтдан, на сувдан қайтади.  
Тўкилиб бўлгандан сўнг ақл тишлари,  
Нукул ақлли гаплардан айтади.

(И. Суяроқулов)

**111-машқ.** Ўқинг, шеър мазмуни ҳақида фикрингизни айтинг. Тиниш белгиларини қўйинг. Қўшма гапларни кўчириб ёзинг. Шеърни ёд олинг.

Сино айтган экан чанг бўлмаса гар  
Мингга кирар эди инсон боласи.  
Дорига ўрганган қовундай қайсар  
Чангга ҳам кўникиб қолдик чамаси.  
Ҳаким бўлмасам ҳам мен айтай сизга  
Узоқ яшамокқа бор битта ёрлик.  
Мингга бормасак ҳам кирардик юзга  
Дунёда бўлмаса гар дилозорлик. (А. О.)

**112-машқ.** Матни ўқинг. Унда баён қилинган воқеликка ўз муносабатингизни баён қилинг. Қўшма гапларни кўчириб, турини аниқланг.

### Донишманд чумоли

Кунлардан бир кун Сулаймон ўз тахтида лашкарлари билан ўтиб бораётганида бир чумоли: «Менинг амримга тобе чумоли борки, ҳаммаларинг қочиб ер остига кириг, Сулаймон лашкарларига поймол бўлманглар», – деб қичқиради. Буни эшитган Сулаймон хаводаги тахтидан ерга тушади. Қараса, биргина чумоли турибди.

– Отинг нима? – деб сўрабди Сулаймон.

– Отим Манзара, – дебди чумоли.

– Мурчаларни не учун қочирдинг?

Шоҳнинг бу саволига чумоли дебди:

– Сиз ҳаммага подшоҳдурсиз, мен ҳам ўз жинсимга шоҳдурмен... Мурчалар лашкарингиз оёғи остида яксон бўлса, уволи менга бўлур.

Шунда Сулаймон:

– Ҳаммасини қочириб, ўзинг не учун қочмадинг? – дебди.

Манзара айтибди:

– Мен аларнинг каттасидурман. Улуғлар қўл остидагиларга меҳрибон бўлур. Балога улуғлар ўзларини рўбарў қилиб, кичикларни халос қилса яхшидур.

Бу доно фикрларни тинглаган Сулаймон Манзарага яна мурожаат этибди:

– Мундоқ насиҳатни қайдин таълим олдинг?

– Ҳамма илм ўзимдадир, дея хаёл қилурмисиз? – деб Манзара Сулаймондан бир неча савол сўрашга рухсат тилабди. Сулаймон кўнибди.

Мана ўша баҳсли фикрлар.

Савол: – Ҳақдан нима талаб қилдингиз?

Жавоб: – Бир мулк тиладимки, андоқ мулк ҳеч кимга берилгани йўқ.

Чумоли сўзи: – Бахил экансиз. Маълум бўладики, мендан ўзга асло подшоҳ бўлмасин, дебсиз. Агар юз қисса сизнинг давлатингизни минг кишига берса, ҳақ хазинаси кам бўлмас. Шунча тилагингизга яраша нима берди?

Жавоб: – Шамолни бўйсундириб берди. Шунча ҳашамат ва салтанат лашкарларимни тахт-бахтларим билан кўтариб эрур.

Манзара сўзи: – Эй, Сулаймон, бунинг маъноси олам елдек ўтадир дегани. Елнинг вужуди бўлмас. Ҳашамат, салтанат, тахт-бахтларинг ўткинчидир... Бундан бошқа яна нима берди?

Жавоб: – Узук берди. Ҳамма оламнинг сири узукдадир...

Чумоли сўзи: – Эй, Сулаймон, сенга Мағрибу Машрик таслим бўлибдир. Лекин бунинг баҳоси бир парча тош экан, бас, узугингга бино қўйма.

Сулаймон чумолининг бу қадар ақлу донишига қойил қолиб:

– Мундин ўзга яна нима биласан? – деганида Манзара:

– Қоронғу кечаларда сизга муте халқнинг ҳолидан хабардормисиз? – деб сўрабди. Сулаймон: – Йўқ, – дебди. Мурча эса шу заиф холи билан ҳар кеча ухламай, лашкарларининг атрофини айланиб, улар ҳолидан хабардор юришини айтибди. Ана шунда чумолиларнинг билафонлигига нисбатан ўз донолиги ҳеч нима эканлигига Сулаймон тўла тан берибди...



**113-машк.** Ўқинг. Эргаш гапли қўшма гапларнинг турини аниқлаб, тиниш белгиларининг қўйилиш сабабини изоҳланг.

1. Қорақумда ҳаво шундай исиб кетар эдики, ҳатто нафас олиш ҳам қийинлашарди. (*Мирм.*) 2. Оқсой тоғ оралиғидаги қишлоқ бўлгани учунми, бу ерга баҳор кечроқ келади. 3. Булутлар шу қадар ҳаракатсиз, тиниқ эдики, юлдузларнинг кўкка ёйган олтин нақшини ҳам беркита олмаган. 4. «Болам, ўтган ишга саловат, уялма», деб айтса ҳам, Мирвоҳиднинг томоғида овқат тиқилармиш. 5. Қоронғи чўкиб, юлдузлар уйғонди. 6. Кимда-ким ростгўй бўлдимми, ҳақгўйликни ўзига шиор қилиб олдимми, демак, ундай киши субутлидир. (*Ҳ.*) 7. Ҳовли шундай жимжит, кимсасиз эдики, эгаси кўчиб кетгандай ҳувиллаб ётарди. (*Ч.А.*) 8. Фан, худди ёруғлик зулмат билан олишгандек, хурофотларга қарши курашади. (*Д.Менделеев*) 9. Бола ўзи бунга ишонар, чунки у шундай бўлишини жуда-жуда хоҳларди. 10. Сени бу ерга чақиришдан мақсад шуки, аввало, бу гаплардан хабардор бўлгин. (*О.Ё.*)

**114-машк.** Кўчиринг. Эргаш гапли қўшма гапларнинг синтактик таҳлил қилинг.

1. Бобурнинг буюклиги шундаки, у ўз атрофидаги ҳар бир инсоннинг нима билан машғуллиги, қандай наф келтираётгани ҳақида тўла тасаввурга эга бўлган ва ўз вақтида рағбатлантира билган. 2. Ёмғир бўлиб яшаш оғир, дўстим, чунки ғубор кўп, чанг кўп. 3. Пул шундай балойи азимки, домига тушган кимса ўзини тўхтатолмайди. (*Ш.Х.*) 4. Ҳосил мўл бўлсин деб, экинларни яхши парвариш қилдик. 5. Жамила шу қадар тез югурдики, гўёки оёқлари унга бўйсунмас эди. (*Ч.А.*)

**115-машк.** Қуйидаги тест саволларининг тўғри жавобини белгиланг.

**1. Эргаштирувчи боғловчилар ёрдамида боғланган эргаш гап қайси қаторда берилган?**

- А. Қишлоқларнинг сўнгги уйлари орқада қолгач, йўл канал бўйлаб давом этади.
- Б. Қодир ака сафардан келганида, Ботир қўшниси Саша билан уйда китоб ўқиб ўтирар эди.
- В. Дарё устида бўғиқ шовқин ҳукм сурарди, юзлаб катта тегирмон тошлари эса музни кўчираётгандай туюларди.

Г. Йигитнинг кўз олди жимирлай бошлади, шунинг учун у бир марта қаддини ростлаб олишга мажбур бўлди.

**2. Мисолларнинг қайси бирида пайт эргаш гап тўғри берилган?**

А. Максим чироқни ёққунча, Бектемиров китобларни дасталаб яна тоқчага терди.

Б. Элмурод қизариб, юз-қулоқлари ловиллаб кетди.

В. Ойимнинг айтганига қараганда, булар эски замонда чиққан тангалар эмиш.

Г. Сафарнинг яхши томони шундаки, у ижод кишисининг тафаккур уфқини кенгайтиради.

**3. Мисолларнинг қайси бирини аниқловчи эргаш гап деб ҳисоблайсиз?**

А. Бу шундайин ажиб диёрки, унинг зўр кўзгуси ойдир.

Б. Иброҳимов меҳмонларни кузатгач, Сиддиқжонни столга яқинроқ таклиф қилди.

В. Сабри тугаб, ит нари кетди.

Г. Одамзод қизиқ: ташвиш бўлмаса, уни ўзи қидириб топади.

**4. Қайси қаторда ўрин эргаш гапли қўшма гап берилган?**

А. Она биладикки, энди ҳар нахор бутун ватан бўйлаб тўлишар баҳор.

Б. Шундай инсон ҳақида хабар келтирдимки, унинг ҳар бир сўзи бебаҳо гавҳардир.

В. Қаёққа қараманг, у ерда катта қурилишлар, ободончилик ишлари кетмоқда.

Г. Ҳусаннинг ранги қув ўчиб, тиллари айланмай қолди.

**5. Қайси қаторда равиш эргаш гапга мисол тўғри берилган?**

А. Севинчларим дарёдай тошиб, юрагимда ҳавасим ортар.

Б. Озод ота-онасини эслаган сари, қишлоғи ёдига тушаверди.

В. Бугун улар пахтани тайёрлов пунктига топшириб бўлиб, бир пиёла чой ичгани чойхонага кирдилар.

Г. Ирғайзорлар, қўриқлар орқада қолиб, бепоён яйловга чиқилгач, олдинда тикка туриб кетаётганлардан бири уфқни кўрсатди.

**6. Ўхшатиш эргаш гапни бош гапга боғловчи воситалар қайси қаторда тўғри берилган?**

А. Ўхшатиш эргаш гап бош гапга *-б (-иб)* қўшимчаси билан ҳосил бўлган равишдош орқали боғланади.

Б. Ўхшатиш эргаш гап бош гапга *-гач, (-қач, -қач)* ёки *-гунча (-қунча, -қунча)* қўшимчали равишдошлар билан боғланади.



- В. Ўхшатиш эргаш гап бош гапга худди, гўё сўзлари ёки -дей, -дек қўшимчали сифатдошлар ёрдами билан боғланади.
- Г. Ўхшатиш эргаш гап бош гапга боғловчи вазифасидаги деб, учун сўзини келтириш билан боғланади.

**7. Мисолларнинг қайси бири ўхшатиш эргаш гапга мисол бўла олади?**

- А. Ҳасаннинг юраги шу қадар қаттиқ урдик, гўё бу қоронғи жимжит кечада унинг юраги уришидан бошқа бирон овоз йўқдек эди.
- Б. Деразадан тушаётган ёруғлик аста-секин сўниб, уй ичи қоронғилашди.
- В. Ҳалол яшашни билсанг, турмуш яхшироқ ва осонроқ кўринади.
- Г. Қиличнинг захри кетса ҳам, сўзнинг захри кетмас.

**8. Мақсад эргаш гапли қўшма гапга қайси бир мисолни тўғри деб биласиз?**

- А. Агар у шохнинг совғаларини ва таклифини қабул қилса, халқининг бошига қандай кунлар келишини кўз олдига келтирди.
- Б. Агар элчи бўлмаганингизда, шул гапни айтган оғзингизни кум билан тўлдирар эдим.
- В. Тоғдек оғир билак бердим, душманни муштласин деб.
- Г. Астойдил ўқиса, ҳамма нарсани билиш мумкин.

**9. Мисолларнинг қайси бири сабаб эргаш гапли қўшма гапга мисол бўла олади?**

- А. Кураш ҳали бошлангани йўқ, аммо ҳозир қалблар ғалаёни, нигоҳлар учрашуви бошланганди.
- Б. Спитаминнинг қиздан кўнгли тўқ эди, чунки у худди уста чавандоздек отга ёпишиб тушган эди.
- В. Эртаси куни, тонготар пайтида, ҳаво айниб, кум бўрони бошланди.
- Г. Агар сен ўз тақдирингни бизнинг шаҳаншоҳ тақдири билан боғласанг, дунёда ҳеч бир подшо бизга бас келолмайди.

**10. Шарт эргаш гапли қўшма гап қайси қаторда тўғри берилган?**

- А. Вақт ярим кечадан оғиб қолган эди, шунинг учун куни билан қизиб ётган чўл энди совигандек эди.
- Б. Чарчаб гулхан ёнида ўтирган ёшлар узоқдан от чоптириб келаётган чопарни кўриб, ўринларидан сакраб туриб кетдилар.

В. Қуёш тангриси бизни ёқласа, шаҳаншохи Эрон аскарлари куршовда қолган жайронлардай, қочгани жой тополмай қолгайлар.

Г. Икковининг йўли бир бўлса ҳам, ҳеч бирга кетишмайди.

**11. Мисолларнинг қайси бири натижа эргаш гапли қўшма гап бўла олади?**

А. Шундай бир ҳийла топмоқ керакки, душманнинг оёғи тойиб, ҳалокат жарига қулаб тушсин.

Б. Одам ўзининг ночорлигини қанчалик чуқур хис қилса, у шунча мағрур бўларкан.

В. Қатор-қатор «Москвич» - у «Жигули» лар физиллаб ўтар, лекин биронтаси лоақал кўнгил учун ҳам тўхтамас эди.

Г. Кечкурун қайтсам, Иқбол ювилган бир уюм кирларга дазмол босаяпти.

**12. Қайси қаторда тўсиксиз эргаш гапнинг бош гапга боғланиши тўғри берилган?**

А. Тўсиксиз эргаш гап бош гапга *-б, -иб* қўшимчаси орқали боғланади.

Б. Тўсиксиз эргаш гап бош гапга шарт майлидаги феъл ёрдамида боғланади.

В. Тўсиксиз эргаш гап бош гапга *-ки* боғловчиси ҳамда худди, гўё сўзлари орқали боғланади.

Г. Тўсиксиз эргаш гап бош гапга шарт майлидаги феъллардан кейин ҳам ёки *-да* ёрдамчисини келтириш орқали боғланади.

**13. Қайси қаторда тўсиксиз эргаш гапли қўшма гапга мисол берилган?**

А. У олтишга бориб қолган бўлса-да, хуснини у қадар йўқотмаган эди.

Б. Ана икки ёндаги пахса деворлар чекиниб, олдинда теп-текис полиз кўринди.


В. Кимки ширинсухан бўлса, у душманларни ҳам ўзига дўст қилиб олади.

Г. Шаҳноза кетаётганида, тонг ёришиб қолган эди.

**14. Қуйидаги гапнинг чизмаси қайси қаторда тўғри кўрсатилган?**

Нихоят, у Хиротдаги баъзи машҳур зотларга шундай тақлид қилдики, ўтирганлар ўринларидан кўзгалолмай қолдилар.

(Ойбек)





**Топшириқлар:**

Қуйидаги гапларни ўқинг. Бош ва эргаш гапларни аниқлаб, вергуллар нима учун қўлланганлигини изоҳланг.

1. Бошимга ташвиш тушса, бир нарсадан қаттиқ сиқилсам, тушимга онам киради.

2. Кеч кириб, тоғдан эсган шабада ҳам тиниб, хирмон жимжит бўлиб қолган эди.

3. Беморларга қанча яхши муомала қилсанг, улар ётган жой қанчалик тинчу озода бўлса, улар шунча тез шифо топадилар. (Қ.М.)

4. Инсон ўз зиммасига бирор мажбуриятни олгандан кейин, у қанчалик алам ва ҳасратга учрамасин, чидашга ва сукут сақлашга мажбур бўлади. (Р.Н.Гун.)

Қўшма гаплар доимо икки содда гапнинг бирикувидан ҳосил бўлавермайди. Баъзан уч ва ундан ортиқ содда гапларнинг қўшилишидан ҳам ҳосил бўлади.

Қўшма гаплар, айниқса, бир неча эргаш гапли ва мураккаб қўшма гаплар тилнинг бойлигини, фикрни ифодалаш имкониятларининг кенглигини билдиради.

Ўзбек тили ана шундай бой тилларнинг биридир.

Бир неча эргаш гапли қўшма гаплар таркибидаги содда гапларнинг бош гапга боғланиш йўлларига кўра икки турга бўлинади:

1. Тўғридан-тўғри эргашиш.

2. Кетма-кет эргашиш.

Тўғридан-тўғри эргашишнинг ўзи яна икки турга бўлинади:

1) уюшган эргашиш;

2) уюшмаган эргашиш.

Уюшган эргашишда эргаш гаплар бир хил сўроқка жавоб бўлиб, эргаш гапларнинг бир хил турига киради.

Нутқимизда кўпроқ равиш, пайт, шарт, баъзан тўсиксиз эргаш гаплар уюшиб келадилар. Масалан:

1. *Қўрадаги отлар кишинаб, итлар ҳуриб, ҳаёт аста изга тушиди.* («М.»)

-б, -б,

2. Рақибим беаёв қилганда ҳужум,  
Қўлларим кўксимни этганда гижим,  
Кўриб, барча ҳайрон турганида жим,  
Ёлғиз онам куяр, биргина онам. (Абдул Ҳақ)

-ганда, -ганда, -ганида,

Биринчи гапдаги биринчи ва иккинчи содда гаплар равиш эргаш гаплар бўлиб, бош гапга -б равишдош қўшимчаси ёрдамида эргашмоқда.

Иккинчи қўшма гапда учта эргаш гапнинг ҳаммаси пайт эргаш гаплар -ганда қўшимчалари ёрдамида эргашмоқда.

Ҳар иккала гапда эргаш гаплар бир хил сўроққа жавоб бўлиб, тўғридан-тўғри эргашишнинг уюшган турига киради.

Тўғридан-тўғри эргашишнинг уюшмаган турида эргаш гаплар ҳар хил саволга жавоб бўлади, уларнинг ўринлари ҳам алмашилиши мумкин. Масалан:

1. Мазлумнинг сўзи ҳар қанча узайса ҳам, узоқ умр кўрай десанг, сен унинг сўзини оғир олмай тингла. (А.Н.)

-са ҳам, -санг,

2. Агар сизни ҳеч ким ёқтирмаса, имонингиз комил бўлсинки, айб ўзингизда. (Додриж)

-са, -ки,

Кетма-кет эргашишда эргаш гаплар бош гапга бир-бир кетин эргашади. Мазмун жиҳатидан бири иккинчисига, иккинчиси бош гапга эргашади. Биринчи эргаш гап бош гапга тўғридан-тўғри эргаша олмайди. Масалан:

1. Агар кўз бошқа нарсани ифодалаб, тил бошқа нарсани гапирса, кўнни кўрган одамлар кўзга ишондилар. (Р. Эмерсон)

-б, -са,

2. Тоғ бўғиб қолганда, тўхтаса дарё,  
Уни ўз йўлига бурмоқлик мумкин. (Б.Б.)

-ганда, -са,



Бир неча эргаш гапли кўшма гап таркибидаги содда гапларни мазмунига кўра бир-биридан ажратиб бўлмайди. Улар бир бутун ҳолда мураккаброқ фикрни ифодалайди.

Бир неча эргаш гапли кўшма гап таркибидаги эргаш гаплар баъзан бош гапга ҳам тўғридан-тўғри, ҳам кетма-кет эргашиши ҳам мумкин. Қиёсланг: *Манас болалик чоғида беҳосдан бақирса, тоғдаги жонзотлар ҳуркиб, тўқайдаги йўлбарслар қочар эди.* («М.») ○-са, ○-иб, □

Уларнинг гапларини эшитсанг, этинг жимирлашиб, кўзингдан юм-юм ёш келади. (Газ.)

○-са, ○-иб, □

**116-машқ.** Гапларнинг шартли чизмасини чизиб, эргаш гапларнинг турларини айтинг.

1. Одамлар билан шундай яшагинки, дўстларинг душман бўлмасин, душманларинг эса дўстга айлансин. (*Пифагор*)
2. Икки киши бесамар иш қилган ва бенаф ташвиш чеккан: бири бойлик тўплаб, фойдалана билмаган, иккинчиси эса илм ўрганиб, унга амал қилмаган. (*Ҳ.*)
3. Тонг оқариб қолганда, тоғларнинг чўққисини куёшнинг заррин нурлари ўраб олганда, кўшин ширин тушлар оғушига толганда, Алмамбет дўл қоқтирди. («М.»)
4. Уларнинг кетишини, ўзимнинг эса ёлғиз қолишимни ўйласам, негадир яна кайғум ошиб, хаёлим парижон бўларди. (*Ч.А.*)
5. Мен аминманки, Навоий жаноблари ёкқан илм машъалини жаҳолат ва зулмат асло сўндиролмас. (*О.*)
6. Отаси кечаги воқеа тўғрисида бирор янги гап айтар деб, ҳаммамиз бу ерга тўпландик.

**117-машқ.** Матнни ўқинг. Бир неча эргаш гапли кўшма гапларни топиб кўчиринг. Эргаш гапларнинг турларини, боғланиш йўлларини тушунтиринг.

Фарзанднинг ота-она олдидаги одоблари шундайки, фарзанд, ота-она нима деса, диққат билан кулоқ солади, уларнинг олдига тушиб юрмайди. Улар ўтирган жойларидан турсалар, у ҳам ирғиб туради, чақирсалар, «лаббай» деб жавоб беради... Ота-онанинг қилган ишлари учун аччиқланиб, уларга хўмрайиб қарамайди, уларнинг руҳсатисиз сафарга кетмайди.

Фарзанднинг бирор ери оғриётган бўлса ҳам, ота-она ташвишланмасин учун, имкони борича яширишга ҳаракат қилади.  
 (“Одоб бўстони”)


**118-машқ.** Қуйидаги тест саволларининг тўғри жавобини белгиланг.

**1. Бир неча эргаш гапли қўшма гап қайси қаторда берилган?**

- А. У чой қайнатиш тараддудида юраркан, дадаси мени гапга солиб ўтирди.
- Б. Ёшлар меҳмонларга жой хозирламоқдалар, аёллар овқат пиширмоқда, янгалар ўтов хизматини ўтайдиган узун соябон араваларни безатмоқда.
- В. Иш тамом бўлгач, болалар овқатланамиз деб, бирдан ошхона томон йўл олдилар.
- Г. Бизнинг тилимиз Навоийнинг созида улуғ қудрат ва муаззам оҳанг билан янградик, ҳаммамиз чуқур ҳайратда қолдик.

**2. Қуйидаги бир неча эргаш гапли қўшма гапнинг чизмаси қайси қаторда берилган деб ўйлайсиз?**

*Сен кўксимга агар ўқ отсанг,  
 Жарроҳ уни тезда олади;  
 Сўзинг билан ўқ бўлиб ботсанг,  
 Бу ўқ дилда мангу қолади. (Ш.)*



**3. Ушбу чизма қайси қатордаги гапга мувофиқ келади?**



- А. Куёш қанча тикка келса, соя шунча қисқарар.
- Б. Бу қанақа замондир:  
 Йиғлаган кўп, кулган оз.
- В. Дилдорнинг нияти топди ижобат:  
 Ёв битди, эл тинди, уруш тугади.
- Г. Турна ўтса, йўлга боқаман,  
 Ҳозлар учса, кўлга боқаман.  
 Дилим ёнса, гулга боқаман,  
 Эркама, мени унутмадингми?



**Топширик:**

*Биров одоб ўргатса, ўрганмаган киши ҳайвон, узр сўраса, қабул қилмаган киши шайтондир. (Х.)*

Ушбу гапни қандай гап деб ҳисоблайсиз? Фикрингизни асослаб беринг.

Мураккаб қўшма гаплар таркибида иккидан ортиқ гап бўлади. Бундай қўшма гаплар таркибидаги содда гаплар ўзаро тенг ва тобе боғланишда бўлади, боғловчилар ёрдамида ёки боғловчиларсиз боғланадилар. Гапларни таҳлил қилайлик:

1. *Сиз салтанатни менга бермоқчи бўлибсиз, лекин ишонинг: мен бу тожун тахтдан сизнинг бир нафаслик умрингизни ортиқ кўраман. (П.Қ.)* □, лекин □, ←○

Биринчи ва иккинчи гаплар бош гаплар, тенг (зидловчи) боғловчи ёрдамида боғланган.

2-бош гапдан чиққан нимага? саволига учинчи гап жавоб бўлиб келган. Бу тўлдирувчи эргаш гап.

2. *Ёмон дўст сояга ўхшайди: бошингда офтоб чарақлаб турганда, қочиб қутулолмайсан, бошингга булут келганда, излаб тополмайсан. (Абай)*



Биринчи гап – бош гап, қолган тўртта гап бош гапнинг мазмунини изоҳлаб келмоқда. Улар икки гуруҳга бўлиниб, ҳар бири эргаш ва бош гаплардан ташкил топган.

Биринчи – бош гап кейинги гаплар билан боғловчиларсиз ва боғловчи вазифасидаги воситаларсиз боғланганлиги учун, коидага биноан икки нукта қўйилади.

3. *Навбаҳор келди, булут йиғлади гирён,*


*Бу кўз ёшдан ер гуллаб, яшинади бўстон. (Рудакий)*



Биринчи ва иккинчи гаплар бош гаплар, ўзаро боғловчиларсиз боғланишган.


Учинчиси – равиш эргаш гап бўлиб, ўзидан кейинги гапга, равишдош кўшимчаси -б ёрдамида эргашиб келмоқда.

4. *Эл ичида кўмакчилар кўп бўлса, ишлар авж олади; роҳат ортиб, машаққат камаяди.* («Қ. Б.»)



Биринчи гап – шарт эргаш гап, у фақат иккинчи гапдаги иш ҳаракатининг бажарилиши учун шартни билдириб қолмасдан, учинчи ва тўртинчи гаплардаги иш ҳаракатининг ҳам бажарилишига шарт бўлаяпти.

5. *Дунёнинг ўз қонун қоидалари бор: олдин гам келса, унинг кетидан севинч келади.* («Қ.Б.»)



Бу ўринда биринчи гап – бош гап. У ўзидан кейин изоҳ талаб қилаяпти. Иккинчи гап шарт эргаш гап бўлиб, учинчи гапга эргашади ва иккинчи ва учинчи гаплар биргаликда биринчи гапни изоҳлаяпти.

**119-машқ.** Ўқинг. Қуйидаги гапларни таҳлил қилиб, чизмасини чизинг.

1. Ҳар ким айбсиз дўст кидирса, дўсти камайиб қолади, дўстларини ранжитаверса, душмани кўпаяди. (Х.)

2. Ҳаётда йўқ эмас кам-кўстим,

Бир кун улар қарор топади;

Яна шуни унутма, дўстим,

Яхши тулпор кейин чопади. (Абдул Ҳақ)

3. Ўғил қуёшга қаради, бироқ унинг назари куйиб, кўзлари камашди. (Қ.М.)

4. Жисмингда ўт олса шиддатли ғазаб,

Иғвогар сўзидан бузилса асаб,

Юракда туғилса кекли ёмон хис,

Қабристонга бор, қабристонни кез. (Қ.М.)

5. Уруш бошланиб, акаларим армияга кетгач, мен ўқишни ташлаб, ўз тенгқурларим қатори колхозда ишлай бошладим. (Ч.А.)

6. Чечаклар тўлғаниб, қушлар сайраб,

Тонг еллари ғир-ғир эсади. (У.)

7. Гил бамисоли қафасдаги шер, агар сен унга эрк берсанг, у сенинг бошингни ейди. (Х.)



8. Шаббода эсарди даволаб,  
 Лочинлар учарди ҳаволаб,  
 Булбуллар сайрарди чаҳолаб,  
 Гар довуллар бўлмаса. (*Ф. Салом*)
9. Нуқсон ахтармагил, нуқсон – мен ўзим,  
 Нуқсондир ҳар ишим, нуқсон – ҳар сўзим.  
 Бенуқсон зот – Худо, мен эса одам,  
 Ўз холимга мени кўйсангчи, кўзим. (*А. Худойберди*)
10. Баҳор. Барқут кийиб, безанди боғлар,  
 Саҳролар кўксига тақди қизғалдок. (*Э.В.*)
11. Ёқангни ушла, Завқий, ибрат олгил,  
 Халойик меҳрини кўнглунгга солгил. (*Завқий*)

**Эслатма:** Кўшма гапларда, бир неча эргаш гапли кўшма гаплар ва, айниқса, мураккаб кўшма гапларда бир бош бўлакли гаплар кўпроқ учрайди. Мураккаб кўшма гаплар таркибида нечта содда гап борлигини аниқ белгилаш учун аввал ўша содда гапларнинг бош бўлақларини топиб олиш керак.

Куйидаги гапларнинг таҳлилига эътибор беринг.

1. *Султоннинг хизматида бўлсанг ҳам, суҳбатидан ўзингни тий.* («Аждодлар ўғити»)

Бу бир бош бўлакли (шахси маълум) содда гап. Эгаси (*сен*) тушиб қолган, кесими – (*ўзингни тий*) ёрдамида эга топилади.

*Султоннинг хизматида бўлсанг ҳам* - мустақил гап бўлолмайди, чунки гапда эга битта холос – *сен*. Бу бирикма тўсиксиз хол деб юритилади.


2. *Ҳамсуҳбатни, гарчи у юз ерига ямоқ тушган чопон кийган бўлса ҳам, ўзингга тенг бил.* («Аждодлар ўғити»)



Бу – эргаш гапли кўшма гап. *Ҳамсуҳбатни ўзингга тенг бил* – бош гап. *Гарчи у юз ерига ямоқ тушган чопон кийган бўлса ҳам* – тўсиксиз эргаш гап.

Бош гапнинг эгаси (*сен*) тушиб қолган, эргаш гапнинг эгаси – *у*.

3. Жаҳонда кимки камсухан бўлса, унинг сирлари пинҳон бўлади; кимки сергап бўлса, расвойи жаҳон бўлади. (Завқий.)



Бу мураккаб қўшма гап тўртта содда гапдан ташкил топган:

1. Жаҳонда кимки камсухан бўлса; Бу гапнинг эгаси-кимки, кесими – камсухан бўлса.

2. Унинг сирлари пинҳон бўлади; Сирлари – эга, пинҳон бўлади – кесим.

3. Кимки сергап бўлса; Кимки – эга, сергап бўлса – кесим.

4. Расвойи жаҳон бўлади – мураккаб кесим. Эгаси (у) тушиб қолган.

Биринчи содда гап аниқловчи эргаш гап, чунки у иккинчи (бош) гапдаги қаратқич-аниқловчини изоҳлаб келаяпти.

Учинчи содда гап – эга эргаш гап, чунки у тўртинчи гапдаги тушиб қолган эга (у) ни изоҳлаб келаяпти.

**120-машқ.** Қўйидаги тўртликларни икки гуруҳга бўлиниб синтактик таҳлил қилинг. Ҳар икки таҳлилни гуруҳлараро муҳокама қилинг.

1. Биров қувонганда, сен қувонмасанг,  
Ёки ғам чекканда, бўлмасанг шерик,  
Ҳамма ёнганида, сен ҳам ёнмасанг,  
Билки, сен на ўлик ва ёки тирик. (Ҳ. Идрисов)
2. Йиллар ўтиб улғайганда ёш,  
Бел букилиб, эгилганда бош,  
Эслаганда кўзларимда ёш,  
Сени соғинаман, ёшлигим. (М. Тўхтабоева)

**121-машқ.** Қўйидаги гапларни синтактик таҳлил қилинг, чизмасини чизинг. Чизмада бир неча эргаш гапли ва мураккаб қўшма гаплар таркибидаги содда гапларнинг боғловчи воситаларини белгиланг.

**Намуна:** Бирор жоҳил сўзлаб, олимни сукут эттирса, таажжуб қилманг, чунки тош гавҳарни синдира олади. (Ҳ.)

Бу гапда учта содда гап бор: Бирор жоҳил сўзлаб, олимни сукут эттирса – шарт эргаш гап; Таажжуб қилманг – бош



гап. Чунки тош гавҳарни синдира олади – сабаб эргаш гап. Бош гапдан чиққан нима учун? саволига жавоб бўлади.

○ са, → □ чунки, ○

1. Агар бир дарахтни кессангиз, ўрnidан янги новдалар кўкариб чиқади, аммо меҳру муҳаббат ниҳоли жафо арраси билан арраланса, у асло кўкармайди. (Ҳ.)

2. Ҳар балонинг боши тамадир: куш донга тама қилмасайди, у тузокқа илинмас эди. (Ҳ.)

3. Баланд ҳимматли киши, агар умри дарахт гулидай қисқа бўлса ҳам, халқ олдида мақбулдир. Лекин паст ҳимматли киши узоқ яшаса ҳам, ҳеч ким уни ёдламайди. (Ҳ.)

4. Агар ҳунарманд молидан маҳрум бўлса, қайғуси йўқдир, чунки ҳунарнинг ўзи давлатдир. (Ҳ.)

5. Шундан кейин қоплон Манас тилга келмай, Тарози юлдузи тўлганда, кўплар хўшлашиб бўлганда, эллик икки ёшида вафот этди. («М.»)

6. Манас нола чекканда, дарё бўйидаги қайин ва толлар мотамсаро бош эгиб, шаҳар аҳли зор-зор йиғлади. («М.»)

7. Арзон тош синдирса зар қосани гар,  
Тош нархи ошмайди, пастга тушмас зар. (С.)

8. Икки дўст ўртасида жанжал чиққанида, уларнинг бири ён берса, бундай дўстлик ҳеч узилмайди. (Х. Д.)

9. Тор этикдан яхшидир юрмоқлик оёқ яланг,  
Мусофирлик аълодир, уйинг тўла бўлса жанг. (С.)

10. Озодлик офтоби нур сочиб турганда, одамнинг қалбида бор энг яхши кучлар уйғонса, бу кучларга йўл очилса, эрк берилса, ана унда кишининг бутун умри хазонсиз бир гул бўлиб очилади. (П.Қ.)

11. Шуни унутмангки, халқнинг «улуғи» ва «майдаси» бўлмайди, ҳар бир халқ ўзига улуғ. (Ў.Ҳ.)

12. Ариқдаги сув нопок бўлса, юз бор ювсанг ҳам, кийим тоза бўлмайди. (А.Ж.)

**122-машқ.** Ўқинг. Аввал оддий қўшма гапларни, кейин мураккаб қўшма гапларни кўчиринг. Ҳар бир гапни тўлиқ синтактик таҳлил қилинг.

1. Тушга яқин ёмғир тинди-ю, булутлар орасидан кўм-кўк осмон ва иссиқ ёз офтоби кўринди. 2. Ганга ҳали ҳам узоқларда

ёғаётган жала сувларига тўлиб, лойқаланиб оқаётган бўлса-да, ер аста-секин қурий бошлади. 3. Олдин келгиндилар зўр келди, биз чекиниб юрдик. (П.Қ) 4. Шамол борган сари авжига чиқар, ҳовлида ёнғоқ барглари шовуллаб, шохлари шубҳали гичирлар, аллаким шип-шип қадам босиб, айвон лабига келаётгандай бўларди. 5. Ҳамон шамол ўқира, осмоннинг гоҳ у, гоҳ бу барчида чакмоқ ярақлаб, ёнғоқ шохлари шубҳали гийқиллар, аммо энди булар уни кўрқитолмас эди. (Ў.Ҳ.) 6. Гулсари бирдан ўзини орқага ташлади ва шу заҳоти йилқилар ҳуркиб жойидан кўзғалишди. 7. Қалин қорлар эриб, ўтлар кўкариб қолди. (Ч.А.) 8. Табиблар даво қилишибди, муллалар ўқибдилар, бахшилар кўчирибдилар, аммо фойдаси бўлмабди. (Эртакдан)

**123-машқ.** Матнни ўқинг. Қўшма гапларни кўчиринг ва синтактик таҳлил қилинг.

## Ой билан Кун

(афсона)

Бир пайтлар Ой билан Кун эр-хотин бўлишган экан. Улар эр-хотинлик даврларида яхши яшашибди. Турмуш, тирикчилигу одамларга хизмат қилишни ҳам баб-баравар бўлиб олишган экан. Кун кундуз куни ётоғидан чиқиб тирикчилик гамини ер, одамларга илиқлик улашиб, кеч киргач, уйига хориб-чарчаб қайтар экан. Кун кундузи уйига келдими, Ой пиширган нетганларини унинг олдига қўйиб, едириб-ичиргандан кейин уйдан чиқиб кетар экан. Қоронғу бўлса одамлар бир-бирларини кўролмаб қолишар экан-да! Шунинг учун Ой ҳам кечаси уйдан чиқиб, тунни ёритиб, одамларнинг мушкулини енгиллаштирар экан. Кун билан Ой шундай кун кечираверишибди.

Кундан-кун, ойдан-ой ўтиб, Ой билан Кун фарзанд кўришибди. Отини Юлдуз қўйишибди. Кейинчалик битта болалари иккита бўлибди, иккита болалари учта бўлибди, учта болалари тўртта бўлибди. Бора-бора шунчалик кўпайиб кетишибдики, санаб саноғига, айтиб адоғига етолмай қолибдилар. Кунлардан бир кун нимаям сабаб бўлиб, эр-хотин уришиб қолишибди. Кун зарда қилибди, Ой аразлабди. Болаларига кийин бўлибди. Кун уйдан кетиб қолибди. Оналари Оймомо сал уйкуга кетди дегунча кун болаларидан бировини олмоқчи бўлармиш-у, ой



билиб қолиб, уни яна тортиб олармиш. «Юлдуз учди, ой тутди», – деган гап шундан қолган экан. Ҳозир ҳам кун болаларини кўрмоқчи бўлиб, Ой уйқуга кетганда уларни олиб қочмоқчи бўлармиш-у, Ой уйғониб кетиб, боласини олиб қолармиш. Кундузи бўлса, уларни умуман кўрсатмасмиш...

## 29-§. Боғловчисиз қўшма гаплар ва уларда тиниш белгиларининг ишлатилиши

### Топшириқлар:

Қуйида берилган боғланган ва эргашган қўшма гапларни боғловчисиз қўшма гапларга айлантиринг. Гапларнинг мазмунида ва оҳангида қандай ўзгариш юзага келганини тушунтириб беринг.

1. Ойим унинг кўзига тикилиб қаради-да, кўнглида умид уйғонди шекилли, овози дадиллашди.
2. Сув совуқ экан, шунинг учун тишларим зирқираб кетди.
3. Овқатланиб олишсин, чунки йўл оғир.
4. Қарши томондаги каттакон бинонинг ҳамма деразаларида чироқ порлар ва шодон учқунлар нур оғушида ўйнар эди. (Ў.Ҳ.)

Қўшма гаплар боғловчиларсиз боғланганда вергул, нуктали вергул, икки нукта ва тире (чизиқ) ишлатилади.

Тиниш белгиларининг ишлатилишида мазмун алоҳида ўринни эгаллайди.

### Вергулнинг ишлатилиши.

Қўшма гап таркибидаги содда гаплар бир вақтда ёки кетма-кет бўлган воқеа-ҳодисаларни билдирса, содда гаплар орасига вергул қўйилади.

1. *Қуёш сўнмас, ер қаримас.* (М.)
2. *Инсонга ҳаёт деб аталмиш гўзаллик бахш этилган, уни қадрлаш керак.* (Ҳ.)
3. *Энг яхши тил – тийилган тил, энг яхши нутқ – пухта ўйланган нутқ.* (Л.Т.)
4. *Қололмас жаҳон ичра мангу киши, Фақат қолгуси яхши ному иши.* (С.)

## **Нуктали вергулнинг ишлатилиши**

Кўшма гап таркибидаги содда гаплар ичида вергуллари бўлса, содда гаплар мазмунан бир-биридан узоқ бўлса, содда гаплар нуктали вергул билан ажратилади.

1. *Табиат – она; тоғу тошлар, боғу роглар, дарёлар, гуллар, биз ҳаммамиз унинг фарзандларимиз.*

2. *Математика–техника учун тил; у бу тилда гапиради, ёзади ва фикр юритади. (В.Л. Гончаров)*

## **Икки нуктанинг ишлатилиши**

Қуйидаги ҳолатларда ёрдамчиларсиз боғланган кўшма гаплар таркибидаги содда гаплар орасига икки нукта қўйилади:

1. Биринчи гапнинг мазмунини кейинги гап (гаплар) изоҳлаб, тўлдириб келса: *Ҳақиқат бўрондан кучли: у ўз йўлида учраган ҳамма нарсани супуриб ташлайди.*

*Билинг: ушбу замон гамнокидурман,*

*Куйиб-ўртанмиш элнинг ҳокидурман. (А. Ўтар.)*

Агар биринчи гапга *-ки* кўшимчаси қўшилса, *билинки* сўзидан кейин икки нукта ўрнига вергул қўйилган бўларди.

2. Иккинчи гап сабаб эргаш гап бўлса, яъни иккинчи гап бош гапдаги иш-ҳаракатнинг сабабини билдирса:

*Балиқ ҳаводан нафас олмайди: унда ўпка бўлмайди. (И. Сино.)*

*Қўрқоқлик жуда зарарлидир: у иродани фойдали ҳаракатдан тўхтатиб қўяди.*

## **Боғловчисиз кўшма гапларда тиренинг ишлатилиши**

Боғловчи воситаларсиз кўшма гаплар орасида тире асосан уч ҳолатда ишлатилади:

**I.** Кўшма гап таркибидаги содда гаплар бир-бирига ўхшаш маънони билдирса:

1. *Вақтинг кетди – бахтинг кетди.*

2. *Кўшни келди – кўмак келди.*

3. *Дўст кўп – бойлик кўп.*

**II.** Кўшма гап таркибидаги содда гаплар бир-бирига зид маънони билдирса: 1. *Кўз қўрқоқ – қўл ботир.*

*Дабдаба камроқ бўлсин – жавобгарлик ҳисси кўпроқ бўлсин.*



- III.** Биринчи гап иккинчи гапнинг шартини, пайтини билдирса: 1. Қўшининг тинч – сен тинч.  
2. Ҳаё кетди – бало етди.  
3. Бирлик йўқ – барака йўқ.

**124-машқ.** Асардан келтирилган парчани ўқинг. Матндаги гаплардан боғловчисиз қўшма гаплар ҳосил қилинг.

### Синчалак

.... Саида касал кишидай битта-битта қадам босиб хужрасига томон йўналди, лекин ҳозир раисга дуч келишини сира истамагани учун ишқом орасидан юрди... Хўрлиги келиб, ўпкаси тўлди-да, орқасига бир қараб, аввал жадаллади, кейин югурди, югурганича келиб хужрасининг эшигига калит солмоқчи бўлганида, худди биров йўлини тўсгандай, бирдан тўхтади...

Хўш нима гап ўзи, - деди ўйланиб, – нимага келаётибман, каравотга ўзимни ташлаб йиғлаганими? Кўз ёши кўнгилдаги ғам-ғуссанинг дамини кесиш, ё бераҳмнинг раҳмини келтириш учун тўкилади, менинг кўнглимда қанақа ғусса бор? Йиғлаб кимнинг раҳмини келтирмоқчиман? Раис мени чертган бўлса, мендан шапалоқ егандай бўлди, мени енгмоқчи бўлиб ўзи енгилди. Унинг сўз тополмай қўл кўтаргани – кучи шляпага етгани шуни кўрсатмайдими?!...

Мана бу гапни мен сиздан кутмаган эдим! – дейди Носиров, зўр таассуф билан, – ҳеч кутмаган эдим-а, жон қизим! Шунақа гаплардан қачон қутуламиз? «Аёл боши» деганингиз – мунглиман, муштипарман деганингизми? Наҳот шундоқ бўлса? Мой айниса туз солади, туз айниса не солади, деган гап бор...

... Биз ҳозир Қаландаров ҳақида нима биламиз? Қаландаров яхши ташкилотчи, деймиз, лекин бу чиройли гулдаста қанақа гуллардан боғланганлигини билмаймиз. Бир нарсани қадрлаш учун уни аввал яхши билиш керак. Қаландаров сояда ўсган, деймиз, лекин уни қандай сабаблар сояга тортганини, сояда қолдирганини билмаймиз... (А. Қ.)

**125-машқ.** Бадий асарлардан боғловчисиз қўшма гапларга мисоллар топиб, кўчиринг. Тиниш белгиларининг қўлланилишини изоҳланг.

**126-машқ.** Кўчиринг, тиниш белгиларининг қўйилиш сабабларини тушунтиринг. Боғловчисиз боғланган қўшма гап таркибидаги содда гаплар орасига мос келадиган боғловчи воситаларни қўйиб кўринг.

**Намуна:** *Вақт пешиндан ўтди – арзга келувчиларнинг оёғи узилмади. // Вақт пешиндан ўтди, аммо арзга келувчиларнинг оёғи узилмади. // Вақт пешиндан ўтган бўлса ҳам, арзга келувчиларни оёғи узилгани йўқ.*

1. Халққа хиёнат қилдинг – ўзингга жиноят қилдинг. (М.)  
2. Аёл яхши – эр яхши, вазир яхши – хон яхши. (М.) 3. Мардлик қалбнинг буюк фазилатидир: кимдаки шу фазилат бор экан – у ғурурланса арзийди. (Карамзин) 4. Берган миннат қилмасин – олган гапирсин. (Сервантес) 5. Меҳнатни севинг: ҳеч бир куч меҳнатнинг кучидай инсонни буюк ва доно қилишга қодир эмас. (Горький) 6. Сабрнинг аввали – аччиқ – охири – ширин.  
7. Хушомадгўйлардан қочинг: улар башанг кийиниб олган ўғрилардир. (У.Пенн) 8. Ёшлиқ – ажойиб: уни елга совуриш жиноятдир. (Б.Шоу)

**127-машқ.** Берилган гапларни таҳлил қилинг: нечта содда гапдан ташкил топганини, содда гаплар ўзаро қандай боғланганини, қўшма гапнинг қайси турига киришини айтинг. Тиниш белгиларининг қўйилиш сабабини тушунтиринг.

1. Жақипбойнинг хонадонида яна хурсандчилик: хотини Бахтдавлат ўғил кўрди. («М.») 2. Меҳнатни доимо ўнг қўл қилади – олтин соатни чап қўл такади. (Ш.) 3. Айтилган сўз – отилган ўқ: уни қайтариб бўлмайди. (М.) 4. Ёлғончининг икки ёмонлиги бор: у ҳаммани алдайди, ўзи эса ҳеч кимга ишонмайди. (Б. Шоу) 5. Гулни узгандим – сўлиб қолди, капалакни ушладим – кафтимда жон берди, мен шунда тушундим: гўзалликка фақат қалбдан яқинлашмоқ керак экан. (Журн.) 6. Доно билан нодоннинг фарқи биттагина: доно ўйлаб кўриб, кам гапиради, нодон доимо гапиради ва ҳеч қачон ўйламайди. (Ключковский) 7. Шўрлик пешонамининг сира ёришмагани маълум бўлди: мен кимсасиз оролга келиб қолибман. (Р. Крузо) 8. Қирк ёш – ёшлиқнинг интиҳоси, эллик ёш – қариликнинг ибтидоси. (Гюго) 9. Чол ялт этиб унга қаради: хира кўзларида мулойим бир нур йилтиради. (Қ.М.)



**128-машқ.** Куйидаги мақол ва хикматларни ўқинг. Боғловчисиз қўшма гапларни таҳлил қилинг.

1. Ҳаё кетди – бало етди! 2. Мингта дўст – кам, битта душман – кўп. 3. Сув келди – нур келди. 4. Қорни очдан кўзи оч ёмон: қорни оч бир нон билан тўяди, аммо кўзи очни тўйдириб бўлмайди. 5. Яхшилиққа яхшилиқ ҳар кишининг ишидир, яхшилиққа ёмонлик паст кишининг ишидир, ёмонликқа яхшилиқ мард кишининг ишидир. 6. Икки кишидан сир яширма зинҳор: бири – яхши табиб, бири – содиқ ёр. 7. Ўз нафсини мағлуб этолган марддир, ғийбатлардан узоқ кетолган марддир. 8. Умуман олганда, кам биладиганлар кўп гапиради, кўп биладиганлар эса камгап бўладилар. 9. Эгри бўлсанг синар қанотинг, тўғри бўлсанг чиқади отинг. 10. Қор ёғди – излар босилди.

**129-машқ.** Тиниш белгиларини қўйиб кўчиринг. Ҳар бир гапдан кейин чизмасини чизинг. Қандай қўшма гап эканлигини изоҳланг.

1. Азизим жафо кўрган киши сенга арз қилиб ёрдам сўраб келса сен асло дилтанг бўлма чунки мартаба эгаси табиб ҳукмидадир. (*Ҳ.*) 2. Бемор ўзининг барча дардларини табибга айтмаса табиб унинг касаллиги сиридан воқиф бўлолмайди натижада беморшифо шарбатидан баҳраманд бўлолмайди. (*Ҳ.*) 3. Дўстлик ҳаёт зарурати чунки умри гарчанд роҳат-фароғатда ўтса ҳам ҳеч ким ҳаётини дўстсиз ўтказишни истамайди. (*Арасту*) 4. Манзура меҳмонхонага жойлашгунга қадар юраги ёрилиб кетгудай даражада ураётган бўлса-да аламли йиғи бўғзини бўғса-да ўзини тутишга йўл топди. (*Т.М.*) 5. Юпун кийинган ёш жувон қабр устидаги қорни кафти билан сидириб туширар совуқдан қўллари қизариб кетган қора рўмоли елкалари қорга беланган плашининг этаги лой эди. (*Ў.Ҳ.*) 6. Ким доимо қувноқ бўлса у бахтиёрдир ким бахтиёр экан у яхши инсондир. (*Белинский*) 7. Яхшиси биз ўзимизни мақтамайлик бошқалар бизни мақтасин. (*Демокрит*) 8. Ҳовли сатҳи текис чинни-чироқ қилиб супурилган этакдаги қатор мирзатераклар устида мўралаётган қуёш олачалпоқ нур сочар ундан бериқоқда тартиб билан экилган нозик-нихол анорларнинг оловранг япроқлари сокин ловиллар ҳовли бурчагида икки туп анжир тарвақайлаб ўсган эди. (*Ў.Ҳ.*)

130-машқ. Ўқинг. Тиниш белгиларини қўйиб, кўчиринг.

1. Кўкка етса бошинг унутма зинҳор  
Оёғинг тагида она еринг бор. (Ҳ.)
2. Дарё тўлқин сувлар тошқин ўтолмайман  
Отим ориқ манзилимга етолмайман. (Халқ қўшиғи)
3. Орзум шул ўчмасин ёнган чароғинг  
Юлдуздай порласин чашминг қароғинг. (А.О.)
4. Дехқон наслиданман дехқонман  
Табаррук касб дехқончилик ҳам  
Ер мадорим мен ерга жонман  
Ерда ишлаб чиниққан танам
5. Сўзинг оз бўлсину маъноли бўлсин  
Эшитганлар қулоғи дурга тўлсин. (А.Авлоний)
6. Одамлар қалбининг чароғи билим  
Балодан сақланиш яроғи билим. (Рудакий)
9. Ўлимдан кўрқмайман ҳамма ўлади  
Дўстлардан ажралмоқ оғир мен учун. (Ш.)
10. Менга таянч нуқтасини беринглар  
Мен ерни ўрнидан силжитай. (Архимед)

131-машқ. Кўчиринг. Икки нуқта ва тиренинг қўйилиш сабабларини тушунтиринг.

1. Минг хил касаллик бор – соғлик биттадир. (Л. Берне)
2. Тил бор экан – алоқа бор, тарих бор, маданият ва адабиёт бор. (Л.Т.)
3. Нутқ – қудратли куч: у ишонтиради, ундайди, мажбур қилади. (Эмерсон)
4. Ўзингга дўст танла, ёлғиз ўзинг бахтли бўлолмайсан: бахтни икки киши яратади. (Пифагор)
5. Уйқуси қочганга тун узун, чарчаган йўловчига йўл узун, ақли пастга умр узун. (Ҳ.)
6. Ҳақиқат ҳавога ўхшайди: рангини кўролмайсиз. (Ў.Ҳ.)
7. Турсунбой Адашбоевнинг ижоди билан танишган киши бир нарсага амин бўлади: бу асарлар болалар ҳам, катталар ҳам барабар ўқийдиган ибрат китобидир. (Т.М.)
8. Билим – қулф, меҳнат – унинг калити. (Ҳ.)
9. Адабиёт яшаса – миллат яшар. (Чўпон)
10. Шоазим ўнғайсизланиб ерга қаради: ҳозир унинг кўнглига баҳс сиғмас эди. (П.Қ.)
11. Унинг юз-кўзи отасига тортган эди: қошлари қуюқ, қалин... (С.А.)
12. Энг буюк бойлик – маърифат, энг аччиқ оғу – жаҳолат. (М.)



**132-машк.** Ойбекнинг “Болалик” повестидан олинган парчани ўқинг. 4-гапни тўлиқ синтактик таҳлил қилинг.

... Тор кўчада, кўшнимизнинг эски, шалоқ эшиги олдида, менинг чол бобом ўз ўртоғи – узун соқолли, йирик жуссали, кар қулоқ мўйсафид билан нималар тўғрисидадир эзмаланиб сўрашади. Бобом ориқ, кичкина гавдасини деворга суяб, чўққайган, ҳассасини тиззалари орасига қадаган. Ўртоғи эса кўпол, эски кавуш кийган, узун оёқларини узатиб, офтобга яғринини тутган ҳолда, ерга ёнбошлаб ўтирибди. Кўчадан от-арава ўтмайди; шовқин-сурон йўқ. Сийрак ўткинчилар, албатта, қўл қовуштириб «Ассалом!» деб ўтардилар. Чоллардан бири ёки иккови бирдан жавоб беради: «Ваалайкум...»...

**133-машк.** Берилган мураккаб кўшма гапларни таҳлил қилинг. Ҳар бирдан кейин чизмасини чизинг.

1. Катталар қанча ишласа, болалар ҳам шунча ишларди, бироқ хўжайин болаларга кам ҳақ тўлар эди. 2. Очлик, яланғочликка кўниқиб, тирикчилигимизни қилар эдик, лекин бир нарсага бошимиз гаранг бўлиб қолди: дадаимизнинг гарданида қарзи бор экан. 3. Ақлсиз одамлар билан ҳаргиз дўст бўлмагин, чунки ақлсиз одам шундай иш қиладики, ақлли душман қила олмас. («Қ.») 4. Тўғри, иш ғоят мушкуллашди, лекин умид, ғайрат билан қадам кўйилса, мақсад йўлидаги ҳар қандай мушкилотни бартараф қилиш мумкин. (О.) 5. Осмоннинг кун чиқиш қисми энди оқара бошлаган, лекин ҳатто барвақт турадиган қишлоқ аҳли ҳам уйкуда, боғларга яширинган уйлар, сердарахт кўчалар жимжит, кимсасиз. (О.Ё.) 6. Инсон табиати ғалати: у бойлигини йўкотса қайғуради, аммо ҳаётнинг кунлари мангуга йўқолаётгани билан иши йўқ. (Ҳ.) 7. Ҳаво очиқ бўлиб, куюш тузуккина кўтарилган, аммо унинг ҳам бу кун унча таъсири йўқ, бу кунги қора совуқ куюш кучини-да кесган эди. (А.Қод.) 8. Комиссар сут бидонни кўтариб пастга тушганда, тонг отмаган, ҳаво совуқ эди. (Ў. Ҳ.)

9. Бу ҳаётнинг ярми роҳат,  
Ярми ғамдир, шукр қил,  
Умринг узун бўлса, раҳмат,  
Агар камдир, шукр қил. (Э.В.)

Қўшма гап турлари услубий восита сифатида оғзаки ва ёзма нутқда ҳам кенг қўлланилади. Аммо, оғзаки нутқда қўшма гапнинг содда, ихчам турлари қўлланилиб, ёзма нутқда эса унинг мураккаб, кенг ва кўпинча боғловчили турлари ишлатилади.

Ёзма нутқда қўшма гаплар асосан илмий услубда ишлатилади. Боғловчилар ёрдами билан тузилган қўшма гаплар асосан илмий нутққа хосдир. Оммабоп ва адабий услубда эса қисқа ва ихчам тузилган боғланган қўшма гаплар, эргашган қўшма гаплар ва боғловчисиз қўшма гап турлари қўлланилади.

**134-машқ.** Шарқ мутафаккирларининг куйида берилган ҳикматли мисра-ларини ўқинг. Уларнинг асл ва услубий мазмунини сўзлаб беринг.

Занжирнинг охири халқаси – инсон,  
У – калит, бандларни очади осон.  
Сарвдек тик бошини кўтармиш мағрур,  
Борлиғи – яхши сўз, ақлу тафаккур.  
Ақл бирла идрок фақат унга ёр,  
Бутун тилсиз олам фармонига зор. *(А.Фирдавсий)*

Ўзига ярашур аҳмоқнинг туши,  
На бир қиммати бор, на тузук иши. *(Ж.Румий)*

Давлатманд қилгил, эй қаноат, мени,  
Чунки йўқдир сендан яхшироқ неъмат.  
Луқмоннинг муроди – сабр бурчаги,  
Сабрсиз кишида бўлмади ҳикмат. *(С.Шерозий)*

Тор этикдан яхшидир юрмоқлик оёқ яланг,  
Мусофирлик аълодир уйинг тўла бўлса жанг.  
*(С.Шерозий)*

Ёпиқ, очик сир ҳақида оқиллар,  
Айтишибди кўп ажойиб нақллар:  
Бири - яроғ, хали қиндан чиқмаган,  
Иккинчиси – ўқдир, чиққан камондан. *(А.Жомий)*



**135-машқ.** Ўқинг. Қуйидаги ҳикматли иборалар қўшма гапнинг қайси турига киришини аниқлаб, таркибидаги содда гапларнинг боғланиш воситаларини изоҳланг. Тиниш белгиларининг қўлланилиш сабабини тушунтиринг.

1. Ақл – ханжар, билим – чарх. 2. Мактаб – ёшлик гулшани, болалар – гулшаннинг бебаҳо ниҳоллари, ўқитувчилар – бу гулшаннинг соҳибкорлари. (Р.У.) 3. Кимки бўлса ақлга йўлдош, йиқилганга бўлади қўлдош. (Х.Деҳлавий)

4. Чумоли ёз бўйи йиғар емак-дон,  
Токи, қишда уйи бўлсин фаровон. (С.Шерозий)

5. Ақл измидан ҳеч маҳал чикмагил,  
Пушаймондан азоб чекади кўнгил. (А.Фирдавсий)

6. Қуёшли уфқда зиё бўлур, бил,  
Киши доно бўлса, дарё бўлур, бил. (Н.Хисрав)

7. Ҳалол ишлаб топсанг гар арпа донин,  
Яхшидир егандан биров оқ нонин. (Х.Деҳлавий)

8. Ҳеч кимга ялинмас ҳунарли инсон,  
Ризкин ўз боғидан топади боғбон. (С.Насафий)

9. Илм – барча ҳунарнинг тожи – бебаҳо,  
Илм – ҳамма қулфнинг калити – аъло. (А.Жомий)

10. Ёлғон, эгриликка ўрганма асло,  
Жаҳон тўғриликдан бўлмишдир барпо. (Балхий)

**136-машқ.** Оммабоп услубга оид қуйидаги матнларни ўқинг. Илмий услубдан фарқли жиҳатларини айтиб беринг. Матн таркибидаги қўшма гапларни аниқлаб таҳлил қилинг.

1. Болакай деворни бўяётган отасига қараб ўтирибди.  
– Яхшилаб ўрганиб ол, ўғлим. Катта бўлганингда сен ишлайсан, мен эса дам оламан.

– Шу битта деворни мен катта бўлгунимчям бўяб туга-толмайсизми?

2. –Бир вақтлар қизлар ортимдан югуриб юришарди...

– Йўғ-э?! ҳозир-чи, югуришмайдими?

– Биласизми, анчадан буён қизларнинг сумкасини ўғирламай қўйдим.

3. Ҳадеб ишга кечикадиган ходимга раҳбари танбех берди:

– Агар яна бир марта кеч келсангиз, ишдан бўшатаман.

Дўхтирга учранг, эртарок уйғотадиган бирорта дори ичинг.

Ходим дори топиб ичди, эрта уйғониб, ропша-роса соат 8:00 да ишхонасида бўлди.

– Қойилмисиз, хўжайин?

– Қойилман, лекин кеча нега ишга келмадингиз?

**137-машқ.** Қўшма гапларни аниқланг ва турларга ажратинг. Қўшма гапни ташкил этган содда гаплар ўзаро қандай боғланганлигини тушунтиринг.

### Уйқу нима?

Уйқу инсон умрининг учдан бир қисмини олади. Болалар ёшига қараб суткасига 8-14 соатдан ортиқ, кексалар эса 7-8 соат атрофида ухлайдилар. Олтмиш йил яшаган киши ўз умрининг йигирма йилини уйқу билан ўтказди. Одам нега бунчалик кўп ухлайди, деган савол туғилиши табиий. Уйқуга кетган йилларга баъзан ачиниб ҳам қўяди киши. Лекин шундай бўлса ҳам, одамлар кўпинча кўп ухлашдан эмас, балки ухлай олмасликдан шикоят қиладилар.

Кузатишлар ва тадқиқотлар натижасида шу нарса маълум бўлдики, ўн ёшдан ошган одамларнинг фақат 55 фоизигина тўйиб ухлайман, деб жавоб берган. қолган 45 фоиз аҳоли уйқунинг бузилишини айтишган. 20 фоизга яқин киши эсаҳар иккала сабабдан шикоят қилган.

Шундай одамлар ҳам борки, улар атиги 3-4 соат, нари борса 5 соат ухлашади, шунда ҳам ўзларини бардам сезишади. Бунга таниқли олим Владимир Михайлович Бехтерев, улуғ рус подшоси Петр I, буюк олим Н. И. Вавилов мисол бўла олади. Улар суткасига 4-5 соатдан ортиқ ухлашмаган, умр бўйи бундай кам ухлаш улар фаолиятига зиён қилмаган. Алберт Эйнштейн эса жуда кўп ухлар эди. *(Ш. Шомансуров)*



### 31-§. Боғланган қўшма гаплар синонимияси

Бириктирув боғловчилари *ва*, ҳам ҳамда шу вазифада келадиган *-у*, *-ю*, *-да* юкламалари ёрдами билан тузилган қўшма гап турлари синонимик қаторларни ташкил этиши мумкин. Аммо бунда нозик мазмун фарқлари англашилиб туради: Масалан: *Эшик секин очилди ва рухсат сўраб талаба қиз кириб келди. // Эшик секин очилди-ю, рухсат сўраб талаба қиз кириб келди. // Эшик секин очилди-да, рухсат сўраб талаба қиз кириб келди.*

Зидловчи боғловчилар (*аммо*, *лекин*, *бироқ*) ва юкламалар (*-у*, *-ю*) ёрдами билан тузилган боғланган қўшма гаплар синонимик гапларни ташкил этиши мумкин. Синонимик гапларда нозик мазмун фарқлари англашилади. Масалан: *Офатдан қутулдик деб ўйлагандик, бироқ дарё ҳали бизни ўз ҳибсидан бўшатмаган экан.* – ҳаракат зидлиги, бадий китобий услуб. 2. *Офатдан қутулдик деб ўйлагандиг-у, бироқ дарё ҳали бизни ўз ҳибсидан бўшатмаган экан.* – ҳаракатнинг тез алмашилиши, ҳаракатнинг қиёсланиши; оғзаки, оммабоп услуб. 3. *Офатдан қутулдик деб ўйлаган эдик, аммо дарё ҳали бизни ўз ҳибсидан бўшатмаган экан* – изоҳлаш-зидлаш муносабати; бадий услуб.

Айирув боғловчилари (*ё*, *ёки*, *ёхуд*, *ёинки*, *хоҳ*) ва боғловчи вазифасидаги сўзлар (*дам-бадам*, *дам-дам*, *ё бўл-маса*, *баъзан*, *бир-бир*) қўшма гапдан англашилган ҳаракат- ҳолатнинг бири рўй беришини ёки улар кетма-кет юзага чиқиши мумкин эканлигини кўрсатади. Масалан: *Бу топириқни ё ўзингиз бажаринг, ё бировга вазифа қилиб беринг* – ҳар икки ҳаракатдан бири рўй беради; бадий услуб.

*Гоҳ осмонни тутиб ашула янграйди, гоҳ хазин мусиқа эшитилади.* – ҳар икки ҳаракат кетма-кет рўй беради; бадий услуб.

*Физика дарсида гоҳ тажриба ўтказамиз, гоҳ ўқитувчимиз қийин масалаларни ечиш йўлларини ўргатади* – маълум бир оралиқда бўладиган ҳаракат: оғзаки оммабоп услуб.

**138-машк.** Айирув боғловчилар ёрдами билан 3 та қўшма гап тузинг. Уларни қўшма гапнинг бошқа турлари (боғловчисиз ва эргаш гапли қўшма гаплар) билан алмаштиринг. Услубдаги мазмун ўзгаришини изоҳланг.

139-**машқ.** Берилган содда гаплардан айирув боғловчили боғланган қўшма гап хосил қилинг.

1. Мардонани кўрқув титроққа солди. 2. Баъзиларнинг кўзидан ёш бетиним оқарди. 3. Бирданига ёмғир шаррос қуйиб кетди. 4. Чет элликлар билан ўзаро ҳамкорликда ишлаш бўйича шартнома тузишга киришди. 5. Қаҳр-ғазабингни жиловлай бил. 6. Йўлнинг икки томони оппоқ иморатлар билан безалган.

140-**машқ.** Қуйидаги боғланган қўшма гапларни боғловчисиз қўшма гапларга айлантинг. Гап мазмунидаги ва услубидаги ўзгаришларни айтиб беринг.

1. Дераза пардалари тушириб қўйилгани учун ҳеч нима кўринмас, бироқ ичкарида одам кўплиги соялардан билиниб турарди. 2. Ҳар томондан йўл очиб, ташқарига чиқа бошлаган сув чошгоҳга бориб тамоман оқиб битди, лекин ховлида тизза бўйи лойка қолди. (*Ж. Қурашев*) 3. Марат қаттиқ толикқанини, йиқилгудек бўлиб қолганини шундагина пайқади, аммо унинг рухи тетик, кайфи чок эди. (*Ў.Ҳ.*) 4. Омборга етиб келганимда кун ёришмаган, бироқ олисдаги тоғлар қирраси ҳаво очик бўлишидан дарак бериб, гунафшаранг тусда товланиб кўринарди. 5. Ичкаридан овоз эшитилар, лекин сўзлари англашилмас эди. (*Ас.М.*) 6. Йигитнинг юзида ҳеч қандай ўзгариш бўлмади, бироқ кўзларида бир лаҳза ўт чакнагандай бўлди. 7. Ака-ука дўст бўлмасликлари мумкин, лекин дўст – ҳамиша ака ва ука. (*Ҳ.*) 8. Ёшлиқ ўтиб бораётганини ҳеч ким сезмайди, аммо унинг ўтиб кетганини ҳамма хис қилади. 9. Мунисхон ўша шеър босилиб чиққан газетани ... авайлаб яшириб қўйди, лекин Муҳаммад ҳақидаги ширин ўйлари қалбини тарк этмади. (*Ж. Қурашев*)

141-**машқ.** Қуйидаги боғловчисиз қўшма гапларни боғловчили боғланган ёки эргашган қўшма гапларга айлантинг. Гап мазмунидаги ва услубидаги ўзгаришларни айтиб беринг.

1. Задигнинг жароҳати хавфлироқ эди: найза кўзининг яқинига теккан ва чуқур яра пайдо бўлганди. (*Вольтер*) 2. Тақдирнинг аччиқ қисматидан баъзан қочиб кутулолмайсан: осмон йироқ, ер қаттиқ. 3. Яна чакмоқ чақди: ғамгин қовоқ уйиб турган баланд-баланд қоялар ярқ этиб ёришди. 4. Тасаввур



қилинг: узоқларда шуъла кўриняпти. 5. Аниқ эсимда бор: унинг кўлидан газета ва китоблар тушмас эди. 6. Такдир ғалати экан: Азим таниқли раҳбар бўлиб, шаҳарда қолиб кетди, Исмат оддий хизматчи бўлиб, қишлоқда қолди. 7. Келиннинг уйига келдик: зиёфат зўр бўлди, ўйин-кулги қизиди. (А.Қ.) 8. Бир ўрдак қайиқ олдига йиқилди, иккинчи ўрдак галадан ажралиб пастлай бошлади. 9. Шу вақт ташқарида шов-шув эшитилди; эшикнинг икки табақаси ҳам бирдек тарақ этиб ланг очилди. (Ас.М.) 10. Хонгирей ваъдасининг устида турди – шароит олий мақомда яратилди. (Т.М.)

### 32-§. Эргаш гапли қўшма гапларда грамматик воситалар синонимияси

Эргаш гапли қўшма гаплар содда гаплар билан ёки ўз ичидаги бошқа тур эргаш гаплар билан синоним бўлиши мумкин. Бунда гапнинг грамматик (шаклий) қурилишида турли ўзгаришлар юзага келади: эргаш ва бош гапни бириктирувчи воситалар ўзгаради, эргаш гапнинг эгаси қаратқичли аниқловчига, кесими эса аниқловчи ёки тўлдирувчига айланади. Баъзи ҳолларда эргаш гап билан бош гапларнинг ўрни алмашади. Эргаш гапларнинг қуйидаги турлари содда гап билан синоним бўлиши, содда гап билан алмашиши мумкин.

Эга ва кесим эргаш гапли қўшма гаплар:

1. *Кимки ҳақиқат томонда бўлса, у енгиб чиқади.* (эга эргаш гапли қўшма гап) // *Ҳақиқат томонда бўлган одам енгиб чиқади.* (содда гап)

2. *Вақт ўтиши билан шу нарса исботландики, Ҳамлет ҳар бир иқтидорли актёр учун юксак чўққи.* (эга эргаш гапли қўшма гап) // *Вақт ўтиши билан Ҳамлет ҳар бир иқтидорли актёр учун юксак чўққи эканлиги исботланди.* (содда гап)

3. *Гап шундаки, ёшларда маълум касбга ёки илмий-ижодий йўналишга қизиқиш ўз-ўзидан пайдо бўлавермайди.* (кесим эргаш гапли қўшма гап) // *Гап ёшларда маълум касбга ёки илмий-ижодий йўналишга қизиқиш ўз-ўзидан пайдо бўлавермаслигидадир.* (содда гап)

4. *Энг қувончлиси шундаки, Эркин олдинданоқ масаланинг ўзагини билган экан.* (кесим эргаш гапли қўшма гап) // *Энг қувончлиси – Эркин олдинданоқ масаланинг ўзагини билишлигидадир.* (содда гап)

Тўлдирувчи ва аниқловчи эргаш гапли қўшма гаплар:

1. *Шуни истардимки, барча талабалар сиздек бўлса.* (С.А.) (тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гап) // *Барча талабалар сиздек бўлишини истардим.* (содда гап)

2. *У биринчи қарашдаёқ кўрдики, Кумуш заҳарланган эди.* (А.Қод.) (тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гап) // *У биринчи қарашдаёқ Кумуш заҳарланганлигини кўрди.* (содда гап)

3. *Шундай инсон ҳақида хабар келтирдимки, унинг ҳар бир сўзи бебаҳо гавҳардир.* (О.) (аниқловчи эргаш гапли қўшма гап) // *Ҳар бир сўзи бебаҳо гавҳардай бўлган инсон ҳақида хабар келтирдим.* (содда гап)

4. *Кимнинг ишида камчилик бўлса, унинг ҳаётида ҳаловат бўлмайди.* (аниқловчи эргаш гапли қўшма гап) // *Ишида камчилиги бор одамнинг ҳаётида ҳаловат бўлмайди.* (содда гап)

**142-машқ.** Ўқинг. Берилган эргаш гапли қўшма гапларни содда гапга айлантинг. Гапнинг мазмуний ва шаклий қурилишидаги ўзгаришларни изоҳланг.

1. Ака-ука унгур бўйида шундай тор жойда ўтири-шардики, бу ерда айиқлар кўплашиб ҳужум қилиши мумкин эди. 2. Асар ўқиётганингизда жиндай табассум қилсангиз, билингки, ўша саҳифаларни қаламкаш ростмана кулиб ёзган. 3. Биринчи гап шуки, отангиз Холмат чавандоз оқ-қорани таниган хурматли оқсоқоллардан экан. 4. Бизга берилган топшириқ шундан иборатки, бир соат ичида хона чиннидек топ-тоза бўлиши керак эди. 5. Инсонни ўзга мавжудотдан фарқ қилдирувчи муҳим фазилатлардан бири шуки, у ўз хатти-ҳаракатининг оқибатини олдиндан, фикран кўра билади. (Р.У.) 6. Кимки ҳеч нарсани қизиқиб сўрамаса, у ҳеч нимани ўрганмайди ҳам.



Баъзи эргаш гаплар содда гапларга синоним бўла олмайди. Бу хил эргаш гапларни ўз гуруҳидаги бошқа бир тур ёки ўзига яқин эргаш гап билан алмаштириш мумкин. Бу ҳолда эргаш гап кесимининг шакли ўзгаради.

Пайт эргаш гап

*Ёмғир томчилай бошлагач, улар уйларига қайтишди.*

*(Вольтер)*

*Ёмғир томчилай бошлаганда, улар уйларига қайтишди.*

*Ёмғир томчилай бошлаган пайтда, улар уйларига қайтишди.*

*Ёмғир томчилай бошлар экан, улар уйларига қайтишди.*

Мисоллардан кўриндики, эргаш ва бош гаплардаги ҳаракат бир пайтда рўй беряпти.

Агар эргаш гапдаги ҳаракат бош гапдаги ҳаракатдан олдин ёки кейин рўй берса, синонимик қаторларни тузиб бўлмайди.

Сабаб эргаш гап

*Бу йил ёмғир кўп ёгди, шунинг учун экинларнинг ярмидан кўпи нобуд бўлди.*

*Бу йил ёмғир кўп ёққанлиги учун, экинларнинг ярмидан кўпи нобуд бўлди.*

*Бу йил ёмғир кўп ёққанлиги сабабли (туфайли), экинларнинг ярмидан кўпи нобуд бўлди.*

*Бу йил ёмғир кўп ёққанлигидан, экинларнинг ярмидан кўпи нобуд бўлди.*

*Бу йил ёмғир кўп ёғиб, экинларнинг ярмидан кўпи нобуд бўлди.*

Агар бош эргаш гап чунки боғловчиси билан бирикса, бош ва эргаш гапнинг ўрни алмашади.

**143-машқ.** Ўқинг. Қуйида берилган кўшма гаплардаги эргаш гапларни аниқлаб, уларни содда гапга ёки эргаш гапнинг бошқа турига айлантиринг. Грамматик ва услубий ўзгаришларни изоҳланг.

1. Йигит бошига катта оқ қалпоқ кийиб олгани учун, юзи кичкина ва қоп-қора кўринарди. 2. Йигит уста билан гапини тугатган ҳам эди, кўчада тўс-тўполон бошланиб кетди. 3. Унинг бирга бориши маълум бўлди, шунинг учун қиз тақдирнинг бу илтифотига шукрлар қилди. 4. Бир маслаҳатга келишилгач,

одамлар тарқалди. 5. Кийими қоп-қора бўлганидан, Шахриёр уни илғамай қолди. 6. Салим ота ўғлига хафалигини билдирмаслик учун, ўзини ишга урди. 7. Хона ўртасига етганида эшик очилиб, қизғиш сочли сепкилдор қиз бош сукди. 8. Энди овқатланаман деб турганда, кўча эшиги тақиллаб қолди.

**144-машқ.** Бадий асарлардан пайт ва сабаб эргаш гапли қўшма гапларга 4 тадан мисол танлаб ёзинг ва эргаш гапнинг бошқа турига айлантириб кўринг.

Равиш, шарт, мақсад, натижа, тўсиқсиз эргаш гаплар:

*Оёқ-қўлидан мадор кетиб, секин-аста чўккалади.*

(равиш эргаш гапли қўшма гап) // *Оёқ-қўлидан мадор кетгач, секин-аста чўккалади.* (пайт эргаш гапли қўшма гап)

*Агар жисмоний машқлар билан шугулланиб турилса, дори ичишга муҳтожлик қолмайди.* (шарт эргаш гапли қўшма гап) // *Жисмоний машқлар билан шугуллангач, дори ичишга муҳтожлик қолмайди.* (шарт-пайт мазмуни)

*Қаландаров сўзни айлантириб, ўз ўрнида қолишга хоҳиш билдириб қўймасин учун, Саида яна унинг сўзини оғзидан олди.* (А.Қ.) (мақсад эргаш гапли қўшма гап) // *Қаландаров сўзни айлантириб, ўз ўрнида қолишга хоҳиш билдириб қўймасин дея, Саида яна унинг сўзини оғзидан олди.* (мақсад эргаш гапли қўшма гап) *Саида яна унинг сўзини оғзидан олди, токи Қаландаров сўзни айлантириб, ўз ўрнида қолишга хоҳиш билдириб қўймасин.* (мақсад эргаш гапли қўшма гап)

*Одамлар шунчалик кўп эдики, қиз уларнинг қайси бирига қарашни ҳам билмай қолди.* (натижа эргаш гапли қўшма гап) // *Одамлар шунчалик кўп эдики, натижада қиз уларнинг қайси бирига қарашни ҳам билмай қолди.* (натижа эргаш гапли қўшма гап)

Баъзи шарт эргаш гаплар тўсиқсиз эргаш гапга яқин бўлади: *Ери бўлса, улови йўқ.* (О.) (шарт эргаш гапли қўшма гап) // *Ери бўлса ҳам, улови йўқ.* (тўсиқсиз эргаш гапли қўшма гап) *Ҳовли тор бўлса ҳам, озода ва шинам эди.* (тўсиқсиз) *Ҳовли тор бўлса ҳам, озода ва шинам эди.* (тўсиқсиз) // *Ҳовли тор бўлса ҳам, озода ва шинам эди.* (тўсиқсиз)



Боғловчисиз қўшма гаплар боғловчили ва эргаш гапли қўшма гапларга синоним бўлиши мумкин. Масалан:

*Қўшни келди – кўмак келди. (М.)* (боғловчисиз қ. г.)

*Қўшни келса, кўмак келар.* (эргаш гапли қўшма гап)

*Қўшни келди - ю, кўмак келди.* (боғланган қўшма гап)

Бу қўшма гапларда умумий мазмун бир хил бўлсада, нозик мазмун фарқлари сезилиб туради. Шунингдек, содда гапларни боғловчи воситалар ҳам, кесим шакллари ҳам ўзгаради. Боғловчисиз қўшма гапларнинг боғланган ёки эргаш гапга синоним бўлиши боғловчисиз қўшма гапда ифодаланган мазмунга боғлиқ.

1. Бириктирув мазмун муносабатини ифодалаган боғловчисиз қўшма гап боғланган қўшма гап билан синоним бўлади:

*Шу вақт ташқаридан шов-шув эшитилди; эшикнинг икки табақаси ҳам бирдек тарақлаб ланг очилди.* (боғловчисиз қўшма гап) *Шу вақт ташқаридан шов-шув эшитилди ва эшикнинг икки табақаси ҳам бирдек тарақлаб ланг очилди.* (боғланган қўшма гап)

2. Қиёслаш муносабатини ифодалаган боғловчисиз қўшма гаплар шу мазмундаги боғланган қўшма гаплар, эргаш гаплар билан синоним бўлиши мумкин.

*Яхшиликка ҳар ким яхшилик қила олади, ёмонликка яхшиликни фақат чин инсонгина қила олади.* (боғловчисиз қўшма гап) *Яхшиликка ҳар ким яхшилик қила олади, аммо ёмонликка яхшиликни фақат чин инсонгина қила олади.* (боғланган қўшма гап)

*Вақтинг кетди – бахтинг кетди. (М.)* (боғловчисиз қ.г.)

*Вақтинг кетса, бахтинг кетади.* (шарт эргаш г.қ.г.)

*Вақтинг кетгач, бахтинг кетади.* (пайт эргаш г.қ.г.)

3. Изоҳлаш муносабатини ифодалаган боғловчисиз қўшма гаплар шу мазмундаги боғланган қўшма гаплар ёки сабаб эргаш гапли қўшма гаплар билан синоним бўлади.

*Қишлоқ кўчалари, боғлар ва далаларга офтоб аллақачон ёйилган; болалар сой бўйида ўйнаб юришарди.* (боғловчисиз қўшма гап)

*Қишлоқ кўчалари, боғлар ва далаларга офтоб аллақачон ёйилган ва болалар сой бўйида ўйнаб юришарди. (Боғланган кўшма гап)*

*Қишлоқ кўчалари, боғлар ва далаларга офтоб аллақачон ёйилганлиги сабабли, болалар сой бўйида ўйнаб юришарди. (Сабаб эргаш гапли кўшма гап)*

*Қишлоқ кўчалари, боғлар ва далаларга офтоб аллақачон ёйилган, шунинг учун болалар сой бўйида ўйнаб юришарди. (Сабаб эргаш гапли кўшма гап)*

## 34-§. Адабий тил услублари

### Топширик:

Қуйидаги гапларни ўқиб, қайси услубда ёзилганлигини аниқланг:

1. Юлдузлар сирли кўз қисишар, тиллақошдек ингичка ой сирли мўралар, шабада сирли шивирлар, садарайҳон билан тупроқ сирли ҳид таратар, осмон ҳам, ер ҳам сирларга тўла эди. (Ў.Ҳ.)

2. Куни кеча Турон шаҳарчасида газчилар қизғин иш бошладилар. Январь ойининг биринчи ўн кунлигида бошланган ҳаракат шаҳарча аҳолисини қувонтирмоқда. (Газ.)

3. Сўзларнинг морфологик тузилиши уларни энг кичик маъноли қисмларга бўлишнинг тартиб ва қоидалари ҳақидаги таълимотдир. Тилнинг энг кичик маъноли бирлиги морфема деб аталади. (Н.Баскаков)

**145-машқ.** Ўқинг. Матн қайси услубда ёзилганлигини аниқланг. Услубга хос хусусиятларни изоҳлаб, кўчма маънода қўлланган сўз ёки сўз бирикмаларини белгиланг.

### Сайёҳлар

Сўзларнинг ҳам «сайёҳи» бўладими, деб ажабланарсиз. Ҳа, чиндан ҳам, тилдаги айрим сўзлар дунё бўйлаб, ўзига хос саёҳатда бўлади. Бундай сўзларни ўзбек тили луғат таркибида ҳам учратиш мумкин.

«Магазин», «шахмат» сўзларини ким билмайди, дейсиз. Масалан, «магазин» сўзи ўзбек тилига рус тили орқали саёҳат қилган ва бу тилда ўтrockлашиб, «дўкон» сўзи билан рақобатлаша



бошлаган. Ниҳоят, уни ўзбек тилидан деярли бадарға қилишга муваффақ бўлган.

«Магазин» аслида қадимги араб тилига мансубдир. У ўз макони араб тилида «махзана» шаклида бўлган, ҳар хил буюм ва нарсалар сақланувчи омбор, склад маъноларини ифода этган. Бу сўз дастлаб араб тилидан италян тилига саёҳат қилган. Италия тилидан француз тили қабул қилган. Кейинчалик француз тили уни немис тилига кузатган. Немис тили ўз навбатида рус тилига узатган, рус тили эса ўзбек ва бошқа тилларга тортик қилган.

«Магазин» сўзининг асли арабча эканлиги, дунё халқларининг тилларини сайр этиб, ўзбекча сўзга айланганлигини ҳамма ҳам билмаса керак.

Спортнинг энг оммавий турларидан бирини билдирувчи «шахмат» сўзи ҳам сайёҳликда «магазин»дан қолишмайди. Бу сўз аслида форс-тожикча бўлиб, рус ва Европанинг бошқа жуда кўп тилларини сайр этган. Ҳозир «шахмат» сўзи тожик ва ўзбек тилларининг яна ҳақиқий мулкига айланиб қолди.  
(А.Бердиалиев)

Услуб – сўзловчи ва ёзувчининг ифодаланаётган фикрга, воқеа, ходисага шахсий муносабатидир. Шу йўл билан айна бир жумлада қўшимча (модал) мазмун ҳам ифодаланади.

Гапда қўшимча (модал) мазмун махсус сўз ва иборалар (синонимлар, фразеологик бирикма ва гаплар, ундалма, кириш сўз ва ҳ.) орқали ифодаланиб нутқимизни гўзал қилади.

Барча сўз, иборалар ҳам маълум бир нутқ услубини яратишда хизмат қила бермайди. Масалан: *қушлар, китоб, қуёш, бегона* кабилар.

Ўзбек адабий тилининг сўзлашув услуби, расмий услуб, илмий услуб, публицистик услуб, бадий услуб каби турлари бор.

## I

### Карим Назаров

Филология фанлари доктори Карим Назаров 1933 йил 15 апрелда Тошкент вилоятининг Калинин районидаги Қатортол қишлоғида камбағал деҳқон оиласида туғилган.

1947 йилда Навоий номли 18-мактабнинг 7-синфини тамомлаб, 1950 йилда 19-ўрта мактабининг 10-синфини тугатади. Ўша йили Ўрта Осиё Давлат университети филология факультетига ўқишга киради, 1955 йили университетни муваффақиятли тамомлайди.

1955 йил август ойидан бошлаб Сурхандарё вилоятининг Узун районидаги 1 - ўрта мактабда она тили ва адабиётдан дарс беради. 1956 – 1957 ўқув йилида шу мактабда илмий мудар, 1957 – 1958 ўқув йилида Ушинский номли 4 -мактабда директор бўлиб ишлайди.

Ёш олим 1958 йили аспирантурага ўқишга киради. 1964 йили А. Ф. Фуломов раҳбарлигида «Ўзбек халқ шеваларида эгалик аффикслари» мавзусида номзодлик диссертациясини химоя қилади. Докторлик диссертацияси ҳам тилшуносликнинг долзарб муаммоларига бағишланган.

Олимнинг ўзбек тилшунослигига бағишланган кўплаб илмий мақолалари, ўрта таълим мактаблари учун ёзилган ўзбек тили ва адабиёти дарсликлари, илмий рисоалари мавжуд.

(Журн)

## II

Анъана – лотинча «традиция» – «узатиш» деган сўздан олинган бўлиб, у кенг маънода авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтадиган, жамоатчилик фикри билан кўриқланадиган ижтимоий ахлоқ муносабатларнинг меъёр ва тамойиллари йиғиндиси. Анъаналарнинг шаклланишида муайян халқнинг яшаш тарзи, моддий ишлаб чиқариш усул, маънавияти, маданияти объектив зарурат ҳисобланади. (Журн.)

147-машқ. Турли манбалардан тилшунос олимларнинг тил ва сўзнинг қудрати ҳақидаги фикрларини, ҳикматли сўз ва мақолларни излаб топинг. Энг сара жумлаларни дафтарингизга ёзинг ва қайси услубга дахлдор эканлигини аниқланг.



### 35-§. Сўзлашув услуби

Уйда кўчада, инсонларнинг ўзаро сўзлашувида қўлланидиган услуб сўзлашув услуби деб аталади.

1. Сўзлашув услубининг икки тури бор:

1) адабий сўзлашув услуби;

2) оддий сўзлашув услуби.

Адабий сўзлашув услуби шева хусусиятларидан ҳоли бўлиб, маълум меъёрга бўйсунган услубдир. Мактаблардаги таълим-тарбия ишлари, радио эшиттиришлари, ойнаи жаҳон кўрсатувлари адабий сўзлашув услубида олиб борилади.

Оддий сўзлашув услубига сўз эркинлиги хосдир. Бу услубда шевага хос бўлган сўзлар, пичинг, киноя, дағал сўзлар ҳам учрайди.

Сўзлашув услубига доир Ўш шевасидан мисоллар:

Ўш шеваси	Адабий тил
Нима ҳаққийз бор мени тергашга?! Сизикига бомийман. Бугун махтапка кемовдими? Кўзиз менийла кўради.	1. Мени тергашга нима ҳақингиз бор? 2. Сизникига бормайман. 3. Бугун мактабга келмаган эдими? 4. Кўзингиз менигина кўради.

**148-машқ.** Қуйидаги парчадан сўзлашув услубига хос каторларни топиб қайта ўқинг.

...Ходибой пагтачининг кўярда-қўймай тўйга таклиф қилишига жавобан Сабриддин «Зиёда қилсин» дедию, ортик гапирмади.

— Насиб қилса борамиз, — деди Фозилбек астойдил, — отам борадилар, акам...

– Акангизнинг шашти баланд!

Сабриддин ҳозиргина идорада бўлиб ўтган йиғинда Диёрбек «намойиш» қилган кибр-ҳаво таъсиридан қутилмаган эканми, тўсатдан шундай деб юборди, икки ҳамсухбати унга «ялт» этиб қаради, Сабриддин тили бесуяклик қилиб қўйганини сезиб, дарҳол сергак тортди. Сухбат бир муддат узилди. Ўртага тушган бундай ўнғайсизликлардан фақат Ҳодивой сингари

найрангбозларгина зиён-заҳматсиз «омон» чиқар эди. Шундай бўлди ҳам.

–Хабаримиз бор, хаммасидан, окоси, – деб гап бошлади у салмоқланиб. Тиржайди. – Қосимбек отанинг ҳар икки азамат ўғлонлари бозорбошилиқ вазифасига етилган. Диёрбекда шиддат бисёр, Фозилбекда мулоҳаза... Ака ҳам қараб турмаслар...

Паттачи шундай деб Сабриддин томон имо қилди. «Ака» – унинг акаси Шомирза йўғон эди. Бироқ Сабриддин акаси туфайли ўзига хушомад қиладиганларга кўпда ройиш билдирмас, ҳатто, ўрни келса, «Акамнинг охури бошқа, бизники — бошқа» деб ҳар турли шубҳа-гумонларга ойдинлик киритиб кўйишдан ҳам тоймас эди.

У кишининг исмини ҳар ким тилга олавериши шарт эмас, қисқагина «ака» дейилса бас, чунки бозорда битта ака бор, у ҳам бўлса — Шомирза йўғон! «Ака»нинг номидан буюрилган иш битмай қолмайди, «ака»нинг сўзини икки қиладиган мард ҳали онасининг қорнидан туғилгани йўқ... хуллас, гап кўп, лекин, илло-билло Шомирза йўғон умрида бозорбошилиққа даъво қилмади...

*(Х. Дўстмуҳаммад)*

**149-машқ.** Ўз маҳаллий шевангизда бир кичик суҳбат тузинг ва уни адабий тилда баён қилиб ёзинг. Доимо адабий тилда сўзлашга ҳаракат қилинг.

**150-машқ.** Бошқа шаҳар (қишлоқ) да яшовчи дўстингизга хат ёзинг.

### **36-§. Расмий-идоравий услуб**

Расмий-идоравий услуб жуда кенг тарқалган бўлиб, иқтисодий, ҳуқуқий ва дипломатик муносабатларда давлат идоралари ва бошқаларда намоён бўлади. Аниқлик, ихчамлик ва қисқалиқ расмий иш қоғозларининг белгиларидир. Ибора ва жумлалар бир қолипда бўлади. Бу услубда ҳам сўзлар ўз маъносида қўлланади, кўпчиликка маълум бўлган айрим қисқартма сўзлар ишлатилади, ҳар бир соҳанинг ўзига хос атамаларидан фойдаланилади. Расмий ҳужжатлар қуйидагича тузилади:



## Ариза

1. Қаерга ва кимга. 2. Ариза ёзувчининг турар жойи, лавозими, исми, фамилияси. 3. Ариза матни. 4. Сана. 5. Имзо.

## Ишончнома

1. Ишончнома матни. 2. Ишончноманинг амал қилиш муддати. 3. Сана. 4. Имзо. 5. Ишончнома берувчи шахснинг имзосини расмий идора–кадрлар бўлими тасдиқлаши. 6. Идора муҳри ва сана.

## Мажлис баёни

1. Муассаса номи. 2. Сана. 3. Мажлис баёни рақами. 4. Ўйғилиш жойи. 5. Ўйғилиш раиси, котиби, қатнашувчилар. 6. Матн (кун тартиби, эшитилди, сўзга чиқишлар, қарор қилинди). 7. Имзолар (раис ва котиб).

## Таклифнома

1. Номи (таклифнома). 2. Матн (тадбирнинг мазмуни, сана-си, вақти ва ўрни). 3. Имзо.

## Таржимаи ҳол

1. Ҳужжатнинг номи (таржимаи ҳол). 2. Матн (муаллифнинг исми, фамилияси, отасининг исми, туғилган йил, кун, ойи, жойи, ота-онаси тўғрисида маълумот, иш фаолияти, оилавий аҳволи, турар жойи). 3. Сана. 4. Имзо.

## Эълон

1. Номи (эълон). 2. Вақти, ўрни. 3. Матн. 4. Имзо.

**151-машқ.** Дўстингизга ишончнома ёзинг. Синфдошларингиз билан муҳокама қилинг.

**152-машқ.** Таржимаи ҳол ёзинг. Синфда муҳокама қилинг.

## 37-§. Илмий услуб

Фан ва техника тили илмий услубдир. Илмий услубнинг асоси атамалар, қоидалар, таърифлар, қонунлардир. Мантқиқлилик, аниқлик бу услубга хос хусусиятлардир. Илмий услуб аниқ маълумотлар асосида чиқарилган илмий хулосаларга бой бўлиши билан бошқа услублардан фарқ қилади.

Рисолалар, илмий мақолалар, илмий маърузалар илмий услубда юритилади.

**153-машқ.** Тилшуносликка оид атамалар рўйхатини тузинг.

**154-машқ.** Адабиётга оид атамалар рўйхатини тузинг.

**155-машқ.** Математикага оид атамалар рўйхатини тузинг.

**156-машқ.** Ўқинг. Матн кайси нутқ услубига оидлигини изоҳланг. Услубий чегараланган сўзларини аниқлаб, қайси соҳага дахлдор эканлигини белгиланг.

Кўз – ҳамма аъзолардан сирлисидир. У сезилмас ёруғлик нурлари таъсирида ишлайди. Ёруғлик нурларининг кўз қорачиғи ва пардасида акс этиш хусусиятлари фанга ҳали яхши маълум эмас.

Кўз бошининг юқори қисмига жойлашганлигида ҳам ҳикмат бор. Унинг тепасидаги кош шўр терни кўзнинг шиллиқ пардасига туширмайди. Ҳаракатланиб турувчи кўз сокқаси бири-бирига ғаройиб тарзда уланган етти суякдан иборат чуқурчага жойлаштирилган.

Кўзни ҳаракатлантирадиган олти пайдан бири узатувчи камари бўлган филдиракни эслатади. Ҳатто киприқлар ҳам кўзни фавқулодда эҳтиёт қилиш вазифасини ўтайди.

Кўзнинг ичкарисига қараб кетган беш қатламдан иборат мугуз пардасини олимлар техник мўъжиза дейдилар. Кўзнинг бу қисми ишқаланишдан ва чангдан асралиши, зарур пайтда ювилиб тозаланиб туриши учун алоҳида, ўзига хос юмшатовчи, шўрроқ суюқликка эга бўлиб, у кўз косасининг устки қисмида жойлашган. Шу ернинг ўзида, кўзнинг ичкарисида бу суюқликни бурун бўшлиғига ўтказувчи махсус йўл бор. Кўз ёши кўзни ювиб, уни доимо тозалаб туришдан ташқари бурун катақларини намлаб, майинлаштириб хид билиш қобилятини оширади. Олимларнинг уқтиришича, бурун куруқшаб қолса, хид билиш хусусияти йўқолар экан.

Кўзнинг ишлаш фаолияти чинакам мўъжиза. Одатда кўзни фотоаппаратга қиёслашади. Кўзнинг шаффоф пардаси остида қорачиқ деган автоматик тўр бор, у кўз экранига нур ўтказувчи ёриқ (туйнук) вазифасини бажаради. Қорачиқ заруратга қараб кенгайди ёки тораяди. Унинг ортида кўриш аъзосининг бошқа автоматик қисми – объектив ёки иккала тарафи қаба-риқ «ойна» – линза бўлиб, у бизнинг жисмларга қай тарзда



ёки қандай масофадан қарашимизга мувофиқ ўзгариб туради. Объектив ва қорачиқ ўртасидаги бундай уйғун ва мукаммал муносабат бизни хайратга солмай иложи йўқ.

...Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, кўзнинг ана шу хусусиятлари одам ҳали дунёга келмасдан, она қорнида-лигидаёқ шаклланган бўлади. Инсон шундай мукаммал аъзо билан дунёга келади. Аллоҳ таоло кўзни яратиш учун оптика сирлари-ю қонуниятларини мужассамлаштиргани ва бу ғаройиб аъзога керакли ашёларни жойлаштирганининг ўзиёқ мўъжиза эмасми? (Журн.)

### 38-§. Публицистик услуб

Публицистик услуб–матбуот, радио, телекўрсатувга хос бўлган тилдир. Бу услуб расмий ва долзарб хабарлар, ахборотлар, репортажлардан иборат бўлади.

Публицистик услуб учун фаоллик, ҳозиржавоблик, ўтқир ва таъсирчан нотиклик ташвиқот ва тарғибот каби хусусиятлар хос.

**157-машқ.** Ўқинг. Расмий хабар билан танишинг.

Мухбиримизнинг хабар беришича, ўтган ҳафтада вилоятимизда “Ижтимоий адолатга эришиш учун адолатли бошқарув сари интилиш” деб номланган янги лойиҳа ўз ишини бошлаган. Лойиҳанинг асосий мақсади – қамраб олинган қишлоқ бошқарувларида маҳаллий бошқарув жараёни самарасини ошириш орқали давлат ва муниципал хизмат кўрсатишлар аҳолининг барча қатлами учун, биринчи навбатда болалар, ёшлар ва аёлларга бир хилда етарли бўлишини таъминлашдан иборат... (*“Жалолобод тонги” газетасидан*)

**158-машқ.** Публицистик услубни шакллантирувчи воситаларни сананг.

**159-машқ.** “Мухбиримиз воқеа рўй берган жойдан хабар беради” ибораси остида мактабингизда бўлиб ўтган муҳим тадбирлар ҳақида қисқа хабар ёзинг.

**160-машқ.** Вилоят газеталаридан публицистик услубда ёзилган мақолани танлаб кўчиринг ва шу услубга хос белгиларни изоҳланг.

## 39-§. Бадиий услуб

Воқеликни бадиий образлар воситасида акс эттириб, ўқувчига эстетик жиҳатдан таъсир килувчи услуб бадиий услубдир. Бадиий асарлар ўзига хос услубда ёзилади. Бадиий услуб умумий хусусиятларга эга бўлиш билан бирга, унинг ҳар бир тури ўз йўли, ўз воситалари, ўз услубига эга бўлади. Бадиий услубдан бошқа барча услублар ижтимоий ҳаётнинг маълум соҳаси доирасида чегараланган. Бадиий услубда сўзлашув, расмий, публицистик услубларнинг белгилари учрайди.

**161-машқ.** Шеърларни ўқинг. Бадиий услуб яратувчи воситаларни белгиланг.

### I

#### Табиат

...Мен азиз онамни тупрокқа қўйдим,  
Ҳали тинган эмас кўздаги ёшим.  
Олис кечалари хижронда куйдим,  
Энди қай сийнага қўяман бошим.  
Энди мен эслайман кўзларимда нам,  
Она деган сўзнинг қайтмас сеҳрини.  
Қўмсаб талпинаман ҳар зум, ҳар қадам,  
Онам оғушини, онам меҳрини.  
Шундай пайт ҳам ўзинг айлагил шафқат,  
Она бўла қолгин, менга табиат... (А. О.)

### II

Букун тонг эғнида атласдан қўйлак,  
Шафаққа ўралган кизлардай гулгун.  
Илк бора кўз очиб чиққан бойчечак  
Санамлар қўлига интизор букун.  
Букун гўзалликнинг қутлуғ айёми,  
Қизларнинг кўкламга мослигидир бу.  
Юраклар лиммо-лим муҳаббат жоми,  
Баҳор келганининг ростлигидир бу! (Э.В.)

**162-машқ.** Матнни ўқинг, қайси нутқ услублари борлигини аниқланг.



... Ҳумоюн «Бобурнома»ни Акбарга беради:

–Ҳазрат отам «бу китобни авлодларинг ҳам ўқисин», деган эдилар. Мен шу васиятни бажо келтирадиган кунларга етишганимдан шодман. Афсуски, сени Фарғонаю Самарқандларга олиб боролмадим. Энди отамнинг бу китоби сени хаёл ҳолатида Мовароуннаҳрга олиб борсин! – Отамдан менга ўтган бир эътиқодни сенга айтмоқчимен. Атрофингга энг яхши одамларни, энг зўр истеъдодларни иложи борича кўпроқ тўплагин. Дунёнинг ҳеч бир бойлиги, ҳеч қайси гавҳару жавоҳири сенга ўзинг тўплаб парвариш қилган улуғ истеъдодларчалик қувончу шуҳрат келтира олмайди. Дунёда яхши билиму, яхшилик қилишдан афзалроқ бахт йўқ, шунини ҳеч қачон унутма ўғлим! Ҳумоюн шу сўзлар билан отасининг китобини тақдим этди.

Саҳар бомдод намозини ўқишга кетаётган Ҳумоюн зинапоядан мункиб кетади. Ҳумоюн пешонаси билан тош деворига қарсиллаб урилди. Кўзларидан яшил учқунлар сачради, Қобилда қолган Ҳамида бону, Панжобда юрган Акбар, Дамашқдаги Камрон, ҳатто узок Сирдарё бўйидаги Аҳси жаридан йиқилиб ҳалок бўлган бобоси Умаршайх Мирзо хаёлидан ўтади. Ҳумоюн хушидан кетиб, гавдасининг бутун оғири билан зинапояга ағанаб тушади... (П.Қ.)

**163-машқ.** Берилган парчани ўқинг. Асар қахрамонларига бўлган муносабатлар қайси иборалар ва жумлалар орқали ифодаланганини аниқланг.

### Қўшчинор чироклари

...Зуннунхўжа ковоғини солиб тескари каради, тўнғиллади...

Шарофат заҳарга тўлган чаёндай ўз заҳридан ўзи карахт эди... Ўлим хавфида қолган мушукдай кўзлари чакнаб, тикка унинг юзига чанг соладиган бир вазоҳатда ўтирар эди...

Абдусаматқори – секин ва мулойим товуш билан гапирар, ҳеч ким билан баҳслашмас, мушукка ўхшаб мулойим қадам босар эди... Йўғон гавдага номуносиб ингичка бир товуш чиқариб кулади...Сохта табассум қилиб туради, гапирганда одамнинг юзига эмас, кўкрагига ёки қорнига қараб гапирди... Кафтини оғзига қўйиб, кулқуллаб кулади...

Ўрмонжон – колхознинг гўдаклик чоғларини кўрган, уни балоғатга етказишда аччиқ - чучикни татиб тажрибалик бўлиб қолган...

Канизак (Ҳанифа) – малла ранг кенг қўйлак кийган ва гуллик сарик дурра боғлаган.. Ўрта бўйли озғингина... йиначидаккина бўлса ҳам, кўтосга ўхшаган баъзи одамларнинг иккитасини ишини қилади... (А. Қ.)

**164-машқ.** М.Юсуфнинг «Кўкламойим» шеърини дафтарингизга кўчириш. Шеърдаги ўхшатиш, жонлантириш, сифатлаш, такрор каби бадиий услубга хос хусусиятларни белгиланг.

**165-машқ.** Ҳ. Олимжоннинг «Зайнаб ва Омон» поэмасидан келтирилган парчани ўқинг. Тил гўзаллиги ва тасвирлар бўёқдорлиги қайси мисралар орқали ифодаланганини аниқланг.

Зайнаб ўсган элнинг мисли йўқ,  
Зайнаб ўсган эл бахтга тўлиқ...  
Буни кўрган тез бўлар банда,  
Буни инсон бир қур кўрганда,  
Юрагида ҳеч армон қолмас,  
Бунга жаннат тенглаша олмас.  
Бунда қўшиқ айтган ариқлар  
Қаршисида парилар йиғлар.  
Қушларининг нағма – навоси  
Водийларнинг мраммар ҳавоси,  
Эрта баҳор очилган лола,  
Қоялардан учган шалола,  
Бинафшалар, ранго-ранг гуллар... (Ҳ.О.)

**166-машқ.** Қуйидаги матнлар қайси услубда ёзилганлигини изоҳланг.

1. Қирғизистон Республикасининг ҳар бир фуқароси билим олиш ҳуқуқига эга. Асосий таълим мажбурий ва бепул бўлиб, ҳар бир одам ўқув муассасаларида ана шундай билим олишга ҳақлидир. (*«Қирғизистон Конституцияси» дан*)

2. Мақсадимиз – демократик, адолатли фуқаролик жамиятини куриш. Демократик жамиятни куриш Республикамиз халқлари манфаатига мос тушади. Шунинг учун жамиятни ислоҳ қилиш ва янгилаш бўйича кўп қиррали фаолиятимиз



марказида инсон, мустақил Республикамиз фуқароси туради.  
(«Инсон омили» дан)

3. Истеъмол бозори – аҳоли истеъмоли учун зарур бўлган товарлар ва хизматларнинг айирбошланиши. Истеъмол бозори турли-туман савдо шахобчаларидан иборат бўлади. («Бозор иқтисодиёти» дан)

4. Бўстонбекнинг катта аммаси Собирахон – жуда ажойиб аёл. Унинг неча ёшда эканини дабдурустдан айтиш қийин. Ўзи Бўстонбекнинг дадасидан ҳам, яна бир аммасидан ҳам катта, бувисининг тўнғич қизи. Лекин афтидан ёш кўринади, кўзлари норасталар кўзидай маъсум ва намли, одамга кулимсираб боқади. Бу табассум замиридан ҳамиша мубҳам бир мунг тепчиб туради. (Қ.М.)

167-машқ. Қуйидаги тест саволларининг тўғри жавобини белгиланг.

1. Ариза, тилхат, қарор ва хисоботлар қайси услубда ёзилади?

А. Илмий.

В. Публицистик.

Б. Расмий.

Г. Бадиий.

2. Китобий услубнинг таркибий қисмлари берилган қаторни аниқланг.

А. Илмий.

В. Публицистик.

Б. Расмий.

Г. Жавоблар тўғри.

3. Очерк, мақола, фельетонлар қайси услубда ёзилади?

А. Илмий.

В. Публицистик.

Б. Расмий.

Г. Бадиий.

3. Тавсифнома, тавсиянома, маълумотнома, баённомалар қайси услубда ёзилади?

А. Илмий.

В. Публицистик.

Б. Расмий.

Г. Жавоблар тўғри.

### Такрорлаш учун топшириқлар

Топшириқлар:

1. Матнни ўқинг. Уни бадиий услубга айлантириб ёзинг.

#### Назар Ражабов

Назар Ражабов 1930 йил 1 январда Самарқанд вилоятининг Пастдарғом районига қарашли Сарой қишлоғида туғилган.

Бошланғич ва тўликсиз ўрта маълумотни 31- мактабда олган; сўнгра 1945 йили Самарқанд шаҳридаги педагогика билим юртига ўқишга кириб, техникумнинг иккинчи курсини 1946 йилда муваффақиятли тугаллайди. У 1947 - 1952 йиллар давомида Навоий номи Самарқанд Давлат университетидеда ўқийди.

Университетни тугатгач, 1952 йил сентябридан 1954 йил 1 январигача Самарқанд вилояти ижроия комитети хузуридаги бюрода лектор бўлиб ишлади ва 1953 йилдан 1956 йилгача ЎзДУда аспирантурада ўқийди. 1957 йилдан университетда ўқитувчи бўлиб ишлай бошлайди. У 1959 йил 3 июлда «Ўзбек тилининг Қарноб шеvasи» деган мавзуда номзодлик диссертациясини химоя қилди; 1960 йилдан СамДУ ўзбек тилшунослиги кафедрасида бир қанча йиллар толикмай меҳнат қилди.

Н. Ражабов ўзбек тилшунослиги масалалари бўйича 80 дан ортиқ илмий ва 40 дан ортиқ илмий оммабоб характердаги мақолалар ёзган.

## II. Матнни ўқинг ва услубий таҳлил қилинг.

Адабиёт сўз санъати бўлса, адабиёт тарихи адабий тилимизнинг ривожланиш тарихидир. Шунинг учун, адабиёт тарихи борган сари тил тарихи билан яқинлашиб бориши керак. Кимёсиз физиология фан бўла олмагани каби, адабиёт тарихи ҳам тил тарихисиз фан бўла олмайди, – деб ёзган эди А.А.Потебня. Ҳақиқатдан ҳам, адабиёт тил билан тирик. Адабий асарни ўрганиш, аввало, унинг тилини ўрганишдан бошланади. *(Дарсликдан)*

III. Ҳамюртимиз Қўлдош Мирзонинг қуйидаги хикоясини ўқинг.

### Васиятингизни бажаролмадим

Оғриб, ахволи пастлаб қолган Онам ўз ёнига чақириб, ўтиришга буюрди ва деди:

– Бу дунёда сендан яширган сиримни у дунёда яшира олмайман, кизим. Фарзандларим ичида сен тўнғич боламсан, сенга кўпроқ меҳримни берганман. – Гапининг шу ерига келганда тўхтади, кўзларини юмди. – Аммо, лекин... – дея яна тилга кирди. – Тукқан онанг мен эмасман. Сени ёруғ дунёга келтирган онанг бошқа...



Мен бу кутилмаган совук хабардан сесканиб кетдим, довдираб қолдим. Онамга ёпишиб:

– Нималар деяпсиз?! Гапингизни қайтариб олинг! Сиздан бошқа онам йўқ менинг. Гапим ёлғон денг! – Ўзимни йўқотиб кўзларимдан дув-дув ёш тўкиб ёлвора бошладим...

– Ўзингни қўлга ол, қизим. Бунинг тарихини бир бошдан эшит, – деб ҳикоясини давом эттирди. Онамнинг ҳикоясидан тасаввуримда қуйидаги воқеалар жонланди:

Кўзи ёриган аёл барча азоблардан кутилгандай, «Худога шукур» дея кўзларини очди. Чақалоғини кўрсатган дояга терс караб:

– Йўқотинг, менга бола керак эмас! – деди. Бегуноҳ гўдакни рад этди. Бу ҳолдан ҳайрон бўлган туғруқхона ходимлари унинг инсофга келишини бир-икки кун кутдилар. Илло аёл чақалоғини йўқламади, қўлга олмади.

Кўзи ёриганининг тўртинчи куни аёлга бир мактубча келтириб бердилар. Аёл бу қисқа хатни ўқиди-да, уни кутиб турган оқ тусли «Волга» автомобилига тушиб туғруқхонадан қочиб қолди.

Зурриётидан тонган номард ота, тошбағир она, кўркманлар: очилмаган кўзлари, йўлга кирмаган оёқлари билан чақалоқ сизларни қува олмайди, ушлаб ола билмайди. Кўркмасангиз ҳам бўлади: қизча сизларга ҳеч қачон ета олмайди, тақдирга тан бериб қолаверади.

Машина секинлаб, йўл четига тўхтади. Эркак аёлга... мўлтонилик билан тил учида ширин сўзлар айтди. Аёлнинг кулоғига тилла сирға, қўлига тилла узук тақди. Қоронғида ҳам ял-ял ёнаётган бу тақинчоқлардан аёл яйраб кетди. Қувончи ичига сифмай, хавотирини бир зум унутгандай бўлди. Кўкрак сутидан ивиган халатига қўли тегиб, кўз олди қоронғилашди...

Айни чоғда туғруқхонада чақалоқ чиркираб йиғлар эди. Шундай йиғлар эдики, оғзига солинган сўрғич ҳам унинг бўзлашини боса олмас эди. Чақалоқ номард ота ва бевафо онадан бир умрга жудо бўлганидан фарёд чекар эди.

Ташланганга тош тегмас, деб бежиз айтмаганлар. Олтинчи куни ушбу чақалоқ қолиб, унинг ҳамсояси бўлган бошқа чақалоқ ўлиб қолса бўладими!?

Эртасига марҳум чакалоқнинг онаси ташландик чакалоқни қўлига олди, бағрига босди, юзларидан ўпди. Гўдакнинг юзларини ўзининг кўз ёшлари билан ювди...

Мазкур ҳикояси сўнгида онам менга васият қилдилар:

– Агар менинг у дунёда тинчгина ётишимни истасанг, туққан онангни излаб топ!

Туққан онамнинг яшар манзили, ўнги-тусини айтиб берди. Онамнинг вафотидан бир неча ой ўтгач, керак манзилни излаб топдим. Қалбимда ажиб қизиқиш, ҳам нафрат, ҳам аянч билан мени дунёга келтирган аёлни кўрдим, таниб олдим. Миямда бир-бирига қарама-қарши минг бир хил савол. Нима қилиш керак? Беқарорман.

Бир куни шаҳар бозоридан чиқишда уни учратиб қолдим. Икки қўлида юк. Бу ҳол адл қоматига номуносиб кўринди. Қулоқ-бўйни, кўлларида тилла тақинчоқлар. Қандайдир куч унинг сари етаклади мени. Мен салом бериб, бир қўлидаги халтани олдим. Кўтаришиб бекатга келдим. «Раҳмат!» – дея менга такрор-такрор қаради. У чиққан машинага бирга чиқдим, у тушган бекатда у билан бирга тушдим. Уйигача юкини кўтаришиб бордим.

Онам тушимга кириб, талабини яна такрорлагач, қизчамни етаклаб туққан онамнинг ҳовлисига бордим. У дарвоза кўнғироғига жавобан ошқора ғудраниб ити билан чиқиб келди.

– Келинг, синглим. Менда нима ишингиз бор? – деди. Унинг бу саволини эшитиб, авзойи баданимдан совуқ тер чиқиб кетди. Тилим калимага келмай каловланиб қолдим. Ўзимни зўрға қўлга олиб:

– Кечирасиз... Адашибман, – дедим. Ортимга қайтдим. Оқ сут берган онамнинг пойига – қабристонга йўл олдим.

Жисмонан роса толиққан, интиҳосиз доғу хасратларим мурғак дилига ғубор бўлиб ўрнашган қизимни етаклаганча қабристонга кириб бордим.

Қизим индамас, итоаткорона менга эргашар, гўё тақдирим томошасига тушунаётгандай эди. Ер бағрига сингиб кетишга бўйсунмай бўртиб-бўртиб турган қабрларга лолу хайрон мўлтирар эди. Мен тўғри оқ сут бериб улфайтирган онажонимнинг тупроғи қошига бордим. Тиз чўкдим.



– Онажон, васиятингизни бажара олмадим. Менинг сиздан бошқа онам йўқ. Ахир ҳар кимсанинг биргина онаси бўлади-ку. Оқ сут билан берган меҳрингиз жоним билан бирга кетар экан. (Қ.М.)

IV. Ҳикоядан икки бош бўлакли ҳамда бир бош бўлакли гапларга бештадан, ажратилган бўлакли ҳамда уюшиқ бўлакли гапларга иккитадан, кўчирма ҳамда қўшма гапларга тўрттадан мисол топиб ёзинг.

V. Ҳикояда баён қилинган воқеликка ўзингизнинг муносабатингизни баён қилиб, эссе ёзинг.

#### 40-§. Матн – энг йирик синтактик бирлик

Бир неча гапларнинг ўзаро грамматик ва мазмуний боғланишидан ташкил топган, мазмуний яхлитликка эга бўлган қўшма гапларга нисбатан йирикроқ ёзма ва оғзаки нутқ парчаси матн ҳисобланади. Матннинг энг кичик бирлиги гап ҳисобланиб, улар матн таркибида маълум боғловчи воситалар ёрдамида боғланади. Улар қуйидагилар: боғловчилар, боғловчи вазифасидаги айрим сўзлар, такрорий бўлақлар, олмошлар. Масалан: *Насиба аъло ўқиши ва одоби билан мактабда катта ҳурматга эга. У жамоат ишларида ҳам фаол қатнашади. Ушбу матн таркибидаги иккинчи гап бошида келган у олмоши биринчи гап таркибида келган Насиба ўрнида келиб, иккинчи гапни биринчи гапга мазмунан боғлаб келади. Шунинг учун у олмоши матн қисмларини боғловчи, яъни матн ҳосил қилувчи восита саналади. Матн ҳосил қилишда такрорлар ҳам муҳим воситадир, чунки улар гапларни боғловчи восита ҳисобланади ва услубий бўёдорлик ҳосил қилади:*

*Олти ойким, шеър ёзмайман, юрагим зада,  
Олти ойким, ўзгаларга тилайман омад.  
Олти ойким, дўстларим ҳам пана-панада  
Истеъдодим сўнганидан қилар каромат. (А.О.)*

Такрорлар гап охирида қўлланилиши ҳам мумкин:

*Гул бўлиб, гул-гул ёниб,  
Гулиан аро Гулчеҳралар,*

*Гул узиб ўйнар, қўйиб  
Гулга бино Гулчеҳралар.*

*Бунча ҳам оқил эканлар,  
Олдилар ақлу ҳушим,  
Бунча ҳам дилга яқин  
Бу дилрабо Гулчеҳралар.*

*Қай бирин ортиқ қўйай,  
Йўқ, тенг экан шеър бобида  
Нодира, Маҳзуна-ю  
Зебунисо, Гулчеҳралар.*

*Бу чаман гулларга кондир  
Очилиб яшнанг мудом,*

*Гул бўлиб, гул-гул ёниб,  
Гулшан аро Гулчеҳралар. (Э.В)*

**168-машқ.** Ўқинг. Матн қисмларини боғловчи воситаларини айтинг. Тиниш белгиларининг қўйилиш сабабларини тушунтиринг.

### **Муаллими Соний**

Шом шаҳри мадрасаларидан бирида арабшунос олимларнинг йиғилиши давом этарди. Раислик қилувчи ёш бир йигитчага сўз берди. У араб тили шевасининг товуш хусусиятлари ҳақида маъруза қилди. Маъруза жиддий баҳсга сабаб бўлди. Охирида барча машҳур тилшунос олимлар бу йигитчани араб тили донишманди, деб тан олдилар. Бу – қомусий билим соҳиби, машҳур файласуф, шоир, адабиётшунос ва мусикашунос Абу Наср Форобий эди. “Форобий етмиш тилни биларди”, – деган нақл ўшандан қолган.

Абу Наср Форобий 870 йили Сирдарё бўйидаги Фороб шаҳрига яқин қишлоқда дунёга келди. Бошланғич таълимни ўз қишлоғида олган Форобий Бухоро ва Самарқанд мадрасаларида билим олди. Форобий ҳам илм ўрганар, ҳам муаллимлик қиларди.

Муаррихларнинг гувоҳлик беришича, Форобий бутун умрини илм ўрганишга бағишлаб, араб мамлакатларидаги мадрасаларда дарс бериш билан камтарона, факирона ҳаёт кечирган. Биргина Шом шаҳрида унинг мингдан зиёд шогирдлари бўлган. У 950-951 йиллар оралиғида вафот этган.



Абу Наср Форобий қомусий билим сохибидир. У 130 та асар ёзганлиги, уларнинг 17 таси турли олимларнинг фалсафий асарларига ёзилган шарҳ, 60 таси алоҳида китоб, 5 таси бир қанча мақолаларни ўз ичига олган мажмуалар ҳисобланади. Булар орасида «Сиёсат ва маданият», «Рухнинг моҳияти ҳақида рисола», «Фалсафанинг муқаддимаси», «Илмлар мажмуаси» асарлари машҳурдир. Форобий шеърят ва мусиқа назариясига доир китоблар ҳам ёзган. Унинг шеърятга доир рисоласи ўзбек ва рус тилларида нашр этилган.

Илм-фанда дунёда биринчи муаллим қадимги юнон файласуфи Аристотель (Арасту) ҳисобланади. Форобий антик юнон файласуфларидан Евклид, Платон (Афлотун) ва Аристотелг асарларини таржима қилиб, шарҳлаб, Шарқда кенг тарқалишига жуда катта ҳисса қўшгани ва жуда кўплаб фалсафий масалаларни ўша олимлар даражасида талқин этгани учун «муаллими соний» – «иккинчи муаллим» деб ном олган.

Буюк бобомиз Форобийнинг меҳнаткашлиги, билим ўрганиш борасида мунтазам изланиши, камтарлиги билан бизга ибратдир. (*Журн.*)

**169-машқ.** Матнларни ўқиб, мазмунини таҳлил қилинг. Матнлар қандай мавзуларга бағишланган.

## I

Ярим ҳақиқат чин билан ёлғоннинг ўртасида туради, деган одам янглишади. Ярим ҳақиқат ҳамиша чиндан кўра ёлғонга яқинроқ туради. Ўнта ярим ҳақиқатни улаган билан битта яхлит ҳақиқат ясаб бўлмайди. Негаки чала ҳақиқатларнинг қиёфаси минг хил, чинакам ҳақиқатники эса бир хил бўлади. Ҳақиқатнинг камёблиги ҳам, қадри ҳам шунда! (*Ў.Ҳ.*)

## II

X асрга келиб, Шарқда ҳозирги замон Европа олимлари «ислом маданияти» деб номлаган бир маданият юзага келдики, унинг таркиби, араб, форс ҳамда туркий қатламлардан иборат эди. Юсуф Хос Ҳожибнинг машҳур «Қутадғу билиг» асари мана шу маданият меваларидан бири эди. Асар ҳижрий 426 (мелодий 1069-1070) йилда ёзилган.

«Қутадғу билиг»даги бош масалалардан бири комил инсонни тарбиялашдир. Адиб бу асар орқали ўз тасаввурида энг комил, жамиятнинг ўша даврдаги талабларига жавоб бера оладиган инсонни қандай кўрган бўлса, шу асосда ўз қарашларини баён этади. Шоир назарида, бола қанчалик пухта назорат остида бўлса, ота-онанинг юзи шунчалик ёруғ бўлади. Назоратдан четда қолган бола ярамас бўлади. (*Б. Тўхлиев*)

#### 41-§. Туркий тиллар. Ўзбек тилининг туркий тиллар тизимида тутган ўрни

I. Ўзбек тили туркий тиллардан бири бўлиб ҳисобланади. У тизими жиҳатидан Ўрта Осиё ва Қозоғистон ҳудудидаги тиллар ва бошқа тиллар қурилишига ўхшайди. Бу эса ўзбек тилининг бошқа туркий тиллар билан қардошлигидан далолат беради.

II. Ўзбек тилидаги сўзлар барча туркий тилларда бўлгани каби, асосан уч товушли бўлади: *бил, дил, тил, кел, қол, кўз* кабилар. Туркий тилларда жумладан, ўзбек тилида *от, ов, ой* каби бир бўғинли; *икки, олти, йигирма, ўттиз* каби кўп бўғинли сўзлар камдир. Айрим сон ва кўмакчиларни ҳисобга олмаганда, сўз охирида ундошларнинг қатор келиши юз бермайди: *орт, ост, уст, тўрт* каби.

III. Ўзбек тилида ва бошқа туркий тилларда кўшимчалар асосан ундош билан бошланади. Префикслар туркий тилларда учрамайди. Аффикслар ўзакка бирин-кетин қўшилади.

IV. Туркий тиллар учун хос бўлган *бош, тош, тиш, бет, ёш* каби сўзларнинг кўпчилиги кўп маънолидир. Буларнинг ҳаммаси ўзбек тилини ҳам туркий тиллар қаторига қўшилишига имкон беради. Шунинг учун ҳам академик А. Самойловичнинг туркий тиллар таснифига кўра, ўзбек тили ўғуз гуруҳига ҳам, қипчоқ гуруҳига ҳам, чигатой гуруҳига ҳам киритилади. Бу ҳол эса тасодифий эмас. Чунки ўзбек тили Ўрта Осиё ва Қозоғистондаги ўғуз, чигатой, қипчоқ гуруҳларига кирувчи туркман, қорақалпоқ, қозок, қирғиз, уйғур тиллари билан яқин ва ўхшашдир.

V. Ўзбек тили ўзининг фонетик тузилиши, грамматик қурилиши ва луғат таркибига кўра турли туркий тиллар



билан бирлашадиган умумий хусусиятларига ва у тиллардан фарқ қиладиган ўзига хос белгиларига эгадир.

VI. Ўзбек адабий тили бошқа туркий тиллардан унлиларнинг қаттиқ-юмшоқлиги, узун-қисқалиги ва миқдор-сифати билан фарқ қилади. Масалан, ўзбек, қирғиз, уйғур тилларидаги унлилар сони бир-биридан кескин фарқланади. Чунки, ўзбек тилида олтита, қирғиз ва уйғур тилларида эса саккизтадан унли мавжуд.

Умуман, унлилар энг кучли сонор товушлар бўлгани учун ҳар доим бўғин ҳосил қила олади. Масалан: *Оламан* сўзи уч бўғиндан *о-ла-ман*; корхонамиз сўзи эса тўрт бўғиндан *кор-хо - на - миз* иборат бўлиб уларнинг ҳар бирида бўғинни ҳосил қилувчи биттадан унли товуш бор. Баъзи тилларда бир бўғин таркибида икки ва ундан ортиқ унли товушлар бўлиши ҳам мумкин. Масалан: қирғиз тилидаги *тоодо* (*тогда*), *соода* (*савдо*) сўзларида *тоо*, *соо* биринчи бўғин; *-до*, *-да* иккинчи бўғин бўлиб, биринчи бўғиндаги икки унли товуш бир бўғинни ҳосил қилган.

VII. Ўзбек адабий тилида кўплик *-лар* аффикси билан ифодаланади. Бошқа туркий тилларда ҳам *-лар* берилади. Лекин козоқ тилида олтита (*-лар*, *-лер*, *-дар*, *-дер*, *-тар*, *-тер*), қирғиз тилида ўн иккита (*-лар*, *-лер*, *-лор*, *-лөр*, *-дар*, *-дер*, *-дор*, *-дөр*, *-тар*, *-тер*, *-тор*, *-төр*) вариантлари бор.

Бўғинлар кичик қисмларга, яъни товушларга бўлинади. Бўғин бир ёки бир неча товушлардан ташкил топади. Масалан, *китоб* сўзи икки бўғиндан иборат бўлиб, биринчи бўғини *-ки* икки товушдан, иккинчи бўғини *-тоб* уч товушдан ташкил топган: *осон* сўзи ҳам икки бўғиндан иборат бўлиб, биринчи бўғини *-о* бир товушдан, иккинчи бўғини *-сон* уч товушдан ҳосил бўлган. Баъзи тилларда сонор ундош (*л*, *м*, *н*, *р*) товушлар ҳам бўғин ҳосил қилади.

**170-машқ.** Саволларга оғзаки жавоб беринг.

- Ўзбек тили қайси тиллар оиласига мансуб?
- Ўзбек тили тизими жиҳатидан қайси тиллар қурилишига ўхшайди?
- Ўзбек тилининг фонетик тузилиши бошқа туркий тилларнинг фонетик тузилишига қайси жиҳатлари билан ўхшайди?

– Ўзбек адабий тилининг унли товушлари туркий тиллар унли товушларидан қандай фаркланади?

**171-машк.** Топшириқларни ёзма бажаринг.

– Ўзбек, қирғиз, қозоқ тилларининг алифбосини ёзинг.  
Қиёсланг.

– Ўзбек, қирғиз, қозоқ тиллари алифбосидан унли товушларни топиб кўчиринг.

– Ҳар бир унлига мисол топинг; унлилар сўз бошида келсин.

– Ўзбек, қирғиз, қозоқ тиллари алифбосидан ундош товушларни топиб кўчиринг.

– Ҳар бир ундошга мисол топинг; ундошлар сўз бошида келсин.

– Уч тилдаги ундошларнинг қай бирининг талаффузида фарқи бор, аниқлаб ёзинг.

**172-машк.** Топшириқларни бажаринг.

1. Қуйида берилган жадвали ўқинг ва қиёсланг.
2. Қирғиз тилидаги унлилар оҳангдошлигига аҳамият беринг.
3. Ёд олинг.
4. Жадвалда берилган сўзларнинг ҳар бирига 2 тилда гап тузинг.

Ўзбек тилида	Кўплик аффикси	Қирғиз тилида	Кўплик аффикси
сотувчилар тоғлар кемалар билимлилар	-лар -лар -лар -лар	сатуучулар тоолор кемелер билимдүү лөр	-лар -лор -лер -лөр
шкафлар ўтлар китоблар ўрдақлар	-лар -лар -лар -лар	шкафтар оттор китептер өрдөктөр	-тар -тор -тер -төр
олтинлар столлар кийимлар кунлар	-лар -лар -лар -лар	алтындар столдор кийимдер күндөр	-дар -дор -дер -дөр




**173-машқ.** Ўқинг. Қадимги туркий тилда қўлланилган сўзларни маъносини изоҳлаб, улар иштирокида гаплар тузинг.

Аб (ов), абыт (тинчитмоқ), абынчу (кувонч), абуч (ховуч), адаш (ўртоқ), адақ (оёқ), азун (дунё), азғур (йўлдан урмоқ), азық (милк), азуқ (озуқ), алты (олти), бар (бор), беглик (беклик), изиш (идиш), илиг (қўл), будун (халк), йарыл (ёрилмоқ), йық (йиқитмоқ).

**174-машқ.** Қуйида аввал ўзбек тилидаги сифат ясовчи аффикс, сўнгра қирғиз тилидаги сифат ясовчи аффикслар берилган. Ўқинг. Ёдда сақланг. Аффикслар иштирокида сифатлар ясанг.

Ўзбек тилида қирғиз тилида ўзбек тилида қирғиз тилида



I. Маълумки, нутқ товушлари ёзувда ҳар қайси тилда қабул қилинган белгилар – ҳарфлар орқали акс эттирилади. Бироқ сўзлашув жарёнида нутқ товушлари ҳарфлар орқали акс эттирилганидек, якка - якка ҳолда ишлатилмайди. Нутқ товушлари ҳар бир тил қонун - қоидаларига мувофиқ маълум тартиб билан тутшиб, бирикиб сўз ҳосил қиларкан, сўз таркибида акс эттирилган ҳарфларга нисбатан бир мунча ўзгарган ҳолда талаффуз этилиши мумкин. Сўзлашув жараёнида нутқ товушларининг ўзгариши айрим товушларнинг бир-бирига таъсир қилиши натижасида рўй

беради. Масалан, ёзувда *ётди*, *келибди* шаклида ёзиладиган сўзлар оғзаки нутқда *ётти*, *келипти* шаклида талаффуз этилади. Нутқда сўз таркибидаги товушларнинг бундай ўзгаришига комбинатор ўзгаришлар дейилади. Комбинатор ўзгаришлар ассимиляция, диссимиляция жараёнларида ва бошқа фонетик жараёнларда рўй беради.

Ассимиляцияда нутқ товушлари қатор келиб бир-бирига таъсир қилиб, бири иккинчисини ўзига мослаштиради. Сўз таркибидаги икки хил ўхшаш нутқ товушининг бир-бирига таъсири натижасида юзага келган жараён диссимиляция ҳодисаси дейилади.

II. Ҳозирги ўзбек адабий тили сингармонизмнинг (унлилар оҳангдошлиги) заифлиги жиҳатидан бирорта туркий тилга мос келмайди. Ўзбек тилининг ундошлар тизими эса бошқа туркий тилларга мос тушади. Аммо туркий тиллардан баъзиларида ундошлар бошқачароқ ишлатилади.

III. Ўзбек тили билан туркий тиллар ўртасида ўхшашлик ҳамда ноўхшашликлар уларнинг луғат таркибида ҳам мавжуддир. Агар биз ўзбек тили луғат таркибини кўздан кечирсак, унда умумий туркий тилларга, Ўрта Осиё ва Қозоғистондаги туркий тилларга тегишли ҳамда фақат ўзбек тилининг ўзига хос сўзларини учратамиз.

Умумий туркий тилларга тегишли сўзларнинг дастлабки қўлланишини руник ёзма ёдномаларида учратамиз.

Ўрта Осиё ва Қозоғистондаги туркий халқларга алоқадор бўлган сўзларнинг дастлаб ишлатила бошланишини X-XIII асрлар ёдгорликларида кўраамиз.

IV. Ўзбек тилида бошқа туркий тилларга хос хусусиятлар билан бирга туркий бўлмаган тилларда сўзлашувчи этник унсурларнинг ҳам таъсири бор. Бу ҳол ўзбек тили материаллари асосида туркий тилларга оид бир қатор муаммоларни ҳал қилишда қиёсий-тарихий усулларни жорий қилишга кенг имкон беради.

Қиёсий-тарихий усулни жорий қилиш натижасида ҳозирги қардош тилларни ва ҳозирги адабий тилни ёзма ҳолда сақланган ёдгорликлардаги тил фактлари билан қиёслаб ўрганиш орқали ўзбек тили тарихи билан ҳозирги



Ўзбек тили ва қардош тиллар орасидаги алоқани аниқлаш мумкин.

**175-машқ.** Ўқинг. Товушларнинг алмашилини кўрсатинг. Сабабини тушунтиринг.

1. Боғ – боққа, тоғ – тоққа, барг – баркка. 2. Тилак – тилагим – тилагимиз; байроқ – байроғим–байроғимиз. 3. Онг – англа; сон – сана. 4. Сайла– сайловчи; боғла – боғловчи; ишла – ишловчи.

**176-машқ.** Ўқинг. Ассимиляция ҳодисасига кўра ўзгардиган товушларни кўрсатинг.

Безак+га, от+дан, ёз+син, туз+син, бир+та, туг+ган.

**177-машқ.** Диссимиляция ҳодисасига кўра ўзгарган товушларни кўрсатинг.

Зарар – зарал, зарур–зарул, учта–ушта.

**178-машқ.** Қуйидаги сўзларда сингармонизм қондасига асосланиб ўзгарган аффикслар ўзбек ва қирғиз тилларида берилган. Топиб изоҳлаб беринг. Сўзларни қатнаштириб гап тузинг.

Синиқ чизгич – сынык сызгыч, йиғлоқ қиз – ыйлаак қыз, ўйинқароқ бола – оюнқарак бала, сузгич сигир – сүзөнөөк уй, тепагон от – тебенээк ат, чаққон қиз – элпек қыз; бузуқ соат – бузук саат, қулун от – күлүк ат, ялтироқ рўмол – жылтырак жоолук.

**179-машқ.** Ер шари картасидан туркий халқлар зич яшайдиган жойларни топинг. Ёзинг.

## 42-§. Ёзувларнинг пайдо бўлиши ва тараққиёт босқичлари. Ўзбек алифбоси тарихи

I. Нутқ дастлаб фақат оғзаки бўлган. Кишилиқ жамияти тараққиётининг маълум даврида зарурият натижасида аста-секин ёзув яратилган.

Ҳозирда жаҳондаги халқлар 220 дан ортиқ ёзувдан фойдаланадилар. Ана шу ёзувлардан жуда кенг тарқалгани лотин алифбоси асосидаги ёзувлардир. Жаҳондаги халқларнинг 30 фоизидан зиёди лотин ёзувида ёзадилар.

Ўрта Осиёнинг энг қадимги маҳаллий халқи шак ва массагет уруғлари бўлиб, уларнинг ҳам ўз ёзувлари мавжуд эди. Ана шу ёзувдан қадимий хоразмий ва сўғд ёзувлари яратилган.

Қадимги туркий ёзув ёдгорликлари дастлаб Жанубий Сибирнинг Энасой дарёси хавзаларида ва Мўғулистоннинг Ўрхун водийсида топилган. Шунга нисбатан қадимги туркий ёзув Ўрхун-Энасой обидаларининг ёзуви деб ҳам юритилади. Илк ёдгорликлар XVIII аср бошларида топилган бўлишига қарамай, уларнинг ўқилиши XIX асрнинг охиригача номаълумлигича қолди.

1893 йили даниялик олим В. Томсен ва рус олими В. В. Радлов қадимги туркий ёзувни ўқишга муваффақ бўлдилар. Кейинчалик қадимги туркий ёзма ёдгорликлар Марказий Осиёнинг турли жойларида, хусусан, Талас водийси, Фарғона водийси, Юқори Зарафшон водийсидан топилди.

Ҳозирда олимлар Мўғулистондан то Дунайгача минглаб чақирим масофа оша тарқалган қадимий туркий битикларни бир қанча маҳаллий алифболари билан ёзилган деган фикрни билдирмоқдалар.

II. 1970 йилларгача туркий ёзув эрамизнинг VI-VII асрларида шаклланган деган хулоса бор эди. Кейинги топилмалар туркий ёзувнинг илдизларини икки ярим минг йиллик ўтмишдан изламоқ керак, деган хулосани чиқаришга асос бўлди.

Демак, Ўрхун ва Энасой ёдгорликлари хатини ёзувнинг анча кейинги – такомил этган босқичи дейиш мумкин.

Қадимги турк хати аждодларимизнинг буюк кашфиётидир. Бу ёзувлар Рим ёзувларига ўхшаб кетганлиги учун рун (руник) ёзувлари деб ҳам юритилади.

III. Ўрта Осиёда X – XV асрларда уйғур ёзуви ҳам мавжуд бўлган. Бу ёзувда битилган ёдгорликларнинг қадимгиси Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асарининг Вена кутубхонасидаги нусхасидир. Аҳмад Югнакийнинг «Ҳиба-тул ҳақойик» асари, Хоразмийнинг «Муҳаббатнома» си ва бошқа шоирларнинг айрим шеърлари ҳам уйғур ёзувида ёзилган. Уйғур ёзуви маълум муддат араб ёзуви билан тенг ишлатилган.



IV. VIII аср бошларида Ўрта Осиёда араблар ҳукмронлиги бошланиб у юз йиллар давом этган. Аста-секин араб ёзуви тарқалиб, Ўрта Осиё халқларининг ўз ёзувларини сиқиб чиқара бошлаган.

Араб ёзувида битилган энг эски туркий ёдгорликлар XI асрга тааллуқли бўлиб, булар Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асарининг Наманган ва Қоҳира нусхалари ҳамда М. Қошғарийнинг «Девону луғотит турк» асаридир.

Ўзбек халқи тахминан 1200 йил давомида араб алифбосидан фойдаланганлар. Аммо ўзбек тилининг ўзига хос нутқ товушлари учун ҳарфлар кашф қилиниб, араб алифбосига қўшилмаган.

V. 1926 йилнинг 26 февралда Бокуда туркологларнинг биринчи қурултойи бўлган. Қурултойда туркий халқларнинг ўз алифболари учун лотин ёзувини асос қилиб олишлари тавсия этилган.

Ўзбекистонда 1926 – 1930 йилларда лотин алифбоси асосидаги янги ёзувга ўтилган эди. 1940 йилнинг 8 майида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши сессияси рус графикаси асосидаги янги ўзбек алифбосини маъқуллади ва ана шу алифбога ўтилди. Бу алифбода 35 та ҳарф бор.

Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2-3 сентябрда бўлиб ўтган Олий Кенгашида ўзбек ёзувини лотин алифбосига ўтказиш тўғрисида қонун қабул қилинди. Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида 29 ҳарф бор.

VI. Қирғизистон, Қозоғистон, Тожикистон ва бошқа республикалардаги ўзбеклар ҳозирги кунда рус графикаси асосидаги ўзбек алифбосида ўқийдилар.

**180-машқ.** Саволларга оғзаки жавоб беринг.

– Ер юзидаги халқлар тахминан қанча ёзувдан фойдаланадилар?

– Қайси ёзув энг кўп тарқалган?

– Қадимги туркий ёзув ёдгорликлари қаердан топилган?

– Араб ёзувида битилган энг эски туркий ёдгорликлар ҳақида сўзланг.

– Рус графикаси асосидаги янги ўзбек алифбоси ҳақида гапиринг.

**181-машк.** Ўқинг. Матнга режа тузиб, режа асосида кайта хикоя қилинг.

Биз Қўқонга яқин Яйпан қишлоғида турар эдик. Онам ғира-шира қоронғу уйда тўлғоқ тутиб ётар, ичкаридан унинг инграган, додлаган товуши эшитилар эди. Яйпан катта қишлоқ, лекин у вақтда доктор, тиббий ёрдам деган гаплар бировнинг тушига ҳам кирган эмас. Бундай кезларда кўни-кўшнилардан бирор кекса аёл чақирилар эди. Унинг тажрибали момо бўлиши шарт эмас, қарилгининг ўзи кифоя эди. Биз Яйпанга яқинда кўчиб келган, у ерда қариндош - уруғларимиз йўқ эди, шу сабабдан дадам кўшни бир кампирни чақириб чиқди. Кампир келиб аям ётган уйга кириб кетди. Дадам икковимиз ҳовлида ўтирдик... Қоронғи тушди. Мени уйку боса бошлади. Ёнимда ўтирган дадам бирдан ўрнидан турди. Кўзимни очдим. Тепамда бояги кўшни кампир турар эди.

– Қалай? – деди дадам ховлиқиб.

– Қийланяпти бечора, – деди кампир ва бир оз жим қолганидан кейин менга ишора қилди. – Болага айтинг, аясини дуо қилсин, гўдакнинг дуоси ижобат бўлади.

Дадам энгашиб менинг қулоғимга шивирлади:

–Худоё аямга нажот бергин, дегин, айт!

Дадам кўрқув ва жаҳл аралаш мени қистарди... Дуо қила бошладим, бу орада бир-икки йиғлаб ҳам олдим, кейин ухлаб қолибман. Эрталаб уйғонсам, аямнинг кўзи ёрибди...(А. Қ.)

**182-машк.** А. Қодирийнинг “Меҳробдан чаён” романидан олинган шеърини парчаларни ўқинг. Мазмунини айтинг.

Ёғлар тўкилса ерга ётиб ялар тақсирим,  
Бўлса бозорда пастлик сотиб олар тақсирим.  
Менинг учун бир зирак, Раънобонуга «жевак»,  
Деса ойим – «Не керак?!» юмма талар тақсирим.  
«Қулоқ тешиш фазл эмас, пулни топиш ҳазил эмас,  
Жевак тақиш фарз эмас!» – ғавғо солар тақсирим.  
Вақтики, ажал паймонаси тўлди,  
Мунший мулла Муҳаммад Ражаббек ўлди!  
Фазл боғида очилган бир гул,  
Яъни, гул шохига қўнган булбул,  
Ба номи мулла мирзо Анвар,



Камолига мусалламдир аксар.  
Хузури муборакдан олиб ёрлик,  
Майдони қаламкашликда қилур сухандонлиғ.  
Ҳар кимсанинг ким бахти кулса,  
Шоҳига бажону дил ила хизмат қилса,  
Лутфу шоҳонага сазовор бўлғай,  
Атрофи зару зевар ила тўлғай!...

### 43-§. Ўзбек адабий тилининг шаклланишида М. Қошғарий ва «Девону луғотит турк» асарининг ўрни

Ўзбек (қадимги туркий) тилини ўрганиш М. Қошғарийдан бошланади. М. Қошғарий энг биринчи туркий тилшуноси, адабиётшуноси, элшуноси сифатида ном чиқарган олимдир. Аллома ўз даврининг атоқли олими сифатида тилшуносликка оид «Жавоҳир-ун-нахв фи луғотит турк» («Туркий тилларнинг синтаксис дурдоналари, қоидалари»), «Девону луғотит турк» («Туркий сўзлар луғати») каби асарлар яратган. Унинг биринчи асари ҳозиргача номаълум бўлиб, иккинчи – «Девону луғотит турк» асари 1914 йилда Туркиянинг Диебакир шаҳрида топилган. Машхур асар муқаддима ва луғат қисмидан иборат бўлиб, муқаддимада муаллиф «Девон»ни яратиш сабаблари, асар қурилиши, товуш, ҳарф, сўзлар ҳақида, турк тилининг хусусиятлари ҳақида, тилда ва лаҳжада бўлган фарқлар ҳақида фикр юритади. «Девону луғотит турк»нинг асосий қисмида олти мингдан зиёд сўзлар изоҳланади.

М. Қошғарийнинг «Девону луғотит турк» асари оддий луғат китоби бўлмай, ўша даврдаги туркий тилларнинг ҳолатини белгилашда тилшунослик илмига қўшилган муҳим ҳиссадир. «Девону луғотит турк» ўрта Осиё халқлари тилларининг, шу жумладан, ўзбек тилининг ташкил топишида асос бўлган қабилаларни аниқлаш учун ёрдам берувчи муҳим материал бўлиб хизмат қилади.

Олим ўз асарида ўзбеклар, қозоқлар, қирғизлар, туркманлар, татарлар ва бошқа халқларнинг қадимги содда тилларига оид намуналарини мукамал изоҳлади. Ўша давр тилининг фонетикасини, лексикасини, диалектологиясини

жуда пухта илмий асосда изоҳлаб берди. Сўз, сўз маъноси-нинг кенгайиши, торайиши, сўзларнинг этимологияси, сўз ясалиши, сўз ясовчи аффикслар ҳақида дастлабки илмий хулосалар чиқарди. Шунингдек, ўша давр туркий тиллар фонетикасига доир тадқиқот ишлари юритиб, товуш ва ҳарфлар ўртасидаги муносабатларни биринчи бўлиб аниқлади. Унли, ундош товушлар ҳақида дастлабки тадқиқот ишлари яхши натижаларини берган.

Олимнинг “Девону луғотит турк” асаридан ҳозиргача тилшунослар, шевашунослар, тарихчилар, географлар, этнографлар, фольклоршунослар, адабиётшунослар кимматли маълумотларни олиб, кўплаб илмий - тадқиқот ишлари олиб боришмоқда.

**183-машқ.** Саволларга оғзаки жавоб беринг.

– “Девону луғотит турк” асари муаллифи ҳақида сўзланг.

– “Девону луғотит турк” асарининг яратилиши ҳақида сўзлаб беринг.

– “Девону луғотит турк” қайси қисмлардан иборат?

– Асосий қисм ўз ичига қайси бўлимларни олади?

– Тилшуносликка оид қандай илмий тадқиқот ишлари мавжуд?

#### **44-§. А.Навоийнинг она тили ривожидagi амалий хизматлари**

Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг адабий тил равнақи учун олиб борган кураши маданиятимиз тарихида муҳим ўрин тутди. У чинакам ватанпарвар шоир ва олим сифатида халқ тилининг битмас-туганмас манбаларидан фойдаланиш, унинг бойлиги ва нафислигини намойиш этиш билан бутун авлодларга ўрнак бўлди.

Ўзбек адабий тилининг асосчиси бўлган Алишер Навоий уч тил (форс, араб ва туркий тил) ўзаро курашаётган бир пайтда ўз асарларини ўзбек тилининг бой хазинасидан фойдаланган ҳолда ёзди. У «Хазойинул-маоний», «Хамса», «Лисонут-тайр» каби бадиий адабиёт намуналарини,



“Мажолисун-нафоис” «Мезонул-авзон» каби адабиётшуносликка оид асарларни, «Муҳокаматул-луғатайн» каби тилшуносликка оид асарини шу тилда яратди. Бу билан ўзбек тилининг бадиий, илмий асарлар яратиш учун бой имкониятларга эга эканлигини амалда ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан исботлади ҳамда ўзбек тилининг ихчам грамматик қурилишига ва бой луғат хазинасига эга эканлигини кўрсатди.

Навоий ўзбек тилининг имконият ва қудратига катта эътибор билан қаради. Она тили ривожига ҳисса қўшиш ҳар бир халқнинг энг биринчи ва муқаддас вазифаси эканлигини асарларида белгилади. Навоийнинг асарлари тил ва услуб жиҳатидан маълум даражада халққа тушунарли бўлиши учун ҳаракат қилди. Чунки у халқ билан ўз она тилида сўзлашиш зарур деган қоидага амал қилиб келди. Шунинг учун ҳам унинг асарлари ҳозиргача халқимиз томонидан севиб ўқилмоқда.

**184-машқ.** Саволларга оғзаки жавоб беринг.

– Адабий тил учун курашнинг аҳамиятини Навоий қандай тушунган?

– Ўзбек адабий тили ривожини учун курашда Навоий қандай амалий, назарий ишлар қилди?

– Навоийнинг тил ва тафаккур тўғрисидаги фикрлари мазмунини сўзланг.

#### **45-§. “Муҳокаматул-луғатайн” ва унинг ўзбек тили таракқиётида тутган ўрни**

Алишер Навоий ўзининг “Ҳазойинул-маоний”, “Хамса”, “Мезонул-авзон” “Чор девон”, “Маҳбубул-қулуб”, “Мажолисун-нафоис” каби асарлари билан ўзбек адабий тилини амалий жиҳатдан асослаган бўлса, “Муҳокаматул-луғатайн” (Икки тилнинг муҳокамаси) асарида назарий жиҳатдан асослади. Ушбу асарда эски ўзбек тили билан форс-тожик тили қиёсланади. «Муҳокаматул-луғатайн»ни ёзиш билан Алишер Навоий ноқардош тилларни қиёсий ўрганиш усулини бошлаб берди. Ўзбек тилини форс-тожик тили

билан қиёслар экан, у ўзбек тилининг ҳам бой имкониятлари мавжуд эканлигини кўрсатади. «Муҳокаматул-луғатайн»да ёзади: «...андин сўнграким, турк (эски ўзбек) тилининг жамияти мунча далоил билан собит эрдиким, бу халқ орасидин пайдо бўлган таъ аҳли салоҳият ва таъларин ўз тиллари турғоч, ўзга тил била зоҳир қилмаса эрди. Ва агар иккаласи (ўзбек ва форс-тожик) тили била айтур қобилиятлари бўлса, ўз тиллари била кўпроқ айтсалар эрди ва яна бир тил била озроқ айтсалар эрди. Ва агар муболаға қилсалар, иккаласи тил била тенг айтсалар эрди». (А. Навоий. Асарлар. 15 томлик, 12-15 томлар. Т., 1966.)

Ушбу асарда ўзбек тили тарихи учун қимматли бўлган фикрларни беради. Масалан, от ясовчи *-чы/-чи, -вул* аффикслари, феъл шаклларини ҳосил қилувчи *-и, -т, -л* аффикслари ҳақидаги; ўзбек тилининг тарихий фонетикасига доир *у, в, ва и, е* товушларининг турлича талаффуз этилиш натижа-сида сўз маъноларининг ўзгариши; омоним ва полисемик сўзлар ҳақидаги; феъл, от сўз туркумларига оид тадқиқоти натижалари шулар жумласидандир.

**185-машқ.** Саволларга оғзаки жавоб беринг.

– А. Навоийнинг лингвистик фаолиятини қандай баҳо-лайсиз?

– Туркий тилнинг лексик бойликларини Навоий нима билан исботлади?

– А. Навоий бошқа халқлар ва уларнинг тилларига қандай муносабатда бўлган?

– «Муҳокаматул-луғатайн» – тилшунослик фанининг би-ринчи (ўзбек) назарий асари сифатида қараш мумкинми? Ис-ботланг.

**186-машқ.** Қуйида «Муҳокаматул-луғатайн» да келтирилган феъл-инфинитивдан мисоллар берилди. Дикқат билан ўқинг. Маъносини айтинг.

Хувормоқ, курукшамоғ, ушармоқ, жийжашмоқ, ўнгдаймоқ, чекирмоқ, дўмсаймоқ, умунмоғ, ўсанмоқ, йиғламсинмоқ, инграмоқ, синдирмақ, ўқурмақ.



**187-машқ.** А.Навоий қаламига мансуб туюқни ўқинг. Ажратиб кўрсатилган сўзларнинг маъносини изоҳланг.

Лаълидин жонимға ўтлар ёкилуру,  
Қоши қаддимни жафодин ё қилуру,  
Мен вафосин ваъдасидин шодмен,  
Ул вафо, билмонки, қилмас ё қилуру

#### 46-§. Ўзбек адабий тили тараккиётида З.М.Бобурнинг ўрни

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўз асарлари билан ўзбек адабиётини ривожлантиришда зўр ҳисса кўшганидек, ўзбек адабий тилини юксалтиришда, янада такомиллаштиришда ҳам катта ҳиссасини қўшди. Бобур адабий тил давлат аҳамиятига эга бўлган муҳим ва масъулиятли вазифа эканлигини чуқур англаган ҳолда асарларини ўз она тилида содда қилиб ёзишга ҳаракат қилди. Бобур асарларининг ижобий томонларидан бири – тилининг соддалигидир. У ўз асарларини содда тилда ёзди ва бошқаларни ҳам шундай ёзишга чақирди.

З. М. Бобур дунёвий адабиётнинг гўзал намуналарини яратган лирик шоир ва зўр илмий - тарихий қимматга эга бўлган мемуар асар – “Бобурнома”нинг муаллифидир.

Бадий наср намунаси бўлган “Бобурнома” ҳам содда ва образли тилда ёзилган. Ушбу мемуар асари орқали Бобур адабий тилни халқ жонли тилига яқинлаштирган. У тил бойлигининг ошишига ва тилнинг содда бўлишига ҳаракат қилган ҳолда, кам қўлланган сўзлардан ўринли фойдаланиб, ўзбек тили луғат захирасини оширган. Она тилимизнинг ўрганилмаган қирраларини очиб беришга ҳаракат қилган.

«Бобурнома» жуда қимматли тарихий-бадий асар бўлиб, унда Ўрта Осиё, Афғонистон, Ҳиндистон каби мамлакатларнинг XV аср охири – XVI аср бошларидаги аҳволи, географияси, сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёти ўз аксини топган.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур халқ таълими мазмунига катта ҳисса қўшди. Халқнинг осон савод чиқариши ҳақида

кайфуриб, имлонинг осон белгиларини яратди. Ёзма ва оғзаки нутқнинг раvon ва тушунарли бўлишини талаб этиб бориш билан нутқ маданиятини тарғиб этди. Энг мураккаб ҳисобланган аруз назариясини далиллар билан шарҳлаб адабиётшунослик фанига, маълум маънода, янгиликлар киритди.

**188-машқ.** Саволларга оғзаки жавоб беринг.

– З. М. Бобурнинг она тилимизнинг ривожига қўшган ҳиссалари ҳақида сўзланг.

– Адабиёт дарсларида олган билимларингиз асосида “Бобурнома” асари ҳақида сўзланг.

– Бобурнинг ўғлига ёзган мактубини айтиб беринг.

– Нима учун Бобур ўғли Ҳумоюнни танқид қилади?

– “Ҳатти Бобурий” ҳақида нималарни биласиз?

**189-машқ.** Қуйида “Бобурнома” дан берилган парчани ўқинг. Мазмунини сўзлаб беринг.

## I

... Ахлоқ ва атвори: ханафий мазҳаблик, покиза эътиқодлик киши эди. Беш вақт номозни тарк қилмас эди, умрий қазоларини тамом қилиб эрди, суҳбатларига бисёр мушарраф бўлиб эди. Ҳазрат Хожа ҳам фарзанд деб эрдилар...

## II

... Ҳеч нимарса ўқуғон эмас эди, оми эди. Бовужудким шаҳрида улғайиб эди, турк ва содда эди. Таъбидин баҳраси йўқ эди. Одил киши эди. Ҳазрати Хожанинг ҳам аёғлари арода эди. Аксар муҳиммат шаро чарихи била файсал топар эди. Аъд ва ҳовлига рост ва дуруст эди. Ҳаргиз андин хилофа зохир бўлмади...

**190-машқ.** З.М.Бобур қаламига мансуб туюқлардан берилган намуналарни ўқинг. Ажратиб кўрсатилган сўзларнинг маъносини изоҳланг.

Жонға солди даҳр ғурбат **норини**,

Кўз ёшим бўлди мўғулнинг **норини**.

Бу арода мен дегандек бўлмаса,

Кўзлай Иссиқ кўлу андин **норини**.



То кўнгул бердим ўшал қайсарига,  
Борганини билмадим қай сорига,  
Дўстлар, ёрға мени соғиндулинг,  
Солсангиз ногоҳ кулоқ қай сарига.

### Йил охиридаги такрорлаш

#### Савол ва топшириқлар

1. Гаплар тузилишига кўра қандай турларга бўлинади?
2. Боғланган кўшма гап таркибидаги содда гаплар ўзаро қандай боғланади?
3. Қайси вақтларда боғланган кўшма гапларда вергулишлатилади ва қайси вақтларда ишлатилмайди?
4. Эргаш гапли кўшма гаплар қандай гаплардан ташкил топади?
5. Эргаш гаплар бош гапга қандай воситалар билан боғланади?
6. Бош ва эргаш гапларнинг ўрни ва уларда тиниш белгиларининг ишлатилишини изоҳланг. Эргаш гапнинг бош гап ўртасида келган ҳолатига доир мисоллар келтиринг.
7. Эргаш гапнинг турларини сананг. Феълнинг шарт майли кўшимчаси *-са* қайси эргаш гапларни бош гапга боғлашда иштирок этади?
8. Эргаштирувчи боғловчилар (*чунки, шунинг учун*) қандай эргаш гапни бош гапга боғлайди? Фикрингизни мисоллар асосида изоҳланг.
9. Бир неча эргаш гапли кўшма гаплар ҳақида нималарни билиб олдингиз?
10. Бир неча эргаш гапли кўшма гапларни оғзаки нутқингизда қўллаб кўринг ва буларни қатнаштириб ўзингиз хоҳлаган мавзуда эссе ёзишга тайёрланг.
11. Боғловчисиз боғланган кўшма гапларда қандай тиниш белгилари ишлатилади? Икки нуқта (:) ва тире (-) нинг қўлланишига оид мисоллар келтиринг.
12. Адабий тил услублари нима? Услубларнинг бир-биридан фарқни кўрсатиш учун турли услубларда яратилган матнлардан келтиринг.
13. Ўзбек тилининг туркий тиллар тизимидаги ўрни қандай?
14. Ўзбек алифбоси тарихи хусусида нималарни биласиз?
15. Ўзбек адабий тилининг шаклланиши ва тараққий этишида қайси мутафаккирларнинг ўрни бекиёс?

**191-машқ.** Гапларни хис-хаяжон билан ўқиб, нукта ўрнига ундов белгиси қўйинг. Гап мазмунида бўлган ўзгаришни оғзаки баён қилинг.

1. Наврўз байрамингиз муборақ, дўстлар. 2. Нима қилсангиз ҳам майли, фақат тезроқ ҳал қилинг, ўртоқ судья. Менинг бирдан-бир ўтинчим – шу. 3. Менинг билганларим шу бўлса, билмаганларим, эшитмаганларим қанчадан-қанча. 4. Салом, янга, ҳорманглар, мана бир гала бўлиб ҳол-аҳвол сўрагани келдик. (Ч.А.) 5. Яхши, у ўзбекча жавоб қилсин, сиз таржима қилинг. 6. Давлатпаноҳ, Ўшдин беш нафар чопар биз сари келмиш. (Қ.М.) 7. Энди, катталик эмас, эркалик, ака, бир хизмат қиласиз-да. Хўп денг, ака. Оққўрғондан дараклаб келдик, йўқ деманг, ака, биз ҳам тушунадиган одаммиз. (Ў.Ҳ.)

**192-машқ.** Куйидаги гапларнинг кесимига кесимликни кўрсатувчи қўшимча, боғлама ёки тўлиқсиз феъл қўшиб, эга ва кесим орасидаги тире (–) ни тушириб қолдириг.

1. Ватан тақдири – ҳар бир кишининг тақдири. 2. Умр – ариқдан оққан сув. 3. Шошқалоқлик – хатонинг онаси, ғазаб – нодонликнинг отаси. 4. Маслаҳатсиз иш – ўринсиз ташвиш. 5. Имон ва эътиқод – калбнинг маҳсули. 6. Инсонни фош қилувчи ўзининг – тили. 7. Бугунги меҳнат эртанинг осойишталиги. (М.) 8. Шолғом – бутгуллилар оиласига кирувчи илдизмевали сабзавот. 9. Жисмоний меҳнат – соғлик гарови.

**193-машқ.** Ўқинг. Гаплар кесимидаги кесимликни кўрсатувчи қўшимча, боғлама ёки тўлиқсиз феълни тушириб қолдириг, эга ва кесим орасига тегишли белги қўйинг.

1. Тил поклиги қалб гўзаллигидир. 2. Ялқов ўз оиласи учун чўғсиз оловдир. 3. Узун тил бошга тўқмоқ, бўйинга сиртмоқ бўлади. 4. «Ўтган кунлар» муҳаббат ҳақида яратилган, эскирмайдиган, замонлар тўфонига бардош бера оладиган кўшиқдир. (М.Қўшжонов) 5. Д.И. Менделеевнинг элементлар даврий тизимини тузиши кимё фанининг буюк муваффақиятидир. (Журн) 6. Одамларнинг руҳини кўтариш тўғрисида ўйлаш одамийлик белгисидир. (Р.У.) 7. Одоб – ёшликнинг хусни, қариликнинг нуридир. 8. Қалбларга чирок ёқувчи ҳам, бор чирокни ўчирувчи ҳам тилдир. 9. Ёшликдаги ноҳўя ҳаракат қариликнинг шикастидир. (Ҳ.)



**194-машқ.** Ўқинг. Уюшиқ бўлақлар орасига кўйилган вергулни «ва» ёки «хамда» боғловчиси билан алмаштириб кўчириг.

1. Назаримда, дунёда Дуйшэндан ўтар олим, ундан ўтар ақлли одам йўқ эди. (Ч.А.) 2. Сув остидаги ранг-баранг тошлар, ўйнаб юрган балиқчалар ўзини кўз-кўз қиларди. 3. Чўпоннинг чуқур кўзлари кўп ғам чеккан одамникидай сўлгин, кексанамо. 4. Такдир менга мард, танти, фозил дўст берди. (П.Қ.) 5. Байрам куни ҳамма бизнинг янги дўппимизга, кўйлагимизга хавас билан қараётгандек туюларди. 6. Ўйин-кулги, шодон шовқин осмонни титратарди. (Ў.Ҳ.)

**195-машқ.** Ўқинг. Гапларни уюшиқ эгалар билан кенгайтириб кўчириг.

1. Жимликни болаларнинг шовқини бузарди. 2. Бу ернинг узумлари новвотдай ширин бўлади. 3. Тўйхонада яна кўшиқ бошланди. 4. Боғимизда ўрик гуллади. 5. Дилноза парваришлаган атиргуллар чаман бўлиб очилди.

**196-машқ.** Ўқинг. Гапларни аммо, лекин, бироқ боғловчилари ёрдамида уюшиқ кесим билан кенгайтириг.

1. Оксокол бир нима демоқчи бўлди. 2. Нигора бу хушхабарни дархол дугонасига айтди. 3. Нодира синчиклаб қаради. 4. Зумрад бўлиб ўтган воқеалардан хабардор эди. 5. Бобоси уни анчагача кутди.

**197-машқ.** Ундалмани гап бошига ва охирига кўчириб ўқинг. Унинг гап мазмунига қандай таъсир этганини айтиг.

1. Йўқ, ойи, мен қайтиб бормайман. (Ў.Ҳ.) 2. Гапиравер, Тўлғаной, гапиравер. Бугун сўз сенга. Ҳикоянгни давом эттиравер. (Ч.А.) 3. Жуда уят бўлди-да, Мирзам, ҳаммамиз маломатга қолдик! (П.Қ.) 4. Юринг, шоир, гап бор. (С.А.) 5. Қани, шахзода, отдан тушинг. (Т.Қ.)

**198-машқ.** Уюшиқ бўлақларнинг гапдаги вазифасини аниқланг ва тагига чизинг.

1. Ақлли одам кўрганидан ибрат ва эшитганидан сабоқ олади. (Ҳ.) 2. Кечга томон бир зумда шамол, чанг-тўзон кўтарилди. 3. У тепаликдаги чуқур нам қорга кирди. (Ш.Х.) 4. Қушлар каттакон сувсиз саҳродан учиб ўтдилар. 5. Дадам

жуда ақлли, юраги тоза, одамларга меҳрибон бўлган. 6. У эски мактабда пишиқ маълумот олган, ўқиш-ёзишни яхши билган, зехни ўтқир, жуда саводли бўлган. (3. Саидносирова)

**199-машқ.** Умумлаштирувчи сўзларнинг гапдаги вазифасини аниқланг ва тагига чизинг. Тиниш белгиларнинг қўлланилишига диққат қилинг.

## I

1. Атрофдаги барча нарсалар: барра ўтлар ҳам, ёмғир сувида ювилган япроқлар ҳам, дарахтларнинг қоп-қора таналари ҳам ой нурида ярақлаб кетди. 2. Меҳнат одамларни учта фалокатдан: ҳасад, муҳтожлик, касалликдан халос қилади. (Ҳ.) 3. Наҳотки, у ҳам фарзандидан, ҳам Муқаддамдан, ҳам истеъдодидан – ҳамма-ҳаммасидан бир йўла айрилган бўлса! (Ў.Ҳ.) 4. Аммамлар, амакиваччалар – барчалари хурсанд бўлиб кетишди. (Ш.Х.) 5. Бутун оила аъзолари: бувиси, дадаси, ойиси, икки акаси хонтахта атрофида ўтиришарди. 6. Бинафшалар, лолалар – баҳор гуллари очилди. 7. Ер ҳайдаш, ариқ-зовурни техника ёрдамида тозалаш, чигит экиш, ғўзаларга ишлов бериш ... – ҳамма-ҳаммаси муҳандиснинг зиммасида. (Ж. Қурашев)

## II

1. Катта-кичик, эркак-аёл – ҳамма кўчага чиқиб олган. 2. Маҳалла оқсоқолининг олдига турли одамлар: дўкондорлар, косиблар, қассоблар маслаҳат сўраб келишарди. 3. Қўшиқ садолари унинг қулоғи тагида борган сайин қаттиқрок жаранглар, дунёдаги ҳамма нарсани – майни ҳам, пулни ҳам, ташвишларни ҳам унутишга, ширин ўтмишни эслашга мажбур қила бошлади. (Ў.Ҳ.) 4. Бу анжуманга зиёлиларнинг турли вакиллари: фан ва маданият арбоблари, адабиёт ва санъат кишилари, ўқитувчилар, врачлар тўпланган. 5. Шўрванинг эти, мойи, суви – бари сизники бўлади-ю, яна нима дейсиз? (О.) 6. Тўйга қовурма чучвара пиширишми, қатлама қилишми, куёв-келиннинг бошидан сочқи сочишми – ҳаммаси онасининг зиммасида эди. 7. Яна уч нарсага: тилга, нафсга, хирсга эҳтиёт бўлмоқлик ғоятда зарур, дерди у. 8. Муборак жума куни Самарқанд аҳли: катта-ю-кичик масжиди жомеда жам бўлдилар. (Х.Д.)



**200-машқ.** Ўқинг. Уюшган ва уюшмаган аниқловчиларни белгиланг. Тиниш белгиларининг қўлланилишини изоҳланг.

## I

1. Фафур Фуломни ҳамиша кулиб, кулдириб юрадиган кувнок одам деб билардим. (С.А.) 2. Бу новча, киррабурун, кўп саргузаштларни бошидан кечирган йигит бизни Бухорога чин дилдан таклиф этди. (Ш.Х.) 3. Қизнинг тухум оқидай губорсиз юзидан кўз узолмади. (Т.Х.) 4. Уйдан узун, юпка чопон кийган қора кош, қизил юз бир одам чикди. (С.З.) 5. Ақобирнинг назарида, Ҳасан кал пулдор, бойвачча қиёфасида кўринди. (Ш.Х.) 6. Кўзойнакли ёшгина йигит уларга ниманидир хикоя қилмоқда. (С.А.) 7. Боғнинг тўрт томонини ўраган баланд янги пахса девор бўйлаб шафтолилар ўсади. 8. Оксоқол елкада хуржун тўла бахмал, атлас, ҳар хил тугма, зирак, балдоқлар билан маҳалла айланарди. (С.А.)

## II

1. Ўтирган одамларни оралаб қора кўйлак кийган новча хотин югуриб келмоқда эди. (Т.Қ.) 2. Ер юзига ёмғирнинг дастлабки йирик-йирик томчилари келиб тушди. 3. Ариқнинг ўнг қирғоғида шохлари ҳар тарафга тарвақайлаб кетган каттакон ёнғоқ бор эди. (С.А.) 4. Типратикон ювош кўрингани билан йирик заҳарли илонлар ва қорамолларга ҳам қаршилиқ кўрсата олади. (Журн.) 5. Ақобир зеҳнли, андишали, бир сўзли ва кўнгли ярим йигит эди. 6. Энг яхши ёзувчилар ҳамма вақт одам ҳаёти, одам камолоти, одам тақдири ҳақида ўйлаган. (Ас.М.) 7. Совуқ, хунук увиллаган товуш янграб, хавода тарқалиб кетди. (Ч.А.) 8. Ўрта бўйли, хипчадан келган бу йигит қурилишда ишлар эди. 6. Инсон табиат билан иноқ, уйғун яшаши, унга қўполлик қилмаслиги керак. (Ас.М.)

**201-машқ.** Алишер Навоийнинг «Махбубул-қулуб» асаридан келтирилган мақол ва ҳикматларни ўқинг. Қўшма гапларни ажратиб, турини аниқланг.

- Қозонга яқин юрсанг, қароси юқар,  
Ёмонга яқин юрсанг, балоси юқар.
- Тилга ихтиёрсиз – элга эътиборсиз.
- Вафосизда ҳаё йўқ, ҳаёсизда вафо йўқ.
- Эр кишига зебу зийнат ҳикмат ва донишдир.

• Душман гуруридин гам ема ва маддох хушомадин чин дема.

• Хўб йиртиқ тўн била ҳам хўб, гул ямоғлиғ чопони била махбуб.

• Билмагани сўраб ўрганган олим ва орланиб сўрамағон ўзига золим.

• Оз-оз ўрганиб доно бўлур, қатра-қатра йиғилиб дарё бўлур.

• Сихат тиласанг кўп ема, иззат тиласанг кўп дема.

• Яхши либос танга оройиш, яхши йўлдош жонга осойиш.

• Кўнгил маҳзанининг қулфи тил ва ул маҳзаннинг калидин сўз бил.

**202-машқ.** Куйида берилган мақолларнинг мазмунини шархланг ва синтактик таҳлил қилинг..

Темирни кизифида бос. Қолган ишга қор ёғар. Ош мазаси –туз билан. Киши оласи ичида, йилки оласи сиртида. Она юртинг омон бўлса, рангу рўйинг сомон бўлмас. Юрт кўрисанг, ўзарсан, кўримасанг, тўзарсан. Тулки ўз уясига қараб хурса, кўтир бўлади. Ялқовга эшик остонаси ҳам тоғ тепасидек кўринади. Ер хайдасанг, куз ҳайда, куз ҳайдамасанг, юз ҳайда. Отанг мироб бўлгунча, еринг қуйи бўлсин.

**203-машқ.** Матнни ўқиб, мазмунини сўзланг. Аввал кўчирма гап иштирок этган жумлаларни кўчиринг. Сўнгра уларни ўзлаштира гапга айлантириб ёзинг.

### **«Манас» – қирғиз халқининг қаҳрамонлик эпоси**

«Манас» қирғиз халқининг қаҳрамонлик эпоси бўлиб, у генеологик циклдаги эпик трилогия – «Манас», «Семетей», «Сейтек»дан ташкил топган; уларда дoston бош қаҳрамони Манас, унинг ўғли Семетей, Семетейнинг ўғли Сейтеklarнинг қаҳрамонона орқали қирғиз халқининг турмуши кенг тасвирланади. Дoston қирғиз халқининг ўнлаб асрлик тарихий кечмишини бадиий гавдалантиради.

«Манас» дostonида тасвир кўлами ҳам ниҳоятда кенг; унда қирғиз халқи ўтмиш ҳаётининг деярли барча соҳалари қамраб олинган. Дostonни илк бор ёзиб олган Ч. Валихонов



уни «Чўл Илиадаси» деб атаган эди. «Манас» – деб ёзади у, – қирғизларнинг барча мифлари, эртаклари, ривоятларини бир даврга мувофиқлаштирилиб, ягона шахс – баходир Манас теварагида уюштирилган энциклопедик мажмуадир... Қирғизларнинг турмуш тарзи, урф-одати, географияси, диний ва табиий билимлари, халқаро алоқалари бу улкан энциклопедияда ўз аксини топган».

Улуғ қозоқ олимнинг бу фикрларини ҳозирги тадқиқотчилар ҳам тўла қувватлашади. «Манас» – миллий қомус ҳамдир, – деб ёзади Й.Хатунцев, зеро унда ҳамма нарса – доривор гиёҳлардан тортиб фалсафий ақидаларгача мавжуд.

Эпоснинг биринчи қисмида Олтойга сургун қилинган халқ босқинчи ёвларнинг зулмидан озод бўлиб, қирғиз халқининг ўтмишдаги идеал қаҳрамони, афсонавий йўлбошчиси – Манас бошчилигида Олатовга қайта кўчиб келиши, кўплаб ташқи душманларга қарши кураши тасвирланади. «Семетей» билан «Сейтек»да эса тасвирнинг афсонавий-қаҳрамонона руҳи бироз пасайиб, биографик мавзу кенгроқ ўрин олади, бунда «ички ёвлар»га кураш мотиви асосий ўринга чиқади.

Достоннинг асосий пафоси – миллий-ватанпарварлик ғоясини тараннум этишдир. Шунинг учун ҳам Чингиз Айтматов уни «Қадимги қирғиз миллий руҳининг сарбаланд чўққиси» деб атаган эди.

Фольклор асари сифатида «Манас» қаҳрамонлик эпоси жанрининг энг мукамал намуналаридан бири саналади. Достонда турли даврларга хос эпик қатламлар сақланиб қолган. Ундаги қадим афсона ва мифлар ҳам асар бадиий тўқимасига қўшилиб кетган. Ўз вақтида В.В.Радлов «Манас» эпосини ўрганиш қаҳрамонлик эпоси шаклланишини англашда бой материал беради, деб ҳисоблаган эди. Чиндан ҳам жонли эпик анъаналарнинг бугунги кунгача сақланиб қолганлиги бунда катта роль ўйнайди. «Манас» ҳозирги замонда – телевидение ва китоб асрида ҳам ижро этиладиган ер юзидаги энг ноёб эпослардан биридир, – деб ёзади В.Хатунцев. Тадқиқотчиларнинг «Манас» эпоси ҳақидаги кўпдан-кўп фикрларини эътироф этган ҳолда, айтиш лозимки, «Манас» эпоси қаҳрамонлик эпосларининг энг баркамол намуналаридан биридир.

«Манас» бошқа жуда кўп туркий халқларнинг шу типдаги дostonларидан бадий шакл хусусиятлари ва ижро усулининг бошқачалиги билан ҳам фаркланиб туради. Чунончи, унинг матни бошдан - оёқ шеърий шаклда бўлиб, насрий парчалар деярли учрамайди. Дoston эл орасида «манасчи» деб улуғланадиган оқинлар томонидан чолғу асбоби жўрлигисиз регетатив тарзда, имо-ишора, оҳанг ва қўл ҳамда гавда ҳаракатига таянган ҳолда ижро этилади.

«Манас» эпосининг жуда кўп вариантлари бор. Ҳажми эса икки миллион мисрадан ошади... (*Журн.*)

**204-машқ.** Ҳар бир гапнинг аввал бош бўлақларини, сўнг сўз бирикмаларини тартиб билан (мослашув, бошқарув, битишув) кўчириб ёзинг.

1. Мехнаткаш одам фиск-фасод гапларни билмайди. (*Ҳ.*)

2. Мехнаткаш қўл эҳсон сўрамас. (*Арман мақоли*)

3. Ўз тили тагида махфийдир одам. (*Ф.А.*)

4. Аҳмоққа мактов ёқади. (*С.*)

5. Юзта хумдаги тиниқ сувни бир томчи сирка ачитади. (*Бедил*)

6. Дунёни куч бошқармайди, ақл бошқаради, аммо ақл кучга таянади. (*Паскаль*)

**205-машқ.** Кўчирма гапларни ўзлаштирма гапга айлантириб ёзинг. Бунда рўй берган грамматик ўзгаришларни изоҳланг.

1. «Ўз камчилигини сезмаслик – нодонлик», – деган эди Л. Толстой.

2. Наполеон: «Хазинаси бор одам бой эмас, хазинасидан фойдаланадиган одам бойдир», – деган эди.

3. «Мактаб – ёшлик гулшани, – деди донишманд, – болалар эса унинг ранго-ранг бебаҳо ниҳоллари».

4. Ўткир Ҳошимов шундай дейди: «Обрў топишнинг энг тўғри йўли – камтарлик».

5. Улуғ саркарда, ватандошимиз З.М.Бобур: «Фарғона вилоятида сафо ва ҳавода Ўш чоғлик қасаба йўқтур», – деган эди.

6. Ота ўғлига: «Кимнинг ҳиммати баланд бўлса, унинг қадр-қиммати ҳам баланд бўлади», – деди.



**206-машк.** Тиниш белгиларини кўйинг, сабабини тушунтиринг.

1. Билим маърифат албатта яхши ахлоқ билан безатилмоғи лозим. (Х.) 2. Сўз фикрни ифодалайди фикр равон бўлмаса сўз ҳам мужмал бўлади. (Белинский) 3. Камтар бўлдинг – гавҳар бўлдинг. (М.) 4. Ким ҳеч кимни севмаса менимча уни ҳам ҳеч ким севмайди. (Демокрит) 5. Устига кийган бекасам тўни ўзига шундай ярашганки биз қизлар ихтиёрсиз унга қарадик. (А.Қод.) 6. Кўз кўзга тушса меҳр кўзғолур. (М.) 7. Февралнинг охирлари қорлар эриб киш чекина бошлаган аммо ҳали кўклам келмаган. (Ў.Х.) 8. Бўшамаса тил гийбатдан

Бўшамайди дил уқубатдан. (Ф.Амтор)

**207-машк.** Ўқинг. Уюшиқ бўлақларни аниқланг. Қайси гап бўлақлари уюшганини изоҳланг. Шеърни ёд олинг..

### Қирғизистон

... Ўтлоқлар тиззадан, даралар сулув,  
Кўлларида сузар суксур ва оққув.

Қаёнига борма – булоқ тиниқ сув,

Қаёнига борма – омон-омон бу –

Қирғизистон бу!

Лоланинг оқини кўрдим бу юртда,

Зумрад кўк токини кўрдим бу юртда.

Жўмард бир сакийни кўрдим бу юртда...

Иссик кўл эмас бу – чексиз омон бу –

Қирғизистон бу!

Қишлари оппоғу, ёзлари салқин,

Қирғиз кўзларида ярқирар ёрқин.

Меҳнат, манглай тери оқин ва оқин,

Юз элдан келганга илиқ ошён бу –

Қирғизистон бу!

(Миртемир)

**208-машк.** Ўқинг. Уюшиқ бўлақли гапларни кўчириг. Қандай бўлақлар уюшганини аниқлаб, тагига чизинг.

### Фарғона тонг отгунча

... Қишлоғини томоша қилиб келаётган Фуломжон :

– Жаннат, жаннат дейишади-ю, жаннат деганлари Қора-булоғимиздан яхшимикан, – деди у ўзида йўқ қувониб...

...Фуломжон турган ерида тахта бўлиб қотиб қолди. Кўзлари рўпарада, рўпарасида кўриб турган дўзах азобида. Ана, кўшнинг бир томонида кир, ямоқ пойчаларини шимариб олган ярим яланғоч нимжон эркак. У кўшнинг кўндаланг ёғочини гоҳ чап елкаси билан, гоҳ ўнг елкаси билан чираниб итаради.... У чикалдак оёқларини ерга қадаб, ёғочни итаради ва сира тинмай кичик ўғлига буюради:

-Ҳайда бўтам, ҳа, бўшаштирма, бўшаштирма!... (М. И.)

**209-машқ.** Ўқинг. Аввал икки бош бўлакли гапларни, сўнг бир бош бўлакли гапларни кўчиринг.

1. Инсон меҳнати билан улуғланади. (М.)
2. Инсонни билиш учун уни севиш керак. (Фейербах)
3. Баҳорга ҳам, тонгга ҳам оналар меҳр улашганлар. (Ҳ.)
4. Ақлли бўлишнинг ўзи кифоя эмас, ақлни ишлата билиш керак. (Цицерон)
5. Ҳазилни ҳам тузга ўхшаб меъёрида ишлатиш керак. (Пифагор)
6. Ақлли жавоб олишни истасанг, ақлли савол бер. (Гёте)
7. Тилнинг ақлдан олдин кетишига йўл қўйма. (Хилон)
8. Уруш! Номинг ўчсин жаҳонда,  
Ҳамон битмас сен солган алам! (З.)
9. Тўғрини де, тўғрини кўр, тўғри юр,  
Тўғри эшит, тўғри гапир, тўғри тур. (А.Ж.)

**210-машқ.** Ўқинг. Гап бўлаклари билан грамматик алоқага кирмаган сўзларни аниқлаб, турини айтинг.

1. Муқаддас эса (ажабо!) гўё ҳеч нарсани сезмас, у нимагадир севинар, ҳадеб куларди. (О.Ё.)
2. Ота-онага нисбатан хурмат ва муҳаббат, ҳеч шубҳасиз, муқаддас туйғудир. (Белинский)
3. Орадан зум ўтмай, Умриниса билан Салима (Шерхўжа буларни танимайди) боғ ичига кириб кетдилар. (Ҳ.Ғ.)
4. Меҳрингни соч менга, она табиат! (Ч.А.)
5. Эй, биров қасдига чоҳ қазган инсон,  
Оқибат ўзингга қўясан қопқон. (Румий)
6. Бу баҳор айёмида, гул-гунчалар, ҳандон бўлинг.  
Куйла, чал созингни, булбул, дўстларим шодон бўлинг.
7. Оқ суту тузи пок, эй она диёр!  
Сен фаҳрим, ғурурим, белимга мадор. (М. Улуғбек)



**211-машк.** Кўчиринг. Гаплар таркибидаги қавс ичида берилган қисмларга эътибор беринг. Улар нима мақсадда қўлланганини ва қандай вазифа бажараётганини айтинг.

Кўпчилик ўсимликларнинг ер остки (илдиз системаси) қисми ер устки (поя ва шохлар) қисмига нисбатан эгаллаган майдони, узунлиги жихатидан бир неча баравар ортиқ эканлиги исботланган. 2. Витамин С (аскорбин кислота) кўп қиррали аҳамияти билан бошқа витаминлардан ажралиб туради. (*Журн.*) 3. Марҳум менинг оғам эди (у буғи авлодининг ҳаммасини ўз оғаси санарди). (*Ч.А.*) 4. Ўнкунлик қатнашчилардан катта бир гуруҳи орден ва медаллар билан мукофотланибди (у пайтларда орден олиш жуда катта бахт ҳисобланарди). (*С.А.*) 5. Ерга тириклай кўмиб қўйилган, ўн кун ётиб ҳам ўлмайдиган, кавлаб олинганда юриб кетадиган фақирлар (йоглар) Ҳиндистоннинг сеҳру жодуси кўплигига уни яна бир ишонтирган эди. (*П.Қ.*) 6. Чўлбобонинг (эсингдами, Тоштемир, сен у вақтда ўттизга кирган қирчиллама йигит эдинг) боғидан келтирилган сават-сават мевалар тўй дастурхонига қўйилганда меҳмонларнинг кўзи ёнди. (*Ҳ.Ғ.*)

**212-машк.** Авлиёхон Эшоннинг «Ёмғирдан сўнг» шеърини ўқинг. Тил гўзаллиги ва тасвирлар бўёқдорлиги қайси мисралар орқали ифодаланганини аниқланг.

### Ёмғирдан сўнг

Бошдан-оёқ ҳўл бўлган дарахт  
Новдасида гул тошар бўртиб.  
Майсаларнинг устидан офтоб  
Бармоқларин олар югуртиб.

Ариқларнинг икки ёқасин  
Ишғол этар ялпиз қўшини.  
Боши узра кўтариб турар  
Нимжон гўза ёмғирпўшини.

Майин эпкин эркалаб суяр  
Шойигулнинг гунчаларини.  
Бинафшалар енги ичидан  
Узатади қўлчаларини.

Боғ устига ҳовуч ва ҳовуч  
Нур ёғилар оқшомга довур.  
Жилдираган булоқ бошидан  
Кўтарилар осмонга ҳовур.

**213-машқ.** Аввал содда гапларни сўнг кўшма гапларни кўчиринг.

1. Сахийлик бобида ҳатто қуёш ҳам оналар олдида хижолатда қолади. (Ҳ.) 2. Она қуёш, унинг меҳр тафти ҳеч қачон совимайди. (Ҳ.) 3. Онанинг дили оғриси, ер ҳам титрайди. (Ҳ.) 4. Қуёш кўтарилиб қолган, ҳайдалган ер устидан нимтатик буғ кўтарилар, тупрокнинг майин, дилни орзиқтирувчи иси димоққа урилар эди. (Ў.Ҳ.)

**214-машқ.** Матни ўқинг. Қайси нутқ услубига оидлигини айтинг. Қўлланилган тиниш белгиларининг қўйилиш сабабини изоҳланг.

Қишлоқ аҳоли яшайдиган пункт маъносидаги сўзлардан биридир. Бу сўз аслида йил фасли тушунчасини билдирувчи қиш сўзидан тарқаган: «қиш»га феъл ясовчи *-ла* (*қиш-ла*) ва ўрин-жой оти ясовчи *-қ* қўшимчалари қўшилиб, қишлоқ (*қишлаш* жойи) ҳосил бўлган.

Аждодларимиз қадимда чорвачилик билан шуғулланишган ва кўчманчиликда яшашган. Улар ёз фаслини кенг яйловларда, қиш фаслини эса, махсус масканларда – қишлов жойларида ўтказишган. Аслида, қишлоқ қишлов тарзида пайдо бўлиб, қишлаш, қишни ўтказиш жойи маъносини билдирган. Ҳозирги вақтда қишлов сўзи мустақил қўлланади ва қишлаш макони тушунчасини ифода этади. Хусусан, «Чорва қишлови» деб қўллашда унинг ана шу маъноси кўзда тутилади.

Ҳозирда қишлоқ сўзининг қиш сўзи билан боғлиқлиги унутилган. Чунки қишлоқ сўзи ифодасидаги дастлабки тушунча ҳаётдан узоқлашиб, ўз ўрнини йўқотган. Масалан, деярли барча қишлоқларнинг қишлаш макони тушунчаси билан алоқадорлиги деярли сўнган. Ўзингиз билган қишлоқларни бир тасаввур қилиб кўринг-а, ўша қишлоқлар йилнинг барча фаслида гуллаб-яшнаб, хўжаликлар марказига айланаётир. Ҳозир вилоятимизда шаҳарлар билан ҳам рақобатлаша оладиган замонавий қишлоқлар йўқ дейсизми?!



Сўз ифодалаган дастлабки маъноларнинг унутилиши, унда бошқа, янги маъноларнинг пайдо бўлиши тилда муттасил содир бўлиб турувчи конуний жараёнлардан биридир. Қишлоқ сўзининг маъноси ҳам ана шу жараён туфайли ўзгарган.

(А.Бердиалиев)

**215-машқ.** Шеърни ифодали ўқинг. Ажратиб кўрсатилган бирикмаларнинг қандай маънода қўлланганини изоҳланг.

Мен шунчаки ўйлагим келмас,  
Хаёл — шароб мисол, қилсин сархуш, маст.  
Мен шунчаки куйлагим келмас,  
Овоз пардаларим чидаб берса бас.  
Шунчаки кулмоқ ҳам истехзодек гап,  
Бирдан қах - қах урай, чўчиб кетсинлар  
Бошларига осмон тушгандай қулаб,  
Ғафлат бандалари ёқа тутсинлар.  
Шунчаки йиғлаш ҳам ярашмас бизга,  
Уни эплар фақат юраги тошлар.  
Шундай йиғлай, хожат қолмасдан сўзга,  
Қурғоқ кўзлардан ҳам куйилсин ёшлар.  
Шунчаки ёзмоққа кўнгил тўлмайди,  
Шунчаки ёзмоққа бормайди кўлим.  
Шунчаки ёзганга чидаб бўлмайди,  
Шунчаки ёзмоқ бу – шоирга ўлим. (Ҳ. Худойбердиева)

**216-машқ.** Матнни ўқинг. Уюшиқ бўлакли гапларни кўчиринг. Боғловчи воситаларнинг тагига чизинг. Тиниш белгиларининг қўлланишига диққат қилинг.

Халқимиз бой ва кўхна тарихга эгадир. Тарих саҳифаларини варақлар эканмиз, жаҳон маданиятига катта ҳисса қўшган, ўзбек халқи маданиятини жаҳонга танитган ажойиб аجدодларимиз борлигига гувоҳ бўламиз.

Ўзбек халқи тарихида салоҳиятли шоҳ бўлиш билан бирга илм-фан билан, санъат билан шуғулланган ва улкан мерос қолдирган шахслар талайгинадир. Ҳусайн Бойқаро, Бобур, Улуғбек, Шайбоний, Феруз, Умархон каби шахслар ана шундай бекиёс талант соҳиблари бўлганлар. Улар ичида Ҳусайн Бойқаро алоҳида ўринга эгадир.

Унинг ҳаёт йўли, ижодий мероси ҳақида Бобурнинг «Бобурнома», «Мирхонднинг «Равзат-ус сафо», Хондамирнинг «Макорим-ул ахлоқ», «Хулосат-ул ахтар», Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матла-ул саъдайн», Восифийнинг «Бадое-ул вақое», Навоийнинг барча асарларида, хусусан, «Тарихи мулуки Ажам», «Мажолис-ун нафоис», «Муҳокамат-ул луғатайн» сингари асарларида маълумотлар бор.

Ҳусайн Бойқаро Темур авлодидан бўлиб, Мирзо Мансур бинни Мирзо Бойқаро ўғлидир. Султон Ҳусайн Мироншоҳга набира бўлади. Онаси эса Темурнинг набираси Ферузабегим эди. Кўринадики, Ҳусайн Бойқаро ҳам ота тарафдан, ҳам она тарафдан Темур авлодига мансубдир.

Ҳусайн 7 ёшга етганда, отаси Султон Фиёсиддин Мансур вафот этди. У 14 ёшгача онаси тарбиясида бўлиб, сўнг Абулқосим Бобур саройида хизмат қилади. Кўп жангу жадалларни, дарбадарликни бошидан кечиради. Астрабодни эгаллаб, тахтга ўтиради. Олтин пулларга ўз суратини чиздириб, ўз мустақиллигини тасдиқ эттиради. Курашлар оқибатида Ҳирот тахтини эгаллаб, узоқ йиллар тахтда муқим бўлиб қолади. Ҳусайн Бойқаро Ҳиротда тинчлик ўрнатгач, улкан ободончилик ишларини амалга оширади. Бобур тили билан айтганда, Султон Ҳусайн замонида «Мирзонинг тасарруфидин ва такаллуфидин» Ҳиротнинг зеб ва зийнати ўн маротаба, балки йигирма марта ортган эди.

Ҳусайн Бойқаро Амир Темур сингари юртни обод қилмоқ, санъат ва адабиёт тараққиётига равнақ бериш ишига катта ҳисса қўшди.

Ҳусайн Бойқаро даврида Ҳирот бутун Шарқда илм, санъат ва адабиётнинг яшнаган марказига айланди.

Султон Ҳусайннинг катта хизматларидан бири шундаким, мамлакатда ўттиз йилча нисбий тинчлик ўрнатишга муваффақ бўлди. Оқибат, маданий ҳаёт гуллаб яшнади.

*(Б.Жалилов)*



## ШАРТЛИ ҚИСҚАРТМАЛАР

<i>А.О.</i> – Абдулла Орипов	<i>Р.У.</i> – Раҳим Усмонов
<i>А.Қ.</i> – Абдулла Қаххор	<i>С.А.</i> – Саид Аҳмад
<i>А.Қод.</i> – Абдулла Қодирий	<i>С.Айн.</i> – Садриддин Айний
<i>А.Ж.</i> – Абдурахмон Жомий	<i>С.З.</i> – Саида Зуннунова
<i>А.Н.</i> – Алишер Навоий	<i>С.</i> – Саъдий
<i>Ас.М.</i> – Асқад Мухтор	<i>Т.М.</i> – Тоҳир Малик
<i>Газ.</i> – Газетадан	<i>Т.Қ.</i> – Тологон
<i>Журн.</i> – Журналдан	Касимбеков
<i>З.</i> – Зулфия	<i>У.</i> – Уйғун
<i>И.Р.</i> – Иброҳим Раҳим	<i>Х.Д.</i> – Хуршид Даврон
<i>Л.Т.</i> – Лев Толстой	<i>Э.А.</i> – Эркин Аъзамов
<i>«М.»</i> – «Манас» эпоси	<i>Э.В.</i> – Эркин Воҳидов
<i>М.</i> – Мақол	<i>Энцикл.</i> – Энциклопедия
<i>М.И.</i> – Мирзакалон	<i>Ч.А.</i> – Чингиз Айтматов
Исмоилий	<i>Ш.Р.</i> – Шавкат Раҳмон
<i>М.М.</i> – Мирзохид	<i>Ш.Х.</i> – Шукур
Мирзараҳимов	Холмирзаев
<i>М.О.</i> – Миркарим Осим	<i>Ш.</i> – Шуҳрат
<i>Мирм.</i> – Мирмуҳсин	<i>Ў.Ҳ.</i> – Ўткир Ҳошимов
<i>Мирт.</i> – Миртемир	<i>«Қ.»</i> – «Қобуснома»
<i>М.Ю.</i> – Муҳаммад Юсуф	<i>«Қ.Б.»</i> – «Қутадғу билиг»
<i>Н.Ф.</i> – Носир Фозилов	<i>Қ.М.</i> – Қўлдош Мирзо
<i>О.Ё.</i> – Одил Ёқубов	<i>Ҳ.Н.</i> – Ҳаким Назир
<i>О.</i> – Ойбек	<i>Ҳ.</i> – Ҳикмат
<i>П.Қ.</i> – Пиримкул Қодиров	<i>Ҳ.О.</i> – Ҳамид Олимжон
<i>Р.</i> – Рудакий	<i>Ҳ.Ғ.</i> – Ҳамид Фулом
<i>Р.Н.Гун.</i> – Рашод Нури	
Гунтегин	

## МУНДАРИЖА

1-§ Ўқув йили бошида такрорлаш.....	3
2-§. Синтаксис ва пунктуация.....	5
3-§. Сўз бирикмаси.....	7
4-§. Гап.....	13
5-§. Содда гап.....	15
6-§. Тўлик ва тўлиқсиз гаплар.....	16
7-§ Бир бош бўлакли гаплар.....	23
8-§. Атов гаплар.....	27
9-§. Уюшиқ бўлакли гаплар .....	30
10-§. Уюшиқ бўлақларнинг ўзаро боғланиш йўллари.....	32
11-§. Уюшиқ бўлақларда тиниш белгиларининг ишлатилиши.....	33
12-§ Уюшиқ бўлақларда умумлаштирувчи сўз ва тиниш белгиларининг ишлатилиши.....	34
13-§ Ажратилган бўлакли гаплар.....	39
Такрорлаш учун топшириқлар.....	43
14-§. Ундалма.....	44
15-§. Ундалмали гапларда тиниш белгиларининг ишлатилиши .....	46
16-§ Кириш ва киритмали гаплар.....	51
17-§. Кўчирма ва ўзлаштирма гап.....	58
18-§. Кўчирма гапларнинг ўрни ва уларда тиниш белгиларининг ишлатилиши.....	59
19-§. Кўчирма ва уларда тиниш белгиларининг қўлланилиши.....	64
20-§. Диалог ва унда тиниш белгилари.....	67
21-§. Қўшма гап ва унинг турлари.....	69
22-§. Боғланган қўшма гаплар.....	72
Такрорлаш учун топшириқлар.....	77
23-§. Эргаш гапли қўшма гаплар.....	79
24-§. Эргаш гапнинг ўрни ва унда тиниш белгиларининг ишлатилиши.....	81
25-§. Эргаш гапнинг бош гапга боғланиш йўллари.....	83
26-§. Эргаш гапнинг турлари.....	86
27-§. Бир неча эргаш гапли қўшма гап.....	95
28-§. Мураккаб қўшма гаплар.....	99



29-§. Боғловчисиз қўшма гаплар ва уларда тиниш белгиларининг ишлатилиши.....	105
30-§. Қўшма гап услубияти.....	112
31-§. Боғланган қўшма гаплар синонимияси.....	115
32-§. Эргаш гапли қўшма гапларда грамматик воситалар синонимияси.....	117
33-§. Боғловчисиз ва боғловчили қўшма гаплар синонимияси.....	121
34-§. Адабий тил услублари.....	122
35-§. Сўзлашув услуби .....	125
36-§. Расмий-идоравий услуб.....	126
37-§. Илмий услуб.....	127
38-§. Публицистик услуб.....	129
39-§. Бадиий услуб.....	130
Такрорлаш учун топшириқлар.....	133
40-§. Матн – энг йирик синтактик бирлик.....	137
41-§. Туркий тиллар. Ўзбек тилининг туркий тиллар тизимда тутган ўрни.....	140
42-§. Ёзувларнинг пайдо бўлиши ва тараққиёт босқичлари. Ўзбек алифбоси тарихи.....	145
43-§. Ўзбек адабий тилининг шаклланишида М. Қошғарий ва «Девону луғотит турк» асарининг ўрни .....	149
44-§. А.Навоийнинг она тили ривождаги амалий хизматлари.....	150
45-§. “Муҳокаматул-луғатайн” ва унинг ўзбек тили тараққиётида тутган ўрни.....	151
46-§. Ўзбек адабий тили тараққиётида З.М.Бобурнинг ўрни.....	153
Йил охиридаги такрорлаш.....	155

Оқуу басылмасы  
А. Нурманов, С. Халтураев, М. Мирзахидова,  
Д. Абдуллаева.

**ЎЗБЕК ТИЛИ**  
11-класс үчүн оқуу китеби  
(өзбек тилинде)

Ўқув нашри  
Нурмонов А., С. Холтураев, М. Мирзохидова,  
Д. Абдуллаева.

**ЎЗБЕК ТИЛИ**  
11-синф учун дарслик  
Биринчи нашри


Мухаррир: *А. Ўринбоев*  
Техник редактор: *М. Аҳмедов*  
Саҳифаловчи: *М. Болтабоева*

Босмахонага 02.05.14. берилди. Босишга рухсат этилди 20.08.2014-й.  
Формат 60x90 1/16. Uzb\_Times New Roman гарнитураси.  
Ҳажми 10,75 босма табоқ.  
7000 нусхада. Буюртма 12

«Принт-Экспресс» нашриёт-полиграфия комплекси.  
Бишкек шаҳри. Куренкеев кўчаси, 89-уй.









А. Нурмонов, С. Холтўраев,  
М. Мирзохидова, Д. Абдуллаева

# ЎЗБЕК ТИЛИ

11



КЫРГЫЗ РЕСПУБЛИКАСЫНЫН  
МАМЛЕКЕТТИК ГЕРБИ



КЫРГЫЗ РЕСПУБЛИКАСЫНЫН  
МАМЛЕКЕТТИК ЖЕЛЕГИ





## КЫРГЫЗ РЕСПУБЛИКАСЫНЫН МАМЛЕКЕТТИК ГИМНИ

Сөзү: *Ж. Садыков, Ш. Кулуевдики*  
Муз.: *Н. Давлесов, К. Молдобасановдуку*

Ак мөңгүлүү аска-зоолор, талаалар,  
Элибиздин жаны менен барабар.  
Сансыз кылым Ала-Тоосун мекендеп,  
Сактап келди биздин ата-бабалар.

***Кайырма:*** Алгалай бер, кыргыз эл,  
Азаттыктын жолунда.  
Өркүндөй бер, өсө бер,  
Өз тагдырың колунда.

Байыртадан бүткөн мүнөз элиме,  
Досторуна даяр дилин берүүгө,  
Бул ынтымак эл бирдигин ширетип,  
Бейкуттукту берет кыргыз жерине.

***Кайырма:***

Аткарылып элдин үмүт тилеги,  
Желбиреди эркиндиктин желеги.  
Бизге жеткен ата салтын, мурасын,  
Ыйык сактап, урпактарга берели.

***Кайырма:***





А. Нурмонов, С. Холтўраев, М. Мирзохидова,  
Д. Абдуллаева

# Ўзбек тили

Умумтаълим мактабларининг  
11- синфи учун дарслик

*Қирғизистон Республикаси*  
*Таълим ва фан вазирлиги тасдиқлаган*

Бишкек – 2014 йил

150/14 2014

УДК 373.167.1  
ББК 81.2 Уз я721  
У 34

*Тақризчи: ф.ф.н., доц. С.Мирзақулов*

У 34      **Ўзбек тили:** Умумтаълим мактабларининг 11-синфи учун дарслик /А.Нурмонов, **С. Холтўраев,** М.Мирзохидова, Д. Абдуллаева, – Б.: 2014.– 172 б.

ISBN 978–9967–31–213–5

Қўлингиздаги ушбу дарслик Қирғизистондаги ўзбек мактаблари учун «Дарсликлар яратиш маркази» томонидан тайёрланди. Дарслик ҳақидаги фикр-мулоҳазаларингизни «Марказ» маъмуриятига ёзма равишда билдиришингизни илтимос қиламиз.

*Бизнинг манзил: Ўш шаҳри,  
Г. Айтиев кўчаси, 25-уй*

У 4306020300-14

УДК 373.167.1  
ББК 81.2 Уз я 721

ISBN 978–9967–31–213–5

© А. Нурмонов, **С. Холтўраев,**  
М.Мирзохидова, Д. Абдуллаева, 2014.  
© ҚР Таълим ва фан вазирлиги, 2014.



# ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН!

## 1-§. Ўқув йили бошида такрорлаш

**1-машқ.** Шеърни ифодали ўқинг. Ундаги сўزلарни отлар, сифатлар... тарзида сўз туркумларига ажратиб ёзинг.

### Биринчи кўнғироқ

Пинхон орзуларим чорлаб мактабга,  
Олис истикболдан этиб илк огоҳ.  
Тенгдошларим бўй ўлчаб тизилдик сафга,  
Кўнғироқ ёқимли янгради ногоҳ.

Гўё шу илк овоз орзу-тилакка,  
Эришмоқ йўлида чакириқ бўлди.  
Гўё шу кўнғироқ гул келажакка  
Чорловчи умид ва хайкириқ бўлди.

Ҳаёт чорловига пешвозман – пешвоз.  
Ҳар куни минг турли товушлар янграр.  
Аммо қулоғимда ўша илк овоз  
Келажакка чорлаб, ҳамон жаранглар.

*(Ж. Қурашев)*

**2-машқ.** Ўқинг. Матн таркибидаги сўزلарни сўз туркумлари бўйича таҳлил қилинг. Уларнинг гапдаги вазифаларини айтинг.

### Улуғ адиб

Абдулла Қодирий (Жулқунбой) – ўзбек романчилигини бошлаб берган ёзувчи.

Қодирий Ташкентда боғбон оиласида туғилди. Эски мактабларда, сўнг (1908-1912) «Рус-тузем мактаби» да ўқийди. 1912-15 йилларда бир бой дўконида приказчилик (буйруқларни бажарувчи) қилади. Шу даврдан ижодий фаолияти бошланади. Кўп хусусий мутолаа қилади, мадрасада ўқийди, рус, араб, форс, турк тилларини ўрганади. 1924–25 йилларда Москвадаги Валерий Брюсов номли Давлат журналистлар институтида таҳсил кўради...

1923 йил «Муштум» журналинини ташкил қилишда қатнашади ва журналнинг 1-сонига бош мақола ёзади.

Ёзувчи «Калвак махзумнинг хотира дафтаридан», «Тош-пўлат тажанг нима дейди?» (1923-26), «Ўтган кунлар» (1925-26), «Меҳробдан чаён» (1929), «Обид кетмон» (1935) каби йирик сатирик асарлар, тарихий роман ва қиссалар ёзади. Рус ва ғарб классикларидан таржималар қилади.

(*Х.Қодирӣ*)

**3-машқ.** Қуйидаги гаплардан гап бўлақларини ажратинг ва таҳлил қилинг. Кириш сўзлар қандай маъноларни англатаётганини изоҳланг ва таниш белгиларини кўйиб кўчиринг.

1. Дарҳақиқат ҳаётнинг шундай қонунлари таомиллари борки улар ҳолат шароит вазият танламайди (*Х. Қуронбоев*)

2. Хуллас катта ариқ бўйи табиатан жуда гўзал, салкин, ёзнинг иссиқ кунлари киши хузур қилиб дам оладиган жой эди. (*А. Акрамхўжаев*)

3. Чамаси шундан икки кун ўтгач эрталаб овулда итлар ҳуриб, одам овозлари эшитилиб қолди. (*Ч.А.*)

4. Ёқимли хидлар киши ақлини, хотирасини ва умуман аъзойи баданини тиниқлаштиради. (*Х. Зуёев*)

5. Айниқса Саид Ҳалил Ҳумоюндан зиндон қасдини олиш учун ҳеч нарсадан қайтмаслиги аниқ. (*П.Қ.*)

6. Сабр-тоқат қилингиз албатта Тангри сабр қилувчилар билан биргадир. (*Ҳадис*)

7. У бировга тақлид қилишни хушламас эди қолаверса гавдасига кучига ишонар эди. (*Т.М.*)

**4-машқ.** «Қирғизистон мустақиллиги байрами» мавзусида иншо ёзиш учун режа тузинг ва иншонинг мазмувиغا мос эпиграф танланг.

**5-машқ.** Саволларга оғзаки жавоб беринг.

1. Грамматика неча қисмдан иборат? Унда тилшуносликнинг қандай соҳалари ўрганилади?

2. Мустақил сўз туркумлари қайсилар?

3. Мустақил сўзлар билан ёрдамчи сўзларнинг фарқи нимада?

4. Нима сабабдан кўмакчи, боғловчи ва юкламалар ёрдамчи сўзлар деб юритилади?

5. Ундов, тақлид ва модал сўзларнинг ўзига хос хусусиятлари нимада кўринади?



## 2-§. Синтаксис ва пунктуация

### Топшириқлар:

1. «Синтаксис» ва «пунктуация» атамаларини изоҳланг.
2. Синтаксис бўлимида ўрганилувчи бирликларга тўхталинг.
3. Ўзбек тилидаги тиниш белгиларини санаб беринг.
4. Нуқта, вергул ва тиренинг қўйилиш сабабини тушунтиринг.
5. Икки нуқта ва кўп нуқтанинг ишлатилишига доир мисоллар келтиринг.
6. Қўштирноқ ва қавснинг қўлланиш ўринларини изоҳланг.

Грамматика – тилшунослик фанининг асосини ташкил этиб, икки қисмдан: морфология ва синтаксисдан иборат.

Морфология сўз туркумлари ва уларнинг шаклларини ўрганади.

Синтаксис юнонча сўз бўлиб, «тузиш» деган маънони англатади. Синтаксис бобида сўз бирикмалари, гап, гап бўлақлари, гапларнинг мақсадга кўра турлари, тузилишига кўра, оҳанг ва мазмунига кўра турлари, кўчирма ва ўзлаштирма гаплар ўрганилади.

Пунктуация бўлимида тиниш белгилари ва уларнинг ишлатилиши ўрганилади.

Ўзбек тилида тиниш белгилари ўнта бўлиб, уларнинг ишлатилиши, асосан, синтаксис билан боғлиқдир.

**6-машқ.** Гапларни ўқинг. Тиниш белгиларининг қўйилиш сабабини тушунтиринг. 1, 3, 5, 6 ва 7 гапларга муносабат билдириг. Ибратомуз фикрлардан хулоса чиқариб, синфда муҳокама қилинг.

1. Истеъдод – шон шарафга етакловчи куч, ирода – истикбол йўли, ақл – йўлни ёритувчи машъал. (*Ё.Шукуров*)
2. Махтумқули – туркман шеърятининг сардори. У XVIII асрда (туғилган йили ва вафот этган санаси маълум эмас) яшаб ижод этган.
3. Насиҳат ҳам бамисоли дори; меъёрида бўлса тузатади, ошиб кетса захарлайди. (*И.Вальде*)
4. Муҳаббат шундай мўътабар, муқаддас нарсаки, уни қанча эъзозласанг, дилинг шунча равшан бўлади. (*Ё.Шукуров*)
5. «Тил халқнинг ўтган, яшаётган ва келажак авлодларини бирлаштирувчи энг унумли, энг мустаҳкам боғичдир», – деган эди машҳур педагог

К.Ушинский. 6. Араб донишмандларидан бири айтади: «Икки душман бутун ер юзига сигмайди, ammo икки дўст бир қарич ерга ҳам сиға олади». (Х.) 7. Ҳақиқат борми?! Ҳа, ҳақиқат бор! У фақат кўрқок, заиф одамлар учун йўқдек туюлади; жасур, кучли, исёнкор одамлар учун ҳамиша мавжуд. ҳаёт, турмуш курашсиз бўлмайди, зиддиятларсиз эса тараққиёт. (Журн.)

7-машк. Шеърларни ўқинг. Тиниш белгиларининг қўйилиш сабабини тушунтириб беринг.

1. Кел, кўнглим, мен сенга насиҳат қилай,  
Ватанни тарк этиб кетгувчи бўлма. (Маҳтумқули)

2. На жаннат бу, на дўзах бу,  
Аросатдур, аросатдур.  
Ҳаводек бизга даркор не?  
Фаросатдур, фаросатдур.

Сўрайман ғамзада элнинг  
Юрак дардига не чора?  
Келур ғойибдан садо: ёлғиз  
Адолатдур, адолатдур. (Э.В.)

3. Тилагим шу: нурга тўлсин толе – қуёшинг,  
Уч ёш нима, асрларни қаритсин ёшинг.  
Ойгул сенинг мадҳинг билан дилни шод этар,  
Она юртим, тўй-базмдан чиқмасин бошинг.  
(О.Абдулфайзиева)

4. Хайр, Баҳор! Алвидо, Баҳор!  
Раҳмат, оппоқ гулларинг учун,  
Шохларимга зумрад ғўралар  
Қадаб қўйган қўлларинг учун. (Ш.Р.)

5. Зор йиғлатдинг бунча ҳам, ҳайҳот,  
Менда ҳам бор сендаги сайёд...  
Эй беозор, эй мўмин жонзот  
Жайрон, нега кўзинг тўла ёш?(М.Ю.)

6. Сенга бармоғимни текизмайман, Ой,  
Сенга нафасимни етказмайман, Гул.  
Лекин осмонимдан кеткизмайман, Ой,  
Исмингни бировга айткизмайман, Гул. (И.Мирзо)



#### Топшириқлар:

Қуйида берилган гапдаги сўзларни аввал морфологик таҳлил қилинг, сўнг гапни синтактик таҳлил қилиб, сўз бирикмаларини топинг: *Серчанг, сершовқин кўчаларда одамлар дарёдай оқиб борарди.*  
(П.Қ.)

Гапни ташкил этган барча сўзлар бир-бирлари билан мазмун ва грамматик қонун-қоидалар асосида боғланади.

Гапнинг асосини эга билан кесим ташкил этади. Қолган сўзлар ё эгага, ёки кесимга боғланади.

Сўз бирикмалари икки ва ундан ортиқ мустақил сўзларнинг ўзаро тобе муносабатидан ташкил топади, Масалан: *Биз уларга юртимизнинг жамолини кўрсатдик.* (Э.Охунова)

Бу гапнинг асоси, яъни эга ва кесими – *Биз кўрсатдик.*

Сўз бирикмалари: 1) *уларга кўрсатмоқ;*

2) *жамолини кўрсатмоқ;*

3) *юртимизнинг жамоли.*

**Эслатма:** Гапни феълли сўз бирикмаларига ажратишда ҳамиша феълнинг ноаниқ шакли қўлланилади.

Гапдаги сўзлар ўзаро икки хил боғланади:

1. Тенг боғланиш.

2. Тобе (эргаш) боғланиш.

*Қадим замонларда ота-боболаримиз қуёшга, сувга, ўтга, тоғларга сизинганлар.* (Жури.)

Бу гапнинг эга ва кесими – *Ота-боболаримиз сизинганлар.*

*Қуёшга, сувга, ўтга, тоғларга* сўзлари ўзаро тенг боғланган (уларни уюшиқ бўлақлар деймиз). Уюшиқ бўлақларнинг ҳар бири кесимга тобе боғланган.

Шундай қилиб, бу гапда қуйидаги тобе боғланишлар, яъни сўз бирикмалари бор:

1) *қадим замонлар;*

2) *қадим замонларда сизинмоқ;*

3) *қуёшга сизинмоқ;*

4) *сувга сизинмоқ;*

5) *ўтга сизинмоқ*;

6) *тоғларга сизинмоқ*.

Сўз бирикмаларини гаплардан фарклаш керак.

*Ҳаво мусаффо* – йиғиқ содда гап.

*Мусаффо ҳаво* – сўз бирикмаси.

Гап мустақил фикрни билдириб, тугалланган оҳанг билан айтилади. Сўз бирикмаси эса гапни кенгайтириш учун хизмат қилади.

Тобе боғланиш уч хил бўлади: мослашув, бошқарув, битишув.

**Мослашув.** Қаратқич келишиги қўшимчасини олган сўз билан қаралмиш ўртасидаги боғланиш мослашув бўлади: *қуёшнинг нури, онанинг фарзанди, оиланинг эркаси*. Эгалик қўшимчасини олган сўз – қаралмиш ҳоким сўз бўлади. Қаратқич келишигидаги сўз тобе бўлади. Баъзан қаратқич келишигининг қўшимчаси тушиб қолиши мумкин: *мактаб ўқувчиси, юрт бошлиғи, ишлаб чиқариш илғорлари*. Ҳоким сўздаги эгалик қўшимчаси ёрдамида қаратқич келишигидаги сўз топиб олинади.

Қаратқич ва қаралмишлар доимо ёнма-ён келавермайди. Баъзан улар орасида бошқа сўзлар ҳам қўлланилиши мумкин: *Эркин Воҳидов арузинг табаррук остонасида побон янглиг пайдо бўлди. (А.О.)*

**8-машқ.** Ҳикмат. Берилган гаплардаги мослашув йўли билан алоқага кирган сўз бирикмаларини топиб ёзинг.

1. Сахийнинг эҳсонига бахилнинг боши оғрир. (М.)
2. Чолнинг баъзи сўзлари мени ўйга солди. (Р.Н.Гун.)
3. Мен одам бошлаб келганим йўқ, ҳамманинг ўз кулоғи бор. (А.Қ.)
4. Кучли одамнинг ғазабидан кўркма, ожизниқидан кўрк. (Ў.Х.)
5. Дўстларнинг хасади душманнинг хусуматидан ёмонроқдир. (Х.)
6. Ёғочнинг бўшини курт ейди доим. (М.)
7. Ҳақиқат захри ёлғоннинг асалидан яхши. (М.)
8. Табиат бойликларини асрангиз!
9. Инсоннинг сидқидилдан эл учун қилган меҳнатлари беиз қолмайди. (Ў.Х.)
10. Мен... Оллоҳнинг қулман. Исми Абдурахмон. (Т.М.)
11. Яхшиси қахрамонларнинг ўзлари ҳикоя қилиб бера қолишсин. (Ч.А.)
12. Дили тўғрининг тили



тўғри. (М.) 13. Инсондаги энг яхши хулқ-атвор одамларнинг қайғу-ҳасратларига шерик бўлишдир. 14. Ҳар ишнинг ўзига лойиқ кишиси, ҳар мажлиснинг ўзига муносиб сўзи бор. (Ҳ.)

**Бошқарув.** Ҳоким сўзнинг талабига кўра тобе сўзнинг келишиқ кўшимчалари билан ўзгариши ёки кўмакчилар билан келиши бошқарув дейилади. Бошқарувда ҳоким сўз асосан феъл бўлади. Масалан: *ёшларни етакламоқ, минбарга чиқмоқ, йиғилишида сўзламоқ, қурултойдан қайтмоқ, одоб билан гапирмоқ, укаси учун олмоқ, дўсти ҳақида ўйламоқ.*

Баъзан от (кенг маънода) ҳам ҳоким сўз ўрнида қўлланилиши мумкин. Масалан: *отдан баланд, қиличдан ўтқир.*

**Битишув.** Ҳоким сўз билан тобе сўзларнинг ҳеч қандай воситасиз ўзаро боғланиши битишув дейилади. Масалан: *тез сўзламоқ, ёруғ хона, ҳаворанг кўйлак, биринчи синф, тадбиркор раҳбар, рост гапирмоқ, ўйлаб иш қилмоқ.*

Сўз бирикмаларининг одатдаги тартибига кўра ҳоким сўз кейин, тобе сўз олдин келади.

**Эслатма:** Ҳоким сўзнинг қайси сўз туркуми билан ифодаланишига кўра сўз бирикмалари уч хил бўлади: отли бирикмалар (*ўрик гули, бизнинг ҳовли, пок қалб, қадимий шаҳар*); феълли бирикмалар (*китобни ўқимоқ, ўзлигини йўқотмоқ, богда ишламоқ*); равишли бирикмалар (*ҳаммага бирдай, овоздан тез, менда кўп*).

**9-машқ.** Матнни ўқинг. Аввал гапларнинг эга ва кесимини (бош бўлақларини) ёзинг. Сўнг сўзбирикмаларини: мослашув, бошқарув, битишув тартибда кўчиринг. Бир бош бўлакли гапларни оғзаки изоҳланг.

Ёзнинг иссиқ кунлари. Жазирама иссиққа чидаб бўлмайдди. Сиёвуш 3-курсни тамомлаб, Бишкекка практикага келган эди. Амалиёт муддати тугагач эса, дам олгани уйига келган эди. Уни аэропортда оппоқ дадаси, отаси, онаси ва синглиси Гуландом кутиб олишди. У охириги марта Ўшга бувиси вафот этгандан сўнг келиб кетган эди. Сиёвуш отасига ўхшаган басавлат, бўйбасти келишган йигит. Эгнида чиройли қора костюм. Қўлида дипломат. Соқол ҳам қўйиб олган. Кўзида қора кўзойнак.

(Р.Карим)

**10-машк.** Қуйидаги сўз бирикмаларини (улар таркибидаги сўзларни бошқа сўзлар билан алмаштирмаган ҳолда) гапга айлантириб кўчиринг.

Қушларнинг сайраши, оққан дарё, ўрикнинг гуллаши, Ўш кўчалари, баҳорнинг келиши, сочининг оқариши, ўкиган киз, тиник осмон, ёшларнинг бурчи, кўп гапириш, Ватан тупроғи.

**11-машк.** Ўқинг. Матндаги асосий фикрни аниқлаб, сарлавҳа топинг. Гапларни сўз бирикмаларига ажратиб, аввал отли бирикмаларни, сўнгра феълли бирикмаларни кўчириб ёзинг.

Муҳаммад ибн Аҳмад Бағдодийнинг бир мушуги бор эди. Ҳар куни унга бир парчадан гўшт бериб турарди. Бир куни мушукни кабутархонада тутиб олдилар, сўйиб терисини шилдилар ва чўпга илиб кабутархона эшигига осиб қўйдилар. Шу пайт фавқулодда Муҳаммад ибн Аҳмад Бағдодий кабутархона олдидан ўтиб қолди ва мушугини шу алфозда кўриб деди:

– Биз бериб турган бир парча гўштга қаноат қилганингда, бу ахволга тушмаган бўлардинг. (*«Аждодлар ўғити» дан*)

**12-машк.** Матни ўқинг. Ҳар бир тиниш белгисининг қўйилиш сабабини айтиб бering.

### **Ғани Абдурахмонов**

Филология фанлари доктори Ғани Абдурахмонов 1925 йилда Фарғона шаҳрида хизматчи оиласида туғилди. У шаҳардаги 1 - ўрта мактабни тугатгач, 1942 йилда Улуғбек номидаги Фарғона Давлат педагогика институтининг Тил ва адабиёт факультетига ўқишга киради. 1946 йилда олийгоҳни имтиёзли диплом билан тугатади ва институтда ўқитувчи қилиб қолдирилади. Сўнгра у Самарқанд Давлат университетидан номзодлик минимумлари топшириб, 1950 йилда профессор Улуғ Турсун раҳбарлигида «Ҳозирги замон ўзбек тилида субстантивация» деган мавзуда номзодлик диссертациясини ёқлайди. Ғ. Абдурахмонов бир неча йил Фарғона педагогика институтидан ўзбек тили кафедрасининг мудири, илмий ва ўқув ишлар бўйича ректор ўринбосари ва кейинчалик ректор лавозимида ишлайди.

Ғ. Абдурахмонов А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти ўзбек тили тарихи секторининг мудири вазифасида



фаолиятини давом эттиради. 1960 йили республикада иккинчи бўлиб, 35 ёшида «Ўзбек адабий тилининг кўшма гап синтаксиси» мавзусида докторлик диссертациясини ёқлайди.

Олим ўзининг илмий-педагогик фаолияти давомида ўзбек тилшунослигининг муҳим томонларига бағишлаб қатор асарлар нашр эттирди: «Ажратилган иккинчи даражали бўлақлар» (1955), «Ўзбек тили дарслиги» (доцент А. Маъруфов билан ҳамкорликда, 1956), «Кўшма гап синтаксиси асослари» (1958), «Основы синтаксиса современного узбекского языка» (1960), «Ўзбек тили тарихий грамматикаси» (1962), «Миллий тилларнинг тараққиёти масаласи» (1962) кабилар.

Истеъдодли олим ўз фаолияти давомида ўндан ортиқ докторлик ва номзодлик диссертацияларига расмий тақризчи бўлди ва ўнга яқин ёш мутахассисларга илмий раҳбарлик қилди.

**13-машқ.** Куйидаги тест саволларининг тўғри жавобини белгиланг.

**1. Қандай боғловчи воситалар тенг боғланишни ҳосил қилади?**

- А. Юқламалар ва кўмакчилар.
- Б. Эргаштирувчи боғловчилар.
- В. Тенг боғловчилар ва санаш оҳанги.
- Г. Ундов, таклид ва модал сўзлар.

**2. Тобе боғланишни юзага келтирувчи боғловчи воситалар қайси қаторда жойлашган?**

- А. Келишиқ кўшимчалари ва кўмакчилар.
- Б. Эгалиқ ва шахс-сон кўшимчалари.
- В. Сўз тартиби ва оҳанг.
- Г. А, Б, В жавоблар тўғри.

**3. Мослашув алоқалари берилган қаторни белгиланг.**

- А. Телефон орқали гаплашди, юзини ювди.
- Б. Аста сўзлади, юртини севади.
- В. Қалб қўри, бирликнинг кудрати.
- Г. Гуллар очилди, куёшга боқди.

**4. Бошқарув алоқалари берилган қаторни белгиланг.**

- А. Сув париси, ҳаётини сабоқ.
- Б. Ҳаворанг қўйлақ, она ардоғи.
- В. Орқасига қайтди, ов милтиғи.
- Г. Хорижга жўнади, укаси билан сўзлашди.

5. **Битишув алоқалари берилган қаторни белгилаңг.**  
 А. Ориятли бола, чакқон қиз.  
 Б. Баланд иморат, ер сатҳи.  
 В. Дўстингга ишон, оловли йўллар.  
 Г. Умид юлдузлари, серташвиш йиллар.
6. **Қайси қаторда тенг боғланишли бирикма берилган?**  
 А. Лоланинг китоби. В. Кўм-кўк водийлар.  
 Б. Меҳмонлару мезбонлар. Г. Ҳашарга катнашдик.
7. **Тобе боғланишли бирикма қайси қаторда жойлашган?**  
 А. Мажлис бошланди. В. Бепоён далалар.  
 Б. Ота ва бола. Г. Ҳашарчилар келишди.
8. **Келтирилган мисолларнинг қайси қаторида бошқарув алоқаси берилган?**  
 А. Тез гапирмоқ. В. Каримдан сўрамоқ.  
 Б. Мактаб ҳовлиси. Г. Менинг китобим.
9. **Қайси қаторда тобе сўз ҳоким сўз билан тушум келишиги кўшимчаси воситасида боғланган?**  
 А. Интизомли йигит кизлар. В. Қадимий ёдгорликлар.  
 Б. Инсоний фазилатлар. Г. Муножотни тинглаб.
10. **Қайси мисолда тобе сўз ҳоким сўз билан кўмақчилар ёрдамида боғланган?**  
 А. Кўз илғамас бепоён далалардан кўзиларнинг маъраши эшитиларди.  
 Б. Аълочи ўқувчилар фахрий ёрлик ва пул мукофотлари билан тақдирландилар.  
 В. Олтин ўтда билинади, одам меҳнатда.  
 Г. У вақтлар барча юмушлар кўлда бажариларди.
11. **Грамматик воситасиз бириккан бошқарувли бирикма қайси қаторда берилган?**  
 А. Одамгарчилик ҳақидаги мисоллардан ўкидик.  
 Б. Ёзнинг жазирама иссиғи кир-адирларни ковжиратган эди.  
 В. Донолар насихатиға қулоқ солиш зарур.  
 Г. Ўқитувчи китоб ўқишнинг фойдаси ҳақида суҳбат ўтказди.
12. **Ҳоким ва тобе сўз тартиби ўзгарган бошқарувли бирикма қайси мисолда берилган?**  
 А. Мақсадга эришиш йўлидаги машаққатлардан чекинмаслик керак.



Б. Хар бир инсон ўз орзусини амалга ошириш йўлида тинмай меҳнат қилади.

В. Тонгда эсаётган майин шабада дилларга ором беради.

Г. Тинглаб қалб сўзларини, белбоғини боғлаб белига.

### 13. Қайси мисолда мослашув алоқаси мавжуд?

А. Талабалар журналнинг янги сонини ўқиб чиқишди.

Б. Билимни мустаҳкамлаш керак.

В. Тўғрилиқ ва ростгўйликка одатланинг.

Г. Катта танаффусда биз суҳбатлашиб ўтирдик.

## 4-§. Гап

### Топшириқлар:

I. Куйи синфлардаги она тили дарсликларидан гапга берилган таърифларни кўчиринг ва шу таърифлар ёрдамида гапнинг асосий белгиларини аниқланг.

II. Матнни ўқинг. Гапларни ифода мақсадига кўра гуруҳлаб, дафтарингизга кўчиринг.

III. Матндаги *махтал бўлмоқ, хиргоҳ керагаси, соҳиб тажриба бек, тулки тумоқ, дўнг қаншар, тезфаҳм киши, сиёсат дағдағаси* каби сўз бирикмаларининг маъносини изоҳланг.

– Чопар махтал бўлиб қолди, амирзодам!

Бобур Мирзо Қосимбекнинг ўктам овозидаги сезилар-сезилмас тоқатсизлик оҳангини пайқаб, хиргоҳ керагасидан кўзини олди. Падари бузургворининг хизматида ҳам кўп садокатлар кўрсатган бу қари, соҳибтажриба бекнинг тулки тумоқ остидаги дўнг қаншари асабий тиришиб турарди.

– Чопар махтал бўлса... изожат беринг-да кўйинг! – деди Бобур тўсатдан кескин товуш билан. – Арслоннинг мўйлабиға қўл чўзмоқдан не мурод ахир?!

Қосимбекнинг сийрак, сарғиш киприклари пирпиради:

– Англамадим, амирзодам?

– Нечун англамайсиз? Ер остинда илон кимирласа биладиган сиздек зукко, тезфаҳм кишининг англамаслиги... тааж-жуб!

– Амирзодам авф этсинлар, бироқ кулингиз ҳеч вақт тезфаҳмлиқ даъвосини қилган эмас! – деди Қосимбек юпка лаблари гезариб.

– Чакки қилурсиз! Аркони давлатга, сиёсат дағдағасига мансуб кимса тезфаҳм бўлмоғи вожиб, – деди Бобур Мирзо хиёл юмшаб. – Зеро, ҳар ишнинг заминида юз минг мулоҳаза лозим. Бир бемулоҳаза ҳукм туфайли не балоларга гирифтор бўлдик, энди кўзни очмоқ даркор. (*Ҳ. Султон*)

Гап маълум фикрни ифодалайди. Гапда фикр нисбий тугалланган бўлади. Гап грамматик жиҳатдан маълум қонун-қоидалар асосида шаклланиб, ўзига хос оҳангга эга бўлади.

Гаплар тузилишига кўра иккига бўлинади: содда гап ва қўшма гап. Қўшма гаплар ўз навбатида яна бир неча турларга бўлинади.

Гапнинг асосий белгилари:

1. Муомаланинг энг кичик бирлиги.
2. Нисбий тугалланган фикрни ифодалайди.
3. Грамматик шаклланган бўлади.
4. Тугалланган оҳанг билан айтилади.

**14-машқ.** Гапларни тузилишига кўра таҳлил қилинг. Аввал содда гапларни, кейин қўшма гапларни кўчириб ёзинг.

1. Отамдан қаттиқ хайқар эдик. У бирор марта ҳам биронтамизни бир тарсаки урган эмас. Отани қаттиқ иззат қилишни онам ўргатган. (*Ў. Ҳ.*) 2. Инсон овқатсиз беш ҳафта, сувсиз беш кун яшаши мумкин, аммо ҳавосиз беш дақиқа ҳам яшаб бўлмайди. 3. Инсон ҳаёти шахмат тахтасидаги пиёдаларнинг юришига ўхшайди: гоҳ оқ хонадан ўтасан, гоҳ қора хонадан. (*Ў. Ҳ.*) 4. Оқил киши сўзига бино қўяр, нодон киши ўзига бино қўяр. (*М.*) 5. Агар сирингни сакласанг, у сенинг асирингдир; агар сиринг ошқора бўлса, сен унинг асири бўлиб қоласан. 6. Одобсизлик жўшқин бир сел окимидирки, улуғворлик, вазминлик саройини хароб этади. (*Ҳ.*) 7. Ўш бозорида қовунларнинг ҳар хил навлари: оқ новвот, кўкча, адрас қовун, оқ қовун сотилади. 8. Йиғи-сиғи, кулги – ҳаммаси аралашиб кетди. (*Ў. Ҳ.*)

**15-машқ.** «Турон заминидан етишиб чиққан буюк алломалар» мавзусида қисқа ҳажмли эссе ёзинг. Матндаги гапларни синтактик таҳлил қилинг.

**I.** Гаплар бош бўлақларнинг миқдорига кўра содда ва қўшма гапларга бўлинади. Таркибида битта бош бўлақ қатнашган гаплар содда гаплар саналади. Масалан: *Мен келдим.*

**II.** Гаплар сўзловчининг ифода мақсадига кўра уч турга бўлинади: 1. Дарак гап. 2. Сўроқ гап. 3. Буйруқ гап.

**III.** Ҳис-ҳаяжоннинг иштирокига кўра эса ҳис-ҳаяжонсиз гаплар ва ҳис-ҳаяжонли гапларга бўлинади. Юқоридаги дарак, сўроқ, буйруқ гаплар дарак, буйруқ, сўроқ оҳанги билан талаффуз этилиб, ҳис-ҳаяжонсиз гаплар саналади. Бу гаплар ҳис-ҳаяжон билан талаффуз килинса, ҳис-ҳаяжон гаплар деб юритилади.

**IV.** Содда гаплар эга ва кесимининг мавжудлигига кўра 2 хил бўлади.

Икки бош бўлақли гаплар. Буларда эга ҳам, кесим ҳам мавжуд бўлади.

Бир бош бўлақли гаплар. Буларда эга бўлмайди.

**V.** Содда гаплар тузилишига кўра йиғиқ гап ва ёйиқ гапларга бўлинади.

Йиғиқ содда гаплар фақат бош бўлақлардан, яъни эга ва кесимдан ташкил топади. Масалан: *Қуёш чиқди. Дўстлик узилмасин. Китоб – офтоб.*

Ёйиқ содда гаплар таркибида иккинчи даражали бўлақлар ҳам иштирок этади. *Ётоғига йўл олган қуёш тоғлар ортига аста-секин ботиб бормоқда. (Ч.А.)*

Бу гапнинг бош бўлақлари: *Қуёш ботиб бормоқда.*

*Ётоғига йўл олган* сўзлари эгага боғланиб, эга гуруҳини ташкил қилади. Эга гуруҳида иккита сўз бирикмаси бор: *ётоғига йўл олган, йўл олган қуёш. Тоғлар ортига, аста-секин* сўзлари кесим гуруҳига киради.

Бунда ҳам иккита сўз бирикмаси бор: *тоғлар ортига ботиб бормоқда, аста-секин ботиб бормоқда.*

**16-машқ.** Бадний асарлардан ёки адабиёт дарслигинингиздан 4 та йиғиқ содда гапларга, 4 та ёйиқ содда гапларга мисол топиб ёзинг.



17-машк. Аввал йиғик содда гапларни, кейин ёйиқ содда гапларни кўчириб ёзинг.

Ота энди бардош бера олмади. Кўксидаги лиммо-лим коса қаттиқ чайқалиб, таранг тортилиб турган асаб торлари чирт-чирт узилиб кетди. Кўзи тинди... Қулоғи шанғиллади... Вужуди музлади... Қора куюн уни чирпирак қилиб осмонга кўтарди. Ер, куёш, осмон айланди. Қушлар, куртаклар, анҳор – борлиқ аралаш-қуралаш бўлиб кетди. (М.М.)

#### 6-§. Тўлиқ ва тўлиқсиз гаплар.

##### Топширик:

Қуйидаги тўлиқсиз гапларни тўлиқ гапларга айлантинг. Бу ўринда сиз нималардан фойдаландингиз? Фикрингизни изохлаб беринг.

– Менинг кимлигимни биласанми? – деб сўради Чувринди, унга бир қараб олиб.

– Элчин акам айтдилар.

– Унда қаёққа бораётганимизни, кимлигимизни ҳам биларсан?

– Ҳа.

– Агар одам ўлдиришни топширсак-чи, бажарасанми?

– Йўқ.

– Жавоб беришга шошилма. Аввал ўйлаб кўр.

– Ўйласам-ўйламасам жавобим битта. (Т.М.)

Фикр ифодалаш учун зарур бўлган гап бўлақларининг қай даражада иштирақ этишига кўра гаплар тўлиқ ва тўлиқсиз гапларга бўлинади.

Барча зарурий бўлақлар гапда мавжуд бўлса, тўлиқ гап дейилади. Масалан: *Бир туп мевали дарахт эккан киши минг йил гавҳар таради.* (М.)

Тўлиқсиз гапларда эса фикр ифодалаш учун зарур бўлақларнинг бир қисми қатнаша олмайди. Лекин бу бўлақ олдинги гапдан ёки нутқ мазмунидан билиниб туради.

Тўлиқсиз гап, асосан, диалогларда учрайди. Масалан:

– *Телефон қилган киши ким экан?*

– *Дадам.* (эга)

- Қаердан телефон қилди?
- Шаҳардан. (ўрин ҳоли)
- Шаҳарга қачон кетган эди?
- Якшанба кун. (пайт ҳоли)
- Эртага бўладиган мажлисга даданг кела оладими?
- Кела олмайди. (кесим)

**18-машк.** Кўчиринг. Тўлиқсиз гапларнинг тагига чизиб, қайси бўлақлар ифодаланмаганлигини изохланг.

- Бу ерда чўмилса бўладими?
- Совуқ-ку ҳозир!
- Совуқмас пайтда-чи?
- Бўлади.
- Катта анҳор экан...
- Қонқус...
- Қонқус?!
- Эски ном-да... (Ў.Х.)



**19-машк.** «Келажакда ким бўлмоқчисиз» мавзусида диалог тузинг. Тўлиқсиз гапларни топиб, қайси бўлақлари туширилганлигини айтиб беринг.

**20-машк.** Ўқинг. Гапларнинг бош бўлақларини топинг. 1-, 10-, 15 - гапларни кўчириб, эга ва кесим гуруҳини аниқланг.

1. Атрофдагиларни камситган одам ҳеч қачон буюк бўла олмайди. (*Зеймс*)
2. Манас алданиб қолганини сезиб турсада, сир бой бермади. («*М.*»)
3. Одамлар китоб ўқишдан тўхтасалар, фикрлашдан ҳам тўхтайдилар. (*Д. Дидро*)
4. Аклли одам ҳамма нарсасидан жудо бўлса ҳам, дўстидан воз кечмайди. (*Х.*)
5. Сўз шамол, ҳақоратли сўз эса елвизак каби зарарлидир. (*Шекспир*)
6. У ёмғирда қолмаслик учун қадамини тезлатди.
7. Азоб чекишни истамасанг, ҳасадгўй бўлма. («*Қ.*»)
8. Оз еган кўп яшайди. (*М.*)
9. Ўзбошимчаликни ёнғиндан ҳам тезроқ ўчирмоқ керак. (*Геранлид*)
10. Ўйга чўмиб ўтирган Саида ҳозир ҳамма нарсани унутган эди. (*Ч.А.*)
11. Мўйсафид кўп юриб, ҳолдан тойганидан сув бўйига аста ўтирди.
12. Чўлпоной бир оз енгил тортиш мақсадида ичкарига кириб, юз-кўлини муздек сувда ювиб чиқди. (*Т.М.*)
13. Қуёш кўм-кўк адир оркасига ёнбошлади. (*Ч.А.*)
14. Кўшилмасанг, эътироз билдир,

эътироз билдирсанг, таклиф қил, таклиф қилсанг, ўзинг бажар. Билмасанг ўрган, билсанг ўргат. (Х.) 15. Лахтак булутларнинг китмирлиги туфайли яйраб нур тарата олмаётган куёш шом киришини кутмаёқ бота қолгандай бўлди. (Т.М.)

**21-машқ.** Ўқинг. Икки бош бўлакли гапларни синтактик таҳлил қилинг. Тиниш белгиларининг қўйилиш сабабларини тушунтиринг.

1. Инсон – олам безаги. 2. Яхши дўст – туганмас хазина (Х.) 3. Уч карра уч – тўққиз. 4. Бешнинг квадрати – йигирма беш. 5. Шошқалоқлик – хатонинг онаси, ғазаб – нодонликнинг отаси. (Х.) 6. Муаллимин унутган эл – келажагин куритган эл. (М.) 7. Кузатган бўлсангиз, тонг отиш олдида бир муддат еру кўкни тим қоронғилик босади. Бу – тун билан тонгнинг тўқнашуви. Туннинг кетгиси йўқ. Чекингиси йўқ. Тонгнинг эса отгиси бор – зулмат ўрнини қоплагиси бор, қоплайди ҳам. Бу – тонгталаш фасли. (Т.Сулаймон) 8. Исминим – шеър. Миллатим – эзгулик. Ватаним – юрак. Касбим – севиш, азобланиш. Маслагим – тобланиш. Орзуим – оламини оқ кўйлақда кўриш. (А.Худойберди) 9. «Одамларнинг кўзини ёғ босипти-ку», – деб Мавлонбеков кулди-да, кўкрак чўнтагидан бир қоғоз олиб унга берди.

**22-машқ.** Асардан берилган парчани ўқинг. Гапларни ифода мақсадига кўра гуруҳлаб, аввал дарак гапларни, кейин сўроқ гапларни, охирида буйруқ гапларни кўчириб ёзинг.

Аллақандай кенг дала эмиш... Ўтлоқми-ей, буғдойзорми-ей... Музаффар кип-яланғоч бўлиб, дала ўртасида чопиб кетаётганмиш. Ўғлим бир нимадан кўркиб, қочиб кетаётганини билармишману олдига боришга уялармишман. Кейин аллақаердан от пайдо бўпти. Гижинглаб келиб Музаффарни тишлабди. Музаффар чақалокқа айланиб қолибди. Ўзи чақалокмишу, гапирармиш. «Отни ҳайданг, ўлдириб кўяди, кутурган от», дермиш...

Қизиқ, нимага бунақа туш кўрдим? Музаффар нимага яланғоч юрибди? Тушга яланғоч кирса ёмон: фалокат бўлади. Шошма... Анави от Умар аканинг жийронику! Музаффарга бир гап бўлдимиз? Бугун нечанчи ўзи? Йигирма тўртинчи апрелми? Икки ҳафтадан кейин Музаффарнинг туғилган куни. Йигирмага тўлади. Аввалги телеграммаларимни олганмикин?



Олган. Табриклаб ёзган хатларимни ҳам... Жавоб ёзмади. Тўғрида! Нега жавоб қилсин! Уч йил аввал қишда келганида манави имонсизнинг кўрсатган каромати учунми?!

Мунча ачишади бу юрак ўлгур! Валидол қаёқда эди? Шимсам, сал қўйиб юборармиди?

Керакмас! Ичмайман! Музаффар соғмикин ишқилиб? Тагин нима кулфат тушдийкин бошига?

Ёзаман, ҳозирок хат ёзаман! (Ў.Ҳ.)

**23-машқ.** Қуйидаги тест саволларининг тўғри жавобини белгиланг.

**1. «Яхши тоғиб сўзлар, ёмон қопиб сўзлар» гапида эга қайси сўз туркуми билан ифодаланган?**

- |                 |                             |
|-----------------|-----------------------------|
| А. От билан.    | В. Отлашган сифат билан.    |
| Б. Равиш билан. | Г. Отлашган сифатдош билан. |

**2. «Собир эди калаванинг учини топди» гапида кесим қандай ифодаланган?**

- |                 |                            |
|-----------------|----------------------------|
| А. От билан.    | В. Ибора билан.            |
| Б. Равиш билан. | Г. Ажралмас бирикма билан. |

**3. Қайси қаторда гапга мисол берилган?**

- |                       |                  |
|-----------------------|------------------|
| А. Ёқимли шабада.     | В. Ҳаво мусаффо. |
| Б. Икки каватли бино. | Г. Кўм-кўк дала. |

**4. Мисолларнинг қайси бири ҳис-хаяжон гап ҳисобланади?**

- А. Навоийнинг келиши астрободликларда чексиз қувонч уйғотди.
- Б. Лутфийнинг маҳоратига қойил қолган ёш Алишер у билан учрашишни орзу қилар эди.
- В. Қани эди, ҳаммамизнинг Юсуфбек ҳожидек отамизу Ўзбек ойимдек оналаримиз бўлса, ўшаларнинг қанотида эр етишсак.
- Г. О, она деган шунчалар ҳам меҳри дарё бўладими, а!

**5. Қаратқич-аниқловчи қайси қаторда берилган?**

- А. Қарасам, дуторнинг ил тортадиган қулоғи синиб тушибди.
- Б. Бу ерда янги иморатлар, кўм-кўк пахтазорлар бор.
- В. Олисан осмонга интилган қизғиш нур борган сари авжланарди.
- Г. Мустақил машғулот ўзлаштиришга яхши ёрдам беради.

**6. Қайси қаторда изоҳловчи берилган?**

- А. Профессор А.Фуломов – таниқли тилшунос олим.

- Б. Дарё сувини баҳор тоширар, одам кадрини меҳнат оширар.  
В. Бирликда баракат, айрилиқда ҳалокат.  
Г. Сукут – саломатликни, яхшилик – иззат ва обрўни,  
сахийлик – улуғликни келтиради.

**7. Сифатловчи-аниқловчига бериладиган саволлар қайси қаторда тўғри кўрсатилган?**

- А. Қаерга? Қаерда? Қаердан? Қаергача?  
Б. Қачон? Қачонгача? Қачондан буён?  
В. Қандай? Қанақа? Нечанчи? Қайси?  
Г. Кимга? Нимага? Кимда? Нимада?

**8. Берилган мисолларнинг қайси бирида сифатловчи-аниқловчи от билан ифодаланган?**

- А. Келган меҳмонлар бетон уйларга жойлашдилар.  
Б. Зарифа олтин соатини кўз-кўз қила бошлади.  
В. Дўстликни кадрлай билмаслик – жоҳиллик.  
Г. Чиройли гулларнинг муаттар хидлари димокни китиклайди.

**9. Қайси қаторда эгаси туширилган тўлиқсиз гап берилган?**

- А. – Тушмайсан, чарчаб қопсан, укам. Кўриб турибман.  
Б. Соатига яна бир марта карагач, ўрнидан турди.  
В. – Раҳмат. Барака топсин!  
Г. – Йўк! Йўк! Асло мумкин эмас.

**10. Ўрин ҳолининг саволлари қайси қаторда тўғри кўрсатилган?**

- А. Кимга? Нимага? Кимда? Нимада?  
Б. Қачон? Қачонгача? Қачондан буён?  
В. Қандай? Қанақа? Нечанчи? Қайси?  
Г. Қаерга? Қаерда? Қаердан? Қаергача?

**11. Қайси қаторда пайт ҳолига мисол берилган?**

- А. Кеча гупиллаб қор ёккан, бугун унинг қора совуғи ҳамма ёкни камраб олган.  
Б. Ўйнаб гапирсанг ҳам ўйлаб гашир.  
В. Тил – сўз санъатининггина эмас, ҳамма санъатларнинг асоси.  
Г. Дала бағрини қоплаб олган бу ўтлар кундан-кун бўй чўзади, гуллайди.

**12. Қайси қаторда кесими туширилган тўлиқсиз гап жойлашган?**

- А. Ойим бурилиб қаради:  
– Ким билан тушасан?  
– Собир билан.

Б. Ойим дод солиб милтикка ёпишди.

– Қамаб кўяди! – деди чиркиллаб.

В. – Ҳа. Дуруст.

Г. Қиз онасининг кучоғига отилди: Ойижон!

**13. Мисолларнинг қайси бирини сўроқ гап деб биласиз?**

А. Терган пахтаг тоғ бўлсин?

Б. «Буюк ипак йўли» музейида бўлганмисиз?

В. Тез ва сифатли терайлик?

Г. Ўзбек халқи азалдан ўз миллий анъана ва маросимларига эга бўлган?

**14. Қайси қаторда гап бўлакларининг одатдаги тартиби ўзгарган?**

А. Бу ерларнинг шабадаси кеча-кундуз тиним билмасди.

Б. Она ўргатган тил ҳам ҳамиша биз учун она каби кадрли, иссиқ ва ардоқлидир.

В. Дарахт япроғи билан кўркам, одам меҳнати билан.

Г. Бу ердан ўтибди ернинг белбоғи.

Беқасам тўн демак бу рангин диёр.

**15. Эгаси отлашган сўз билан ифодаланган гап қайси қаторда берилган?**

А. Ўтирганлар раисни кутишар эдилар.

Б. Эрталабдан бери булбулларнинг сайраши тингани йўқ.

В. Йигитлар Шералини бирин-кетин кучоклаб қутлашди.

Г. Чингизхоннинг элчилари ўлдирилгандан кейин ҳар икки томон урушга ҳозирлана бошлади.

**16. Қайси мисолда мураккаб феъл-кесим берилган?**

А. Муҳитни ўраган калин зулматни кураш машъали ёндиради.

Б. У чодир ёнида қўлларини ковуштириб хаёлга чўмиб турарди.

В. Аллақандай булбул тўлиб-тошиб куйлайди.

Г. Тоғ орқасидан аста шамол кўтарилиди.

**17. Қайси мисолда кесим ибора билан ифодаланган?**

А. Хожи ака зипиллаб кириб, уйдан аркон олиб чиқди.

Б. Овқат сузилиб, хонтахта атрофига ўтирганимизда, бир-биримиз билан кўз уришгирдик.

В. Ким ўтмишга тўппончадан ўқ узса, келажаги уни замбаракдан ўққа тутлади.

Г. Изғирин шамолда шип-шийдам дарахтлар юлқиниб - чайкалиб ётибди.



**18. Қайси мисолда от-кесим берилган?**

- А. Хонтахта қўйиб, дастурхон безади.
- Б. Анзират хола анчадан кейин жавоб берди.
- В. Комил бош ирғади.
- Г. Фарзанд гулдир, она – бир бўстон,  
Шунинг учун жаҳон гулистон.

**19. Тўлдирувчининг таърифи қайси қаторда ўз ифодасини топган?**

- А. Гапнинг ким ёки нима ҳақида эканлигини билдиради.
- Б. Эга ҳақидаги хабарни билдириб, унга грамматик тобе бўлади.
- В. Гапдаги бирор бўлакни тўлдириб, унга бошқарув йўли билан бирикади.
- Г. Гапдаги бирор бўлакнинг белгисини ёки нарсанинг бошқасига қарашлилигини билдиради.

**20. Берилган мисоллардан воситали тўлдирувчини аниқланг.**

- А. Бўлинганни бўри ер.
- Б. Қиш фаслини кутади кенг далалар, майдонлар.
- В. Байрам шарофати билан чойхона, айникса, гавжум бўлиб кетган.
- Г. Терилган пахталар табелчига топширилди.

**21. Қайси қаторда миқдор ҳолига мисол берилган?**

- А. Субҳидам... Кўкда сўнгги юлдузлар милтиллаб сузади.
- Б. Рост, ҳозирча болалар бардам.
- В. Сихат тиласанг, кўп ема; иззат тиласанг кўп дема.
- Г. Муқаддас ҳикояни ўқиб чиқди.

**22. Ҳолнинг таърифи қайси қаторда тўғри берилган?**

- А. Гапдаги бирор бўлакнинг белгисини ёки қарашлилигини билдиради.
- Б. Кесимга боғланиб, унинг белгисини билдиради.
- В. Гапдаги бирор бўлакни тўлдириб келади.
- Г. Эга ҳақидаги хабарни билдиради.

**23. Ҳолнинг турлари кўрсатилган қаторни аниқланг.**

- А. Вазият, пайт, миқдор.
- Б. Шарт, тўсиқсизлик.
- В. Сабаб, ўрин, мақсад.
- Г. А, Б, В жавоблар тўғри.

## 7-§. Бир бош бўлакли гаплар

### Топшириқлар:

Матни диққат билан ўқинг. Содда гапларнинг бош бўлакларини аниқланг. Бир бош бўлакли гапларни дафтарингизга кўчириб ёзинг.

Кўча. Кўрғон... Кўрғоннинг илма-тешик бўлган девори бағридан енгил буғ кўтарилади. Чумчуқлар ўша ковакларга кириб чиқмоқда. Деворнинг таги чириб тўкилган – камар... Четдаги юксак минор тепасидаги айвончада ҳўл бўлган қизил байроқ осилиб турибди. Елкасига милтиқ осган соқчи кўринади.

Улкан дарвоза. Икки ёнида биттадан замбарак. Соқчилар. Кенг саҳна. Қурбонбекнинг собиқ саломхонасига йўналди. Эшикни дадил очди.

Ҳа, у бу хонага бемалол кираверади. Олимжон Арслонов билан эса эркин гаплашади. Ўзиям жуда яхши кўради-да у одамни! Ҳолбуки, у киши Қурбонга на қариндош, на тенгдош.  
(Ш.Х.)

Гапнинг бош бўлаклари – эга ва кесим. Гапда бош бўлақлардан бири ифодаланмаса, у бир бош бўлакли гап деб юритилади. Бир бош бўлакли гаплар куйидаги турларга бўлинади: 1. Шахси маълум гап.

2. Шахси номаълум гап.
3. Шахси умумлашган гап.
4. Шахссиз гап.
5. Атов гап.

**Эслатма:** Бир бош бўлакли гапларнинг инфинитив ва вокатив каби турлари олийгоҳларда ўрганилади.

**24-машқ.** Ўқинг. Гапларнинг кесимини топинг. Бу гапларнинг кесимига қараб эгасини аниқланг.

1. Эртага кечқурун меҳмонлар билан бирга хизматингизда бўламиз. (А.Қ.) 2. Эрталаб нонушта устида илиқ, жонли қизик суҳбатга берилдилар. (О.) 3. Гапни кам сўзла, ишни кўп кўзла. (М.) 4. Радио орқали ўкиб эшиттирилди. 5. Илмни меҳнатсиз эгаллаб бўлмайди. (Ҳ.) 6. Тоза супурги билан бошдан-оёқ супурди. Қўллари билан сийпади. Бармоқлари билан ёлларини

таради. (О.) 7. Янги ўзгаришлар тўғрисида ташқарида эмас, балки ичкари ҳовлида ҳам гаплаша бошладилар. 8. Ҳайрон бўлиб Адҳамга қарадим-у, даҳшатдан қотиб қолдим. (Ў.Ҳ.)

### Шахси маълум гап.

Бу турдаги гапларнинг шахси, яъни эгаси маълум. Фақат у гап таркибида кўринмайди. Уни кесим орқали осонгина топиб олса бўлади.

Одатда шахси маълум гапларнинг кесимлари I ва II шахсдаги феъллар билан ифодаланади. Мисолларга диққат қилинг.

1. II-«А» синфида ўқийман. Спортга қизиқаман. Ўқишда ҳам бошқалардан орқада қолмайман.

2. Менинг инсонлик ҳуқуқимни поймол қилмоқчимисиз? Билиб қўйинг! Ниятларингизга ета олмайсиз!

3. Митинг бўлаётган жойга бордик. Баҳсларда, фаол қатнашдик.

4. Ота-онангни ўзингдан рози қил.

**25-машқ.** Ўқинг. Шахси маълум гапларни топиб кўчиринг. Кесимининг тагига чизиб, қандай ифодаланганини изоҳланг.

1. Тунда дув этган ёмғир майсаларни ҳам, дарахтларни ҳам ювиб кетган (С. Назар.) 2. Биринчи кундан бошлаб катта - кичик унга самимий ҳурмат билан қарай бошлади. (Ас.М) 3. Кечадан бошлаб машинани ҳайдаяпман. Кечадан буён уйга бораман - у, таажжуб қиламан. (О.) 4. Она саҳар пайтигача мижа қокмасдан ўтириб чиқди, лекин толиқмади. (М. Горький) 5. Тантанали йиғилиш бошланганга қадар аския, ўйин, кулги давом этди. (О.) 6. У пешона тери тўкилган бу экинзорга тикилганда, хамиша жим қоларди, дили ифтихор билан тўларди. 7. Ботирали шунда ҳам Миркомилни кўлдан чиқармади, уни ерга босиб, миясига наган билан солди. (Ҳ. F.) 8. Домла ичкари кириши биланок халфанинг кўлидан таёқни тортиб олди - да бир неча бор урди. (С. Айний) 9. Умримда уч марта шу ишга кўл урдим: биринчи шеърни ўн беш - ўн олти ёшда ёзган эдим, лекин нима тўғрисида ёзганим эсимда йўқ. (А. Қ.) 10. Ашула эшитилаётган жойдан аста босиб ўтиб, идорага яқинлашдик. 11. Кеча каергадир бораман деган эди, яна билмадим.



**26-машк.** Шаҳси маълум гапларни кўчириб ёзинг. 9- ва 10- гапларни синтактик таҳлил қилинг.

1. Дўст ғам ва кулфат вақтида маълум бўлади. (X.) 2. Ўзини билимдон дейдиган нодондон қоч. (X.) 3. Яхшига яхши бўл, ёмонга – ёмон, Гулга гул бўлгину, тиконга-тикон. (C.) 4. Ўзига ишонган одамнинг қўлидан кўп нарса келади. (Гумбольдт) 5. Доно билан сўзлашганда камгап бўл. 6. Гоҳ-гоҳи ҳолимни назора қил. (Амирий) 7. Энг зарур билимни қунт билан ўрган, зарур бўлмаганини ахтариб юрма. 8. Зарурини ҳосил қилгандан кейин, унга амал қилмай умр ўткарма. (А.Ж.) 9. Эрталаб бадантарбия қилишни эсингдан чиқарма. 10. Қалбингни роҳатда бўлишини истасанг, пок ва холис ниятли бўл. (X.)

### Шаҳси номаълум гап.

Нутқимизда *Умрни оқар сувга ўхшатишади; Маргилонда кичикларни ҳам сизлашади* каби шаҳси номаълум гаплар ҳам қўлланилади. Шаҳси номаълум гапларда иш-ҳаракат бажарувчиси умумлашган маънода бўлади ва грамматик жиҳатдан ифодаланмайди. Бу турдаги гапларнинг кесими III шахсда аниқ ёки биргалик нисбатдаги феъллар билан ифодаланади: *Яхшини мақтайдилар, ёмонни уялтирадилар.*

**27-машк.** Ўқинг. Шаҳси номаълум гапларни топиб, кесими қандай ифодаланганини изоҳланг.

1. Баланд ва ёруғ хоналарни бежирим жиҳозлар билан безатишди. 2. Ёлғизлик Аллоҳга хос. Инсонлар жуфт бўлиб яшаганлари маъқул. Ёлғиз инсонни сув бўйида қуриётган ёлғиз мажнунтолга қиёс этадилар. 3. Бизга тоғли худудларни қор босганлиги ҳақида хабар беришди. 4. Кутубхонада шовқин солишни таъқиқлаб қўйишган. 5. Ҳа, дўўўст, барака топ! Ойдек юзингдан аканг ўргилсин! (Ў.Х.) 6. Бадфеълликдан асраган аклни ақл дейдилар. 7. Биргалашиб сой бўйига етиб келишди. (О.)

### Шаҳсиз гаплар.

Шаҳсиз гапларда эга умуман бўлмайди, демак, уни кесим орқали топиш мумкин эмас.

Мисолларни диққат билан ўқинг, кесимлари қандай ифодаланганига эътибор беринг.

1. Ойни этак билан ёпиб бўлмайди. (М) 2. Бахтни совга қилиб бўлмайди. (Х.) 3. Халқ иродасига қарши юриш тўғри келмайди. 4. Чириган нарсага қўл теккизиб бўлмайди. (Шекспир) 5. Бир қўл билан қарсақ чалиш мумкин эмас. (Х.)

**28-машқ.** Шахсиз гапларни кўчириб ёзинг, синтактик таҳлил қилинг.

1. Ношукур бандани рози қилиб бўлмайди. 2. Ҳасад яхшиликка олиб келмайди. 3. Сийнага санчилган найзани чиқариб олса бўлади, аммо дилга қадалган сўз захрини чиқариб бўлмайди. (Х.) 4. Ном чиқариш учун машаққат чекиб узоқ йўл юриш керак, иснодга қолиш учун эса бир қадам кўйишигина кифоя. (И. Вильде) 5. Кўнгил ва дилни тўғри тутсанг, эй доно, сенинг ризкинг ҳеч қачон озаймайди. («Қ.Б.») 6. Ёмон ишлардан ўзини эҳтиёт қилиб юрганларнигина билимдон дейиш мумкин. (Фаробий) 7. Меҳнат билан ҳамма нарсага эришса бўлади. (Ж. Бруно) 8. Уруш ботирни синайди, жаҳл донони синайди, йўқчилик дўстни синайди. (Х.) 9. Дўстнинг айбини ўзига айтиш керак. (Б. Кербобоев) 10. Гўзаллик, кувват ва саодатнинг манбаи соддаликдир. (Х.) 11. Одам мевага, ота-она дарахтга ўхшайди. Дарахтни яхши парвариш қилсанг, меваси яхши ва ширин бўлади. («Қ.») 12. Тиришдим: тоғдан ошдим, ёруғлик сари йўл очдим. (М.) 13. Нимқоронғи шифтга тикилиб ётганча хаёл сураман: гоҳ катта шаҳарларга бориб қоламан, гоҳ дарёларда сузаман. (Ў.Х.)

### **Шахси умуллашган гап.**

Кесими феъл кесим бўлиб, иккинчи шахсни билдирса ҳам, мазмунан ҳар учала шахсга тааллуқли бўлган гаплар шахси умуллашган гап дейилади.

Асосан, мақоллар, ҳикматли гаплар ҳар учала шахсга каратилади:

*Отанг борида эл тани,*

*Отинг борида ер тани. (М.)*

*Ўзингга раво кўрмаганини*

*Ўзига ҳам раво кўрма. (М.)*

*Қошиқ билан ош бериб,*

*Сопи билан кўз чиқарма. (М.)*

*Ярашган ишни қилгил, қўлдан келгани эмас. (С.)*

**29-машк.** Ўқинг. Матн мазмунини ўз сўзларингиз билан изоҳлаб беринг. 1-гапни кўчириб синтактик таҳлил қилинг.

Эй фарзанд, ёшлигингда отанг илм олмоқ учун яратган шароитдан кўз юмма! Илм бир чироқдурким, сени роҳат ва фароғат салтанатига ҳеч бир заҳматсиз етказад.

Илм олмоқнинг фазилатлари кўпдурким, ҳаётинг фароғатда, юриш-туришинг ҳурмат ва иззатда бўлур.

Аллоҳнинг раҳматига сазовор фикиҳ илмининг устози ўргатмишларким, илмнинг чеки бўлмагани каби, илм олмоқнинг ҳам поёни йўқдур.

Илму фикиҳни Расулulloҳ мухтасар айтганлар, жаҳоний илмлар эса инсонлар тажрибаси, ўқуви асосида асрлар давомида қарор топган.

Аллоҳ ҳар бир қалбга илм гавҳарини солганким, бандасининг кунт-матонати, меҳнати давомида доим сайқал топув. (Ҳ.)

**30-машк.** «Ўзбек халқ мақоллари» китобидан 8 та мақол танланг. Ҳар бир мақолнинг бош бўлақларини аниқлаб, мазмунан ҳар учала шахсга қаратилган мақолларни кўчириб ёзинг.

## 8-§. Атов гаплар

### Топшириқлар:

Қуйидаги гапларни ўқинг, ҳар бир гапни чегараланг, тиниш белгиларини қўйинг.

1. Қиш изғирин шамол кўз очишнинг имкони йўқ кимдир бошини алланима билан ўраб олиб хорғин қадам ташлаб борарди.

2. Туман қуюқ қора туман икки қадам нарини илғаб бўлмайди. (М.М.)

3. Хўжанд қўрғони шаҳар дарвозаларидан бирининг ички томондан кўриниши тонг палласи дарвозабон ва соқчилар гимирлашиб қолишган шаҳар жонланиб келмоқда. (Қ.М.)

4. Кеч водийга қоронғилик чўккан. (О.Ё.)

Юқорида асардан келтирилган парчалардаги *Қиш. Изғирин шамол. Туман. Қуюқ қора туман. Хўжанд қўрғони. Шаҳар дарвозаларидан бирининг ички томондан кўриниши.*



*Тонг палласи.* Кеч каби сўз ва сўз бирикмалари мустақил гап бўлиб ҳисобланади. Бундай гаплар атов гаплар саналади. Атов гапларда фикрнинг тугаллиги оҳанг орқали ифодланади. Бу турдаги гапларда оҳанг биринчи даражали аҳамиятга эга. Оддий сўз ёки сўз бирикмаси оҳанг туфайли гапга айланади. Масалан:

*Қиш чилласи. Қор. Қор...*

*Биллур шаҳардай*

*Оппоқ сукунатда жаранглар қишлоқ.*

*(О. Ҳожиева)*

Атов гаплар бир сўздан ва бир неча сўз бирикмаларидан тузилади. Атов гаплар ёлғиз келмайди. Улардан кейин келган тўлик гаплар мазмунни давом эттиради.

Тинч оҳанг билан айтилган атов гаплардан сўнг нуқта (.) қўйилади: *Тун. Сокин тун. Қалбларни эзувчи жимлик...*

Ҳис-хаяжон билан айтилган атов гаплардан кейин ундов белгиси (!) қўйилади: *Қўзғолон! Озодлик учун кураш!*

**31-машқ.** Қуйида берилган гапларни оғзаки таҳлил қилинг. Бир бош бўлакли гапларнинг турини айтинг.

1. Аввал мияни тўлдириш керак, қоринни миянинг ўзи тўйдириб олади. *(Япон мақоли)* 2. Ё илмли бўл, ёки илмга таяниб иш тутадиган бўл. *(Ҳ.)* 3. Совиб қолган дўстликни иситиб бўлмайди. *(Леғове)* 4. Онасин қўйнига бош қўйиб аста, мириқиб, беозор ухлайди кизим. *(Б.Б.)* 5. Бевафолик қилса дўстинг мабодо, давосин топмайсан икки дунёда. *(Б.Б.)* 6. Душманингдан кўрқма, душманга айланган дўстингдан кўрқ. *(Ў.Ҳ.)* 7. Ҳақиқатни майиб қилиш мумкин, аммо ўлдириб бўлмайди. *(Ў.Ҳ.)* 8. Яхшилар кетидан агар чопарсан, истагинг, бахтингни шунда топарсан. *(С.)* 9. Ойдин. Тиниқ кўм-кўк зумрад кеча. *(А.Қ.)* 10. Ярим тун. Овулдан йўлчи ўтмоқда, Тулпор туёғидан чакнайди тошлар. *(А.О.)*

**32-машқ.** Ўқинг. Бир бош бўлакли гапларни икки бош бўлакли гапларга айлантириб кўчиринг ва синтактик таҳлил қилинг.

1. Тўрт ёш бўлсам керак, мени қишлоқ мачитидаги мактабга элтиб қўйди. *(С.А.)* 2. Отишма бўлаётган томонга қараб ўқ уза бошладилар. 3. Аёлни камситган кимсани одам ҳисобламанг.

4. Менга сой бўйидан ер бермоқчи эди. 5. Бемаҳалда нима қилиб юрибсиз, кизим? 6. Қишлоқда энди бошимни қандай кўтариб юраман? 7. Мактубингизни олдим. Ташаккур! 8. Ҳақиқий дўст-га содиқ бўл, хиёнат қилма. 9. Кўклам... Қишлоқ аҳли далага чиқиб кетган.

**33-машқ.** Бадий ва публицистик асарлардан, мақоллардан бир бош бўлакли гапларнинг ҳар бир гурига 2 тадан мисол топиб ёзинг.

**34-машқ.** Қуйидаги тест саволларининг тўғри жавобини белгиланг.

**1. Қайси қаторда шахси маълум гапнинг қондаси тўғри берилган?**

- А. Мазмунан ҳар учала шахсга тааллуқли гап шахси маълум гап дейилади.
- Б. Гапнинг кесимига бош келишик сўроқларини бериб, эгасини аниқлаш мумкин бўлган гап шахси маълум гап дейилади.
- В. Эгасини топиб бўлмайдиган гап шахси маълум гап дейилади.
- Г. Грамматик асос орқали ифодаланган нарсанинг борлигини, мавжудлигини аниқладиган гап шахси маълум гап дейилади.

**2. Қайси қаторда шахси умумлашган гапнинг қондаси тўғри берилган?**

- А. Гапнинг кесимига бош келишик сўроқларини бериб, эгасини аниқлаш мумкин бўлган гап шахси умумлашган гап дейилади.
- Б. Мазмунан ҳар учала шахсга тааллуқли гап шахси умумлашган гап дейилади.
- В. Эгасини топиб бўлмайдиган гап шахси умумлашган гап дейилади.
- Г. Грамматик асос орқали ифодаланган нарсанинг борлигини, мавжудлигини аниқладиган гап шахси умумлашган гап дейилади.

**3. Қайси қаторда шахсиз гап берилган?**

- А. Дам олиш куни экскурсияга бордик.
- Б. Ҳурмат қилсанг, ҳурмат топасан.
- В. Илми меҳнатсиз эгаллаб бўлмайди.
- Г. Ҳожи буви Ача хола айтгандек ўғлини кутди.

#### 4. Атов гап қайси қаторда жойлашган?

- А. Қиш бошланди.
- Б. Атроф оппоқ қор билан қопланган.
- В. Оппоқ қор. Изғирин.
- Г. Аввал ўйла, кейин сўйла.

### 9-§. Уюшиқ бўлакли гаплар

#### Топшириклар:

Қуйида берилган ёйик содда гапдаги ўзаро тенг боғланган бўлакларни аниқланг. Қандай бўлақлар уюшганини, уюшиқ бўлақлар ўзаро қандай боғланганини изоҳланг. Гапда ишлатилган тиниш белгиларининг қўйилиш сабабларини тушунтиринг.

*Халқимиз кейинги даврлар мобайнида босиб ўтган ва ўтаётган гоҳ машаққатли, гоҳ армонли, гоҳ тугёнли, гоҳ ифтихорли йўлларнинг манзара ва оҳанглари, садолари Эркин Воҳидов шеърлятида тўла мужассамдир. (А.О.)*

Уюшиқ бўлакли гаплар мураккаб содда гап ҳисобланади. Унинг гап бўлақлари икки ёки ундан ортик кенг, ёйик тизимли бўлади. Юқоридаги мураккаб содда гапда эгалар (*манзара ва оҳанглари, садолари*) уюшиб келмоқда. Гапнинг кесими – *мужассамдир. (Нималар мужассамдир? Манзаралари, оҳанглари, садолари мужассамдир.)*

Биринчи ва иккинчи сўзлар *ва* бириктирувчи боғловчи ёрдамида боғланиб, биринчи сўздаги *-лари* қўшимчаси тушиб қолган. Иккинчи ва учинчи сўзлар эса оҳанг ёрдамида боғланган.

Бундан ташқари, икки гуруҳ аниқловчилар уюшиб келмоқда: *босиб ўтган ва ўтаётган*. Булар сифатдошдан ифодаланган аниқловчилар бўлиб, йўллар сўзининг ҳаракат томонидан белгисини билдириб, ўзаро ва боғловчиси ёрдамида боғланмоқда.

Иккинчи гуруҳ аниқловчилар: *машаққатли, армонли, тугёнли, ифтихорли* сўзлари ясама сифатдан ифодаланган бўлиб, *йўллар* сўзини хил-хусусият томондан аниқлаб келмоқда. Улар такрорланиб келадиган *гоҳ* айирув боғловчилари ёрдамида боғланиб келмоқда.



Биринчи ва иккинчи гуруҳдаги аниқловчилар ўзаро уюшмаган аниқловчилардир. Уларнинг ўртасига вергул қўйилмайди, чунки улар уюшмаган аниқловчилардир.

**35-машқ.** Берилган гаплардаги ажратиб кўрсатилган сўзларни уюшган аниқловчилар билан кенгайтиринг.

**Намуна:** *Талабаларнинг қувноқ чеҳраси байрам бошланганидан дарак берарди. // Талабаларнинг шодон, қувноқ, ҳаяжонли чеҳраси байрам бошланганидан дарак берарди.*

1. Спорт майдончаси **футбол** ишқибозлари билан билан тўла эди. 2. Алишер Навоий – **буюк** мутафаккир. 3. Шоҳида – гуруҳдаги **аълочи** талабалардан бири. 4. Ташқаридан **қора қош** Назокат шошиб кириб келди. 5. Оқил киши **ростгўй** одамларга дўст бўлади. 6. Мўмиё **шифобахш** модда сифатида шарқ тиббиётида бундан уч минг йил аввал маълум бўлган. 7. Машина **текис** йўлга чикиб олди.

**36-машқ.** Берилган гаплардаги ажратиб кўрсатилган сўзларни уюшмаган аниқловчилар билан кенгайтиринг.

**Намуна:** *Боланинг кўзларида ҳаяжон ифодаси бор эди. // Боланинг катта қора кўзларида ҳаяжон ифодаси бор эди.*

1. З.М.Бобур номидаги академик театр **талаба** ва **ўқувчилар** билан гавжум. 2. Кечаси ёға бошлаган **қор** эрталабгача тинмади. 3. Чевар кизлар **кўйлакларни** дид билан бичиб-тикишди. 4. Ҳовлимизда **тут** бор эди. 5. Муаллимимиз столида **журнал** турарди. 6. Дугонамнинг ойсиси **майин товушли** аёл эди. 7. Ўш ва Жалолобод шаҳарларида кўп қаватли **иморатлар** қурилмоқда.

**37-машқ.** Шеърни ўқинг. Уюшиқ бўлакларни аниқланг. Гапнинг қайси бўлаклари уюшганини изоҳланг.

Инсон жисмин бериб менга бул сифат,  
Кенг оламини килдинг кўкрагимга жо.  
Дилимга ҳис бердинг, бошимга фикрат,  
Қулоғимга оханг, кўзимга зиё.  
Соддинг қалбга жону жонга муҳаббат,  
Қўлимга соз тутдинг, тилимга наво. (Э.В.)

Ҳақда эгалар, кесимлар ва барча иккинчи даражали бўлақлар уюшиб келишлари мумкин.

1. Уюшиқ бўлақлар ўзаро санаш оҳанги ёрдамида боғланади: *Масаланинг жиддийлиги, мураккаблиги, гоҳат хавфлилиги раиснинг бошини шишириб юборди. (Б. Кербобоев)*

2. Бириктирув боғловчиси ва; -у (-ю), - да юкламалари ёрдамида:

а) *Дипломсиз ва муҳрисиз, кабинетсиз ва бенул даволайдиган шифокор қуёшдир. (Водвойский)*

б) *Бир товуққа, албатта, ҳам дону ҳам сув керак.*

в) *Отам тонг саҳарда намозини ўқирди-да, устахонага жўнардди. (Ч.А.)*

3. Зидлов боғловчилари аммо, лекин, бироқ ва -у, (-ю) юкламалари ёрдамида:

а) *Бошингни кўтар, лекин бурнингни кўтарма. (Ҳ.)*

б) *Дўстларингга доимо ҳамдард бўл-у, сирларингни ошқор қилаверма. (Ҳ.)*

4. Айирув боғловчилари ёрдамида:

*Янги бошлиқнинг қандай инсонлигини билиш қийин: гоҳ табассум билан кутиб олади, гоҳ қовогидан қор ёғади.*

5. на инкор юкламаси ёрдамида: *У на қўлларини ювди, на паришон юзига сув урди. (Т.М.)*

**38-машқ.** Ўқинг. Уюшиқ бўлақларнинг ўзаро қандай боғланганлигини изоҳланг.

1. Гоҳо ҳоким, гоҳида кул у, гоҳо ҳазон, гоҳида гул у. (Ш.)

2. Илм-сахрода дўст, ҳаёт йўлларида таянч, ёлғиз дамларда йўлдош, бахтиёр дақиқаларда раҳбар, қайғули онларда мададкор. (Ҳ.)

3. У на шоир эди, на машхур зот, лекин дунё билан бир эди дарди. (А.О.)

4. Тушларимга кирасан, бобо, гоҳи отлик, гоҳи пиёда .... (Қ.М.)

5. Инсон доно, одми, одил, жасур ва саховатли бўлиши керак. (Паустовский)

6. Мехнат – очликнинг давоси, ошқозоннинг малҳами, саломатликнинг гарови. (М.Сафур)

7. Уйқусизлик бош мияни чарчатади, асабни бузади, кишини тез қаритади. 8. Инсон табиат билан иноқ, уйғун яшаши, унга қўполлик қилмаслиги керак. (Журн.)

**39-машк.** Қуйидаги гаплардаги ажратиб кўрсатилган сўзларни боғловчиларсиз санаш оҳанги билан уюшган бўлақлар билан кенгайтиринг.

**Намуна:** *Ишни уддалашга тажриба керак. // Ишни уддалашга тажриба, кўшикма, малака керак.*

1. Алишер Навоий бадий адабиётдан ташқари **фалсафани** ҳам ўрганган. 2. Мусобақада **Сардор** ғолиб чикди. 3. Бу отахон бўш вақтида улфатлар билан **суҳбат қуради**. 4. Кўпгина ижодкорлар **қадимий** Ўш ҳақида кўшиқ яратишни орзу қилдилар. 5. **Ватанга** бўлган **муҳаббат** хисси ҳар бир инсоннинг қалбида яшайди.

## 11-§. Уюшиқ бўлақларда тиниш белгиларининг ишлатилиши

Уюшиқ бўлақлар орасига қуйидаги ҳолатларда вергул қўйилади:

1. Уюшиқ бўлақлар ўзаро санаш оҳанги ёрдамида боғланса: *Зумрад чиройли, одобли, мулойим қиз. (Эртак)*

2. Зидловчи боғловчилар (*аммо, лекин, бироқ*) ва айирув юкламалари (*-у, -ю*) ёрдамида боғланса: *Ой ёритади, лекин иситмайди. Шукурбек дарвозани очди-ю, ичкарига кирмади. (Қ.М.)*

3. Такрорий келадиган айирувчи боғловчилар ёрдамида боғланса: *Ё белни боғлаб астойдил ишла, ё жуфтани ростла. Лоқайд одамларда қизиқиш ҳам, эҳтирос ҳам, эътибор ҳам, эзгулик ҳам бўлмайди. (Ш. Орифий)*

Уюшиқ бўлақлар орасига қуйидаги ҳолатларда вергул қўйилмайди:

1. Бириктирувчи боғловчилар (*ва, ҳам, ҳамда*) ёрдамида боғланса: *Дашт ҳам чавандознинг ашуласини тинглайди ва у билан бирга куйлайди. (Ч.А.)*

2. Боғловчи вазифасидаги айирув юкламалари (*-у, -ю*) ёрдамида боғланса: *Анжуманга олимлару фозиллар тўпландилар. Таклифни ўқитувчию талаба бирдек қўллаиди.*

3. Такрорланмай келган айирув боғловчиси ёрдамида боғланса: *Зулфия онасини кўргани ҳар ойда келар ёки мактуб юборар эди.*



40-машқ. Ўқинг. Уюшиқ бўлақларни топиб, қандай бўлақ уюшганини ва улар қандай ифодаланганлигини айтинг.

1. Дераза орқасидан боғ-роғлар, токзорлар, қулф уриб ётган кўм-кўк маккажўхори далалари ўтиб борарди. (Ч.А.) 2. Оқил ва донолар билан суҳбатдош бўлинг, илмингиз ҳар қанча кўп бўлса ҳам, илм ўрганишни тарк қилманг. 3. Молу давлатингиз билан эмас, илм, ҳунарингиз, гўзал ҳулқ-атворингиз билан фахрланинг. (Х.) 4. Бир синфда ўқийдиган, бир партада ўтирадиган ўртоғим бор эди. (Ў.Х.)

5. Ёвузлик жой олса қалблардан агар,  
Ундайин кимсанинг номи адодир.  
Молу мулк, дунёси бисёрдир магар,  
Лекин руҳи унинг мажрух, гаодир.

## 12-§. Уюшиқ бўлақларда умумлаштирувчи сўз ва тиниш белгиларининг ишлатилиши

### Топшириқлар:

Қуйида берилган гапларни кўчиринг. Уюшиқ бўлақларнинг остига бир чизик, умумлаштирувчи сўзлар остига икки чизик чизинг. Тиниш белгиларига эътибор беринг.

Сайраётган қушлар, ўтлаб юрган қўзилар, кишнаётган тойчоқлар – ҳаммаси тўхтаб, жим кулоқ солаётганга ўхшайди. (А. Сидиқов).

Баҳор. Бобомнинг боғидаги барча мевалар: олма, ўрик, шафтоли қийғос гуллаган пайт. (М.М.)

Уюшиқ бўлақли гапларда баъзан умумлаштирувчи сўз ҳам ишлатилади. Умумлаштирувчи сўз уюшиқ бўлақларни мазмунан умумлаштиради. Уюшиқ бўлақлар қандай саволга жавоб бўлса, умумлаштирувчи сўз ҳам шундай саволга жавоб бўлади. Умумлаштирувчи сўз уюшиқ бўлақлардан кейин ва олдин келиши мумкин.

Уюшиқ бўлақлардан кейин келса, умумлаштирувчи сўздан аввал тире (–) қўйилади. Умумлаштирувчи сўз уюшиқ бўлақлардан аввал келса, ундан кейин икки нукта (: ) қўйилади.

**41-машк.** Ўқинг. Умумлаштирувчи сўз иштирок этган гапларни кўчиринг ва синтактик таҳлил қилинг.

Қирғизистон – бизнинг Ватанимиз. Олтин қуёш, мусаффо мовий осмон, баланд тоғлар, ям-яшил воҳалар, гулларга бурканган боғлар – буларнинг ҳаммаси, бизнинг севимли Ватанимиз.

Республикамиз географик жиҳатдан қулай муҳитга эга. Унинг атрофини осмонўпар қорли тоғлар, кенг яйловлар ўраб туради. У ердан кўм-кўк кўл кўриниб туради. Бу – Иссиқкўл.

Тоғлардан шаркираган тезоқар дарёлар оқиб тушади. Уларнинг сувлари муздек, тиник, ширин. Тоғ ёнбағирларида чиройли дарахтлар, майса-ўтлар ўсади. Бу ерлардаги чодирларда чўпонлар яшайдилар. Уларнинг атрофлари яшил ўтлоқлар бўлиб, у ерларда турли ҳайвонлар: қўй, эчки, от ва туялар боқилади. Қирғизистон ҳудуди орқали Буюк Ипак йўли ўтган. (*Газ.*)

**42-машк.** Тиниш белгиларини қўйиб кўчиринг. Уюшиқ бўлақлар остига бир чизик, умумлаштирувчи сўз остига икки чизик чизинг ва тиниш белгиларининг қўйилиш сабабларини тушунтиринг.

1. Табиатнинг турфа манзаралари хусусан дарёлар тоғлар оқ чўккилар бепоён водийлардаги ранго-ранг гуллар буларнинг ҳаммаси кўзни озиклантиради ва қувонтиради. (*Х. Зийёев*)  
2. Қалдирғоч файзсиз ноаҳил хонадонга ҳеч қачон ин қурмайди. (*Ў.Х.*)  
3. Яхши одамлар кўнгилпарвар муносабатлар табиат инъомлари бари осмоний неъматлардир. (*Т. Содиқова*)  
4. Характерда юриш-туришда услубда жами нарсаларда гўзаллик оддийликдир. (*Лонгфелло*)  
5. Миллатнинг даҳоси акли ва руҳияти мақолларидан билинади. (*Ф. Бекон*)  
6. Хожасиннинг тикилиб қолиши қошларининг билинар-билинамас чимирилиши юзини тесқари буриб олиши буларнинг ҳаммаси унинг хотирасига муҳрланган эди. (*Т.М.*)  
7. Ўша ўқинчли армон ушалмаган орзу тарқалмаган хумор ҳаммаси унинг қалбини тирнаб изтироб соларди. (*Ч.А.*)  
8. Энди бўлса бу ердаги ҳамма нарса ялтироқ линолиум пол ҳам мажбурий тартиб-қоидалар ҳам профессор билан доктор опа ҳам Шоира билан ошпаз Маша хола ҳам шунчалик юрагига яқин туюлиб кетди... (*Ў.Х.*)

**43-машк.** Матни ўқинг. Уюшиқ бўлакли гапларни аниқлаб, қандай бўлак уюшганини белгиланг ва синтактик таҳлил қилинг.

## ЗИРА

Зира денгиз сатҳидан 800-1800 метр баланд ерларда – адир ва тоғ ёнбағирларида ўсади. Зира Туркистон ҳамда Ҳисор тоғларининг ғарбий қисмларида кенг тарқалган. Шунингдек, Бойсун, Нурота, Олой тоғларининг ҳам катта-катта майдонларини эгаллайди.

Зира ўсимлиги тарқалган Шахрисабз, Яккабоғ, Фаллаорол, Қизилкум худудларида киш фаслида қуруқ совуқ бўлади, ёғингарчиликнинг энг кўп қисми апрель ойига, энг кам қисми июль-сентябрь ойларига тўғри келади.

Зира ўсадиган майдонларнинг тупроғи бўз тупрок бўлиб, унумли тупроқлар қаторига киради. Бу ерларда зира анча баланд, сершоҳ бўлиб, тарвақайлаб ўсади. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, зира кам тарқалган майдонларда 4-6 тадан соябонсимон тўпгул ҳосил қилса, энг кўп тарқалган ерларда 5-8 тагача тўпгул ҳосил қилади. Бундай зоналарда зиранинг бўйи баланд ўсади, ҳосилдорлиги ҳам кўп бўлади.

Зира кўп йиллик ўсимлик бўлиб, табиатда фақат уруғи ёрдамида кўпаяди. У биринчи йилда уруғпалла барглар ҳосил қилади, холос. Зира ҳаётининг иккинчи йилида битта чинбарг, учинчи йилида эса иккита чинбарг чиқаради. Бу барглар патсимон шаклда кўринади. Тўртинчи йилда гуллаш ҳамда мева ҳосил қилиш жараёнлари бошланади. Зира уруғида эфир мойининг миқдори унинг тўлиқ пишган даврида бўлиши ва у саратонда пишиб етилиши аниқланган. Шунинг учун зира ҳосилини йиғиб-териб олиш июль ойида амалга оширилади.

Шарқ халқлари азалдан зирани сутли овқатлардан ташқари барча таомларга солиб ишлатиб келишади. Ҳозирги кунда зира нафақат Осиёда, балки Европа, Америка, Австралияда севиб истеъмол қилинадиган зираворлардан бири бўлиб қолди.

*(А.Ақромов)*

**44-машк.** Адабиёт дарслигингиздан уюшиқ бўлак ва умумлаштирувчи сўз иштирок этган 4 та гап топиб ёзинг. Умумлаштирувчи сўз қайси бўлак вазифасида келганини изоҳланг.



**45-машқ.** Уюшиқ бўлакли гапларни ажратиб, жадвалга қуйидагича ёзинг.

Боғловчиларсиз, санаш оҳанги ёрдамида боғланган уюшиқ бўлакли гаплар	Тенг боғловчилар билан боғланган уюшиқ бўлакли гаплар
1.	1.
2.	2.
3.	3.
4.	4.

1. 1. Ёмғир томчилари барглари, гулларни, майсаларни чиннидай ювади, табиатни губорлардан тозалайди. (*Х.Ғ.*)  
2. Дорнинг ўртасига келиб олиб, дам олдинга, дам орқага қарайди. (*Т.М.*) 3. Олижаноб хис тарбия этиладиган, камол топтириладиган бирдан-бир макон – оила бағри, ота-она даргоҳидир. (*М.И.*) 4. Бу жонивор худди бўрининг ўзи: на хуради, на одамни кўрқитади. (*Ш.Х.*) 5. Исҳоқнинг ранги гоҳ оқарарди, гоҳ қизарарди. 6. Аслида у кўринишдан кекса, фаромушхотир, тажанг, хастагина киши эди. 7. Қоп-қоронғи тун шу қадар тинч, сокин эди. (*Т.Қ.*) 8. Шундан сўнг кози ё хун тўлаш, ё қасос олиш ҳақида ҳукм чиқарди. (*Эртак*)

**46-машқ.** Қуйидаги тест саволларининг тўғри жавобини белгиланг.

**1. Мисолларнинг қайси бирида уюшиқ бўлакли гап берилган?**

- А. Мен дарсдан кейин ота-оналар кенгашининг йиғилишида бўлдим.
- Б. Эшикдан ўрта ёшли, тўладан келган, буғдой ранг аёл кириб келди.
- В. Қаландаров Саиданинг ўз ҳолига ташлаб қўйди.
- Г. Муяссар юраги гурс-гурс уриб, беихтиёр қадамини секинлатди.

**2. Мисолларнинг қайси бирида эгалар уюшиб келган?**

- А. Йўлда баъзан оқ, пушти, сариқ ва қизил гуллар учрайди.
- Б. Улар сой бўйидаги тошлардан, ҳар хил гиёҳлардан намуналар олишди.
- В. Тепадан унга таниш кўчалар, уйлар, далалар бир-бир кўришиб ўтарди.
- Г. Дарахт япроқлари ой билан саломлашгандек майин шитирлайди.

**3. Бириктирув боғловчилари билан боғланган уюшиқ бўлақларни аниқланг?**

- А. Атиргул ва оловгул кузнинг илк изғиринларини писанд қилмайди.
- Б. Саёҳатга ёки экскурсияга чиқишнинг гашти бор.
- В. Тепаликлар бўйлаб дам баландга чиқамиз, дам пастга тушамиз.
- Г. Баъзан ойим, баъзан бувим билан аравага тушиб борардик.

**4. Қайси қаторда уюшиқ бўлақлар умумлаштирувчи сўз билан қўлланган?**

- А. Анъанага кўра меҳмонлар мактаб боғига мевали дарахт ўтказишарди.
- Б. Атрофни куршаган тоғлар, қирлар, дарахтлар, тоғлар – ҳамма нарса баҳор ҳавосига чўмилгандек тиниқ, ям-яшил кўринарди.
- В. Кунлардан бирида она-бола яна ўша кишлоққа бориб қолдилар.
- Г. Аммо шоирнинг хаёли ҳамон паришон, кўнгли алағда эди.

**5. Қайси қаторда тўлдирувчилар уюшиб келган?**

- А. Асроркул самоварни жуда баҳаво жойга қилган эди.
- Б. Ўқувчи-ю талаба – бари байрам кайфиятида эди.
- В. Фуломжон икки ойдан бери мактабдорлик қилади.
- Г. Қандай одам билан ёнма-ён юрганини, қандай одам билан турганини кейин билиб қолар экан киши.

**6. Қайси қаторда аниқловчилар уюшиб келган?**

- А. Мен кунларнинг, соатларнинг, йилларнинг мазмуни шеърга кўчишини истайман.
- Б. Сардор бир даста ошпоқ атиргул келтирди.
- В. Фуломжон икки ойдан бери мактабдорлик қилади.
- Г. Отам бозордан катта қора кўчқорни етаклаб келди.

**7. Уюшиқ бўлақлар ва умумлаштирувчи сўзлар орасида қандай тиниш белгилари қўлланилади?**

- А. Ундов ва сўрок белгиси.
- Б. Қўштирноқ ва қавс.
- В. Кўп нукта ва чизикча.
- Г. Вергул, икки нукта, тире.

**Топшириқлар:**

Қуйидаги гапларни қиёсланг. Улар ўзаро нимаси билан фарқланишини айтинг.

*Шоир ва драматург Уйғун 1905 йилда Марки шахрида тугилган.*

*Уйғун, шоир ва драматург, 1905 йилда Марки шахрида тугилган.*

Юқорида берилган иккала гапда ҳам *Уйғун* – эга, *шоир* ва *драматург* – *Уйғун* нинг изоҳловчиси; *Марки шахрида* – ўрин ҳоли.

Иккинчи гапда *шоир* ва *драматург* сўзлари *Уйғун* сўзидан кейин келиб, ажратилган бўлак вазифасида қўлланыпти.

Ажратилган бўлак ўзидан олдин келган бўлакни изоҳлаб, таъкидлаб, бўрттириб ифодалайди ва ҳар икки томонидан вергул ёки тире билан ажратилади. Мисолларга диққат қилинг:

*Мен, Соҳиба Умарова, 11-синфда ўқийман.*

*Эсенхоннинг суянган тоғи-туғишганлари бор эди. («М.»)*

Бу гапларда эгалар ажратилган.

Ёки: *Янги котиба дарров ишни бошлаб юборди – ҳужжатларни тартибга солди.* Бу гапда кесим ажратилган.

**Эслатма:** Ажратилган кесимни уюшиқ кесимлардан фарқлаш керак.

Барча гап бўлаклари ажратилади.

1. *Доктор беморнинг, Наргизанинг, ҳароратини ўлчаб, бошини чайқади.* /Қаратқич-аниқловчи ажратилган/

2. *Дунёда юртлар кўп – сўлим, улугвор.* /Сифатловчи - аниқловчи ажратилган/

3. *Рустам акаси билан, моҳир қурувчи Довуд билан, фахрланарди.* /Тўлдирувчи ажратилган/

4. *Қуёш шарқдан, кўкимтир тоғлар орасидан, мўралаши билан қишлоқ яна ҳам яшнаб кетарди.* (О. Акрамхўжаев) /Ўрин ҳоли ажратилган/

**Эслатма:** Ҳолнинг ҳамма турлари ҳам ажратилиб келиши мумкин.



**47-машқ.** Ўқинг. Берилган гаплардаги ажратилган бўлақларни аниқланг. Қандай бўлақлар ажратилганини изоҳланг. Ажратилган бўлақлардаги оҳанг ва тартибга диққат қилинг.

1. Болалик орзулари ўттиз кунлик ой нури каби унга хиёнат қилди – зулмат қаърига сингиб кетди. (Т.М.) 2. Инсон қиладиган ишларнинг энг ёмони – риёкорлик, яъни иккиюзламачилиқдир. (М.) 3. Булутлар билан олишиб чарчаган куёш уфққа умидсиз бош кўйди – кўздан ғойиб бўлди. 4. Ўша отга мана бу боланинг, Худойбердининг, ишқи тушиб қолган экан. (М.И.) 5. Ўрта бўй, оппоқкина, қирк ёшлардаги дўмбоқ аёл – Ёркинойнинг онаси Гулжон опа – Анварни илиқ кутиб олди. (О.Ё.) 6. Сидикжон Ўрмонжонни товушидан – сўзларидан таниди. (А.Қ.) 7. Чорраҳанинг – катта майдоннинг атрофида сон-саноксиз одамлар кўп. (А.Қ.) 8. Домланинг, Обид Юнусовичнинг, яхши насиҳатларини эшитиб ўтириб, бир воқеа эсимга тушиб кетди. (О.Ё.) 9. Ҳар қайсимиз ўз ўйимиз билан банд эдик, аммо ҳаммамиз бир одамни – онамни ўйлардик. (Ў.Ҳ.)

10. Ўн саккиз ёшимда, қутлуғ кунимда,

Онам ҳадя этди қилич ва қалам. (Б.Б.)

11. Ғала-ғовур шаҳарда

Уларга ором қайда.

Улар мазза қилмоқда

Ўрмонда – тип-тинч жойда. (Ҳ.Раҳмат)

**48-машқ.** Остига чизилган сўзлардан кейин ажратилган бўлақлар кўшиб ёзинг. Қандай бўлақ ажратилганини изоҳлаб беринг.

1. Акам ... Ўш давлат университетида ўқийди. 2. Узоқда ... кизил сур булутлар йиғила бошлади. (Ч.А.) 3. Сотиболди кўшнисини... чақирди (А.Қ.) 4. Шухрат Толиб аканинг... гапларидан уялиб кетди. Узоқдан ... карнай-сурнай овозлари эшитиларди. 5. Бола авария бўлган жойга яқинлашмади..... 6. Қишда... кашта, дўппи тикишда онасига ёрдамлашарди.

**49-машқ.** Ўқинг. Ажратилган ҳолларни топиб, ҳолнинг қайси тури ажратилганини изоҳлаб беринг.

1. Суладан жуда нарида, марвартак тутлар салқинида, оломон хўмрайиб караб турар эди. (М.И.) 2. Аллақаёқдан, узоқдан, онанинг мулойим овози келди. 3. Дельфин ҳар куни

ёки кунора бир вақтда – чошгоҳда келадиган бўлди. (*Қ.М.*) 4. Қурбон ота супага, сада остига, жой қилди. (*А.Қ.*) 5. Бошқа бир жойда – ҳовлининг ичида аллакимнинг тажангланиб кийкиргани эшитилар эди. (*М.И.*) 6. Қишлоқдан бир қир нарида – беҳисоб қизғалдоқлар далани қизартириб, хиёл чайқалиб турган жойда – Хулқар ўт ўрарди. (*П.Қ.*) 7. Дадам шу атрофдан – қишлоқнинг чиқаверишидан дўкон қидирди. (*А.Қ.*)

**50-машқ.** Кўчиринг. Ажратилган бўлакли гапларда тиниш белгиларининг қўлланилишига диққат қилинг.

1. Наврўз байрами йилнинг энг гўзал фаслида – табиат киш кийимини ечиб, олам гулга бурканган, қир-адирлар, боғ-бўстонлар кўм-кўк баҳор либосини кийган пайтда келади. 2. Бобур ўзининг оромгоҳи қилиб қўл остидаги бепоён юртлардан энг хушхаво, табиати гўзал жойни – Қобулни танлагани бежиз эмас. 3. Хумоюн ўн беш ёшга кирганда унинг китоб жавонида отасининг яна бир асари – аруз илмига бағишланган «Мухтасар» пайдо бўлди. (*П.Қ.*) 4. Ўша биз суянган тоғимиз, ишонган боғимиз – ўрда хавф-хатар остида қолди. (*Т.Қ.*) 5. «Ўтган кунлар» асари икки ёшнинг пок севгиси – ҳижрону азоблари, қувончу шодликлари асосига қурилгани учун ҳам ҳар бир қалбга сирдош бўлгудек қадрга эга. (*Журн.*) 6. Бундан тўққиз йил муқаддам уни мамлакатнинг улкан шахарларидан бири – Ўтрорга ҳоким этган эдилар. (*Мирм.*)

**51-машқ.** Ўқинг. Гуруҳларга бўлиниб, 1-гуруҳ эга ажратилган, 2-гуруҳ тўлдирувчи ажратилган, 3-гуруҳ ҳол ажратилган гапларни кўчиринг ва синтактик таҳлил қилинг.

1. Бола ўзининг бояги сўзини – отасининг ижодидан ибрат олишга ҳаваси зўрлигини ҳозир чиндан исбот қилмоқда эди. (*П.Қ.*) 2. Эртаси кечкурун, соат еттиларда, ота-бола етаклашиб кириб келишди. 3. Ўша куни мен ўз бахтимни – сизни учратдим. 4. Бир куни уйига маҳалланинг обрўли одами – кимсан домком меҳмон бўлиб борганида хасис унинг олдида ликопчада тут майиз қўйибди. 5. Биз, опа-сингил, ҳар куни мактабдан чиқиб, бувимнинг ҳовлисига борардик. 6. Аллақандай куч мени ичкарига – сиз кириб кетган эшикка чорларди. (*Ў.Ҳ.*) 7. Мен, Ширин Азизова, Ўзган шаҳрида туғилганман.

8. Амирлар ва беклар ҳукмдорнинг оёқ томонидан – пойгоҳдан жой олиб, вужудлари кулоққа айланган ҳолда ерга қараб ўтирардилар. (*Журн.*) 9. Бандага хос бўлмаган кибр ўзининг энг зўр вазифасини – одамни одамга ёмон кўрсатиш, бир кимсани иккинчисидан нари итариш ишини амалга оширишга киришган эди. (*Т.М.*) 10. Тоҳир қоронғи осмоннинг узоқ бир четига – Сирдарёдан нарида жойлашган Аҳси томонга интизор кўзлар билан тикилди. 11. Бобур ўша йили ёзиб тугаллаган шеърӣ китоб – «Мубаййин» Ҳумоюннинг номига чиндан ҳам қофиядош эди. (*П.Қ.*)

**52-машқ.** Ўзингиз ёктирган адиб асаридан ажратилган бўлакли гапларга олтига мисол топиб ёзинг. Қандай бўлак ажратилганини изоҳлаб беришг.

**53-машқ.** Қуйидаги тест саволларининг тўғри жавобини белгиланг.

**1. Қайси қаторда аниқловчи ажратилган?**

- А. Дониёр ўрнига ўтириб, чала ишларини ниҳоясига етказмоқчи бўлди.
- Б. Кўчқоров – дўнг пешана, қирра бурун, кўкрақдор, полвон тахлит йигитча – кичкина район газетасига кўз тикиб ўтирар эди.
- В. Ҳикоянавис бизни ҳар сафар соддадил одамлар, оддийгина воқеалар ичига бошлайди.
- Г. Самандаров ер остида Сафаровга қаради.

**2. Қайси қаторда ўрин ҳоли ажратилган?**

- А. Пастда, пахтазор этагида, муздай булоғи билан ёз кезлари киши жонига оро кирадиган терақзорлари бор эди.
- Б. Ботирадиннинг аскарликка кетганига уч йилдан ошди.
- В. Маҳаллада одамнинг ёлғизлиги билинмайди.
- Г. Савдогарлар, элчилар ва уларнинг хизматкорлари ҳам ичларидан қилич тақиб олган эдилар.

**3. Қайси қаторда тўлдирувчи ажратилган?**

- А. Олимларнинг хизмати мангу қолади.
- Б. Ёмонга бош бўлгунча, яхшига йўлдош бўл.
- В. Қоронғилик ... куюқлашиб борарди.
- Г. Халқ мулкининг катта парчасини, юз гектар олтин тупрокни неча йиллардан бери қамиш, шўр босиб ётибди.



### I. Саволларга жавоб беринг:

1. Грамматиканинг синтаксис бўлимида нималар ўрганилади?
2. Пунктуация деганда нимани тушунаси?
3. Сўз бирикмасининг турларини айтинг. Қандай сўз бирикма-ларида сўзларни боғловчи қўшимчалар тушиб қолиши мумкин?
4. Гап деганда нимани тушунаси? Гапнинг асосий белгилари қайсилар?
5. Бир бош бўлакли гапларнинг қандай турларини билиб олдингиз? Ҳар бирига мисоллар келтиринг.
6. «Гапнинг ажратилган бўлаклари» атамасини изоҳлаб беринг.
7. Гапнинг уюшиқ бўлаклари ва умумлаштирувчи сўз ҳақида қандай тушунчаларга эгасиз?
8. Уюшиқ бўлакли гапларда умумлаштирувчи сўз уюшиқ бўлақлардан аввал ёки кейин келадиган ҳолатларга иккитадан мисол келтиринг. Тиниш белгиларининг ишлатилишини изоҳлаб беринг.

II. Уюшиқ бўлақлар қатнашган гапларни ёзинг, уюшиқ бўлақларнинг гапдаги вазифасини аниқланг ва тагига чизинг.

1. Шунақа ўғлим, бошга тушса, кўз кўради. Яхшиликни ҳам, ёмонликни ҳам билиб, иш юрит. Тўсатдан келган омадга унча қувонма. Ногаҳон ёмонликка дуч келсанг, эсанкирама. Бу дунё шундай: гоҳ туя минаясан, гоҳ яёв юрасан. (Т.Қ.)

2. Зарифа опа бир кам қирқ йил давомида улуғ ёзувчининг рафиқаси сифатида унинг хонадониде севги ва бахт чироғини ёкиб келди, не-не асарларнинг ёзилишига илҳом берди. Ойбек душманлар хуружи туфайли тилдан маҳрум бўлиб, қўли ёзолмай қолганида, унинг бийрон тили ва чаққон қўли бўлди. Вафотидан кейин эса адибнинг адабий меросини тўплаб, тўла нашр этиш ва Ойбек уй-музейини барпо қилишга раҳбарлик қилди. (З.Саидносирова)

III. Матнни ўқинг ва сарлавҳа танланг.

Ўзбек халқи жуда қадим-қадим замонлардан бери сонсаноксиз урф-одат, расм-русум, удум, анъана ва тўй-томоша ҳамда кўнгиш очар маросимлари билан машҳур бўлган. Булар орасида эса ўзбекона тўй-тантаналар алоҳида ўрин эгаллаган бўлиб, улар ўзларининг хилма-хиллиги, қувноклиги, урф-одат,

расм-русумларга бойлиги, барчанинг тенг қатнашиши, ижрочи ва томошабиннинг бўлмаслиги, барчанинг фаол иштироки билан ҳам жозибадор бўлган. Шунингдек, ўзбек тўйлари, у нимага, кимга аталган бўлишидан қатъи назар, ўйин-кулгига бойлиги, халқ маънавий маданиятининг барча тармоқлари ўз ифодасини топганлиги билан ажралиб туради.

«Тўй» атамаси билан халқнинг кўнглини очувчи, унга хузур бахш этувчи, қувончига, тантанасига сабабчи бўлган ҳар бир маросим ва таомиллар ўтказиб келинган. Бу эса халқ оммаси орасида қувнокликка, шодон турмушга, эзгуликка интилишнинг нақадар кучли бўлганлигидан далолат беради.

*(Х.Исмоилов)*

**IV.** Матндаги содда ёйиқ гапларни сўз бирикмаларига ажратинг.

**V.** Уюшиқ бўлақлар билан жуфт сўзлар орасидаги тафовутлар хусусида фикр юритинг. Уюшиқ бўлақли гапларни тўлиқ синтактик таҳлил қилинг.

### **Гап бўлақлари билан грамматик алоқага кирмаган сўзлар**

Нутқимизда гап бўлақлари билан грамматик жиҳатдан боғланмайдиган сўзлар қатнашган гаплар ҳам қўлланилади. Бундай сўзлар мазмун томонидан бутун гапга ёки унинг бирор бўлагига алоқадор бўлади. Булар ундалма, кириш ва киритмалардир.

## **14-§. Ундалма**

### **Тошшириқлар:**

**I.** Гапларни ўқинг. Ундалмаларни топинг. Тиниш белгиларининг ишлатилишига эътибор беринг.

1. Фарида, биламан, азизим, сенинг бу кўзларинг шунчалар жафо, шунчалар саргардонликларни кўрди.

2. О-ой, почтачи амаки, бизга хат борми?! *(Ч.А.)*

3. Қуёш, нуринг сочавер мўл-мўл,

Чаман, кетма бизнинг боғлардан. *(О.)*

**II.** Ундалмаларнинг ифодаланишига диққат қилинг. Бу гапларда эга қўлланганми? Фикрингизни дадилланг.

Сўзловчининг нутки қаратилган шахс ёки предметни билдириб, гапнинг бошқа бўлаклари билан грамматик алоқага киришмаган сўзлар ёки сўзлар бирикмаси ундалма ҳисобланади.

Ундалма нутқ жараёнида тингловчининг диққатини тортиш учун қўлланилиб, одатда, иккинчи шахсга қаратилган бўлади.

Шахс отлари, қариндошлик, ҳунар, касбни англатувчи сўзлар ундалма бўлиб келади. Масалан: *Хола, бугун бизникида қоласизми? Иним, отангизнинг биродарлари, қўни-қўшини, қариндош-уругингиз бордир, а? (Т.М.) Мен ўйлаб кўраман, акахон. Эй, уста Фарфи, келинг, келинг, бормисиз? (А.Қод.)*

Айрим ҳолларда, айниқса, шеърини асарларда ҳайвонлар, қушлар, жонсиз нарсаларнинг номини билдирган сўзлар ҳам ундалма вазифасида қўлланилади. Масалан: *Айт, эй ҳаста булбулим, Ўшга қачон етамиз?! (Ш.Р.)*

*Эй шамол, жим тур, само, жим, мавжудот, бир лаҳза жим, Тингла, олам, тингла, одам, сен агар бўлсанг-да ким. (Э.В.)*

Ундаш маъносини кучайтириш учун баъзан ундалма такрорланиб қўлланади. Масалан:

*Чумоли, меҳнаткаш чумоли,*

*Куйинма, атрофга бир қара... (Ш.Р.)*

**Эслатма:** Ундалмали гапларда, одатда, эга туширилади: *Бек ака, соғ-саломат бориб келдингизми сафарларга? (Т.М.)*

**54-машқ.** Шеърни ифодали ўқинг. Ундалмаларни аниқлаб, қандай ифодаланганлигини тушунтириб беринг.

### Ёш шоирга

Тилай ғайрат сенга, ёш шоир укам,

Фазлу ҳикмат сенга, ёш шоир укам,

Биз ҳам куйлаб ўтдик имконлар кадар,

Энди навбат сенга, ёш шоир укам.

Мустақил хур маъво сенингдир, сенинг,

Озод, эминг садо сенингдир, сенинг,

Биз шивирлаб айтган туйғуни энди



Куйлаш ошкоро сенингдир, сенинг.  
Нафосат юртига посбон бўл, ўғлон,  
Тили шамшир, кўкси қалқон бўл, ўғлон.  
Аввало шоир бўл, ундан ҳам аввал  
Шу юртга ўғлон бўл, ўғлон бўл, ўғлон. (Э.В.)

**55-машк.** Кўчиринг. Гапларни синтактик таҳлил қилинг. Ундалмаларнинг эгадан фаркли жиҳатларига тўхталинг.

1. Устоз, созга олай боқий ҳаётни,  
Боқий шеър қошида бош эгай бир он,  
Шодлик ва бахтни куйлаган зотни  
Шодлик билан элар одатда замон. (А.О.)
2. Кел, эй Бобур, ватанга,  
Элда ёдинг, кадру шонинг бор.  
Табаррук бул заминингда  
Ҳаёти жовидонинг бор...  
Кел, эй Бобур, ғазал ёз,  
От миниб кез шоҳ Бобурдек,  
Неча Бобур каби наслинг  
Баҳодир, паҳлавонинг бор. (Э.В.)
3. Дуога кўл очдим, эркам, бахтли бўл,  
Янги хонадонинг муборак бўлсин. (Э.В.)
4. Бу ён Америка, бу ён Чинмочин,  
Ўзбек олам узра ёзди қулочин.  
Қулоч ёзган элнинг садоси бўлиб  
Юксал, темир қанот, эй мурғак лочин! (Э.В.)

**56-машк.** Ўқинг. Ҳар бир гапнинг эгасини ундалмага айлантириб, гапларни қайта тузиб кўчиринг, зарур тиниш белгиларини кўйинг.

1. Шаҳноза ... йиғма каравотда ўтирар, нукул бир гапни такрорлар эди. (Ў.Ҳ.) 2. Али қушчи эртасига чошғоҳ пайтида қайтди. (О.Ё.) 3. Ҳасан илгариги йилларда бошқа деҳқон, боғдорлардан аввалроқ йиғим-геримга чиқиб, боғ ҳосилини ўз вақтида йиғиб оларди. (С.Айн.) 4. Ўғлим кейин воқеани батафсил тушунтирди. 5. Асадбек иссиқ танчага ўтириб роҳатланди. 6. Биладан, жон болам, биладан, тақдир эканда. (Т.М.)

## 15-§. Ундалмали гапларда тиниш белгиларининг ишлатилиши

Ундалма гапнинг бошида, ўртасида, охирида келиши мумкин.

1. Ундалма гапнинг бошида келса, ундалмадан сўнг вергул қўйилади:

*Қизим, бахтли кунда дунёга келиб,*

*Умрим осмонини безаган моҳим.*

*Қувончим, эрта-кеч шаятлар қилиб,*

*Дедим, тўйларингни кўрай илоҳим. (Э.В.)*

2. Ундалма гап ичида келса, унинг ҳар икки томонидан вергул қўйилади: *Куюнманг, Полвон тога, мен бир суриштириб кўраман. (Т.М.)*

3. Ундалма гапнинг охирида келса, ундан олдин вергул қўйилади: *Ўзингиз бардаммисиз, хола? (Ў.Х.) Мухтасар сўз шул, беклар. (Х.Султон)*

**Эслатма:** Гап бошида келган ундалма ҳаяжон билан айтилса, ундан сўнг ундов белгиси қўйилиб, гапнинг давоми бош ҳарф билан бошланади: *Эй, Маҳмуд! Бунга тушунтириб қўй! (Т.М.)*

**57-машқ.** Ундалмаларни гап ичида, гап охирида келтириб, гапларни кўчиринг, зарур ўринларга тиниш белгиларини қўйинг. Ундалмалар ўрнининг ўзгариши гапнинг мазмунига таъсир этдими? Фикрингизни асослаб беринг.

1. Эй фарзанд, ёдингда тут, мана шу ўн гўзал хислат – ҳаё, мурувват, садокат, тавозеъ, меҳнат, сахийлик, шижоат, омонатга вафо, адолат ва маърифат одамга бахт-саодат келтиради. (Ҳ.)

2. Амирзодам, маъзур тутинг, бироқ қулингиздан бу аччиқ кинояларга лойиқ не гуноҳ ўтди – билмасман. (Ҳ.Султон) 3. Эй фарзанд, билгилки, то киши тирикдур, дўстсиз бўлмағусидур. («Қ.»)

4. Эй биродар, агар бахт-саодат истасанг, ғурур, ман-манликдан йироқ бўл, ҳикматли сўзларни сокинлик билан тингла, такаббурлик, жохиллик, гиначиликдан ҳазар қил. (Ҳ.)

5. Маҳмуд, мен душманларимдан ўч олмай туриб кета олмайман. 6. Ўғлим, шуни унутмагинки, ҳасад-юракнинг занглаши, қайсарлик-мағлубият сабабчисидир. (Ҳ.)

**58-машқ.** Кўчиринг. Ундалмаларни нима билан ифодаланганини изохланг.

1. Балли, ўғлон! Дилдаги оҳанг нафас ила найга ўтур. (О.)
2. Нимага турибсан, шалпанг қулоқ, бирон нарса оласанми? (Ч.А.)
3. Ўғлим, адолатли бўл, шу ишинг билан азиз ва мухтарам бўласан. (Х)
4. Ишни вақтлироқ тугатинг, шоир, бокка кетамиз. (С.А.)
5. Сўрангиз, ҳожи, хон бермаганда ҳам олиб беришга мен кафил! (А.Қод.)
6. Сиз нима дейсиз, зоти мухтарам? (Ч.)
5. Эй мутриб, дардли бир кўшиқ айт. (А.Н.)

**59-машқ.** Матнни ифодали ўқинг. Ундалмали гапларни аниқлаб, уларнинг ўкилиш оҳанги, ифодаланиши ва тиниш белгиларига диққат қилинг.

Аммам бизникига серқатнов бўлиб қолди. Бир кун тугун кўтариб келади, бир кун сават... Ҳатто бир марта икки букилиб, ўзидан катта қопни орқалаб келиб қолди.

– Шунча жойдан кўтариб келдингизми, опа, нима зарил! – деди дадам ачиниб.

Аммам янаям қорайиб, тердан ялтираб кетган пешонасини рўмолининг учига артиб тушунтирди.

Эртасидан офтобрўя айвонга ўтириб олиб, кўрпа кавишга тушди. Мен бўлсам ҳали битмаган кўрпа устида думалаб ўйнадим. Маза! Аммам уришмади-ю, сал дашном берди.

– Тур, барака топкур, пахтаси йиғилиб қолади...

Бир ойча туриб, Роби опамга ўрганиб қолган эканман.

– Амма, Роби опам қачон келадила?

– Келади, гиргиттон, келади, – деди аммам елкамга қоқиб. – Яқинда бутунлай келади... Яхши кўрасанми опангни?

– Жудаям! (Ў.Ҳ.)

**60-машқ.** Шеърни ифодали ўқинг. Тиниш белгиларининг қўйилиш сабабларини тушунтиринг.

### Бобур сўзи

Ё, фалак! Фаройиб бир иш қилмишсан,  
Бошимга мангулик ташвиш қилмишсан:  
Оҳ, менинг ўзимни шоҳ этиб нечун,  
Нечун юрагимни дарвиш қилмишсан?!

(М.Кенжабек)



**61-машқ.** Ўқинг. Аввал йиғиқ ундалмали гапларни, сўнгра ёйиқ ундалмали гапларни кўчиринг. Тиниш белгиларининг кўлланишига диққат қилинг.

1. Ҳой, онадек вазмин, онадек мушфиқ, Ер! Бунча рангни, бунча гўзалликни қаёқдан олгансан?! (*Ч.А.*) 2. Низомжон, менга кара, укажон, жигар жигарга ёмонлик раво кўрмайди-а? (*С.А.*) 3. Қани, халоскорим мавлоно Хусайн, соғайган беморига не хизмат раво кўрадилар, не юмуш буюрадурлар, бош устига! 4. Ўртоқ Муродов, одам деган дўстларини унутмаслиги керак. (*Ш.Х.*) 5. Қардошим, сен хафа бўлма, ўша куни мен камчиликларингни айтдим. (*Т.М.*) 6. Эй кабутар, дўстларимни соғиниб қолдим бу кун. (*Э.В.*) 7. Пирим, мени кимларга ташлаб кетдингиз? (*П.Қ.*) 8. Болам, жон болам, ўзингни эҳтиёт қил... Хўпми, жон болам. Тушундинг-а! Оллоҳга топширдим. Иссикроқ кийиниб юр, болам. Хавотир олманг, ойи! (*Ў.Х.*) 9. Хўб ажаб иш қилибсиз, иним! Хонадонимга ризқ берувчи Тангри меҳмон юборган экан, ўзига шукр қиламан. Қани марҳамат қилсинлар. (*Т.М.*) 10. Тангри таъолога таваккул қилурмиз, биродар, бизга ё ул тараф, ё бул тараф. (*Қ.М.*)

**62-машқ.** Ўқинг. Ундалмаларни нима билан ифодаланганини изҳорланг.

1. Гўзал хаёл, кеч, бошингда гул ўйнат,  
Менинг истак - тилагимни эркалат! (*Чўлпон*)
2. Кузги еллар, хазонрез еллар,  
Боғлардан боғларга кўчасиз.  
Гуллар хушбўйини, олтин барглари  
Қаёқларга олиб учасиз? (*Ас.М.*)
3. Она тилим, сен рухимнинг қаноти,  
Абут-турк нафаси, Олтой чечаги.  
Хун давридан омон келди Фиротинг,  
Қутлуғ Энасойнинг эзгу эртаги (*Р.Парфи*)

**63-машқ.** Қуйидаги тест саволларининг тўғри жавобини белгила.

**1. Қаторларнинг қайси бирида ундалмага тўғри таъриф берилган?**

А. Сўзловчининг ўзи баён қилган фикрга муносабатини билдирган сўз ундалма дейилади.

Б. Сўзловчининг ўзи баён қилган фикрига қўшимча мулоҳазасини билдирган гап ундалма дейилади.

В. Сўзловчи нутқи қаратилган шахсни билдирган сўз ундалма дейилади.

Г. Мазмунон ҳар учала шахсга тааллуқли гап ундалма дейилади.

## 2. Қайси қаторда ундалма ўз аксини топган?

А. Нима қиламиз, ўғлим! Бу шармандаликка қандок чидайман,

ўғилжоним!

Б. Оппоқ момиқ қор болажонларга бир олам қувонч бахш этади.

В. Мен шабада тегсин деб, четлари кўтарилиб қўйилган чодирга кирдим.

Г. Дастлабки икки йилда у қарзларидан узил-кесил қутулди.

3. Ундалманинг гаптаги ўрни кўрсатилган қаторни белгиланг.

А. Фақат гапнинг бошида.

Б. Фақат гапнинг охирида.

В. Фақат гапнинг ўртасида.

Г. Гапнинг бошида, ўртасида, охирида.

4. Тиниш белгилари тўғри қўлланган ундалмали гапни аниқланг.

А. – Раҳмат, ўғлим! – Домла шошилмасдан ювинди.

Б. – Раҳмат Домла... – Сирожиддин чайналиб қолди.

В. – Қўйинг, овора бўлманг! – деди Домла.

Г. – Овораси борми Домла! – деди Сирожиддин.

5. Мисолларнинг қайси бирида ундалма сўз бирикмаси билан ифодаланган?

А. Табиатни асранг, одамлар!

Б. Табиат, сен ўзинг чевар онасан,  
Фарзандларинг ишкида мудом ёнасан.

В. Мехрингни соч менга, она табиат!

Г. Тинчликни сақланг, дўстлар!

**Топшириклар:**

**I. Гапларни ўқинг.**

1. Дарҳақиқат, миллатларнинг ўзини таниши, ўзлигини англаши, ўз ақлича, ўз эркича, ўз фикрича, ўз урфича яшашга уриниши миллатчилик эмас, бу табиий ҳолдир. (*Журн.*)

2. Отабек ота-она орзусига, ўз таъбирича, жонсиз хайкал бўлиб розилик берди. (*А.Қод.*)

3. Шундай қилиб, Асал ва Самад (ўғлининг исми шундай экан) бизнинг участкамизда қолишди. (*Ч.А.*)

4. Қандайдир аёллар (Искандар қарамади) унга йўл бўшатишди. (*Ў.Х.*)

**II.** 1 ва 2-гапдан баён қилинган фикрга муносабат билдираётган, гап бўлаклари билан синтактик жиҳатдан боғланмаган сўз ёки сўз бирикмаларини топинг.

**III.** 3 ва 4-гаптаги қавс ичида берилган жумла нима мақсадда келтирилганлигини тушунтириб беринг.

Кириш ва киритмалар сўзловчининг ўзи баён қилган фикрга муносабатини билдириб, гап бўлаклари билан синтактик жиҳатдан алоқага киришмайди. Шунинг учун улар гап бўлаклари ҳисобланмайди ва гап бўлақларидан пауза билан ажралиб туради.

Киришлар асосан уч шаклда қўлланади: сўз шаклида, бирикма шаклида ва гап шаклида: *Демак, у Бобурнинг нажот келтиришига ишонган!* (*П.Қ.*) *Манбаларда ёзилишича, улуғ бобокалонимиз Абу Наср Форобий ўз она тили – туркий тилдан ташқари етмишдан ортиқ тилни билган. Бу бола, мен сизга айтсам, ҳечам ёлгон гапирмайди.*

Киришлар гаптаги фикр билан боғлиқ бўлган турли маъноларни – ишонч ва тасдиқни (*албатта, сўзсиз, шубҳасиз, дарҳақиқат*); тахмин ёки гумонни (*эҳтимол, балки, чамаси, шекилли*); шодлик ва ачинишни (*бахтимга, бахтга қариши, аттанг, афсуски, эссиз*); баён қилинган фикрнинг кимга қарашли эканини (*менимча, унинг айтишича, ривоят қилишларича*); баён қилинган фикрнинг олдинги фикр билан боғлиқлигини (*демак, умуман, аксинча, ҳуллас,*



айниқса, бинобарин, хусусан); фикр тартибини (биринчидан, иккинчидан, аввал, охири, ниҳоят); тасдиқ ёки инкорни (ҳа, йўқ, майли, тўғри) билдиради.

Киришлар гапнинг бошида келса, ундан кейин, гапнинг ўртасида келса, ҳар икки томондан, охирида келса, ундан олдин вергул қўйилади.

Киритмалар асосий гапдаги фикр билан боғланиб, нутқ жараёнида туғилган эҳтиёжга кўра худди кутилмагандек, бирдан киритилиб, унга кўшимча сифатида янги фикр баён қилади: *Тақсир, шоҳимиз шу отни ва ўз нўстинларини (қуён терисидан тикилган нўстин эгарда ўроғлиқ эди) сизга инъом қилдилар. Укам (Равшанбек) қовжсираб қолган ўтларга ёнбошлаб, осмонни тўлдирган гуж-гуж юлдузларга тикилганча ўй сурарди.*

Киритмалар фақат гап орасида келиб, асосий гапдан қавс орқали ажратилади.

Киритмалар ҳам киришлар каби сўз шаклида, бирикма шаклида ва гап шаклида қўлланилиши мумкин. Масалан:

*Бир савдогарнинг қимматбаҳо тошлари (жавоҳирлари) кўп экан. Унинг хотини (Маҳсумнинг онаси) сал илгарироқ қазо қилган эди. (Ф.Фуллом) Тошкент тинчлангандан кейин (агар саломат бўлсам) ўзим хабар бераман. (А.Қод.)*

**64-машқ.** Гапларнинг уларнинг мазмунига мос киришлар билан кенгайтириг.

1. Яхши инсон кўркем фазилатлар чашмасидир. 2. Чин севгининг энг ишончли гувоҳи виждондир. 3. Тез сўнадиган муҳаббатнинг туғилмагани яхши. 3. Ҳар нарсадан нолишлик, ношукур, беканоатларнинг ишидир.

**65-машқ.** Ўқинг. Кириш ва киритмаларни топинг ва маъносини изоҳланг.

1. Айниқса, рамазон ҳайити кунларида бегимнинг қабрини зиёрат қилувчилар кўп бўлади. (П.Қ.) 2. Менимча, бекорчилик танҳоликдан ҳам кўра оғирроқ иллатдир. (Ж.Ж.Руссо) 3. Тавба, наҳотки, Мақсуджон Комиланинг отаси бўлиб чиқса?! Йўқ, бўлиши мумкин эмас! (Р.Карим) 4. Дониёр ҳадеганда гапира қолмади, чамамда, менинг бу гапим унга ёкмади, шекилли.

(*Ч.А.*) 5. Музаффарнинг ойсис (худди шунақа эканига шубҳа қилмасдим) қандайдир паришон тарзда ердан кўз узмай тез-тез юриб келарди. (*Ў.Х.*) 6. Бирор нарса тўғрисида «Фақат шуни севаман», деб ҳам айта олмайман (айтсам ёлғон бўлади) 7. Рост, бизнинг ҳеч биримиз дунёнинг аччиқ-чучугини сизчалик кўп татиб кўрган эмасмиз. (*П.Қ.*) 8. Ҳозирга қадар етиб келган қадимий ёзма манбаларнинг шохидлик беришича, Эрон, Туркистон, Афғонистонда Наврўз байрамини ўтказиш Аҳмонийлар даврида (милоддан аввалги VI асрларда) кенг тарқалган. (*Журн.*)

**66-машқ.** Тушириб қолдирилган тиниш белгиларини кўйиб, гапларни кўчиринг. Кириш ва киритмаларни топиб, маъносини айтиб беринг. 3,7,9-гапларни синтактик таҳлил қилинг.

1. Таассуфки икки кундан буён наққошларнинг иши тўхтаб қолди. (*Қ.М.*) 2. Дарҳақиқат инсоннинг кадр-қиммати ҳам кўпинча шундай айрилик кунларида билинмайдими? 3. Шофёр олдида ўшаларнинг хўжайини бўлса керак битта семиз киши ўтирибди. (*Ў.Х.*) 4. Дарвоқе ёдимдан кўтарилибди. 5. Майли тушган жойида тинчигани яхши. (*Қ.М.*) 6. Мабодо Кимсан акам йўқ бўлганида ҳам ўлган дейишга тилим бормайди мен борман-ку. (*Ў.Х.*) 7. Амир Темурнинг Туркияга юриши Осиё тарихида умуман инсоният тарихида катта из қолдирди. (*Журн.*) 8. Маълумки тасаввуф илми қалб илмидир қалбингни пок қил! (*Х.*) 9. Хонтахтага қурок дастурхон ёзилган ўртада писта бодом қанд-курс тўла патнис турарди оқсоқолникида патнис ҳамиша тайёр. (*Ў.Х.*) 10. Бежиз эмаски халқимиз тилга хусусан ўзининг она тилига мунтазам муҳаббат билан қараган уни эъзозлаб ардоқлаган ўзбек тилининг мукамаллиги ва бетакрор оҳангларидан фахру ифтихор қилган. (*Н.Маҳмудов*)

**67-машқ.** Берилган мисолларни ўқинг. Гап бўлаклари билан грамматик жиҳатдан алоқага кирмаган сўзларни топинг. Тиниш белгиларининг қўлланилиш сабабини айтинг.

1. Билим, маърифат, албатта, яхши ахлоқ билан безатилмоғи лозим. (*Х.*) 2. Шундай қилиб, биз ҳар куни станцияга ғалла ташиб юрдик. (*Ч.А.*) 3. Баҳодир ака ҳаммадан олдин ётди-ю уйкуга кетди (Виждони соф одамлар хотиржам ухлайдилар).

(Ў.Х.) 4. Хусусан, сиз учун кулгининг хосияти кўп. Кулгидан, чиндан ҳам, миянгиз тиниклашади ва ҳатто бутун вужудингиз баҳра олади. Албатта, бировнинг устидан кулиш – бошқа нарса, бундай кулги, шубҳасиз, кишини тез қаритади. (Э.Генри) 5. Исмоил Ҳикматнинг ёзишича, исломдан илгари ҳам Ҳиндистон, Миср, Эрон ва Юнонистонда тасаввуф бор экан. (Журн.) 6. Шаркнинг машҳур табиби Ар-Розий (унинг тўлиқ номи Абу Бакр Муҳаммад ибн Закариё ар-Розий 865-925 йиллар) медицина, кимё, мантиқ ва фалсафа каби соҳаларда муҳим тадқиқотлар олиб борган. (Газ.) 7. Дўст кулфатда синалади, дейдилар, менимча, улар бахтли дамларда ҳам синалади. (Ч.А.) 8. Айтишларича, уруш пайтида бир бева хотин беш-олти ёшлардаги боласи билан шу ерга келиб қолган. (Ў.Х.) 9. Бойлигини топишибди-ю, ақл-идрокини йўқотишибди, ажабо, топган нарсалари билан йўқотган нарсаларининг баҳоси бир хилмиди?! (Ч.А.)

**68-машқ.** Берилган гапларни ачиниш ёки шодликни билдирувчи киришлар билан кенгайтириб кўчиринг.

1. Бугун Нигорани учрата олмадим. 2. Кутубхона ўз ишини бошлади. 3. У арзимас ишларга ҳам жанжал кўтарадиган одат чиқарди.

**69-машқ.** Берилган гапларни ишонч ёки тасдиқни билдирувчи киришлар билан кенгайтиринг.

1. Ҳар куни эрталаб бадантарбия қиламан. 2. Достон иқтисодчи бўлади. 3. Йўл жуда олис, хатарли эди.

**70-машқ.** Берилган гапларни гумон ёки таажжубни билдирувчи киришлар билан кенгайтириб кўчиринг.

1. Инсоннинг инсонга оқибати шу бўлса-я? 2. Кечаги машғулотда Нафиса кўринмади. 5. Мени кўриб, дарахт панасига ўтганга ўхшайди.

**71-машқ.** Берилган гапларни баён этилган фикрнинг кимга қарашли эканлигини билдирувчи киришлар билан кенгайтиринг.

1. Эртага ҳаво яхши бўлади. 2. Қилган ишидан ўзи пушаймон бўлди. 3. Ичкарида кимдир бор.



**72-машк.** Куйидаги киришлар иштирокида гаплар тузинг. Киришлар гапнинг бошида, ўртасида ва охирида келсин.

Шубхасиз, рост, тўғри, тўғриси, сўзсиз, албатта;  
Чамамда, афтидан, эхтимол, шекилли, башарти;  
Яхшиямки, ишқилиб, кошкийди, қани энди;  
Қизик, ажаб, ажабо, тавба, наҳот, наҳотки;  
Менимча, назаримда, айтишларича, билишимча, айтмоқчи;  
Хулласи калом, шундай қилиб, кўйингки, умуман.

**73-машк.** Кўчиринг. Киришларнинг тагига чизиб, қандай маъно англатганини изоҳланг.

## I

1. Афсуски, узоқ йиллар ахтариб, излаб, топдим деганимда, сени яна йўқотиб қўйдим. 2. Айтгандай, сиз уни ҳали танимайсиз. (*Ў.Х.*) 3. Аслида бунда чўғ эмас, тўғрироғи, олов мавжуд эди. (*Т.М.*) 4. Ниҳоят, оқсоқол бир сўз демай ичкарига кириб кетди. (*С.А.*) 5. Нутқ, нуқтадонлик, чуқур мантиқ ва мазмундорлик ҳар ким учун керак, айниқса, ўқитувчи учун зарурдир. (*Р.У.*) 6. Эхтимол, устознинг ишлари кўпдур. (*О.*) 7. Тарбия билимгоҳи ёки олийгоҳига таҳсил олиш учун қадам қўйган ҳар бир талаба, аввало, болани севиши зарур. (*Р.У.*) 8. Тўғри, синглим, жуда тўғри айтдингиз! – деди шоир. (*А.Қ.*)

## II

1. Менимча, намгарчиликда каклик сайрамаса керак. (*Ш.Х.*) 2. Ҳолбуки, биз яқиндагина эшон тўполони бўлиб ўтган жойдан унча олисда эмасмиз. (*Ч.*) 3. Қизик, ошхона ҳам, унинг ёнбошига деворга тираб тикланган тандир ҳам ўша-ўша ўзгармаган. (*Ў.Х.*) 4. Очиғини айтсам, нимага қамалганимни ўзим ҳам ҳалигача билмайман. (*С.А.*) 5. Ўразкул уларни дарҳол ўрмонга бошлар, ов уюштирар, хуллас, ҳамма нарсага мутасаддилик қиларди. (*Ч.А.*) 6. Айниқса, Аширалининг гаплари Ферузанинг дилидаги чигалларни ечиб юборди. 7. Дарҳақиқат, осмоннинг бир бўлагини қора булут туркумлари ўрар, ҳаво ҳам анча совуб, танни жунжита бошлаган эди. (*Х.Ф.*) 8. Қизнинг гапига қараганда, бу ерларнинг иклими худди водийнинг иклими сингари мўътадил экан.

74-машқ. Ўқинг. Биринчи ва охири жумлаларга мос киритмалар қўйиб матни кўчиринг.

### Фитрат – ўзбек тили грамматикасининг асосчиларидан бири

Абдурауф Фитрат биринчилардан бўлиб ўзбек тили грамматикасини яратишга киришди. 1925 йилда унинг «Ўзбек тили қоидалари тўғрисида бир тажриба: Сарв (1-китоб), Наҳв (2-китоб)» асари босмадан чиқди. Бу асар ўзбек тили грамматикасининг барча масалаларини ўз ичига қамраб олади. Фитратнинг ушбу асари 1925-1930 йиллар оралиғида бир неча марта нашр қилинди.

«Наҳв» асарининг сўз бошисида олим қуйидагиларни ёзди: «Биз тил қоидалари ҳам унинг атамалари (истилоҳлар) тўғрисида ишлашнинг ҳали биринчи пайтида яшаймиз. Шунинг учун тилимизнинг қоидаларини бутунлай майдонга қўйиб атамаларини собит бир ҳолга келтира олғонимиз йўқ. Бу тўғрида тил муаллимларимизаро бирлашган йўл хануз йўқдир... тилимизнинг бутун қоидаларини аниқлаб, атамаларини майдонга қўймоқ учун яна бироз тиришмагимиз, бир-биримизга кўмак қилишимиз лозим». Кўринадики, Фитратнинг мақсади тилимизда амал қиладиган қонуниятларни атрофлича ўрганиш, тил ҳодисаларини аниқлаб улар моҳиятига мос қиладиган илмий атамаларни тўғри белгилаш эди. (*Қурбонова М.*)

75-машқ. Қуйидаги тест саволларининг тўғри жавобини белгиланг.

#### 1. Қайси қаторда кириш сўз берилган?

- А. Ўрмонжоннинг юраги шув этиб, дами ичига тушиб кетди.
- Б. Саҳифаларнинг баъзилари қалам, баъзилари сиёҳ билан ёзилган.
- В. Ишимизнинг мураккаб томонлари, муаммолари ҳам бор.
- Г. Айрим ёшлар вақтни беҳуда ўтказишади, эсиз.

#### 2. Қайси мисолда кириш бирикма ўз ифодасини топган?

- А. Ровийлар айтишларича, подшоҳ бир қизни, отаси ҳамда инкя акасини ўлимга ҳукм этибди.
- Б. – Ухладилар шекилли, бир оз дам олсинлар, - деди.
- В. Ўзбеклар болажон халқ, бу сир эмас, албатта.
- Г. Бахтимизга, бутун ҳамма келган эди.

**3. Шубҳа, гумонни билдирувчи кириш сўзни белгилаш.**

- А. Бахтга қарши, Саида унинг хоҳишини пайкамади.
- Б. Рассом ўзи келар, балки, эртага бирортасини юборар.
- В. Опам барча воқеаларни, хусусан, кечаги ҳодисани батафсил гапирди.
- Г. Мирзаев, шубҳасиз, жуда тажрибали шифокор.

**4. Қайси мисолда киритма ўз ифодасини топган?**

- А. Тўхтаҳон узоқдан икки кишининг қорасини кўрди.
- Б. Энг аввало иссиқ салом – ширин сўз.
- В. Тилга ихтиёрсиз – элга эҳтиборсиз.
- Г. Ибн Сино тиббиёт (медицина), риёзиёт (математика), фикик-шунослик (теология), фалсафа (философия) каби фанларни пухта билган.

**5. Асосий гапдаги фикрга тавсиф бериш мақсадида қўлланган киритмани белгилаш.**

- А. Биз (бу сафар Саида ҳам ҳамроҳ бўлди) Ўзганга эрталаб жўнадик.
- Б. Талабалар келишим ҳақи (контрак)ни тўлаш учун кетдилар.
- В. Бу ўқувчи (ўтган йилги мусобақада биринчи ўринни олган) шахматга жуда берилган.
- Г. Ялпиз (чўл ялпизи эмас) ошга солинади, яхши ҳид беради.

**6. Киришлар асосан қандай шаклда қўлланилади?**

- А. Уч шаклда;
- Б. Беш шаклда;
- В. Тўрт шаклда;
- Г. Жавоблар нотўғри.

**7. Киритмалар гап орасида келса, қандай тиниш белгиси ишлатилади?**

- А. Вергул;
- Б. Тире;
- В. Қавс;
- Г. Қўштирноқ.



**Тошшириклар:**

I. Қуйидаги чап ва ўнг томонлардаги гапларни солиштиринг. Мазмуни ва грамматик қурилишидаги фарқларни тушунтиринг.

II. Кўчирма гап қондасини эсланг. Кўчирма гап ўзлаштира гапга айлантйрилганда қандай ўзига хосликлар бўлишига диққат қилинг.

- |  |  |
|--|--|
| 1. «Зийрак қиз ота-онага раҳмат ёғдиради»,– дейди донолар.                 | Донолар зийрак қизнинг ота - онасига раҳмат ёғдиришини эслатганлар.          |
| 2. Ҳазрати Лукмон: «Иффат номуснинг энг маҳкам суянчиғидир», – деган экан. | Ҳазрати Лукмон иффат номуснинг энг маҳкам суянчиғи эканлигини айтган.        |
| 3. «Ғийбатчи кишиларга яқин юрма»,– деган эди Юсуф Хос Ҳожиб.              | Юсуф Хос Ҳожиб ғийбатчи кишиларга яқин юрмаслик кераклигини баён қилган эди. |
| 4. «Йиғилиш бошландими?» – деб сўради навбатчи.                            | Навбатчи йиғилиш бошланган-бошланмаганини сўради.                            |

**76-машқ.** Ўқинг. Ўзлаштира гапларни кўчирма гапларга айлантйриб, кўчиринг. Зарур тиниш белгиларини кўйинг.

1. Донишмандлар одобнинг юқори босқичи гўзал хулқ эканлигини таъкидлаганлар. 2. А.Навоий чин сўз мўътабар, яхши сўз мухтасар эканлигини баён қилган эди. 3. Кайковус етти бошли аждардан эмас, тилёглама одамдан кўрқиш кераклигини уқтирган. 4. Пифагор обрўдан жудо бўлмаслик учун сирни бировга айтмасликни эслатган деган экан.

✓ **77-машқ.** Кўчирма гап ва муаллиф гапларини ажратиб, тиниш белгиларини кўйиб кўчиринг.

1. Улуғ рус ёзувчиси А.П. Чехов инсонда ҳамма нарса гўзал бўлиши керак: юзи ҳам, кийими ҳам, қалби ҳам, фикри ҳам деган эди. 2. Мақолангизни ўқидим дедим таклиф қилмаса ҳам

ўтириб рост гапларни ёзибсиз! (Ў.Ҳ.) 3. Финляндия президенти У. Кекконен Москвага келганда, ундан нимани хоҳлайсиз деб сўрашганда, у Чингиз Айтматовнинг туғилиб ўсган овулини бир кўриш орзусидаман деб жавоб берган экан. (Ў.Ҳ.) 4. Бўшашма, кичкина бола, оз қолди деб кўярди янгам Жамила. (Ч.А.) 5. Отамдан қаттиқ ҳайқар эдик деб ёзади адиб. Отам бирон марта ҳам бир тарсаки урган эмас. Отани қаттиқ иззат қилишни онам ўргатган. 6. Қани, меҳмонлар, ҳандалакдан ўз қўлларинг билан узиб олинглар. Гашти бошқача бўлади деб таклиф қилди Алижон ака (Ў.Ҳ.)

**78-машқ.** Муस्ताқил равишда дарак, сўроқ ва буйруқ гапли кўчирма гаплардан 2 тадан топинг ва уларни ўзлаштира гапларга айлантириб, дафтарингизга ёзинг.

### 18-§. Кўчирма гапларнинг ўрин ва уларда тиниш белгиларининг ишлатилиши

#### Топшириқлар:

Қуйидаги жадвалда берилган шартли белгиларга диққат билан қаранг. Кўчирма ва муаллиф гапининг ўрнини ва тиниш белгиларининг қўйилишини тушуниб олган ҳолда, ҳар бирига алоҳида мисоллар келтиринг.

«К (к)» – кўчирма гап		
М (м) – муаллиф гапи		
1	а) «К», – м. б) «К?» – м. в) «К!» – м.	Шартли белгилардан кўришиб турибдики, кўчирма гап 4 хил ўринда келади:  муаллиф гапидан аввал;  муаллиф гапидан кейин; муаллиф гапи ўртасида; муаллиф гапининг ҳар икки томонида.  Кўчирма гапнинг мақсадга кўра турларига қараб, тиниш белгиларида ўзгаришлар бўлади.
2	а) М: «К». б) М: «К?» в) М: «К!»	
3	а) М: «К», – м. б) М: «К?» – м. в) М: «К!» – м.	
4	а) «К, – м, – к». б) «К, – м. – К». в) «К? – м. – К?». г) «К! – м. – К!».	

79-машк. Зарур ўринларга тиниш белгиларини қўйиб гапларни кўчиринг ва ҳар бир гапдан кейин шартли белгиларни қўйинг.

1. Пифагор шундай деган эди Фақат пасткаш одамларгина олдинда мактаб оркангдан ғийбат қилади. 2. Бир донишманддан мурувват нима? деб сўрадилар. У қариндош-уруғ, дўсту ёрлардан етган жафоларни кечиришдир деб жавоб берди. 3. Яхши фазилатли бўлиб кўринишдан маъно йўқ дейди донишманд Асл маъно чинакам фазилатли бўлишдадир. 4. Инсонларда умид бўлмаса эди дейди донишманд ҳаёт лаззати йўқоларди. 5. Йигит йигитдан нимаси билан ортик сўради ўғил отасидан. («М.») 6. Мардлик қандай қўлга киритилади деб сўрадилар шогирдлар донишманддан ҳар бир ишнинг муваффақияти нимада. (Ҳ.) 7. Хон Манасга Аллоҳ мададкор бўлсин деб хитоб қилди Жақип. 8. Бақай Манасга деди Манас! Сенинг тўккиз отанг хон бўлган. Хонликнинг тўрт йўриғига амал қил! 9. Одамлар! Инсонпарвар бўлинг! деган эди Жан Жак Руссо Бу сизнинг биринчи бурчингиз! 10. Хотамтойдан сўрашибди Сахийлик қалбингдан жой олгандан буён ўзингга ўхшаган кишини учратдингми.

Кўчирма гаплар ёзувда ҳар доим, муаллиф гапининг қай томонида келишидан қатъи назар, қўштирноққа олинади ва бош ҳарф билан бошланади: *Донолар: «Одоб ва фазилатнинг боиси тилни тийиб туришидир», – дейдилар.*

Китобларда, газета ва журналларда кўчирма гап доим сатр бошидан бошланади ва олдидан тире (чизик) қўйилади. Масалан:

- *Хўш, қим бўлмоқчисан ўзи?*
- *Полвон бўламан, – деди Манас кўрқмай.*
- *Полвон бўлсанг нима бўпти?*
- *Душманларнинг додини бераман.*
- *Хўш! Нима учун душманнинг додини берасан?*
- *Манас бу саволга жавоб топа олмади.*
- *Қандай қилиб полвон баҳодир бўласан?*
- *Билмасам.*
- *Бугундан иборат айтганимни қилсанг, паҳлавон, ботиқ йигит бўласан, – деди Ўштир.*
- *Манас «бўпти» дегандай бошини иргаб қўйди. («М.»)*



**80-машқ.** Гурухларга бўлиниб, латифаларни ўқинг. Латифалар сизда қандай фикр уйғотди? Хулосаларингиз асосида гурухлараро мунозара уюштиринг. Кўчирма гапларни ёзувдаги қоидага биноан тиниш белгиларини қўйиб кўчиринг.

## I.

Мадрасада истиқомат қиладиган бир мулла ўз хужрасининг эшигига: «Жоҳил, аҳмоқ одамларнинг хужрамга киришлари мумкин эмас» деб, ёзиб қўйган эди.

Ҳазилкаш одамлардан бири шерикларига:

– Ажабо, мулланинг ўзи қаердан кирар экан? – деди. (X.)

## II.

Афандининг хотини ўлғудай қайсар экан. Афанди бир таноб ерига буғдой экибди. Эл катори унинг буғдойи ҳам бошоқ тортибди, пишибди. Афанди буғдойини ўриб оладиган бўлибди.

– Хотин, – дебди Афанди, – ўрокни олиб чиқ, буғдойни ўрайлик.

– Буғдой ўрилмайди, – дебди қайсар хотин. – Қайчи билан қийилади. Шундай деб, икки бармоғини қайчи қилиб кўрсатибди.

– Эсинг жойидами, хотин? – дебди Афанди. – Дехкон зоти борки, буғдойни ўроқ билан ўради!

– Дехкон билан нима ишим бор? – дея қайсар хотин икки бармоғини яна қайчи қилиб кўрсатибди. – Буғдой ўрилмайди, қийилади!

Афанди хотинини судраб, далага олиб чикибди.

– Кўрдингми? – дебди. – Ҳамма буғдойни ўряпти.

– Йўқ! – дебди қайсар хотин. – Буғдой ўрилмайди, қайчи билан қийилади!

Афанди жаҳл устида хотинини дарёга улоқтириб юборибди. Хотин шўрлик сузишни билмас экан. Чўкиб кетаётганмиш-у, шундаям икки бармоғини сувдан чиқариб, қайчи қилиб кўрсатармиш. (У.Х.)

**81-машқ.** Ўзингиз ёқтирган бадиий асардан кўчирма гаплар катнашган парча кўчириб ёзинг. Тиниш белгиларининг қўлланилишини изоҳланг.

**82-машк.** Ўқинг. Кўчирма гапли курилмаларда муаллиф гапидаги эга билан кесимнинг тартибини аниқланг, тартибнинг услубий аҳамиятини тушунтиринг.

Бир донишманддан:

– Дунёда инсон учун энг яхши нарса нима-ю, энг ёмон нарса нима? – деб сўрадилар.

Донишманд айтди:

– Дунёда инсон учун энг яхши нарса гўзал ахлоқ, тарбия, саъй-ҳаракат, ғайрат бўлиб, шу гўзал хислатлар билан ном чиқаришдир. Ўлимдан ҳам баттар ёмон нарса эса тарбиясизлик ва ялқовлик билан «шуҳрат қозонишдир».

Яна сўрадилар:

– Энг ақлли одам ким?

Донишманд:

– Кўп нарсани билиб, кам сўзлаган, ўз билимига мағрур бўлиб, билимдонлик қилмаган одам энг ақлли ҳисобланади, – деб жавоб берди. (*«Аждодлар ўғити»*)

**83-машк.** Абдулла Қодирийнинг «Меҳробдан чаён» романидан келтирилган парчани ўқинг. Аввал “К, – м, – к.” шартли белгисига, кейин “К! – м, – к!” шартли белгисига мос келган кўчирма гапларни ёзинг.

– Пушти паноҳо, – деди Ҳудайчи, – хиёнаткор ўз ихтиёри билан келиб, доми адолатингизга таслим бўлмоқчи.

– Хиёнаткоринг ким?

– Мирзо Анвар!

Хон сесканиб кетди, ҳамнишинлар ҳам аланг-жалаңг бўлдилар.

– Келтир!

Ҳудайчи қуллуқ килиб, орқасига қайтди. Дахлиздаги Анвар биринчи хонадаги аёённи ҳайратга солиб, иккинчи танобийнинг бўсағасида, жаллодлар ўртасида тўхтади ва хонга таъзим адо қилди.

Ракибни бу қадар жасоратда кўрган Худоёрнинг киприк остлари учиб, соқол туклари силкинди ва бир оз сўз тополмагандек тамшаниб турди.

– Сен бизга хиёнат қилдинг, ит увли!

Анвар бош ирғатди.

– Иқрорман.

– Тузимни унутдинг!  
– Тонмайман!  
– Икрорсан, тонмайсан, ўбдан иш! – деди захарханда килиб хон, – ўлудан ҳам қайтмайсан!

– Мен сиздан марҳамат сўраб келган эмасман! – деди жилмайиб Анвар, – ўзимни ўлимга бериб, бир гуноҳсизни қутқариш учун келганман!

Ҳамнишинлар лабларини тишладилар. Худоёр истеъзоли кулди.

– Пусулмончилик қилгансан-да ?!

– Албатта! – деди Анвар, – бошқалар киши гуноҳи учун гуноҳсизни тутиб пусулмониликдан чиққач, мен пусулмонлик билан ўлишни ўбдан билдим!

Бу жавоб Худоёрни кип-кизил тусга қўйиб, манглайда терлар кўринди, ғазаб ўти аланга олди.

– Сенинг қиғон ишинг пусулмонликда борми, ит увли?!

**84-машқ.** Қуйидаги тест саволларининг тўғри жавобини белгиланг.

**1. Кўчирма гапларнинг қайси бирида тиниш белгилари тўғри ишлатилган?**

- А. Майли, улар билан ўзимиз гаплашиб оламиз деди, - кулиб.
- Б. Ҳадеб жанжал қилаверасанми, деди ойим мурасага чиқарган оҳангда.
- В. «Танишиб қўяйлик, ўртоқ кичик лейтенант» - деди у йигитга.
- Г. Сержантнинг рухсат беришга ҳаққи йўқ деди капитан, тагин беписандлик билан томоқ қириб.

**2. Ўзлаштира гап қайси мисолда тўғри берилган?**

- А. Профессор эртага мажлис бўлишини таъкидлади.
- Б. Кўчага чиқдию, курук қор бўрони юзига урилиб, нафаси қайтди.
- В. Жамшиднинг кўлини силтаб ташлади.
- Г. Башорат опа рост айтган экан.

**3. Ўзлаштира гап қатнашган қаторни аниқланг.**

- А. Замира синфдошлари ҳақида тўлиб-тошиб гапирди.
- Б. Ўқувчилар маҳаллий газета ва журналларга обуна бўлишди.
- В. Болалар, йўл қодаларига тўла риоя қилинг.
- Г. Насиба совуқдан оёқлари зиркираб оғриётганини айтди.



#### 4. Қуйидаги кўчирма гап қайси схемага мувофиқ келади?

Афлотун ҳаким айтади: «Баданнинг қуввати овқат, ақлнинг қуввати эса ҳикматли сўзлар, донолик ва донишмандликдир».

А. «К», – м.

Б. М: «К».

В. М: «К», – м.

Г. «К, – м, – К».

#### 5. Қайси қатордаги кўчирма гап ушбу [«К! – м. – К»] схемага мувофиқ?

А. – Ҳайронман... – Бобом ҳўрсинди.

Б. – Баракалла, азаматлар! – деди хушчакчак овозда.  
– Яшанглар!

В. – Халойик! – деди овози титраб.

Г. – Тўй деган болаларники бўлади. Ўйнайвер, болам.

#### 6. Қуйидаги кўчирма гап қайси схемага мувофиқ келади?

Абу Али ибн Сино айтади: «ҳаё – инсоннинг абадий гўзаллиги ва латофатидир. ҳаёсиз юз жонсиз жасадга ўхшайди!»

А. «К!», – м.

Б. М: «К!»

В. М: «К?»

Г. «К, – м, – К!».

### 19-§. Кўчирма ва уларда тиниш белгиларининг қўлланилиши

#### Топшириқлар:

I. Қуйидаги кўчирмаларга муаллиф гапи кўшиб, кўчирма гапларни ҳосил қилинг.

1. «Аниқ-равшанлик – тилнинг бош фазилатидир». (Арасту)

2. «Айтур сўзни айт, айтмас сўздан қайт». (А.Н.)

3. «Тилингни авайла – омондур бошинг, сўзингни авайла узаяр ёшинг». (Юсуф Хос Ҳожиб)

4. «Гўзал гўзалдур сўлган чоғда ҳам...» (Чўлпон)

II. Кўчирма гап муаллиф гапидан олдин, кейин, унинг ўртасида ва икки томонида келсин. Зарур тиниш белгиларини қўйиб, кўчиринг.

Сўзловчи ёки ёзувчи ўз фикрини исботлаш ва далиллаш мақсадида бошқа бир кишининг сўзларидан, мақоллардан, ҳикматлардан фойдаланиши мумкин.

Кўчирма (цитата) лардан фойдаланиш икки хил бўлади:

1. Эпиграф сифатида фойдаланиш. Айрим ёзувчилар ўз асарларининг бошланишида ўзига маъқул бўлган адибларнинг асаридан парча келтиради. Масалан, А. Қаххор «Бемор» ҳикоясига «Осмон йироқ, ер қаттиқ» мақолини, «Ўтмишдан эртақлар» қиссасига А. Ориповнинг «Муножот» шеърдан бир бандни эпиграф қилиб олган:

*Эшилди, тўлганиб ингранади куй,  
Асрлар қайғусин сўйлар муножот.  
Куйи шунча бўлса, гаминг ўзига  
Қандай чидай олган экан одамзот.*

Ўқувчилар ҳам иншо ёзишда эпиграфдан фойдаланади. Эпиграф кўштирноққа олинмайди. Остига муаллифнинг исми ёки халқ мақоли деб ёзиб қўйилади. Ёзув қавс ичига олинмайди.

2. Кўчирмадан фойдаланишнинг иккинчи турида муаллиф бошқа бир кишининг сўзини ўз гапи орасига киритиб кетади.

Мақсуд Шайхзода Алишер Навоийни биринчи марта «Ҳазал мулкининг султони» деб атаган. Бошқалар ҳам бу иборани айнан қўллайдилар. Ибора Шайхзоданинг сўзи бўлгани учун уни кўштирноқ ичига оладилар.

Баъзан сўзловчи халқ ибораларини, мақол ва маталларни ёки машҳур кишиларнинг ҳаммага таниш бўлган ибораларини ўз гапига «едириб» юборади. Масалан: Бундан чиқди «ҳолвани ҳақим ёб, калтакни етим ер» эканда. Бу «водийларни яёв кезган» ман, ука. Бундай ҳолатларда кўчирмалар кўштирноққа олинади, аммо гап орасида келганда бош ҳарф билан ёзилмайди.

**85-машқ.** Ўзингиз ўқиган бадий асар ёки газета, журнал мақолаларида учраган кўчирмаларни эсланг. Улар нима мақсадда қўлланганини тушунтиринг.

**86-машқ.** Қуйидаги парчалардан кўчирма сифатида фойдаланиб, гаплар ёки кичик матнлар тузинг. Парчанинг кимга тааллуқли эканини айтинг.

1. Хунарни асрабон неткумдир охир.
2. Яхши киши кўрмагай ёмонлик харгиз.
3. Ош есалар, ўртада сарсон илик.
4. Дўст билан обод уйинг.
5. Бели оғримаганнинг нон ейишига боқ.
6. Ки сен ҳам ҳур туғулғонсен.
7. Тил воситаи, робитаи, оламиёндир.
8. Мен тоза бўлсам, сен тоза бўлсанг, жамият тоза бўлади.

**87-машқ.** Берилган матндаги кўчирмалар ва кўчирма гапларни аниқланг. Кўчирма гапларни дафтaringизга ёзиб, тиниш белгиларининг кўйилишини тушунтиринг.

### Ноннинг қадри

Ноннинг шарҳи пинҳон қоладиган нарса эмас. У ҳар бир бозорда айтиладиган дostonдир. Ноннинг шуҳрати ва бозори ўлмайди.

*Абу Исҳоқ Ҳаллож*

Қадимги Миср донишмандларидан бири: «Сиз дунёдаги барча неъматлар ичида нимани юқори баҳолайсиз?» – деган саволга: «Мен нонни юқори баҳолайман. Нон – барча неъматларнинг султони», – деб жавоб берган экан.

Улуғбек Самарқанд атрофида юрганда йўл ёқасида ерда ётган нон бурдасини кўриб қолади-да, дарров отдан тушади. Нонни олиб, кўйнига солади. Унинг ёнидагилардан бири: «Султоним, нега бизга буюрмай, ўзингиз отдан тушдингиз?» – деб сўраганда, Улуғбек: «Нонни дастлаб мен кўрдим, уни ердан олишни бировга буюриш нонга нисбатан менинг ҳурматсизлигим бўлади. Нон олдида менинг подшоҳлигим, мартабам ҳечдир!» – деб жавоб берган. (*Шарҳ ҳикмати*)

**88-машқ.** А.Қаҳҳорнинг кўчирма (эпиграф) билан бошланадиган ҳикоялардан бирини танлаб ўқинг. Эпиграф билан ҳикоя мазмунидаги уйғунликни аниқланг. Фикрларингизни эссе тарзида ёзма баён этинг.



Икки кишининг ўзаро суҳбати диалог дейилади.

Диалогда баъзан муаллиф сўзи бўлмаслиги мумкин. Ундай ҳолатда ҳар бир сўзловчининг гапи китоб ва газета-журналларда сатр бошидан тире (чизиқ) билан бошланади ва бош ҳарф билан ёзилади.

Ёзувда қуйидагича тиниш белгилари қўйилади:

«К?» – «К», – «К?» – «К».

«Қаердан келдинг?»–«Қшилоқдан».–«Нима қилмоқчисан?»  
– «Ўқимоқчиман».

**89-машқ.** Ўқинг. Қуйидаги гапларнинг тиниш белгиларини қандага мувофиқ тарзда қўйиб кўчиринг.

Ота-бола овулга яқинлашиб қолганда, Манас ўйланиб қолди ва қиблагоҳига яқинроқ келиб, деди Ота сиз менинг улғайиб қолганимга ишонасизми.

Бўлмасам-чи, эсли-хушли йигитча бўлиб қолдинг. Яна каттароқ бўлмоқчимисан бўй-бастинг теракдай.

Менга ростдан ишонасизми.

Албатта.

Мен сиздан бир нарсани сўрамоқчиман, яширмай, тўғриси айтасизми.

Хўш нимаёкан бўталоғим.

Боласи отасидан сўраши лозим бўлган савол. Донишманд ота вояга етган ўғлига дангал айтадиган жавоб.

Унда айтавер болам. Энди сендан ҳеч нарсани яширмайман.

Отажон насл-насабини билмаган киши одам бўлмайди. Менинг етти бобом тўғрисида гапириб беринг. ... («М.»)

**90-машқ.** Ҳ. Олимжоннинг «Зайнаб ва Омон» достонидан олинган парчани ўқинг. Зарурий тиниш белгиларини қўйиб кўчиринг.

Анор ҳамон оташда эди  
Бўлмайдами Собир, тез гапир!  
Опа, бўлмас, жоним, гапим бир!  
Ё мени де, ёки Омонни!  
Нетай, тикдим йўлида жонни!  
У пасткашнинг зоти ким экан!?

Опа, урма қалбимга тикан.  
Уни мен ҳам билолганим йўқ.  
Бу юмушни килолганим йўқ.  
Лекин ишонч билан тўликман,  
Шу ишончим билан улуғман.

**91-машқ.** Тохир Маликнинг «Шайтанат» асаридан олинган диалогни ўқинг. Ҳар бир гапнинг мазмунига мос равишда муаллиф гап қўйиб кўчиринг.

- Ҳайдар, сен отларнинг фарқига борасанми?
- Қанақа отлар?
- Ҳа, энди отлар ҳар хил бўлади: аравага қўшадигани, улоқчиси.
- Мен отларнинг фарқига бормайман. Нега сўраяпсан?
- Зўр улоқчи отлардан иккитасини топиш керак. Нархи осмон барабар бўлса ҳам сотиб оламиз.
- Нима бало, улоқ чопмоқчимисан?
- Мени даволаган табиб улоққа ишқибоз экан. Шунга совға қиламиз.
- Яхши ўйлабсан. Гап йўқ, топамиз. *(Т.М.)*

**92-машқ.** Асардан келтирилган парчани ўқинг. Зарурий тиниш белгиларини қўйиб кўчиринг.

Низомиддин китоб ўқиб ўтирган одамга яқинлашди  
Биродар сиз шу мадрасада истикомат қиласизми  
Ҳалиги киши бошини китобдан кўтариб деди  
Ҳа шу мадрасада  
Мутавалли қаердайкин  
Билмадим уйда бўлса керак  
Уйи қаерда  
Мадраса орқасида ху анави кўчага бориб сўрасангиз  
айтишади  
Мадрасада одам кўпми  
Йўқ, биз бешта кўлоблик муллавачча қолганмиз холос  
Ҳаво сал исиса, биз ҳам кетамиз  
Қаерга кетасиз  
Юртимизга *(Мирм.)*

**Тошриқлар:**

Содда ва қўшма гапларнинг ҳар бирига тўрттадан мисол келтиринг. Шу мисоллар асосида содда ҳамда қўшма гапларнинг ўхшаш ва фаркли томонларини тушунтиринг.

Содда ва қўшма гапларни фаркларда уларнинг бош бўлақларига эътибор бериш керак. Мисолларга диққат қилинг: 1. *Ота-она – хазина, ака-ука – таянч, дўст эса ҳар иккови.* (Ҳ.) 2. *Ўтар инсон яхши-ёмони,*

*Меҳр қолур, муҳаббат қолур.* (М.Ю.)

Бу гаплар учтадан содда гапдан ташкил топган қўшма гаплар. Чунки учтадан эга ва учтадан кесим бор.

*Мусибат юки, қарама-қарши ўйлар жанги, оч-наҳорлик унинг тинка-мадорини қуритди, ҳолсизлантирди.* (Қ. М.)

Бу гап ёйиқ содда гап. Бу гапда учта эга ва иккита кесим уюшиб келмоқда. Бир фикрни ифодалаяпти.

Қўшма гаплар таркибидаги содда гаплар икки бош бўлакли ва бир бош бўлакли бўлишлари мумкин:

*Ўлкам ҳусни – гул, дарахт,*

*Кўчат экиб боғ ярат.* (Ҳ.)

Қўшма гаплар икки ва ундан ортиқ содда гапларнинг мазмун ва грамматик жиҳатдан бирикувидан ҳосил бўлади. Қўшма гаплар таркибидаги содда гапларнинг бирикувида интонация алоҳида ўрин тутаети: *Риёзиёт гоят юксак фан, унда бир олам мўъжиза ётади.* (Улугбек) Қўшма гап таркибидаги содда гаплар орасида бир оз тўхталиш бўлса ҳам, оҳанг яқунланмайди.

**93-машқ.** Берилган қўшма гапларни содда гапларга ажратинг, бош бўлақларни топиб изоҳланг.

1. Офтоб ҳар куни кулимсираб уйғонади-ю, одамларга нур улашади. (Ў.Ҳ.) 2. Ташқарига чиқсак, ёмғир шивалаётган экан. (Ў.Ҳ.) 3. Кўчат эккан киши дарахтни синдирмайди, гул эккан киши гулзорни пайхон қилмайди. 4. Тун аллақачон ярим кечадан оғиб кетган, бироқ кўзга ҳеч уйқу келмайди. (Ҳ.А.) 5. Уларнинг бири кўркам, кўкиш кўзли йиғит эди. 6. Унинг



офтобда қорайган ва шамолда дағаллашган ғамгин чехраси ташвиш, азоб-уқубат чекканидан далолат берарди. 7. Инсонга ҳаёт деб аталмиш гўзаллик бахш этилган, уни кадрлаш керак. (Ў.Ҳ.) 8. Нодир яна кулди, Нилуфарнинг ҳам юзларида табас-сум жилваланди. (У.Ҳамдам)

**94-машк.** Матнини ўқинг. Гапларнинг тузилишига кўра турини аниқлаб, аввал содда гапларни, кейин кўшма гапларни ажратиб кўчириг. Уларнинг нима учун содда гап ва нима учун кўшма гап эканлигини тушунтириг.

Ҳақиқий дўст топсанг, унга содиқ бўл, хиёнат қилма. Дўстинг мухтожликда қолса, дарҳол унга ёрдам бер. Агар дўстинг сенинг айбингни айтиб, насиҳат қилса, сен ундан миннатдор бўл. Дўстингга ёлғон сўзлама. Унинг душмани билан дўстлашма. Дўстингнинг бошига бирор мушкул иш тушса, қайғули ходиса юз берса, уни шу мусибатдан кутказишга жону дилинг билан кириш. Дўстингнинг ота-она ва оила аъзоларига меҳрибон ва шафқатли бўл. («Оз-оз ўрганиб, доно бўлур»)

**95-машк.** Қуйида жуфтлаб берилган содда гаплардан зарур боғловчи воситаларни қўйиб кўшма гаплар ҳосил қилинг. Қайси жуфтликдаги содда гаплардан кўшма гап тузиб бўлмайди? Фикрингизни асослаб бering.

1. Дарвозани узоқ коқдилар. Одамнинг қиёфаси, гавдаси, хатто гапириш оҳанги ҳам ўзгариб кетиши мумкин. 2. Насиба девордаги соатга қаради. Келин тушган уйнинг файзи бошқача бўлади. (Ў.Ҳ.) 3. Гулларнинг очилишида ўзига хос тилсим мужассам. Ҳаёт янгиланади, яшаради. Табиат бойликлари кўпаяди. 4. Тоғ этакларига қоронғилик чўкмоқда. Осмоннинг у ер - бу ерида юлдузлар милтиллаб кўринмоқда. 5. Илгари ҳам овулда бундай воқеалар бўлиб турарди. Бунчалик одам йиғилмасди. 6. Биз то овулга еткунча оғиз очмадик. Баъзан киши ўз дардини сўз билан ифодалашга ожиз бўлади. 7. Энди унинг чехраси очилди. Кўнгли анча кўтарилган эди. 8. Жим турган вагонлар гуё бир-бирларини уйғотгандек тебранишди. Поезд ўрнидан кўзгалди. 9. Ниманидир орзикиб кутардим. Нималигини ўзим ҳам билмасдим. 10. Аста-секин тонг отди. Уй ичи ёриша бошлади. (Ч.А.) 11. Физика дарсида тажриба ўтказишарди. Ўқитувчи қийин масалаларни ечиш йўлларини ўргатарди.

96-машк. Ўқинг. Қўшма гапларни аниқлаб кўчириг. Қўшма гап таркибидаги бош бўлақлар тагига чизинг.

## I

1. Гул тўғрисида ёзганини кўрганим йўқ, лекин пахта тўғрисида кўп ёзади. (А.Қ.) 2. Болаларнинг ҳар биттаси ўн мартадан «дадам қайда?» деб сўраса, ҳар куни йигирма марта шу саволни эшитишади... (С.З.) 3. Отишма яна бир соатча давом этди, отличларнинг ўзлари тобора сийраклашиб, ниҳоят, бутунлай тамом бўлди. (Х.Ғ.) 4. Зайниддин ва Султонмурод сукут этиб, бир-бирларига узоқ тикилишди. (О.) 5. Қиз йиғлабди: «Бўлмаса уч кунга жавоб беринг, қизлар билан боғда сайр этиб ўйнаб олай, кейин сизнинг айтганингиз бўлсин», – дебди. (Эртак) 6. Эргаш ҳарфни такрор-такрор ёзган сари ўз ишидан қувонар, илҳомланарди. (П.Турсун). 7. Қанча югурсам – елсам ҳам тезликда бирон хужра қўлга кирмади. (С.А.) 8. Салтанатни яна ваҳима босди; Азизнинг гапига кириб, зиёфатга боргани учун ўзини койиди. (Ў.Усмонов)

## II

1. Узр айтмоқчи бўлиб оғиз жуфтлаган эди, кўзи жикка ёшга тўлди-ю, узр бир ёқда қолиб, ҳасратга ўтди. (А.Қ.) 2. У бир кунда жуда ҳорди, озгина тин олгали, бироз эркин қолгали дарё лабига борди. (Х.О.) 3. Ўтган ёз боғдаги узумзорга ўғри тушди, сизга олиб қўйилган узумлардан ўғирлаб кетаверди. 4. Абдужаббор ота дарахт шохига илиб қўйилган чопонини кийишга кетди, кампир хаёлга чўмиб ўтираверди. 5. У отасининг ўчини олиш учунгина эмас, балки халқни озод қилиш, уларни бахтли ҳаётга эриштириш, Жамбил мамлакатида адолат ўрнатиш мақсадида хон устига юриш қилади ва уни тор-мор келтиради. (Х.О.) 6. Иккинчи куни яна мен Қори ишқамбани дуч келтириб, тўғри келса, у билан танишиш ниятида кўчага чиқдим. (С.Айт.)

7. Бизлар – бир ўткинчи, жаҳон – барқарор,  
Одамдан фақат сўз қоладир ёдгор. (Фирдавсий)
8. Оғизга келгани демак – нодоннинг иши,  
Олдига келгани емак – ҳайвоннинг иши. (А.Н.)
9. Камтар бўл, барчани этгин бахраманд  
Сенинг ҳам мартабанг бўлғуси баланд. (А.Ж.)

Кўшма гап таркибидаги содда гапларнинг тузилиши, мазмуни ва уларни боғловчи воситаларига кўра уч турга бўлинади:

1. Боғланган кўшма гап.
2. Эргашган кўшма гап.
3. Боғловчисиз кўшма гап

**Эслатма:** Кўшма гапларнинг бундай бўлими икки қисмли кўшма гапларига хос. Кўп қисмли кўшма гаплар кўшма гапнинг мураккаб турини ҳосил қилади.

## 22-§. Боғланган кўшма гаплар

Боғланган кўшма гап таркибидаги содда гаплар бири-бири билан тенг муносабатда бўлиб, тенг боғловчилар ёки оҳанг ёрдамида боғланадилар.

Боғланган кўшма гап таркибидаги содда гаплар ўзаро тўрт хил воситалар ёрдамида боғланадилар:

1. Бириктирувчи боғловчилар ва, ҳам, ҳамда, шунингдек, бириктирув боғловчи вазифасидаги *-у (-ю), -да* юкламалари воситасида: *Ҳеч ким мен билан гаплашмас ва ҳеч ким кечаги ҳодисани эслатмас эди. (Ч.А). Дадам мени чамадон устига ўтқизди-да, ўзи гиштин зиналардан кўтарилиб, ойнабанд эшик ичига кириб кетди. (Ў.Ҳ.) Баҳор келади-ю, энг гўзал фасл бошланади.*

2. Зидлов боғловчилар аммо, лекин, бироқ ва зидлов боғловчилар вазифасидаги *-у (-ю)* юкламалари воситасида: *Айрим кишилар маънавий жиҳатдан айниб қолишлари мумкин, аммо халқ ҳеч қачон айнимайди. (Ю. Фучик) Ҳамма чиқиб кетди-ю, шайх Нуриддин билан Шоҳмалик эшикка чиқишмади. (Б.Аҳмедов)*

3. Айирув боғловчилари *ё, ёки, гоҳ, ҳоҳ, баъзан, дам-дам* воситасида: *Гоҳ юракни титратувчи мунгли кўшиқ эшитилади, гоҳ найнинг ҳазин товуши дилларни эзади.*

4. Инкор боғловчиси на ёрдамида: *Унинг нидосига на «лаббай» деб биров жавоб қилди, на ўксик кўнглига тасалли берадиган бирор киши топилди. (Қ. М.)*



**97-машк.** Ўқинг. Содда гапларни бириктирувчи воситаларни аниқлаб, турини айтинг. Улар қандай синтактик ва услубий вазифа бажараётганини изоҳланг.

1. Куёш сўнмайди ва ер қаримайди. (*М.*) 2. Яхшидир аччиқ ҳақиқат, лек ширин ёлғон ёмон. (*Э.В.*) 3. Сен кулдингу бирдан ёришди дунё. (*Б.Б.*) 4. Мингта дўст – кам, битта душман – кўп. (*М.*) 5. Дўстсиз яшаш мумкин эмас, аммо ҳамма ҳам дўст бўлавермайди. (*Х.*) 6. Унинг томоғини йиғи бўғиб келди-ю, йиғлашга кучи етмади. (*А. Қод.*) 7. Шуни билингки, яхшилик ёмонлик устидан ғалаба қилади. 8. Оқил, доно одамларнинг сўзлари нодон, жоҳилларга таъсир этмаса, таажжубланманг, чунки қарнай овози танбур овозини эшитмайди. (*Х.*) 10. Асалнинг кўнглида нималар кечаётганини билмасдим, аммо унинг кўзлари табассум билан порларди. (*Ч.А.*)

**98-машк.** Боғланган қўшма гап таркибидаги содда гапларнинг қандай воситалар ёрдамида боғланганлигини тушунтиринг. Ҳар бир содда гапнинг бош бўлақлари остига чизинг.

1. Шаббода бир маромда эсиб туради ва гиёҳлар ўзича тебранади. (*Э.Охунова*) 2. Эшиқ очилар очилмас ичкарига қор аралаш шамол ёпирилиб кирди-ю, кампир қўлидаги шам бирдан ўчди. (*Р.Н.Гун.*) 3. Севинч эсдан чиқади-ю, лекин қайғу ҳеч вақт унутилмайди. (*Х.*) 4. Ёмғир тинди, офтоб чиқди, бироқ кизи келмади. (*М.М.*) 5. Бир вақтлар майда савдо билан машхур бўлган бўлса-да, кўпдан буён бирор иш олиб борганини ҳеч ким билмайди. (*О.*)

6. Бу дунёнинг қувончи кам,  
Дарду ғами зиёда.

Аммо ғамдан қочмоқнинг ҳам  
Тадбири кўп дунёда. (*Э.В.*)

7. Давлат билан шоду-шодмон бўлғайсен,

Шавкат билан машхури жаҳон бўлғайсен!

Кўнглингдагидек даҳр аро ком суриб

Бу даҳр борингча Комрон бўлғайсен! (*З.М.Бобур*)

**99-машк.** Бадий асарлардан боғланган қўшма гапларга олтига мисол топиб, дафтарингизга ёзинг ва тўлиқ синтактик таҳлил қилинг.

**100-машқ.** Кўчиринг. Боғланган кўшма гап таркибидаги содда гаплар қандай боғловчилар ёрдамида бирикканини изоҳланг.

1. Зайнаб кейинги гапларни бақириб айтмоқчи эди, бироқ лаблари сал кимирлади-ю, овози чикмади. (Т.М.) 2. Тун ярмидан ошяпти-ю, лекин кўзларимга уйку келмаяпти. 3. Қуёш чиқиб турса-да, бироқ ҳавонинг ҳарорати паст эди. 4. Салтанатнинг дуч келган нарсадан қийик ахтариши Азизнинг жаҳлини чиқарса-да, аммо ўшанда у индамади. 5. Холида оғзидан гапи тушиб кетаётгандай таассурот қолдирса-да, лекин аслида билимдон, чаккон қиз эди. 6. У бундай оғриққа парво қилмади, лекин дард унга елимдай ёпишиб олди. (Журн)

**101-машқ.** Кўчиринг. Боғланган кўшма гапларни синтактик таҳлил қилинг.

## I

1. Улар «умр» деб аталмиш йўлда бир аравада бораётган бўлишса-да, уларнинг юракларидаги дард бошқа-бошқа эди. (Т.М.) 2. Тутиб олсак, яхши эди-ю, аммо бу режа анча қалтис, амирзодам. (П.Қ.) 3. Ҳаммамиз саломатмиз, аммо бугун сизнинг олдингизга бир қоп ташвиш билан келдим. 4. Чўлдаги иши унга оғир туюлмади, лекин бу иш аввалги ишлардан ҳар жиҳатдан мушқулроқ эди. (Ҳ.Ғ.) 5. Навоий уларнинг қаторига ўтирди-да, жонли суҳбат бошланиб кетди. (О.) 6. Юсуф укам, бошлаган ишинг анча мушқул, аммо омад сен томонда, бунинг уддасидан чиқасан. (Т.Қ.)

## II

1. Сиздек олий зотга «муносиб почча бўлурмен», деб ҳеч ким журъат қилиб айтолмас, аммо уламолар орасида аслзода беклар бор. (П.Қ.) 2. Бу овозни ўзи ҳеч қачон эшитмаган, аммо ўзига шу қадар кадрдон бўлган янғроқ овоз унинг қулоқларига ўқдай кирди. (Ў.Ҳ.) 3. Қишлоқ хўроزلари қичқирганда Илҳом уйига келишга келди-ю, лекин кўнгли тинчимади. 4. Булбул навоси аниқ эшитилар, лекин унинг қайси дарахт гулларига яширинганини аниқ билиб бўлмасди. (Ҳ.Ғ.) 5. Чумчуқча чириллаб қочмоқни, учмоқни ихтиёр этарди, аммо қора булут каби бостириб келаётган мушукнинг муддаога етмоғи аёнроқ эди. (Т.М.)

**1. Қайси қаторда қўшма гапга мисол берилган?**

- А. Табиат – сирли илм, уни фақат билимли кишиларгина ўқий олади.
- Б. Навоий табассумли кўзлари билан атрофга боқиб, бир кўлини кўксига қўйган ҳолда бошини камтар, енгил кимирлатиш билан халқнинг табригига самимий жавоб бериб борди.
- В. Очил бува сафар олдидан ҳар гал шундай қилади, тирик одам билан хайрлашгандай узок тикилиб, пичирлашиб хайрлашади.
- Г. Ота-онага муҳаббат – барча яхши фазилатларнинг асоси.

**2. Мисолларнинг қайси бири бириктирувчи боғловчили қўшма гапга мисол бўла олади?**

- А. Тут ҳали пишмаган, аммо анча оқариб қолган, шохига белинчак илиб қўйилибди.
- Б. Ниҳоят, дарвозахонада от кишнади ва йўлакдан чилп-чилп этиб қадам товушлари эшитила бошлади.
- В. Муяссар юраги бир орзиқиб, оғиз жуфтлаган эдики, Лариса хаёлини бўлди.
- Г. Дастурхонга фотиҳа ўқилгач, Хожа кетишга рухсат сўради.

**3. Қайси қаторда тенг боғловчили қўшма гапнинг тиниш белгилари тўғри ишлатилган?**

- А. Офатдан қутулдик деб ўйлагандик аммо дарё ҳали бизни ўз ҳибсидан бўшатмаган экан.
- Б. Ҳар ҳолда сўзингни ерда қолдирмас лекин ундай ножўя сўздан қайт.
- В. У кеча-кундуз тинмай меҳнат қилади аммо ишидан, ўзи коникмас эди.
- Г. Иқбол кўп ўқийди, кўп ёзади, сатрлар устида кўп ишлайди, бетиним изланади, аммо ёзганларини чиқаришга шошилмайди.

**4. Тиниш белгилари тўғри ишлатилган айирув боғловчили қўшма гап қайси қаторда жойлашган?**

- А. Гоҳ осмонни тутиб ашула янграйди, гоҳ аллакаердан мусиқа овози эшитилиб қоларди.
- Б. Гоҳ, ошиқ қалбининг озоридир ишқ, гоҳ, ғам-қайғунинг бозоридир ишқ.



- В. Гоҳ, боладай завкланиб, кулар, гоҳ, лол этар, сирли садоси.  
Г. Ботир гоҳ йўлга, гоҳ чиройли, яшил деразага қаради.

**5. Ва, ҳам, ҳамда боғловчилари қайси қўшма гаплар таркибида учрайди?**

- А. Бириктирув боғловчили қўшма гаплар таркибида.  
Б. Айирув боғловчили қўшма гаплар таркибида.  
В. Зидлов боғловчили қўшма гаплар таркибида.  
Г. А Б, В жавоблар тўғри.

**6. Боғланган қўшма гаплар таркибидаги содда гапларни бириктирувчи воситалар қайси қаторда берилган?**

- А. Ва, ҳам, ҳамда, -да, -у (-ю).  
Б. Аммо, лекин, бироқ.  
В. Гоҳ, дам, баъзан, ё, ёхуд, ёки.  
Г. Жавоблар тўғри.

**7. Қуйидаги гап қўшма гапнинг қайси турига мисол бўла олади?**

«Жон синглим, идорага бориб, шу хатни Жўрабой акага бергин-да, ўзинг фириллаб орқага қайт».

- А. Инкор боғловчили боғланган қўшма гап.  
Б. Бириктирув боғловчили боғланган қўшма гап.  
В. Зидлов боғловчили боғланган қўшма гап.  
Г. Айирув боғловчили боғланган қўшма гап.

**8. Қайси қаторда боғланган қўшма гапнинг таърифи тўғри берилган?**

- А. Икки ёки ундан ортиқ содда гапнинг мазмун оҳангига кўра бирикувидан тузилади.  
Б. Содда гапларнинг ўзаро тенг боғловчилар ёрдами билан боғланишидан тузилади.  
В. Содда гапларнинг мазмун жиҳатидан бирининг бошқасига эргашishiдан тузилади.  
Г. Бош гапга эргшиб, уни изохлаб келади.

**9. Айирув боғловчили қўшма гап қайси қаторда жойлашган?**

- А. Бу ҳикоялар болада чуқур таассурот қолдирар ва у дадасининг жанговар ёшлиги билан ҳамиша фахрланиб юрарди.  
Б. Сув шунча ёкимли эдики, гўё қандайдир кўзга кўринмайдиган ўтлар сув остидан унинг оёқларини эркалаб сийпалаётгандай туюларди.  
В. Тўлин ой сутдек ёғдусини мактаб саҳни ва том тунукаларига аёвсиз тўқар, булбул эса ҳамон тинмай сайрар эди.

Г. Баъзан акам хужраларнинг тозалигидан хабар олар эди, баъзан мен бориб, унинг тозалигини текшириб келар эдим.

**10. Мисолларнинг қайси бирини зидлов боғловчили боғланган кўшма гап деб ҳисоблайсиз?**

А. Эшикдан шамол урар ва ботаётган куюшнинг сўнгги ёруғи тушиб турар эди.

Б. Дехконлар дил кўрини, билак кучини бахш этди-ю, Мирзачўл гуллаётган водийга айланди.

В. Дадам индамадилар, лекин бир қоши баланд, бир қоши паст бўлди.

Г. Тушунмаган жойнинг бўлса, савол бериб тушуниб оларсан.

**Тикрорлаш учун топшириқлар**

1. Гап бўлаклари билан грамматик алоқага кирмайдиган сўзларга нималар кирази? Уларнинг ҳар бирига мисоллар келтиринг.

2. Ундалма ва киришлар хусусида сўзланг. Фикрингизни мисоллар асосида далилланг.

3. Бадиий асарлардан келтирилган мисоллар асосида киритмаларнинг киришлардан фарқли жихатларига тўхталинг.

4. Кўчирма ва ўзлаштира гаплар ҳақида маълумот беринг. Ўзингиз ёқтирган адиб асаридан учта кўчирма гапга мисол ёзинг ва уларни ўзлаштира гапларга айлантинг.

5. Кўчирма гапларда тиниш белгиларининг қўлланилиши тўғрисида баҳс юритинг.

6. «Ўш садоси» газетасидан кўчирма гап ва муаллиф гапларининг турли ўринларда келишига доир олтига гап топиб, тиниш белгиларининг қўйилиш сабабларини изоҳланг.

7. Диалог нима? Унда қандай тиниш белгилари ишлатилади?

8. Кўчирма (цитата) лардан қай вақтларда фойдаланилади? Мисоллар келтиринг.

9. Кўшма гапларнинг қандай турларини билиб олдингиз?

10. Боғланган кўшма гапга таъриф беринг. Боғланган кўшма гап таркибидаги содда гапларни боғловчи воситаларни мисоллар орқали изоҳланг.

II. Диалогни ўқинг. Тиниш белгиларининг нима мақсадда қўлланганини айтинг.

– Хуш келибсиз, мавлоно! Хўжандга хуш келибсиз.

– Хушвақт бўлинг! Хушвақт бўлинг, саркарда.

– Бизнинг заминда юз кўришганимиздан бағоят хурсандмен.

– Шукр, ўзига шукр! Мен ҳам сиз хазратни кўрганимдан бағоят хурсандмен.

– Кўрғонда жой тайёрланган. Аробалар тайёр... Сиз мавлонони олиб кетгани келдим. (*Мирм.*)

**III.** Содда ва қўшма гапларни ажратиб ёзинг, сўнгра синтактик таҳлил қилинг.

1. Эсингдами, ўша тун осуда, ойдин эди, иккимиз танҳо қолдик, кўчаларни кездик. 2. Асарда Ҳиндистон табиати манзараларини тасвирлар экан, унинг улкан мамлакат эканлиги, халки жуда кўплиги, мевалари хилма-хиллиги, унинг уч томони океан билан туташганлигини баён қилади. (*Журн.*) 3. Кесакполвон бу янгиликни эшитгач, йигитга кўзларини лўк қилганича топишмоққа жавоб излади. (*Т.М.*) 4. Ким сенинг айбингни аямай айтса, у сенга ҳақиқий дўст бўлади. 5. Шамол бўлмаса, дарахтнинг барги қимирламайди. (*М.*) 6. Бу ерларнинг офтоби жуда саҳийки, осмони ҳафталар, ойлар давомида булут кўрмайди. (*П.Қ.*) 7. Ўз тарихимни ғурурланиб, фахрланиб ўқиб-ўрганишни бошладим. 8. Мастура хола уларни кўча эшиккача кузатиб чиқиб, орқасига қайтди. (*Ў.Ҳ.*) 9. Бухорои шарифнинг шавкатли амири Саид Насруллохондан гуллаб-яшнаётган Фарғона диёрининг сиздай эгасига – Темур Кўрагонийнинг сиздай уруғига ойдай нурли, куёшдай иссиқ табарруқ дуои салом олиб келдим. (*Т.Қ.*)

**IV.** Содда ва қўшма гапларни ажратиб, аввал содда гапларни, кейин қўшма гапларни ёзинг. Тиниш белгиларининг қўйилиш сабабини изоҳланг.

1. Бетизгин, бежавоб саволлар қарвони аста-секин йўқолиб, вужудига беихтиёр янги шеър оқиб кела бошлади. (*Журн*) 2. Ўзи ёлғиз қолган Пошшахон бемалол Зебининг уйига кирди. (*Ч.*) 3. Эртага ҳайит деган куни Зайнабнинг хурпайиши йиғи билан алмашар ва йиғи аралаш мақсад очилса ҳам, кўпинча натижасиз қолар эди. (*А.Қод.*) 4. Анвар айвоннинг йўғон устунига тикилиб турар, чамаси, муҳим бир нарсани айтгиси келар, аммо керакли сўзларни топиб ололмасди. (*Ў.Ҳ.*) 5. Фалаба завқидан кўзига ёш келганини у энди пайқади-ю, қулимси-



раб, кафти билан кўз ёшини секин артиб қўйди. (П.Қ.) 6.  
Зайнаб бу гапларни эшитиб, хайратланди. (Т.М.)

V. Матни ўқинг ва қўшма гапларни аниқлаб, синтактик таҳлил қилинг.

Искандар Румий бир кун устози Арастудан:

– Эй устод, мен буюк ишларга кадам қўйдим. Бу ишларим натижасида дўстларни ҳам, душманларни ҳам топаман. Улар билан қандай муомала қилишим керак? – деб сўради.

Арасту ҳаким шундай деб жавоб берди:

– Илож борича ўзингга душман орттирма, бирор киши сенга душманлик кўрсата бошласа, сен унга марҳамат назари билан қара, дилнавоз бўл, шу билан у киши дўстларинг қаторидан жой олади. Дўстларингни шафқат ва марҳаматинг билан сарафроз қил, улар сендан ажралмай, самимий дўстларинг бўлиб қоладилар.

Ёлғончи кишидан вафо кутма. Одам яхшилик қилганга яхшилик қилади, бир яхшиликка ўн ҳисса яхшилик қайтаради. Кимнинг асли пок ва соф бўлса, у одам элга манфаат етказди.

Эй, мард одам! Одамийлик қил, олий ҳимматли, тавозели, очиқ юзли, ширин сўз бўл. («Дурдоналар хазинаси»)

### 23-§. Эргаш гапли қўшма гаплар

#### Топшириқлар:

Қуйидаги гапларни ўқинг. Бош ва эргаш гапларни аниқланг. Ажратиб кўрсатилган гаплар мустақил тарзда қўллана оладими? Фикрингизни дадилланг.

1. Бошинг осмонга етса ҳам, ерга қараб юр. (М.)

2. Кимки жоҳил билан улфат бўлса, у юз минг офатга дучор бўлади. (Ҳ.)

3. Кузатишлар шуни кўрсатадики, халқимизнинг барча урф-одатлари ва маросимлари муайян тарихий даврнинг маҳсулидир. (Журн.)

4. Биров юзига муздек сув сепгандай, Манас ҳушёр тортди. («М.»)

Эргашган қўшма гаплар икки хил гаплардан ташкил топади: бош гап ва эргаш гап.

Бош гап ўзича мустақил бўлиб, бошқа гапларни ўзига эргаштириб келади.

Эргаш гап бош гапга тобе бўлиб, бош гапни бутунича ёки унинг бирор бўлагини изохлаб, тўлдириб келади: *Ким сенга бир марта яхшилик қилса, сен уни умрбод ёдингда тут.* (Н.Хисрав) Бу қўшма гапдаги бош гап – *сен уни умрбод ёдингда тут.* Гапдаги уни олмошидан ифодаланган тўлдирувчи изоҳ талаб қилаяпти. Изоҳни биринчи гап, яъни эргаш гап бераяпти – *сенга бир марта яхшилик қилган одамши.*

*Жаҳонгашта одам зийрак ва доно бўлади, чунки у бошидан кўп иссиқ-совуқни ўтказади.* Бу гапда биринчи гап - бош гап. Нима учун *жаҳонгашта одам доно* бўлишини, яъни сабабини иккинчи гап изохлаяпти.

Қўшма гапларни таҳлил қилиш осонроқ бўлсин учун, куйидаги шартли белгилардан фойдаланамиз.



– бош гап



– эргаш гап

Бош ва эргаш гаплардан ташкил топган қўшма гапларни эргаш гапли қўшма гап деймиз.

**103-машқ.** Ўқнинг. Гапларни кўчириб, бош ва эргаш гапларни аниқланг. 7-гапни синтактик таҳлил қилинг.

1. Кимки бировга ёмонлик тиласа, ўзи ҳеч қачон омонлик топмас. (*Фирдавсий*) 2. Ҳақиқий олим ўзининг илми билан мактанмайди, чунки у ўзидан ҳам зўр олиму фозиллар борлигини билади. (*Ҳ.*) 3. Кечкурун Саида талқон туйиб ўтирар экан, уйга ўт олгани Ҳасантой кириб келди. (*Ч.А.*) 4. Худоёрнинг икки қоши бир-бирига яқинлашиб, қалин қабоқлари яна ҳам қабарди. (*Қ.М.*) 5. Шундай беморлар ҳам бўладики, улар фақат сўз билан дардига даво топадилар. 6. Ҳайринсонинг кўзлари шундай самимийки, ичида ғубор йўқлиги шундоқ кўриниб турарди. (*Ў.Ҳ.*) 7. Мирмуҳсиннинг бахти, омади шундаки, унинг ижодий бисотида санъатнинг мангу мезонлари – ҳаққонийлик, инсонпарварлик, юксак бадиийлик талабларига дош бера оладиган жихатлар бор. (*У.Норматов*)

## 24-§. Эргаш гапнинг ўрни ва унда тиниш белгиларининг ишлатилиши

### Топшириқлар:

I. Эргаш гапли қўшма гапларни ва уларнинг схемасини диққат билан ўрганиб чиқинг.

II. Бош ва эргаш гапларни топинг, ўрнини ва тиниш белгиларининг ишлатилишини тушутиринг.

1.  $\square, \leftarrow \bigcirc$  Ором билмас шоир қалби,  
Чунки ором завк эмас. (Э.В.)
2.  $\bigcirc, \rightarrow \square$  Кимки ҳақиқатни инкор этса, у ўз умрини  
кисқартиради. (Х.)
3.  $\square, \rightarrow \bigcirc, \leftarrow \square$  Мунофиқ дўст, гарчи сен унга жонингни  
фидо қилсанг ҳам, сенга вафо қилмайди. (Х.)

Биринчи мисолдаги бош гап – *Ором билмас шоир қалби*.

Иккинчи гап биринчи гапга эргаштирувчи боғловчи *чунки* ёрдамида боғланиб, бош гапдан чиққан *нима учун?* саволига жавоб бўлмоқда. Бунда бош гап аввал, эргаш гап кейин келаяпти. Чунки эргаштирувчи боғловчи олдидан вергул қўйилади.  $\square, \text{ чунки } \bigcirc$

Иккинчи мисолдаги *У ўз умрини қисқартиради* – гапи бош гап. *Нима бўлса?* деган саволга жавоб бераётганга ўхшайди, аммо аслида бош гапнинг эгаси у изоҳ талаб қилаяпти. Бош гапнинг эгаси (*у*) ни *Кимки ҳақиқатни инкор этса* деган эргаш гап изоҳлаяпти.

Эргаш гап билан бош гап ўртасига вергул қўйилади.



Учинчи эргаш гапли қўшма гапдаги бош гап – *Мунофиқ дўст сенга вафо қилмайди*. Бош гапдан чиққан савол - *нима бўлса ҳам?* Бу саволга *Гарчи сен унга жонингни фидо қилсанг ҳам* эргаш гапи жавоб бўлаяпти.

Эргаш гап бош гапнинг ўртасида келиб, бош гап бўлиниб қолди. Бош гапнинг ўртасида келган эргаш гап ҳар икки томонидан вергул билан ажратилади.





**104-машк.** Кўчиринг. Бош ва эргаш гапларнинг ўрнини белгиланг ва тиниш белгиларининг қўйилиш сабабини изоҳланг.

1. Тўғрилиқка интилсанг, обрўйинг мартабанг ошади. (Х.)  
2. Шуни яхши биламизки, дўстлик – тинчлик таянчи. 3. Менинг соф ниятим шулки, юртга осойишталик ва фароғат бахш этгай. (О.) 4. Кимки рост сўзласа, у, албатта, суюқлидир. (Х.)  
5. Ҳаво анча юмшаган бўлса ҳам, тоғда ҳали қор қалин эди. (П.Қ.) 6. Инсон нимагаки эриша олмаса, ўша нарса унга азиз туюлади. 7. Шуни унутмангки, ҳеч ким бировга ўйлаш излаш, орзу қилишни ман эта олмайди. (Ч.А.) 8. Сизлардан илтимос шуки, бу ишга ўзинглар бош бўлинглар! 9. Қизиғи шундаки, бунга дадам сабаб бўлган эди. (О.Ё.)

**105-машк.** Кўчиринг. Бош ва эргаш гапларни аниқлаб, ҳар бир гапдан кейин унинг шартли чизмасини чизинг.

**Намуна:** *Кимнинг тили узун бўлса, унинг ҳалокати яқин бўлади.* (Х.) ○, ← □

1. Ёзувчининг ўқувчига айтадиган дарди қанча кучли, қанча салмоқли бўлса, асар тили шунча бийрон бўлади. (Ў.Х.)  
2. Бошда ақл бўлмаса, азобни оёқ тортади. (М.) 3. Битта ёки йигирмата дарахт, ҳатто улар бўй етмас чинор бўлган тақдирда ҳам, барибир ўрмон бўлолмайди. (Ў.Х.) 4. Ҳасадгўй одамлар билан ҳеч қачон дўстлашма, чунки ҳасадгўйлардан дўст чиқмайди. (Х.) 5. Ёшлиқ шу нарса билан бахтиёрки, унинг келажаги бор. (Гоголь) 6. Зеҳн тили, агар у юракдан чиқса, ўз нишонига тегади. (Ж.Ж. Руссо) 7. Ҳақиқат аччиқ бўлса ҳам, унга қулоқ сол. («Қ.») 8. Сув қалқиса, лойқаси юқорига чиққандай, замон қалқигандан буён ёмон кўпайди. (Ў.Х.) 9. Зеҳн кўйсанг билимга, зиё тўлар дилингда. (М.)  
10. Яхшибоев қовоғини уйди, бошини эгди, гўё чексиз ғамга гирифтор бўлгандай. (М.М.Дўст) 11. Хуфтон ўкилиб бўлгач, шўрва тортилди. (Х.Ғ.) 12. Машриқдан чиққан куёш чараклаб турса-да, ҳали мағриб томондаги ой ботиб улгурмаган эди. 13. Қўшимча куч етиб келгач, уч кунлик хордик тугади. (Х.Д.)  
14. Талаба киз шундай нутқ сўзладики, залдагилар ҳайратда қолишди. 15. Кимнинг қалбида қибр бўлса, у инсон мўминликда йироқда. (Ҳадис).

**Тошшириклар:**

Эргаш гапни бош гапга боғловчи воситаларни эсланг ва мустақил равишда кундалик ҳаётдан эргаш гапли кўшма гапларга мисоллар келтиринг.

Эргаш гаплар бош гапга куйидаги воситалар ёрдамида боғланади:

**I. Шунинг учун, чунки** эргаштирувчи боғловчилар ёрдамида:

*Ўқовлидаги кўшимча қурилган уй жуда совуқ эди, шунинг учун Асални ўгли билан менинг хонамда яшашга кўндирдим. (Ч.А.)*

шунинг учун

*Жаҳондаги ҳар бир нарса инсон учун яратилади, чунки табиатнинг энг олий маҳсули инсондир. (Ў.Ҳ.)*

чунки

**II. -ки** юкламаси ёрдамида: *Шаҳноза яна шуни сездик, Рустам акаси рақс тушаётгани йўқ, нола чекаяпти. (Ў.Ҳ.)*

-ки,

-ки юкламаси доимо бош гапнинг кесимига кўшилиб келади. Бош гап эса эргаш гапдан аввал келади.

**III. Ёрдамчи вазифасидаги деб, гўё, худди, учун** сўзлари ёрдамида:

*Сен қулдингу бирдан ёришди дунё,  
Дунёга қулгани сен бердинг гўё. (Б.Б.)*

*Энди улар деярли гаплашмайдилар, худди икки ўртада айтадиган гап қолмагандай. (Қ.М.)*

худди

**3. Дониёр, яраси** яхши битиб кетмаганлиги учун, оёғини буколмас эди. (Ч.А.)

учун,

**IV. Феъл** негизига равишдош, сифатдош ва феълнинг шарт майлини ясовчи кўшимчалар ёрдамида: *-б, (-иб);*

-гач (-кач, -қач); -гунча (-кунча, -қунча); -ганда (-канда, -қанда); -са, -са ҳам кабилар.

1. Навбатдаги қўшиқ тугаб, бир лаҳза тинчлик чўкди. (Ў.Х.) ○ -б, □

2. Шаҳнозани «Нива» га ўтқизишиётганда, тонг ёришиб қолган эди. (Ў.Х.) ○ -ганда, □

3. Бахилнинг ўзи тупроққа киргач, унинг бойлиги тупроқдан чиқар. (С.) ○ -гач, □

4. Уста Карим уйқудан тургунча, ўгли унинг ёнига етиб келди. (Қ. М.) ○ -гунча, □

5. Жаҳл келса, ақл қочади. (М.) ○ -са, □

### Изоҳ:

Баъзан шарт майлидаги феълдан кейин эди тўликсиз феъли қўшилиши мумкин: Ака-укалар иноқ бўлсалар эди, бундай бахтсизлик содир бўлмасди. ○ -са эди, □

Эшик очик бўлса ҳам, сўраб кир. ○ -са ҳам, □

Айрим эргаш гапли қўшма гап таркибидаги содда гаплар ичида баъзан хавола бўлаклар ҳам иштирок этади.

Мисоллар: 1. Қаерда табиатнинг асл ҳолати сақланган бўлса, ўша ерда кишиларнинг руҳий ҳолати тетик бўлади.

Бу ўринда эргаш гап таркибида **қаерда** сўзи, бош гап таркибида **ўша ерда** сўзи хавола бўлак ҳисобланади.

2. Кимки **қанчалик** кам фикр юргизса, у **шунчалик** кўп гапирадиган бўлади.

Бу қўшма гапнинг бош гапида ҳам, эргаш гапда ҳам хавола бўлак бор.

3. Ойбек газета ўқишига **шунчалик** берилиб кетган эдики, тунука бозорининг шовқини ҳам қулогига кирмасди. (С.А.)

Учинчи қўшма гапнинг биринчи гапи, яъни бош гапидагина хавола бўлак иштирок этмоқда.

**106-машк.** Тиниш белгиларини қўйиб гапларни кўчиринг. Бош ва эргаш гапларни аниқлаб, боғланиш йўлини чизма оркали кўрсатинг.

1. Мақсад шуки халқимизнинг миллий удумларини ҳақорат қилманг. (Ў.Х.) 2. Кимки аро кирмас жонингга шерик бўлмасин



у ширин нонингга. (М.) 3. Оёқ-кўлимдан мадор кетиб Ҳайридиннинг ёнига чўккаладим. (Ў.Ҳ.) 4. Уста Карим ўрнидан тургунча ўғли унинг олдига етиб келди ва елкаларидан кучоклади. (Қ.М.) 5. Энди кўзим илинган экан хирмон томондан арава товуши эшитилди. (Ч.А.) 6. У то хожаси кўздан йўқолгунча узок караб қолди. (Қ.М.) 7. Қаерда бўлса яшил бойлик ўша ерда тани соғлик. (М.) 8. Унинг қарашлари жиддий бўлса ҳам умуман унинг киёфасидан меҳрибонлик самимийлик сезилиб турарди. (Ч.А.) 9. Токи шам нур сочиб тураркан унинг атрофидан парвона кетолмайди. (Х.Д.) 10. Асал лаззатини ҳайвон билмаганидай сўз лаззатини нодон киши билмайди. (Ҳ.) 11. Бирдан зулмат қочиб ҳаммаёқ ёришиб кетди. (Х.Д.) 12. Сукут чўзилиб кетгач саройбон Ҳусайин Баҳодирни секин туртди. (О.Ё.) 13. Водийнинг табиий шароити хилма-хил бўлгани учун ундаги ўсимлар ҳам турли-тумандир. (П.Қ.)

**107-машқ.** Матини ўқинг. Эргаш гапли кўшма гапларни топиб кўчиринг. Эргаш гапларнинг бош гапга нисбатан ўрнини ва боғловчи воситаларини аниқланг.

... Бу ерда яшайдиганларнинг ҳаммаси профессор-у олим бўлмаса ҳам, участкалари бир-бириникидан қолишмас экан, деярли ҳар бир уйнинг ёнбошида дарвозахонаси баланд, кунгурадор шийпонлари бор эди. Сирожиддин машинасини тор кўчанинг энг ичкарасида, қадди баланд иморат олдида тўхтатди. Уйнинг баланд-баланд деразаларига гулчин темир панжаралар тугилган, уй рўпарасидаги икки қатор олмалар аллақачон япроқ чиқарган, аммо ҳали гулламаган эди. Сирожиддин икки чети пишиқ ғиштдан ишланган нақшинкор дарвоза бурчагидаги кўнғироқ тугмасини босди.

Жиринглаган овоз бу ердан эшитилмаса ҳам, Сирожиддин ойнаванд айвон устидаги кўнғироқ бўғиқ товуш чиқарганини, буни эшитган келинони инкиллиб ўрнидан турганини-ю, шишиб кетган оёқларини вазмин босиб, айвон зинасидан тушганини аниқ тасаввур қилди.

Эшик ҳадеганда очилавермагинидан кейин, Сирожиддин яқин келиб, тагин тугмачани босди. Аммо энди кутиб ўтирмай, дарвоза ёнбошига ўрнатилган эшикни думалок шиша тутқи-чидан итарди. (Ў.Ҳ.)

## 26-§. Эргаш гапнинг гурлари

№	Эргаш гап гурлари	Боғловчи восита	Мисолар
1	Эга эргаш гап <input type="radio"/>	-са  -ки	Кимки доимо ҳаракатда бўлса, у ҳеч қачон хасталик кўрмайди. (Х.) <input type="radio"/> -са, <input type="checkbox"/> Шаҳзодаларнинг ҳаракатларидан шу нарса маълум бўлдики, уларнинг асл нияти тахт эгаллаш экан. (М.Осим) <input type="checkbox"/> -ки, <input type="radio"/>
2	Кесим эргаш гап <input type="radio"/>	-ки	«Бобурнома» асарининг муҳим ва ноёблиги шундаки, унда Марказий Осиё, Афғонистон, Покистон, Ҳиндистон ва Эрон халқларининг тарихи, географияси, табиати, этнографиясига оид подир маълумотлар берилган. (Жури) <input type="checkbox"/> -ки, <input type="radio"/>
3	Тулдирувчи эргаш гап <input type="radio"/>	-ки  -са	Шуни унутмаслик керакки, ҳалоллик ва поклик инсонни тўғри йўлга етаклайди (Х.) <input type="checkbox"/> -ки, <input type="radio"/> Кимки бўлса дилозор, ундан алу юрт безор. (М.) <input type="radio"/> -са, <input type="checkbox"/>
4	Аниқловчи эргаш гап <input type="radio"/>	-ки  -са	Ишонч шундай хислатки, у кишини бир умр тубанликдан узоқлаштиради. (Х.) <input type="checkbox"/> -ки, <input type="radio"/> -ки Кимки илмга ташна бўлса, унинг қалбида яхшилик гули бор. (Х.) <input type="radio"/> -са, <input type="checkbox"/>
5	Равиш эргаш гап <input type="radio"/>	-б (-иб)	Инсон ўз атрофидаги муҳитни гўзаллаштириб, ўзи ҳам гўзалликка, маънавий камолотга эришади. (Р.У.) <input type="radio"/> -иб, <input type="checkbox"/>
6	Пайт эргаш гап <input type="radio"/>	-гач,  -гунча  -ганда,  -(и)б	Сайл тугагач, шаҳзодалар ўз вилоятларига қайтиш тарадудини кўра бошладилар. (П.Қ.) <input type="radio"/> -гач, <input type="checkbox"/> Кўёш ботгунча, боғда ишлади. <input type="radio"/> -гунча <input type="checkbox"/> Меҳмонлар келганда, у ичкари хонада эди. <input type="radio"/> -ганда <input type="checkbox"/> Хона ўртасига етганида зинк очилиб, қизғин сочли сепкилдор қиз бош суқди. (Ў.Х.) <input type="radio"/> -иб <input type="checkbox"/>
7	Ўрин эргаш гап <input type="radio"/>	қаерда, шу ерда -са	Қаерда тинчлик ҳукм сурса, у ерда алдамчи эҳтирослар, гам-ғусса бўлмайди. (Беруний) <input type="radio"/> -са, <input type="checkbox"/>
8	Ўхшатиш - чоғиштириш эргаш гап <input type="radio"/>	Гўё, -дек	Қийиниқ ортилган юк манзилга етиб боролмаганидек, сохта шуҳрат ҳам узоққа бормайди. (Р.У.) <input type="radio"/> -дек, <input type="checkbox"/>

9	Микдор даража эргаш гап ○	-са, қанча- шунча	Истеъдодли одамнинг обрўйи қанча ортиб борса, ҳасадгўйдаги адоват ўти шунча алангалайди. ○ -са, □
10	Шарт эргаш гап ○	-са,  -ганда эди  -(а)р экан	Ота гайратли бўлса, бола ибратли бўлар. (М.) ○ -са, □ Агар йигитда бирор сир бўлмаганда эди, уйдагилар талвасига тушишмасди. ○ -ганда эди □ Инсон доим ҳалол ва пок яшар экан, турмуши яхшироқ, осонроқ бўлаверади. (Газ.) ○ -ар экан, □
11	Сабаб эргаш гап ○	Шунинг учун,  чунки,  учун,  шекилли	Акаси Россияга келгуси ҳафтада жўнай-диган бўлди, шунинг учун зиёфат яқинбага белгиланди. ○ шунинг учун □ Лола онасига ўзи ҳақида гапирмади, чунки онасининг аҳволи яхшимасди. □ чунки, ○ Йигит бошига катта оқ қалпоқ кийиб олгани учун, юзи кичкина ва қоп-қора кўришарди. ○ -гани учун □ Бу йил қиш қаттиқ келади шекилли, дарахт барглари бирдан тўкилиб кетди. ○ шекилли, □
12	Мақсад эргаш гап ○	-ар деб,  -син учун	Овулдан қариндошларим келишганда қўриб қолишмасин деб, мен суратни яшириб қўяр эдим. (Ҷ.А.) ○ -син деб, □ Инсон яшамоқдан талмасин учун, Кўнглига бир дунё тилак берилган. (Э.В.) ○ -син учун, □
13	Натижа эргаш гап ○	-ки	Ушундай эҳтиёткорлик билан эмаклади-ки, ҳатто қамишлар ҳам шитирламади. (С.А.) □ -ки, ○
	Тўсиқсиз эргаш гап ○	-са ҳам  -са -да	Дарахт яроқлари қалин бўлса ҳам, ёмғир томчилари улар орасидан йўл топди. (Жури.) ○ -са ҳам, □ Юз деворини тешиб ўтса-да сичқон, Мардлар қаторига кирмас ҳеч қачон. (Х.Деҳлавий) ○ -са, -да, □



**108-машк.** Ўқинг. Аввал боғланган қўшма гапларни, сўнг эргашган қўшма гапларни кўчиринг.

1. Қор элаб ёғар, йўллар босилиб борар эди. (*Р.Н.Гун.*)
2. Навбатдаги кўшиқ тугаб, бир лаҳза жимлик чўкди. (*Ў.Х.*)
3. Юрак ақлга ақл кўшиши мумкин, лекин ақл юракка юрак кўша олмайди. (*А. Франс*)
4. Одамлар олдида уялишинг – яхши фазилят, аммо бундан ҳам афзали ўзингдан ўзинг уялишингдир. (*Л.Т.*)
5. Анвар хушини йиғиб олгунча, Муқаддам шиддат билан етиб келди. (*Ў.Х.*)
6. Кулиб боқса кишига толе,  
Камаяди душманлари ҳам.  
Бевафалик қилса толеи,  
Душманларга тўлар ҳар қадам  
(*М.Жувайний*)

**109-машк.** Ўқинг. Эргашган қўшма гапларни кўчириб ёзинг. Ҳар бир гапнинг чизмасини чизинг. Доира ичига эргаш гапнинг турини белгиланг.

1. Одам қанчалик маърифатли бўлса, эл-юртга шунчалик фойдаси тегади. (*Грибоедов*)
2. Яхши китобни ўқиш билан одам ўзини янада кучли, билимли ва номусли сезади. (*Судрабнали*)
3. Ўта гўзаллик, энг дилбар ташки қиёфа ҳам, агар унга ҳеч ким шайдо бўлмаса, уч пул. (*Бальзак*)
4. Дунёда ҳалол одамдан ҳам буюкроқ зот йўқ. (*Р. Роллан*)
5. Юрак тор бўлса, дунёнинг кенлиги асқотмайди. (*М.*)
6. Гапнинг қисқаси шуки, Холмамат ака, сиз қора йўрғани миниб, шу топдаёқ яйловга жўнанг. (*Х.Ф.*)

**110-машк.** Шеърни ўқинг. Қўшма гапларни топиб, турини белгиланг, Эргаш санли қўшма гапларни кўчириб ёзинг.

### **Бобурнинг сўзи**

Ватани ҳар недан афзал кўрардим,  
Жаҳонга бермасдим Андижонимни.  
Шайбоний қўлида ўлсам ўлардим,  
Агар у олганда ёлғиз жонимни.  
Ортимда авлодлар турарди бўйлаб,  
Ортимда оналар чекарди фиғон.  
Хатолиғ бўлса-да, уларни ўйлаб,  
Ўзга юрт – ҳиндуни айладим макон.  
Афв этинг, авлодим, бут бўлсин иймон.

Яна бир ўтинчим: Бобурни ёдланг.  
Аллоҳ шоир қилиб яратган инсон  
Шоҳ бўлмасин деб ёлворинг, додланг.  
Одамнинг кўп қизик ишлари:  
На ўтдан, на сувдан қайтади.  
Тўкилиб бўлгандан сўнг ақл тишлари,  
Нукул ақлли гаплардан айтади.

*(И. Суяркулов)*

**111-машқ.** Ўқинг, шеър мазмуни хақида фикрингизни айтинг. Тиниш белгиларини кўйинг. Қўшма гапларни кўчириб ёзинг. Шеърни ёд олинг.

Сино айтган экан чанг бўлмаса гар  
Мингга кирар эди инсон боласи.  
Дорига ўрганган қовундай қайсар  
Чангга ҳам кўникиб қолдик чамаси.  
Ҳаким бўлмасам ҳам мен айтай сизга  
Узоқ яшамоққа бор битта ёрлик.  
Мингга бормасак ҳам кирардик юзга  
Дунёда бўлмаса гар дилозорлик. *(А.О.)*

**112-машқ.** Матнни ўқинг. Унда баён қилинган воқеаларга ўз муносабатингизни баён қилинг. Қўшма гапларни кўчириб, турини аниқланг.

### Донишманд чумоли

Кунлардан бир кун Сулаймон ўз тахтида лашкарлари билан ўтиб бораётганида бир чумоли: «Менинг амримга тобе чумоли борки, ҳаммаларинг қочиб ер остига киришгилар, Сулаймон лашкарларига поймол бўлмангилар», – деб кичкиради. Буни эшитган Сулаймон ҳаводаги тахтидан ерга тушади. Қараса, биргина чумоли турибди.

– Отинг нима? – деб сўрабди Сулаймон.

– Отим Манзара, – дебди чумоли.

– Мурчаларни не учун қочирдинг?

Шоҳнинг бу саволига чумоли дебди:

– Сиз ҳаммага подшоҳдурсиз, мен ҳам ўз жинсимга шоҳдурмен... Мурчалар лашкарингиз оёғи остида яксон бўлса, уволи менга бўлур.

Шунда Сулаймон:

– Ҳаммасини қочириб, ўзинг не учун қочмадинг? – дебди.

Манзара айтибди:

– Мен аларнинг каттасидурман. Улуғлар қўл остидагиларга меҳрибон бўлур. Балоба улуғлар ўзларини рўбарў килиб, кичикларни халос қилса яхшидур.

Бу доно фикрларни тинглаган Сулаймон Манзарага яна мурожаат этибди:

– Мундоқ насиҳатни қайдин таълим олдинг?

– Ҳамма илм ўзимдадир, дея хаёл қилурмисиз? – деб Манзара Сулаймондан бир неча савол сўрашга рухсат тилабди. Сулаймон кўнибди.

Мана ўша баҳсли фикрлар.

Савол: – Ҳақдан нима талаб қилдингиз?

Жавоб: – Бир мулк тиладимки, андоқ мулк ҳеч кимга берилгани йўқ.

Чумоли сўзи: – Бахил экансиз. Маълум бўладики, мендан ўзга асло подшоҳ бўлмасин, дебсиз. Агар юз қисса сизнинг давлатингизни минг кишига берса, ҳақ хазинаси кам бўлмас. Шунча тилагингизга яраша нима берди?

Жавоб: – Шамолни бўйсундириб берди. Шунча ҳашамат ва салтанат лашкарларимни тахт-бахтларим билан кўтариб эрур.

Манзара сўзи: – Эй, Сулаймон, бунинг маъноси олам елдек ўтадир дегани. Елнинг вужуди бўлмас. Ҳашамат, салтанат, тахту бахтларинг ўткинчидир... Бундан бошқа яна нима берди?

Жавоб: – Узук берди. Ҳамма оламнинг сири узукдадир...

Чумоли сўзи: – Эй, Сулаймон, сенга Мағрибу Машрик таслим бўлибдир. Лекин бунинг баҳоси бир парча тош экан, бас, узугингга бино қўйма.

Сулаймон чумолининг бу қадар ақлу донишига қойил қолиб:

– Мундин ўзга яна нима биласан? – деганида Манзара:

– Қоронғу кечаларда сизга муте халкнинг ҳолидан хабардормисиз? – деб сўрабди. Сулаймон: – Йўқ, – дебди. Мурча эса шу заиф ҳоли билан ҳар кеча ухламай, лашкарларининг атрофини айланиб, улар ҳолидан хабардор юришини айтибди. Ана шунда чумолиларнинг билафонлигига нисбатан ўз донолиги ҳеч нима эканлигига Сулаймон тўла тан берибди...



**113-машк.** Ўқинг. Эргаш гапли кўшма гапларнинг турини аниқлаб, тиниш белгиларининг қўйилиш сабабини изоҳланг.

1. Қорақумда ҳаво шундай исиб кетар эдики, ҳатто нафас олиш ҳам қийинлашарди. (*Мирм.*) 2. Оксой тоғ оралиғидаги қишлоқ бўлгани учунми, бу ерга баҳор кечроқ келади. 3. Булутлар шу қадар ҳаракатсиз, тиниқ эдики, юлдузларнинг кўкка ёйган олтин нақшини ҳам беркита олмаган. 4. «Болам, ўтган ишга саловат, уялма», деб айтса ҳам, Мирвоҳиднинг томоғида овқат тиқилармиш. 5. Қоронғи чўкиб, юлдузлар уйғонди. 6. Кимда-ким ростгўй бўлдимми, ҳақгўйликни ўзига шиор қилиб олдимми, демак, ундай киши субутлидир. (*Ҳ.*) 7. Ҳовли шундай жимжит, кимсасиз эдики, эгаси кўчиб кетгандай хувиллаб ётарди. (*Ч.А.*) 8. Фан, худди ёруғлик зулмат билан олишгандек, хурофотларга қарши курашади. (*Д. Менделеев*) 9. Бола ўзи бунга ишонар, чунки у шундай бўлишини жуда-жуда хоҳларди. 10. Сени бу ерга чақиришдан мақсад шуки, аввало, бу гаплардан хабардор бўлгин. (*О.Ё.*)

**114-машк.** Кўчиринг. Эргаш гапли кўшма гапларнинг синтактик таҳлил қилинг.

1. Бобурнинг буюклиги шундаки, у ўз атрофидаги ҳар бир инсоннинг нима билан машғуллиги, қандай наф келтираётгани ҳақида тўла тасаввурга эга бўлган ва ўз вақтида рағбатлантира билган. 2. Ёмғир бўлиб яшаш оғир, дўстим, чунки ғубор кўп, чанг кўп. 3. Пул шундай балойи азимки, домига тушган кимса ўзини тўхтатолмайди. (*Ш.Ҳ.*) 4. Ҳосил мўл бўлсин деб, экинларни яхши парвариш қилдик. 5. Жамила шу қадар тез югурдики, гўёки оёқлари унга бўйсунмас эди. (*Ч.А.*)

**115-машк.** Қуйидаги тест саволларининг тўғри жавобини белгилашг.

**1. Эргаштирувчи боғловчилар ёрдамида боғланган эргаш гап қайси қаторда берилган?**

- А. Қишлоқларнинг сўйиги уйлари орқада қолгач, йўл канал бўйлаб давом этади.
- Б. Қодир ака сафардан келганида, Ботир кўшниси Саша билан уйда китоб ўқиб ўтирар эди.
- В. Дарё устида бўғиқ шовкин ҳукм суради, юзлаб катта тегирмон тошлари эса музни кўчираётгандай туюларди.

- Г. Йигитнинг кўз олди жимирлай бошлади, шунинг учун у бир марта қаддини ростлаб олишга мажбур бўлди.
- 2. Мисолларнинг қайси бирида пайт эргаш гап тўғри берилган?**
- А. Максим чироқни ёккунча, Бектемиров китобларни дасталаб яна тоқчага терди.
- Б. Элмурод қизариб, юз-кулоқлари ловиллаб кетди.
- В. Ойимнинг айтганига қараганда, булар эски замонда чиққан тангалар эмиш.
- Г. Сафарнинг яхши томони шундаки, у ижод кишисининг тафаккур уфкини кенгайтиради.
- 3. Мисолларнинг қайси бирини аниқловчи эргаш гап деб ҳисоблайсиз?**
- А. Бу шундайин ажиб диёрки, унинг зўр кўзгуси ойдир.
- Б. Иброхимов меҳмонларни кузатгач, Сиддиқжонни столга яқинроқ таклиф қилди.
- В. Сабри тугаб, ит нари кетди.
- Г. Одамзод қизиқ: ташвиш бўлмаса, уни ўзи кидириб топади.
- 4. Қайси қаторда ўрин эргаш гапли қўшма гап берилган?**
- А. Она биладики, энди ҳар нахор бутун ватан бўйлаб тўлишар баҳор.
- Б. Шундай инсон ҳақида хабар келтирдимки, унинг ҳар бир сўзи бебаҳо гавҳардир.
- В. Қаёққа қараманг, у ерда катта қурилишлар, ободончилик ишлари кетмоқда.
- Г. Ҳусаннинг ранги қув ўчиб, тиллари айланмай қолди.
- 5. Қайси қаторда равиш эргаш гапга мисол тўғри берилган?**
- А. Севинчларим дарёдай тошиб, юрагимда ҳавасим ортар.
- Б. Озод ота-онасини эслаган сари, кишлоғи ёдига тушаверди.
- В. Бугун улар пахтани тайёрлов пунктига топшириб бўлиб, бир пиёла чой ичгани чойхонага кирдилар.
- Г. Ирғайзорлар, кўриклар орқада қолиб, бепоён яйловга чиқилгач, олдинда тикка туриб кетаётганлардан бири уфқни кўрсатди.
- 6. Ўхшатиш эргаш гапни бош гапга боғловчи воситалар қайси қаторда тўғри берилган?**
- А. Ўхшатиш эргаш гап бош гапга *-б (-иб)* қўшимчаси билан ҳосил бўлган равишдош орқали боғланади.
- Б. Ўхшатиш эргаш гап бош гапга *-гач, (-қач, -қач)* ёки *-гунча (-қунча, -қунча)* қўшимчали равишдошлар билан боғланади.

- В. Ўхшатиш эргаш гап бош гапга худди, гўё сўзлари ёки -дей, -дек қўшимчали сифатдошлар ёрдами билан боғланади.
- Г. Ўхшатиш эргаш гап бош гапга боғловчи вазифасидаги деб, учун сўзини келтириш билан боғланади.

**7. Мисолларнинг қайси бири ўхшатиш эргаш гапга мисол бўла олади?**

- А. Ҳасаннинг юраги шу қадар каттиқ уридики, гўё бу қоронғи жимжит кечада унинг юраги уришидан бошқа бирон овоз йўқдек эди.
- Б. Деразадан тушаётган ёруғлик аста-секин сўниб, уй ичи қоронғилашди.
- В. Ҳалол яшашни билсанг, турмуш яхшироқ ва осонроқ кўринади.
- Г. Қиличнинг захри кетса ҳам, сўзнинг захри кетмас.

**8. Мақсад эргаш гапли қўшма гапга қайси бир мисолни тўғри деб биласиз?**

- А. Агар у шохнинг совғаларини ва таклифини қабул қилса, халқининг бошига қандай қунлар келишини кўз олдига келтирди.
- Б. Агар элчи бўлмаганингизда, шул гапни айтган оғзингизни кум билан тўлдирад эдим.
- В. Тоғдек оғир билак бердим, душманни муштласин деб.
- Г. Астойдил ўкиса, ҳамма нарсани билиш мумкин.

**9. Мисолларнинг қайси бири сабаб эргаш гапли қўшма гапга мисол бўла олади?**


- А. Кураш ҳали бошлангани йўқ, аммо ҳозир қалблар ғалаёни, нигоҳлар учрашуви бошланганиди.
- Б. Спитамиининг киздан кўнгли тўқ эди, чунки у худди уста чавандоздек отга ёпишиб тушган эди.
- В. Эртаси куни, тонготар пайтида, ҳаво айниб, кум бўрони бошланди.
- Г. Агар сен ўз тақдирингни бизнинг шаҳаншоҳ тақдирини билан боғласанг, дунёда ҳеч бир подшо бизга бас келолмайди.

**10. Шарт эргаш гапли қўшма гап қайси қаторда тўғри берилган?**

- А. Вакт ярим кечадан оғиб қолган эди, шунинг учун куни билан кизиби ётган чўл энди совигандек эди.
- Б. Чарчаб гулхан ёнида ўтирган ёшлар узокдан от чоптириб келаётган чопарни кўриб, ўринларидан сакраб туриб кетдилар.



- В. Қуёш таигриси бизни ёқласа, шаҳаншохи Эрон аскарлари куршовда қолган жайронлардай, қочгани жой тополмай қолгайлар.
- Г. Икковининг йўли бир бўлса ҳам, ҳеч бирга кетишмайди.
- 11. Мисолларнинг қайси бири натижа эргаш гапли қўшма гап бўла олади?**
- А. Шундай бир ҳийла топмоқ керакки, душманнинг оёғи тойиб, ҳалокат жарига қулаб тушсин.
- Б. Одам ўзининг ночорлигини қанчалик чуқур ҳис қилса, у шунча мағрур бўларкан.
- В. Қатор-қатор «Москвич» - у «Жигули» лар физиллаб ўтар, лекин биронтаси лоақал кўнгил учун ҳам тўхтамас эди.
- Г. Кечкурун қайтсам, Иқбол ювилган бир уюм қирларга дазмол босаяпти.
- 12. Қайси қаторда тўсиқсиз эргаш гапнинг бош гапга боғланиши тўғри берилган?**
- А. Тўсиқсиз эргаш гап бош гапга *-б, -иб* қўшимчаси орқали боғланади.
- Б. Тўсиқсиз эргаш гап бош гапга шарт майлидаги феъл ёрдамида боғланади.
- В. Тўсиқсиз эргаш гап бош гапга *-ки* боғловчиси ҳамда худди, гўё сўзлари орқали боғланади.
- Г. Тўсиқсиз эргаш гап бош гапга шарт майлидаги феъллардан кейин ҳам ёки *-да* ёрдамчисини келтириш орқали боғланади.
- 13. Қайси қаторда тўсиқсиз эргаш гапли қўшма гапга мисол берилган?**
- А. У олтимишга бориб қолган бўлса-да, хуснини у қадар йўқотмаган эди.
- Б. Ана икки ёндаги пахса деворлар чекиниб, олдинда теп-текис полиз кўринди.
- В. Кимки ширинсухан бўлса, у душманларни ҳам ўзига дўст қилиб олади.
- Г. Шаҳноза кетаётганида, тонг ёришиб қолган эди.
- 14. Қуйидаги гапнинг чизмаси қайси қаторда тўғри кўрсатилган?**  
 Ниҳоят, у Ҳиротдаги баъзи машҳур зотларга шундай тақлид қилдики, ўтирганлар ўринларидан кўзғалолмай қолдилар.  
 (Ойбек)



**Топшириқлар:**

Қуйидаги гапларни ўқинг. Бош ва эргаш гапларни аниқлаб, вергуллар нима учун қўлланганлигини изоҳланг.

1. Бошимга ташвиш тушса, бир нарсадан қаттиқ сиқилсам, тушимга онам киради.

2. Кеч кириб, тоғдан эсан шабада ҳам тиниб, хирмон жимжит бўлиб қолган эди.

3. Беморларга қанча яхши муомала қилсанг, улар ётган жой қанчалик тинчу озода бўлса, улар шунча тез шифо топадилар. (Қ.М.)

4. Инсон ўз зиммасига бирор мажбуриятни олгандан кейин, у қанчалик алам ва ҳасратга учрамасин, чидашга ва сукут сақлашга мажбур бўлади. (Р.Н.Гун.)

Қўшма гаплар доимо икки содда гапнинг бирикувидан ҳосил бўлавермайди. Баъзан уч ва ундан ортиқ содда гапларнинг қўшилишидан ҳам ҳосил бўлади.

Қўшма гаплар, айниқса, бир неча эргаш гапли ва мураккаб қўшма гаплар тилнинг бойлигини, фикрни ифодалаш имкониятларининг кенглигини билдиради.

Ўзбек тили ана шундай бой тилларнинг биридир.

Бир неча эргаш гапли қўшма гаплар таркибидаги содда гапларнинг бош гапга боғланиш йўлларига кўра икки турга бўлинади:

1. Тўғридан-тўғри эргашиш.

2. Кетма-кет эргашиш.

Тўғридан-тўғри эргашишнинг ўзи яна икки турга бўлинади:


1) уюшган эргашиш;

2) уюлмаган эргашиш.

Уюшган эргашишда эргаш гаплар бир хил сўроқка жавоб бўлиб, эргаш гапларнинг бир хил турига киради.

Нутқимизда кўпроқ равиш, пайт, шарт, баъзан тўсиксиз эргаш гаплар уюшиб келадилар. Масалан:

1. Қўрадаги отлар кишинаб, итлар ҳуриб, ҳаёт аста изга тушиди. («М.»)



2. Рақибим беаёв қилганда ҳужум,  
Қўлларим кўксимни этганда гижим,  
Кўриб, барча ҳайрон турганида жим,  
Ёлғиз онам куяр, биргина онам. (Абдул Ҳақ)

-ганда,  -ганда,  -ганида,

Биринчи гапдаги биринчи ва иккинчи содда гаплар равиш эргаш гаплар бўлиб, бош гапга -б равишдош кўшимчаси ёрдамида эргашмоқда.

Иккинчи қўшма гапда учта эргаш гапнинг ҳаммаси пайт эргаш гаплар -ганда кўшимчалари ёрдамида эргашмоқда.

Ҳар иккала гапда эргаш гаплар бир хил сўроққа жавоб бўлиб, тўғридан-тўғри эргашининг уюшган турига кирди.

Тўғридан-тўғри эргашининг уюшмаган турида эргаш гаплар ҳар хил саволга жавоб бўлади, уларнинг ўринлари ҳам алмашиниши мумкин. Масалан:

1. Мазлумнинг сўзи ҳар қанча узайса ҳам, узоқ умр кўрай десанг, сен унинг сўзини оғир олмай тингла. (А.Н.)

-са ҳам,  -санг,

2. Агар сизни ҳеч ким ёқтирмаса, имонингиз комил бўлсинки, айб ўзингизда. (Додриж)

-са,  -ки,

Кетма-кет эргашинида эргаш гаплар бош гапга бир-бир кетин эргашади. Мазмун жиҳатидан бири иккинчисига, иккинчиси бош гапга эргашади. Биринчи эргаш гап бош гапга тўғридан-тўғри эргаша олмайди. Масалан:

1. Агар кўз бошқа нарсани ифодалаб, тил бошқа нарсани гапирса, кўнни кўрган одамлар кўзга ишонадилар. (Р. Эмерсон)

-б,  -са,

2. Тоғ бўғиб қолганда, тўхтаса дарё,  
Уни ўз йўлига бурмоқлик мумкин. (Б.Б.)

-ганда,  -са,



Бир неча эргаш гапли кўшма гап таркибидаги содда гапларни мазмунига кўра бир-биридан ажратиб бўлмайди. Улар бир бутун ҳолда мураккаброк фикрни ифодалайди.

Бир неча эргаш гапли кўшма гап таркибидаги эргаш гаплар баъзан бош гапга ҳам тўғридан-тўғри, ҳам кетма-кет эргашиши ҳам мумкин. Қиёсланг: *Манас болалик чоғида бехосдан бақирса, тоғдаги эсонзотлар ҳуркиб, тўқайдаги йўлбарслар қочар эди.* («М.») ○-са, ○-иб, □

Уларнинг гапларини эшитсанг, этинг жимирлашиб, кўзингдан юм-юм ёш келади. (Газ.)

○-са, ○-иб, □

**116-машқ.** Гапларнинг шартли чизмасини чизиб, эргаш гапларнинг турларини айтинг.

1. Одамлар билан шундай яшагинки, дўстларинг душман бўлмасин, душманларинг эса дўстга айлансин. (*Пифагор*)
2. Икки киши бесамар иш қилган ва бенаф ташвиш чеккан: бири бойлик тўплаб, фойдалана билмаган, иккинчиси эса илм ўрганиб, унга амал қилмаган. (*Ҳ.*)
3. Тонг оқариб қолганда, тоғларнинг чўккисини куёшнинг заррин нурлари ўраб олганда, кўшин ширин тушлар оғушига толганда, Алмамбет дўл қоктирди. («М.»)
4. Уларнинг кетишини, ўзимнинг эса ёлғиз қолишимни ўйласам, негадир яна кайғум ошиб, хаёлим парижон бўларди. (*Ч.А.*)
5. Мен аминманки, Навоий жаноблари ёкқан илм машъалини жаҳолат ва зулмат асло сўндира олмас. (*О.*)
6. Отаси кечаги воқеа тўғрисида бирор янги гап айтар деб, ҳаммамиз бу ерга тўпландик.

**117-машқ.** Матнни ўқинг. Бир неча эргаш гапли кўшма гапларни топиб кўчиринг. Эргаш гапларнинг турларини, боғланиш йўлларини тушунтиринг.

Фарзанднинг ота-она олдидаги одоблари шундайки, фарзанд, ота-она нима деса, диққат билан кулоқ солади, уларнинг олдига тушиб юрмайди. Улар ўтирган жойларидан турсалар, у ҳам ирғиб туради, чақирсалар, «лаббай» деб жавоб беради... Ота-онанинг қилган ишлари учун аччиқланиб, уларга хўмрайиб қарамайди, уларнинг рухсатисиз сафарга кетмайди.

Фарзанднинг бирор ери оғриётган бўлса ҳам, ота-она ташвишланмасин учун, имкони борича яширишга ҳаракат қилади.  
 ("Одоб бўстони")

118-машк. Қуйидаги тест саволларининг тўғри жавобини белгиланг.

1. Бир неча эргаш гапли қўшма гап қайси қаторда берилган?

- А. У чой қайнатиш тараддудиди юраркан, дадаси мени гапга солиб ўтирди.
- Б. Ёшлар меҳмонларга жой ҳозирламоқдалар, аёллар овқат пиширмоқда, янгалар ўтов хизматини ўтайдиган узун соябон араваларни безатмоқда.
- В. Иш тамом бўлгач, болалар овқатланамиз деб, бирдан ошхона томон йўл олдилар.
- Г. Бизнинг тилимиз Навоийнинг созида улуғ қудрат ва муаззам оҳанг билан янградики, ҳаммамиз чуқур ҳайратда қолдик.


2. Қуйидаги бир неча эргаш гапли қўшма гапнинг чизмаси қайси қаторда берилган деб ўйлайсиз?

*Сен кўксимга агар ўқ отсанг,*


*Жарроҳ уни тезда олади;*

*Сўзинг билан ўқ бўлиб ботсанг,*

*Бу ўқ дилда мангу қолади. (Ш.)*



3. Ушбу чизма қайси қатордаги гапга мувофиқ келади?



- А. Қуёш қанча тикка келса, соя шунча қисқарар.
- Б. Бу қанақа замондир:  
Йиғлаган кўп, қулган оз.
- В. Дилдорнинг нияти топди ижобат:  
Ёв битди, эл тинди, уруш тугади.
- Г. Турна ўтса, йўлга боқаман,  
Ҳозлар учса, кўлга боқаман.  
Дилим ёнса, гулга боқаман,  
Эркам, мени унутмадингми?

**Топширик:**

*Биров одоб ўргатса, ўрганмаган киши ҳайвон, узр сўраса, қабул қилмаган киши шайтондир. (Х.)*

Ушбу гапни қандай гап деб ҳисоблайсиз? Фикрингизни асослаб бering.

Мураккаб қўшма гаплар таркибида иккидан ортиқ гап бўлади. Бундай қўшма гаплар таркибидаги содда гаплар ўзаро тенг ва тобе боғланишда бўлади, боғловчилар ёрдамида ёки боғловчиларсиз боғланадилар. Гапларни таҳлил қилайлик:

1. *Сиз салтанатни менга бермоқчи бўлибсиз, лекин ишонинг: мен бу тоғу тахтдан сизнинг бир нафаслик умрингизни ортиқ кўраман. (П.Қ.)* □, лекин □, ←○

Биринчи ва иккинчи гаплар бош гаплар, тенг (зидловчи) боғловчи ёрдамида боғланган.

2-бош гапдан чиққан нимага? саволига учинчи гап жавоб бўлиб келган. Бу тўлдирувчи эргаш гап.

2. *Ёмон дўст сояга ўхшайди: бошингда офтоб чарақлаб турганда, қочиб қутулолмайсан, бошингга булут келганда, излаб тополмайсан. (Абай)*



Биринчи гап – бош гап, қолган тўртта гап бош гапнинг мазмунини изоҳлаб келмоқда. Улар икки гуруҳга бўлиниб, ҳар бири эргаш ва бош гаплардан ташкил топган.

Биринчи – бош гап кейинги гаплар билан боғловчиларсиз ва боғловчи вазифасидаги воситаларсиз боғланганлиги учун, қоидага биноан икки нуқта қўйилади.

3. *Навбахор келди, булут йиғлади гирён,*

*Бу кўз ёшдан ер гуллаб, яшинади бўстон. (Рудакий)*



Биринчи ва иккинчи гаплар бош гаплар, ўзаро боғловчиларсиз боғланишган.




Учинчиси – равиш эргаш гап бўлиб, ўзидан кейинги гапга, равишдош кўшимчаси -б ёрдамида эргашиб келмоқда.

4. *Эл ичида кўмакчилар кўп бўлса, ишлар авж олади; роҳат ортиб, машаққат камаяди.* («Қ. Б.»)



Биринчи гап – шарт эргаш гап, у фақат иккинчи гапдаги иш ҳаракатининг бажарилиши учун шартни билдириб қолмасдан, учинчи ва тўртинчи гаплардаги иш ҳаракатининг ҳам бажарилишига шарт бўлаяпти.

5. *Дунёнинг ўз қонун қоидалари бор: олдин гам келса, унинг кетидан севинч келади.* («Қ.Б.»)



Бу ўринда биринчи гап – бош гап. У ўзидан кейин изоҳ талаб қилаяпти. Иккинчи гап шарт эргаш гап бўлиб, учинчи гапга эргашади ва иккинчи ва учинчи гаплар биргаликда биринчи гапни изоҳлаяпти.

**119-машқ.** Ўқинг. Қуйидаги гапларни таҳлил қилиб, чизмасини чизинг.

1. Ҳар ким айбсиз дўст кидирса, дўсти камайиб қолади, дўстларини ранжитаверса, душмани кўпаяди. (Ҳ.)

2. Ҳаётда йўқ эмас кам-кўстим,

Бир кун улар қарор топади;

Яна шуни унутма, дўстим,

Яхши тулпор кейин чопади. (Абдул Ҳақ)

3. Ўғил қуёшга қаради, бироқ унинг назари куйиб, кўзлари камашди. (Қ.М.)

4. Жисмингда ўт олса шиддатли ғазаб,

Иғвогар сўзидан бузилса асаб,

Юракда туғилса кекли ёмон ҳис,

Қабристонга бор, қабристонни кез. (Қ.М.)

5. Уруш бошланиб, акаларим армияга кетгач, мен ўқишни ташлаб, ўз тенгқурларим қатори колхозда ишлай бошладим. (Ҳ.А.)

6. Чечаклар тўлғаниб, қушлар сайраб,

Тонг еллари ғир-ғир эсади. (У.)

7. Тил бамисоли қафасдаги шер, агар сен унга эрк берсанг, у сенинг бошингни ейди. (Ҳ.)

8. Шаббода эсарди даволаб,  
 Лочинлар учарди ҳаволаб,  
 Булбуллар сайрарди чаҳолаб,  
 Гар довуллар бўлмаса. (*Ғ.Салом*)
9. Нуксон ахтармагил, нуксон – мен ўзим,  
 Нуксондир ҳар ишим, нуксон – ҳар сўзим.  
 Бенуксон зот – Худо, мен эса одам,  
 Ўз ҳолимга мени кўйсангчи, кўзим. (*А. Худойберди*)
10. Баҳор. Баркут кийиб, безанди боғлар,  
 Саҳролар кўксига тақди қизғалдоқ. (*Э.В.*)
11. Ёқангни ушла, Завқий, ибрат олғил,  
 Халойик меҳрини кўнглунгға солғил. (*Завқий*)

**Эслатма:** Кўшма гапларда, бир неча эргаш гапли кўшма гаплар ва, айниқса, мураккаб кўшма гапларда бир бош бўлакли гаплар кўпроқ учрайди. Мураккаб кўшма гаплар таркибида нечта содда гап борлигини аниқ белгилаш учун аввал ўша содда гапларнинг бош бўлақларини топиб олиш керак.

Куйидаги гапларнинг таҳлилига эътибор беринг.

1. *Султоннинг хизматида бўлсанг ҳам, суҳбатидан ўзингни тий.* («Аждодлар ўғити»)

Бу бир бош бўлакли (шахси маълум) содда гап. Эгаси (*сен*) тушиб қолган, кесими – (*ўзингни тий*) ёрдамида эга топилади.

*Султоннинг хизматида бўлсанг ҳам* – мустақил гап бўлолмайди, чунки гапда эга битта ҳолос – *сен*. Бу бирикма тўсиксиз ҳол деб юритилади.

2. *Ҳамсуҳбатни, гарчи у юз ерига ямоқ тушган чопон кийган бўлса ҳам, ўзингга тенг бил.* («Аждодлар ўғити»)



Бу – эргаш гапли кўшма гап. *Ҳамсуҳбатни ўзингга тенг бил* – бош гап. *Гарчи у юз ерига ямоқ тушган чопон кийган бўлса ҳам* – тўсиксиз эргаш гап.

Бош гапнинг эгаси (*сен*) тушиб қолган, эргаш гапнинг эгаси – *у*.

3. Жаҳонда кимки камсухан бўлса, унинг сирлари тинҳон бўлади; кимки сергап бўлса, расвойи жаҳон бўлади. (Завқий.)



Бу мураккаб қўшма гап тўртта содда гапдан ташкил топган:

1. Жаҳонда кимки камсухан бўлса; Бу гапнинг эгаси-кимки, кесими – камсухан бўлса.

2. Унинг сирлари тинҳон бўлади; Сирлари – эга, тинҳон бўлади – кесим.

3. Кимки сергап бўлса; Кимки – эга, сергап бўлса – кесим.

4. Расвойи жаҳон бўлади – мураккаб кесим. Эгаси (у) тушиб қолган.

Биринчи содда гап аниқловчи эргаш гап, чунки у иккинчи (бош) гапдаги қаратқич-аниқловчини изоҳлаб келаяпти.

Учинчи содда гап – эга эргаш гап, чунки у тўртинчи гапдаги тушиб қолган эга (у) ни изоҳлаб келаяпти.

**120-машқ.** Кўйидаги тўртликларни икки гуруҳга бўлиниб синтактик таҳлил қилинг. Ҳар икки таҳлилни гуруҳлараро муҳокама қилинг.

1. Биров қувонганда, сен қувонмасанг,  
Ёки ғам чекканда, бўлмасанг шерик,  
Ҳамма ёнганида, сен ҳам ёнмасанг,  
Билки, сен на ўлик ва ёки тирик. (Ҳ. Идрисов)
2. Йиллар ўтиб улғайганда ёш,  
Бел букилиб, эгилганда бош,  
Элаганда кўзларимда ёш,  
Сени соғинаман, ёшлигим. (М. Тўхтабоева)

**121-машқ.** Кўйидаги гапларни синтактик таҳлил қилинг, чизмасини чизинг. Чизмада бир неча эргаш гапли ва мураккаб қўшма гаплар таркибидаги содда гапларнинг боғловчи воситаларини белгиланг.

**Намуна:** Бирор жоҳил сўзлаб, олимни сукут эттирса,  
таажжуб қилманг, чунки тош гавҳарни синдира олади. (Ҳ.)

Бу гапда учта содда гап бор: Бирор жоҳил сўзлаб, олимни сукут эттирса – шарт эргаш гап; Таажжуб қилманг – бош



гап. *Чунки тош гавхарни синдира олади* – сабаб эргаш гап. Бош гапдан чиққан *нима* учун? саволига жавоб бўлади.

○ са, → □ чунки, ○

1. Агар бир дарахтни кессангиз, ўрнидан янги новдалар кўкариб чиқади, аммо меҳру мухаббат ниҳоли жафо арраси билан арраланса, у асло кўкармайди. (X.)

2. Ҳар балонинг боши тамадир: куш донга тама қилмасайди, у тузоққа илинмас эди. (X.)

3. Баланд ҳимматли киши, агар умри дарахт гулидай қисқа бўлса ҳам, халқ олдида мақбулдир. Лекин паст ҳимматли киши узоқ яшаса ҳам, ҳеч ким уни ёдламайди. (X.)

4. Агар ҳунарманд молидан маҳрум бўлса, қайғуси йўқдир, чунки ҳунарнинг ўзи давлатдир. (X.)

5. Шундан кейин қоплон Манас тилга келмай, Тарози юлдузи тўлганда, кўплар хўшлашиб бўлганда, эллик икки ёшида вафот этди. («М.»)

6. Манас нола чекканда, дарё бўйидаги қайин ва тоғлар мотамсаро бош эгиб, шаҳар аҳли зор-зор йиғлади. («М.»)

7. Арзон тош синдирса зар қосани гар,  
Тош нархи ошмайди, пастга тушмас зар. (С.)

8. Икки дўст ўртасида жанжал чиққанида, уларнинг бири ён берса, бундай дўстлик ҳеч узилмайди. (X. Д.)

9. Тор этикдан яхшидир юрмоқлик оёқ яланг,  
Мусофирлик аълодир, уйинг тўла бўлса жанг. (С.)

10. Озодлик офтоби нур сочиб турганда, одамнинг қалбида бор энг яхши кучлар уйғонса, бу кучларга йўл очилса, эрк берилса, ана унда кишининг бутун умри ҳазонсиз бир гул бўлиб очилади. (П.К.)

11. Шуни унутмангки, халқнинг «улуғи» ва «майдаси» бўлмайди, ҳар бир халқ ўзига улуғ. (Ў.Х.)

12. Ариқдаги сув нопок бўлса, юз бор ювсанг ҳам, кийим тоза бўлмайди. (А.Ж.)

**122-машқ.** Ўқинг. Аввал оддий кўшма гапларни, кейин мураккаб кўшма гапларни кўчириг. Ҳар бир гапни тўлиқ синтактик таҳлил қилиг.

1. Тушга яқин ёмғир тинди-ю, булутлар орасидан кўм-кўк осмон ва иссиқ ёз офтоби қўринди. 2. Ганга ҳали ҳам узоқларда

ёғаётган жала сувларига тўлиб, лойқаланиб оқаётган бўлса-да, ер аста-секин қурий бошлади. 3. Олдин келгиндилар зўр келди, биз чекиниб юрдик. (П.Қ) 4. Шамол борган сари авжига чиқар, ховлида ёнғоқ барглари шовуллаб, шохлари шубҳали гичирлар, аллаким шип-шип қадам босиб, айвон лабига келаётгандай бўларди. 5. Ҳамон шамол ўқира, осмоннинг гоҳ у, гоҳ бу барчида чакмоқ ярақлаб, ёнғоқ шохлари шубҳали гийқиллар, аммо энди булар уни кўрkitолмас эди. (Ў.Ҳ.) 6. Гулсари бирдан ўзини орқага ташлади ва шу заҳоти йилқилар хуркиб жойидан кўзғалишди. 7. Қалин қорлар эриб, ўтлар кўкариб қолди. (Ч.А.) 8. Табиблар даво қилишибди, муллалар ўқибдилар, бахшилар кўчирибдилар, аммо фойдаси бўлмабди. (Эртакдан)

**123-машқ.** Матини ўқинг. Қўшма гапларни кўчиринг ва синтактик таҳлил қилинг.

## Ой билан Кун

(афсона)

Бир пайтлар Ой билан Кун эр-хотин бўлишган экан. Улар эр-хотинлик даврларида яхши яшашибди. Турмуш, тирикчилигу одамларга хизмат қилишни ҳам баб-баравар бўлиб олишган экан. Кун кундуз кунни ётоғидан чиқиб тирикчилик ғамини ер, одамларга илиқлик улашиб, кеч киргач, уйига ҳориб-чарчаб қайтар экан. Кун кундузи уйига келдими, Ой пиширган нетганларини унинг олдига қўйиб, едириб-ичиргандан кейин уйдан чиқиб кетар экан. Қоронғу бўлса одамлар бир-бирларини кўролмаб қолишар экан-да! Шунинг учун Ой ҳам кечаси уйдан чиқиб, туни ёритиб, одамларнинг мушкулини енгиллаштирар экан. Кун билан Ой шундай кун кечираверишибди.

Кундан-кун, ойдан-ой ўтиб, Ой билан Кун фарзанд кўришибди. Отини Юлдуз қўйишибди. Кейинчалик битта болалари иккита бўлибди, иккита болалари учта бўлибди, учта болалари тўртта бўлибди. Бора-бора шунчалик кўпайиб кетишибдики, санаб саноғига, айтиб адоғига етолмай қолибдилар. Кунлардан бир кун нимаям сабаб бўлиб, эр-хотин уришиб қолишибди. Кун зарда қилибди, Ой аразлабди. Болаларига кийин бўлибди. Кун уйдан кетиб қолибди. Оналари Оймомо сал уйкуга кетди дегунча кун болаларидан бировини олмоқчи бўлармиш-у, ой

билиб колиб, уни яна тортиб олармиш. «Юлдуз учди, ой тутди», – деган гап шундан колган экан. Ҳозир ҳам кун болаларини кўрмоқчи бўлиб, Ой уйқуга кетганда уларни олиб қочмоқчи бўлармиш-у, Ой уйғониб кетиб, боласини олиб қолармиш. Кундузи бўлса, уларни умуман кўрсатмасмиш...

## 29-§. Боғловчисиз қўшма гаплар ва уларда тиниш белгиларининг ишлатилиши

### Топшириқлар:

Қуйида берилган боғланган ва эргашган қўшма гапларни боғловчисиз қўшма гапларга айлантиринг. Гапларнинг мазмунида ва оҳангида қандай ўзгариш юзага келганини тушунтириб беринг.

1. Ойим унинг кўзига тикилиб каради-да, кўнглида умид уйғонди шекилли, овози дадиллашди.

2. Сув совуқ экан, шунинг учун тишларим зиркираб кетди.

3. Овқатланиб олишсин, чунки йўл оғир.

4. Қарши томондаги каттакон бинонинг ҳамма деразаларида чирок порлар ва шодон учқунлар нур оғушида ўйнар эди. (Ў.Ҳ.)

Қўшма гаплар боғловчиларсиз боғланганда вергул, нуктали вергул, икки нукта ва тире (чизик) ишлатилади.

Тиниш белгиларининг ишлатилишида мазмун алоҳида ўринни эгаллайди.

### Вергулнинг ишлатилиши.

Қўшма гап таркибидаги содда гаплар бир вақтда ёки кетма-кет бўлган воқеа-ҳодисаларни билдирса, содда гаплар орасига вергул қўйилади.

1. Қуёш сўнмас, ер қаримас. (М.)

2. Инсонга ҳаёт деб аталмиш гўзаллик баҳи этилган, уни қадрлаш керак. (Ҳ.)

3. Энг яхши тил – тийилган тил, энг яхши нутқ – пухта ўйланган нутқ. (Л.Т.)

4. Қололмас жаҳон ичра мангу киши,

Фақат қолгуси яхши ному иши. (С.)



## **Нуктали вергулнинг ишлатилиши**

Кўшма гап таркибидаги содда гаплар ичида вергуллари бўлса, содда гаплар мазмунан бир-биридан узоқ бўлса, содда гаплар нуктали вергул билан ажратилади.

1. *Табиат – она; тоғу тошлар, боғу роғлар, дарёлар, гуллар, биз ҳаммамиз унинг фарзандларимиз.*

2. *Математика–техника учун тил; у бу тилда гапиради, ёзади ва фикр юритади. (В.Л. Гончаров)*

## **Икки нуктанинг ишлатилиши**

Қуйидаги ҳолатларда ёрдамчиларсиз боғланган кўшма гаплар таркибидаги содда гаплар орасига икки нукта қўйилади:

1. Биринчи гапнинг мазмунини кейинги гап (гаплар) изохлаб, тўлдириб келса: *Ҳақиқат бўрондан кучли: у ўз йўлида учраган ҳамма нарсани сунуриб ташлайди.*

*Билинг: ушбу замон гамнокидурман,*

*Куйиб-ўртанмиши элнинг ҳокидурман. (А. Ўтар.)*

Агар биринчи гапга *-ки* кўшимчаси қўшилса, *билингки* сўзидан кейин икки нукта ўрнига вергул қўйилган бўларди.

2. Иккинчи гап сабаб эргаш гап бўлса, яъни иккинчи гап бош гапдаги иш-ҳаракатнинг сабабини билдирса:

*Балиқ ҳаводан нафас олмайди: унда ўпка бўлмайди. (И. Сино.)*

*Қўрқоқлик жуда зарарлидир: у иродани фойдали ҳаракатдан тўхтатиб қўяди.*

## **Боғловчисиз кўшма гапларда тиренинг ишлатилиши**

Боғловчи воситаларсиз кўшма гаплар орасида тире асосан уч ҳолатда ишлатилади:

**I.** Кўшма гап таркибидаги содда гаплар бир-бирига ўхшаш маънони билдирса:

1. *Вақтинг кетди – бахтинг кетди.*

2. *Қўшни келди – кўмак келди.*

3. *Дўст кўп – бойлик кўп.*

**II.** Кўшма гап таркибидаги содда гаплар бир-бирига зид маънони билдирса: 1. *Кўз қўрқоқ – қўл ботир.*

*Дабдаба камроқ бўлсин – жавобгарлик ҳисси кўпроқ бўлсин.*

**III. Биринчи гап иккинчи гапнинг шартини, пайтини билдирса:** 1. *Қўшнинг тинч – сен тинч.*

2. *Ҳаё кетди – бало етди.*

3. *Бирлик йўқ – барака йўқ.*

**124-машқ.** Асардан келтирилган парчани ўқинг. Матдаги гаплардан боғловчисиз қўшма гаплар ҳосил қилинг.

### Синчалак

... Саида касал кишидай битта-битта қадам босиб хужрасига томон йўналди, лекин ҳозир раисга дуч келишини сира истамагани учун ишқом орасидан юрди... Хўрлиги келиб, ўпкаси тўлди-да, орқасига бир қараб, аввал жадаллади, кейин югурди, югурганича келиб хужрасининг эшигига калит солмоқчи бўлганида, худди биров йўлини тўсгандай, бирдан тўхтади...

Хўш нима гап ўзи, - деди ўйланиб, - нимага келаётиман, каравотга ўзимни ташлаб йиғлаганими? Кўз ёши кўнгилдаги ғам-ғуссанинг дамини кесиш, ё бераҳмнинг раҳмини келтириш учун тўкилади, менинг кўнглимда қанақа ғусса бор? Йиғлаб кимнинг раҳмини келтирмоқчиман? Раис мени чертган бўлса, мендан шапалоқ егандай бўлди, мени енгмоқчи бўлиб ўзи енгилди. Унинг сўз тополмай қўл кўтаргани – кучи шляпага етгани шуни кўрсатмайдими?!...

Мана бу гапни мен сиздан кутмаган эдим! – дейди Носиров, зўр таассуф билан, – ҳеч кутмаган эдим-а, жон кизим! Шунақа гаплардан қачон қутуламиз? «Аёл боши» деганингиз – мунглиман, муштипарман деганингизми? Наҳот шундоқ бўлса? Мой айниса туз солади, туз айниса не солади, деган гап бор...

... Биз ҳозир Қаландаров ҳақида нима биламиз? Қаландаров яхши ташкилотчи, деймиз, лекин бу чиройли гулдаста қанақа гуллардан боғланганлигини билмаймиз. Бир нарсени кадрлаш учун уни аввал яхши билиш керак. Қаландаров сояда ўсган, деймиз, лекин уни қандай сабаблар сояга тортганини, сояда қолдирганини билмаймиз... (А. Қ.)

**125-машқ.** Бадний асарлардан боғловчисиз қўшма гапларга мисоллар топиб, кўчиринг. Тиниш белгиларининг қўлланилишини изоҳланг.

**126-машк.** Кўчиринг, тиниш белгиларининг кўйилиш сабабларини тушунтиринг. Боғловчисиз боғланган кўшма гап таркибидаги содда гаплар орасига мос келадиган боғловчи воситаларни кўйиб кўринг.

**Намуна:** *Вақт пешиндан ўтди – арзга келувчиларнинг оёғи узилмади. // Вақт пешиндан ўтди, аммо арзга келувчиларнинг оёғи узилмади. // Вақт пешиндан ўтган бўлса ҳам, арзга келувчиларни оёғи узилгани йўқ.*

1. Халққа хиёнат қилдинг – ўзингга жиноят қилдинг. (М.)  
2. Аёл яхши – эр яхши, вазир яхши – хон яхши. (М.) 3. Мардлик қалбнинг буюк фазилатидир: кимдаки шу фазилат бор экан – у ғурурланса арзийди. (Карамзин) 4. Берган миннат қилмасин – олган гапирсин. (Сервантес) 5. Меҳнатни севинг: ҳеч бир куч меҳнатнинг кучидай инсонни буюк ва доно қилишга кодир эмас. (Горький) 6. Сабрнинг аввали – аччиқ – охири – ширин. 7. Хушомадгўйлардан қочинг: улар башанг кийиниб олган ўғрилардир. (У.Пенн) 8. Ёшлиқ – ажойиб: уни елга совуриш жиноятдир. (Б.Шоу)

**127-машк.** Берилган гапларни таҳлил қилинг: нечта содда гандан ташкил топганини, содда гаплар ўзаро қандай боғланганини, кўшма гапнинг қайси турига киришини айтинг. Тиниш белгиларининг кўйилиш сабабини тушунтиринг.

1. Жақипбойнинг хонадонида яна хурсандчилик: хотини Бахтдавлат ўғил кўрди. («М.») 2. Меҳнатни доимо ўнг қўл қилади – олтин соатни чап қўл тақади. (Ш.) 3. Айтилган сўз – отилган ўк: уни қайтариб бўлмайди. (М.) 4. Ёлғончининг икки ёмонлиги бор: у ҳаммани алдайди, ўзи эса ҳеч кимга ишонмайди. (Б. Шоу) 5. Гулни узгандим – сўлиб қолди, капалакни ушладим – кафтимда жон берди, мен шунда тушундим: гўзалликка фақат қалбдан яқинлашмоқ керак экан. (Журн.) 6. Доно билан нодоннинг фарқи биттагина: доно ўйлаб кўриб, кам гапиради, нодон доимо гапиради ва ҳеч қачон ўйламайди. (Ключковский) 7. Шўрлик пешонамнинг сира ёришмагани маълум бўлди: мен кимсасиз оролга келиб қолибман. (Р. Крузо) 8. Қирқ ёш – ёшлиқнинг интиҳоси, эллик ёш – қариликнинг ибтидоси. (Гюго) 9. Чол ялт этиб унга қаради: хира кўзларида мулойим бир нур йилтиради. (Қ.М.)



**128-машк.** Куйидаги мақол ва ҳикматларни ўқинг. Боғловчисиз қўшма гапларни таҳлил қилинг.

1. Ҳаё кетди – бало етди! 2. Мингта дўст – кам, битта душман – кўп. 3. Сув келди – нур келди. 4. Қорни очдан кўзи оч ёмон: қорни оч бир нон билан тўяди, аммо кўзи очни тўйдириб бўлмайди. 5. Яхшиликка яхшилик ҳар кишининг ишидир, яхшиликка ёмонлик паст кишининг ишидир, ёмонликка яхшилик мард кишининг ишидир. 6. Икки кишидан сир яширма зинҳор: бири – яхши табиб, бири – содиқ ёр. 7. Ўз нафсини мағлуб этолган марддир, ғийбатлардан узоқ кетолган марддир. 8. Умуман олганда, кам биладиганлар кўп гапиради, кўп биладиганлар эса камгап бўладилар. 9. Эгри бўлсанг синар қанотинг, тўғри бўлсанг чиқади отинг. 10. Қор ёғди – излар босилди.

**129-машк.** Тиниш белгиларини кўйиб кўчиринг. Ҳар бир гапдан кейин чизмасини чизинг. Қандай қўшма гап эканлигини изоҳланг.

1. Азизим жафо кўрган киши сенга арз қилиб ёрдам сўраб келса сен асло дилтанг бўлма чунки мартаба эгаси табиб ҳукмидадир. (*Ҳ.*) 2. Бемор ўзининг барча дардларини табибга айтмаса табиб унинг касаллиги сиридан вокиф бўлолмайди натижада беморшифо шарбатидан баҳраманд бўлолмайди. (*Ҳ.*) 3. Дўстлик ҳаёт зарурати чунки умри гарчанд роҳат-фароғатда ўтса ҳам ҳеч ким ҳаётини дўстсиз ўтказишни истамайди. (*Арасту*) 4. Манзура меҳмонхонага жойлашгунга қадар юраги ёрилиб кетгудай даражада ураётган бўлса-да аламли йиғи бўғзини бўғса-да ўзини тутишга йўл топди. (*Т.М.*) 5. Юпун кийинган ёш жувон қабр устидаги қорни кафти билан сидириб туширар совуқдан кўллари қизариб кетган қора рўмоли елкалари қорга беланган плашининг этаги лой эди. (*Ў.Ҳ.*) 6. Ким доимо қувноқ бўлса у бахтиёрдир ким бахтиёр экан у яхши инсондир. (*Белинский*) 7. Яхшиси биз ўзимизни мақтамайлик бошқалар бизни мақтасин. (*Демокрит*) 8. Ҳовли сатҳи текис чинни-чироқ қилиб супурилган этакдаги қатор мирзатераклар устида мўралаётган куёш олачалпоқ нур сочар ундан берироқда тартиб билан экилган нозик-нихол анорларнинг оловранг япроқлари сокин ловиллар ҳовли бурчагида икки туп анжир тарвақайлаб ўсган эди. (*Ў.Ҳ.*)

130-машк. Ўқинг. Тиниш белгиларини кўйиб, кўчиринг.

1. Кўкка етса бошинг унутма зинҳор  
Оёғинг тагида она еринг бор. (X.)
2. Дарё тўлқин сувлар тошқин ўтолмайман  
Отим ориқ манзилимга етолмайман. (Халқ қўшиғи)
3. Орзум шул ўчмасин ёнган чароғинг  
Юлдуздай порласин чашминг кароғинг. (А.О.)
4. Дехқон наслиданман дехқонман  
Табаррук касб дехқончилик ҳам  
Ер мадорим мен ерга жонман  
Ерда ишлаб чиникқан танам
5. Сўзинг оз бўлсину маъноли бўлсин  
Эшитганлар кулоғи дурга тўлсин. (А.Авлоний)
6. Одамлар қалбининг чароғи билим  
Балодан сақланиш яроғи билим. (Рудакий)
9. Ўлимдан кўркмайман хамма ўлади  
Дўстлардан ажралмок оғир мен учун. (Ш.)
10. Менга таянч нуқтасини беринглар  
Мен ерни ўрнидан силжитай. (Архимед)

131-машк. Кўчиринг. Икки нуқта ва тиренинг кўйилиш сабабларини тушунтиринг.

1. Минг хил касаллик бор – соелик биттадир. (Л. Берне)
2. Тил бор экан – алоқа бор, тарих бор, маданият ва адабиёт бор. (Л.Т.)
3. Нутқ – қудратли куч: у ишонтиради, ундайди, мажбур қилади. (Эмерсон)
4. Ўзингга дўст танла, ёлғиз ўзинг бахтли бўлолмайсан: бахтни икки киши яратади. (Пифагор)
5. Уйқуси қочганга тун узун, чарчаган йўловчига йўл узун, ақли пастга умр узун. (X.)
6. Ҳақиқат ҳавога ўхшайди: рангини кўролмайсиз. (Ў.Х.)
7. Турсунбой Адашбоевнинг ижоди билан танишган киши бир нарсага амин бўлади: бу асарлар болалар ҳам, катталар ҳам барабар ўқийдиган ибрат китобидир. (Т.М.)
8. Билим – кулф, меҳнат – унинг калити. (X.)
9. Адабиёт яшаса – миллат яшар. (Чўлпон)
10. Шоазим ўнғайсизланиб ерга қаради: ҳозир унинг кўнглига баҳс сиғмас эди. (П.Қ.)
11. Унинг юз-кўзи отасига тортган эди: қошлари қуюқ, қалин... (С.А.)
12. Энг буюк бойлик – маърифат, энг аччик оғу – жаҳолат. (М.)

**132-машк.** Ойбекнинг “Болалик” повестидан олинган парчани ўқинг. 4-гапни тўлиқ синтактик таҳлил қилинг.

... Тор кўчада, кўшнимизнинг эски, шалоқ эшиги олдида, менинг чол бобом ўз ўртоғи – узун соқолли, йирик жуссали, қар кулоқ мўйсафид билан нималар тўғрисидадир эзмаланиб сўрашади. Бобом ориқ, кичкина гавдасини деворга суяб, чўққайган, ҳассасини тиззалари орасига қадаган. Ўртоғи эса кўпол, эски кавуш кийган, узун оёқларини узатиб, офтобга яғринини тутган ҳолда, ерга ёнбошлаб ўтирибди. Кўчадан от-арава ўтмайди; шовқин-сурон йўқ. Сийрак ўткинчилар, албатта, кўл ковуштириб «Ассалом!» деб ўтардилар. Чоллардан бири ёки иккови бирдан жавоб беради: «Ваалайкум...»...

**133-машк.** Берилган мураккаб кўшма гапларни таҳлил қилинг. Ҳар биридан кейин чизмасини чизинг.

1. Катталар қанча ишласа, болалар ҳам шунча ишларди, бироқ хўжайин болаларга кам ҳақ тўлар эди. 2. Очлик, яланғочликка кўниқиб, тирикчилигимизни қилар эдик, лекин бир нарсага бошимиз гаранг бўлиб қолди: дадамизнинг гарданида қарзи бор экан. 3. Аксиз одамлар билан ҳаргиз дўст бўлмагин, чунки аксиз одам шундай иш қиладики, аклли душман қила олмас. (*«Қ.»*) 4. Тўғри, иш ғоят мушкуллашди, лекин умид, ғайрат билан қадам кўйилса, мақсад йўлидаги ҳар қандай мушкилотни бартараф қилиш мумкин. (*О.*) 5. Осмоннинг кун чиқиш қисми энди оқара бошлаган, лекин ҳатто барвақт турадиган қишлоқ аҳли ҳам уйкуда, боғларга яширинган уйлар, сердарахт кўчалар жимжит, кимсасиз. (*О.Ё.*) 6. Инсон табиати ғалати: у бойлигини йўқотса қайғуради, аммо ҳаётнинг кунлари мангуга йўқолаётгани билан иши йўқ. (*Х.*) 7. Ҳаво очик бўлиб, қуёш тузуккина кўтарилган, аммо унинг ҳам бу кун унча таъсири йўқ, бу кунги қора совуқ қуёш кучини-да кесган эди. (*А.Қод.*) 8. Комиссар сут бидонни кўтариб пастга тушганда, тонг отмаган, ҳаво совуқ эди. (*Ў. Х.*)

9. Бу ҳаётнинг ярми роҳат,  
Ярми ғамдир, шукр қил,  
Умринг узун бўлса, раҳмат,  
Агар қамдир, шукр қил. (*Э.В.*)



Қўшма гап турлари услубий восита сифатида оғзаки ва ёзма нутқда ҳам кенг қўлланилади. Аммо, оғзаки нутқда қўшма гапнинг содда, ихчам турлари қўлланилиб, ёзма нутқда эса унинг мураккаб, кенг ва кўпинча боғловчили турлари ишлатилади.

Ёзма нутқда қўшма гаплар асосан илмий услубда ишлатилади. Боғловчилар ёрдами билан тузилган қўшма гаплар асосан илмий нутққа хосдир. Оммабоп ва адабий услубда эса қиска ва ихчам тузилган боғланган қўшма гаплар, эргашган қўшма гаплар ва боғловчисиз қўшма гап турлари қўлланилади.

**134-машк.** Шарқ мутафаккирларининг куйида берилган ҳикматли мисра-ларини ўқинг. Уларнинг асл ва услубий мазмунини сўзлаб беринг.

Занжирнинг охирги халқаси – инсон,  
У – калит, бандларни очади осон.  
Сарвдек тик бошини кўтармиш мағрур,  
Борлиғи – яхши сўз, ақлу тафаккур.  
Ақл бирла идрок фақат унга ёр,  
Бутун тилсиз олам фармонига зор. *(А.Фирдавсий)*

Ўзига ярашур аҳмоқнинг туши,  
На бир қиммати бор, на тузук иши. *(Ж.Румий)*

Давлатманд қилгил, эй қаноат, мени,  
Чунки йўқдир сендан яхшироқ неъмат.  
Луқмоннинг муроди – сабр бурчаги,  
Сабрсиз кишида бўлмади ҳикмат. *(С.Шерозий)*

Тор этикдан яхшидир юрмоқлик оёқ яланг,  
Мусофирлик аълодир уйинг тўла бўлса жанг.  
*(С.Шерозий)*

Ёпиқ, очик сир ҳақида оқиллар,  
Айтишибди кўп ажойиб нақллар:  
Бири - яроғ, ҳали қиндан чиқмаган,  
Иккинчиси – ўқдир, чиққан камондан. *(А.Жомий)*

**135-машқ.** Ўқинг. Қуйидаги ҳикматли иборалар қўшма гапнинг қайси турига киришини аниқлаб, таркибидаги содда гапларнинг боғланиш воситаларини изоҳланг. Тиниш белгиларининг қўлланилиш сабабини тушунтиринг.

1. Ақл – ханжар, билим – чарх. 2. Мактаб – ёшлик гулшани, болалар – гулшаннинг бебаҳо ниҳоллари, ўқитувчилар – бу гулшаннинг соҳибкорлари. (Р.У.) 3. Кимки бўлса ақлга йўлдош, йиқилганга бўлади қўлдош. (Х.Дехлавий)

4. Чумоли ёз бўйи йиғар емак-дон,  
Токи, кишда уйи бўлсин фаровон. (С.Шерозий)

5. Ақл измидан ҳеч маҳал чикмагил,  
Пушаймондан азоб чекади кўнгил. (А.Фирдавсий)

6. Қуёшли уфқда зиё бўлур, бил,  
Киши доно бўлса, дарё бўлур, бил. (Н.Хисрав)

7. Ҳалол ишлаб топсанг гар арпа донин,  
Яхшидир егандан биров оқ нонин. (Х.Дехлавий)

8. Ҳеч кимга ялинмас хунарли инсон,  
Ризкин ўз боғидан топади боғбон. (С.Насафий)

9. Илм – барча хунарнинг тожи – бебаҳо,  
Илм – ҳамма қулфнинг калити – аъло. (А.Жомий)

10. Ёлғон, эгриликка ўрганма асло,  
Жаҳон тўғрилиқдан бўлмишдир барпо. (Балхий)

**136-машқ.** Оммабоп услубга оид қуйидаги матнларни ўқинг. Илмий услубдан фарқли жиҳатларини айтиб беринг. Матн таркибидаги қўшма гапларни аниқлаб таҳлил қилинг.

1. Болакай деворни бўяётган отасига қараб ўтирибди.  
– Яхшилаб ўрганиб ол, ўғлим. Катта бўлганингда сен ишлайсан, мен эса дам оламан.

– Шу битта деворни мен катта бўлгунимчаям бўяб туга-толмайсизми?

2. – Бир вақтлар кизлар ортимдан югуриб юришарди...

– Йўғ-э?! ҳозир-чи, югуришмайдими?

– Биласизми, анчадан буён қизларнинг сумкасини ўғирламай қўйдим.

3. Ҳадеб ишга кечикадиган ходимга раҳбари танбех берди:

– Агар яна бир марта кеч келсангиз, ишдан бўшатаман.

Дўхтирга учранг, эртарок уйғотадиган бирорта дори ичинг.

Ходим дори топиб ичди, эрта уйғониб, ропша-роса соат 8:00 да ишхонасида бўлди.

– Қойилмисиз, хўжайин?

– Қойилман, лекин кеча нега ишга келмадингиз?

**137-машқ.** Қўшма гапларни аниқланг ва турларга ажратинг. Қўшма гапни ташкил этган содда гаплар ўзаро қандай боғланганлигини тушунтиринг.

### Уйқу нима?

Уйқу инсон умрининг учдан бир қисмини олади. Болалар ёшига қараб суткасига 8-14 соатдан ортиқ, кексалар эса 7-8 соат атрофида ухлайдилар. Олтмиш йил яшаган киши ўз умрининг йигирма йилини уйқу билан ўтказди. Одам нега бунчалик кўп ухлайди, деган савол туғилиши табиий. Уйқуга кетган йилларга баъзан ачиниб ҳам қўяди киши. Лекин шундай бўлса ҳам, одамлар кўпинча кўп ухлашдан эмас, балки ухлай олмасликдан шикоят қиладилар.

Кузатишлар ва тадқиқотлар натижасида шу нарса маълум бўлдики, ўн ёшдан ошган одамларнинг фақат 55 фоизигина тўйиб ухлайман, деб жавоб берган. қолган 45 фоиз аҳоли уйқунинг бузилишини айтишган. 20 фоизга яқин киши эсаҳар иккала сабабдан шикоят қилган.

Шундай одамлар ҳам борки, улар атиги 3-4 соат, нари борса 5 соат ухлашади, шунда ҳам ўзларини бардам сезишади. Бунга таникли олим Владимир Михайлович Бехтерев, улуғ рус подшоси Петр I, буюк олим Н. И. Вавилов мисол бўла олади. Улар суткасига 4-5 соатдан ортиқ ухлашмаган, умр бўйи бундай кам ухлаш улар фаолиятига зиён қилмаган. Алберт Эйнштейн эса жуда кўп ухлар эди. *(Ш. Шомансуров)*



Бириктирув боғловчилари *ва*, ҳам ҳамда шу вазифада келадиган *-у, -ю, -да* юкламалари ёрдами билан тузилган қўшма гап турлари синонимик қаторларни ташкил этиши мумкин. Аммо бунда нозик мазмун фарклари англашилиб туради: Масалан: *Эшик секин очилди ва рухсат сўраб талаба қиз кириб келди. // Эшик секин очилди-ю, рухсат сўраб талаба қиз кириб келди. // Эшик секин очилди-да, рухсат сўраб талаба қиз кириб келди.*

Зидловчи боғловчилар (*аммо, лекин, бироқ*) ва юкламалар (*-у, -ю*) ёрдами билан тузилган боғланган қўшма гаплар синонимик гапларни ташкил этиши мумкин. Синонимик гапларда нозик мазмун фарклари англашилади. Масалан: *Офатдан қутулдик деб ўйлагандик, бироқ дарё ҳали бизни ўз ҳибсидан бўшатмаган экан.* – ҳаракат зидлиги, бадий китобий услуб. 2. *Офатдан қутулдик деб ўйлагандиг-у, бироқ дарё ҳали бизни ўз ҳибсидан бўшатмаган экан.* – ҳаракатнинг тез алмашилиши, ҳаракатнинг қийёсланиши; оғзаки, оммабоп услуб. 3. *Офатдан қутулдик деб ўйлаган эдик, аммо дарё ҳали бизни ўз ҳибсидан бўшатмаган экан* – изоҳлаш-зидлаш муносабати; бадий услуб.

Айирув боғловчилари (*ё, ёки, ёҳуд, ёинки, хоҳ*) ва боғловчи вазифасидаги сўзлар (*дам-бадам, дам-дам, ё бўл-маса, баъзан, бир-бир*) қўшма гапдан англашилган ҳаракат- ҳолатнинг бири рўй беришини ёки улар кетма-кет юзага чиқиши мумкин эканлигини кўрсатади. Масалан: *Бу топириқни ё ўзингиз бажаринг, ё бировга вазифа қилиб беринг* – ҳар икки ҳаракатдан бири рўй беради; бадий услуб.

*Гоҳ осмонни тутиб ашула янграйди, гоҳ хазин мусиқа эшитилади.* – ҳар икки ҳаракат кетма-кет рўй беради; бадий услуб.

*Физика дарсида гоҳ тажриба ўтказамиз, гоҳ ўқитувчимиз қийин масалаларни ечиш йўлларини ўргатади* – маълум бир ораликда бўладиган ҳаракат: оғзаки оммабоп услуб.

**138-машк.** Айирув боғловчилар ёрдами билан 3 та қўшма гап тузинг. Уларни қўшма гапнинг бошқа турлари (боғловчисиз ва эргаш гапли қўшма гаплар) билан алмаштиринг. Услубдаги мазмун ўзгаришини изоҳланг.

**139-машқ.** Берилган содда гаплардан айирув боғловчили боғланган кўшма гап ҳосил қилинг.

1. Мардонани кўркув титроққа солди. 2. Баъзиларнинг кўзидан ёш бетиним оқарди. 3. Бирданига ёмғир шаррос қуйиб кетди. 4. Чет элликлар билан ўзаро ҳамкорликда ишлаш бўйича шартнома тузишга киришди. 5. Қаҳр-ғазабингни жиловлай бил. 6. Йўлнинг икки томони оппоқ иморатлар билан безалган.

**140-машқ.** Қуйидаги боғланган кўшма гапларни боғловчисиз кўшма гапларга айлантинг. Гап мазмунидаги ва услубидаги ўзгаришларни айтиб беринг.

1. Дераза пардалари тушириб қўйилгани учун ҳеч нима кўринмас, бироқ ичкарида одам кўплиги соялардан билиниб турарди. 2. Ҳар томондан йўл очиб, ташқарига чиқа бошлаган сув чошгоҳга бориб тамоман окиб битди, лекин ҳовлида тизза бўйи лойка қолди. (*Ж. Қурашев*) 3. Марат қаттиқ толикқанини, йиқилгудек бўлиб қолганини шундагина пайқади, аммо унинг руҳи тетик, кайфи чоқ эди. (*Ў.Х.*) 4. Омборга етиб келганимда кун ёришмаган, бироқ олисдаги тоғлар қирраси ҳаво очик бўлишидан дарак бериб, гунафшаранг тусда товланиб кўринарди. 5. Ичкаридан овоз эшитилар, лекин сўзлари англашилмас эди. (*Ас.М.*) 6. Йигитнинг юзида ҳеч қандай ўзгариш бўлмади, бироқ кўзларида бир лаҳза ўт чакнагандай бўлди. 7. Ака-ука дўст бўлмасликлари мумкин, лекин дўст – хамиша ака ва ука. (*Х.*) 8. Ёшлиқ ўтиб бораётганини ҳеч ким сезмайдди, аммо унинг ўтиб кетганини ҳамма ҳис қилади. 9. Муниسخон ўша шеър босилиб чиққан газетани ... авайлаб яшириб қўйди, лекин Муҳаммад ҳақидаги ширин ўйлари қалбини тарк этмади. (*Ж. Қурашев*)

**141-машқ.** Қуйидаги боғловчисиз кўшма гапларни боғловчили боғланган ёки эргашган кўшма гапларга айлантинг. Гап мазмунидаги ва услубидаги ўзгаришларни айтиб беринг.

1. Задигнинг жароҳати хавфлироқ эди: найза кўзининг яқинига теккан ва чуқур яра пайдо бўлганди. (*Вольтер*) 2. Такдирнинг аччиқ қисматидан баъзан қочиб кутулолмайсан: осмон йироқ, ер қаттиқ. 3. Яна чакмоқ чақди: ғамгин қовоқ уйиб турган баланд-баланд қоялар ярқ этиб ёришди. 4. Тасаввур

килинг: узоқларда шуъла кўриняпти. 5. Аниқ эсимда бор: унинг кўлидан газета ва китоблар тушмас эди. 6. Такдир ғалати экан: Азим таниқли раҳбар бўлиб, шаҳарда қолиб кетди, Исмат оддий хизматчи бўлиб, қишлоқда қолди. 7. Келиннинг уйига келдик: зиёфат зўр бўлди, ўйин-кулги кизиди. (А.Қ.) 8. Бир ўрдақ қайиқ олдига йиқилди, иккинчи ўрдақ галадан ажралиб пастлай бошлади. 9. Шу вақт ташқарида шов-шув эшитилди; эшикнинг икки табақаси ҳам бирдек тарақ этиб ланг очилди. (Ас.М.) 10. Хонгирей ваъдасининг устида турди – шароит олий мақомда яратилди. (Т.М.)

### 32-§. Эргаш гапли кўшма гапларда грамматик воситалар синонимияси

Эргаш гапли кўшма гаплар содда гаплар билан ёки ўз ичидаги бошқа тур эргаш гаплар билан синоним бўлиши мумкин. Бунда гапнинг грамматик (шаклий) курилишида турли ўзгаришлар юзага келади: эргаш ва бош гапни бириктирувчи воситалар ўзгаради, эргаш гапнинг эгаси қаратқичли аниқловчига, кесими эса аниқловчи ёки тўлдирувчига айланади. Баъзи ҳолларда эргаш гап билан бош гапларнинг ўрни алмашади. Эргаш гапларнинг қуйидаги турлари содда гап билан синоним бўлиши, содда гап билан алмашиши мумкин.

Эга ва кесим эргаш гапли кўшма гаплар:

1. *Кимки ҳақиқат томонда бўлса, у енгиб чиқади.* (эга эргаш гапли кўшма гап) // *Ҳақиқат томонда бўлган одам енгиб чиқади.* (содда гап)

2. *Вақт ўтиши билан шу нарса исботландики, Ҳамлет ҳар бир иқтидорли актёр учун юксак чўққи.* (эга эргаш гапли кўшма гап) // *Вақт ўтиши билан Ҳамлет ҳар бир иқтидорли актёр учун юксак чўққи эканлиги исботланди.* (содда гап)

3. *Гап шундаки, ёшларда маълум касбга ёки илмий-ижодий йўналишга қизиқиш ўз-ўзидан пайдо бўлавермайди.* (кесим эргаш гапли кўшма гап) // *Гап ёшларда маълум касбга ёки илмий-ижодий йўналишга қизиқиш ўз-ўзидан пайдо бўлавермаслигидадир.* (содда гап)



4. *Энг қувончлиси шундаки, Эркин олдинданоқ масаланинг ўзагини билган экан.* (кесим эргаш гапли қўшма гап) // *Энг қувончлиси – Эркин олдинданоқ масаланинг ўзагини билишлигидадир.* (содда гап)

Тўлдирувчи ва аниқловчи эргаш гапли қўшма гаплар:

1. *Шуни истардимки, барча талабалар сиздек бўлса.* (С.А.) (тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гап) // *Барча талабалар сиздек бўлишини истардим.* (содда гап)

2. *У биринчи қарашдаёқ кўрдик, Кумуш заҳарланган эди.* (А.Қод.) (тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гап) // *У биринчи қарашдаёқ Кумуш заҳарланганлигини кўрди.* (содда гап)

3. *Шундай инсон ҳақида хабар келтирдимки, унинг ҳар бир сўзи бебаҳо гавҳардир.* (О.) (аниқловчи эргаш гапли қўшма гап) // *Ҳар бир сўзи бебаҳо гавҳардай бўлган инсон ҳақида хабар келтирдим.* (содда гап)

4. *Кимнинг ишида камчилик бўлса, унинг ҳаётида ҳаловат бўлмайди.* (аниқловчи эргаш гапли қўшма гап) // *Ишида камчилиги бор одамнинг ҳаётида ҳаловат бўлмайди.* (содда гап)

**142-машқ.** Ўқинг. Берилган эргаш гапли қўшма гапларни содда гапга айлантиринг. Гапнинг мазмуний ва шаклий қурилишидаги ўзгаришларни изоҳланг.

1. Ака-ука унгур бўйида шундай тор жойда ўтири-шардики, бу ерда айиқлар кўплашиб ҳужум қилиши мумкин эди. 2. Асар ўқиётганингизда жиндай табассум қилсангиз, билингки, ўша саҳифаларни каламкаш ростмана кулиб ёзган. 3. Биринчи гап шуки, отангиз Холмат чавандоз оқ-қорани таниган ҳурматли оқсоқоллардан экан. 4. Бизга берилган топшириқ шундан иборатки, бир соат ичида хона чиннидек топ-тоза бўлиши керак эди. 5. Инсонни ўзга мавжудотдан фарқ қилдирувчи муҳим фазилатлардан бири шуки, у ўз хатти-ҳаракатининг оқибатини олдиндан, фикран кўра билади. (Р.У.) 6. Кимки ҳеч нарсани қизиқиб сўрамаса, у ҳеч нимани ўрганмайди ҳам.

Баъзи эргаш гаплар содда гапларга синоним бўла олмайди. Бу хил эргаш гапларни ўз гуруҳидаги бошқа бир тур ёки ўзига яқин эргаш гап билан алмаштириш мумкин. Бу ҳолда эргаш гап кесимининг шакли ўзгаради.

#### Пайт эргаш гап

*Ёмғир томчилай бошлагач, улар уйларига қайтишди.*

*(Вольтер)*

*Ёмғир томчилай бошлаганда, улар уйларига қайтишди.*

*Ёмғир томчилай бошлаган пайтда, улар уйларига қайтишди.*

*Ёмғир томчилай бошлар экан, улар уйларига қайтишди.*

Мисоллардан кўриндики, эргаш ва бош гаплардаги ҳаракат бир пайтда рўй беряпти.

Агар эргаш гапдаги ҳаракат бош гапдаги ҳаракатдан олдин ёки кейин рўй берса, синонимик каторларни тузиб бўлмайди.

#### Сабаб эргаш гап

*Бу йил ёмғир кўп ёғди, шунинг учун экинларнинг ярмидан кўпи нобуд бўлди.*

*Бу йил ёмғир кўп ёққанлиги учун, экинларнинг ярмидан кўпи нобуд бўлди.*

*Бу йил ёмғир кўп ёққанлиги сабабли (туфайли), экинларнинг ярмидан кўпи нобуд бўлди.*

*Бу йил ёмғир кўп ёққанлигидан, экинларнинг ярмидан кўпи нобуд бўлди.*

*Бу йил ёмғир кўп ёғиб, экинларнинг ярмидан кўпи нобуд бўлди.*

Агар бош эргаш гап чунки боғловчиси билан бирикса, бош ва эргаш гапнинг ўрни алмашади.

**143-машқ.** Ўқинг. Қуйида берилган қўшма гаплардаги эргаш гапларни аниқлаб, уларни содда гапга ёки эргаш гапнинг бошқа турига айлантиринг. Грамматик ва услубий ўзгаришларни изоҳланг.

1. Йигит бошига катта оқ қалпоқ кийиб олгани учун, юзи кичкина ва қоп-қора кўринарди. 2. Йигит уста билан гапини тугатган ҳам эди, кўчада тўс-тўполон бошланиб кетди. 3. Унинг бирга бориши маълум бўлди, шунинг учун киз тақдирнинг бу илтифотига шукрлар қилди. 4. Бир маслаҳатга келишилгач,

одамлар тарқалди. 5. Кийими қоп-қора бўлганидан, Шахриёр уни илғамай қолди. 6. Салим ота ўғлига хафалигини билдирмаслик учун, ўзини ишга урди. 7. Хона ўртасига етганида эшик очилиб, кизғиш сочли сепкилдор қиз бош сукди. 8. Энди овқатланаман деб турганда, кўча эшиги тақиллаб қолди.

**144-машқ.** Бадий асарлардан пайт ва сабаб эргаш гапли қўшма гапларга 4 тадан мисол танлаб ёзинг ва эргаш гапнинг бошқа турига айлантириб кўринг.

Равиш, шарт, мақсад, натижа, тўсиқсиз эргаш гаплар:

*Оёқ-қўлидан мадор кетиб, секин-аста чўккалади.*

(равиш эргаш гапли қўшма гап) // *Оёқ-қўлидан мадор кетгач, секин-аста чўккалади.* (пайт эргаш гапли қўшма гап)

*Агар жисмоний машқлар билан шугулланиб турилса, дори ичишга муҳтожлик қолмайди.* (шарт эргаш гапли қўшма гап) // *Жисмоний машқлар билан шугуллангач, дори ичишга муҳтожлик қолмайди.* (шарт-пайт мазмуни)

*Қаландаров сўзни айлантириб, ўз ўрнида қолишга хоҳиш билдириб қўймасин учун, Саида яна унинг сўзини оғзидан олди.* (А.Қ.) (мақсад эргаш гапли қўшма гап) // *Қаландаров сўзни айлантириб, ўз ўрнида қолишга хоҳиш билдириб қўймасин дея, Саида яна унинг сўзини оғзидан олди.* (мақсад эргаш гапли қўшма гап) *Саида яна унинг сўзини оғзидан олди, токи Қаландаров сўзни айлантириб, ўз ўрнида қолишга хоҳиш билдириб қўймасин.* (мақсад эргаш гапли қўшма гап)

*Одамлар шунчалик кўп эдики, қиз уларнинг қайси бирига қарашни ҳам билмай қолди.* (натижа эргаш гапли қўшма гап) // *Одамлар шунчалик кўп эдики, натижада қиз уларнинг қайси бирига қарашни ҳам билмай қолди.* (натижа эргаш гапли қўшма гап)

Баъзи шарт эргаш гаплар тўсиқсиз эргаш гапга яқин бўлади: *Ери бўлса, улови йўқ.* (О.) (шарт эргаш гапли қўшма гап) // *Ери бўлса ҳам, улови йўқ.* (тўсиқсиз эргаш гапли қўшма гап) *Ҳовли тор бўлса ҳам, озода ва ишнам эди.* (тўсиқсиз) *Ҳовли тор бўлса ҳам, озода ва ишнам эди.* (тўсиқсиз) // *Ҳовли тор бўлса ҳам, озода ва ишнам эди.* (тўсиқсиз)



Боғловчисиз қўшма гаплар боғловчили ва эргаш гапли қўшма гапларга синоним бўлиши мумкин. Масалан:

*Қўшни келди – кўмак келди. (М.)* (боғловчисиз қ. г.)

*Қўшни келса, кўмак келар.* (эргаш гапли қўшма гап)

*Қўшни келди - ю, кўмак келди.* (боғланган қўшма гап)

Бу қўшма гапларда умумий мазмун бир хил бўлсада, нозик мазмун фарқлари сезилиб туради. Шунингдек, содда гапларни боғловчи воситалар ҳам, кесим шакллари ҳам ўзгаради. Боғловчисиз қўшма гапларнинг боғланган ёки эргаш гапга синоним бўлиши боғловчисиз қўшма гапда ифодаланган мазмунга боғлиқ.

1. Бириктирув мазмун муносабатини ифодалаган боғловчисиз қўшма гап боғланган қўшма гап билан синоним бўлади:

*Шу вақт ташқаридан шов-шув эшитилди; эшикнинг икки табақаси ҳам бирдек тарақлаб ланг очилди.* (боғловчисиз қўшма гап) *Шу вақт ташқаридан шов-шув эшитилди ва эшикнинг икки табақаси ҳам бирдек тарақлаб ланг очилди.* (боғланган қўшма гап)

2. Қиёслаш муносабатини ифодалаган боғловчисиз қўшма гаплар шу мазмундаги боғланган қўшма гаплар, эргаш гаплар билан синоним бўлиши мумкин.

*Яхшиликка ҳар ким яхшилик қила олади, ёмонликка яхшиликни фақат чин инсонгина қила олади.* (боғловчисиз қўшма гап) *Яхшиликка ҳар ким яхшилик қила олади, аммо ёмонликка яхшиликни фақат чин инсонгина қила олади.* (боғланган қўшма гап)

*Вақтинг кетди – бахтинг кетди. (М.)* (боғловчисиз қ.г.)

*Вақтинг кетса, бахтинг кетади.* (шарт эргаш г.қ.г.)

*Вақтинг кетгач, бахтинг кетади.* (пайт эргаш г.қ.г.)

3. Изоҳлаш муносабатини ифодалаган боғловчисиз қўшма гаплар шу мазмундаги боғланган қўшма гаплар ёки сабаб эргаш гапли қўшма гаплар билан синоним бўлади.

*Қишлоқ кўчалари, боғлар ва далаларга офтоб аллақачон ёйилган; болалар сой бўйида ўйнаб юришарди.* (боғловчисиз қўшма гап)

*Қишлоқ кўчалари, боғлар ва далаларга офтоб аллақачон ёйилган ва болалар сой бўйида ўйнаб юришарди. (Боғланган кўшма гап)*

*Қишлоқ кўчалари, боғлар ва далаларга офтоб аллақачон ёйилганлиги сабабли, болалар сой бўйида ўйнаб юришарди. (Сабаб эргаш гапли кўшма гап)*

*Қишлоқ кўчалари, боғлар ва далаларга офтоб аллақачон ёйилган, шунинг учун болалар сой бўйида ўйнаб юришарди. (Сабаб эргаш гапли кўшма гап)*

### 34-§. Адабий тил услублари

#### **Топширик:**

Қуйидаги гапларни ўқиб, қайси услубда ёзилганлигини аниқланг:

1. Юлдузлар сирли кўз қисишар, тиллақошдек ингичка ой сирли мўралар, шабада сирли шивирлар, садарайхон билан тупроқ сирли хид таратар, осмон ҳам, ер ҳам сирларга тўла эди. (Ў.Ҳ.)

2. Куни кеча Турон шаҳарчасида газчилар қизғин иш бошладилар. Январь ойининг биринчи ўн кунлигида бошланган ҳаракат шаҳарча аҳолисини қувонтирмоқда. (Газ.)

3. Сўзларнинг морфологик тузилиши уларни энг кичик маъноли қисмларга бўлишнинг тартиб ва қондалари ҳақидаги таълимотдир. Тилнинг энг кичик маъноли бирлиги морфема деб аталади. (Н.Баскаков)

**145-машқ.** Ўқинг. Матн қайси услубда ёзилганлигини аниқланг. Услубга хос хусусиятларни изоҳлаб, кўчма маънода қўлланган сўз ёки сўз бирикмаларини белгиланг.

#### **Сайёҳлар**

Сўзларнинг ҳам «сайёҳи» бўладими, деб ажабланарсиз. Ҳа, чиндан ҳам, тилдаги айрим сўзлар дунё бўйлаб, ўзига хос саёҳатда бўлади. Бундай сўзларни ўзбек тили луғат таркибида ҳам учратиш мумкин.

«Магазин», «шаҳмат» сўзларини ким билмайди, дейсиз. Масалан, «магазин» сўзи ўзбек тилига рус тили орқали саёҳат қилган ва бу тилда ўтrockлашиб, «дўкон» сўзи билан рақобатлаша

бошлаган. Ниҳоят, уни ўзбек тилидан деярли бадарға қилишга муваффақ бўлган.

«Магазин» аслида қадимги араб тилига мансубдир. У ўз макони араб тилида «махзана» шаклида бўлган, ҳар хил буюм ва нарсалар сақланувчи омбор, склад маъноларини ифода этган. Бу сўз дастлаб араб тилидан италян тилига саёҳат қилган. Италия тилидан француз тили қабул қилган. Кейинчалик француз тили уни немис тилига кузатган. Немис тили ўз навбатида рус тилига узатган, рус тили эса ўзбек ва бошқа тилларга тортиқ қилган.

«Магазин» сўзининг асли арабча эканлиги, дунё халқларининг тилларини сайр этиб, ўзбекча сўзга айланганлигини ҳамма ҳам билмаса керак.

Спортнинг энг оммавий турларидан бирини билдирувчи «шахмат» сўзи ҳам сайёҳликда «магазин»дан қолишмайди. Бу сўз аслида форс-тожикча бўлиб, рус ва Европанинг бошқа жуда кўп тилларини сайр этган. Ҳозир «шахмат» сўзи тожик ва ўзбек тилларининг яна ҳақиқий мулкига айланиб қолди.  
(А.Бердиалиев)

Услуб – сўзловчи ва ёзувчининг ифодаланаётган фикрга, воқеа, ҳодисага шахсий муносабатидир. Шу йўл билан айна бир жумлада қўшимча (модал) мазмун ҳам ифодаланади.

Гапда қўшимча (модал) мазмун махсус сўз ва иборалар (синонимлар, фразеологик бирикма ва гаплар, ундалма, кириш сўз ва х.) орқали ифодаланиб нутқимизни гўзал қилади.

Барча сўз, иборалар ҳам маълум бир нутқ услубини яратишда хизмат қила бერмайди. Масалан: *қушлар, китоб, қуёш, бегона* кабилар.

Ўзбек адабий тилининг сўзлашув услуби, расмий услуб, илмий услуб, публицистик услуб, бадний услуб каби турлари бор.



## I

### Карим Назаров

Филология фанлари доктори Карим Назаров 1933 йил 15 апрелда Тошкент вилоятининг Калинин районидаги Қатортол қишлоғида камбағал деҳқон оиласида туғилган.

1947 йилда Навоий номли 18-мактабнинг 7-синфини тамомлаб, 1950 йилда 19-ўрта мактабининг 10-синфини тугатади. Ўша йили Ўрта Осиё Давлат университети филология факультетига ўқишга киради, 1955 йили университетни муваффақиятли тамомлайди.

1955 йил август ойидан бошлаб Сурхандарё вилоятининг Узун районидаги 1 - ўрта мактабда она тили ва адабиётдан дарс беради. 1956 – 1957 ўқув йилида шу мактабда илмий мудар, 1957 – 1958 ўқув йилида Ушинский номли 4 -мактабда директор бўлиб ишлайди.

Ёш олим 1958 йили аспирантурага ўқишга киради. 1964 йили А. Ф. Фуломов раҳбарлигида «Ўзбек халқ шеваларида эгалик аффикслари» мавзусида номзодлик диссертациясини химоя қилади. Докторлик диссертацияси ҳам тилшуносликнинг долзарб муаммоларига бағишланган.

Олимнинг ўзбек тилшунослигига бағишланган кўплаб илмий мақолалари, ўрта таълим мактаблари учун ёзилган ўзбек тили ва адабиёти дарсликлари, илмий рисоалари мавжуд.

*(Журн.)*

## II

Анъана – лотинча «традиция» – «узатиш» деган сўздан олинган бўлиб, у кенг маънода авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтадиган, жамоатчилик фикри билан кўрикланадиган ижтимоий ахлоқ муносабатларнинг меъёр ва тамойиллари йиғиндиси. Анъаналарнинг шаклланишида муайян халқнинг яшаш тарзи, моддий ишлаб чиқариш усул, маънавияти, маданияти объектив зарурат ҳисобланади. *(Журн.)*

147-машқ. Турли манбалардан тилшунос олимларнинг тил ва сўзнинг кудрати ҳақидаги фикрларини, ҳикматли сўз ва мақолларни излаб топинг. Энг сара жумлаларни дафтарингизга ёзинг ва қайси услубга дахлдор эканлигини аниқланг.

Уйда кўчада, инсонларнинг ўзаро сўзлашувида қўлланадиган услуб сўзлашув услуби деб аталади.

1. Сўзлашув услубининг икки тури бор:

1) адабий сўзлашув услуби;

2) оддий сўзлашув услуби.

Адабий сўзлашув услуби шева хусусиятларидан холи бўлиб, маълум меъёрга бўйсунган услубдир. Мактаблардаги таълим-тарбия ишлари, радио эшиттиришлари, ойнаи жаҳон кўрсатувлари адабий сўзлашув услубида олиб борилади.

Оддий сўзлашув услубига сўз эркинлиги хосдир. Бу услубда шевага хос бўлган сўзлар, пичинг, киноя, дағал сўзлар ҳам учрайди.

Сўзлашув услубига доир Ўш шевасидан мисоллар:

Ўш шеваси	Адабий тил
Нима ҳақкийз бор мени тергашга?! Сизикига бомийман. Бугун махтапка кемовдими? Кўзиз менийла кўради.	1. Мени тергашга нима ҳақингиз бор? 2. Сизникига бормайман. 3. Бугун мактабга келмаган эдими? 4. Кўзингиз менигина кўради.

**148-машқ.** Қуйидаги парчадан сўзлашув услубига хос каторларни топиб қайта ўқинг.

...Ходибой патгачининг кўярда-кўймай тўйга таклиф қилишига жавобан Сабриддин «Зиёда килсин» дедию, ортик гапирмади.

— Насиб килса борамиз, — деди Фозилбек астойдил, — отам борадилар, акам...

– Акангизнинг шашти баланд!

Сабриддин ҳозиргина идорада бўлиб ўтган йиғинда Диёрбек «намойиш» қилган кибр-ҳаво таъсиридан қутилмаган эканми, тўсатдан шундай деб юборди, икки ҳамсухбати унга «ялт» этиб қаради, Сабриддин тили бесуяклик қилиб кўйганини сезиб, дарҳол сергак тортди. Сухбат бир муддат узилди. Ўртага тушган бундай ўнғайсизликлардан фақат Ходивой сингари

найрангбозларгина зиён-заҳматсиз «омон» чиқар эди. Шундай бўлди ҳам.

–Хабаримиз бор, ҳаммасидан, окоси, – деб гап бошлади у салмоқланиб. Тиржайди. – Қосимбек отанинг ҳар икки азамат ўғлонлари бозорбошилиқ вазифасига етилган. Диёрбекда шиддат бисёр, Фозилбекда мулоҳаза... Ака ҳам қараб турмаслар...

Паттачи шундай деб Сабриддин томон имо қилди. «Ака» – унинг акаси Шомирза йўғон эди. Бироқ Сабриддин акаси туфайли ўзига хушомад қиладиганларга кўпда ройиш билдирмас, ҳатто, ўрни келса, «Акамнинг охури бошқа, бизники — бошқа» деб ҳар турли шубҳа-гумонларга ойдинлик киритиб кўйишдан ҳам тоймас эди.

У кишининг исмини ҳар ким тилга олавериши шарт эмас, қисқагина «ака» дейилса бас, чунки бозорда битта ака бор, у ҳам бўлса — Шомирза йўғон! «Ака»нинг номидан буюрилган иш битмай қолмайди, «ака»нинг сўзини икки қиладиган мард ҳали онасининг қорнидан туғилгани йўқ... хуллас, гап кўп, лекин, илло-билло Шомирза йўғон умрида бозорбошилиққа даъво қилмади...

*(Х. Дўстмуҳаммад)*

**149-машқ.** Ўз маҳаллий шевағизда бир кичик суҳбат тузинг ва уни адабий тилда баён қилиб ёзинг. Доимо адабий тилда сўзлашга ҳаракат қилинг.

**150-машқ.** Бошқа шаҳар (қишлоқ) да яшовчи дўстингизга хат ёзинг.

### 36-§. Расмий-идоравий услуб

Расмий-идоравий услуб жуда кенг тарқалган бўлиб, иқтисодий, ҳуқуқий ва дипломатик муносабатларда давлат идоралари ва бошқаларда намоён бўлади. Аниқлик, ихчамлик ва қисқалиқ расмий иш қоғозларининг белгиларидир. Ибора ва жумлалар бир қолипда бўлади. Бу услубда ҳам сўзлар ўз маъносидида қўлланади, кўпчиликка маълум бўлган айрим қисқартма сўзлар ишлатилади, ҳар бир соҳанинг ўзига хос атамаларидан фойдаланилади. Расмий ҳужжатлар қуйидагича тузилади:



## Ариза

1. Қаерга ва кимга. 2. Ариза ёзувчининг турар жойи, лавозими, исми, фамилияси. 3. Ариза матни. 4. Сана. 5. Имзо.

## Ишончнома

1. Ишончнома матни. 2. Ишончноманинг амал қилиш муддати. 3. Сана. 4. Имзо. 5. Ишончнома берувчи шахснинг имзосини расмий идора–кадрлар бўлими тасдиқлаши. 6. Идора муҳри ва сана.

## Мажлис баёни

1. Муассаса номи. 2. Сана. 3. Мажлис баёни рақами. 4. Йиғилиш жойи. 5. Йиғилиш раиси, котиби, қатнашувчилар. 6. Матн (кун тартиби, эшитилди, сўзга чиқишлар, қарор қилинди). 7. Имзолар (раис ва котиб).

## Таклифнома

1. Номи (таклифнома). 2. Матн (тадбирнинг мазмуни, санаси, вақти ва ўрни). 3. Имзо.

## Таржимаи ҳол

1. Ҳужжатнинг номи (таржимаи ҳол). 2. Матн (муаллифнинг исми, фамилияси, отасининг исми, туғилган йил, кун, ойи, жойи, ота-онаси тўғрисида маълумот, иш фаолияти, оилавий аҳволи, турар жойи). 3. Сана. 4. Имзо.

## Эълон

1. Номи (эълон). 2. Вақти, ўрни. 3. Матн. 4. Имзо.

**151-машқ.** Дўстингизга ишончнома ёзинг. Синфдошларнингиз билан муҳокама қилинг.

**152-машқ.** Таржимаи ҳол ёзинг. Синфда муҳокама қилинг.

## 37-§. Илмий услуб

Фан ва техника тили илмий услубдир. Илмий услубнинг асоси атамалар, коидалар, таърифлар, қонунлардир. Мантқиқлик, аниқлик бу услубга хос хусусиятлардир. Илмий услуб аниқ маълумотлар асосида чиқарилган илмий хулосаларга бой бўлиши билан бошқа услублардан фарқ қилади.

Рисолалар, илмий мақолалар, илмий маърузалар илмий услубда юритилади.

**153-машк.** Тилшуносликка оид атамалар рўйхатини тузинг.

**154-машк.** Адабиётга оид атамалар рўйхатини тузинг.

**155-машк.** Математикага оид атамалар рўйхатини тузинг.

**156-машк.** Ўқинг. Матн кайси нутк услубига оидлигини изоҳланг. Услубий чегараланган сўзларини аниқлаб, қайси соҳага даҳлдор эканлигини белгиланг.

Кўз – ҳамма аъзолардан сирлисидир. У сезилмас ёруғлик нурлари таъсирида ишлайди. Ёруғлик нурларининг кўз қорачиғи ва пардасида акс этиш хусусиятлари фанга ҳали яхши маълум эмас.

Кўз бошнинг юқори қисмига жойлашганлигида ҳам ҳикмат бор. Унинг тепасидаги қош шўр терни кўзнинг шиллиқ пардасига туширмайди. Ҳаракатланиб турувчи кўз соққаси бири-бирига ғаройиб тарзда уланган етти суякдан иборат чуқурчага жойлаштирилган.

Кўзни ҳаракатлантирадиган олти пайдан бири узатувчи камари бўлган гилдиракни эслатади. Ҳатто киприклар ҳам кўзни фавқулодда эҳтиёт қилиш вазифасини ўтайди.

Кўзнинг ичкарасига қараб кетган беш қатламдан иборат мугуз пардасини олимлар техник мўъжиза дейдилар. Кўзнинг бу қисми ишқаланишдан ва чангдан асралиши, зарур пайтда ювилиб тозаланиб туриши учун алоҳида, ўзига хос юмшатовчи, шўрроқ суюкликка эга бўлиб, у кўз косасининг устки қисмида жойлашган. Шу ернинг ўзида, кўзнинг ичкарасида бу суюкликни бурун бўшлиғига ўтказувчи махсус йўл бор. Кўз ёши кўзни ювиб, уни доимо тозалаб туришдан ташқари бурун катақларини намлаб, майинлаштириб хид билиш қобилятини оширади. Олимларнинг уқтиришича, бурун куруқшаб қолса, хид билиш хусусияти йўқолар экан.

Кўзнинг ишлаш фаолияти чинакам мўъжиза. Одатда кўзни фотоаппаратга қиёслашади. Кўзнинг шаффоф пардаси остида қорачиқ деган автоматик тўр бор, у кўз экранига нур ўтказувчи ёриқ (туйнук) вазифасини бажаради. Қорачиқ заруратга қараб кенгаяди ёки тораяди. Унинг ортида кўриш аъзосининг бошқа автоматик қисми – объектив ёки инқала тарафи қаба-риқ «ойна» – линза бўлиб, у бизнинг жисмларга қай тарзда

ёки қандай масофадан қарашимизга мувофиқ ўзгариб туради. Объектив ва қорачиқ ўртасидаги бундай уйғун ва мукаммал муносабат бизни ҳайратга солмай иложи йўқ.

...Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, кўзнинг ана шу хусусиятлари одам ҳали дунёга келмасдан, она қорнида-лигидаёқ шаклланган бўлади. Инсон шундай мукаммал аъзо билан дунёга келади. Аллоҳ таоло кўзни яратиш учун оптика сирлари-ю қонуниятларини мужассамлаштиргани ва бу ғаройиб аъзога керакли ашёларни жойлаштирганининг ўзиёқ мўъжиза эмасми? (Журн.)

### 38-§. Публицистик услуб

Публицистик услуб–матбуот, радио, телекўрсатувга хос бўлган тилдир. Бу услуб расмий ва долзарб хабарлар, ахборотлар, репортажлардан иборат бўлади.

Публицистик услуб учун фаоллик, ҳозиржавоблик, ўткир ва таъсирчан нотиклик ташвиқот ва тарғибот каби хусусиятлар хос.

**157-машқ.** Ўқинг. Расмий хабар билан танишинг.

Мухбиримизнинг хабар беришича, ўтган ҳафтада вилоятимизда “Ижтимоий адолатга эришиш учун адолатли бошқарув сари интилиш” деб номланган янги лойиҳа ўз ишини бошлаган. Лойиҳанинг асосий мақсади – қамраб олинган қишлоқ бошқарувларида маҳаллий бошқарув жараёни самарасини ошириш орқали давлат ва муниципал хизмат кўрсатишлар аҳолининг барча катлами учун, биринчи навбатда болалар, ёшлар ва аёлларга бир хилда етарли бўлишини таъминлашдан иборат... (*“Жалолобод тонги” газетасидан*)

**158-машқ.** Публицистик услубни шакллантирувчи воситаларни сананг.

**159-машқ.** “Мухбиримиз воқеа рўй берган жойдан хабар беради” ибораси остида мактабингизда бўлиб ўтган муҳим тадбирлар ҳақида қисқа хабар ёзинг.

**160-машқ.** Вилоят газеталаридан публицистик услубда ёзилган мақолани танлаб кўчиринг ва шу услубга хос белгиларни изоҳланг.



Воқеликни бадий образлар воситасида акс эттириб, ўқувчига эстетик жихатдан таъсир қилувчи услуб бадий услубдир. Бадий асарлар ўзига хос услубда ёзилади. Бадий услуб умумий хусусиятларга эга бўлиш билан бирга, унинг ҳар бир тури ўз йўли, ўз воситалари, ўз услубига эга бўлади. Бадий услубдан бошқа барча услублар ижтимоий ҳаётнинг маълум соҳаси доирасида чегараланган. Бадий услубда сўзлашув, расмий, публицистик услубларнинг белгилари учрайди.

**161-машқ.** Шеърларни ўқинг. Бадий услуб яратувчи воситаларни белгиланг.

## I

### Табиат

...Мен азиз онамни тупроққа қўйдим,  
 Ҳали тинган эмас кўздаги ёшим.  
 Олис кечалари хижронда куйдим,  
 Энди қай сийнага қўяман бошим.  
 Энди мен эслайман кўзларимда нам,  
 Она деган сўзнинг қайтмас сеҳрини.  
 Қўмсаб талпинаман ҳар зум, ҳар қадам,  
 Онам оғушини, онам меҳрини.  
 Шундай пайт ҳам ўзинг айлагил шафқат,  
 Она бўла қолгин, менга табиат... (А. О.)

## II

Букун тонг эғнида атласдан қўйлак,  
 Шафакқа ўралган қизлардай гулгун.  
 Илк бора кўз очиб чиққан бойчечак  
 Санамлар қўлига интизор букун.  
 Букун гўзалликнинг қутлуғ айёми,  
 Қизларнинг кўкламга мослигидир бу.  
 Юраклар лиммо-лим муҳаббат жоми,  
 Баҳор келганининг ростлигидир бу! (Э.В.)

**162-машқ.** Матни ўқинг, қайси нутқ услублари борлигини аниқланг.

... Хумоюн «Бобурнома»ни Акбарга беради:

– Ҳазрат отам «бу китобни авлодларинг ҳам ўқисин», деган эдилар. Мен шу васиятни бажо келтирадиган кунларга етишганимдан шодман. Афсуски, сени Фарғонаю Самарқандларга олиб боролмадим. Энди отамнинг бу китоби сени хаёл ҳолатида Мовароуннахрга олиб борсин! – Отамдан менга ўтган бир эътиқодни сенга айтмоқчимен. Атрофингга энг яхши одамларни, энг зўр истеъдодларни иложи бориचा кўпроқ тўплагин. Дунёнинг ҳеч бир бойлиги, ҳеч қайси гавҳару жавоҳири сенга ўзинг тўплаб парвариш қилган улуғ истеъдодларчалик қувончу шуҳрат келтира олмайди. Дунёда яхши билиму, яхшилик қилишдан афзалроқ бахт йўк, шунини ҳеч қачон унутма ўғлим! Хумоюн шу сўзлар билан отасининг китобини тақдим этди.

Саҳар бомдод намозини ўқишга кетаётган Хумоюн зинапоядан мункиб кетади. Хумоюн пешонаси билан тош деворига қарсиллаб урилди. Кўзларидан яшил учқунлар сачради. Қобилда қолган Ҳамида бону, Панжобда юрган Акбар. Дамашқдаги Камрон, ҳатто узок Сирдарё бўйидаги Аҳси жаридан йиқилиб ҳалок бўлган бобоси Умаршайх Мирзо хаёлидан ўтади. Хумоюн хушидан кетиб, гавдасининг бутун оғири билан зинапояга ағанаб тушади... (П.Қ.)

**163-машқ.** Берилган парчани ўқинг. Асар қаҳрамонларига бўлган муносабатлар қайси иборалар ва жумлалар орқали ифодаланганини аниқланг.

### Кўшчинор чироклари

...Зуннунхўжа ковоғини солиб тесқари каради, тўнғиллади...

Шарофат заҳарга тўлган чаёндай ўз заҳридан ўзи қарахт эди... Ўлим хавфида қолган мушукдай кўзлари чакнаб, тикка унинг юзига чанг соладиган бир вазоҳатда ўтирар эди...

Абдусаматқори – секин ва мулойим товуш билан гапирар, ҳеч ким билан баҳслашмас, мушукка ўхшаб мулойим кадам босар эди... Йўғон гавдага номуносиб ингичка бир товуш чиқариб кулади... Сохта табассум қилиб туради, гаширғанда одамнинг юзига эмас, кўкрагига ёки қорнига қараб гапирди... Кафтини оғзига қўйиб, қулқуллаб кулади...

Ўрмонжон – колхознинг гўдаклик чоғларини кўрган, уни балоғатга етказишда аччиқ - чучикни татиб тажрибалик бўлиб қолган...

Канизак (Ҳанифа) – малла ранг кенг кўйлак кийган ва гуллик сарик дурра боғлаган... Ўрта бўйли озғингина... йиначидаккина бўлса ҳам, кўтосга ўхшаган баъзи одамларнинг иккитасини ишини қилади... (А. Қ.)

**164-машқ.** М.Юсуфнинг «Кўкламойим» шеърини дафтарингизга кўчиринг. Шеърдаги ўхшатиш, жонлантириш, сифатлаш, такрор каби бадиий услубга хос хусусиятларни белгиланг.

**165-машқ.** Ҳ. Олимжоннинг «Зайнаб ва Омон» поэмасидан келтирилган парчани ўқинг. Тил гўзаллиги ва тасвирлар бўёқдорлиги қайси мисралар орқали ифодаланганини аниқланг.

Зайнаб ўсган элнинг мисли йўқ,  
Зайнаб ўсган эл бахтга тўлик...  
Буни кўрган тез бўлар банда,  
Буни инсон бир қур кўрганда,  
Юрагида ҳеч армон қолмас,  
Бунга жаннат тенглаша олмас.  
Бунда кўшиқ айтган ариқлар  
Қаршисида парилар йиғлар.  
Қушларининг нағма – навоси  
Водийларнинг мраммар ҳавоси,  
Эрта баҳор очилган лола,  
Қоялардан учган шалола,  
Бинафшалар, ранго-ранг гуллар... (Ҳ.О.)

**166-машқ.** Қуйидаги матилар қайси услубда ёзилганлигини изоҳланг.

1. Қирғизистон Республикасининг ҳар бир фуқароси билим олиш ҳуқуқига эга. Асосий таълим мажбурий ва бепул бўлиб, ҳар бир одам ўқув муассасаларида ана шундай билим олишга ҳақлидир. (*«Қирғизистон Конституцияси» дан*)

2. Мақсадимиз – демократик, адолатли фуқаролик жамиятини куриш. Демократик жамиятни куриш Республикамиз халқлари манфаатига мос тушади. Шунинг учун жамиятни ислоҳ қилиш ва янгилаш бўйича кўп қиррали фаолиятимиз



марказида инсон, мустақил Республикамиз фуқароси туради.  
(«Инсон амали» дан)

3. Истеъмол бозори – аҳоли истеъмоли учун зарур бўлган товарлар ва хизматларнинг айирбошланиши. Истеъмол бозори турли-туман савдо шахобчаларидан иборат бўлади. («Бозор иқтисодиёти» дан)

4. Бўстонбекнинг катта аммаси Собирахон – жуда ажойиб аёл. Унинг неча ёшда эканини дабдурустдан айтиш кийин. Ўзи Бўстонбекнинг дадасидан ҳам, яна бир аммасидан ҳам катта, бувисининг тўнғич қизи. Лекин афтидан ёш кўринади, кўзлари норасталар кўзидай маъсум ва намли, одамга кулимсираб боқади. Бу табассум замиридан ҳаминша мубҳам бир мунг тепчиб туради. (Қ.М.)

167-машқ. Қуйидаги тест саволларининг тўғри жавобини белгиланг.

1. Арiza, тилхат, қарор ва ҳисоботлар қайси услубда ёзилади?

А. Илмий.

В. Публицистик.

Б. Расмий.

Г. Бадий.

2. Китобий услубнинг таркибий қисмлари берилган каторни аниқланг.

А. Илмий.

В. Публицистик.

Б. Расмий.

Г. Жавоблар тўғри.

3. Очерк, мақола, фельетонлар қайси услубда ёзилади?

А. Илмий.

В. Публицистик.

Б. Расмий.

Г. Бадий.

3. Тавсифнома, тавсиянома, маълумотнома, баённомалар қайси услубда ёзилади?

А. Илмий.

В. Публицистик.

Б. Расмий.

Г. Жавоблар тўғри.

### Такрорлаш учун топшириқлар

Топшириқлар:

1. Матни ўқинг. Уни бадий услубга айлантириб ёзинг.

### Назар Ражабов

Назар Ражабов 1930 йил 1 январда Самарқанд вилоятининг Пастдарғом районига қарашли Сарой кишлоғида туғилган.

Бошланғич ва тўликсиз ўрта маълумотни 31- мактабда олган; сўнгра 1945 йили Самарканд шаҳридаги педагогика билим юртига ўқишга кириб, техникумнинг иккинчи курсини 1946 йилда муваффақиятли тугаллайди. У 1947 - 1952 йиллар давомида Навоий номли Самарканд Давлат университетидеда ўқийди.

Университетни тугатгач, 1952 йил сентябридан 1954 йил 1 январигача Самарканд вилояти ижроия комитети хузуридаги бюрода лектор бўлиб ишлади ва 1953 йилдан 1956 йилгача ЎзДУда аспирантурада ўқийди. 1957 йилдан университетда ўқитувчи бўлиб ишлаб бошлайди. У 1959 йил 3 июлда «Ўзбек тилининг Қарноб шеvasи» деган мавзуда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди; 1960 йилдан СамДУ ўзбек тилшунослиги кафедрасида бир канча йиллар толиқмай меҳнат қилди.

Н. Ражабов ўзбек тилшунослиги масалалари бўйича 80 дан ортиқ илмий ва 40 дан ортиқ илмий оммабоб характердаги мақолалар ёзган.

## II. Матни ўқинг ва услубий таҳлил қилинг.

Адабиёт сўз санъати бўлса, адабиёт тарихи адабий тилимизнинг ривожланиш тарихидир. Шунинг учун, адабиёт тарихи борган сари тил тарихи билан яқинлашиб бориши керак. Кимёсиз физиология фан бўла олмагани каби, адабиёт тарихи ҳам тил тарихисиз фан бўла олмайди, – деб ёзган эди А.А.Потебня. Ҳақиқатдан ҳам, адабиёт тил билан тирик. Адабий асарни ўрганиш, аввало, унинг тилини ўрганишдан бошланади. *(Дарсликдан)*

III. Ҳамюртимиз Қўлдош Мирзонинг куйидаги ҳикоясини ўқинг.

### Васиятингизни бажаролмадим

Оғриб, ахволи пастлаб қолган Онам ўз ёнига чакириб, ўтиришга буюрди ва деди:

– Бу дунёда сендан яширган сиримни у дунёда яшира олмайман, кизим. Фарзандларим ичида сен тўнғич боламсан, сенга кўпроқ меҳримни берганман. – Гапининг шу ерига келганда тўхтади, кўзларини юмди. – Аммо, лекин... – дея яна тилга кирди. – Тўққан онанг мен эмасман. Сени ёруғ дунёга келтирган онанг бошка...

Мен бу кутилмаган совуқ хабардан сесканиб кетдим, додираб қолдим. Онамга ёпишиб:

– Нималар деяпсиз?! Гапингизни қайтариб олинг! Сиздан бошқа онам йўқ менинг. Гапим ёлғон денг! – Ўзимни йўқотиб кўзларимдан дув-дув ёш тўкиб ёлвора бошладим...

– Ўзингни қўлга ол, қизим. Бунинг тарихини бир бошдан эшит, – деб ҳикоясини давом эттирди. Онамнинг ҳикоясидан тасаввуримда қуйидаги воқеалар жонланди:

Кўзи ёриган аёл барча азоблардан кутилгандай, «Худога шукур» дея кўзларини очди. Чақалоғини кўрсатган дояга терс қараб:

– Йўкотинг, менга бола керак эмас! – деди. Бегуноҳ гўдакни рад этди. Бу холдан хайрон бўлган туғруқхона ходимлари унинг инсофга келишини бир-икки кун кутдилар. Илло аёл чақалоғини йўқламади, қўлга олмади.

Кўзи ёриганининг тўртинчи куни аёлга бир мактубча келтириб бердилар. Аёл бу қисқа хатни ўқиди-да, уни кутиб турган оқ тусли «Волга» автомобилига тушиб туғруқхонадан қочиб қолди.

Зурриётидан тонган номард ота, тошбағир она, қўркманлар: очилмаган кўзлари, йўлга кирмаган оёқлари билан чақалоқ сизларни қува олмайди, ушлаб ола билмайди. Қўркмасангиз ҳам бўлади: кизча сизларга ҳеч қачон ета олмайди, тақдирга тан бериб қолаверади.

Машина секинлаб, йўл четига тўхтади. Эркак аёлга... мўлтонилик билан тил учида ширин сўзлар айтди. Аёлнинг қулоғига тилла сирға, қўлига тилла узук тақди. Қоронғида ҳам ял-ял ёнаётган бу тақинчоклардан аёл яйраб кетди. Қувончи ичига сиғмай, хавотирини бир зум унутгандай бўлди. Кўкрак ситидан ивиган халатига қўли тегиб, кўз олди қоронғилашди...

Айни чоғда туғруқхонада чақалоқ чиркираб йиғлар эди. Шундай йиғлар эдики, оғзига солинган сўрғич ҳам унинг бўзлашини боса олмас эди. Чақалоқ номард ота ва бевафо онадан бир умрга жудо бўлганидан фарёд чекар эди.

Ташланганга тош тегмас, деб бежиз айтмаганлар. Олтинчи куни ушбу чақалоқ қолиб, унинг ҳамсояси бўлган бошқа чақалоқ ўлиб қолса бўладими!?



Эртасига марҳум чақалоқнинг онаси ташландик чақалоқни қўлига олди, бағрига босди, юзларидан ўпди. Гўдакнинг юзларини ўзининг кўз ёшлари билан ювди...

Мазкур ҳикояси сўнгида онам менга васият қилдилар:

– Агар менинг у дунёда тинчгина ётишимни истасанг, тукқан онамни излаб топ!

Тукқан онамнинг яшар манзили, ўнги-тусини айтиб берди. Онамнинг вафотидан бир неча ой ўтгач, керак манзилни излаб топдим. Қалбимда ажиб қизиқиш, ҳам нафрат, ҳам аянч билан мени дунёга келтирган аёлни кўрдим, таниб олдим. Миямда бир-бирига қарама-карши минг бир хил савол. Нима қилиш керак? Беқарорман.

Бир куни шаҳар бозоридан чиқишда уни учратиб қолдим. Икки қўлида юк. Бу ҳол адл коматига номуносиб кўринди. Қулоқ-бўйини, кўлларида тилла тақинчоқлар. Қандайдир куч унинг сари етаклади мени. Мен салом бериб, бир қўлидаги халтани олдим. Кўтаришиб бекатга келдим. «Раҳмат!» – дея менга такрор-такрор қаради. У чиққан машинага бирга чиқдим, у тушган бекатда у билан бирга тушдим. Уйигача юқини кўтаришиб бордим.

Онам тушимга кириб, талабини яна такрорлагач, кизчамни етаклаб тукқан онамнинг ҳовлисига бордим. У дарвоза кўнғироғига жавобан ошқора ғудраниб ити билан чиқиб келди.

– Келинг, синглим. Менда нима ишингиз бор? – деди. Унинг бу саволини эшитиб, авзойи баданимдан совуқ тер чиқиб кетди. Тилим калимага келмай каловланиб қолдим. Ўзимни зўрға қўлга олиб:

– Кечирасиз... Адашибман, – дедим. Ортимга қайтдим. Ок сут берган онамнинг пойига – қабристонга йўл олдим.

Жисмонан роса толиққан, интиҳосиз доғу хасратларим мурғак дилига ғубор бўлиб ўрнашган кизимни етаклаганча қабристонга кириб бордим.

Қизим индамас, итоаткорона менга эргашар, гўё тақдирим томошасига тушунаётгандай эди. Ер бағрига сингиб кетишга бўйсунмай бўртиб-бўртиб турган қабрларга лолу хайрон мўлтирар эди. Мен тўғри ок сут бериб улфайтирган онажонимнинг тупроғи қошига бордим. Тиз чўкдим.

– Онажон, васиятингизни бажара олмадим. Менинг сиздан бошқа онам йўқ. Ахир ҳар кимсанинг биргина онаси бўлади-ку. Оқ сут билан берган меҳрингиз жоним билан бирга кетар экан. (Қ.М.)

IV. Ҳикоядан икки бош бўлакли ҳамда бир бош бўлакли гапларга бештадан, ажратилган бўлакли ҳамда уюшиқ бўлакли гапларга иккитадан, кўчирма ҳамда қўшма гапларга тўрттадан мисол топиб ёзинг.

V. Ҳикояда баён қилинган воқеликка ўзингизнинг муносабатингизни баён қилиб, эссе ёзинг.

#### 40-§. Матн – энг йирик синтактик бирлик

Бир неча гапларнинг ўзаро грамматик ва мазмуний боғланишидан ташкил топган, мазмуний яхлитликка эга бўлган қўшма гапларга нисбатан йирикрок ёзма ва оғзаки нутқ парчаси матн ҳисобланади. Матннинг энг кичик бирлиги гап ҳисобланиб, улар матн таркибида маълум боғловчи воситалар ёрдамида боғланади. Улар қуйидагилар: боғловчилар, боғловчи вазифасидаги айрим сўзлар, такрорий бўлақлар, олмошлар. Масалан: *Насиба аъло ўқиши ва одоби билан мактабда катта ҳурматга эга. У жамоат ишларида ҳам фаол қатнашади.* Ушбу матн таркибидаги иккинчи гап бошида келган у олмоши биринчи гап таркибида келган *Насиба* ўрнида келиб, иккинчи гапни биринчи гапга мазмунан боғлаб келади. Шунинг учун у олмоши матн қисмларини боғловчи, яъни матн ҳосил қилувчи восита саналади. Матн ҳосил қилишда такрорлар ҳам муҳим воситадир, чунки улар гапларни боғловчи восита ҳисобланади ва услубий бўёдорлик ҳосил қилади:

*Олти ойким, шеър ёзмайман, юрагим зада,*

*Олти ойким, ўзгаларга тилайман омад.*

*Олти ойким, дўстларим ҳам пана-панада*

*Истеъдодим сўнганидан қилар каромат. (А.О.)*

Такрорлар гап охирида қўлланилиши ҳам мумкин:

*Гул бўлиб, гул-гул ёниб,*

*Гулиан аро Гулчехралар,*

*Гул узиб ўйнар, қўйиб  
Гулга бино Гулчеҳралар.*

*Бунча ҳам оқил эканлар,  
Олдилар ақлу ҳушим,  
Бунча ҳам дилга яқин  
Бу дилрабо Гулчеҳралар.*

*Қай бирин ортиқ қўяй,  
Йўқ, тенг экан шеър бобида  
Нодира, Маҳзуна-ю  
Зебунисо, Гулчеҳралар.*

*Бу чаман гулларга кондир  
Очилиб яшнанг мудом,  
Гул бўлиб, гул-гул ёниб,  
Гулшан аро Гулчеҳралар. (Э.В)*

**168-машқ.** Ўқинг. Матн қисмларини боғловчи воситаларини айтинг. Тиниш белгиларининг қўйилиш сабабларини тушунтиринг.

### **Муаллими Соний**

Шом шаҳри мадрасаларидан бирида арабшунос олимларнинг йиғилиши давом этарди. Раислик қилувчи ёш бир йигитчага сўз берди. У араб тили шевасининг товуш хусусиятлари ҳақида маъруза қилди. Маъруза жиддий баҳсга сабаб бўлди. Охирида барча машҳур тилшунос олимлар бу йигитчани араб тили донишманди, деб тан олдилар. Бу – комусий билим соҳиби, машҳур файласуф, шоир, адабиётшунос ва мусикашунос Абу Наср Форобий эди. “Форобий етмиш тилни биларди”, – деган нақл ўшандан қолган.

Абу Наср Форобий 870 йили Сирдарё бўйидаги Фороб шаҳрига яқин қишлоқда дунёга келди. Бошланғич таълимни ўз қишлоғида олган Форобий Бухоро ва Самарқанд мадрасаларида билим олди. Форобий ҳам илм ўрганар, ҳам муаллимлик қиларди.

Муаррихларнинг гувоҳлик беришича, Форобий бутун умрини илм ўрганишга бағишлаб, араб мамлакатларидаги мадрасаларда дарс бериш билан камтарона, факирона ҳаёт кечирган. Биргина Шом шаҳрида унинг мингдан зиёд шогирдлари бўлган. У 950-951 йиллар оралиғида вафот этган.



Абу Наср Форобий қомусий билим соҳибидир. У 130 та асар ёзганлиги, уларнинг 17 таси турли олимларнинг фалсафий асарларига ёзилган шарҳ, 60 таси алоҳида китоб, 5 таси бир қанча мақолаларни ўз ичига олган мажмуалар ҳисобланади. Булар орасида «Сиёсат ва маданият», «Рухнинг моҳияти ҳақида рисола», «Фалсафанинг муқаддимаси», «Илмлар мажмуаси» асарлари машҳурдир. Форобий шеърят ва мусика назариясига доир китоблар ҳам ёзган. Унинг шеърятга доир рисоласи ўзбек ва рус тилларида нашр этилган.

Илм-фанда дунёда биринчи муаллим қадимги юнон файласуфи Аристотель (Арасту) ҳисобланади. Форобий антик юнон файласуфларидан Евклид, Платон (Афлотун) ва Аристотелг асарларини таржима қилиб, шарҳлаб, Шарқда кенг тарқалишига жуда катта ҳисса қўшгани ва жуда кўплаб фалсафий масалаларни ўша олимлар даражасида талқин этгани учун «муаллими соний» – «иккинчи муаллим» деб ном олган.

Буюк бобомиз Форобийнинг меҳнатқашлиги, билим ўрганиш борасида мунтазам изланиши, камтарлиги билан бизга ибратдир. (Журн.)

**169-машқ.** Матнларни ўқиб, мазмунини таҳлил қилинг. Матнлар қандай мавзуларга бағишланган.

## I

Ярим ҳақиқат чин билан ёлғоннинг ўртасида туради, деган одам янглишади. Ярим ҳақиқат ҳамиша чиндан кўра ёлғонга яқинроқ туради. Ўнта ярим ҳақиқатни улаган билан битта яхлит ҳақиқат ясаб бўлмайди. Негаки чала ҳақиқатларнинг қиёфаси минг хил, чинакам ҳақиқатники эса бир хил бўлади. Ҳақиқатнинг камёблиги ҳам, қадри ҳам шунда! (Ў.Ҳ.)

## II

X асрга келиб, Шарқда ҳозирги замон Европа олимлари «ислом маданияти» деб номлаган бир маданият юзага келдики, унинг таркиби, араб, форс ҳамда туркий қатламлардан иборат эди. Юсуф Хос Ҳожибнинг машҳур «Қутадғу билиг» асари мана шу маданият меваларидан бири эди. Асар хижрий 426 (мелодий 1069-1070) йилда ёзилган.

«Кутадғу билиг»даги бош масалалардан бири комил инсонни тарбиялашдир. Адиб бу асар орқали ўз тасаввурида энг комил, жамиятнинг ўша даврдаги талабларига жавоб бера оладиган инсонни қандай кўрган бўлса, шу асосда ўз қарашларини баён этади. Шоир назарида, бола қанчалик пухта назорат остида бўлса, ота-онанинг юзи шунчалик ёруғ бўлади. Назоратдан четда қолган бола ярамас бўлади. (*Б. Тўхлиев*)

#### 41-§. Туркий тиллар. Ўзбек тилининг туркий тиллар тизимида тутган ўрни

I. Ўзбек тили туркий тиллардан бири бўлиб ҳисобланади. У тизими жиҳатидан Ўрта Осиё ва Қозоғистон ҳудудидаги тиллар ва бошқа тиллар қурилишига ўхшайди. Бу эса ўзбек тилининг бошқа туркий тиллар билан қардошлигидан далолат беради.

II. Ўзбек тилидаги сўзлар барча туркий тилларда бўлгани каби, асосан уч товушли бўлади: *бил, дил, тил, кел, қол, кўз* кабилар. Туркий тилларда жумладан, ўзбек тилида *от, ов, ой* каби бир бўғинли; *икки, олти, йигирма, ўттиз* каби кўп бўғинли сўзлар камдир. Айрим сон ва кўмакчиларни ҳисобга олмаганда, сўз охирида ундошларнинг қатор келиши юз бермайди: *орт, ост, уст, тўрт* каби.

III. Ўзбек тилида ва бошқа туркий тилларда кўшимчалар асосан ундош билан бошланади. Префикслар туркий тилларда учрамайди. Аффикслар ўзакка бирин-кетин қўшилади.

IV. Туркий тиллар учун хос бўлган *бош, тош, тиш, бет, ёш* каби сўзларнинг кўпчилиги кўп маънолидир. Буларнинг ҳаммаси ўзбек тилини ҳам туркий тиллар қаторига қўшилишига имкон беради. Шунинг учун ҳам академик А. Самойловичнинг туркий тиллар таснифига кўра, ўзбек тили ўғуз гуруҳига ҳам, қипчоқ гуруҳига ҳам, чиғатой гуруҳига ҳам киритилади. Бу ҳол эса тасодифий эмас. Чунки ўзбек тили Ўрта Осиё ва Қозоғистондаги ўғуз, чиғатой, қипчоқ гуруҳларига кирувчи туркман, қорақалпоқ, қозок, қирғиз, уйғур тиллари билан яқин ва ўхшашдир.

V. Ўзбек тили ўзининг фонетик тузилиши, грамматик қурилиши ва луғат таркибига кўра турли туркий тиллар

билан бирлашадиган умумий хусусиятларига ва у тиллардан фарқ қиладиган ўзига хос белгиларига эгадир.

VI. Ўзбек адабий тили бошқа туркий тиллардан унлиларнинг қаттиқ-юмшоқлиги, узун-қисқалиги ва миқдор-сифати билан фарқ қилади. Масалан, ўзбек, қирғиз, уйғур тилларидаги унлилар сони бир-биридан кескин фарқланади. Чунки, ўзбек тилида олтита, қирғиз ва уйғур тилларида эса саккизтадан унли мавжуд.

Умуман, унлилар энг кучли сонор товушлар бўлгани учун ҳар доим бўғин ҳосил қила олади. Масалан: *Оламан* сўзи уч бўғиндан *о-ла-ман*; корхонамиз сўзи эса тўрт бўғиндан *кор-хо - на - миз* иборат бўлиб уларнинг ҳар бирида бўғинни ҳосил қилувчи биттадан унли товуш бор. Баъзи тилларда бир бўғин таркибида икки ва ундан ортиқ унли товушлар бўлиши ҳам мумкин. Масалан: қирғиз тилидаги *тоодо* (*тогда*), *соода* (*савдо*) сўзларида *тоо*, *соо* биринчи бўғин; *-до*, *-да* иккинчи бўғин бўлиб, биринчи бўғиндаги икки унли товуш бир бўғинни ҳосил қилган.

VII. Ўзбек адабий тилида кўплик *-лар* аффикси билан ифодаланadi. Бошқа туркий тилларда ҳам *-лар* берилadi. Лекин козoқ тилида олтита (*-лар*, *-лер*, *-дар*, *-дер*, *-тар*, *-тер*), қирғиз тилида ўн иккита (*-лар*, *-лер*, *-лор*, *-лөр*, *-дар*, *-дер*, *-дор*, *-дөр*, *-тар*, *-тер*, *-тор*, *-төр*) вариантлари бор.

Бўғинлар кичик қисмларга, яъни товушларга бўлинади. Бўғин бир ёки бир неча товушлардан ташкил топади. Масалан, *китоб* сўзи икки бўғиндан иборат бўлиб, биринчи бўғини *-ки* икки товушдан, иккинчи бўғини *-тоб* уч товушдан ташкил топган: *осон* сўзи ҳам икки бўғиндан иборат бўлиб, биринчи бўғини *-о* бир товушдан, иккинчи бўғини *-сон* уч товушдан ҳосил бўлган. Баъзи тилларда сонор ундош (*л, м, н, р*) товушлар ҳам бўғин ҳосил қилади.

**170-машқ.** Саволларга оғзаки жавоб беринг.

– Ўзбек тили қайси тиллар оиласига мансуб?

– Ўзбек тили тизими жиҳатидан қайси тиллар қурилишига ўхшайди?

– Ўзбек тилининг фонетик тузилиши бошқа туркий тилларнинг фонетик тузилишига қайси жиҳатлари билан ўхшайди?



– Ўзбек адабий тилининг унли товушлари туркий тиллар унли товушларидан қандай фаркланади?

**171-машқ.** Топшириқларни ёзма бажаринг.

– Ўзбек, қирғиз, қозоқ тилларининг алифбосини ёзинг. Қиёсланг.

– Ўзбек, қирғиз, қозоқ тиллари алифбосидан унли товушларни топиб кўчиринг.

– Ҳар бир унлига мисол топинг; унлилар сўз бошида келсин.

– Ўзбек, қирғиз, қозоқ тиллари алифбосидан ундош товушларни топиб кўчиринг.

– Ҳар бир ундошга мисол топинг; ундошлар сўз бошида келсин.

– Уч тилдаги ундошларнинг қай бирининг талаффузида фарқи бор, аниқлаб ёзинг.

**172-машқ.** Топшириқларни бажаринг.

1. Қуйида берилган жадвални ўқинг ва қиёсланг.
2. Қирғиз тилидаги унлилар оҳангдошлигига аҳамият беринг.
3. Ёд олинг.
4. Жадвалда берилган сўзларнинг ҳар бирига 2 тилда гап тузинг.


Ўзбек тилида	Кўплик аффикси	Қирғиз тилида	Кўплик аффикси
сотувчилар тоғлар кемалар билимлилар	-лар -лар -лар -лар	сатуучуулар тоолор кемелер билимдүү лөр	-лар -лор -лер -лөр
шкафлар ўтлар китоблар ўрдақлар	-лар -лар -лар -лар	шкафтар отгор китептер өрдөктөр	-тар -тор -тер -төр
олтинлар столлар кийимлар кунлар	-лар -лар -лар -лар	алтындар столдор кийимдер күндөр	-дар -дор -дер -дөр

**173-машқ.** Ўқинг. Қадимги туркий тилда қўлланилган сўзларни маъносини изохлаб, улар иштирокида гаплар тузинг.

Аб (ов), абыт (тинчитмоқ), абынчу (кувонч), абуч (ховуч), адаш (ўртоқ), адақ (оёқ), азун (дунё), азғур (йўлдан урмоқ), азық (милк), азуқ (озуқ), алты (олти), бар (бор), беглик (беклик), изиш (идиш), илиг (қўл), будун (халқ), йарыл (ёрилмоқ), йық (йикитмоқ).

**174-машқ.** Қуйида аввал ўзбек тилидаги сифат ясовчи аффикс, сўнгра қирғиз тилидаги сифат ясовчи аффикслар берилган. Ўқинг. Ёдда сақланг. Аффикслар иштирокида сифатлар ясанг.

Ўзбек тилида қирғиз тилида ўзбек тилида қирғиз тилида



I. Маълумки, нутқ товушлари ёзувда ҳар қайси тилда қабул қилинган белгилар – ҳарфлар орқали акс эттирилади. Бироқ сўзлашув жарёнида нутқ товушлари ҳарфлар орқали акс эттирилганидек, якка - якка ҳолда ишлатилмайди. Нутқ товушлари ҳар бир тил қонун - қоидаларига мувофиқ маълум тартиб билан тутшиб, бирикиб сўз ҳосил қиларкан, сўз таркибида акс эттирилган ҳарфларга нисбатан бир мунча ўзгарган ҳолда талаффуз этилиши мумкин. Сўзлашув жараёнида нутқ товушларининг ўзгариши айрим товушларнинг бир-бирига таъсир қилиши натижасида рўй

беради. Масалан, ёзувда *ётди, келибди* шаклида ёзиладиган сўзлар оғзаки нутқда *ётти, келипти* шаклида талаффуз этилади. Нутқда сўз таркибидаги товушларнинг бундай ўзгаришига комбинатор ўзгаришлар дейилади. Комбинатор ўзгаришлар ассимиляция, диссимиляция жараёнларида ва бошқа фонетик жараёнларда рўй беради.

Ассимиляцияда нутқ товушлари қатор келиб бир-бирига таъсир қилиб, бири иккинчисини ўзига мослаштиради. Сўз таркибидаги икки хил ўхшаш нутқ товушининг бир-бирига таъсири натижасида юзага келган жараён диссимиляция ходисаси дейилади.

II. Ҳозирги ўзбек адабий тили сингармонизмнинг (унлилар оҳангдошлиги) заифлиги жиҳатидан бирорта туркий тилга мос келмайди. Ўзбек тилининг ундошлар тизими эса бошқа туркий тилларга мос тушади. Аммо туркий тиллардан баъзиларида ундошлар бошқачароқ ишлатилади.

III. Ўзбек тили билан туркий тиллар ўртасида ўхшашлик ҳамда ноўхшашликлар уларнинг луғат таркибида ҳам мавжуддир. Агар биз ўзбек тили луғат таркибини кўздан кечирсак, унда умумий туркий тилларга, Ўрта Осиё ва Қозоғистондаги туркий тилларга тегишли ҳамда фақат ўзбек тилининг ўзига хос сўзларини учратамиз.

Умумий туркий тилларга тегишли сўзларнинг дастлабки қўлланишини руник ёзма ёдномаларида учратамиз.

Ўрта Осиё ва Қозоғистондаги туркий халқларга алоқадор бўлган сўзларнинг дастлаб ишлатила бошланишини X-XIII асрлар ёдгорликларида кўраамиз.

IV. Ўзбек тилида бошқа туркий тилларга хос хусусиятлар билан бирга туркий бўлмаган тилларда сўзлашувчи этник унсурларнинг ҳам таъсири бор. Бу ҳол ўзбек тили материаллари асосида туркий тилларга оид бир қатор муаммоларни ҳал қилишда қиёсий-тарихий усулларни жорий қилишга кенг имкон беради.

Қиёсий-тарихий усулни жорий қилиш натижасида ҳозирги қардош тилларни ва ҳозирги адабий тилни ёзма ҳолда сақланган ёдгорликлардаги тил фактлари билан қиёслаб ўрганиш орқали ўзбек тили тарихи билан ҳозирги



Ўзбек тили ва қардош тиллар орасидаги алоқани аниқлаш мумкин.

**175-машқ.** Ўқинг. Товушларнинг алмашинишини кўрсатинг. Сабабини тушунтиринг.

1. Боғ – бокқа, тоғ – тоққа, барг – баркка. 2. Тилак – тилагим – тилагимиз; байроқ – байроғим–байроғимиз. 3. Онг – англа; сон – сана. 4. Сайла– сайловчи; боғла – боғловчи; ишла – ишловчи.

**176-машқ.** Ўқинг. Ассимиляция ҳодисасига кўра ўзгардиган товушларни кўрсатинг.

Безак+га, от+дан, ёз+син, туз+син, бир+га, туг+ган.

**177-машқ.** Диссимиляция ҳодисасига кўра ўзгарган товушларни кўрсатинг.

Зарар – зарал, зарур–зарул, учта–ушта.

**178-машқ.** Қуйидаги сўзларда сингармонизм қондасига асосланиб ўзгарган аффикслар ўзбек ва қирғиз тилларида берилган. Топиб изоҳлаб бering. Сўзларни катнаштириб гап тузинг.

Синиқ чизғич – сынык сызгыч, йиғлоқ қиз – ыйлаак қыз, ўйинкароқ бола – оюнकारак бала, сузгич сигир – сүзөнөөк уй, тепагон от – тебенээк ат, чакқон қиз – элпек қыз; бузук соат – бузук саат, кулун от – күлүк ат, ялтироқ рўмол – жылтырак жоолук.

**179-машқ.** Ер шари картасидан туркий халқлар зич яшайдиган жойларни топинг. Ёзинг.

#### 42-§. Ёзувларнинг пайдо бўлиши ва таракқиёт босқичлари. Ўзбек алифбоси тарихи

I. Нутқ дастлаб фақат оғзаки бўлган. Кишилиқ жамияти таракқиётининг маълум даврида зарурият натижасида аста-секин ёзув яратилган.

Ҳозирда жаҳондаги халқлар 220 дан ортик ёзувдан фойдаланадилар. Ана шу ёзувлардан жуда кенг тарқалгани лотин алифбоси асосидаги ёзувлардир. Жаҳондаги халқларнинг 30 фонзидан зиёди лотин ёзувида ёзадилар.

Ўрта Осиёнинг энг қадимги маҳаллий халқи шак ва массагет уруғлари бўлиб, уларнинг ҳам ўз ёзувлари мавжуд эди. Ана шу ёзувдан қадимий хоразмий ва сўғд ёзувлари яратилган.

Қадимги туркий ёзув ёдгорликлари дастлаб Жанубий Сибирнинг Энасой дарёси ҳавзаларида ва Мўғулистоннинг Ўрхун водийсида топилган. Шунга нисбатан қадимги туркий ёзув Ўрхун-Энасой обидаларининг ёзуви деб ҳам юритилади. Илк ёдгорликлар XVIII аср бошларида топилган бўлишига қарамай, уларнинг ўқилиши XIX асрнинг охиригача номаълумлигича қолди.

1893 йили даниялик олим В. Томсен ва рус олими В. В. Радлов қадимги туркий ёзувни ўқишга муваффақ бўлдилар. Кейинчалик қадимги туркий ёзма ёдгорликлар Марказий Осиёнинг турли жойларида, хусусан, Талас водийси, Фарғона водийси, Юқори Зарафшон водийсидан топилди.

Ҳозирда олимлар Мўғулистондан то Дунайгача минглаб чақирим масофа оша тарқалган қадимий туркий битикларни бир қанча маҳаллий алифболари билан ёзилган деган фикрни билдирмоқдалар.

II. 1970 йилларгача туркий ёзув эрамизнинг VI-VII асрларида шаклланган деган хулоса бор эди. Кейинги топилмалар туркий ёзувнинг илдизларини икки ярим минг йиллик ўтмишдан изламоқ керак, деган хулосани чиқаришга асос бўлди.

Демак, Ўрхун ва Энасой ёдгорликлари хатини ёзувнинг анча кейинги – такомил этган босқичи дейиш мумкин.

Қадимги турк хати аждодларимизнинг буюк кашфиётидир. Бу ёзувлар Рим ёзувларига ўхшаб кетганлиги учун рун (руник) ёзувлари деб ҳам юритилади.

III. Ўрта Осиёда X – XV асрларда уйғур ёзуви ҳам мавжуд бўлган. Бу ёзувда битилган ёдгорликларнинг қадимгиси Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асарининг Вена кутубхонасидаги нусхасидир. Аҳмад Югнакийнинг «Ҳиба-тул ҳақойиқ» асари, Хоразмийнинг «Муҳаббатнома» си ва бошқа шоирларнинг айрим шеърлари ҳам уйғур ёзувида ёзилган. Уйғур ёзуви маълум муддат араб ёзуви билан тенг ишлатилган.

IV. VIII аср бошларида Ўрта Осиёда араблар ҳукмронлиги бошланиб у юз йиллар давом этган. Аста-секин араб ёзуви тарқалиб, Ўрта Осиё халқларининг ўз ёзувларини сиқиб чиқара бошлаган.

Араб ёзувида битилган энг эски туркий ёдгорликлар XI асрга тааллуқли бўлиб, булар Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асарининг Наманган ва Қоҳира нусхалари ҳамда М. Қошғарийнинг «Девону луғотит турк» асаридир.

Ўзбек халқи тахминан 1200 йил давомида араб алифбосидан фойдаланганлар. Аммо ўзбек тилининг ўзига хос нутқ товушлари учун ҳарфлар кашф қилиниб, араб алифбосига қўшилмаган.

V. 1926 йилнинг 26 февралда Бокуда туркологларнинг биринчи қурултойи бўлган. Қурултойда туркий халқларнинг ўз алифболари учун лотин ёзувини асос қилиб олишлари тавсия этилган.

Ўзбекистонда 1926 – 1930 йилларда лотин алифбоси асосидаги янги ёзувга ўтилган эди. 1940 йилнинг 8 майида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши сессияси рус графикаси асосидаги янги ўзбек алифбосини маъқуллади ва ана шу алифбога ўтилди. Бу алифбода 35 та ҳарф бор.

Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2-3 сентябрда бўлиб ўтган Олий Кенгашида ўзбек ёзувини лотин алифбосига ўтказиш тўғрисида қонун қабул қилинди. Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида 29 ҳарф бор.

VI. Қирғизистон, Қозоғистон, Тожикистон ва бошқа республикалардаги ўзбеклар ҳозирги кунда рус графикаси асосидаги ўзбек алифбосида ўқийдилар.

**180-машқ.** Саволларга оғзаки жавоб беринг.

- Ер юзидаги халқлар тахминан қанча ёзувдан фойдаланадилар?
- Қайси ёзув энг кўп тарқалган?
- Қадимги туркий ёзув ёдгорликлари қаердан топилган?
- Араб ёзувида битилган энг эски туркий ёдгорликлар ҳақида сўзланг.
- Рус графикаси асосидаги янги ўзбек алифбоси ҳақида гапиринг.



**181-машк.** Ўқинг. Матига режа тузиб, режа асосида қайта хикоя қилинг.

Биз Қўконга яқин Яйпан қишлоғида турар эдик. Онам ғира-шира қоронғу уйда тўлғоқ тутиб ётар, ичкаридан унинг инграган, додлаган товуши эшитилар эди. Яйпан катта қишлоқ, лекин у вақтда доктор, тиббий ёрдам деган гаплар бировнинг тушига ҳам кирган эмас. Бундай кезларда кўни-кўшнилардан бирор кекса аёл чақирилар эди. Унинг тажрибали момо бўлиши шарт эмас, қарилгининг ўзи кифоя эди. Биз Яйпанга яқинда кўчиб келган, у ерда қариндош - уруғларимиз йўқ эди, шу сабабдан дадам кўшни бир кампирни чақириб чиқди. Кампир келиб аям ётган уйга кириб кетди. Дадам икковимиз ховлида ўтирдик... Қоронғи тушди. Мени уйку боса бошлади. Ёнимда ўтирган дадам бирдан ўрнидан турди. Кўзимни очдим. Тепамда бояги кўшни кампир турар эди.

– Қалай? – деди дадам ховликиб.

– Қийланяпти бечора, – деди кампир ва бир оз жим қолганидан кейин менга ишора қилди. – Болага айтинг, аясини дуо қилсин, гўдакнинг дуоси ижобат бўлади.

Дадам энгашиб менинг қулоғимга шивирлади:

–Худоё аямга нажот бергин, дегин, айт!

Дадам кўркув ва жаҳл аралаш мени кистарди... Дуо қила бошладим, бу орада бир-икки йиғлаб ҳам олдим, кейин ухлаб қолибман. Эрталаб уйғонсам, аямнинг кўзи ёрибди... (А. Қ.)

**182-машк.** А. Қодирийнинг “Меҳробдан чаён” романидан олинган шеърини парчаларни ўқинг. Мазмунини айтинг.

Ёғлар тўқилса ерга ётиб ялар тақсирим,

Бўлса бозорда пастлик сотиб олар тақсирим.

Менинг учун бир зирак, Раънобонуга «жевак»,

Деса ойим – «Не керак?!» юмма талар тақсирим.

«Қулоқ тешиш фазл эмас, пулни топиш ҳазил эмас,

Жевак тақиш фарз эмас!» – ғавғо солар тақсирим.

Вақтики, ажал паймонаси тўлди,

Мунший мулла Муҳаммад Ражаббек ўлди!

Фазл боғида очилган бир гул,

Яъни, гул шохига қўнган булбул,

Ба номи мулла мирзо Анвар,

Камолига мусалламдир аксар.  
Хузури муборакдан олиб ёрлик,  
Майдони қаламкашликда қилур сухандонлиғ.  
Хар кимсанинг ким бахти кулса,  
Шоҳига бажону дил ила хизмат қилса,  
Лутфу шоҳонага сазовор бўлғай,  
Атрофи зару зевар ила тўлғай!...

#### 43-§. Ўзбек адабий тилининг шаклланишида М. Қошғарий ва «Девону луғотит турк» асарининг ўрни

Ўзбек (қадимги туркий) тилини ўрганиш М. Қошғарийдан бошланади. М. Қошғарий энг биринчи туркий тилшуноси, адабиётшуноси, элшуноси сифатида ном чиқарган олимдир. Аллома ўз даврининг атоқли олими сифатида тилшуносликка оид «Жавоҳир-ун-нахв фи луғотит турк» («Туркий тилларнинг синтаксис дурдоналари, қодалари»), «Девону луғотит турк» («Туркий сўзлар луғати») каби асарлар яратган. Унинг биринчи асари ҳозиргача номаълум бўлиб, иккинчи – «Девону луғотит турк» асари 1914 йилда Туркиянинг Диебакир шаҳрида топилган. Машхур асар муқаддима ва луғат қисмидан иборат бўлиб, муқаддимада муаллиф «Девон»ни яратиш сабаблари, асар қурилиши, товуш, ҳарф, сўзлар ҳақида, турк тилининг хусусиятлари ҳақида, тилда ва лаҳжада бўлган фарқлар ҳақида фикр юритади. «Девону луғотит турк»нинг асосий қисмида олти мингдан зиёд сўзлар изоҳланади.

М. Қошғарийнинг «Девону луғотит турк» асари оддий луғат китоби бўлмай, ўша даврдаги туркий тилларнинг ҳолатини белгилашда тилшунослик илмига қўшилган муҳим ҳиссадир. «Девону луғотит турк» ўрта Осиё халқлари тилларининг, шу жумладан, ўзбек тилининг ташкил топишида асос бўлган қабилаларни аниқлаш учун ёрдам берувчи муҳим материал бўлиб хизмат қилади.

Олим ўз асарида ўзбеклар, қозоқлар, қирғизлар, туркманлар, татарлар ва бошқа халқларнинг қадимги содда тилларига оид намуналарини мукамал изоҳлади. Ўша давр тилининг фонетикасини, лексикасини, диалектологиясини

жуда пухта илмий асосда изоҳлаб берди. Сўз, сўз маъноси-нинг кенгайиши, торайиши, сўзларнинг этимологияси, сўз ясалиши, сўз ясовчи аффикслар ҳақида дастлабки илмий хулосалар чиқарди. Шунингдек, ўша давр туркий тиллар фонетикасига доир тадқиқот ишлари юритиб, товуш ва ҳарфлар ўртасидаги муносабатларни биринчи бўлиб аниқлади. Унли, ундош товушлар ҳақида дастлабки тадқиқот ишлари яхши натижаларини берган.

Олимнинг “Девону луғотит турк” асаридан ҳозиргача тилшунослар, шевашунослар, тарихчилар, географлар, этнографлар, фольклоршунослар, адабиётшунослар кимматли маълумотларни олиб, кўплаб илмий - тадқиқот ишлари олиб боришмоқда.

**183-машқ.** Саволларга оғзаки жавоб беринг.

– “Девону луғотит турк” асари муаллифи ҳақида сўзланг.

– “Девону луғотит турк” асарининг яратилиши ҳақида сўзлаб беринг.

– “Девону луғотит турк” қайси қисмлардан иборат?

– Асосий қисм ўз ичига қайси бўлимларни олади?

– Тилшуносликка оид қандай илмий тадқиқот ишлари мавжуд?

#### **44-§. А.Навоийнинг она тили ривожидagi амалий хизматлари**

Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг адабий тил равнаки учун олиб борган кураши маданиятимиз тарихида муҳим ўрин тутади. У чинакам ватанпарвар шоир ва олим сифатида халқ тилининг битмас-туганмас манбаларидан фойдаланиш, унинг бойлиги ва нафислигини намойиш этиш билан бутун авлодларга ўрнак бўлди.

Ўзбек адабий тилининг асосчиси бўлган Алишер Навоий уч тил (форс, араб ва туркий тил) ўзаро курашаётган бир пайтда ўз асарларини ўзбек тилининг бой хазинасидан фойдаланган ҳолда ёзди. У «Хазойинул-маоний», «Хамса», «Лисонут-тайр» каби бадиий адабиёт намуналарини,



“Мажолисун-нафоис” «Мезонул-авзон» каби адабиётшуносликка оид асарларни, «Муҳокаматул-луғатайн» каби тилшуносликка оид асарини шу тилда яратди. Бу билан ўзбек тилининг бадий, илмий асарлар яратиш учун бой имкониятларга эга эканлигини амалда ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан исботлади ҳамда ўзбек тилининг ихчам грамматик қурилишига ва бой луғат хазинасига эга эканлигини кўрсатди.

Навоий ўзбек тилининг имконият ва қудратига катта эътибор билан қаради. Она тили ривожига ҳисса қўшиш ҳар бир халқнинг энг биринчи ва муқаддас вазифаси эканлигини асарларида белгилади. Навоийнинг асарлари тил ва услуб жиҳатидан маълум даражада халққа тушунарли бўлиши учун ҳаракат қилди. Чунки у халқ билан ўз она тилида сўзлашиш зарур деган қондага амал қилиб келди. Шунинг учун ҳам унинг асарлари ҳозиргача халқимиз томонидан севиб ўқилмоқда.

**184-машқ.** Саволларга оғзаки жавоб бериш.

– Адабий тил учун курашнинг аҳамиятини Навоий қандай тушунган?

– Ўзбек адабий тили ривожини учун курашда Навоий қандай амалий, назарий ишлар қилди?

– Навоийнинг тил ва тафаккур тўғрисидаги фикрлари мазмунини сўзланг.

#### **45-§. “Муҳокаматул-луғатайн” ва унинг ўзбек тили тараккиётида тутган ўрни**

Алишер Навоий ўзининг “Ҳазойинул-маоний”, “Хамса”, “Мезонул-авзон” “Чор девон”, “Маҳбубул-қулуб”, “Мажолисун-нафоис” каби асарлари билан ўзбек адабий тилини амалий жиҳатдан асослаган бўлса, “Муҳокаматул-луғатайн” (Икки тилнинг муҳокамаси) асарида назарий жиҳатдан асослади. Ушбу асарда эски ўзбек тили билан форс-тожик тили қиёсланади. «Муҳокаматул-луғатайн»ни ёзиш билан Алишер Навоий ноқардош тилларни қиёсий ўрганиш усулини бошлаб берди. Ўзбек тилини форс-тожик тили

билан киёслар экан, у ўзбек тилининг ҳам бой имкониятлари мавжуд эканлигини кўрсатади. «Муҳокаматул-луғатайн»да ёзади: «...андин сўнграким, турк (эски ўзбек) тилининг жамияти мунча далоил билан собит эрдиким, бу халқ орасидин пайдо бўлган таъ ахли салоҳият ва таъларин ўз тиллари турғоч, ўзга тил била зоҳир килмаса эрди. Ва агар иккаласи (ўзбек ва форс-тожик) тили била айтур қобилиятлари бўлса, ўз тиллари била кўпроқ айтсалар эрди ва яна бир тил била озроқ айтсалар эрди. Ва агар муболаға қилсалар, иккаласи тил била тенг айтсалар эрди». (А. Навоий. Асарлар. 15 томлик, 12-15 томлар. Т., 1966.)

Ушбу асарда ўзбек тили тарихи учун қимматли бўлган фикрларни беради. Масалан, от ясовчи *-чы/-чи, -вул* аффикслари, феъл шакллари хосил қилувчи *-и, -т, -л* аффикслари ҳақидаги; ўзбек тилининг тарихий фонетикасига доир *у, в, ва и, е* товушларининг турлича талаффуз этилиш натижасида сўз маъноларининг ўзгариши; омоним ва полисемик сўзлар ҳақидаги; феъл, от сўз туркумларига оид тадқиқоти натижалари шулар жумласидандир.

**185-машқ.** Саволларга оғзаки жавоб беринг.

– А. Навоийнинг лингвистик фаолиятини қандай баҳолайсиз?

– Туркий тилнинг лексик бойликларини Навоий нима билан исботлади?

– А. Навоий бошқа халқлар ва уларнинг тилларига қандай муносабатда бўлган?

– «Муҳокаматул-луғатайн» – тилшунослик фанининг биринчи (ўзбек) назарий асари сифатида қараш мумкинми? Исботланг.

**186-машқ.** Қуйида «Муҳокаматул-луғатайн» да келтирилган феъл-инфинитивдан мисоллар берилди. Диққат билан ўқинг. Маъносини айтинг.

Хувормок, курукшамоғ, ушармоқ, жийжашмоқ, ўнгдаймоқ, чекирмоқ, дўмсаймоқ, умунмоғ, ўсанмоқ, йиғламсинмоқ, инграмоқ, синдирмақ, ўқурмақ.

**187-машк.** А.Навой қаламига мансуб туюқни ўқинг. Ажратиб кўрсатилган сўзларнинг маъносини изоҳланг.

Лаълидин жонимға ўтлар ёкилу<sup>р</sup>,  
Қоши қаддимни жафодин ё қилу<sup>р</sup>,  
Мен вафосин ваъдасидин шодмен,  
Ул вафо, билмонки, қилмас ё қилу<sup>р</sup>

#### 46-§. Ўзбек адабий тили таракқиётида З.М.Бобурнинг ўрни

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўз асарлари билан ўзбек адабиётини ривожлантиришда зўр ҳисса кўшганидек, ўзбек адабий тилини юксалтиришда, янада такомиллаштиришда ҳам катта ҳиссасини қўшди. Бобур адабий тил давлат аҳамиятига эга бўлган муҳим ва масъулиятли вазифа эканлигини чуқур англаган ҳолда асарларини ўз она тилида содда қилиб ёзишга ҳаракат қилди. Бобур асарларининг ижобий томонларидан бири – тилининг соддалигидир. У ўз асарларини содда тилда ёзди ва бошқаларни ҳам шундай ёзишга чақирди.

З. М. Бобур дунёвий адабиётнинг гўзал намуналарини яратган лирик шоир ва зўр илмий - тарихий қимматга эга бўлган мемуар асар – “Бобурнома”нинг муаллифидир.

Бадий наср намунаси бўлган “Бобурнома” ҳам содда ва образли тилда ёзилган. Ушбу мемуар асари орқали Бобур адабий тилни халқ жонли тилига яқинлаштирган. У тил бойлигининг ошишига ва тилнинг содда бўлишига ҳаракат қилган ҳолда, кам қўлланган сўзлардан ўринли фойдаланиб, ўзбек тили луғат заҳирасини оширган. Она тилимизнинг ўрганилмаган қирраларини очиб беришга ҳаракат қилган.

«Бобурнома» жуда қимматли тарихий-баддий асар бўлиб, унда Ўрта Осиё, Афғонистон, Ҳиндистон каби мамлакатларнинг XV аср охири – XVI аср бошларидаги аҳволи, географияси, сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёти ўз аксини топган.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур халқ таълими мазмунига катта ҳисса қўшди. Халқнинг осон савод чиқариши хақида



кайғуриб, имлонинг осон белгиларини яратди. Ёзма ва оғзаки нутқнинг раvon ва тушунарли бўлишини талаб этиб бориш билан нутқ маданиятини тарғиб этди. Энг мураккаб ҳисобланган аруз назариясини далиллар билан шарҳлаб адабиётшунослик фанига, маълум маънода, янгиликлар киритди.

**188-машқ.** Саволларга оғзаки жавоб беринг.

– 3. М. Бобурнинг она тилимизнинг ривожига қўшган ҳиссалари ҳақида сўзланг.

– Адабиёт дарсларида олган билимларингиз асосида “Бобурнома” асари ҳақида сўзланг.

– Бобурнинг ўғлига ёзган мактубини айтиб беринг.

– Нима учун Бобур ўғли Хумоюнни танкид қилади?

– “Ҳатти Бобурий” ҳақида нималарни биласиз?

**189-машқ.** Қуйида “Бобурнома” дан берилган парчани ўқинг. Мазмунини сўзлаб беринг.

## I

... Ахлоқ ва атвори: ханафий мазхаблик, покиза эътиқодлик киши эди. Беш вақт номозни тарк қилмас эди, умрий қазоларини тамом қилиб эрди, суҳбатларига бисёр мушарраф бўлиб эди. Ҳазрат Хожа ҳам фарзанд деб эрдилар...

## II

... Ҳеч нимарса ўқуғон эмас эди, оми эди. Бовужудким шаҳрида улғайиб эди, турк ва содда эди. Таъбидин баҳраси йўқ эди. Одил киши эди. Ҳазрати Хожанинг ҳам аёғлари арода эди. Аксар муҳиммат шаро чариҳи била файсал топар эди. Аъд ва ховлига рост ва дуруст эди. Ҳаргиз андин хилофа зоҳир бўлмади...

**190-машқ.** 3.М.Бобур каламига мансуб туюқлардан берилган намуналарни ўқинг. Ажратиб кўрсатилган сўзларнинг маъносини изохланг.

Жонға солди даҳр ғурбат **норини**,

Кўз ёшим бўлди мўғулнинг **норини**.

Бу арода мен дегандек бўлмаса,

Кўзлай Иссиқ кўлу андин **норини**.

То кўнгул бердим ўшал қайсарига,  
Борганини билмадим қай сорига,  
Дўстлар, ёрға мени соғиндулинг,  
Солсангиз ногоҳ кулок қай сарига.

### Ил охиридаги такрорлаш

#### Савол ва топшириқлар

1. Гаплар тузилишига кўра қандай турларга бўлинади?
2. Боғланган қўшма гап таркибидаги содда гаплар ўзаро қандай боғланади?
3. Қайси вақтларда боғланган қўшма гапларда вергулишлатилади ва қайси вақтларда ишлатилмайди?
4. Эргаш гапли қўшма гаплар қандай гаплардан ташкил топади?
5. Эргаш гаплар бош гапга қандай воситалар билан боғланади?
6. Бош ва эргаш гапларнинг ўрни ва уларда тиниш белгиларининг ишлатилишини изоҳланг. Эргаш гапнинг бош гап ўртасида келган ҳолатига доир мисоллар келтиринг.
7. Эргаш гапнинг турларини сананг. Феълнинг шарт майли кўшимчаси *-са* қайси эргаш гапларни бош гапга боғлашда иштирок этади?
8. Эргаштирувчи боғловчилар (*чунки, шунинг учун*) қандай эргаш гапни бош гапга боғлайди? Фикрингизни мисоллар асосида изоҳланг.
9. Бир неча эргаш гапли қўшма гаплар хақида нималарни билиб олдингиз?
10. Бир неча эргаш гапли қўшма гапларни оғзаки нутқингизда кўллаб кўринг ва буларни қатнаштириб ўзингиз хоҳлаган мавзуда эссе ёзишга тайёрланинг.
11. Боғловчисиз боғланган қўшма гапларда қандай тиниш белгилари ишлатилади? Икки нукта (:) ва тире (-) нинг кўлланишига оид мисоллар келтиринг.
12. Адабий тил услублари нима? Услубларнинг бир-биридан фарқи кўрсатиш учун турли услубларда яратилган матилардан келтиринг.
13. Ўзбек тилининг туркий тиллар тизимидаги ўрни қандай?
14. Ўзбек алифбоси тарихи ҳусусида нималарни биласиз?
15. Ўзбек адабий тилининг шаклланиши ва тараққий этишида қайси мутафаккирларнинг ўрни бекиёс?

**191-машк.** Гапларни хис-ҳаяжон билан ўқиб, нуқта ўрнига ундов белгиси қўйинг. Гап мазмунида бўлган ўзгаришни оғзаки баён қилинг.

1. Наврўз байрамингиз муборак, дўстлар. 2. Нима қилсангиз ҳам майли, фақат тезроқ хал қилинг, ўртоқ судья, Менинг бирдан-бир ўтинчим – шу. 3. Менинг билганларим шу бўлса, билмаганларим, эшитмаганларим қанчадан-қанча. 4. Салом, янга, ҳорманглар, мана бир гала бўлиб ҳол-аҳвол сўрагани келдик. (*Ч.А.*) 5. Яхши, у ўзбекча жавоб қилсин, сиз таржима қилинг. 6. Давлатпаноҳ, Ўшдин беш нафар чопар биз сари келмиш. (*Қ.М.*) 7. Энди, катталик эмас, эркалик, ака, бир хизмат қиласиз-да. Хўп денг, ака. Оқкўрғондан дараклаб келдик, йўқ деманг, ака, биз ҳам тушунадиган одаммиз. (*Ў.Х.*)

**192-машк.** Қуйидаги гапларнинг кесимига кесимликни кўрсатувчи қўшимча, боғлама ёки тўликсиз феъл қўшиб, эга ва кесим орасидаги тире (-) ни тушириб қолдириг.

1. Ватан тақдири – ҳар бир кишининг тақдири. 2. Умр – ариқдан оққан сув. 3. Шошқалоклик – хатонинг онаси, ғазаб – нодонликнинг отаси. 4. Маслаҳатсиз иш – ўринсиз ташвиш. 5. Имон ва эътиқод – қалбнинг маҳсули. 6. Инсонни фош қилувчи ўзининг – тили. 7. Бугунги меҳнат эртанинг осойишталиги. (*М.*) 8. Шолғом – бутгуллилар оиласига кирувчи илдизмевали сабзавот. 9. Жисмоний меҳнат – соғлик гарови.

**193-машк.** Ўқинг. Гаплар кесимидаги кесимликни кўрсатувчи қўшимча, боғлама ёки тўликсиз феълни тушириб қолдириг, эга ва кесим орасига тегишли белги қўйинг.

1. Тил поклиги қалб гўзаллигидир. 2. Ялқов ўз оиласи учун чўғсиз оловдир. 3. Узун тил бошга тўкмоқ, бўйинга сиртмоқ бўлади. 4. «Ўтган кунлар» муҳаббат ҳақида яратилган, эскирмайдиган, замонлар тўфонига бардош бера оладиган кўшиқдир. (*М.Қўшиқонов*) 5. Д.И. Менделеевнинг элементлар даврий тизимини тузиши кимё фанининг буюк муваффақиятидир. (*Журн*) 6. Одамларнинг руҳини кўтариш тўғрисида ўйлаш одамийлик белгисидир. (*Р.У.*) 7. Одоб – ёшликнинг хусни, қариликнинг нуридир. 8. Қалбларга чирок ёқувчи ҳам, бор чирокни ўчирувчи ҳам тилдир. 9. Ёшликдаги ноҳўя ҳаракат қариликнинг шикастидир. (*Х.*)



**194-машқ.** Ўқинг. Уюшиқ бўлақлар орасига кўйилган вергулни «ва» ёки «хамда» боғловчиси билан алмаштириб кўчиринг.

1. Назаримда, дунёда Дуйшэндан ўтар олим, ундан ўтар ақлли одам йўқ эди. (Ч.А.) 2. Сув остидаги ранг-баранг тошлар, ўйнаб юрган балиқчалар ўзини кўз-кўз қиларди. 3. Чўпоннинг чуқур кўзлари кўп ғам чеккан одамникидай сўлғин, кексанамо. 4. Тақдир менга мард, танти, фозил дўст берди. (П.Қ.) 5. Байрам куни ҳамма бизнинг янги дўппимизга, кўйлагимизга ҳавас билан қараётгандек туюларди. 6. Ўйин-кулги, шодон шовқин осмонни титратарди. (Ў.Ҳ.)

**195-машқ.** Ўқинг. Гапларни уюшиқ эгалар билан кенгайтириб кўчиринг.

1. Жимликни болаларнинг шовқини бузарди. 2. Бу ернинг узумлари новвотдай ширин бўлади. 3. Тўйхонада яна кўшиқ бошланди. 4. Боғимизда ўрик гуллади. 5. Дилноза парваришлаган атиргуллар чаман бўлиб очилди.

**196-машқ.** Ўқинг. Гапларни аммо, лекин, бироқ боғловчилари ёрдамида уюшиқ кесим билан кенгайтиринг.

1. Оксокол бир нима демоқчи бўлди. 2. Нигора бу хушхабарни дархол дугонасига айтди. 3. Нодира синчиклаб қаради. 4. Зумрад бўлиб ўтган воқеалардан хабардор эди. 5. Бобоси уни анчагача кутди.

**197-машқ.** Ундалмани гап бошига ва охирига кўчириб ўқинг. Унинг гап мазмунига қандай таъсир этганини айтинг.

1. Йўқ, ойи, мен қайтиб бормайман. (Ў.Ҳ.) 2. Гапиравер, Тўлғаной, гапиравер. Бугун сўз сенга. Ҳикоянгни давом эттиравер. (Ч.А.) 3. Жуда уят бўлди-да, Мирзам, ҳаммамиз маломатга қолдик! (П.Қ.) 4. Юринг, шоир, гап бор. (С.А.) 5. Қани, шаҳзода, отдан тушинг. (Т.Қ.)

**198-машқ.** Уюшиқ бўлақларнинг гаптаги вазифасини аниқланг ва тагига чизинг.

1. Ақлли одам кўрганидан ибрат ва эшитганидан сабоқ олади. (Ҳ.) 2. Кечга томон бир зумда шамол, чанг-тўзон кўтарилди. 3. У тепаликдаги чуқур нам қорга кирди. (Ш.Ҳ.) 4. Қушлар каттакон сувсиз саҳродан учиб ўтдилар. 5. Дадам

жуда ақлли, юраги тоза, одамларга меҳрибон бўлган. 6. У эски мактабда пишиқ маълумот олган, ўқиш-ёзишни яхши билган, зехни ўтқир, жуда саводли бўлган. (3. Саидносова)

**199-машқ.** Умумлаштирувчи сўзларнинг гапдаги вазифасини аниқланг ва тағига чизинг. Тиниш белгиларнинг қўлланилишига диққат қилинг.

## I

1. Атрофдаги барча нарсалар: барра ўтлар ҳам, ёмғир сувида ювилган япроқлар ҳам, дарахтларнинг коп-қора таналари ҳам ой нурида яраклаб кетди. 2. Меҳнат одамларни учта фалокатдан: ҳасад, муҳтожлик, қасалликдан халос қилади. (Ҳ.) 3. Нахотки, у ҳам фарзандидан, ҳам Муқаддамдан, ҳам истеъдодидан – ҳамма-ҳаммасидан бир йўла айрилган бўлса! (Ў.Ҳ.) 4. Аммамлар, амакиваччалар – барчалари хурсанд бўлиб кетишди. (Ш.Ҳ.) 5. Бутун оила аъзолари: бувиси, дадаси, ойиси, икки акаси хонтахта атрофида ўтиришарди. 6. Бинафшалар, лолалар – баҳор гуллари очилди. 7. Ер ҳайдаш, ариқ-зовурни техника ёрдамида тозалаш, чигит экиш, ғўзаларга ишлов бериш ... – ҳамма-ҳаммаси муҳандиснинг зиммасида. (Ж. Қурашев)

## II

1. Катта-кичик, эркак-аёл – ҳамма кўчага чиқиб олган. 2. Маҳалла оксоқолининг олдига турли одамлар: дўқондорлар, косиблар, қассоблар маслаҳат сўраб келишарди. 3. Қўшиқ садолари унинг қулоғи тагида борган сайин каттиқроқ жаранглар, дунёдаги ҳамма нарсани – майни ҳам, пулни ҳам, ташвишларни ҳам унутишга, ширин ўтмишни эслашга мажбур қила бошлади. (Ў.Ҳ.) 4. Бу анжуманга зиёлиларнинг турли вакиллари: фан ва маданият арбоблари, адабиёт ва санъат кишилари, ўқитувчилар, врачлар тўпланган. 5. Шўрванинг эти, мойи, суви – бари сизники бўлади-ю, яна нима дейсиз? (О.) 6. Тўйга коворма чучвара пиширишми, қатлама қилишми, кувё-келиннинг бошидан сочки сочишми – ҳаммаси онасининг зиммасида эди. 7. Яна уч нарсага: тилга, нафсга, хирсга эҳтиёт бўлмоқлик ғоятда зарур, дерди у. 8. Муборак жума куни Самарқанд аҳли: катта-ю-кичик масжиди жомеда жам бўлдилар. (Х.Д.)

**200-машк.** Ўқинг. Уюшган ва уюшмаган аниқловчиларни белгиланг. Тиниш белгиларининг кўлланилишини изохланг.

## I

1. Фафур Фуломни ҳамиша кулиб, кулдириб юрадиган кувнок одам деб билардим. (С.А.) 2. Бу новча, киррабурун, кўп саргузаштларни бошидан кечирган йигит бизни Бухорога чин дилдан таклиф этди. (Ш.Х.) 3. Қизнинг тухум оқидай ғуборсиз юзидан кўз узолмади. (Т.Х.) 4. Уйдан узун, юпка чопон кийган қора кош, қизил юз бир одам чикди. (С.З.) 5. Ақобирнинг назарида, Ҳасан кал пулдор, бойвачча киёфасида кўринди. (Ш.Х.) 6. Кўзойнакли ёшгина йигит уларга ниманидир ҳикоя қилмоқда. (С.А.) 7. Боғнинг тўрт томонини ўраган баланд янги паҳса девор бўйлаб шафтолилар ўсади. 8. Оксоқол елкада хуржун тўла бахмал, атлас, ҳар хил тугма, зирак, балдоқлар билан маҳалла айланарди. (С.А.)

## II

1. Ўтирган одамларни оралаб қора кўйлак кийган новча хотин югуриб келмоқда эди. (Т.Қ.) 2. Ер юзига ёмғирнинг дастлабки йирик-йирик томчилари келиб тушди. 3. Ариқнинг ўнг қирғоғида шохлари ҳар тарафга тарвақайлаб кетган каттакон ёнғоқ бор эди. (С.А.) 4. Типратикон ювош кўрингани билан йирик захарли илонлар ва қорамолларга ҳам қаршилиқ кўрсата олади. (Журн.) 5. Ақобир зехли, андишали, бир сўзли ва кўнгли ярим йигит эди. 6. Энг яхши ёзувчилар ҳамма вақт одам ҳаёти, одам камолоти, одам тақдири ҳақида ўйлаган. (Ас.М.) 7. Совуқ, хунук увиллаган товуш янграб, хавода тарқалиб кетди. (Ч.А.) 8. Ўрта бўйли, хипчадан келган бу йигит қурилишда ишлар эди. 6. Инсон табиат билан иноқ, уйғун яшаши, унга қўполлик қилмаслиги керак. (Ас.М.)

**201-машк.** Алишер Навоийнинг «Маҳбубул-қулуб» асаридан келтирилган мақол ва ҳикматларни ўқинг. Қўшма гапларни ажратиб, турини аниқланг.

- Қозонга яқин юрсанг, кароси юқар.  
Ёмонга яқин юрсанг, балоси юқар.
- Тилга ихтиёрсиз – элга эътиборсиз.
- Вафосизда ҳаё йўқ, ҳаёсизда вафо йўқ.
- Эр кишига зебу зийнат ҳикмат ва донишдир.

• Душман гуруридин ғам ема ва маддох хушомадин чин дема.

• Хўб йиртиқ тўн била ҳам хўб, гул ямоғлиғ чопони била махбуб.

• Билмагани сўраб ўрганган олим ва орланиб сўрамағон ўзига золим.

• Оз-оз ўрганиб доно бўлур, катра-катра йиғилиб дарё бўлур.

• Сихат тиласанг кўп ема, иззат тиласанг кўп дема.

• Яхши либос танга оройиш, яхши йўлдош жонга осойиш.

• Кўнгил махзанининг қулфи тил ва ул маҳзаннинг қалидин сўз бил.

**202-машиқ.** Куйида берилган мақолларнинг мазмунини шархланг ва синтактик таҳлил қилинг...

Темирни қизигида бос. Қолган ишга қор ёғар. Ош мазаси –туз билан. Киши оласи ичида, йилки оласи сиртида. Она юртинг омон бўлса, рангу рўйинг сомон бўлмас. Юрт кўрисанг, ўзарсан, кўримасанг, тўзарсан. Тулки ўз уясига қараб хурса, кўтир бўлади. Ялқовга эшик остонаси ҳам тоғ тепасидек кўринади. Ер хайдасанг, куз ҳайда, куз хайдамасанг, юз хайда. Отанг мироб бўлгунча, еринг қуйи бўлсин.

**203-машиқ.** Матнини ўқиб, мазмунини сўзланг. Аввал кўчирма гап иштирок этган жумлаларни кўчиринг. Сўнгра уларни ўзлаштира гапга айлантириб ёзинг.

### **«Манас» – қирғиз халқининг қаҳрамонлик эпоси**

«Манас» қирғиз халқининг қаҳрамонлик эпоси бўлиб, у генеологик циклдаги эпик трилогия – «Манас», «Семетей», «Сейтек»дан ташкил топган; уларда дoston бош қаҳрамони Манас, унинг ўғли Семетей, Семетейнинг ўғли Сейтекларнинг қаҳрамонона орқали қирғиз халқининг турмуши кенг тасвирланади. Дoston қирғиз халқининг ўнлаб асрлик тарихий кечмишини бадий гавдалантиради.

«Манас» дostonида тасвир кўлами ҳам ниҳоятда кенг; унда қирғиз халқи ўтмиш ҳаётининг деярли барча соҳалари камраб олинган. Дostonни илк бор ёзиб олган Ч. Валихонов



уни «Чўл Илиадаси» деб атаган эди. «Манас» – деб ёзади у, – қирғизларнинг барча мифлари, эртаклари, ривоятларини бир даврга мувофиқлаштирилиб, ягона шахс – баҳодир Манас теварагида уюштирилган энциклопедик мажмуадир... Қирғизларнинг турмуш тарзи, урф-одати, географияси, диний ва табиий билимлари, халқаро алоқалари бу улкан энциклопедияда ўз аксини топган».

Улуғ қозоқ олимнинг бу фикрларини ҳозирги тадқиқотчилар ҳам тўла қувватлашади. «Манас» – миллий қомус ҳамдир, – деб ёзади Й.Хатунцев, зеро унда ҳамма нарса – доривор гиёҳлардан тортиб фалсафий ақидаларгача мавжуд.

Эпоснинг биринчи қисмида Олтойга сургун қилинган халқ босқинчи ёвларнинг зулмидан озод бўлиб, қирғиз халқининг ўтмишдаги идеал қаҳрамони, афсонавий йўлбошчиси – Манас бошчилигида Олатовга қайта кўчиб келиши, кўплаб ташқи душманларга қарши кураши тасвирланади. «Семетей» билан «Сейтек»да эса тасвирнинг афсонавий-қаҳрамонона руҳи биров пасайиб, биографик мавзу кенгрок ўрин олади, бунда «ички ёвлар»га кураш мотиви асосий ўринга чиқади.

Достоннинг асосий пафоси – миллий-ватанпарварлик ғоясини тараннум этишдир. Шунинг учун ҳам Чингиз Айтматов уни «Қадимги қирғиз миллий руҳининг сарбаланд чўққиси» деб атаган эди.

Фольклор асари сифатида «Манас» қаҳрамонлик эпоси жанрининг энг мукамал намуналаридан бири саналади. Достонда турли даврларга ҳос эпик қатламлар сақланиб қолган. Ундаги қадим афсона ва мифлар ҳам асар бадий тўқимасига кўшилиб кетган. Ўз вақтида В.В.Радлов «Манас» эпосини ўрганиш қаҳрамонлик эпоси шаклланишини англашда бой материал беради, деб ҳисоблаган эди. Чиндан ҳам жонли эпик аънаналарнинг бугунги кунгача сақланиб қолганлиги бунда катта роль ўйнайди. «Манас» ҳозирги замонда – телевидение ва китоб асрида ҳам ижро этиладиган ер юзидаги энг ноёб эпослардан биридир, – деб ёзади В.Хатунцев. Тадқиқотчиларнинг «Манас» эпоси ҳақидаги кўпдан-кўп фикрларини эътироф этган ҳолда, айтиш лозимки, «Манас» эпоси қаҳрамонлик эпосларининг энг баркамол намуналаридан биридир.

«Манас» бошқа жуда кўп туркий халкларнинг шу типдаги дostonларидан бадий шакл хусусиятлари ва ижро усулининг бошқачалиги билан ҳам фаркланиб туради. Чунончи, унинг матни бошдан - оёқ шеърий шаклда бўлиб, насрий парчалар деярли учрамайди. Дoston эл орасида «манасчи» деб улуғланадиган окинлар томонидан чолғу асбоби жўрлигисиз регетатив тарзда, имо-ишора, оҳанг ва қўл ҳамда гавда ҳаракатига таянган ҳолда ижро этилади.

«Манас» эпосининг жуда кўп вариантлари бор. Ҳажми эса икки миллион мисрадан ошади... (*Журн.*)

**204-машқ.** Ҳар бир гапнинг аввал бош бўлақларини, сўнг сўз бирикмаларини тартиб билан (мослашув, бошқарув, битишув) кўчириб ёзинг.

1. Мехнаткаш одам фиск-фасод гапларни билмайди. (*Х.*)
2. Мехнаткаш қўл эҳсон сўрамас. (*Арман мақоли*)
3. Ўз тили тагида маҳфийдир одам. (*Ф.А.*)
4. Аҳмоққа мақтов ёқади. (*С.*)
5. Юзта хумдаги тиниқ сувни бир томчи сирка ачитади. (*Бедил*)

6. Дунёни куч бошқармайди, ақл бошқаради, аммо ақл кучга таянади. (*Паскаль*)

**205-машқ.** Кўчирма гапларни ўзлаштирма гапга айлантириб ёзинг. Бунда рўй берган грамматик ўзгаришларни изоҳланг.

1. «Ўз камчилигини сезмаслик – нодонлик», – деган эди Л. Толстой.

2. Наполеон: «Хазинаси бор одам бой эмас, хазинасидан фойдаланадиган одам бойдир», – деган эди.

3. «Мақтаб – ёшлик гулшани, – деди донишманд, – болалар эса унинг ранго-ранг бебаҳо ниҳоллари».

4. Ўткир Ҳошимов шундай дейди: «Обрў топишнинг энг тўғри йўли – камтарлик».

5. Улуғ саркарда, ватандошимиз З.М.Бобур: «Фарғона вилоятида сафо ва хавода Ўш чоғлик қасаба йўқтур», – деган эди.

6. Ота ўғлига: «Кимнинг ҳиммати баланд бўлса, унинг кадр-қиммати ҳам баланд бўлади», – деди.

**206-машқ.** Тиниш белгиларини кўйинг, сабабини тушутиринг.

1. Билим маърифат албатта яхши ахлоқ билан безатилмоғи лозим. (Х.) 2. Сўз фикрни ифодалайди фикр равон бўлмаса сўз ҳам мужмал бўлади. (Белинский) 3. Камтар бўлдинг – гавҳар бўлдинг. (М.) 4. Ким ҳеч кимни севмаса менимча уни ҳам ҳеч ким севмайди. (Демокрит) 5. Устига кийган бекасам тўни ўзига шундай ярашганки биз қизлар ихтиёрсиз унга қарадик. (А.Қод.) 6. Кўз кўзга тушса меҳр кўзғолур. (М.) 7. Февралнинг охирлари қорлар эриб қиш чекина бошлаган аммо ҳали кўклам келмаган. (Ҳ.Х.) 8. Бўшамаса тил ғийбатдан

Бўшамайди дил укубатдан. (Ф.Аннор)

**207-машқ.** Ҳ.қинг. Уюшиқ бўлақларни аниқланг. Қайси гап бўлақлари уюшганини изоҳланг. Шеърни ёд олинг.

### Қирғизистон

... Ҳтлоқлар тиззадан, даралар сулув,  
Кўлларида сузар суксур ва окқув.

Қаёнига борма – булоқ тиниқ сув,

Қаёнига борма – омон-омон бу –

Қирғизистон бу!

Лоланинг оқини кўрдим бу юртда,

Зумрад кўк тоқини кўрдим бу юртда.

Жўмард бир сақийни кўрдим бу юртда...

Иссиқ кўл эмас бу – чексиз омон бу –

Қирғизистон бу!

Қишлари оппоғу, ёзлари салқин,

Қирғиз кўзларида ярқирай ёркин.

Меҳнат, манглай тери оқин ва оқин,

Юз элдан келганга илиқ ошён бу –

Қирғизистон бу!

(Миртемир)

**208-машқ.** Ҳ.қинг. Уюшиқ бўлақли гапларни кўчириг. Қандай бўлақлар уюшганини аниқлаб, тағига чизинг.

### Фарғона тоғ отгунча

... Қишлоғини томоша қилиб келаётган Фуломжон :

– Жаннат, жаннат дейишади-ю, жаннат деганлари Қора-  
бўлоғимиздан яхшимикан, – деди у ўзида йўқ қувониб...

...Фуломжон турган ерида тахта бўлиб қотиб қолди. Кўзлари рўпарада, рўпарасида кўриб турган дўзах азобида. Ана, кўшнинг бир томонида кир, ямоқ пойчаларини шимариб олган ярим яланғоч нимжон эркак. У кўшнинг кўндаланг ёғочини гоҳ чап елкаси билан, гоҳ ўнг елкаси билан чираниб итаради.... У чикалдак оёқларини ерга кадаб, ёғочни итаради ва сира тинмай кичик ўғлига буюради:

-Ҳайда бўтам, ҳа, бўшаштирма, бўшаштирма!... (М. И.)

**209-машқ.** Ўқинг. Аввал икки бош бўлакли гапларни, сўнг бир бош бўлакли гапларни кўчиринг.

1. Инсон меҳнати билан улуғланади. (М.)

2. Инсонни билиш учун уни севиш керак. (Фейербах)

3. Баҳорга ҳам, тонгга ҳам оналар меҳр улашганлар. (Ҳ.)

4. Ақлли бўлишнинг ўзи кифоя эмас, ақлни ишлата билиш керак. (Цицерон) 5. Ҳазилни ҳам тузга ўхшаб меъёрида ишлатиш керак. (Пифагор) 6. Ақлли жавоб олишни истасанг, ақлли савол бер. (Гёте) 7. Тилнинг ақлдан олдин кетишига йўл қўйма. (Хилон) 8. Уруш! Номинг ўчсин жаҳонда,

Ҳамон битмас сен солган алам! (З.)

9. Тўғрини де, тўғрини кўр, тўғри юр,

Тўғри эшит, тўғри гапир, тўғри тур. (А.Ж.)

**210-машқ.** Ўқинг. Гап бўлаклари билан грамматик алоқага кирмаган сўзларни аниқлаб, турини айтинг.

1. Мукаддас эса (ажабо!) гўё ҳеч нарсани сезмас, у нимагадир севинар, ҳадеб куларди. (О.Ё.) 2. Ота-онага нисбатан хурмат ва муҳаббат, ҳеч шубҳасиз, мукаддас туйғудир. (Белинский) 3. Орадан зум ўтмай, Умриниса билан Салима (Шерхўжа буларни танимайди) боғ ичига кириб кетдилар. (Ҳ.Ғ.)

4. Меҳрингни соч менга, она табиат! (Ч.А.)

5. Эй, биров касдига чоҳ қазган инсон,

Оқибат ўзингга қўясан қопкон. (Румий)

6. Бу баҳор айёмида, гул-ғунчалар, хандон бўлинг.

Куйла, чал сөзингни, булбул, дўстларим шодон бўлинг.

7. Оқ суту тузи пок, эй она диёр!

Сен фаҳрим, ғурурим, белимга мадор. (М. Улуғбек)



**211-машқ.** Кўчиринг. Гаплар таркибидаги қавс ичида берилган қисмларга эътибор беринг. Улар нима мақсадда қўлланганини ва қандай вазифа бажараётганини айтинг.

Кўпчилик ўсимликларнинг ер остки (илдиз системаси) қисми ер устки (поя ва шохлар) қисмига нисбатан эгаллаган майдони, узунлиги жиҳатидан бир неча баравар ортик эканлиги исботланган. 2. Витамин С (аскорбин кислота) кўп қиррали ахамияти билан бошқа витаминлардан ажралиб туради. (*Журн.*) 3. Марҳум менинг оғам эди (у буғи авлодининг ҳаммасини ўз оғаси санарди). (*Ч.А.*) 4. Ўнқунлик қатнашчилардан катта бир гуруҳи орден ва медаллар билан мукофотланибди (у пайтларда орден олиш жуда катта бахт ҳисобланарди). (*С.А.*) 5. Ерга тириклай кўмиб кўйилган, ўн кун ётиб ҳам ўлмайдиган, кавлаб олинганда юриб кетадиган фақирлар (йоглар) Ҳиндистоннинг сеҳру жодуси кўплигига уни яна бир ишонтирган эди. (*П.Қ.*) 6. Чўлбобонинг (эсингдами, Тоштемир, сен у вақтда ўттизга кирган кирчиллама йигит эдинг) боғидан келтирилган сават-сават мевалар тўй дастурхонига кўйилганда меҳмонларнинг кўзи ёнди. (*Х.Ғ.*)

**212-машқ.** Авлиёхон Эшоннинг «Ёмғирдан сўнг» шеърини ўқинг. Тил гўзаллиги ва тасвирлар бўёқдорлиги қайси мисралар орқали ифодаланганини аниқланг.

### Ёмғирдан сўнг

Бошдан-оёқ ҳўл бўлган дарахт  
Новдасида гул тошар бўртиб.  
Майсаларнинг устидан офтоб  
Бармоқларин олар югуртиб.

Арикларнинг икки ёкасин  
Ишғол этар ялпиз кўшини.  
Боши узра кўтариб турар  
Нимжон гўза ёмғирпўшини.

Майин эпкин эркалаб суяр  
Шойигулнинг гунчаларини.  
Бинафшалар енги ичидан  
Узатади қўлчаларини.

Боғ устига ҳовуч ва ҳовуч  
Нур ёғилар окшомга довур.  
Жилдираган булоқ бошидан  
Кўтарилар осмонга ҳовур.

**213-машқ.** Аввал содда гапларни сўнг кўшма гапларни кўчиринг.

1. Сахийлик бобида ҳатто куёш ҳам оналар олдида хижолатда қолади. (X.) 2. Она куёш, унинг меҳр тафти ҳеч қачон совимайди. (X.) 3. Онанинг дили оғриси, ер ҳам титрайди. (X.) 4. Куёш кўтарилиб қолган, ҳайдалган ер устидан нимтатик буғ кўтарилар, тупрокнинг майин, дилни орзиқтирувчи иси димоққа урилар эди. (Ў.X.)

**214-машқ.** Матнни ўқинг. Қайси нутқ услубига оидлигини айтинг. Қўлланилган тиниш белгиларининг қўйилиш сабабини изоҳланг.

Қишлоқ аҳоли яшайдиган пункт маъносидаги сўзлардан биридир. Бу сўз аслида йил фасли тушунчасини билдирувчи киш сўзидан таркаган: «киш»га феъл ясовчи *-ла* (*қиш-ла*) ва ўрин-жой оти ясовчи *-қ* кўшимчалари қўшилиб, қишлоқ (*қиш-лаш жойи*) ҳосил бўлган.

Аждодларимиз қадимда чорвачилик билан шуғулланишган ва кўчманчиликда яшашган. Улар ёз фаслини кенг яйловларда, киш фаслини эса, махсус масканларда – қишлоқ жойларида ўтказишган. Аслида, қишлоқ қишлоқ тарзида пайдо бўлиб, қиш-лаш, қишни ўтказиш жойи маъносини билдирган. Ҳозирги вақтда қишлоқ сўзи мустақил қўлланади ва қиш-лаш макони тушунчасини ифода этади. Хусусан, «Чорва қишлови» деб қўллашда унинг ана шу маъноси кўзда тутилади.

Ҳозирда қишлоқ сўзининг киш сўзи билан боғлиқлиги унутилган. Чунки қишлоқ сўзи ифодасидаги дастлабки тушунча ҳаётдан узоқлашиб, ўз ўрнини йўқотган. Масалан, деярли барча қишлоқларнинг қиш-лаш макони тушунчаси билан алоқадорлиги деярли сўнган. Ўзингиз билган қишлоқларни бир тасаввур қилиб кўринг-а, ўша қишлоқлар йилнинг барча фаслида гуллаб-яшнаб, хўжаликлар марказига айланаётир. Ҳозир вилоятимизда шаҳарлар билан ҳам рақобатлаша оладиган замонавий қишлоқлар йўқ дейсизми?!

Сўз ифодалаган дастлабки маъноларнинг унутилиши, унда бошқа, янги маъноларнинг пайдо бўлиши тилда муттасил содир бўлиб турувчи конуний жараёнлардан биридир. Қишлоқ сўзининг маъноси ҳам ана шу жараён туфайли ўзгарган.

(А. Бердиалиев)

**215-машқ.** Шеърни ифодали ўқинг. Ажратиб кўрсатилган бирикмаларнинг қандай маънода қўлланганини изоҳланг.

Мен шунчаки ўйлагим келмас,  
Хаёл — шароб мисол, килсин сархуш, маст.  
Мен шунчаки куйлагим келмас,  
Овоз пардаларим чидаб берса бас.  
Шунчаки кулмоқ ҳам истехзодек гап,  
Бирдан ках - ках урай, чўчиб кетсинлар  
Бошларига осмон тушгандай қулаб,  
Ғафлат бандалари ёқа тутсинлар.  
Шунчаки йиғлаш ҳам ярашмас бизга,  
Уни эплар факат юраги тошлар.  
Шундай йиғлай, хожат қолмасдан сўзга,  
Қурғоқ кўзлардан ҳам куйилсин ёшлар.  
Шунчаки ёзмокқа кўнгил тўлмайди,  
Шунчаки ёзмокқа бормайди кўлим.  
Шунчаки ёзганга чидаб бўлмайди,  
Шунчаки ёзмок бу – шоирга ўлим. (Х. Худойбердиева)

**216-машқ.** Матнни ўқинг. Уюшиқ бўлакли гапларни кўчиринг. Боғловчи воситаларнинг таъғига чизинг. Тиниш белгиларининг қўлланишига диққат қилинг.

Халкимиз бой ва кўхна тарихга эгадир. Тарих саҳифаларини варақлар эканмиз, жаҳон маданиятига катта ҳисса қўшган, ўзбек халқи маданиятини жаҳонга танитган ажойиб аجدодларимиз борлигига гувоҳ бўламиз.

Ўзбек халқи тарихида салоҳиятли шоҳ бўлиш билан бирга илм-фан билан, санъат билан шуғулланган ва улкан мерос қолдирган шахслар талайгинадир. Хусайн Бойқаро. Бобур, Улуғбек, Шайбоний, Феруз, Умархон каби шахслар ана шундай бекиёс таланти соҳиблари бўлганлар. Улар ичида Хусайн Бойқаро алоҳида ўринга эгадир.

Унинг хаёт йўли, ижодий мероси хақида Бобурнинг «Бобурнома», Мирхонднинг «Равзат-ус сафо», Хондамирнинг «Мақорим-ул ахлоқ», «Хулосат-ул ахтар», Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матла-ул саъдайн», Восифийнинг «Бадое-ул вақое», Навоийнинг барча асарларида, хусусан, «Тарихи мулуки Ажам», «Мажолис-ун нафоис», «Муҳокамат-ул луғатайн» сингари асарларида маълумотлар бор.

Хусайн Бойқаро Темур авлодидан бўлиб, Мирзо Мансур бинни Мирзо Бойқаро ўғлидир. Султон Хусайн Мироншоҳга набира бўлади. Онаси эса Темурнинг набираси Ферузабегим эди. Кўринадики, Хусайн Бойқаро ҳам ота тарафдан, ҳам она тарафдан Темур авлодига мансубдир.

Хусайн 7 ёшга етганда, отаси Султон Фиёсиддин Мансур вафот этди. У 14 ёшгача онаси тарбиясида бўлиб, сўнг Абулқосим Бобур саройида хизмат қилади. Кўп жангу жадалларни, дарбадарликни бошидан кечиради. Астрабодни эгаллаб, тахтга ўтиради. Олтин пулларга ўз суратини чиздириб, ўз мустақиллигини тасдиқ эттиради. Курашлар оқибатида Ҳирот тахтини эгаллаб, узоқ йиллар тахтда муқим бўлиб қолади. Хусайн Бойқаро Ҳиротда тинчлик ўрнатгач, улкан ободончилик ишларини амалга оширади. Бобур тили билан айтганда, Султон Хусайн замонида «Мирзонинг тасарруфидин ва такаллуфидин» Ҳиротнинг зеб ва зийнати ўн маротаба, балки йигирма марта ортган эди.

Хусайн Бойқаро Амир Темур сингари юртни обод қилмоқ, санъат ва адабиёт тараққиётига раванқ бериш ишига катта ҳисса қўшди.

Хусайн Бойқаро даврида Ҳирот бутун Шарқда илм, санъат ва адабиётнинг яшнаган марказига айланди.

Султон Хусайннинг катта хизматларидан бири шундаким, мамлакатда ўттиз йилча нисбий тинчлик ўрнатишга муваффақ бўлди. Оқибат, маданий хаёт гуллаб яшнади.

*(Б.Жалилов)*



## ШАРТЛИ ҚИСКАРТМАЛАР

*А.О.* – Абдулла Орипов  
*А.Қ.* – Абдулла Қахҳор  
*А.Қод.* – Абдулла Қодирий  
*А.Ж.* – Абдурахмон Жомий  
*А.Н.* – Алишер Навоий  
*Ас.М.* – Асқад Мухтор  
*Газ.* – Газетадан  
*Журн.* – Журналдан  
*З.* – Зулфия  
*И.Р.* – Иброҳим Раҳим  
*Л.Т.* – Лев Толстой  
*«М.»* – «Манас» эпоси  
*М.* – Мақол  
*М.И.* – Мирзакалон  
           Исмоилий  
*М.М.* – Мирзохид  
           Мирзараҳимов  
*М.О.* – Миркарим Осим  
*Мирм.* – Мирмуҳсин  
*Мирт.* – Миртемир  
*М.Ю.* – Муҳаммад Юсуф  
*Н.Ф.* – Носир Фозилов  
*О.Ё.* – Одил Ёқубов  
*О.* – Ойбек  
*П.Қ.* – Пиримкул Қодиров  
*Р.* – Рудакий  
*Р.Н.Гун.* – Рашод Нури  
           Гунтегин

*Р.У.* – Раҳим Усмонов  
*С.А.* – Саид Аҳмад  
*С.Айн.* – Садриддин Айний  
*С.З.* – Саида Зуннунова  
*С.* – Саъдий  
*Т.М.* – Тохир Малик  
*Т.Қ.* – Тологон  
           Касимбеков  
*У.* – Уйғун  
*Х.Д.* – Хуршид Даврон  
*Э.А.* – Эркин Аъзамов  
*Э.В.* – Эркин Воҳидов  
*Энцикл.* – Энциклопедия  
*Ч.А.* – Чингиз Айтматов  
*Ш.Р.* – Шавкат Раҳмон  
*Ш.Х.* – Шукур  
           Холмирзаев  
*Ш.* – Шухрат  
*Ў.Ҳ.* – Ўткир Ҳошимов  
*«Қ.»* – «Қобуснома»  
*«Қ.Б.»* – «Қутадғу билиг»  
*Қ.М.* – Қўлдош Мирзо  
*Ҳ.Н.* – Ҳаким Назир  
*Ҳ.* – Ҳикмат  
*Ҳ.О.* – Ҳамид Олимжон  
*Ҳ.Ф.* – Ҳамид Фулом

## МУНДАРИЖА

1-§. Ўқув йили бошида такрорлаш.....	3
2-§. Синтаксис ва пунктуация.....	5
3-§. Сўз бирикмаси.....	7
4-§. Гап.....	13
5-§. Содда гап.....	15
6-§. Тўлик ва тўликсиз гаплар.....	16
7-§. Бир бош бўлакли гаплар.....	23
8-§. Атов гаплар.....	27
9-§. Уюшиқ бўлакли гаплар.....	30
10-§. Уюшиқ бўлақларнинг ўзаро боғланиш йўллари.....	32
11-§. Уюшиқ бўлақларда тиниш белгиларининг ишлатилиши.....	33
12-§. Уюшиқ бўлақларда умумлаштирувчи сўз ва тиниш белгиларининг ишлатилиши.....	34
13-§. Ажратилган бўлакли гаплар.....	39
Такрорлаш учун топшириқлар.....	43
14-§. Ундалма.....	44
15-§. Ундалмали гапларда тиниш белгиларининг ишлатилиши.....	46
16-§. Кириш ва киритмали гаплар.....	51
17-§. Кўчирма ва ўзлаштирма гап.....	58
18-§. Кўчирма гапларнинг ўрни ва уларда тиниш белгиларининг ишлатилиши.....	59
19-§. Кўчирма ва уларда тиниш белгиларининг қўлланилиши.....	64
20-§. Диалог ва унда тиниш белгилари.....	67
21-§. Қўшма гап ва унинг турлари.....	69
22-§. Боғланган қўшма гаплар.....	72
Такрорлаш учун топшириқлар.....	77
23-§. Эргаш гапли қўшма гаплар.....	79
24-§. Эргаш гапнинг ўрни ва унда тиниш белгиларининг ишлатилиши.....	81
25-§. Эргаш гапнинг бош гапга боғланиш йўллари.....	83
26-§. Эргаш гапнинг турлари.....	86
27-§. Бир неча эргаш гапли қўшма гап.....	95
28-§. Мураккаб қўшма гаплар.....	99

29-§. Боғловчисиз кўшма гаплар ва уларда тиниш белгиларининг ишлатилиши.....	105
30-§. Кўшма гап услубияти.....	112
31-§. Боғланган кўшма гаплар синонимияси.....	115
32-§. Эргаш гапли кўшма гапларда грамматик воситалар синонимияси.....	117
33-§. Боғловчисиз ва боғловчили кўшма гаплар синонимияси.....	121
34-§. Адабий тил услублари.....	122
35-§. Сўзлашув услуби .....	125
36-§. Расмий-идоравий услуб.....	126
37-§. Илмий услуб.....	127
38-§. Публицистик услуб.....	129
39-§. Бадиий услуб.....	130
Такрорлаш учун топшириқлар.....	133
40-§. Матн – энг йирик синтактик бирлик.....	137
41-§. Туркий тиллар. Ўзбек тилининг туркий тиллар tizимида тутган ўрни.....	140
42-§. Ёзувларнинг пайдо бўлиши ва тараққиёт босқичлари. Ўзбек алифбоси тарихи.....	145
43-§. Ўзбек адабий тилининг шаклланишида М. Қошғарий ва «Девону луғотит турк» асарининг ўрни .....	149
44-§. А.Навоийнинг она тили ривожигадаги амалий хизматлари.....	150
45-§. “Муҳокаматул-луғатайн” ва унинг ўзбек тили тараққиётида тутган ўрни.....	151
46-§. Ўзбек адабий тили тараққиётида З.М.Бобурнинг ўрни.....	153
Йил охиридаги такрорлаш.....	155

Оқуу басылмасы  
А. Нурманов, С. Халтураев, М. Мирзахидова,  
Д. Абдуллаева.

**ЎЗБЕК ТИЛИ**  
11-класс үчүн оқуу китеби  
(өзбек тилинде)

Ўқув нашри  
Нурмонов А., С. Халтураев, М. Мирзохидова,  
Д. Абдуллаева.

**ЎЗБЕК ТИЛИ**  
11-синф учун дарслик  
Биринчи нашри

Мухаррир: *А. Ўринбоев*  
Техник редактор: *М. Аҳмедов*  
Саҳифаловчи: *М. Болтабоева*

Босмахонага 02.05.14. берилди. Босишга рухсат этилди 20.08.2014-й.  
Формат 60x90 1/16. Uzb\_Times New Roman гарнитураси.  
Ҳажми 10,75 босма табоқ.  
7000 нусхада. Буюртма 12

«Принт-Экспресс» нашриёт-полиграфия комплекси.  
Бишкек шаҳри. Куренкеев кўчаси, 89-уй.





